

ПОЁН *Рахманов*

АМИР
ТЕМУР
СУЛОЛАСИ



МАЖБУРИЙ
НУСХА



ЎЗБЕК ИСМ ДАВЛАТИ

ТОШКЕНТ

2014

УЎК: 821.512.162(09)

КБК: 63.3 (5У)4 - *УЎБ. тарихи*

P-13

Равшанов, Поён

Амир Темур сулоласи: роман. / П.Равшанов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 652 б.

ISBN 978-9943-27-184-5

Жаҳоншумул фотиҳлар, улуг сулола ва салтанатга асос солган ҳукмдорлар шахсияти, оилавий маданияти, фарзандлари, набиралари, келинлари, қариндош-уруғлари, қуда-андалари, хуллас, турмуш тарзи, ҳаёт йўли ҳамиша улкан қизиқишлар боиси бўлиб келади.

Соҳибқирон Амир Темур ва унинг Марказий Осиё, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистонда беш асрга яқин ҳукм сурган сулоласи беназир катта хонадонни ташкил этади. Шажаранинг бардавомлиги бевосита давлат аҳамиятига молик бўлган оилавий тарбияга боғлиқ бўлганлиги, ўзликни, шаъни, ор-номусни сақлаш халқимизда узоқ асрлар давомида сайқал топган миллий менталитет, урф-одатлар, удумлар бағрида етилганлиги, равнақ топганлиги Соҳибқирон тамал тошини қўйган тожу тахт ворислари ҳаёт йўли мисолида кенг кўламда тадқиқ этилди. Мавжуд тадқиқотларда доимо сиёсат талқини соясида қолиб келган Амир Темур ва Темурийлар оиласи, уларнинг феъл-атвори, табиати, шижоати, сифатлари, сурат ва сийратлари, бошқарув қобилятлари, айрича фазилятлари, қусур ва заиф жиҳатлари тарихий манбалар воситасида олдинги маррада ёритилди, инкишоф этилди. Асар шу жиҳати билан эътиборга лойиқдир.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Муҳаммад Али,


Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Ашраф Аҳмедов,

Тарих фанлари доктори, профессор.

ISBN 978-9943-27-184-5

© Поён Равшанов, «Амир Темур сулоласи». «Янги аср авлоди», 2014 йил.



**Азиз ва суюкли укам, тиббиёт фанлари
номзоди, олий тоифали шифокор,
АБДУЛЛА РАВШАНОВнинг порлоқ
хотирасига бағишлайман.**

МУАЛЛИФ

Инсонлар бўладикки, миллатининг, давлатининг тақдирида мислсиз ўрин тутади, даҳоси, зақоси, салоҳияти билан жаҳоншумул аҳамият касб этади. Фотиҳлик ва ватанпарварлик, илм ва санъат, ботирлик ва шижоат, муборизлик-паҳлавонлик билан ҳам дунёга таниладиган, тарихлардан мангуга жой оладиган, буюклик касб этган кишилар бўлади. Ёмонлик ва яхшилик орқали танилишда ер билан осмонча тафовут бор. Нерон, Чингизхон, Гитлернинг одамзодга қилган ёвузликларини ўтмиш ҳам, бугун ҳам унутмайди. Ленин зўравонлик билан вужудга келтирган қизил салтанат, унинг давомчиси Сталиннинг қатаронга асосланган ҳукмронлиги миллионлаб беғуноҳ кишиларнинг қонини дарё қилиб оқизди. Етмиш тўрт йил давомида Совет иттифоқи деб аталган, мустамлакалардан иборат қурама мамлакат аҳолиси қулик исканжасида ҳаёт кечирди, қорни ёлчиб нонга тўймади, усти бут бўлмади. Иқтисодий таназзуллар доимо сиёсий зулмни – қамаш, отиш, бадарға жазо чораларини кўришга, халқни мудом қурқувда, бош кўтартирмасликда сақлашга мажбур этади. Шу боисдан ҳам одамларга фаровонликни, тўкин-сочин коммунизмни ваъда қилган тузум умри, у ниҳоятда қудратли, даҳшатли оммавий қирғин қуролига эга бўлмасин, тарихан олганда, жуда қисқа бўлди.

Милоддан бурунги IV – III асрларда Оврўпо ва Осиёнинг аксар мамлакатларини забт этган Александр Македонский – Искандар Моқидуний салтанати ҳам

икки аср нари-берисида ҳукм сурди. XIII асрнинг ёвуз жаллоди Чингизхон асослаган тўрт улус умри ҳам бир ярим асрга етмади. Гитлер қабоҳати-чи? XX асрни қонга ботирган фашизм 20 йил умр кўрдими? Зўрлик билан тикланган истибдод империялари омма томонидан қабул қилинмаганлиги туфайли, узоққа бормайди. Бунга кейинги уч минг йиллик тарихдан истаганча мисоллар топса ва келтирса бўлади. XIV асрнинг 70-йилларидан эътиборан барпо этилган, Амир Темур ҳазратлари яловбардор бўлган туркий давлатчилик ва унинг XIX аср сўнглирига қадар нафақат ўз юртида, шунингдек, Ҳиндистонда давом этган сулоласи бардавомлигини жаҳон афкор оммаси яхши билади. Хорижий тарихларга «Буюк мўғул империяси» номи билан кирган салтанат Соҳибқирон авлоди намояндаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан боғланади. Темурийлар сулоласининг тўрт асрдан ортиқ Осиёнинг марказида, Эрон, Хуросон, Ироқ, Шом, Ҳиндистонда давлат тепасида бўлиши фавқулодда сиёсий феномен эди, дейиш ўринли бўлади. Зўравонлик билан узоққа кетиб бўлмас экан, унда бу салтанат умрини қайси омишлар узайтирган – бу саволга дабдурустдан жўяли жавоб топиш унчалик осон эмас. Жавобни сулоланинг ҳукм сурган ҳар бир шахси фаолиятдан, феъли атворидан, дунёқараши, билимидан, инсон сифатидаги турмуш тарзидан – оилавий ҳаётдан ахтариш қутилган натижаларни беради, деб биламан. Сиёсат юртиш кўп жиҳатдан шахсий фазилатларга бориб тақалади. Бунга қадим муаррихлар ҳам эътиборда тутганлар. Оилавий муҳит, қандай тарбия олганлик, мақсадмуддаонинг нимага қаратилганлиги билан бир қаторда, илоҳий тақдирнинг ёзиғи шахс табиатида, тақдирда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилади. Плутарх, Искандарнинг она қорнида ҳомила сифатида вужудга келиши ҳақида бир нақл келтиради. Филипп ва Олимпиаданинг никоҳ тўйлари бўлиб, гўшангага кирган тунда, келин бўлмиш туш кўради.

Момақалди роқ туриб, яшин чақнайди ва келиб Олимпиаданинг қорнига урилади. Ҳамма ёқни аланга қоплайди, ёнаётган оловнинг тили ҳамма тарафга қараб чўзилади ва сўнади. Бу тушнинг таъбири кейинчалик Александрнинг жаҳонгирлик иқтидори дарағи сифатида талқин этилади.

Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий «Абдуллонома» деган асарида Чингизхоннинг туғилиши ҳақида, «549 ҳижрий йилда Улун энага Чингизхонга ҳомиладор бўлган эди. Ўша йили Чингизхон қутли бахт ва муборақ толе билан йўқлик пардасидан борлиқнинг бош манзилига қадам қўйди. У бир қисм миқдорда жигарпорадек увиган қонни ўнг қўлининг кафтида тутамлаган ҳолда олам саҳнига тушди. Бу маъни оқиллар олдида шунга далилки, бу қон тўкишга далил бўлади. Бас, унинг ўзгаларнинг қонини тўкиши давлат эгаси бўлган кунлари ва ҳукумат тепасида турган замонда бир мартабага етдики, оқибатда қон ичувчи Баҳром (яъни, Марс сайёраси) Ноҳид юлдузи чодирининг остида яширинди. Бунда «бузуқлик қиладиган ва қон тўкадиган шахсларни давлат тепасига қўйсанми» ояти (Қуръони Карим, 2-сура, 30-оят) мазмуни юзага чиқади», деган нақлни зикр этади.

Ибн Арабшоҳ дейдики, «Темур туғилган кечаси ҳавода қандайдир учиб юрган темир қалпоқчага ўхшаш бир нарса пайдо бўлган. Кейин у кенг бўшлиққа тарқалиб, ер юзига ёйилиб кетган эмиш. Ундаги чўғ ва учқунга ўхшаш нарсалар ҳар томонга сачраган ва уйилиб, ҳатто ўтроқ ва бадавий жойларни ҳам тўлдириб юборган эмиш. Яна айтишларича, Темур туғилганда унинг қўллари янги қонга буланган экан». Бу кейинги иқтибос мушоҳада этиб кўрилганда, унинг мазмуни Искандар ва Чингизхон туғрисидаги нақлларнинг қоришмаси эканлигини пайқаш қийин бўлмайди. Фақат яшин ва момақалди роқ ўрнини «учар ликопчалар» – темир қалпоқчага ўхшаш жисм эгаллаган.

Тасаввуфий-тарихий, бадий йўсиндаги туркий ва форсий «Темурнома»ларда ҳам Темурбекнинг таваллуди билан боғлиқ ғайритабiiий афсоналар талқин этилади. Эҳтимол, даҳоларнинг туғилишига табиат бe-фарқ эмасдир. Ҳақиқатда, шундай ўзгаришлар, тушдаги аломатлар содир бўлгандир. Ҳарҳолда улар оддий одамлардан ақли, кучи, иродаси, эртани кўра билиши, билими, мардоналиги, ўлимдан қўрқмаслиги, энг муҳими, одамларни ўзига жалб этиши ва орқадан эргантира олиш қобилияти билан ажралиб турганлар. Бу инсон вужудининг битмас-туганмас қудрати билан боғлиқ ҳодисадир. Уларда шундай лаёқат бўлган. Оддий кишиларда ҳам шундай лаёқатнинг унсурлари бўлади, уларни парваришлаган, меҳнатлари билан сайқаллаганлар, такомилга етказа оладиганлар, олим, муҳандис, шоир, паҳлавон кабилар бўлиб таниладилар.

Амир Темур шахсида инсоннинг олий вужудига хос фазилатлар мукамал ва тўла мужассам бўлган. Ундаги жозоба, сурат ва сийрат, оддий одамлардан тубдан фарқ қилувчи қобилият – сўз билан ифода этиш қийин бўлган илоҳий муҳофаза, бошқалар билмагани билиш, бошқалар кўрмаганини кўриш, ташқи қиёфа кўркамлиги, қатъият, баҳодирлик, ҳатто овознинг жалб этиш оҳанги, муомала маданияти, ишонтира олиш хусусияти унинг бутун фаолияти чизгиларида, қутбларида тажассум топади. У ғайриоддий одам бўлмаганидек, бошқаларга ҳам ўхшамаган. Унинг феъл-атворида, юриш-туришида, мақсадга интилишида ва унга етишувида юқорида айтилган сифатлар бирин-кетин намоён бўла боради. Ҳозирга қадар унинг буюклиги, улугворлиги, жаҳонгирлиги, халоскорлиги туркий давлатчилиكنи тиклаганлиги, мамлакатни тараққиётга олиб чиққанлиги, илм-фан, маданият равнақига йўл очганлиги, қавмларимизнинг ўзбек миллати бўлиб шаклланиши ва жипслашувидаги улкан ҳиссаси тўғрисида кўп ва муттасил гапирилди, талай-та-

лай асарлар яратилди. Яқин ўтмишдаги қарашларни, ҳақиқатни тескари, бузиб талқин қилишларга қарама-қарши ўлароқ, Амир Темур туғма давлат арбоби, ўзбек халқининг бахтига битган бетакрор йўлбошчи эди, деб баралла айтишимиз ўринли бўлади. Бежизга унинг исми шарифига «Соҳибқирон» нисбаси қўшилмаган, унинг қутлуғ таваллуди осмон сайёраларининг саккиз юз йилда бир марта содир бўладиган қирон ҳолати – хосиятли жамланиш, қутбланиш вақтига тўғри келиши шарофатидан эди.

Соҳибқирон Амир Темур ҳақида 1988 йилдан буён имконим даражасида қалам тебратиб келаман. Шу йили «Қашқадарё ҳақиқати», кейинроқ «Ёшлик» журналида босилган «Амир Темур муҳри» деган мақолам учун жавоб беришимга тўғри келган. Вазиятнинг ижобий томонга ўзгариши, Мустақиллик насими эса бошлаши йўлимни очган, 1990 – 1991 йилларда «Темурнома»ни тезкор табдил қилишимга тўғри келган эди. Кейин «Амир Темур туғилган жой ёхуд Занжирсарой қиссаси», «Қашқадарё тарихи» асаримдан катта бир боб, «Амир Темур ватани», «Амир Темур ва Амир Ҳусайн қиссаси», «Амир Темур хонадони» асарларимни, «Шаҳрисабз тарихи» китобимдан асосий бобни шу мавзуда ёздим ва XIV асрнинг биринчи ярмидан XVI аср бошларига қадар бўлган Ўзбекистон тарихида Соҳибқирон ва унинг ворислари тутган ўринни талқин этишга интилдим. Қарийб чорак асрки, Амир Темур ҳақида ўқишдан, изланишдан, ёзишдан толиқмадим. Бунга ўзимдаги қизиқиш билан бир қаторда, Соҳибқирон ҳақидаги тадқиқотлари, тарихий бадиий асарлари билан танилган олимлар ва ижодкорларнинг, журналистларнинг, яқинларимнинг, дўстларимнинг далдаси, даъвати қанот бериб келди.

Ҳар йили Шаҳрисабзда, апрел ойининг бошида Соҳибқирон таваллудига бағишланган анжуман сабаб, атоқли адиб, Соҳибқирон тўғрисида салмоқли тарихий асарларни ёзган Ўзбекистон Республикаси халқ

ёзувчиси Муҳаммад Али билан учрашамиз, суҳбатлар қурамиз. 2012 йил 4 апрелда адибимиз каминага Амир Темур ҳазратлари ва у Зотнинг ҳарамлари тўғрисида жуда бўш, тарихий воқеликни тўғри талқин этишдан йироқ китоблар ёзилаётганлигини айтиб, бу борада фаолроқ бўлишимга истак билдирадilar. Бундан сал олдин, Ёзувчилар уюшмаамизнинг Қашқадарё вилояти бўлими масъул котиби, таниқли шоир Исмоил Тўхтамишев «Соҳибқирон юлдузи» журналига Амир Темур ҳазратларининг оилавий ҳаёти ҳақида мақола ёзиб беришимни сўради. Бир неча йил бурун Амир Темур хонадонни тўғрисида кичик бир рисола битган эдим. Қўлимга олиб кўрдимда унинг гоят мухтасарлигидан қониқмадим. Муиниддин Натанзий, Ҳофиз Аbru, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Фасих Хавосфий, Абдураззоқ Самарқандий, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, Ибн Арабшоҳ ва бошқа ўрта асрлар муаллифларининг, кейинги даврлар муаррихларининг асарларини қайта бошдан мутолаа қилишни бошладим. Мутолаа асносида Амир Темур ҳазратлари хонадонининг тарихига, айниқса, оилавий муносабатлар тарихига жиддий эътиборни қаратдим. Жамиятни онадан ажратиб талқин қилиш мумкиндир, лекин оилани жамиятдан айри ҳолда талқин этиб бўлмайди. Соҳибқирон мансуб бўлган хонадонни ана шу кейинги оин бўйича тадқиқ этишга киришдим. Дастлабки битикларим матбуотда, «Қашқадарё» ва «Дарё» газеталарида босилди. Ўқувчилар муносабатни дарров аён бўлди, кўпчиликни «буюк», «улуг» каби кўп такрорланган тавсифлар зериктирган экан чоғи, қаҳрамонларимнинг инсонлар сифатидаги ҳаёт йўли тасвири уларни қизиқтириб қолди. Битта мақола билан чекланаман, деб ўйлагандим. Фикримни ўзгартиришимга тўғри келди. Таҳририят мақоланинг давомини сўрай бошлайдди. Шу тариқа, «Оила шаъни ёхуд Амир Темур ва Темурийларнинг оила обрўси ва бардавомлиги йўлида олиб

борган ишлари хусусида» деб номланган тадқиқотларим эслатилган рўзномаларда 2012 йил апрел ойидан – йил охирига қадар мунтазам чоп этиб борилди. Баъзида улгура олмай, чалғиган пайтларим ҳам бўлди.

Бир куни оилавий гурунглариимиздан бирида биродарим Абдулла Равшанов ярим ҳазил, ярим чин қилиб, «Қашқадарёликлар Поён Равшанов «Оила шаъни»ни давом эттирмайдиган бўлибди, деб упкалаб юрибди», деб қолди. Укам кенг билимли, зукко, тиббиёт соҳасида қирқ беш йил давомида ишлаб келаётган, адабий-маданий давраларда ўз фикрини айта оладиган, олий тоифали шифокор, тиббиёт фанлари номзоди, вилоят соғлиқни сақлаш тизимида раҳбарлик вазифаларда фаолият кўрсатган, қўпчилик билан мулоқот қилиб турадиган, тарихга ниҳоятда қизиқадиган инсон эди. Мен, хижиллик билан «Бир оз чалғишлар бўлди, аммо бошлаган ишимни ниҳоясига етказаман», дедим. Шунда укам Абдулла Равшанов «Ака, албатта, давом эттиринг, одамлар шундай асарни кутаётирлар. Олдиндан айтиб қўяй, бу китобингиз ёзган асарларингизнинг энг сараси бўлади», деди. Бу сўзлар, табиийки, менга жуда катта далда бўлди. Шу суҳбат бўлиб ўтгандан бир ой ўтдими-йўқми, менинг ҳассос танқидчим, асарларимнинг биринчи ўқувчиси ва баҳоловчиси бўлган фозил инсон Абдулла Равшанов 67 ёшида ҳаёт билан видолашди, Аллоҳ Таоло унинг охиратини обод, жойини жаннатдан ато этган бўлсин. Шукрки, у кишига берган ваъдам устидан чиқмоқ насиб бўлди, «Оила шаъни» бир яхлит китоб ҳолига келтирилди. Унга «Амир Темур сулоласи» деб ном бердим. Бу мавзудаги ишни давом эттиришни, XVI асрдан XIX асрга қадар бўлган даврни, Соҳибқирон ворисларининг сулолавий-оилавий ҳаётини қамраб олувчи тадқиқот ҳақида ҳам ўйлаб қўйдим. Армон шуки, бу китобимга катта қизиқиш боғлаган укам орамизда йўқ, бир тасалли шундаки, улуғ бобокалонимиз ва унинг фарзандлари, набира-

лари ҳаёт йўлига бағишланган шу асаримни укамнинг порлоқ руҳига бахшида этдим.

Улуғ мақсадлари йўлида Соҳибқирон катта йўқотишлар берган, фарзанд ва набиралар доғини кўрган, аммо олижаноб ниятлардан қайтмаган, уларга ақл-идрок, сабр-тоқат, куч билан эришган, шу фазилати сабаб, жаҳоншумуллиқ касб этган. Ота-боболаримиздаги буюк хислатлар ибрат дорилфунунидир. Камина ҳам шу дорилфунундан озгина сабоқ олганимдан бахтиёрман.

Китобнинг вужудга келишига туртки ва далда берган, матбуот нусхасини қизиқиш билан ўқиган дўсту қадрдонларга, муҳтарам мухлисларимга яхши тилак-лари, маслаҳатлари учун самимият ила миннатдорчилик билдираман.

ОИЛА ТАРИХИДАН

Бў ёруе дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳаммиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Ислам КАРИМОВ

Оилавий ҳаёт ҳамма замонларда, барча даврларда ҳам шахсий турмушнинг мўътабару муқаддаси сана-либ келинган. Унинг асослари ўзига хос ҳуқуқий меъ-ёрлар билан ҳимояланган. Оила жамиятнинг муҳим бўғини эканлиги тушунчаси азалдан умум томонидан қабул қилинган, эътироф этилган ҳолатдир.

«Авесто» шоҳидлигига кўра, улуғ аждодларимиз макони бўлиб келган юртимизда оиланинг вужудга келиши, шаклланиши тарихи қуп минг йилларни қам-райди. Милоддан бурунги IX – VIII асрларда эр ва хотин бўлиб яшаш, бу икки жинс шахснинг ўзаро итти-фоқи – биргаликда ҳаёт кечирish, рўзгор юритиш, бола-чақа тарбиялаш, оилавий идора усуллари амал-да шаклланган бўлиб, ҳаётда амал қила бошлаган эди. «Авесто»да оила нмана деб аталгани айтилади. Патри-архал – ота бошқарувига асосланган хонадон бошлиғи «нманопати» – уй ҳукмдори дейилган. Оилада аёлни-нг, онанинг ўрни ва ҳурмати катта бўлган.

Марказий Осиёда бўлгани каби, қадим Ўзбекистон-да оиланинг бир қанча турлари мавжуд бўлган ва узоқ асрлар давомида ўз идеал шакллари-ни сақлаб қола олган. Бу сирага, энг аввало, уч ёхуд ундан ортиқ ав-лод биргаликда яшайдиган хонадонни киритиш жоиз бўлади. Бу улкан оилада ота-она, уйланган фарзанд-лар, уларнинг бола-чақалари, уйланмаган ўғиллар, уза-тилмаган қизлар бирга, жипсликда яшаган. Бундай хонадонда уйлантириладиган фарзанд учун келин ота уйига тушириб келинган ва оила яна бир ҳалқага кат-талашган. Оилаларнинг улканлашиб бориши шу – ўғил-ларнинг уйланиши ҳисобига бўлган.

Яна бир яхлит оила шакли иккинчи турга мансуб деб ҳисобланади. Бу оилада икки, ёинки, ундан ортиқ ака-укалар – уйланганлари аёллари, болалари билан, уйланмаганлари ҳамда узатилмаган опа-сингиллари биргаликда истиқомат қилиб келганлар. Бу хонадонни катта ака бошқарган. Оиланинг бу тури анчайин мураккаб кўринишга эга бўлади. Эр ва хотин, уларнинг балоғатга етмаган болаларидан иборат оила учинчи хил хонадон деб эътироф этилади. Оила тарихига доир бу чекинувларни бежизга келтирмаётирман. Оилавий ҳаётнинг бу кўринишлари қанча асрлар кечган бўлса-да, кейинги даврларга қадар айтарли ўзгаришларсиз воқе бўлиб келди. XIV–XVI асрларга, Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар даврига мурожаат этилганда ҳам, оилавий шамойилнинг зикр этилган шакллари ва хилларини кузатиш мумкин бўлади. Бошқача айтганда, дунёда ҳамма нарса вақтлар ўтиши билан номини, моҳиятини, кўринишини ўзгартириши мумкин, аммо оилавий ҳаётда шакл ва мазмун деярли асл ҳолида бардавом эканлигини, шу хусусиятига кўра, уни олимлар идеал ҳисоблашларини таъкидлашга ҳожат йўқ. Динлар, эътиқодлар ўзгаради, жамиятлар алмашинади, сиёсатлар турланади, бироқ оилавий ҳаёт – жамиятнинг асосий бўғини бўлган эр-хотин бирлиги шаклига, моҳиятига путур етмайди. Ўзгарувчан омилар, ўз навбатида, оила мустаҳкамлигига диний, мафкуравий жиҳатдан маълум таҳрирлар киритишини ҳам истисно этиб бўлмайди. Бу ўринда Марказий Осиёда ислом динининг қабул қилиниши ва оила, никоҳ масалаларидаги тамойилларни кўзда тутаётирман.

Ислом дини аҳкомлари юртимизда қадимдан ҳукм суриб келаётган оила тизимига монелик қилмади, аксинча, оилада катталарга, ота-оналарга ҳурмат, кичикларга мурувват ғоясини сингдириш билан уни янада мустаҳкамлади. Катта хонадонларнинг муҳим ижобий жиҳати иноқликда эди. Бундай оилаларда ёшлар кат-

талардан яшаш сирларини, ҳунар, касб – ижтимоий ва оилавий ҳаёт тажрибаларини, дунёқараш ва ўзлигини ўрганадилар. Бундай оилаларда асрий анъаналар, урф-одатлар авлоддан-авлодга бекаму қўст ўтиб, жамоавий яшашнинг афзал томонлари ўзлаштирилади. Катта хонадонларнинг эл-улуснинг тинчлиги, равнақида ҳиссаси сезиларли бўлади.

XIX асрнинг сўнгида В. Наливкин ва М. Наливкина Фарғона водийсида улкан патриархал оилалар мавжудлиги ҳақида маълумот берган эдилар. Наманганда XX аср бошларида 60-70, баъзида 100 кишини қамраган оилалар бўлган. Масала моҳиятига шу нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, Амир Темур ва Темурийлар хонадони унчалик катта патриархал оилалардан эмаслиги аниқ бўлади. Фасиҳ Ҳавофийнинг «Мужмали Фасиҳий» асарида қайд этилганидек, Соҳибқирон Амир Темур вафот этган пайтда унинг ўғиллари ва набиралари 36 кишидан иборат эди. Бунга хотин-халаж ва келинларни қўшадиган бўлсак, 60, 70 нари-берисидаги рақам келиб чиқади.

Жаҳоншумул ҳукмдор Осиё ва Африка қитъасида жойлашган қанчадан-қанча мамлакатларни идора қилган, бу хонадондан етишган авлод – сулоланинг умумий ҳисобда 347 йил тожу тахтда бўлгани далили, ҳеч бир истисносиз, оила, тарбия, қобилият ва туркий давлатчилик анъаналарига узвий боғланади. Буларнинг ҳаммасини жамлаб, бир калимада – оила шаъни ва бардавомлиги деб ифодалаш мумкин.

Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар даврида оила, унинг шаъни қай даражада тутилганлигини, мазкур сулоланинг бошловчилари ва давомчилари турмуши мисолида, ўша асрларда жорийда бўлган оила муносабатларидан келиб чиқилган ҳолда ҳикоя қилишни мақсадга мувофиқ билдим.

ОИЛАНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Ҳар бир оиланинг ўз асосчилари бўлади. Қарочор нўён Шаҳрисабздан чиқиб, жаҳонда доврўқ ёйган Соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодларининг улуғ бобокалонидир. Бу сулоланинг бош бўғини бўлган Эрдумчи барлос. унинг 29 ўғлдан бири бўлган. Амир Темур шажарасида бешинчи бобо ҳисобланган Сўғуқ Чечанларни эста олиш жоиз бўлади.

Чингизхоннинг отаси Ясугай баҳодир Эрдумчи барлос вафот этганда унинг ўғли Сўғуқ Чечанни ўзига сипоҳсолор – қўшин бошлиғи қилиб олади. Ясугай баҳодир ва Сўғуқ Чечан кўп юришларда бирга бўладилар, тотор қавмларини тобе этиш учун жанглар олиб борадилар. Ясугайнинг ўғли туғилганда, унга исми шавкатли саркарда Сўғуқ Чечан қўяди ва уни Темучин (Чингизхон) деб атайдн.

Ясугай баҳодир хижрий 562 (1167) йилда вафот этади. Сўғуқ Чечан ҳам орадан бир неча кун ўтиб, ҳаётдан кўз юмади. Темучин – бўлажак Чингизхон отаси ўлганда 13 ёшда бўлган. Сўғуқ Чечаннинг ҳам Темучинга тенгдош Юсум ва Қарочор исми ўғиллари бўлиб, улар ўйинларда, машқларда бирга бўлганлар, дўст тутинганлар. Отаси ўлгач, Темучин ва унинг оиласидан ўз қариндошлари юз ўгирганда, Сўғуқ Чечан фарзандлари уларни ташлаб кетмайдн. Ҳарбий соҳада қобилиятли, жасур Қарочор, аксинча, Темучин ёнида бўлиб, тарафдорлар йиғишда, қўшин ташкил этишда жуда фаолиқ кўрсатади. Қўшин бошқарувида Қарочор ўтказган ислоҳотлар жангда иш беради, кичик-кичик гуруҳлардан тез ҳаракат қиладиган қучли лашкар тузилади. Қарочор нўён жорий этган мучалко усули ҳар бир сипоҳнинг шахсий масъулиятини ошириб, жангда кўрсатган шижоати эътибордан четда қолмаслигини таъминларди. Қарочор баҳодирнинг ҳарбий ислоҳотлари оқибати ўлароқ, Чингизхон кериёт, найман ва Муҳаммад Хоразмшоҳ қўшинларини мағлубиятга учратади.

Қарочор нўён Чингизхон салтанатида бош ҳарбий мақомни эгаллаган саркарда эди. Чингизхон Туркистонни истило этишда асосий баҳона бўлган беш юз кишилиқ савдо карвонини тузиш ва уни Муҳаммад Хоразмшоҳнинг чегара шаҳри Ўтрорга жўнатиш вазифасини Қарочор нўён ва унинг ўғилларига топширди. Туркистон ва Хуросоннинг забт этилишида Қарочор нўён ва унинг ўғилларининг хизматлари катта бўлган. Қарочор нўённинг укаси Тоғочор нўён Чингизхоннинг ўғли Тўлийхон билан биргаликда Эронни босиб олишда иштирок этади. Нишопур шаҳри учун бўлган қаттиқ жангларда Тоғочор кўрагон ҳалок бўлади. Бу воқеа ҳижрий 618 йил рамазон ойининг жума кунида (1221 йилнинг 22 октябри) юз беради.

Улуғбек Мирзо ўзининг «Тўрт улус тарихи» асарида, «Тоғочор кўрагон Қарочор нўённинг укаси ва Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг куёви эди», деб ёзади. Чингизхоннинг қизига уйланганлик сабабидан Тоғочор баҳодир исмига «кўрагон» нисбаси қўшиб айтилган.

Чингизхон ўз куёви қасдини олишга қаттиқ киришади, қўшимча кучлар Нишопур устига ёпирилади. Бу ишда, яна Улуғбек Мирзо шаҳодат берганидек, Тоғочор кўрагоннинг хотини, Чингизхоннинг қизи жидду жаҳд кўрсатади: «Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг қизи, Тоғочор кўрагоннинг рафиқаси ўзининг хайлу ходимлари билан Нишопур шаҳрига кириб, кимни учратмасинлар, қатл этдилар». Шу тариқа, Нишопурда 40 ҳунарманддан бўлак, «бирор жондорни ҳам тирик қолдирмаганлар».

Чингизхон ўлими олдидан ўғиллари ва набираларига тобе мулкларни бошқариш бобида сўнгги топшириқни берар экан, «Барча ишда Қарочор нўённинг донолиги ва ботирлигига ишонаман. Боқий давлат ва барча яқинларимизнинг тўғри раъйи Қарочор нўён билан ҳосилдир. Агар менинг дил розилигимни мулоҳаза қилсангиз, ҳеч бирингиз унинг равшан раъю фик-

ридан чиқмангиз», деб тайинлайди. Чингизхон иккинчи ўғли Чигатоӣ ва унинг улусидан безовта эди. Туркистон истило этилган бўлса-да, бу ўлкада ҳануз қаршилик ҳаракатлари босилмаган, Жалолиддин Мангуберди шиддатли жанглар олиб бораётганди. «Тўрт улус тарихи»да айтилганидек, Чингизхон шу сабабли Чигатоӣхонни Қарочор нўёнга топшириб: *«Менинг тириклик пайтимда мамлакат ва лашкар ишида қандай мақомга эга бўлсанг, мендан кейин Чигатоӣхон учун ҳам шу йўлни тутасан», деди. Уларнинг орасига отаболалик аҳдини солди ва икки томон бу аҳдномага имзо чекдилар. Ота-боболар аҳдномасини Чигатоӣхонга топширди».*

Мирзо Улуғбекнинг бу сўзларидан Чингизхон ўғли Чигатоӣ билан саркарда Қарочорни ота-бола қилишга – қув ва қайнота мақомда бўлишга ундаганлигини сезиш қийин эмас. «Малфузоти Темурий»да, шу жиҳатдан, эътиборга молик бир қайд мавжуд. Унда айтилишича, Чингизхон, *«Чигатоӣхонким, улуғ ўғли эди. Мовароуннаҳрга ҳоким қилди ва Қарочор нўён Суғуқ бинни Эрдамчи Барлос бинни Қочули Баҳодирни сипоҳсолор ва вакил этди ва Қочули била Кубулхоннинг аҳдномасидаким, биров-бировига муҳолифат этмасун, деб ёзилмиш эрди, ул аҳдномани чиқориб аларга топширди. Ва Чигатоӣхоннинг қизини Қарочор нўёнга ақд этди».* Шу асарда яна келтирилишича, Қарочор нўён Чигатоӣхоннинг қизидан Бахл нўён деган ўғил кўради.


Қарочор нўён ва унинг обо-аждоди шунга қадар ислом динида бўлмаганлар. «Малфузот»да бир ислом уламози билан Қарочор нўённинг мулоқоти зикр этилади. Қарочор нўённинг эътиқодича, *«Ҳар нарсанинг бир худойи бор ва ҳар кишининг бир Тангриси бордур».* Аллома унга, *«Муслмонларнинг эътиқодлари буюрким, кавни маконда қодир ва мухтор бирдурким, манинг илоҳимдур ва ҳамманинг илоҳидур ва ҳар нарсанинг, ҳар кишининг бир худойи йўқдур. Ҳам-*

манинг худойи бирдур», дейди. Қарочор нўёнга бу сўзлар маъқул тушади ва «Сизнинг сўзингиз ҳақдур, бир уйда бир Худо кофийдур», дейди.

Ислом дини, айрим қарашларга кура, X асрнинг ўрталаридан бошлаб, Қорахонийлар давлатида ёйила бошлаган. Чингизхон авлоди, Мовароуннаҳрни идора қилувчи Чигатой хонлари XIV асрнинг биринчи чорагига қадар мажусий динида бўлиб келганлар. Бир қанча вақт улуснинг пойтахти бўлган Қаршида ҳукм сурган Кепакхон (1318-1326) ислом динини қабул қилмаган бўлса-да, уни таъқибга ҳам олмаган. Ундан кейин тахтга келган укаси Тармаширинхон ислом динига киради, Шайх Ҳасаннинг қизига уйланади. Академик В.В. Бартольд айтганидек, «Унинг даврида (1326 йилда тахтга чиққан) ислом дини узил-кесил Мовароуннаҳрдаги мўғул хонлари ва уларнинг яқинларининг дини сифатида қарор топади».

Қарочор нўён ва унинг авлодлари исломни Чингиз ворисларига нисбатан анча олдин қабул қилган. Чигатой Мовароуннаҳрни идора қилиш ишларини Қарочор нўёнга топшириб қўяди. Улуғ саркарда ҳижрий 652 йилда (1254 й.) оламдан ўтади. 89 йил яшаган Қарочор нўённинг Эйжил, Элдуз, Есута, Валола, Нанзаа, Ясу Мунко, Элдор, Лола, Ширға, Ясука каби ўғиллари манбаларда тилга олинади. Чигатой вафотидан кейин, кўп ўтмай ҳаёт билан видолашган Қарочор нўён ўғиллари орасида мавқеи катта бўлганлари ҳам бор эди. Муборакшоҳ даврида «Чигатой улуси Эйжил нўённинг (Қарочор нўённинг тўнғич ўғли) яхши иш олиб боруви ва олижаноблиги туфайли жуда тинч ва ободон, эл эса унинг ҳимояси-ю эътибори соясида тотув ва шодмон» бўлади.

Соҳибқирон Амир Темурнинг шажараси Эйжил нўёндан бошланади ва қуйидаги силсилада келади: Амир Темур ибн Муҳаммад Тарағай ибн Барқул ибн Элангиз ибн Эйжил ибн Қарочор нўён. Муборакшоҳнинг Чигатой улуси тахтига чиқishi 1260 йилда Или



дарёси водийсида эмас, Мовароуннаҳрда, Оҳангарон воҳасида ўтади. Муборакшоҳ билан бирга кўпгина туркий уруғлар, жалойирлар, барлослар ҳам Мовароуннаҳрга кўчадилар. Жалойирлар Оҳангарон, барлослар эса Қашқадарё водийсида ўрнашадилар. Қарочор нўённинг Ясу Мунко, Ширға, Лола каби фарзандлари Қашқа воҳасининг юқори ва қуйи қисмларида ҳаёт кечирадилар. Ясу Мунко авлоди – Ҳожи Барлос Кешда, Лола оиласи ҳам унинг яқинида яшаган. Шу боисдан Лоланинг ўғли Жуғом Барлос доимо Ҳожи Барлос тарафида ҳаракат қилади. Қарочор нўённинг яна бир ўғли Ширға Ясу Мунко, Лола хонадонларидан фарқли ўлароқ, воҳанинг қуйи қисмига, ҳозирги Муборак тумани ҳудудларига келиб жойлашади. Аввалдан Эйжил билан Ширға фарзандлари муносабати яхши бўлади. Кейинчалик, Амир Темур юришларида бу авлоднинг эътиборли кишиси Амир Жоку ва унинг ўғиллари фаол иштирок этадилар.

Бир хонадонни ташкил этган ирмоқлар ўзани XIII аср бошларида янада узайиб, тармоқ ёйиб Қашқа воҳасининг туғди-битди қавмига айланади. Бир вақтлар мажусийлик удумлари асосида вужудга келган оилаларнинг янги давомчилари ислом ақидалари асосида эр-хотин иттифоқини қура бошлайдилар.

ОИЛА: ТЎРТ УСТУНЛИК ВА ТЎРТ ФАЗИЛАТ ЎЙГУНАЛИГИ

Қадимдан ҳамма динларда оила ташкил топиши, жипслиги асослари муқаддас китоблар йўриқлари бўйича шаклланган ва амал қилган. Оила тарихига оид фоя ва фикрларнинг дастлабки намуналарини айнан диний-тарихий манбалардан излаш лозимлиги ҳақиқатга яқин, дейилган қарашларда жон бор. Оиланинг тенглик, тўғрилиқ, ҳалоллик асосига қурилиши «Авесто»да – Зардуштийлик динининг муқаддас китобида бош эътибор қаратилган жиҳатдир. «Яшт»нинг

3-бобидаги Ахура Мазда қонунларида бу хусусият яққол кўзга ташланади: *«Тангри Митрани улуглаймиз. Унга ҳеч ким ёлгон гапира олмайди – на уйда оила бошлиги, на уруғ оқсоқоли, на қабила йўлбошчиси ва на мамлакат сардори. Агар уй эгаси... ёлгончи бўлса, газабланган Митра уларни тамоман йўқ қилади»*. Бу муқаддас сўзлар оила мустаҳкамлиги асоси тўғриликида, ёлгон аралашмаган турмуш тарзида эканлигини ўзида ифода этиб туради. «Авесто»даги иккинчи ҳикмат – оила бардавомлигининг тамал тоши меҳнат билан узвий боғланади. чунки *«ким ерни севса, уни ўнг ва чап қўли билан ҳамда чап ва ўнг қўли билан ишласа, ери серҳосил бўлади. Уни меҳнати эвазига ўз ҳосили билан бой-бадавлат қилади. Ўн беш ёшли қизни эркак севса ва уни хотин қилиб, ўз меҳрини берса, қиз унинг авлодини кўпайтиради, бардавом қилади. Демак ерни ва қизни севган эр ҳам ўзини бойитади, оиласини фаровон қилади»*. «Авесто»даги учинчи муқаддас йўриқ – соғлик талабидир. Соғлик кўп томондан таомга боғлиқ бўлади. «Авесто»да таъкидланишича, *«еб-ичмайдиган инсоннинг тоат-ибодат қилишга кучи бўлмайди. Эр-хотинлик вазифаларини адо этишга қуввати етмайди. бола туғдира олмайди»*. Аждодларимиз амал қилган бу муқаддас китобдаги оилага қўйиладиган талаблардан яна бири тотувликдир.

«Авесто» таълимотидан англашиладики, қизлар 15, ўғиллар 16 ёшда балоғатга етган деб ҳисобланган. Ўша пайтларда ҳам ёшларнинг ўзбошимчалик қилиб, оила қуришларига йўл қўйилмаган. Келтириладиган яна бир иқтибос фикрни ойдинлаштиради: *«Сугориладиган бир бўлак ери, подаси, айвонли ҳовлиси, 15 ёшли хотини бўлган, ўчоги, бола-чақаси бўлган, оиласини ўз меҳнати билан боқувчи, ерни яхши парварши қиладиган, мал-ҳолга қарайдиган одам бегуноҳдир»*. Қадимги аждодларнинг оилани муқаддас тутиши меҳнатга, ерга, оиласига эътиборсиз эркакларни тартиб-

га чақирганликларида ҳам намоён бўлади. Зурриёт қолдиришга қобилияти бўлиб уйланмаган эркакка темир қиздирилиб, тамға босилган, белига занжир боғлаб юришга мажбур этилган. Турмуш қуришни хоҳламаган қиз, инсон наслига ва унинг кўпайишига қарши деб, қопга солинган ва 25 дарра уриш билан жазоланган. «Авесто»да яқин қариндошларнинг ўзаро оила қуришлари қатъий маън этилган. Меҳнатга яроқли бўладиган, соғлом болалар туғилиши рағбатлантирилган, шароб ичмаслик, ҳушдан кетказадиган воситалар истеъмол қилмаслик таъкидланган.

Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон» асарида, «Халқларнинг ҳеч бири ҳам никоҳдан холи эмасдир. Никоҳ ўз ургочисини қизганиш ва талашини каби ёмон оқсоқолларга йўлиқишдан сақлайди, ҳайвонларнинг бир-бирига қарши газабини қўзғотадиган сабабларни кесиб, ёмон ҳолатга тушувдан қутқзади. Кимки ҳайвонларнинг жуфтланишини ва ҳар ҳайвон ўз ургочисини қўриқлаб, бошқа ҳайвонларни йўлатмаслигини, ундан бегона ҳайвонлар ҳам умид узишини йўласа, ақл-идроксиз ҳайвонлардан тубан даражада қоллишдан ор қилиб, зинодан сақланади ва никоҳни жуда ҳам лозим топади», деб ёзади. Кўпгина халқларда ўрилларнинг ўсмирлик давридан уйланиш одати бўлган. Туркий халқларда бўлгани сингари ҳиндлар ҳам фарзандларини эрта уйли-жойли қиладилар, қудалашувчи томонлар никоҳ шартларини бажо келтирадилар. Эр билан хотин ўртасидаги никоҳни ўлимдан бошқа бирор сабаб буза олмаган. Ҳиндлар ҳам исломий никоҳ ақидаларида кўзда тутилганидек, тўрттагача хотин олишга ҳақли бўлганлар. Мусулмонларда ҳам эр ва хотиннинг ажралиши, гарчи мумкин бўлса-да оилани иснодга ва ҳалокатга олиб келадиган жиддий вазлар бўлмаса, талоқ тизими жуда мураккаб қилиб қўйилган. Бу жиҳатдан Имом Шофеъий ҳазратларининг қуйидаги сўзлари аҳамиятлидир. Унда эр-хотинлик ақди амалга ошишдан бурун, оила қуриш-

нинг нозик жиҳатларига риоя қилиш уқдирилади: «Тўйдан олдин, куёв бўлажак келин билан, ҳеч бўлма-са, бир марта қўришуви керак. Танланган келин қиз бўлсин. Шундай қизни сайлаш керакки, у бўлажак эридан тўрт фазилати билан устун бўлсин ва тўрт сифати билан ундан қуйида турсин: келиннинг ёши, бўйи, бойлиги ва келиб чиқиши куёвдаги шу сифатлардан пастроқ бўлиши лозим. Лекин гўзаллик, феъл-атвор, одамшавандалик, назокат куёвга нисбатан келинда баланд бўлсин. Иккинчи томондан, тузмай-диган аёлларга уйланиш ярамайди. Ниҳоят, кўри-нишда тоза, ақлли ва одобли, гўзал бўлиб кўринади-ган, амалда эса бунинг тескариси бўлган аёлларга уйланмаслик керак».

Бу айтилган ва келтирилган сўзлардан чиқадиган хулосалар нафақат исломий оилалар вужудга келиши-да, балки турли эътиқоддаги элатлар турмуш қўриш тарзида ҳам асқотадиган, нафақат қадим учун, қола-верса, барча замонлар учун қимматли ойинлар ҳисоб-ланишга лойиқдир. Асрлар давомида шакланган бу урф-одат XX асрнинг биринчи чорақларига қадар бар-давом бўлиб келди. Умум риоя қиладиган оилавий қонун-қоидалардан, ҳатто ҳукмдорлар ҳам четга чиқа олмаган. Лекин, истиснолар, ҳарамни кўпайтириш, канизаклар сақлаш ҳам мавжуд бўлганлигини инкор этиш қийин. Бунинг мисолларини Фарб ва Шарқда ҳукм сурган сулоалар оилавий ҳаётларидан исталган-ча топиш мумкин.

Чингизхон 9 ёшида уйланган. Унинг Тинч океани-дан то Қора денгизгача чўзилган истило мулкларида ҳарбий йўсиндаги оилалар – сафарларда эрларига ҳамроҳ бўладиган хон, шаҳзодалар, нўёнлар оилала-ри вужудга келади. «Абдуллонома» (XVI аср) асарида қайд этилишича, Чингизхоннинг 500 га яқин хотини ва канизаклари бўлган. Ҳарамдаги шу аёллар ораси-дан фақат бештаси эътиборли бўлган. Биринчи аёли қўнғирот қавмидан бўлган Бурта Қучин эди.

Ҳамма халқларда ҳам янги оилани вужудга келтиришда қиз томонга маҳр бериш одати бўлган. Лекин асилзодалар, подшоҳлар, амирлар, хуллас, ўзига тўқ кишилар никоҳнинг тантанали бўлишига, қалин молларининг миқдори оширилишига, тўйларнинг маҳобатли ўтишига алоҳида эътиборни қаратганлар. Ўзбек халқ дostonларида бежизга қирқ кунлик тўйлар ҳақида гапирилмаган. Бундай анъаналардан XIV – XVI асрнинг хонларига, шаҳзодаларига, амирларига хос бўлган тўйлар ҳам мустасно бўлмаган. Тарихий асарларда йўл-йўлакай айтиб ўтилган узук-юлуқ хабарлар уйланиш маросимининг икки хонадон, қолаверса, қавм ва улус ҳаётида муҳим ўрин тутганини далолат этади. Аввало, хотин-халаж бу ишда ташаббусни қўлга олади, кимда, қандай қиз борлигини аниқлайди, тўйдами, сайилдами, меҳмончиликдами ўшандай қизларни кўз остига оладилар. Қудаларнинг мавқеига қараб, таниқли кишилар совчиликка борадилар. Бу удумлар, урфу одатлар асрлар билан баробар қадам ташлаб, бардавом яшаб келади. Гоҳида мақоми баланд никоҳлар зурриёт нуқтаи назаридан кўра, сиёсий мақсадларга бўйсундирилади. Бунда элчилик, тазйиқ, туҳфа, ҳатто жангу жадал каби «усул»лардан ҳам фойдаланилган.

Амир Ҳусайн Мовароуннаҳр тахтини эгаллагач, бунга замин ҳозирлаган сарбадорларни йўқ қилади ва Низомиддин Шомий гувоҳлик берганидек, *«Ўрнашиб олгач, унинг табиатидаги хасислик голиб келиб, мол тўплашга берилиб кетди. Уни деб бошини хавф-хатарга қўйган жамоатни ўзидан нафратлантирди, уларнинг молини тортиб олишга қасд қилди»*. Унинг ҳокимиятга келишида хизмати катта бўлган Амир Темирнинг яқинлари – Амир Чоку, Амир Сайфиддин, Оқбуғо баҳодир, Элчи баҳодир, Давлатшоҳ баҳодирлар катта товон тўлашга мажбур этилади. Муаррих, *«Бу амирлар бошидан турли савдолар кечганлиги натижасида аксар моллари йўқ бўлиб кетганлиги боис-*

дан Амир Ҳусайн талаб қилган молни тўла йиғиб бўлмади. Амир Соҳибқирон уларнинг ишига бош қўшиб, мадад ва ёрдам кўрсатди. Уларнинг муаммоларини ҳал этиш учун кўп олтин умуш сарфлади. Жумладан, ўзининг никоҳида бўлган Амир Ҳусайннинг синглиси улуғ ого – Улжой Туркон Огонинг зираги ва биллак узугини ҳам олиб, амирларнинг мусодара этилган моллари ҳисобида топширди... Сўзнинг қисқаси, талаб қилинган маблағдан яна уч минг динор қолган эди. Амир Соҳибқирон унинг эвазига ўзининг хос отларини пешкаш қилди. Амир Ҳусайн отлар унга тегишли эканлигини билиб, қабул қилмади ва қайтариб юборди. У «Мен Соли Саройга кетаяман, олтинга эҳтиёжим бор, мадад бер ва ёрдам қил, менинг молларимни тўлдир, ўша нақд уч минг динорни ҳам юборгин. Мен уни Ҳусайн Сўфийга (Хоразм ҳукмдори) қизининг қалин моли сифатида юбораман, деди» сўзларини келтириб ўтади. Амир Темур, муаррих далолат этганидек, «Молнинг қолган қисмини жамлаб, Амир Ҳусайн ортидан юборади». Амир Ҳусайн бу моллар ва маблағни тўлиқ олганидан кейин Хоразм волийси қизини никоҳига киритган бўлиши мумкинлигини эҳтимолдан соқит қилиб бўлмади.

Қадим туркий халқларда бўлганидек, Европада ҳам болаликдан белги қилиш – ўғилга қизни аташ удум бўлган. Плутарх тарихида бу ҳақда анчагина мисоллар учрайди. Искандар Моқидунийнинг отаси Филипп бўлажак хотини Олимпиадага болалик пайтида «унаштириб» қўйилган. Олимпиаданинг ота-онаси эрта ўлиб кетишига қарамай, икки оила ўртасидаги аҳд бузилмаган, қизнинг акаси Арибба вояга етган қизни Филиппга никоҳлаб беради. Филипп ёши бир жойга бурганида ҳам, шоҳ сифатида, ишқий можаролардан тийилмайди. Ўғли Александр (Искандар) 16 ёшга тўлганида Клеопатра деган ёш бир қизни хотинликка олади. Айш-ишратга берилиш оқибатида, муҳими, тожу тахт ҳавосида амалга ошадиган хотинбозликлар, шуб-

ҳасиз, Олимпиада ва Искандарда отага қарши туйғуларни уйғотмай қолмайди. Тўй пайтида қизнинг амалкиси Аттала, «тахтнинг қонуний вориси» туғилишини тилак қилади. Бундай қадаҳ сўздан жунбишга келган Искандар «Ярамас, нима, мен сенга ноқонуний туғилганманми?» дейди ва юзига майни сепиб юборди. Филипп, маст-аласт ҳолда, ўғли Искандарга қилич яланғочлаб ташланади. Бахтга, у ўралашиб йиқилади. Шунда Искандар, «Одамлар, қаранглар, бу одам Европадан ўтиб, Осиёни забт этмоқчи. ҳолбуки, тўрт оёқда хонада эмаклашдан нарига ўта олмайди», дейди заҳарханда билан. Шу воқеадан кейин, орадан тўрт йил ўтиб, Искандар 20 ёшида, фитна қурбони бўлган отаси ўрнини эгаллайди. Доро устига юриш қилган Искандар устма-уст зафарлар куча бошлайди. Жангларнинг бирида Доро ҳарамни – уй ичи асирга олинади. Доронинг онаси, хотини ва икки бўй қизи Искандар олдига олиб келинади. Хотин-қизлар шоҳона иззат-ҳурматдан маҳрум этилмайди. Плутарх ёзадики, *Доронинг аёли ҳам унинг ўзига ўхшаш сарвақомат, маликалар ичида энг гўзали бўлган. Қизлари ҳам ниҳоятда сулув, ота-оналарига тортган экан.*

Александр бунгача Дамашқда асирга олинган Барсинага уйланганди. Барсина Шом султони Мемноннинг беваси эди. Барсина юнонча тарбия олган, унинг отаси Артабаз подшоҳ қизининг ўғли бўлган. Бу никоҳга қадар Искандарнинг бирор аёл билан ишқий муносабатлари бўлмаган.

Доро устидан тўла галаба қозонилгандан кейин Сузда Искандар Доронинг соҳибжамол қизи Истатирага уланади. Катта тўй ташкил этилади. Саркардаларнинг ўзини жангларда кўрсатганларига чиройли форс қизларини хотин қилиб беради. Плутархнинг хабар беришича, тўйга 9 минг одам таклиф этилган ва уларнинг ҳар бири учун биттадан олтин қадаҳ тайёрланган. Жаҳон фотиҳлари орасида Искандарнинг оилавий ҳаёти нисбатан тамкилиги билан ажралиб тура-

ди. Унинг мазлум этилган ўлкалар ҳукмдорларининг қизларига уйланиши Чингизхонга қиёс этилганда тафовут яққол билинади.

Оила ва оилавий муносабатларга ўз даври нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда фикр юритиш воқеликни аслига монанд талқин этишга имкон беради. Шу жиҳатдан XIV – XV асрлар оила тарихида Соҳибқирон Амир Темур асослаган хонадоннинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаш ҳожат эмас. Бу хонадонда на Искандар ва на Чингизхон сингари оилавий муносабатлар тожу тахт воситасида асосланган эмас. Амир Муҳаммад Тарағай келиб чиқиши сипоҳийлардан бўлса-да, бу соҳада узоқ хизмат қилмаган, ўз хўжалигини юритган, мол-мулки билан шуғулланган, таниқли руҳонийларга ихлосманд, эътиқодли ва обрўли кайвонилардан эди.

Ота-онаси вафот этганда Темурбек ўғай онаси Қадоқ Хотун ва синглиси Ширинбека Оғо, хотини ва икки ўғли билан ихчамгина рўзгор эгаси¹ бўлиб қолган эди. Отаси Муҳаммад Тарағай ҳаётлиги пайтида унинг Умаршайх ва Жаҳонгир исмли фарзандлари туғилган эди. Бундай олганда, Темурбек элимизда аксар кўпчиликни ташкил этадиган ихчам оила бошлиғи эди. Жаҳонга ларза солган сулоланинг тарихи ана шундай оддий, нисбатан кичик оиладан бошланади. Тўрт асрдан ошиқ Мовароуннаҳр, Хуросон, форс ва араб, ҳинд мулкларида ҳукм сурган Темурийларнинг оила тутуми, тармоқ ёйиши, сулола тусини олиши бир шахсда мужассам бўлган ҳайратомуз қобилият билан изоҳланади.

¹ Опаси Қутлуг Туркон Оғо турмушга узатишган эди. Кўп ўтмай, Ширинбека Оғо ҳам Муайяд Орлотга никоҳланади.

МУҲАММАД ТАРАҒАЙ ХОНАДОНИ

Чингизхон вафотидан кейин у қолдирган Ясоққа қатъий амал қилиш аста-секин сусая боради. Айниқса, 1251 йилда Қорақурумда бўлиб ўтган унинг ворислари қурултойидан кейин марказий ҳокимиятни бошқариш, улуслар дахлсизлиги масалаларида низолар юз бериб, Чигатой улуси икки қисмга бўлиниб кетади. Чигатой улусининг ишларига Олтин Ўрда борган сари кучлироқ аралаша бошлайди. Бу йилларда, хусусан, Қарочор нўён вафот этган 1254 йилдан сўнг, унинг фарзандлари тақдири қандай кечган, муфассал маълумотлар йўқ. Аргуна Хотун Чигатой улусини кичик ёшли ўғли Муборакшоҳ номидан бошқариб турган йилларда Қарочор нўённинг тўнғич ўғли амир Эйжилнинг отаси эгаллаб келган сипоҳсолорлик мансабига кўтарилганлиги тарихларда зикр этилмайди. Улусга Олғу ибн Пойдор хон бўлган даврда (1261 – 1266 йй.) амир Эйжилнинг хон саройида ўрин тутганлиги аён бўлади.

Чигатойнинг набираси Олғу Чингизхоннинг кенжа ўғли Тўлуйнинг ўғли Ариқ Буго билан ҳокимият талашни авжга чиқаради. Олғу жанглардан бирида мағлубиятга учрайди. Амир Эйжил ибн Қарочор нўён Олғуга катта қўшин билан ёрдамга келади. Ғалабага мушарраф бўлган Олғу амир Эйжилни ўз амирул-умароси вазифасига тайинлайди. Бундан кўринадики, амир Эйжил отаси бир умр қаттиқ амал қилиб келган Ясоққа риоя қилган – Чигатой авлоди ҳақ-ҳуқуқи учун курашган. Бу хилдаги қатъият норасида хон Муборакшоҳнинг вояга етиши ва тахтга чиқишида амир Эйжилнинг қувватлашида ҳам воқе бўлади. Муборакшоҳ хонлик маснадига 1264 йилда кўтарилади. Унинг хонлик даврида амир Эйжилнинг мавқеи баланд бўлади. Бироқ, бу ҳолат узоққа чўзилмайди. Тахтнинг яна бир даъвогари Бароқхон Муборакшоҳ ҳукмронлигига барҳам беради. Амир Эйжил табиатан сулҳпарвар, кай-

вони киши бўлган. Улуснинг тинчлигини ўйлаб, курашаётган шаҳзодаларни мурасага келтириш учун ҳатто уларни илтижо билан бўлса-да, тотувликка келтиришга интиланган. Мирзо Улуғбек амир Эйжилнинг бу сифати тўғрисида, «Амир Эйжил нўён ибн Қарочор нўён барлос илтижоси билан Чигатой улусининг барча амирлари ва шаҳзодалари келиб», ҳокимиятни куч билан олган Бароқхонга итоат қилиб, тиз чўкканлигини айтади. Ҳолбуки, бунгача Бароқхон қилмишидан уларнинг аксарияти норози эди.

Бароқхон, ўзининг тахтда мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшган амир Эйжилдан қутулиш ҳаракатига тушади. Ўрдада таъсири кучли ва гапи икки бўлмайдиган амир Эйжил саройдан қанча узоқ бўлса, у ўзини шунча эркин тутарди. Амир Эйжил Озарбайжонга, Бароқхоннинг укаси Тўғузор хизматига жўнатиб юборилади. Амир Эйжилга «Лашкардан огоҳ бўлиб туриш» вазифаси юклатилади. Бу арзимас назорат хизмати эди. Шу тариқа 1264 йилдан кейинги тарихларда амир Эйжил исм-шарифи учрамайди. Ҳокимият талашувлари эса муфассал давом этади. Бароқхондан кейин улус тожу тахтини Бекхон, Тўқтемирхонлар бир муддат идора этиб туради. Қачонки, ҳокимият жилови Бароқхоннинг ўғли Чечанга теккач, у «Амирлик ва мулк мадорийлик» мансабини амир Эйжилнинг ўғли амир Элангизга беради.

Чигатой улусининг пойтахти Қашқадарё воҳаси қўйи қисмидаги Қарши бўлиб турган (1318 – 1326 йй.) йилларда ёхуд Кунжакхон, Толикухон, Эсонбўғохон, Элчиғидай, Бузан, Дурар Темур ва Тармаширинхонлар хонлик маснадида бўлган пайтларда Қарочор нўён ўғиллари ва набиралари нечоғлик мавқе тутганлиги ҳақида тарихларда сукут бор. Академик В.В. Бартольд, Кешда Қарочор авлодидан бўлган Ҳожи Барлоснинг ҳокимиятга қандай келиб қолганлигидан ажабланган эди. У, бу хусусда, «*Барлослар ва уларнинг амирларининг Қашқадарё водийсида яшовчи Кебек, Тарма-*

ширин ва Қозонхон билан қандай муносабатда бўлганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ, деган эди.

Кеш ва Насаф ҳудудлари Қарочор нўён ва унинг авлодларига мулк қилиб берилганлиги тарихий асарларда зикр этилади. Гап Ҳожи Барлоснинг Кеш ҳокимиятига қандай келганлиги тўғрисида борадиган бўлса, XIV асрнинг биринчи ярмига келиб, Чигатой хонларининг ички низолари кучайиб, салтанатнинг бир қадар заифлашганлиги, маҳаллий туркий амирларнинг мустақиллик ҳаракатига тушганлиги бу бобда муҳим сабаблар эди. Бунда, тағин Қарочор нўён авлодининг Ҳожи Барлос мансуб бўлган тармоғи ҳали Қарочор нўён ва Чингизхон тирик бўлган пайтларда Кеш ҳудудларига келиб ўрнашганлигини эътиборга олишга тўғри келади. Кеш ҳокимиятининг Ясу Мунко ўғиллари, жумладан, Ҳожи Барлос қўлига ўтиши шу жиҳатлар билан узвий боғлиқ эди.

Амир Темур мансуб бўлган Эйжил авлодининг Қашқа воҳасида ўрнашуви нисбатан кейинроқ амалга ошади. Эйжил ҳам, унинг ўғли Элангиз ҳам Илида, марказий ҳокимиятда сипоҳсолорлик ишларида бўлганлиги сабабидан то Бароқхон ҳокимиятга келгунга қадар Қарочор нўёнга суюрғол этилган мулкларга кўчиб ўтмаган эдилар. Бароқхон Эйжилни Озарбайжонга бадарға қилгандан сўнг, унинг ўғли Элангиз бир муддат Бароқхоннинг ўғли Чечан даврида отаси ишини давом эттиради. Эйжил уруғларининг Қашқадарё воҳасига келиб ўрнашуви XIII асрнинг 70 – 80 йилларида юз берганлигини тахмин қилиш мумкин. Элангизнинг ўғли, Амир Темурнинг бобоси Барқул исми шарифи манбаларда тилга олинмаслиги сабаблари ҳам Кеш ҳокимиятининг Ҳожи Барлос авлоди томонидан олдинроқ эгалланиши билан боғлиқ эди. Ҳожи Барлоснинг бобоси Намула ва отаси Бурлаъй даврида Барқул ва унинг ўғли Муҳаммад Тарағайга Шаҳрисабз теваарак-атрофларидан тегишли ерлар, мулклар ажра-

тиб берилганлиги далили бу жойда уларнинг меросий ҳуқуқи бўлганлигини кўрсатади. Бу мулклар Қалқамада, Очигийда, Ниёзий ва Ҳожа Илғор каби жойларда бўлганлигини манбалар далолат этади.

Барлос қавми – Қарочор нўённинг уруф-аймоқлари, табиийки, Чингизхон Қашқа воҳасини истило этган, Мовароуннаҳрни Чигатой улусига айлантирган XIII аср биринчи чораги охирларидан бошлаб бу жойда ўрнашган эдилар. Бироқ, айрим тарихий асарларда Амир Темур авлодининг – барлосларнинг бунга қадар ҳам Қашқадарёда кўп асрлар давомида ҳукм сурганлиги, хусусан, Шаҳрисабзнинг авлоддан-авлодга барлосия мероси бўлганлиги қайд этилади. Муаррих Муиниддин Натанзийда учрайдиган бир ишорат барлосларнинг Қашқадарё билан боғлиқлигини XI – XII асрлар сарҳадларига элтиб қўяди.

Шу нарса аниқки, Амир Темурнинг бобоси Барқул ҳарбий ишларда отаси ва боболари даражасига кўтарила олмаган, сулоланинг одатдаги беқлари қаторида Кеш навоҳисидида ҳаёт кечирган. Унинг ўғли амир Муҳаммад Тарағай ҳам Кешни идора қилиш ишларидан четда бўлган. Ўз мулкларида яшаб, маълум миқдорда сипоҳлар сақлаган, хўжалигини юритган. Шу боисдан ҳам, Фарб тарихларида уни ва отасини шунчаки бек, танилмаган, бойликка эга бўлмаган, ўртаҳол, ҳатто камбағал тариқасида талқин этиш ҳоллари учрашини инкор этиб бўлмайди. Тарихлар табиийки, фақат катта мулклар бошлиқларини тан олади. Муҳаммад Тарағай ва унинг отаси Барқул сингари, келиб чиқиши асилзода – Чингизхондан кейинги иккинчи шахс бўлган Қарочор нўён уруғлари бўлган, ҳокимият ишларига аралашмаган, аниқ мулкларни идора қилмаган кишиларнинг бундан ортиқ тавсифланишини кутиб бўлмайди.

Отаси Барқулга нисбат қилганда, Муҳаммад Тарағай анчайин ҳаракат қилувчи, замон воқеа-ҳодисаларига фаол аралашувчи, ҳаётда ўз ўрни бўлган тари-

хий шахс сифатида намоён бўлади. Буни, унинг Қозонхон билан воқе бўлган муносабатларидан англаш мумкин бўлади. «Зафарнома»да Муҳаммад Тарағай, бек ёки сипоҳийликдан кўра, фозил ва ориф киши сифатида таърифланади. Шарафиддин Али Яздий билан Ибн Арабшоҳ гаърифларини муқояса этганда, «Зафарнома» муаллифи ҳақ сўзни айтганлиги амир Тарағайнинг кейинги ҳаёти маромида ўз тасдиғини топади. Яздий, «*Амир Тарағайнинг бутун эътибори мусулмончиликни мустаҳкамлашга ва такомиллаштиришга қаратилган эди. Давлати ҳудуди доим уламою фузало ҳожатларининг адо этилиши қибласи ва олий мажлиси йиғингоҳи бўлди. Қадрли шайх Шамсиддин Қуллоғи сидқидилдан ихлос қиларди ва унинг муборак қабрига тез-тез бориб турарди*», дейди.

Тарихий асарларда Муҳаммад Тарағай ҳақида маълумотлар жуда кам. Туғилган йили, сипоҳийлиги ёки амирлиги ҳақида далиллар учрамайди. Ҳатто, унинг исми фақат «Тарағай» тарзида зикр этилиб, кўпинча «Муҳаммад» унутилади. Биргина Фасиҳ Хавофий «Муҳаммад Тарағай» деб кўрсатади. В.В.Бартольд, «*Темурнинг на отаси, на бобоси, ақалли, ўзи туғилган шаҳри ҳаётида ҳам кўзга таиланарли даражада иштирок этмаганлар, Темурнинг бобоси мусулмон бўлганлиги ҳам номатълум*», дейди. Бу сўзларни юқорида келтирилган Қарочор нўённинг ислом динига бўлган муносабати билан қиёслайдиган бўлсак, олимнинг хулосасида холислик даражаси бир қадар пасайтирилганлиги аён бўлади.

Ҳокимият Амир Қазағон қўлига ўтиб, Мовароуннаҳр туркий амирлар томонидан идора қилина бошланган даврда Муҳаммад Тарағай ва унинг навқирон фарзанди Темурбекнинг сиёсий ҳаётдаги фаолияти манбаларда акс этмайди, деганда муаррих ҳақ. Бунда, эҳтимол, Муҳаммад Тарағайнинг Қозонхон даврида мавқе тутганлиги, унинг ишончли кишилардан бўлганлиги, шу боисдан Амир Қазағон уни ёқтирмаганлиги, четлатиб

қўйганлиги таъсири бўлгандир. Бундан ташқари «Темурнома»да Амир Қазағон ва Амир Тарағай шахсий муносабатлари ҳақида бир ишорат бор. Амир Тарағай Тегина бегим Моҳни никоҳига олиш ҳаракатида бўлганида Амир Қазағон ҳам уни қўлга киритишга интиланган. Бу бир томони. Иккинчи жиҳати шундаки, Амир Қазағоннинг қизи Йўқун Хоним Амир Тарағайнинг хотини эди. «Темурнома» тасаввуфий, нақлий ва тарихий-бадий асар бўлганлиги сабабли, унда зикр этилган далилларни айна ҳақиқат ифодаси дейиш мушкулроқ. Шунга қарамай, туркий амирларнинг қуда-андачилик муносабатлари кенг таомилда эди. Амир Тарағайнинг Амир Қазағон даврида ҳокимият ишларидан четлаштириши сабабларидан бири Йўқун Хоним устига хотин олиш билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин эди.

Амир Тарағайнинг оилавий ҳаёти хусусида манбаларда йўл-йўлакай айтилган фикрлар учрайди, холос. Унинг биринчи аёли, «Темурнома»ларда айтилгани каби, Амир Қазағоннинг қизи Йўқун Хоним эди. Амир Тарағай бу хотиндан фарзанд кўрмаган. Тегина бегим Моҳга уйланиш фарзанд эҳтиёжи билан боғлиқ бўлиб, чамаси, бу никоҳга Бухоро ва Қашқа воҳасида таъсири катта руҳонийлар фатво берган. Тегина бегим Моҳ вафотидан кейин Амир Тарағай Қадоқ Хотунга уланади. Бу аёл 1390 йилгача ҳаёт бўлган ва фарзанд кўрмаган.

Амир Тарағайнинг Садр аш-шариъа Убайдулоҳ ал-Бухорийнинг қизи Тегина бегим Моҳга уйланиши туркий ва форсий «Темурнома»ларда нақлий тарзда зикр этилади. Амир Темур она томондан бобоси вафот этганда, 10–11 ёшларда бўлган. Айрим фикрларга қараганда, Амир Темурнинг опаси Қутлуғ Туркон Оғо ундан беш ёш катта бўлган, яъни 1331 йилда туғилган. Шундан келиб чиқиладиган бўлса, Амир Тарағайнинг Тегина бегим Моҳга уйланиши 1329 – 1330 йилларда бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Тегина Хотун Бухоронинг таниқли дин арбоблари оиласидан эди.

Шарафиддин Али Яздий айтганидек, у «покиза хулқли аёл» бўлган. Амир Тарағайнинг икки қизи ва бир ўғли булганлиги XIV – XV асрларга тааллуқли барча тарихий китобларда эътироф этилади. Тўнғич қиз Қутлуғ Туркон Оғо, Темурбек ва сингил Ширинбека Оғонинг оналари Тегина бегим Моҳ эди.

«Зафарнома»да Ширинбека Оғо бир ўринда опа, бир жойда эса, сингил, деб кўрсатилади. Ўша давр удумларига биноан, қизлар ҳам, йигитлар ҳам эрта турмуш қурганлар. Қутлуғ Туркон оғо Амир Довуд Дўғлотга, Ширинбека Оғо эса Амир Муайядга узатилган. Амир Тарағай қизларининг таваллуд йиллари аниқ эмас. Муаррих Ашраф Аҳмедов «Зафарнома»га ёзган изохида Қутлуғ Туркон Оғонинг Амир Темурдан беш ёш катта эканлигини айтади. «Малфузоти Темурий»да куйидаги сўзларни ўқиймиз: *«Чун ўн саккиз ёшга етуштум, бу вақтда онам ҳақ раҳматига восил бўлди, хоҳарим Туркон уй ишига мутасадди бўлди ва ман уй ишин анга топшуруб, ўз ишим била бўлдум»*. Агар шундай бўлса, Қутлуғ Туркон Оғо бу вақтда 23 ёшга кирган бўлади. Яна биламизки, Амир Темурнинг синглиси Ширинбека Оғо «Малфузот»да эслатилмайди. «Малфузот»да, юқорида келтирилган жумлаларда, чамаси, Қутлуғ Туркон Оғо билан Ширинбека Оғо янглиштирилган. Қутлуғ Туркон Оғо эмас, уй ишлари Ширинбека Оғо зиммасида қолган бўлса керак.

Муҳаммад Тарағайнинг биринчи аёли, «Темурнома»ларда қайд этилганидек, Амир Қазағоннинг қизи Йўқун Хоним бўлган. Бу аёлдан фарзанд бўлмагани шу манбаларда очиқ айтилади. Бунинг устига Амир Қазағон билан Амир Муҳаммад Тарағай ўртасидаги ихтилоф таъсири Йўқун Хоним шахсида ҳам намоён бўлганлиги нақл этилади. У Тегина бегимни чиқиштирмаган. Тегина бегим вафотидан кейин (1354 й.) Амир

Афтидан, Йўқун Хонум Тегина Бегимдан аввалроқ ҳаётдан кўз юмган. – *Муаллиф*.

Муҳаммад Тарағай Қадоқ Хотунга уйланади. Бу аёлдан ҳам фарзанд бўлмаган. Тегина бегим вафотидан кейин, унинг йили ўтгач, Амир Тарағай никоҳига кирган Қадоқ Хотун эрининг фарзандларига меҳрибонлик кўрсатган, оқила аёл бўлган. Қадоқ Хотун 1389 – 1390 йилга қадар ҳаёт бўлган. Амир Темур Қадоқ Хотунга фарзанд янглиғ меҳр қўйган, у ҳаётдан кўз юганида жуда қаттиқ қайғурган.

Амир Муҳаммад Тарағай, Фасиҳ Хавофий солнома-сига кўра, ҳижрий 762 йилда (1360 й.) оламдан ўтади. Муҳаммад Тарағай оиласи, хонадонлар тоифасининг ота-она, фарзанд, келинлар биргаликда яшайдиган учинчи турига мансуб, ихчам оилалардан бўлган.

ҚУТЛУҒ ТУРКОН ОҒО ОИЛАСИ

Туркий асилзодалар оилаларида туғилган қизларга маҳобатли исми шарифалар қўйиш расм бўлган. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси, Чигатой хонларидан Тармаширинхоннинг қиз фарзанди Қутлуғ Туркон. Туркон номи билан аталган. Амир Темур билан бир вақтда яшаган қавм бошлиқларидан Хизр Ясаурийнинг, Улугбек Мирзонинг қизларидан бири ҳам шу исми олганлар. Вақтида Муҳаммад Тарағай оиласида дунёга келган қизалоққа ҳам яхши ниятлар билан Қутлуғ Туркон Оғо деб от қўйганлар. Афтидан, биринчи аёлидан фарзанд кўрмаган ота томонидан Тегина бегим Моҳдан туғилган қизнинг қутлуғ қадамли бўлиши ҳақидаги умидлар ифодаси ўлароқ, шу исм танланган.

Қутлуғ Туркон Оғонинг укаси Темурбекдан беш ёш катта эканлиги айтилади. Шунга бовар қилинадиган бўлса, Қутлуғ Туркон Оғо 1331 йилда таваллуд топган бўлади. Опа билан уканинг туғилиши орасидаги беш йиллик муддатни қандай изоҳлаш керак бўлади? Буни чақалоқлар туғилиши ва нобуд бўлиши билан кечган йиллар, дейиш мумкин. «Зафарнома»да бир ўринда

Ширинбека Оғо Темурбекнинг синглиси дейилса, яна бир жойда, опаси деб кўрсатилади. Гап шундаки, Ширинбека Оғонинг оилада иккинчи фарзанд бўлишини эҳтимол тутиб бўлмайди. Чунки «Малфузот»да Тегина бегим вафоти Темурбек 18 ёшга кирганда – 1354 йида юз берганлиги айтилади. Қутлуғ Туркон Оғо бу пайтда 23 ёшда, Ширинбека Оғо эса 20–21 ёшга кирган бўларди. Ўша пайтлар қизларнинг узатилиши жуда эрта – 12 ёшдан бошлаб амалда бўлганлигини ҳисобга олсак, «уй ишларига мутасадди бўлган» Туркон Оғо эмас, кичик сингил Ширинбека Оғо эканлиги англашилади. Ширинбека Оғо бу пайтда 14–15 ёшли қизалоқ эди.

Қутлуғ Туркон Оғо, шубҳасиз, онаси ҳаётлиги пайтида турмушга берилган. Куёв – Довудбек Дўғлот деган киши бўлган. Дўғлот қавми Чигатой улуси иккига ажралиб кетгандан кейин, собиқ Чигатой хонлигининг шарқий қисмида, асосан, Қошғарнинг ғарбий ва ЕттиСУВНИНГ жанубий қисмида жойлашган, шу ерларга эгалик қилган, В.В.Бартольд таъбири билан айтганда, туркийлашган мўғул элати эди. ЕттиСУВНИНГ Иссиққўлдан, унинг жанубга қадар бўлган бир қисми, Фарғонадан Хитой Туркистонигача бўлган вилоятлар ҳам дўғлотларга тобе эди. Дўғлот амирлари ҳам Моваруннаҳрнинг қавм бошлиқлари сингари Чигатой хонларидан ҳокимиятни тортиб олгач, Баёнқули, Дошмандча, Кобулхон каби Чингизхон авлодидан бўлган, сохта хонларни тахтга чиқарганлар. Амир Қазағон, Амир Темур сохта хонларга ҳеч қандай ҳуқуқ бермаган, улар давлатни идора қилиш ишларига аралаштирилмаган бўлса, дўғлотлар қўйган қўғирчоқ хонлар тадбирли ва ақлли кишилар бўлиб, ҳокимиятни номига эмас, амалда бошқаришни қўлга оладилар. Бу эса Чигатой хонлари ҳукмронлигига барҳам берган дўғлот бекларининг мавқеи тушиб кетишига сабаб бўлади.

Довудбек Дўғлотнинг келиб чиқиши ҳақида ҳеч бир маълумот учрамайди. Низомиддин Шомийнинг «За-

фарнома» асарида Амир Ҳусайн ва Амир Темур томонидан мўғул саркардаларидан Искандар ўғлон, Амир Ҳамид ва Амир Юсуфхожанинг асирга олинishi ва қатл этилиши воқеаси келтирилган. Шарафиддин Али Яздий бу воқеа 765 ҳижрийда – милодий 1363-1364 йилда рўй берганлигини ёзади. Фасиҳ Хавофий ҳам мўғул амирларининг қўлга олинishi ва қатл этилиши воқеасини 1364 йил воқеалари силсиласида беради. Бу ерда биз учун муҳими, Довудбек Дўғлотнинг исми шарифи қайд этилишида, Низомиддин Шомий уни «Амир Довуд» деб атайти. Амир Довуд ва Амир Сайфиддинлар Амир Темурнинг ишончли кишилари сифатида қўлга тушган амирлар жонини сақлаб қолиш учун масъулиятли топшириқни бажаришга юборилади.

1363 йилда Қутлуғ Туркон Оронинг ёши ўттиздан ошган эди. Бу даврда Амир Довудбекнинг тажрибали, жасур сипоҳий сифатида Амир Темур ва Амир Ҳусайн қўшинида, улар тарафида хизмат қилганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Амир Темурнинг Қаршини қўлга олиши воқеалари ифода этилган саҳифаларда Низомиддин Шомий Довудбекни Суюрғатмиш ўғлон, Амир Чоку, Амир Сори Бўғо, Амир ҳожи Сайфиддинлар қаторида улуғ амирлардан, деб атайти. Шаҳарнинг Ҳузур томонидаги дарвозасини муҳофаза қилишни Амир Темур опаси ва сингисининг эрлари Амир Довудбек ва Амир Муайядларга ишониб топширади. Муаррих қавлича, Ҳузур дарвозаси томонда Амир Мусо лашкари турган эди. Амир Темур ва Амир Довуд душманнинг чап қанотига биргалашиб ҳужум қилади. Амир Темурнинг қўл остида олтмиш навкар бор эди. Қарши ҳокими Амир Мусо лашкари тумтарақай бўлиб қочади. Низомиддин Шомий Соҳибқирон Амир Темур учун ниҳоятда қийин бўлган 1360 – 1370 йиллар давомида Амир Довуд ва Амир Чокуларнинг унга садоқатли бўлганлигини алоҳида таъкидлайди.

Амир Довудбек Дўғлотнинг Соҳибқирон хонадонига опаси Қутлуғ Туркон туфайли ичкиларидан бўлганлигини яна бир далил тасдиқ этади. Ҳижрий 776 йили (1374) Амир Темур «Амир Довуд, Ёдгор барлос ва Узун Улжойтуларни подшоҳона ҳадялар, маликона нодир буюмлар билан Хоразмга юборди ҳамда уларга олий насабли Хонзодани иззат-икромли элчилар ҳамроҳлигида Самарқандга олиб келишни буюрди. Улар Хоразмга етганларида Юсуф Суфи мартабали меҳмонларни улуғлаш ва ҳурматлаш вазифаларини бажо келтирди ва Хонзодани, шундай бонунини ушундай улуғ ҳазратга (Жаҳонгир Мирзога узатиш кўзда тутилаётди – П.Р.) юборишга лойиқ тартибу дабдаба билан жўнатди».

Амир Довудбек Дўғлотнинг кейинги тақдири тўғрисида манбаларда маълумотлар учрамайди. 1376 йил бошларида Мўғулистонда ҳокимиятга келган Қамариддинга қарши олиб борилган жангларда Амир Довуд ва Амир Учқаро баҳодирларнинг жанг майдонидан қочган мўғуллар ортидан қувишга жўнатилганлиги айтилади. Шу воқеадан кейин Амир Довудбек Дўғлот исми шарифи тарихий асарларда тилга олинмайди. Ҳолбуки, у билан душманни таъқиб этишга юборилган Амир Учқаро баҳодирнинг кейинчалик яна Қамариддин билан тўқнашганлиги, жангларнинг бирида жонини зўрға қутқазиб қолганлиги айтилади:

«Амир Учқаро Қамариддиннинг кетидан қувиб кетди. Бир қанча йўл юришгач, Қамариддин ўз навқарларини йиғиб, Учқарони ўртага олдилар. Амир Учқаронинг отини ўқ отиб йиқитдилар. Аммо у жонини қутқариб қолди». Қамариддин, Туғлуқ Темурдан кейин мўғул тахтига келган Илёсхўжани ўлдириб, унинг ҳокимиятига чек қўйган қаттол киши эди. У Туғлуқ Темур билан Пўлодчи томонидан асосланган Шарқий Туркистон давлати ва унга қарашли ҳудудларда ҳукм юритади. Пўлодчининг укаси сифатида тахтни куч билан тортиб олади. Соҳибқирон Амир Темур унга

қарши бетиним кураш олиб боради. Юқорида эслатилганидек, Қамариддинни таъқиб этишда Амир Довудбекнинг ҳалок бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Амир Учқаро эса 1393 йилда ҳам ҳаёт бўлган.

Амир Довудбек Дўғлотнинг Қамариддинга қарши олиб борилган жанглардан кейин юз берган қизгин воқеалар ичида бўлмаслигининг бирдан-бир сабаби юқорида айтилган тахминга бориб тақалади. Жетага қилинган кейинги юришларда, сафарда Амир Темур Дилшод Оғога уйланади. Бу воқеа 776 ҳижрийда (1374 й.) бўлади. Тўйдан кейин Соҳибқирон ўрдуси Узганд шаҳрига етиб келади. Бу ерга Самарқанддан бекларнинг хотин-халажи билан Қутлуғ Туркон Оғо ташриф буюради, Соҳибқиронни қутлайди. Амир Довуд ҳаёт бўлганида эди, у шу воқеалар муносабати билан тилга олинган бўларди. Амир Довудбек ўз қайноғаси – Амир Темурга узоқ йиллар давомида, энг қийин кунларда садоқат билан хизмат қилган, унинг баҳодир сафдошларидан бири бўлган.

Қутлуғ Туркон Оғо турмушга чиққанидан сўнг, Кешда яшамаган. Эри Довудбек Дўғлот сипоҳий одам бўлганлиги учун ҳам турар жойлари ўзгариб турган. Тўғлуқ Темурнинг ўғли Илёсхўжа ҳукм сурган йилларда улар Самарқандда муқим турганлар. Илёсхўжанинг амири Бекичак Темурбек изидан тушиб, уни таъқиб остига олганда, у Самарқандда, опасининг уйида қирқ саккиз кун яшириниб туришга мажбур бўлади. Қутлуғ Туркон Оғо ва унинг оиласи 1370 йилдан кейин Самарқандда доимий яшаб қолади.

Муаррихлар Қутлуғ Туркон Оғони ақлли ва кенг билимли аёл сифатида таърифлайдилар. Кеш ва Самарқандда қурилган кўпгина обидалар Қутлуғ Туркон Оғонинг маслаҳати билан бунёд топганлиги айтилади. Соҳибқироннинг давлат кўеши порлаб чиққан йилларда Жаҳонгир Мирзонинг ўлими (1376 й.) уни қаттиқ қайғуга солган вақтда, қизи Тоғайшоҳ Оғо бегимнинг оғир хасталиқдан бу дунёни тарк этганида (1382 й.)

олам кўзига тор кўринган укасига панду насиҳатлар қилган, уни руҳлантирган Қутлуғ Туркон Оғо бўлган. Соҳибқирон опаси сўзини икки қила олмаган, унга улкан ҳурмат-эҳтиром билан боғланган. Қизи таъзияси кунларида Хуросондан ташвишли хабарлар келади. Азалий душман Алибек Жониқурбоний Амир Вали билан тил бириктириб, Сабзавор устига бостириб келади ва Ширинбека Оғонинг ўғли, жияни Али Муайядни қамал остига олади. Салтанат ишидан чекиниб, қаттиқ мотамда бўлган Амир Темур ҳеч кимни кўришни истамаётган бир вақтда, опаси унинг ҳузурига кириб, *«Сен шу аҳволда дунё ташвишларига бефарқ бўлсанг, тез орада олам тугаб битади. Худонинг ишига ҳеч ким чора қила олмайди. Дунё пайдо бўлиб-дики, ишлар шундай келади, қайгуришдан фойда йўқ. Ўзингни шундай тутадиган, қайгуга барҳам бермайдиган бўлсанг, халқинг ва давлатинг парокандаликка учрайди. Аллоҳнинг бандалари камбағалликка тушади. Бу нимаси, Мазондаронда қандайдир тўдалар мусулмонларга кулфат солсалар? Бу ерда биргина йўл бор: сен жангга отланасан ва талончиларни шундай жазолайсанки, қайтиб бирортаси бундай босқинчилик ҳақида ўйламайдиган бўлсин»*. Ниҳоятда босқинлик ва меҳрибонлик билан айтилган бу сўзлар Соҳибқиронни ўзига келтиради. Хуросон ва Мазондаронни талашга интилган тўдалар танобини тортиб қўйиш учун қўшин тортиб, йўлга тушади.

Қутлуғ Туркон Оғонинг Амир Довудбек Дўғлотдан неча фарзанд кўрганлиги манбаларда эслатилмайди. Шарафиддин Яздий «Зафарнома»сида 1386 йил воқеалари ҳикоя қилинар экан, шу даврнинг муҳим ҳарбий ишларидан бири – Форс мулкларига қўшин тортиш бўлганлиги айтилади. Тавочилар барча вилоятлардан лашкар йиғадилар. Юриш бошлангач, Амир Темур Мовароуннаҳр сарҳадларини ҳимоя қилиш учун Довудбек ва Қутлуғ Туркон Оғонинг ўғли Сулаймоншоҳ билан Аббосбекни қолдирганлиги қайд этилади.

Англашиладики, Сулаймоншоҳ ҳарб ишларига эрта жалб этилган бўлган. Унинг таваллудини XIV асрнинг 40-йиллари охирларида бўлган, деб фараз қилсак, 1386 йилда ёши 35–37 оралиғида эди, дейиш мумкин. Мовароуннаҳр вилоятларини ҳимоя қилиш учун табиийки, катта лашкар қолдирилган. Шундай масъулиятли топшириқни жиянига ишониб топшириш, унинг баҳодир, жанговар киши бўлганлигини далолат этади. Сулаймоншоҳбек Тўхтамиш устига қилинган юришларда жасорат кўрсатади. У, Амир Ёдгор Барлос, Шамсиддин Аббос ва Фиёсиддин тархонлар Туркистонда захира кучларни ташкил этувчи лашкарларни бошқарганлар.

Тўхтамиш устидан ғалаба қозонилгандан кейин, Соҳибқирон Мўғулистонда бош кўтарган кучларга қарши отланади. Зикр этилган амирлар Хизр Ҳожа Ўғлонга қарши жанглар олиб борадилар. Улар Қайтун деган жойда Соҳибқирон билан учрашадилар. Мўғул лашкарини тумтарақай қилган Соҳибқирон зафар кучиб, 1389 йилнинг 30 августида пойтахти Самарқандга қайтади. Ғалаба шарафига катта тўй уюштирилади. Маликалар, шаҳзодалар, беклар Соҳибқиронга муносиб туҳфалар ҳадя этадилар. Муаррих қишга қадар Амир Темурнинг ўз пойтахтида бахтли ва фаровон ҳаёт кечирганлигини, эл ва улуси адолат ва ободонликдан баҳраманд бўлганлигини қониқиш билан ёзади. Қиш яқинлаша бошлагач, Амир Темур қишламоқ учун Бухорога отланади. Соҳибқирон ўрдуси Фаркат деган манзилда жойлашади. Бу жойда бир қанча кўллар бўлиб, овладидиган қушлар ниҳоятда сероб бўлган. Махсус чодирлар тикланиб, ҳамма учун хос хоналар муҳайё этилади. 1390 йилнинг қиши ҳам бошланади. Соҳибқироннинг қизи Султонбахт бегим билан Сулаймоншоҳбекнинг тўйлари шу ерда ўтказилади. Соҳибқирон ўрдусида жами маликалар, шаҳзодалар, ичкилар катта бир жамоани ташкил этган. Амир Тарағайнинг беваси Қадоқ Хотун ҳам Соҳибқи-

роннинг қишки сафариди бирга бўлган. Сулаймоншоҳ ва Султонбахт бегим тўйидан қуп ўтмай, кексайган ўгай она – Қадок Хотун оламдан ўтади. Амир Темур бу аёлни худди онасидек яхши кўрган ва ҳурматлаган. Муаррих қайд этганидек, *«Тақдирнинг одати шундаки, ҳар бир қувонч ортидан, албатта, битта қайғуни қўндаланг этади, ҳар бир бахтдан сўнг битта ўлимни йўллайди»*. Соҳибқирон бу воқеадан қаттиқ қайғуга ботади. Она таъзияси ўтказилиб, унинг жасади Кешга, дафн учун ҳурмат-иззат билан жўнатилади.

1390 йилда Амир Темур мўғулларга қарши 20 минг кишилиқ қўшин сафарбар этади. Кўзга кўринган баҳодирлар лашкар бошлиқлари вазифасига тайинланди. Сулаймоншоҳбек бошчилигида амалга оширилган бу юриш олти ойга чўзилиб кетади. Озиқ-овқат тугашга қарамай, қўшин вазифани уддалаб, Самарқандга қайтади. Бу йилларда Сулаймоншоҳнинг обрў-эътибори юксалади. мўғулларга қарши курашда кўрсатган жасорати Соҳибқиронни мамнун этади. 793 ҳижрий қўй йилида Тўхтамишга қарши қўшин тортган Амир Темур уни Қундузча (ҳозирги Самара шаҳридан шимолроқда) деган жойда турганини аниқлаб, лашкарини 7 қисмга бўлади. Муаррих бу ҳақда гапирар экан, *«Ҳеч бир подшоҳ лашкарни бундай тузмаган ва бу ҳақда эшитмаган ҳам»*, дейди. Етти қўл – етти лашкар гуруҳига баҳодирларни тайинлаб, улар устидан Сулаймоншоҳни бошлиқ этиб тайинлайди. Қул бошлиқлари орасида шаҳзода Муҳаммад Султон, Амироншоҳ Мирзолар бўлганлигини ҳисобга олсак, бу ҳарбий тўлғамада Сулаймоншоҳнинг тутган ўрни нечоғлик баланд бўлганлиги аён бўлади.

Амир Сулаймоншоҳнинг салтанатда тутган ўрни юқори бўлганлиги, тоға-жиянлик муносабатларидан ташқари, жанглардаги баҳодирлик билан янада мустаҳкамланган. Султонбахт бегимни никоҳига олиш унинг мавқеига нечоғлик таъсир қилган, манбалардан

бунга аниқ жавоб топиш қийин. Ҳарҳолда, шу даврда салтанатда кечган воқеа-ҳодисалар силсиласида у улкан даргоҳнинг саноқли яқинлари қаторида бўлган. Буни 1394 йилнинг августида Шоҳруҳ Мирзонинг Самарқандга юборилиши ва кутиб олиниши маросими ҳам тасдиқ этади. Шоҳруҳ Мирзони Хуросондан салтанатнинг Сарой Мулк Хоним, Туман Оғо ва бошқа бекларнинг хотин-халажи қанчадан-қанча қўриқчилар ҳамроҳлигида Султонияга қадар кузатиб келганлар. Шоҳруҳ Мирзо Кешга – Шаҳрисабзга келиб тушганида Самарқанддан Сулаймоншоҳ уни кутиб олиш учун катта тухфалар билан етиб келади. Поёнтахт Сулаймоншоҳ бошчилигида мартабали шаҳзодани кутиб олиш учун чиройли қилиб безатилади, ҳунармандлар бор санъатларини намойиш этадилар. Соҳибқирон поёнтахтда бўлмаган вақтида Сулаймоншоҳга хонадоннинг энг масъулиятли юмушлари ишониб топширилган.

Соҳибқирон Амир Темур қачонки Хуросон ҳокимиятини Шоҳруҳ Мирзога берганида Амир Мизроб Жоку, Саййид Ҳожа Шайх Али Баҳодир, Абдусамад хожя Сайфиддин сингари улуғ беклар қаторида Сулаймоншоҳни ҳам шаҳзоданинг хос кишилари қаторига киритади. Сулаймоншоҳ Шоҳруҳ Мирзонинг аммаси, хотини Султонбахт бегим билан Хуросон идорасида Шаҳзода хизматида бўлади. Шоҳруҳ Мирзо бутун аркони давлати билан 1397 йилнинг май ойида Жайхундан ўтиб, Андхудга етиб келади. Шу тариқа, Сулаймоншоҳ Шоҳруҳ Мирзо ёнида, Ҳиротда ун ойга яқин хизматда бўлади. 1398 йилнинг мартида Соҳибқирон Амир Темур билан Шоҳруҳ Мирзонинг Кешда учрашуви бўлади. Ҳиротдан Сулаймоншоҳ чақириб олинади ҳамда Кач ва Микронни бўйсундиришга жўнатилади. Сулаймоншоҳ бу фармоннинг ижросини таъминлайди.

Сулаймоншоҳнинг Соҳибқирон Амир Темур вафотидан кейинги ҳаёти қандай кечганлиги тўғрисида

сўзлашдан бурун унинг рафиқаси, тоғаси Амир Темурнинг қизи Султонбахт бегим ҳақида ҳам тўхталиш ўринли бўлади. Султонбахт бегим Мовароуннаҳрда мўғуллар ҳокимиятига барҳам берган Амир Қазағоннинг набираси, Амир Мусалланинг қизи, Амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон Оғодан туғилган эди. Султонбахт бегим тахминан 1363 – 1364 йиллар оралиғида туғилган.

Амир Темур юрт озодлиги йўлида ўзига сафдош бўлганларни, дўстларини жуда қадрлаган. Шулардан бири Шер Баҳром эди. Амир Ҳусайннинг калтабинлиги туфайли, унинг имдоди билан ўлдириб юборилган Шер Баҳром хонадонига Соҳибқирон катта илтифот кўрсатади, Шер Баҳромнинг ўғли Муҳаммад Миракни тарбиясига олади. Муаррих бу ҳақда, *«Муҳаммад Мирак ҳукмдор билан яқинлашиш бахтига муяссар бўлган – у Соҳибқироннинг куёви эди, юксак бахт соҳибаси Султонбахт бегим унинг хотини эди. У Соҳибқирон томонидан, унинг назар-эътибори сояси остида бўлиб, Ҳутталон мулки ва аҳолиси унга тўлиқ бағишланган эди»*, деб ёзган эди.

Султонбахт бегимнинг Муҳаммад Миракка турмушга чиқиши 1378 – 1379 йиллар нари-берисида бўлган. Улар 1388 йилга қадар биргаликда ҳаёт кечирганлар. 1388 йилда Амир Темур Хоразмга бешинчи марта қўшин тортганида, йўлда унга куёви Муҳаммад Миракнинг укаси Абулфатҳ ўз одамлари билан сафни ташлаб кетганлигини айтадилар. У тезда излаб топилади ва қочиши сабаблари аниқланади. Муҳаммад Мирак қўшиндан ажралиб, Амир Темурга қарши исён кўтарганлигини, укаси Абулфатҳни ҳам ёнига чорлаганлиги маълум бўлади. Хиёнаткор ака-укалар ҳарбий қонунларга биноан қатл этилади. Султонбахт бегим билан Муҳаммад Миракнинг никоҳидан фарзанд туғилганлиги тарихий асарларда зикр этилмайди. Эри хиёнатга қўл урганда, Султонбахт бегим 25 ёш атрофида бўлган. Орадан бир йилдан ортиқ вақт

кечиб, Султонбахт бегим, айтилганидек, Сулаймоншоҳга узатилади. Бу – иккинчи никоҳдан ҳам фарзандлар дунёга келганлиги манбаларда қўрсатилмайди.

Муҳаммад Миракнинг хиёнат йўлига кириши сабабларини изоҳлаш мушкул. Отаси Шер Баҳромнинг юз-хотири учун унга мурувват қўрсатган, суюкли қизини бериб, ўзига яқин қилган Соҳибқирон бу нонқўрликни кечирмаган. Шарафиддин Али Яздий бу бобда ҳақ гапни айтган: «*Одам бойиса, исён кўтаради*». Муҳаммад Миракнинг қўрнамаклиги, калтабинлиги нафақат ўз бошига етишига, шунингдек, Султонбахт бегимнинг ҳам кейинги тақдири маҳзунликда, тафриқада кечишига сабаб бўлади. Айниқса, Соҳибқирон Амир Темур вафотидан кейин юз берган воқеа-ходисалар пўртанасида Сулаймоншоҳ ўтирган қайиқнинг ҳалокатли баланд-пастлари Султонбахт бегимнинг манзилини юрт сарҳадларидан олисларга улоқтиради.

Сулаймоншоҳ Кач ва Микрон фатҳидан кейин шу мулклар жиловини қўлга олган эди. Амир Темур вафотидан сўнг, тахтга даъвогар бўлиб чиққанлардан бири Соҳибқироннинг иккинчи қизи Тоғайшоҳ Оғо бегимдан туғилган, Амир Мусонинг набираси Султон Ҳусайн эди. Султон Ҳусайн енгилтак, бузғунчи ва нафс бандаси эди. У, қариндошларидан бўлган Муҳаммад Султоннинг аёли, Самарқанддан Балхга келаётган Хоника бегимни йўлда талаб, мол-мулклари ва зийнатларини олиб, лашкарига тарқатади. Фёлда ота томонидан бобоси Амир Мусога тортган Султон Ҳусайн бошпана излаб, Сулаймоншоҳ ҳузурига боради. Султон Ҳусайндек бузғунчини қаноти остига олган Сулаймоншоҳ Ҳиротга борганида, Шоҳруҳ томонидан қабул қилинмайди. Ноилож, у Самарқандга Халил Султон олдига боради ва қўшиннинг илғори бошлиқлиги вазифасига қўйилади. Соҳибқирон тахти учун бўлган курашларда Сулаймоншоҳ Халил Султон тарафида бўлади. Жангу жадалларда Шоҳруҳ Мирзо қўли баланд

кела бошлайди. Тарихий манбаларда 1406 йилдан кейин юз берган тожу тахт курашлари йилномасида Амир Сулаймоншоҳ исми учрамайди. Тасаввур қилиш мумкинки, 1389 йилдан то 1406 йилга қадар, 17 йил давомида Султонбахт бегим Амир Сулаймоншоҳ билан бирга ҳаёт кечирган, бу йилларда тақдир тақозосига кўра, гоҳ Жайхуннинг у тарафида, гоҳ бу тарафида сипоҳийлар оилаларига хос ҳаёт кечирган.

Сулаймоншоҳ Соҳибқирон тоғаси вафотидан кейин Амироншоҳ Мирзо ва унинг уғли Халил Султон хизматида бўлишни ўз бурчи деб билган. Халил Султон ва Шоҳруҳ Мирзо қарама-қаршиликлари давом этган 1405 – 1407 йиллар оралиғида шаҳид бўлган, дейиш мумкин. Эри ўлимидан кейин Султонбахт бегим акаси Амироншоҳ паноҳида бўлади. Амироншоҳ Мирзо ва Халил Султонлар қисмати оғир бўлади. 1408 йилда Амироншоҳ Мирзо Қора Юсуф томонидан қатл этилади. Мусофирлик ва муҳтожликда қолган Халил Султон ҳам 1411 йилда оғир хасталиқдан ҳаётдан кўз юмади.

Султонбахт бегим умрининг охириги йилларини Нишопур шаҳрида кечирган. Фасиҳ Хавофий 1429 – 1430 йил воқеалари ҳақида маълумот берар экан, «*Нишопурда улугвор хотун, Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг қизи Султонбахт бека вафот этди*», дейди. Султонбахт бегим, тахминан 66–67 йил умр кўради.

Соҳибқирон Амир Темур хонадони силсиласидаги катта бир ҳалқа – Қутлуғ Туркон Оғо оиласи тарихидан мухтасар ҳикоя қилинган бу лавҳа XIV аср охириларидаги турмуш тарзини тасаввур қилишга маълум йўналиш беради, деб ўйлайман. Бу хонадон шу даврда кечаётган сиёсий воқеаларнинг марказида бўлганлиги ва фаоллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Қутлуғ Туркон Оғо 1383 йилнинг ёзида Самарқандда 52 ёшида вафот этади. Низомиддин Шомий бу ҳақда, «*Амир Соҳибқироннинг опаси Қутлуғ Туркон Оғо бу фоний манзилдан боқий оламга рихлат*

қилди... Амир Соҳибқирон унинг вафотида дилтанг бўлиб, қайғуга тўлди. Унинг фироқида гамгин ва гирён бўлди. Равшан дилига ва муборак хотирига ваҳшату нафрат йўл топди. Бир неча кун оромсизлигу изтироби ортиб борди. Мамлакат ва давлат ишлари билан шуғулланмай қўйди. Охирида саййидлар, уламо, машойих ва солиҳ кишилар Амир Соҳибқирон ҳузурида тўпланиб, насиҳат бериш ва ваъз айтиш вазифаларини адо этдилар», дейди. Опаси учун азадорлик вазифаларини адо этиб, Соҳибқирон кўп хайриялар қилади, муҳтож кишиларга садақалар улашади. Самарқандда, Шоҳизиндада, Қусам ибн Аббос марқадидан унча узоқ бўлмаган жойда Қутлуғ Туркон Оғога маҳобатли дахма бунёд этилади. Оила шаънини жуда баланд тутган Соҳибқирон опаси руҳини мусаллам тутгани каби, унинг хокини ҳам абадийликка бадал этган эди.

ШИРИНБЕКА ОҒО ОИЛАСИ

Тегина Бегим Моҳ билан Амир Муҳаммад Тарағай қиёсий ҳисобларга кўра, чорак асрга яқин умргузаронлик қилганлар. Қутлуғ Туркон Оғо 23 ёшга, Темурбек 18 ёшга тўлганда она ҳаёт билан видолашади. Муҳаммад Тарағай ҳам 1360 йилда оламдан қайтади. Ўғай она Қадоқ Хоним билан 3-4 ёшли сингил – Ширинбека Оғо Темурбек қарамоғида қолади. Қадоқ Хоним, ўз навбатида, Темурбекка меҳрибон бўлади, унинг фарзандлари Жаҳонгир ва Умаршайх Мирзолар тарбияси билан шуғулланади, мўғулларга қарши жангу жадалларга отланганида, таъқиб ва қувғинларга тушганида мўъжазгина оилани бағрига босиб, Кешда Муҳаммад Тарағайдан қолган уйда рўзғорга бош бўлади. Қадоқ Хотунни Темурбек ўз онасидай яхши кўрган, ҳурматини жойига қўйган. Кейинчалик улуғ мартабаларга эришганида, давлат бошлиғи бўлганида бу муҳтарам онани ҳамиша са-

фарларида бирга олиб юрган, унга чодирни доим ўз ёнида тиклаган.

«Малфузот»да берилган билвосита ишоратлардан шундай хулосага келиш мумкинки, Ширинбека Оғо Темурбек 18 ёшга етганда 15-16 ёшларда бўлган. Унинг турмушга узатилиши отаси ўлимидан олдинми, ёйинки, кейин бўлганлиги манбаларда эслатилмади. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сида 1366 – 1367 йиллар воқеалари қаламга олинганда, Муайяд Орлот ўз жуфти ҳалоли Ширинбека Оғони Махонга жўнатганлиги айтилади. Бу йилларда Темурбек ва Амир Ҳусайннинг ораси бузила бошлаган, мўғулларнинг тажовузи кучаяётган эди. Ширинбека Оғонинг олов чўлгаётган Мовароуннаҳрдан узоқда бўлиши, шубҳасиз, унинг хавфсизлиги билан боғлиқ эди.

Амир Муайяд туркий Орлот қавмининг бекаридан бўлган. Орлотлар жалойир, қовчин ва барлос қавмлари қаторида XIII – XIV асрда Мовароуннаҳрнинг асосий уруғларидан бўлиб, Чигатой қабилалари орасида мавқеи баланд ҳисобланган. Соҳибқирон Амир Темур мўғулларга қарши Амир Ҳусайн билан биргалашиб кураш олиб бораётган XIV асрнинг 60-йилларида Амир Муайяд бу ҳаракатларда фаол иштирок этади. Туғлуқ Темурнинг ўғли Илёсхўжага қарши Пули Сангинда бўлган тўқнашувда Амир Муайяд беш юз кишилиқ лашкарга бошлиқ қилиб қўйилади. Амир Муайяд жанговар ва ботир киши бўлган. Ҳижрий 766 йилда (1365 й.) юз берган «Лой жанги»да ҳам у мардонаворлик кўрсатади. Мўғулларга қарши олиб борилган бу жангда Соҳибқирон Амир Темурнинг ўзи қўшиннинг гулида туради. Амир Муайяд ва Амир Аббослар эса ҳировул тарзида жавонгор лашкари чекка қанотларини ҳимоя қилишга сафарбар этилади. Шу тариқа, Амир Темур қўшини олти сафни ташкил этади. Жанг тақдири яхши маълум – Амир Ҳусайннинг шум феъли ва худбинлиги оқибатида мўғуллар қўли устун келади.

Амир Муайядни Соҳибқирон ўзига яқин олган, доимо унга энг оғир, энг масъулиятли топшириқларни ишониб топширган. Қаршини қамал қилиш ва Амир Мусонинг 12 минг кишилиқ лашкарига қарши озчилик бўлиб ҳужум ташкил этишда Амир Муайяд Қутлуғ Туркон Оғонинг эри, божаси Амир Довудбек билан бирга дарвозаларни ишғол этишга қўйилади. Муаррих Муиниддин Натанзий бу ҳақда «Амир Муайяд лашкар яқин келганини кўргач, ўттиз отлиқ билан ҳамла қилиб, уларнинг олтмишта отини тортиб олиб, орқага қайтди», дейди.

Ботир ва ўзига ишонадиган кишиларда бўладиган айрим қусурлар, масалан, майга ружу қилиш одати Амир Муайядни ҳам четлаб ўтмаган эди. «Лой жанги»дан кейин Амир Ҳусайн билан Темурбек орасига совуқчилик тушган, Амир Ҳусайн бадгумонликни ҳаддан оширган кезларда бурқсиб турган оловга ёғ бўлиб қўйиладиган бир воқеа содир бўлади. Амир Муайяд ва унинг дўстлари майхўрлик пайтида кутилмаган хунук иш бўлади. Амир Муайяд маст бўлиб, мўғулпараст Жоварчининг ўғлини уриб ўлдириб қўяди. Жоварчи ва унинг ўғли Темурбекдан айниб, ёғий тарафига ўтиш илнжида бўлганлар. Бу Амир Муайядга ёқмаган ва ўтиришда жанжал чиқиб, касофат юз берган. Бу хусусда Амир Ҳусайнга қилинган арзлар дарҳол самара беради, Амир Муайядни бандга олиш кўрсатмаси бўлади. Амир Ҳусайн бу бобда энг тубан йўлдан ҳам қайтмайди, у Темурбекка одам юбориб, тезда Амир Муайяднинг хотини, Темурбекнинг синглиси (Натанзий «опаси» дейди) Ширинбека Оғони Балхга кўчириб келтиришни амр қилади. Ширинбека Оғонинг Балхга бадарға этилиши эри Амир Муайяд Орлот жинояти учун гаровга ушлаб турилиш бўлар эди. Бу ҳам етмаганидек, Темурбекка вилоятдаги жами бой ва калонтарларни – таниқли кишиларни Балхга кўчириш фармони ҳам юборилади. Муаррих айтганидек, «Шу тариқа, бир ҳафта ичида неча бор фитна ва

адоват аралаш фармонлар келди. Барча амирлар ва қолган аҳоли Амир Ҳусайндан дилгир бўлишди».

Ширинбека Оғо эрн мастликда содир этган воқеадан қаттиқ изтиробга тушади. Афтидан, эр-хотин Самарқандга, Қутлуғ Туркон Оғо уйини паноҳ тутиб туришган. Воқеаларнинг хун доирасидан чиқиб, сиёсий тус ола бошлагани Қутлуғ Туркон Оғонинг воқеа ечмига аралашувига сабаб бўлади. Натанзий, «*Ҳусайн элчи юбориб, Амир Муайядни қўлга олиб келтиришни буюрди. Катта Хоним (Қутлуғ Туркон Оғо) табиатидаги мағрурлиги туфайли Султони Ҳозийни (Амир Темурни) Амир Муайядни ҳимоя қилмоққа давват этди. Амир Ҳусайн элчиси зуғум қилмоқда эди. Султони Ҳозий зарурат юзасидан опасининг сўзига кириб, Амир Мусо ва амирлар иттифоқида яна бир бор исён байроғини баланд кўтарди».* дейди.

Амир Муайяд воқеаси туфайли олдиндан газаклаган, қарийб ўн йил давом этган қарама-қаршилиқ йилларида Амир Ҳусайн ўзининг ғаламислиги, калтабинлиги туфайли барча амирлар нафратига учраган эди. шу сабабли у Амир Кайхусрав ва Амир Муайяд томонидан ялинб-ёлворишига қарамай, қатл этилади. Бу воқеа 1370 йилда Балхда рўй берган эди.

Соҳибқирон Амир Темур таржиман ҳолида 1383 – 1386 йиллар сиёсат бобида порлоқ даврлар бўлгани каби, оилавий ҳаётда катта йўқотишлар мавсуми тарихида ҳам ўрин қолдирган эди. Бу йиллардаги опаси Қутлуғ Туркон Оғо, севимли хотини Дилшод Оғолар оламдан ўтган эди. Синглиси Ширинбека Оғонинг вафоти солнома ва тарихларда негадир акс этмаган. Шоҳизиндада, Қутлуғ Туркон Оғо мақбараси ёнида Ширинбека Оғонинг ҳам марқадни мавжуд бўлиб, унда, яъни қабр тошидаги тарихда битилишича, Ширинбека Оғонинг вафот этиши ҳижрий 787 (1385 – 1386 й.) йилда юз берган. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, Ширинбека Оғо 30–32 йил умр кўрган, холос. Амир Муайяднинг мастликда қилган фожеий иши,

гарчанд, Амир Темур томонидан унинг омон қолишига сабаб бўлган эса-да, бу аёлнинг соғлиғига ўнглаб бўлмас зиён етказган бўлиши эҳтимолдан холи эмас эди.

Ширинбека Оғо билан Амир Муайяд Орлот никоҳидан Али исмли фарзанд дунёга келади. Шарафиддин Али Яздий 1380 – 1381 йил воқеалари силсиласида амирзода Али ибн Муайяд ҳақида хабар беради. Ҳирот шаҳридан 60 чақирим ғарбда жойлашган Фушанж (Пушанг) қалъасини олишда бўлган жанг тўғрисида ҳикоя қилинганида амирзода Алининг баҳодирлиги зикр этилади. Қалъа атрофидаги чоҳда сув кўп бўлганлиги сабабли қалъани олиш уч кунга чўзилиб кетади. Тўртинчи кун ҳужум бошланади. «Кукракни қалқон қилиб, тик туриб» жанг қилиш шиори янграйди. Соҳибқироннинг ўзи қуролсиз, биргина қўлда пичоғи билан қалъа атрофини айланиб, сипоҳларини назорат қилади. Қалъа тепасидан тош ва ёй ўқлари ёмғирдек ёғилади. Соҳибқирон сипоҳийлар кўнглини кўтариб, уларга далда беради. Амирзода Али, Ийгу Темур Билгут, Аббос баҳодурнинг ўғли Умар, Мубашшир каби баҳодирлар билан йиғма кўприк олдига етиб борадилар. Ёғилаётган ўқлар, тошлар уларни дарвозани очиш мақсадидан қайтара олмайди. Бу жасоратни кўрсатганида Ширинбека Оғонинг ўғли амирзода Али ҳали 20 ёшга ҳам тўлмаган эди.

Амирзода Али Муайяд Соҳибқирон томонидан Сабзавор мулкининг соҳиби қилиб жўнатилади. Бу иш чамаси, Фушанж қалъасида кўрсатилган жасорат мукофоти бўлган. Али Муайяд Сабзаворда ишончни оқлаш учун интилган. Бироқ азалий ёғий Алибек Жониқурбоний ёш амирзодага қарши фитна уюштириб, унинг устига юриш қилади ва Сабзаворни қамалда ушлаб туради. Бу воқеа 1382 йил ёзида рўй беради. Шу пайтда Самарқандда Амир Темурнинг суюкли қизи Тоғайшоҳ Оғо Бегим оғир хасталиқдан вафот этган бўлади. Қизини Шаҳрисабзда дафн этган Соҳиб-

қирон оғир қайғуга чўмган, давлат ишларидан чекиниб, гўшанишинлик ихтиёр қилган эди.

Сабзавордан келган нохуш хабарни Амир Темурга етказишга ҳеч ким ботина олмайди, бу ишда, Натанзий таъбири билан айтганда, Катта Хоним – Қутлуғ Туркон Оғо аралашади ва Соҳибқирон укасига насиҳатлар қилиб, уни танг аҳволда қолган Али Муайяд ҳимоясига отлантиради. Хонадон шаъни, шу тахлит ютуқлар ва йўқотишларнинг қўшалоқ кетган йўллари бўйлаб давом этади. Уни сақлаш ҳар доим ҳам осон кечмайди. Амир Темурнинг Эронга қилган иккинчи юришида ҳам амирзода Али Муайяд Амироншоҳ Мирзо, Амир Ҳожа Сайфиддин сингари улуғ мартабали шаҳзода ва амирлар билан Калот қалъасини истило қилишда қатнашади. Соҳибқирон Сабзаворни аввалгидек, сингисининг ўғли Али Муайядга бағишлайди.

АМИР ТЕМУРНИНГ ОИЛАВИЙ ҲАЁТИ

Темурбекнинг балоғат даври ҳақида тарихий манбаларда муфассал маълумотлар берилмаган. Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг «Тазкират уш- шуаро» номи асарида, Амир Тарағайнинг «Ҳамма вақт Соҳибқиронни зебу зийнат билан тарбия қилганлигини», айтиб ўтади. Ота-онанинг ўз ўғилларига қанчалик меҳр қўйганлигини, унинг муносиб ворис бўлишини ўйлаб ишни тутганликларини тасаввур этиш қийин эмас. Амир Тарағай Темурбекни эсини танигандан бошлаб, яхши сабоқ олишига, улуғлар суҳбатида бўлишига алоҳида эътибор қаратади. Пирлар анжуманларига, таниқли кишилар, қариндош-уруғларникига бориш-келишларга Темурбек ҳам жалб этилади. Давлатшоҳ Самарқандий шундай нақл қилади: *«Дейдиларки, Соҳибқирон етти ёшлигида отаси билан бир қариндошиникига боради. Ул киши бадавлат, нуфузли киши эди ва фаровонлик билан кун кечиради. Унинг етмишта турк ва ҳинд қули бор эдики, унинг моллари кўпли*

гини шундан ҳам билса бўларди. Ўша киши Соҳибқироннинг отасига шикоят қилди: *«Худо менга кўп молу давлат берди, лекин уни сақлашга тамоман ожизман. Қулларимиз сабру тоқатли эмаслар, фарзандларим эса салоҳиятсиз. Шу сабабдан молу дунёмга нуқсон етмаса, деб қўрқаман».*

Шунда, ёш Темурбек гапга аралашади ва, «Эй ота, фарзандларингизга молларингдан бўлиб беринг ва, ундан сўнг, уларни ўз молу мулкига доҳил қилинг-ким, улар ўзи билан ўзи овора бўлсин. Сўнг турк қулларни ҳинд қулларнинг тепасига қўйингки, ҳиндларни ўз амри фармонига бўйсундирсинлар. Кейин ҳар уч қулни улардан ақллироқ бир қулнинг ихтиёрига топширинг. Сўнг, уларнинг ҳар бирини еттитадан қулингизнинг амири қилинг. Кейин етмиш қулга бош бўлган ана шу еттита қулни бир-бирининг таъзим ва ташрифига буюринг. Уларни кўздан қочирманг, чунки бир-бирлари билан кўп суҳбатлашадилар», – дейди. Бу сўзларни эшитган уй соҳиби ҳайратини яшира олмай, дарҳол Амир Тарағайга: «Сизнинг бу фарзандингиз жаҳонга подшоҳ бўлади, чунки бунининг шу гапларидан фаҳмлаб турибман...», – дейди. Сўнг, сиёҳдон, қалам ҳозирлаб, ўша гурунгда Темурбекдан хат ёздириб олади. Бунда, «Унинг давлат қуши иқбол майдонини ўз қаноти остига олгач, бирор киши ўша киши, унинг фарзандлари, зурриёти ва яқинларидан хирож олмасин, уларнинг гуноҳларидан ўтсинлар, унинг қавми тархон қилинсин,» деб ёзилган бўлади. Ул қавм то шу замонгача Туркистон диёрида тархондирлар». Давлатшоҳ Самарқандий келтирган бу нақлнинг Темурбекдаги туғма қобилият, фавқулодда феноменни англаб етишда аҳамияти беқиёсдир.

«Малфузоти Темурий»да зикр этилган бир воқеа ҳам отаси сингари, онасининг ҳам Темурбек келажаги учун қайғурганлигини далолат этади. Амир Тарағайнинг пири Шамсиддин Кулол Темурбекка бир кунини еттита

нон ва уч юз етмиш дона ёнғоқ тухфа қилади. Булар рамзий бўлиб, кейинчалик Темурбекнинг етти иқлими мусаххар этиши ва салтанатининг уч юз йил бардавом бўлишини, авлодидан етмиш кишининг салтанат тахтида ҳукм суришини англатарди. «Малфузот»да, *«То ўшал нон била жавз (ёнғоқ) уйимизда эрди, кункундин барокат ортиқ, тараққийлар зоҳир бўлур эрди. Ва чун бу воқеани онамга арз этдим, онам ҳам менинг бошимни икки қўллари била тутиб, дуо қилдилар. Ва сўнги кун онам Амир Кулолнинг хонақоҳига бордилар. Амир Кулол, таважжуҳ кўргузуб, дедиларким: «Эй хотун, ушбу ўғлингнинг авлод ва аҳфодининг давлат ва салтанати уч юз йил давомат бўлғай ва анинг авлодидан етмиш киши салтанат мартабасига етушғайлар... Чун Амир Кулол сўзин онам манга эшитдурди»*, дейилади.

Темурбек етти ёшга тўлганида, отаси Амир Тарағай қўлидан тутиб, мактабхонага элтади. Унга мулло Алияк сабоқ бера бошлайди. Ўн икки ёшида кўп дўстлар ортиради, улар орасида тўрттаси билан жуда яқин, сирдош бўлади. Темурбек ўн тўрт ёшида садоқат ва хиёнат нималигини ўзининг бегубор ҳаётий тажрибасида тушуниб етади. «Ўн беш ёш марҳаласига қадам қўйдим, – дейилади «Малфузот»да, – от минмак ва шикор этмакка машғул бўлдум».

Болалик, ўспиринлик йиллари тўғрисидаги шу хилдаги маълумотлар Темурбекнинг ёшлик даври бобида озми-кўпми тасаввур беради. Отаси билан биргаликда бўлган юришлар, қариндош-уруғлар хонадонларида кечган суҳбатлар, ярим ҳарбий ҳаёт тарзи Темурбекнинг чайир, кучли, матонатли йигит бўлиб улғайишида муҳим омиллар бўлади. Унинг етти ёшлик пайтида бой қариндошига мол-ҳолни бошқариш юзасидан берган йўриғи фавқулодда ақллилик ва зийраклик намунаси бўлиб қолмасдан, у мансуб бўлган оилада ҳокимият ишларига қизиқиш меросий бўлиб келганлигини ҳам кўрсатади.

1352 йилга келиб, Амир Тарағай кексайиб қолганлиги боис, «офият гўшасини» ихтиёр этганлиги, яъни расман давлат юмушларидан кетиб, зиммасидаги барча ишларни ўғли, ун олти ёшли Темурбекка бағишлаганлиги маълум бўлади. Темурбек феълсидаги бир жиҳатни алоҳида қайд этиш ўринлидир. У, ёшлигидан тартиб-интизомни, бошқариш ойинини чуқур ўрганган. Отаси хўжалик юритиш, салтанат билан борлиқ ишларга аралашиб ваколатини топширгач, ўз таъбига, билимига амал қилади, отасининг «мол ва маноли (бойлиги) забтиға» машғул бўлади ва уни идора этишда хос тузук – қоидалар ишлаб чиқади. Бой қариндошига етти ёшида берган маслаҳатига ўзи ҳам амал қила бошлайди: *«Ҳар фалончи қўйларни бир сурук қилиб, шўбонларга топшурдим ва нар-модасини аралаштирмай, ҳар қаюсин бошқа-бошқа сурук қилдим ва бу тариқа ҳар йигирма отга бир тавила (отхона) алоҳида қилиб, нарларини бошқа йилқи ва модийларини бошқа йилқи қилдим ва ҳар ўн туғмага (хизматкорга) бир туғмани амир этдим»*. Бу сўзлардан Темурбекнинг оилавий удумларни яхши ўзлаштирибгина қолмай, хўжалик юритишнинг ўзига хос янги қирраларини ҳам ишга солганлигини англаш мушкул эмас. Бу жиҳатлари билан у бобокалони Қарочор нўёнга тортган эди, десак янглишмаймиз. Вақтида Қарочор нўён ҳам Чингизхон лашкарида қаттиқ тартибга асосланган кичикдан катталашиб борадиган ҳарбий гуруҳ ва тизималарга асос солган эди. Афтидан, ёш Темурбек бобосининг ҳарбий ислоҳотларини яхши ўрганган ва уни оилавий мол-мулк бошқарувига ҳам татбиқ этган.

Молларни жинсига қараб боқиш, хизмат қилувчиларнинг ички, ўзаро назоратини кучайтириш фақат тартибнигина эмас, иқтисодий манфаат келтиришни кескин оширишни ҳам кўзда тутар эди. Амир Тарағай хўжалиги анчайин катта эди, қўйлар, моллар, отлар, шунга яраша хизмат қилувчилар. «Малфузот»да

айтилишича, Темурбек туғилган йилларда отаси яшаб турган мавзесини «ўз отиға обод қилганлиги» айтилади. Қалқамадаги¹ бу мавзе ҳозирги кунда ҳам Тарағай номи билан аталади. Хўжалик юритишда муваффақиятларга эриша бошлаган Темурбек, ўз атрофига ҳамфикрлар тўплашга ҳаракат қилади. У ўн саккиз ёшга кирган пайтида ёнида қирқ йигити бор эди. Лашкар жам қилиш катта сармоя билан боғлиқ бўлган. Темурбек иқтисодий ўнгланиш ишларига қизиқиб, бу пайтларда уйланишни ортга суриб турган кўринади.

XIV асрнинг 50-йиллари бошларига келиб, Туркистонда бошбошдоқлик кучайган, исталган қавм бошлиғи қўшин йиғиб, мулкдорлик қилиши мумкин эди. Қозонхондан ҳокимиятни тортиб олишда Амир Қазагонга қўмак берган амирлар кўп ўтмай, ўз бошига ҳукм суриш йўлига ўтган эдилар. Амирларнинг ҳар бири Амир Қазагонни афдариш, унинг ўрнига ўзи бўлиш пайига тушган эди. Темурбекнинг амакиси, Кеш ҳокими Амир Ҳожи Барлос ҳам шуларнинг бири эди. Ҳокимият илинжидан ёш бекзодалар ҳам мустасно эмас, Темурбек ҳам уларнинг бири, балки, етакчиларидан эди. Темурбек лашкар тўплаб, ҳужум тадоригини кўраётган бир вақтда, айна ўн саккиз ёшга кирган пайтида – 1354 йилда онаси Тегина бегим Моҳ оламдан ўтади. Юз берган мусибат ёш Темурбек режасининг амалга ошишига халал беради.

Афтидан, Тегина бегим Моҳ йилнинг бошларида вафот этади. «Малфузот»да, ул йилким онам азасидан чиқдим», дейилади. Йилнинг охирларида она маракаси ўтказилади ва Амир Тарағай Темурбекни ўз қариндошлари бўлган Қарочор нўён шажарасидан яна бир тармоқ – Амир Жоку Барлоснинг қизига унаштиради. Амир Жоку Темурбекка яқин қариндош, ота тармоғи бўйича амаки ҳисобланади. Унинг шажараси ҳам

¹ Чироқчи туманида.

Қарочор нўёндан бошланади: Амир Жоку ибн Мубо-
рак бин Туғон бин Қодон бин Ширға бин Қарочор нўён,
бошқача айтганда, Амир Тарағай Қарочор нўённинг
ўғли Эйжил уруғидан бўлса, Амир Жоку Қарочор нўён-
нинг яна бир ўғли Ширға тўпоридан эди. Амир Жоку
Барлос авлоди Қашқа воҳасининг қуйи қисмида жой-
лашган. У Амир Тарағай билан тенгқур бўлган. Амир
Темур таржимаи ҳолига бағишланган «Малфузоти Те-
мурий»да Соҳибқирон ўз тилидан, онасининг йиллик
маракаси ўтгач, отаси «Амир Жокуйи Барлоснинг
қизини манга номзод қилди», дейди. Амакисининг
қизи билан бўлган турмуш узоққа бормаган. Шу асар-
да қайд этилишича, «ул ҳам оламдан рихлат қилди»,
яъни вафот этганлиги айтилади.

Амир Темурнинг кўз очиб кўргани – биринчи аёли,
Амир Жоку Барлоснинг қизи исми шарифи, таассуф-
ки, тарихий манбаларда тилга олинмайди. Тадқиқот-
чилар бу хусусда турлича тахминларни ўртага қўяди-
лар. 1360 йилга қадар Темурбекнинг Муҳаммад Жа-
ҳонгир Мирзо ва Умаршайх Мирзо исмли икки фар-
занди бўлган. Ҳар иккаласи ҳам бир йилда – 1356
йилда таваллуд топганлиги манбаларда зикр этилади.

Амир Темурнинг оилавий ҳаёти ибтидоси тарихи-
да Жаҳонгир ва Умаршайх мирзоларнинг таваллуд
вақтини аниқлашнинг амалий аҳамияти катта. Мав-
жуд манбаларда биронтасида на Жаҳонгир ва на Умар-
шайх мирзоларнинг биронтаси тўнғич фарзанд сифа-
тида ажратиб кўрсатилмайди. Муҳаммад Жаҳонгир
Мирзонинг Соҳибқирон ўғиллари орасида валиаҳд
қилиниши, ёйинки аввал вафот этиши, эҳтимол, ке-
йинги асрларга оид тадқиқотларда унинг тўнғич ўғли
сифатида талқин этилишига сабаб бўлгандир. Амир
Темур тарихига бағишланган асарлар орасида Шара-
фиддин Али Яздийнинг 1425 йилда ёзилган «Зафар-
нома»си энг ишончли манбалардан бири саналади. Бу
асарда мазкур муаммога аниқлик киритадиган далил
мавжуд. Вақтида бунга академик В.В. Бартольд эъти-

бор қаратган бўлса-да, негадир, кейинги тадқиқотчилар бунини нобатга олмаганлар. Шу сабабли, ҳозирга қадар нашр этилган илмий ва тарихий ёхуд бадиий китобларда Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо Соҳибқирон Амир Темурнинг катта ўғли сифатида эътироф этиб келинади.

1376 йилда Амир Темур мўғулларга қарши тўртинчи марта юришга отланади. Мўғул хони Қамариддинга қарши қураида Соҳибқирон икки юз кишилик лашкари билан душманнинг тўрт минг кишилик қўшинини тор-мор этади. Ғалаба қўчилган кун кечаси Соҳибқирон туш қуради, деб ҳикоя қилади Шарафиддин Али Яздий, – у тушида Шайх Бурҳониддин Қилич билан мулоқот қилади. Бурҳониддин Қилич мўғуллар тажовузи даврида яшаган машҳур руҳоний Сайфиддин Бохарзийнинг ўғли эди. У ҳам ўз даврининг етакчи дин пешволаридан бўлган. Туш суҳбатида Амир Темур Бурҳониддин Қиличдан нажот истаб шундай дейди: «Ўғлим Жаҳонгирни Самарқандда хасталиги сабабли қолдириб келган эдим, унинг соғайиши учун дуо қилсангиз. Шайх ўйловга толиб, бир оғиз, «Аллоҳ раҳмдил» дейди ва бошқа сўз айтмайди. Соҳибқирон уйқудан уйғониб, ўғлининг аҳволи оғирлигини мушоҳада этади, кўнгли бузилади. Юрагида гулгула пайдо бўлган ота ўзини қўярга жой топа олмай, Самарқандга ишончли киши – Йўл Қўтлуғни жўнатади. Чопар жўнаб кетгандан сўнг, кечаси Соҳибқирон янада чигал туш кўради. Дард-аламни ичига сиғдиrolмай, бекларни ҳузурга чорлайди ва «ўғлимдан айрилиб қолмасам, деб қўрқаяпман», дейди.

Юрагига қил сиғмаган Амир Темур Самарқандга қайтади. Самарқанд остонасида шаҳарнинг улуғ кишилари, уламолар Соҳибқиронни қарши олишга чиқадилар. Ҳаммалари қора либосда, йиғлаган кўйи бош эгадилар. Амир Темур қўрган тушларининг ўнги содир бўлганини аниқлайди. Шу дамда Соҳибқирон қайғусининг чеки йўқ эди. Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо-

ни Кешда дафн этадилар. Муаррих Шарафиддин Али Яздий, «*Шаҳзода йигирма ёшга кирган эди. Ундан икки ўғил – Хонзодадан туғилган Муҳаммад Султон Мирзо ва Илёс Ясурийнинг қизи Бахт Малик Огодан таваллуд топган Пир Муҳаммад Мирзолар қолди*», дейди. Бу воқеа Самарқандда, 1376 йил ёзида (илон йили эди) рўй беради. Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо, маълум бўладики, ҳижрий 758, милодий 1356 йилда таваллуд топган. Шубҳасиз, Жаҳонгир Мирзонинг туғилган жойи Шаҳрисабз эди. Энди, Умаршайх Мирзо ҳалокати билан боғлиқ тафсилотга ўтайлик.

«Зафарнома»нинг 1394 йилда Боғдод яқинидаги Хармату қалъасини олиш пайтида шаҳзода Умаршайх Мирзонинг ҳалок бўлганлиги воқеаси келтирилади. Муаррих бу фожианинг 1394 йил январиди (товуқ йили бўлган) содир бўлганлигини ёзиб қолдиради. Муҳими, Шарафиддин Али Яздий Умаршайх Мирзо қирқ йил умр кўрганлигини алоҳида таъкидлаб айтади. Шунга кўра, Умаршайх Мирзо 1354 йилда туғилган бўлиб чиқади. Академик В.В. Бартольд ўзининг «Улуғбек ва унинг даври» деган асариди, «1360 йилга қадар Темурнинг 1376 йилда йигирма ёшида вафот этган Жаҳонгир ва 1394 йилнинг январиди Қурд қалъасини қамал қилиш пайтида ўлдирилган Умаршайх исмли икки ўғли бор эди. «Зафарнома»да унинг 40 ёшда бўлганлиги айтилади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Темурнинг тўнғич ўғли Умаршайх бўлиб, у Жаҳонгирдан катта эди. Лекин, нимагадир қарийб барча манбаларда Темурнинг катта ўғли сифатида Жаҳонгир тилга олинади», деган фикрни айтади.

Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си Шоҳруҳ ҳукм сурган даврда ёзилганлиги, саройда сақланиб келинаётган ҳужжатларга асосланганлиги ва ўша даврда Темурийларга мақбул китоб бўлганлигини ҳисобга олиб, унда Умаршайх ва Жаҳонгир мирзолар туғилган йиллар тўғрисидаги маълумотларни бундан-

буён асос сифатида қабул қилиш жоиз кўринади. Шоҳруҳ Мирзо ва бошқа темурийзодалар назаридан ўтган асар далилларига шубҳа бўлиши учун ишончли асослар керак. Бундай асослар эса мавжуд эмас.

Умаршайх Мирзонинг онаси ҳақида манбаларда маълумотлар берилмайди. Жаҳонгир Мирзонинг онаси исми шарифаси Хондамир томонидан қайд этилган бўлиб, қўлёзма нусхаларида у Нурмиш Оғо (Эрон), Бурмиш Оғо (Бомбей) тарзида кўрсатилади. «Малфюзот»да ҳам кўрдикки, Темурбекнинг кўз очиб кўрган хотини амакиси Амир Жоку Барлоснинг қизи бўлган. Амир Жоку Барлоснинг қизи исми шарифаси эса бирор манбада тилга олинмайди. Турғун Файзиев «Темурийлар шажараси» деган асарида Нурмиш Оғо исмини Турмуш Оғо дейди ва уни Амир Жоку Барлоснинг қизи деб кўрсатади. Шундай бўлганда, Жаҳонгир Мирзо 1354 йилда туғилган бўлиб чиқади. Ҳолбуки, Жаҳонгир Мирзо Ўлжой Туркон Оғодан туғилган, деган қарашлар жуда инобатли эканлигини таъкидлаш жоиз. Унда, Амир Жоку Барлоснинг қизи, Темурбекнинг биринчи аёли номи қандай бўлган, бу саволга фақат фаразий тарзда жавоб қайтариш мумкин. Шу кунга қадар тадқиқотчилар эътиборни қаратмаган бир манба мавжуд. Бу Абу Тоҳирҳожа ибн Абу Саъидхожанинг «Самария» (1844 – 1848 йй.) деган асаридир. Унда ифода этилишича, Самарқандда, Шоҳи Зинда хилхонасида Соҳибқироннинг опаси, синглиси, аёллари қабрлари ҳақида маълумотлар берилиб, «*Кунчиқар томонда Қутлуғ Огонинг даҳмаси мавжуд, у Турмон Оғо мақбараси яқинида. Қутлуғ Оғо ҳам Амир Темурнинг муҳтарам хотинларидан биридир*», дейилади. Бу биринчи фаразимиз. Иккинчи фараз Жаҳонгир Мирзонинг онаси сифатида талқин этилган Нурмиш (Турмуш) Оғо аслида Амир Жоку Барлоснинг қизи бўлиб, Умаршайх Мирзо ундан туғилган бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, Умаршайх Мирзо Жаҳонгир Мирзодан олдин туғилган, бинобарин, Темурбекнинг

биринчи хотини Амир Жоку Барлоснинг қизи бўлган. Нурмиш Оғо фарзанд кўрибоқ, оламдан ўтган бўлиши эҳтимолга жуда яқин. «Малфузот»да, «Чун ул ҳам оламдан рихлат қилди», дейилиши шундай хулосага ундайди. Гўдакнинг тарбияси ўғай она Қадок Хотун зиммасида қолганки, кейинчалик Амир Темур уни ўз онасидай яхши кўрганлиги шу сабаб билан боғлиқдир.

Амир Тарағай биринчи келини олганда, улар рўзгорини алоҳида қилмаган. Англашиладики, Темурбек Амир Жоку Барлос қизига уйланганида 17 ёш устига бўлган. Бу никоҳнинг тафсилоти тарихий асарларда нақл этилмаган. Мусибат хонадон учун оғир кечган. Амир Тарағай дунё ишларидан безиб, барча ишларни Темурбек зиммасига юклайди. Амир Қазағон йиғинларига энди Темурбек иштирок эта бошлайди. Сўнги Чигатой ҳукмдори Қозонхондан ҳокимиятни тортиб олган Амир Қазағон салтанатининг охириги йилларида унга қарши фитналар авж ола бошлаганди. Амир Қазағон Темурбек шахсида оқил ва зеҳли, ҳарб ишларидан хабардор иттифоқчини кўриб, уни ўзига яқинлаштирмоқчи бўлади. «Малфузот»да айтилганидек, *«Эрса жавобим анга хуш келиб, мени ўзига фарзанд этиб, ўз набирасин манга номзод қилди»*. Амир Қазағоннинг набираси Ўлжой Туркон Оғо эди. Бу воқеа Темурбекнинг ўн саккиз-ўн тўққиз ёшларида, 1354 – 1355 йиллар ораллигида юз беради. Темурбек, *«Ўн тўққиз ёшга қадам қўйдим, ўзимни оқил ва болиг топдим ва бу йил отам Тарағай мани ўзидан бошқа этиб, манга олочуқ ва қўй ва тева ва тугма ва хайл ва хашам берди»*, дейди. Ўлжой Туркон Оғо билан турмуш қурганидан бир йилча ўтиб, Амир Тарағай Темурбекнинг рўзгорини бўлак қилиб, унга уй-жой, мол-ҳол, хизматкорлар беради.

Амир Қазағон, охир-оқибат, фитна қурбони бўлади. У 1357 йил охирларида, 1358 йил бошларида ўлдирилади. Туркий амирлар, шу жумладан, Амир Ҳожи Барлос ҳам отаси ўрнига тахтга чиққан Абдуллоҳни

ҳокимиятдан ағдарадилар. Амир Қазағон авлоди пароканда бўлади. 1365 йилда Самарқандда сарбадорлар мамлакатни мўғуллардан сақлаб қолгандан сўнг, туркий амирлар, биринчи галда Амир Темур инсоф ойинига кўра, Чингизхон авлодидан ҳокимиятни тартиб олган, Туркистонда озодлик яловини кўтарган Амир Қазағоннинг набираси Амир Ҳусайнни тахтга сипориш этади. Бундай кўмак замирида Амир Ҳусайннинг сингиси, ўзининг суюкли хотини Ўлжой Туркон Оғога бўлган меҳрнинг, ўртада сарсон-саргардонлик йилларида вужудга келган дўстликнинг ҳам маълум таъсири бор эди.

Ўлжой Туркон Оғо 1359 йилдан бошланган таъқибларда, ҳаёт ва мамот оралиғи бир қадам бўлган қочувларда, машаққатли сафарларда Темурбек ва акаси Амир Ҳусайн билан бирга бўлади. Амир Ҳусайннинг хотини Дилшод Оғо билан туркманлар бошга солган заҳматларни бирга тартади. Дилшод Оғо эрининг оти ўлдирилганда, унга ўзи пиёда юриб, отини беради.

Темурбек билан Ўлжой Туркон Оғо ўн йил нари-берисида бирга ҳаёт кечирганлар. Кўпгина манбаларда Ўлжой Туркон Оғо Темурбекка бир қиз – Султонбахт бегимни туҳфа қилган, деб келинар эди. «Зафарнома»нинг 2008 йилги русча нашрига берилган 298-изоҳда, муаррих Ашраф Аҳмедов, «*Жаҳонгир Мирзонинг онаси Ўлжой Туркон, тоғаси Амир Ҳусайн, туркийлар одати бўйича Амир Ҳусайн жияни Жаҳонгир Мирзонинг бек атқаси (Оталиқ беги, тарбиячиси) бўлган. Шу сабабли Жаҳонгир Мирзо Балхда, Амир Ҳусайн ҳузурида яшаган*», деган фикрни айтади.

Жаҳонгир Мирзонинг Балхда, Амир Ҳусайн хонадонида ҳаёт кечирганлигини яна бир манба – Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»си ҳам тасдиқ этади. Амир Темур юришларида бирга бўлган Низомиддин Шомий ўзининг «Зафарнома» асарида дастлабки пайтларда Амир Ҳусайн билан Темурбекнинг муносабатлари дўстона ва мустаҳкам бўлганлиги тўғрисида

сўзлайди: «Амир Ҳусайннинг синглиси унинг никоҳида бўлиб, у билан қавм-қариндошлик ва дўстлик алоқаси ҳар томонлама мустаҳкам эди». Балхда туриб, ҳокимиятни идора қилаётган Амир Ҳусайннинг кўнглида Темурбекка нисбатан душманлик бор эди ва у борган сари кучаймоқда эди. Шу орада Ширинбека Оғонинг эри Амир Муайяд мастликда Бовурчи деган кишининг ўғли билан жанжаллашиб, уни ўлдириб қўяди. Бу воқеадан фойдаланган Амир Ҳусайн бир йўла Амир Темур хонадонини ва унга яқин кишиларни тарқатиб юборишга, кучсизлантиришга, охиروقибатда, ҳеч ким даҳл қила олмайдиган ҳокимият барпо этишга интилади. Низомиддин Шомий, «Амир Ҳусайн Амир Соҳибқироннинг синглиси Ширинбека Оғони Балхга кўчириб келиш (бадарға қилиш) учун киши юборди. Яна амирзода Жаҳонгирни юбориб, у орқали Амир Соҳибқиронга: «Амир Мусони ўз эли билан кўчириб менинг олдимга юбор, ўзинг эса вилоят забтига машғул бўлиб, у жойда тур», деб хабар берди. Шу хийла билан Амир Соҳибқиронни хотиржам қилмоқчи бўлди», дейди. Бу иқтибосдан аниқ бўладики, Жаҳонгир Мирзо Балхда, Амир Ҳусайн саройида яшаб турган ва қалтис пайтда отаси Амир Темур ҳузурига, Кешга юборилган. Бу ҳам манбаларда тилга олинган далилнинг – Жаҳонгир Мирзонинг Амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон Оғодан таваллуд топганлигини далолат этади. Яна битта далил. 1370 йилга келиб, Амир Темур билан Амир Ҳусайн муносабатлари бениҳоя даражада кескинлашиб, иш жангга тортганида, Амир Темур ва барча туркий амирлар Амир Ҳусайнга қарши қаттиқ кураш олиб борадилар. Балхнинг Ҳиндувон қалъасига беркиниб олган Амир Ҳусайнни енгишда Умаршайх Мирзо, айниқса, жасорат кўрсади. У бу вақтда 16 ёшда бўлганлигини Шарафиддин Али Яздий эслатиб ўтади. 1370 йилда Умаршайх Мирзонинг 16 ёшдалиги унинг туғилган йили 1354 эканлигини яна бир марта тасдиқ этади. Лекин гап

ҳозир бу ҳақда эмас. Амир Ҳусайнға қарши жангларда Жаҳонгир Мирзо иштирок этмаган. Соҳибқирон жиянлик нуқтаи назаридан ўғли Жаҳонгир Мирзони ўз тоғасига қарши курашга жалб этмаган.

Туркистон мамлақати тақдирини ҳал қилган Балх жангига қадар, айтилганидек, икки амир ўртасидаги алоқалар узилиб, Амир Ҳусайн айби билан у душманлик даражасига етган эди. Айниқса, 1366 йилнинг ёзида Ўлжой Туркон Огонинг ўлимидан кейин икки амирни қариндошлик ришталари билан боғланган алоқалар тамоман барҳам топади.

Ўлжой Туркон Оғо Амир Темурнинг Сарой Мулк Хонимга қадар (1370 й.) бўлган хотинлари ичида энг севимлиси, оғир ва азобли кунларни биргаликда баҳам кўрган рафиқаси эди. 1362 йилда Амир Темур ва Ўлжой Туркон Огонинг акаси Амир Ҳусайн бошларига мушкул ишлар тушиб, мўғуллардан қочиб жон сақлашга мажбур бўлган кезларида, туркманлар қўлига асир тушиб 62 кун тутқунлик ситамини тортадилар. Ўлжой Туркон Оғо Амир Темур бошдан ўтказган барча қийинчиликларга шерик бўлади. Ўша давр аёлларининг садоқатига, мулоҳаза этиладиган бўлса, бутунги кунда ҳам тан бермай бўлмайди. Таъқиб сафарларида Амир Ҳусайн ёнида унинг хотини Дилшод Оғо ҳам бирга бўлган. Жангда Амир Ҳусайннинг оти ўлдирилиб, пиёда қолгач, аёли Дилшод Оғо ўз отини эрига беради, Унинг шаънини ҳимоя қилади. Бу икки аёлнинг мардлиги, вафодорлиги, қийинчиликларга, сипоҳгарчилик машаққатларидан кўрқмаганлигига қойил қолмай бўлмайди. Туркманлар билан бўлган жангда икки амир навкарларидан 7 киши омон қолади. Бу икки аёл ҳам жангда иштирок этади.

Ўлжой Туркон Оғо шу йилларда бениҳоя зўр қийинчиликларда чидайди. Унинг умри жуда эрта заволят топишида тутқунлик ва сафар қийинчиликлари ҳам таъсир кўрсатгандир. Жайхундан ўтиб-қайтишлар неча бор такрорланган ва уларнинг ҳаммаси катта

хавф остида амалга ошган. Суюкли эри мўғуллар эгаллаб турган ўз вилоятига яширинча қадам қўйганда, унинг қайтишини жон ҳовучлаб кутиб турган аёлнинг аҳволини бир кўз ўнгимизга келтирайлик. Ўша пайтларда, яхшиямки, туркий амирлар оилаларида болаларга, шу жумладан, қизалоқларга ҳам сипоҳийлик ҳаёти, от миниш маҳорати, ҳарбийчасига қаттиқ ҳаёт кўникмалари ўргатилиб, улар чиниқтириб борилган.

Ўн йилдан ортиқ давом этган биргаликдаги ҳаёт интиҳоси Ўлжой Туркон Оғонинг бевақт вафоти билан хотима топади. Бу учинчи фарзанд – Амироншоҳ Мирзо туғилиши билан боғлиқ асоратлар билан боғлиқ бўлган, дейиш ўринли туюлади. Амироншоҳ Мирзо онаси ўлимидан сал аввал, 1366 йилда таваллуд топади. Бироқ, Турғун Файзиев Амироншоҳ Мирзонинг онасини Менглибека Оғойи Жон Қурбоний деб кўрсатади.

1370 йилга қадар Соҳибқирон Амир Темурнинг хотинлари Амир Жоку Барлоснинг қизи Нурмуш (Турмуш, Бурмиш шакллари ҳам бор) Оғо, Амир Мусаллабнинг қизи, Амир Ҳусайннинг синглиси, Амир Қазоннинг набираси Ўлжой Туркон Оғо ва Менгли бека Оғолар бўлган. Олдинги икки хотинидан туғилган фарзандлар – Умаршайх Мирзо, Жаҳонгир Мирзо ва Султонбахт бегим, Амироншоҳ Мирзолар таваллуд топган жой Соҳибқирон Амир Темурнинг ота ватани Кеш – Шаҳрисабз бўлган.

1370 йилдан эътиборан Амир Темур Туркистон мамлакати ҳукмдори бўлгач, унинг оилавий ҳаётида тўздан бурилиш вужудга келади. Ҳукмдор сифатида хос ҳарами шаклланади. Эндиги ҳикоямиз шу хусусда бўлади.

СОҲИБҚИРОН ҲАРАМИ

1405 йилнинг 8 сентябри. Узоқ ва оғир йўлни босиб ўтган Кастилия қиролининг элчилари Самарқандга етиб келиб, Дилкушо боғида Соҳибқирон Амир Темур

билан учрашиш шарафига ноил бўладилар. Элчилар бошлиғи Руи Гонсалес де Клавихо Осие, Оврупо. Африка қитъаларидаги аксар мамлакатларни ўз ҳукмига олган Соҳибқирон Амир Темур билан рўбарў бўлди. У кейинчалик ўз хотираларида бу тарихий учрашувни қаламга олар экан. «буюк подшоҳ» Амир Темурнинг сиймосини шундай чизади: *«У шоҳсуна устига ўлтирарди. Унинг олдида фаввора юқорига отилиб тўрар, фаввора ҳовузида қизил олмалар сузиб юрарди. Подшоҳ лўлаболшига ёнбошлаган ҳолда, шойи кўрпача устига ўлтирарди. Подшоҳнинг эгнида гулсиз силлиқ шоҳи яктак, бошида узун телпак, телпакнинг учига қизил ёқут, жавоҳир ва бошқа қимматбаҳо тошлар қадалган».*

Клавихо Соҳибқирон Амир Темурни салтанатни идора қила бошлаганидан йигирма беш йил ўтиб кўраётган эди. Шу боис, биргина номини эшитса, душманлари титроққа тушадиган Амир Темурни у анчайин қариб қолган киши сифатида таърифлайди. 1370 йилдан то 1405 йилга қадар бўлган давр, бу йилларда кечган воқеа-ҳодисалар. Ватанни мўғуллар зулмидан тўла халос этиш, мўғуллар қадами етган мамлакатларни ҳам улардан тозалаш, қудратли салтанатни барпо этиш, улуғвор туркий давлатни қарор топтириш Соҳибқиронга осон бўлмаган эди. Саккиз юз мингга қадар қўшин тўплаш, уларни жангга сафарбар этиш ўзи бўладиган иш эмасди. Шунча сипоҳийни боқиш, кийинтириш, отлантириш, қуроллантириш, жанг маҳоратини ўргатиш – тасаввур қилиш қийин бўлган муаммолар. Амир Темур шахсида тажассум топган ақл-идрок, куч-қувват, бошқара билиш қобилияти тасодифий феномен эмасди. У мансуб бўлган авлод азал-азалдан давлат бошқарувига аралашиб келган, ҳарб ишида тингсиз бўлган эди. Қарочор нўён шажарасидан улуғ саркардалар етишиб чиққан бўлса-да, улусни ёки вилоятларни идора этганлари, Ҳожи Барлосни мустасно этганда, йўқ эди. Амир Темур 1360

йилдан, аниқроғи Амир Қазағон ҳокимиятининг охириги йилларидан эътиборан, Мовароуннаҳр тожу тахтини қўлга киритиш имкониятлари бир неча марта юзага келган бўлса-да, тахтга ўлтиришни хаёлига ҳам келтирмаган, аксинча, боболар удумига риоя қилиб, сулолавийлик нуқтаи назаридан, Амир Қазағон уруғидан бўлган кишиларнинг ҳокимият тепасида бўлишини қўллаб-қувватлаб келганди.

Амир Ҳусайннинг тахтда мустаҳкам қарор топиши учун у ўн йилдан ортиқ умрини сарфлади. Амир Ҳусайн бобоси Амир Қазағоннинг акси бўлиб чиқади. Муаррихлар Амир Қазағоннинг одил ҳукмдор бўлганлигини таърифлаб, унинг даврида фаровонлик қарор топганлигини уқдирадилар. Амир Қазағонга қилинган суиқасддан кейин зўрға жон сақлаб қолган набираси, Мусалонинг ўғли Амир Ҳусайн калтабин, баднафс, қора юрак, ҳосид киши бўлганлиги боис, туркий амирлар, биринчи галда, Амир Темур билдирган ишончни суиистеъмол қилишга тушади, вақтида ўзини қўллаб-қувватлаган шахсларни йўқ қилишга, айшу ишратга, нафсга берилади. Яқин сафдошларини, жумладан, Ҳутталон амири Шер Баҳромни ўлдириб юборади. Амир Темурга ҳам бир неча бор қилинган қасдлар, хиёнатлар, унинг дўстлари – сарбадорларнинг беаёв дорга остирилиши, қариндош-уруғларига қилинган зуғумлар, сабаб, элу улус ишончидан чиқиш, охиروқибатда, Амир Ҳусайннинг шармисорона ўлимига сабаб бўлади. Мовароуннаҳр ва Хуросон амирлари, сипоҳийлар, уламолар яқдиллик билан Амир Темурни мамлакат ҳукмдори деб тан оладилар. Бу воқеа 1370 йилнинг 9 апрели куни Балхда юз беради. Жангда мағлуб бўлган Амир Ҳусайн охирига қадар ўзини бадном қилиш йўлини тутди. У, ўз одами Одил Султонни голиб Амир Темур ҳузурига йўллаб, тахт ва салтанатдан воз кечишини, бундан буён қолган умрини фақирлик ва мискинликда ўтказишини, шу боисдан ҳажга кетишига рухсат беришини сўрайди. Соҳибқи-

рон бу сафар ҳам унинг гапига бовар қилади ва бу хусусда аҳднома битилади. Бундан фойдаланган Амир Ҳусайн ярим кечада хазинадан жавоҳирлар олиб, қўрғондан яширинча чиқади ва қоронғиликда адашиб, шаҳар ташқарисига йўл тополмай қолади. Шу орада тонг ёришади, у ваҳимага тушиб, ташландиқ бир минорага чиқиб яширинади. Иттифоқо, бир туякаш бир неча кун аввал туяларини йўқотган бўлиб, уларни топиш учун елиб-югуриб юрган бўлади. Унинг йўли минора атрофига тушади. Теварак-атрофни кўздан кечирай, деган мақсадда туякаш минорага кўтарилади. Туякаш мол ваҳмида унга эътибор қилмаган ва танимаган бўлса-да, Амир Ҳусайн ўзининг кимлигини билдириб қўяди. У туякашга тилло ва марваридлар бериб, уни кўрганлигини ҳеч кимга айтмасликни тайин қилади. Туякаш ҳалол ва инсофли киши бўлгани боис, бунинг устига, Амир Темурни қаттиқ ҳурмат қилганидан, иккилик қилмасдан Амир Ҳусайн берган дуру марваридларни Соҳибқирон ҳузурига келтиради ва бўлган воқеани сўзлаб беради. Сухбатда ҳозир бўлган амирлар тезда минора томонга югурдилар ва Амир Ҳусайннинг оёғини ерга теккизмасдан, Соҳибқирон ҳузурига олиб келадилар.

Амир Ҳусайн 1330 йилда туғилган эди. У Соҳибқирондан 6 ёш катта эди. Амир Ҳусайн қатлга етказилганда ёши қирқда эди. Амир Темур унинг ўрнига тожу тахтга мушарраф бўлганида ёши 34 да эди. 1370 йил баҳорида юз берган улуғ бурилиш Туркистон тақдирида бўлганидек, Соҳибқирон Амир Темур шахсий ҳаётида ҳам жиддий ўзгартиришларга дебоча бўлган эди. Шу кундан эътиборан Соҳибқирон оилавий ҳаётида хос ҳарам вужудга келади. Бунинг тафсилоти тубандагича:

Амир Ҳусайн Балх яқинидаги Ҳожа Акоша қишлоғида дафн этилади. Унинг икки ўғли – Хон Саид ва Турур Султонлар ҳам қатл этилади. Икки ўғли Ҳиндистонга қочади, улар Жаҳон Малик ва Халил Султон бўлиб,

хорижда завод топадилар. Сохибқироннинг музаффар қўшини Балхга кириб, Ҳиндувон қалъасини эгаллайди. Бир вақтлар Искандар олдига Доронинг хотинлари ва қизларини, бойлигини олиб келганлари каби, Сохибқирон ҳузурига ҳам Амир Ҳусайннинг ҳарамини ва хазинасини пешкаш қиладилар. Амир Ҳусайннинг ҳарамини чорак аср мобайнида, айниқса, Туркистон ҳукмдори бўлган 1360 – 1370 йиллар давомида жуда кенгайган эди. Қозонхоннинг ҳарамини, вақтида Амир Қазағон томонидан тасарруф этилганми-йўқми, бу ҳақда манбаларда айтилмаган. Бироқ, Амир Ҳусайн Қозонхондан олдин ҳукм сурган Тармаширинхоннинг қизи Севинч Қутлуғ Оғони ўз ҳараминида бош малика даражасига кўтарган эди. Қозонхоннинг қизи Сароӣ Мулк Хоним ҳам унинг хотинлари сафида бўлган. Амир Ҳусайн ўзига қўмаклашган, бобоси Амир Қазағоннинг сафдошлари бўлган туркий амирлардан Боён Сулдуз, Хизр Ясаурийларнинг ҳам қизларини хотинликка олган. Амир Ҳусайн ҳараминида Хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфнинг қизи ҳам бўлган, дейишга асослар бор. Чунки, бундан беш йил бурун Амир Ҳусайн Темурбек ва унинг дўстларидан Хоразм маликасини олиш учун кўп маблағ жамлаб беришни талаб қилганди ва айтганлари тўплаб берилганди. Муаррих Амир Ҳусайн ҳалокати даст берганда, унинг ҳараминида қанча аёл бўлганлигини аниқ айтмаган бўлса-да, улар сонини ўндан ошганлигини тахмин қилиш мумкин.

Сохибқирон Амир Темур 1370 йилда, мамлакат эгаси бўлган пайтида оилавий ҳаётда тамкин бир ҳолда эди. Кўз очиб кўрган хотини, амакисини Амир Жоку Барлоснинг қизи Нурмиш Оғо вафотидан бир неча йил ўтиб, 1366 йил охирларида Ўлжой Туркон Оғо ҳам ҳаётдан кўз юмган эди. Айрим манбаларда 1366 йилда Амир Темурнинг учинчи ўғли Амироншоҳ Мирзонинг Менгли Бека Оғодан туғилганлиги айтилади. Турғун Файзиёв «Темурийлар шажараси» асарида Амироншоҳ Мирзонинг онасини Менглибека Оғоӣи Жон Қур-

боний деб кўрсатади. Клавихонинг «Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 – 1406 йиллар)» китобида берилган 141 изоҳда «Менглибека Ого – Муборакшоҳ Санжарийнинг қизи, ундан Амир Темурнинг учинчи ўғли Амироншоҳ туғилган», дейилади. Бундан 1366 йилдан 1370 йилга қадар Соҳибқирон никоҳида бир аёл – Менглибека Ого бўлган, деган хулоса чиқади. Соҳибқирон билан 1393 йилдан таниш бўлган, 1402 йилда ундан тарих ёзиш тошширинини олган муаррих Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сида Муборакшоҳ Санжарий ҳақида маълумот берилади. Муборакшоҳ Темурбек билан дўст бўлган. Мохонда Темурбек ва Амир Ҳусайн бошига кулфатлар ёғилганда. Амбёк Жовуний Қурбоний уларни банди этиб қамаб қўйганида, банддан халос бўлган Соҳибқирон хизматига Муборакшоҳ Санжарий – «қадимги дўсти этиб келиб, яхши отлар тортиқ қилди», дейилади. Тухфа этилган отларни Темурбек Амир Ҳусайнга беради. Низомиддин Шомий, Муборакшоҳнинг Темурбек билан жуда қалин эканлигини, Мовароуннаҳрга юриш олдидан ўғли Жаҳонгир Мирзо билан Муборакшоҳни Ҳирот малиги олдига юборганлигини ҳам айтишни унутмайди. Шарафиддин Али Яздий ҳам Муборакшоҳ Санжарий ҳақида айнан шу сўзларни келтиради. Ҳар иккала муаррих ҳам оғир кунларда дўстлик кўрсатгани, отлар тақдим этганлиги сабабли Муборакшоҳ Санжарий кейинчалик катта ҳурматга ноил этилиб, амали сарбаланд бўлганлиги ҳақида гапирадилар. Шу йилларда, Муборакшоҳ Санжарий қизига уйланиш юз берганида, муҳими, 1366 йилда Амироншоҳ Мирзо ундан туғилганида эди, ҳар иккала асарда ҳам бу улкан воқеа пинҳон қолиб кетмасди. Менинг тахминимга кўра, Амироншоҳ Мирзонинг онаси ҳам Ўлжой Туркон Ого эди. Темурбек билан кечирилган ўн-ўн икки йиллик ҳаёт уч фарзанд дунёга келиши учун етарли муддат эди. Жаҳонгир Мирзо, Султон Бахт бегим ва Амироншоҳ Мирзолар бир онадан

таваллуд топганлар, дейишга маълум асослар бор. Қайд этилгани каби, Амир Темур ҳаётлиги даврида ёзила бошланган ва унинг ўғиллари ҳаётлигида тасниф этилган тарихларда Менглибека Оғо тўғрисида сўз юритилмаслиги муаммонинг бир томони бўлса, иккинчи мулоҳаза, Амир Темур вафотидан кейин унинг ўғиллари ва набиралари тожу тахт талашиб, бир-бирига ёвлашган, ўлдиришга тушган бир вақтда – ниҳоятда қалтис бир шароитда Султон Бахт Бегимнинг Эронда, Амироншоҳ Мирзо ҳузурида бўлиши, уни пушти паноҳ қилиб бориши, аслида опа ва уканинг бир онадан туғилганлигини кўрсатмайдими? Ўша пайтда куч ва қудрат Шоҳруҳ Мирзо томонидан эди. Амироншоҳ Мирзо отаси ҳаётлигида панд еган, обрўдан тушган шаҳзода эди. Шоҳруҳ Мирзонинг тахт курашларида қўли тобора баланд келаётган, барча тахт даъвогарларини бирин-кетин йўқ қилаётган бир пайтда, Султон Бахт Бегимнинг, ҳатто ўз ўғиллари томонидан беҳурмат қилинаётган Амироншоҳ Мирзо олдида бориши нима билан боғлиқ бўлиши мумкин эди? Маълумки, ҳаёт-мамот чоғларида асл насаб ва наслга қараб иш тутилади. Султон Бахт Бегим ҳам айнан шундай йўлни тутган бўлса, не ажаб?!

Соҳибқирон Амир Темур тўғрисида бир мунча жиддий асар саналмиш «Етти иқлим султони» китобида Хильда Хукҳэм Амироншоҳ Мирзонинг туғилган йилини 1377 йил деб (75-бет) кўрсатади. Бу ҳам Амироншоҳ Мирзонинг таваллуди ва онасига оид хабарларнинг камлиги билан изоҳланадиган жиҳатлардан. Бу таваллуд санаси Шоҳруҳ Мирзога тегишлидир. Шундай қилиб, Амир Темурнинг 1354 йилдан 1366 йилга қадар бўлган даврда тўрт фарзанди – Умаршайх Мирзо, Жаҳонгир Мирзо, Султонбахт Бегим ва Амироншоҳ Мирзолар Шаҳрисабзда туғилганлар. Гап шу хусусда борар экан, яна бир воқеани эслашга тўғри келади. Бу воқеа Султон Бахт Бегим ва Амироншоҳ Мирзо билан боғлиқ бўлиб, бирини Ибн Арабшоҳ бўрттириб, иккин-

чисини эса бўлак муаррихлар юмшатиброқ ҳикоя қилганлар. Ибн Арабшоҳ Султон Бахт Бегимнинг ўзини «эркакча тутиб, уларни хуш кўрмаслигини» айтади ва бунинг сабабни «Самарқандга келган Багдод аёлларининг таъсири остида бузилганидан бўлиб, унинг хунук ҳикоялари бордир», дейди. Султон Бахт Бегим Темурбекнинг қуролдоши, Амир Ҳусайн томонидан беғуноҳ қатл этилган Ҳутталон амири Шер Баҳромнинг ўғли Муҳаммад Миракка узатилган эди. Афтидан, Султон Бахт Бегим эрини ёқтирмаган. Амир Темур Хоразмга, бу жойга босиб келган Тўхтамишхонга қарши юришлар ҳисобида бешинчи бор қўшин тортади. Йўлда Соҳибқиронга куёви Муҳаммад Мирак билан унинг укаси Абулфатҳлар хиёнат қилганлигини, лашкарни ажратиб кетганлигини маълум қиладилар. Хоразмга етиб келинади. Тўхтамишхон қувиб чиқарилади, айни вақтда ҳарб даври қонунларига бинноан, хонлик йўлига кирган Муҳаммад Мирак ва унинг укаси Абулфатҳ жазодан қутулиб қоламайди. Муҳаммад Миракнинг бу юришда 30 минг лашкар билан иштирок этиши буюрилганди. Бундай катта қўшиннинг жанг қилмай орқага қайтиши Тўхтамишдек ганим билан бўладиган кураш натижасига жиддий салбий таъсир кўрсатмай қолмасди.

Муаррих Шарафиддин Али Яздий Муҳаммад Мирак ҳақида гапириб, унинг Амир Темур томонидан тарбияланганлигини (отаси қатлидан кейин), ҳамisha унинг назари остида бўлганлигини, Ҳутталон вилояти унинг ихтиёрига берилганлигини айтиб, оятдан «Одам ўзини бойинган ҳисобласа, исён қўтаради» калимасини келтириб ўтади. Муҳаммад Миракнинг хиёнат йўлига кира бошлаганини пайқаганлар, уни бу хатти-ҳаракатдан қайтаришга интилиб, «Эй нодон, бундай қилма, сен ўйлаган ишлар бир умр амалга ошмайди», деб насихат қилганлар. У душманликни танлаган эди. Самарқандга ўз қўшини билан етиб келиб, орқага қайтади, йўл-йўлакай Соҳибқирон мулкларини, айниқса, Тер-

миз аҳолисини талашга тушади. Муҳаммад Миракнинг отаси Шер Баҳром Амир Хусайн томонидан ўлдирилганда, унинг етим қолган ёш фарзандлари Муҳаммад Мирак ва Абулфатҳни Амир Темур ўз қаноти остига олган эди. Муҳаммад Миракни куёв сифатида қабул қилган, катта мулк берган Соҳибқирон қалтис вазиятда сотқинлик юз берганлиги сабабли, уни кечира олмайди. Муаррихнинг далилларига зид бормаган ҳолда, яъни Муҳаммад Миракнинг катта бойлик ва ўттиз минг кишилик қўшин тўплаганига, шу сабабли бўйсунмаслик йўлига кирганига заррача шубҳа қилмаган ҳолда, барибир, бу зиддиятнинг оилавий сабабларга бориб тақалишини ҳам эътибордан соқит қила олмайман. Султон Бахт Бегим билан кечган бир неча йиллар давомида улар ўртасида фарзанд бўлмаганлиги, бунинг устига, Султон Бахт Бегимнинг уни ҳурмат қилмаганлиги Муҳаммад Миракнинг йўлдан тойишга сабаб бўлганлиги эҳтимоли кўпроқ.

Султон Бахт Бегим хусусида Ибн Арабшоҳ муболагасида шу жиҳатдан қисман жон бор, у эркакларни эмас, айнан эрини – Муҳаммад Миракни ёқтирмаган. Қизининг хулқида бирон ножоизлик бўлганида эди, Амир Темур уни аяб ўтирмаган бўларди. Кўрдикки, Муҳаммад Мирак фитнасида кўп ўтмай Султон Бахт Бегимнинг иккинчи никоҳи юз беради.

Амироншоҳ Мирзонинг Эронда қилган номатлуб ҳаракатлари хотини Хонзода Бегим томонидан Самарқандга, Амир Темурга етказилади. Ниҳоят даражада ғазабланган Соҳибқирон ўғлини жазолашга шахсан ўзи қўшин тортиб боради. Уни шаробхўрликка ундаган, мақтовини ҳаддан оширган, бузғунчиликларига далда берган надимлари – давракашлари қаттиқ жазоланади. Амироншоҳ Мирзо Самарқандга олиб келинади, амалидан, молу мулкидан айрилади, аммо, ўлимдан қутулиб қолади. Нега, деган савол кўндаланг бўлади. Соҳибқироннинг ғазаби чиқмасин эди. Клавиҳо нақд қилган бир воқеа шу жиҳатдан диққатга

лойиқ. Амир Темур вақтида етти йиллик сафарга отланганида Биби Хонимнинг онасига атаб қуриладиган масжидни барпо этишга бош-қош қилиб Ҳожа Маҳмуд Довуд ва Муҳаммад Жилдалар қўйиб кетилган бўлади. Қайтиб келингач, тафтишлар масжид қурилишида катта талон-торож бўлганлигини кўрсатади. Ҳар иккала доруға қатл этилади. Клавихо бу икки доруганинг гуноҳини сўраган беклардан бири ҳам ўлимга ҳукм қилинганлигини айтади. Лекин Табриз ва Султония шаҳарларида ўзбошимчаликни ҳаддан оширган Амироншоҳ Мирзо авф этилади. Клавихо бу ҳақда, *«Бу воқеадан огоҳ бўлган Темурбек Амироншоҳ ҳузурига қараб йўл олади. Отасининг келаётганини эшитган Амироншоҳ бўйнига сиртмоқ солиб, «бир қошиқ қонимдан кечинг», – деб авф сўраб, унинг йўлига пешвоз чиқади. Отаси уни қатл этмоқчи эди, бироқ қариндош-уруғлар ва амалдорлар шаҳзоданинг гуноҳидан ўтишни сўраб, шу қадар жон куйдириб ялиниб-ёлворадиларки, пировардида, Темурбек унинг гуноҳидан ўтади. Бироқ Амироншоҳни салтанатдан маҳрум этади, ихтиёридаги ерлар ва қўшинни ундан тортиб олади».*

Бу сўзларга изоҳ ортиқча бўлса-да, бир мулоҳаза кўнгилда айланаверади. Бу ерда гап яна Ўлжой Туркон Огога бориб тақалади. Амир Темур бу аёлига жуда меҳр қўйган эди. Унинг фарзандлари Соҳибқирон учун жон ва жаҳондек азиз эди. Амироншоҳ Мирзо ҳам Ўлжой Туркон Огодан тугилганлиги ҳам, фикри-мизча, унга қилинган мурувват асосида турган бўлса керак. Султон Бахт Бегим ва Амироншоҳ Мирзо феъл-идаги мағрурлик, эркалик, ўжарлик шу сабабли инobatга олинган, кечирим билан зийнатланган, деган хаёлга бораман.

Хикоям Амир Ҳусайн мағлубияти ва унинг ҳарамини ҳамда бойлигининг Балхда, Амир Темурга пешкаш қилинганлиги тўғрисида бораётган эди. Соҳибқирон ўша давр таомилига кўра, Амир Ҳусайн ҳара-

мидаги жамики хотинларни ўз никоҳига олишга ҳақли эди.

Амир Ҳусайн ҳарамдаги хотинлардан Қозон Султонхоннинг қизи Сарой Мулк Оғони, туркий амирлардан Боён Сулдузнинг қизи Улус Оғони, Хизр Ясаурийнинг қизи Ислон Оғони ва Тоғай Туркон Оғони Амир Темур ўз никоҳига олади. Чигатой хонларидан бўлган Тармаширинхоннинг қизи Севинч Қутлуғ Оғони ўз амирларидан Баҳром Жалойирга хотинликка беради. Қутлуғ Севинч Оғо Амир Ҳусайн аёллари орасида мавқеи баланд, бош малика ҳисобланарди. Зинда Чашмга Дилшод Оғони никоҳлаттиради. Бу аёл ўша – Амир Ҳусайн ва Амир Темур Моҳонда таъқибда бўлган кезларида Ўлжой Туркон Оғо билан бирга қийинчиликларни тортган, эри Амир Ҳусайнга миниб юрган отини берган малика эди. Амир Ҳусайн Кайкубод Ҳутталонийни қатлга етказганида, унинг қизи Одил Малик Оғони хотинликка олган эди. Уни амакиси Жоку бекка тортиқ қилади. Амир Ҳусайннинг қизини Тобон баҳодирнинг укаси Элчи Буғога хотинликка беради. Амир Ҳусайннинг қолган хотинларини ҳам таниқли кишиларга бўлиб беради. Соҳибқирон Амир Темур, шу тариқа, ўз ҳарамига асос солганда тўрт хотинга уйланган эди, бу пайтда унинг ёши ўттиз тўрт устида эди.

КАТТА МАЛИКА

Туркистон тахти муяссар бўлгандан сўнг, Соҳибқирон Амир Темур Шаҳрисабз тевара-атрофида – Тўда Майдон мавзесида улкан машварат ўтказди. Бу улғу кенгашда ғалабага ҳисса қўшган амирлар, саркардалар, руҳонийлар, олим ва алломалар иштирок этади. Туркий давлатчилик арконларини мустаҳкамлаш, пойтахт танлаш, ички ва ташқи сиёсат юритиш масалалари ҳал этилади. Амир Темур сиёсат бобида ўз устози Амир Қазағон асослаган бошқарув усулига

амал қилишни мақбул билади. Амир Қазағон сингари Чигатой авлодидан бўлган Суюрғатмишхонни сохта хон кутариб, мамлакатни тўла идора қилишни ўз зиммасига олади. Суюрғатмишхон 1370 йилдан то 1388 йилгача номига хон бўлиб, «ҳукм суради».

Амир Қазағон Чигатой авлодидан бўлган йигирма иккинчи хон – Қозонхон Ясавур ўғлини 1346 йилда жангда ўлдириб, биру чорак аср давом этган мўғуллар истибдодига чек қўйганида, Мовароуннаҳрга туташ ва олис сарҳадларда – шимолда, жанубда, ғарб ва шарқда мўғуллар мустамлакачилиги куч устида эди. Шарқий сарҳадларда Чигатой авлодидан ҳокимиятни тортиб олган дўғлотлар ҳам Амир Қазағон асослаган сохта хон бошқарувини жорий этадилар. Амир Қазағон салтанати фақат Мовароуннаҳрда амалда бўлиб, Чингизхон 125 йил муқаддам босиб олган ўлкаларда Жужи, Хулоку, авлодлари, хуллас, унинг набиралари, эваралари ҳукм суришда давом этаётган эди. Амир Қазағоннинг сохта хонни Чингизхон уруғидан қўйиш сиёсати ўша давр нуқтаи назаридан ўзини оқлаган оқилона ечим бўлган эди. Ташқи томондан қаралганда, Чигатой улусини, яъни Мовароуннаҳрни Чингизхон авлоди вакили бошқараётгандай бўлиб кўринар, бу Ички Мўғулистондаги мустабидларни Мовароуннаҳрга қарши тажовузлардан, босқинлардан ҳимоя қилишда восита ҳисобланарди.

Кези келганда, бир мушоҳадани ўртага ташлаш жоиз бўлади. Олдинги саҳифаларда Темурбекнинг ҳаёти билан танишиш асносида, унинг келиб чиқиши таниқли хонадондан, наслу насабининг қадимий бўлишига қарамасдан, ўрта мавқели оилалардан эканлиги аниқ бўлди. Темурбекни на отасининг бойлиги, на қариндош-уруғлар қўллаб-қувватлаши тарих саҳнасига олиб чиққан омилар бўлмаган. Фикримча, ўзига тўқ, ақлли, куч-ғайратли, ҳарб ишларидан мукаммал хабардор Темурбекни тарих саҳнасига олиб чиққан киши Амир Қазағон бўлади. Муаррих Муиниддин

Натанзий айтганидек, «Қазагоннинг адолати туфайли мулки миллат ишлари шу даражада мустаҳкам ва устувор бўлдики, бури билан қўй бир сувлоқдан сув ичиб, дарвиш кулбаси бехатарлигидан нажот ўйига айланди. Оддий одамлар ва улуғлар, мусофирлар ва муқимлар, каттаю кичик, хосу ам – ҳеч кимнинг дилида рўзгор гардишидан шикоят губори қолмади». Бироқ, ўн икки йилга яқин давом этган Амир Қазагон ҳокимиятининг охириги йилларида унга қарши фитналар кўпаяди. Бунинг бир неча сабаблари бор эди. Энг аввало, Ички Мўғулистон собиқ мустамаलाкада – мустақиллик яловини кўтариб, ўзини ўзи идора қила бошлаган Мовароуннаҳрда кечаётган воқеаларга тоқат қилиб туролмас эди. Иккинчидан, мўғулларнинг бир асрдан зиёд давом этган бошқаруви, гарчанд, Жетадан (Еттисувдан) келган мўғулларни туркийлаштирган бўлса-да, мўғулпарастлик ҳам мустаҳкам қарор топган эди. Мўғулпараст қўчлар қароуннос қавмидан (Амир Қазагон қўнғирот уруғидан эди) бўлган Амир Қазагоннинг ҳокимиятни идора қилишига ҳасад кўзи билан қарар эди. Учинчидан, Чинғотой авлоди ҳукмронлигига Амир Қазагон билан бир бўлиб барҳам берган, вақтида уни қўлаб-қувватлаган туркий амирлар (масалан, ҳожи Барлос, Боён Сулдуз ва б.) аста-секин Амир Қазагон итоатидан бўйин товлаб, ўзлари ҳокимиятга талаб сола бошлайдилар. Бунинг устига, Амир Қазагон фарзандлари ҳам қобил кишилар эмаслигини намоён қилиб улғурдилар.

Яловбардор ҳукмдор Амир Қазагон ўз мажлисларида иштирок этаётган Амир Тарағайнинг ўғли Темурбекка эътибор бера бошлайди. Унинг сўзлари ҳукмдорга маъқул тушади. У Амир Темур сиймосида, гарчи ёш бўлсада, шижоатни, ўктамликни, ақл-фаросатни кўриб-билиб, қузатиб, уни ўзига яқинлаштиради. Бу яқинликни оплавий ришталар билан боғлаб, набираси Ўлжой Тўркон Оғонни унга никоҳлаб беради. Темурбекнинг давлат ишларига, сиёсатга аралашуви, шу

тариқа, Амир Қазағоннинг қўлаб-қувватлаши билан амалга ошадди. Кейинчалик, Амир Темур давлат тузугини ишлаб чиқиш ва жорий этишда Амир Қазағон тажрибасига асосланади: ватан озодлигини мустаҳкамлаш, адолат ойинига оғишмай амал қилиш йўлини тутади.

Салтанатни идора қилиш билан бир қаторда, ҳукмдорнинг оилавий ҳасти ҳам сиёсатдан қолшмайдиган даражада муҳим аҳамият касб этар эди. Амир Темур ҳокимиятга келганида мўғулларнинг истибдодига барҳам берилганига 24 йил тўлаётган эди. Амир Қазағон ва Амир Ҳусайнлар тахтда бўлган йилларда собиқ мустабидларнинг кучи ва таъсири қандай даражада бўлса, орадан шунча йиллар ўтишига қарамай, бу куч ва таъсир сусаймаган эди. Ким-кимму, лекин Амир Темур мўғулларнинг қабоҳатини бошқалардан кўра яхшироқ биларди. У Ички Мўғулистондан кўшин тортиб келган Туғлуқ Темур билан рўбарў бўлган, унинг ўғли Илёсхўжа билан тўқнашган, қаттиқ савашлар олиб бориб, кўзи пишиган эди. Шу сабабдан, мўғул хавфини назардан қочириб бўлмас эди. Амир Темур мамлакат ичида ўн йил давомида мўғулларга қарши қураш олиб бориш жараёнида, мустақил давлатни бошқариш соҳасида етилган эди. Мамлакат идорасида майда ёхуд иккинчи даражали соҳа бўлмайдди. Бунга оилавий жабҳани ҳам киритиш ўринли бўларди. Амир Ҳусайн хотинлари пешкаш қилинганда, улар орасидан тўрт аёлнинг танлааниши қандай ақидаларга боғлиқ бўлган эди? Бу саволга бир хилда жавоб бўлмайдди, бу аниқ. Буни ёлғиз Амир Темурнинг ўзи билган, ҳал қилган. Лекин, мулоҳазаларга ўрин бор. Амир Ҳусайн хотинлари орасида Севинч Қутлуғ Оғо унинг бош хотини, катта малика ҳисобланган.

Севинч Қутлуғ Оғо Чигатой авлодидан биринчи бўлиб, улус пойтахтини 1318 йилда Қашқа воҳасига кўчирган. Қарши шаҳрига асос солган Кепакхондан кейин, 1326–1334 йилларда ҳукм сурган Тармаши-

ринхоннинг қизи эди. Амир Ҳусайн шу хотини туфайли «хоннинг қуёви» – кўрагонлик рутбасига эга бўлганди. Тармаширинхон Чингизий хонлар орасида биринчи бўлиб, ислом динига кирган, бу эътиқоди учун «Алоуддин» деган фахрли номга ноил бўлган хон эди. Амир Темур нега энди шу улуғ хоннинг қизини сайламади, балки уни амирларидан бири Баҳром Жалойирга хотин қилиб бериб юборди? Унинг ўрнига, Мовароуннаҳр эли орасида қаттоллиги билан ном чиқарган Қозонхоннинг қизи Сарой Мулк Хонимни танлади ва унга биринчи малика – катта малика мақомини берди. Бу муаммоларни бир оз бўлса-да, ойдинлаштирадиган ишоратлар борлигини инкор этиб бўлмайди. Кепакхондан кейин тахтга келган Тармаширинхон мўғуллар истибдодининг 105-йилида тахтга чиқар экан, ўтган бир асрдан ортиқ вақт давомида мазлум халқ онгида содир бўла бошлаган норозилик тўлқини моҳиятини англаб етади. Бошқарувни узлуксиз кўрқитиш, жазолаш билан олиб бориш натижа бермаслигини, бу аксинча, қарама-қаршилиқни кучайтиришга олиб келишини фаҳмлайди. Нозик сиёсатчи бўлган Тармаширинхон мўғуллар ҳукмронлигини янада узайтиришнинг бирдан-бир йўли маҳаллий аҳоли удумларини, шу жумладан, динини ҳам қабул қилишда, деб тушунади. У ислом динига киради, мусулмон бўлади, руҳонийлар билан қуда-анда киришади. Ички Мўғулистон Тармаширинхоннинг бу ўзбошимчалигини кечира олмаган. Тахт даъвогари Дурра Темурнинг ўғли Бўзан томонидан у қатлга етказилади. Ҳокимиятни эгаллаган Бўзан Чигатой улуси пойтахтини яна Или водийсига, улуснинг биринчисидан то ўн тўртинчи хони пойтахт қилган Олмалиққа кўчириб кетади. Пойтахт кўчирилган Жетада ҳам тожу тахт талашлари тўхтамайди. Бўзан ўрнига келган Қозонхон улуснинг бош қароргоҳи қилиб яна Қашқа воҳасини, ҳозирги Муборак сарҳадларини танлайди. Бу ерда Занжирсарой қасрини барпо этади. Мўғулларнинг тасаввурини

да ҳокимиятнинг асосий хавфи Жетада эмас, унинг жанубидаги ҳудудларда, деган қараш ҳукм сурарди. Шу сабабли, пойтахтнинг, аниқроғи, хоннинг бу жойларда ўрнашувиге ҳар қандай хавфу хатар олдини олиши ва кечиктирмамай зарба берилиши билан боғлиқ деб қаралар эди. Чигатоёй улусининг йиғирма иккинчи хони Қозонхон, шу ақидадан келиб чиқиб, зуамни жуда кучайтирган эди. Натанзий тарихида бу ҳақида очиқ-ойдин битилган. Ҳозир гап бу ҳақда эмас.

Амир Темур Қозонхоннинг қизи Сароёй Мулк Хонимни ўз ҳарамда бош маалка мақомига ноил этганида, Тармаширишхоннинг Ички Мўғулистонда яхшилик билан ёд этилмаслигини, мазлумаарга ён берган, Чигатоёйхон бошқарувини сусайтирган деб, унга паст назар билан қарашларини ҳисобга олган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Қозонхоннинг маҳаллий туркий амирларни чиқартирмаслиги, уларни қатағонда тутиши муҳим, «марказ» нинг қўнғилдан чиқиб, мазлум элга зуам ва шафқатсизликни ҳаддан оширганлиги Чигатоёй асилодалари хайрихоҳлигига сабаб эди. 1370 йида, чор атрофи мўғул босқинчилари томонидан ўраб турилган, бирлашгудек бўлса, бемисл кучга айланадиган мўғул мустамлакачилари билан, эҳтиёт шарт, муомала қилиши тақозо этиларди. Амир Темур, муаррихлар қайд этгани каби, Сароёй Мулк Хонимга уйланганлиги туфайли, улдуғ амакиси Тогочор нўён (бобокалони Қарочор нўённинг укаси, у Чингизхоннинг қизини олган эди) каби, «қўрагон» – Чингизхоннинг кўёви деган рутбага эга бўлади. Яна бир мўлоҳаза, Туркий «Темурнома»да нақл этилганидек, Темурбекнинг болалик даври Муборакда, Қозонхон пойтахти Занжирсароёйга яқин гўшада, амакиси Амир Жоқу Барлос хонадониде кечган. Занжирсароёйга яқинлик, Амир Жоқу Барлоснинг фарзандлари билан бирга ўйнаш давомида хон ўрдаси болалари билан таниш-билишлик юз бериши мумкин бўлган ҳол эди. Ақирим тадқиқотчилар, шунинг назарга тутиб, болакай Темур-

бек билан ундан беш ёш кичик бўлган Сарой Мулк Хоним ёшликдан бир-бирини танишган, дейишга мойилдирлар. Шундай бўлса, Катта малика фақат давлат манфаати нуқтаи назаридангина эмас, беғубор болалик ҳиссиётлари билан ҳам Темурбекнинг шундай қарорга келишига сабаб бўлгандир. Ахир, даҳолар ҳам юрак амрига бўйсунган ҳолларга мисоллар жуда кўп-ку?

Сарой Мулк Хоним Қозон ибн Ясавур қизи 1341 йилда Отаси пойтахти Занжирсаройда дунёга келади. Соҳибқирон билан Сарой Мулк Хонимнинг тақдир йўллари бирлашганда, бири 34, иккинчиси 29 ёшда эдилар. Сарой Мулк Хоним оқила, билимдон, бениҳоя гўзал аёл бўлган. Саройдаги ички тартибот, хотин-қизларга бош-қош бўлиш, шаҳзодалар тарбияси, меҳмондорчилик, туй тадбирларини ташкил этиш сингари юмушлар Сарой Мулк Хоним зиммасида бўлган. Соҳибқироннинг унга ҳурмати беқиёс эди. Амир Темурнинг юришларда галабалар ёр бўлгани сари, катта маликанинг ҳам обрў-эътибори оша боради. Кўп ўтмай, уни улуғ малика сифатида «Биби Хоним» деб атай бошлайдилар. Биби Хоним ҳарамнинг шаъни учун масъул бўлишидан ташқари, бирин-кетин туғилаётган Темурийзодалар соғлиги, тарбияси, илм олиши учун ҳам жон куйдиради.

Сарой Мулк Хонимнинг онаси ким бўлган, бу ҳақда аниқ бир фикр айтиш мушкулроқ. Банокатийнинг «Тарихи Банокатий» асарида Қозонхоннинг катта хотини номи Бўлган Хотун, деб кўрсатилганлиги манбаларда қайд этилади. Бироқ бу аёлни Сарой Мулк Хонимнинг онаси дейиш тўғри келмайди, у бўлажак малика туғилишидан олдин қазо қилиб кетган. Тарихий асарларда Самарқандда Биби Хоним онаси шарафига масжид қурдирилганлиги ва унинг хоки шу ерда дафн этилганлиги айтилади. Ҳарҳолда, бу аёл Сарой Мулк Хоним Самарқандга кўчган йилларда ҳаёт бўлган. Катта малика шаъни учун онаси хотирасига

улуғвор масжид барпо этилган. Сарой Мулк Хоним Қарши ҳокими Амир Мусонинг опасининг қизи эди. Шарафиддин Али Яздий бунн алоҳида таъкидлаб ай-тиб ўтади.

Амир Мусо тарози шайинига қараб иш тутадиган, оғмачи киши эди. Амир Хусайн даврида у Қаршини идора қилиб турганди. Амир Темур Қаршини қўлга киритиш учун бел боғлаганда, Амир Мусо 12 минглик қўшинга эга бўлса-да, оз миқдордаги ҳужум қилувчиларга бас келолмай қочади. Қочишда, ҳатто, ўз хотини Орзу Мулк Оғони қутқаришни хаёлига ҳам келтирмай, жонини ҳовучлаб саҳрога томон жуфтакни ростлайди. Амир Мусонинг содиқ навкарларидан бири Малик баҳодир, муаррих Натанзий айтгани каби, Орзу Мулкни Оғони отга миндириб, бир амаллаб қуршовдан чиқиб кетади. Бу ҳақда «Зафарнома» асарида ай-тилган сўзларни келтириб ўтиш фикримни ойдинлаштиради. У сўзлар тубандагича:

«Амир Боёзид Жалойирнинг қизи, Амир Мусонинг хотини бўлмиш Орзу Мулк (Малик ҳам деб ўқилган) Ого шу пайт Малик Баҳодир билан биргаликда қочиб борарди... Соҳибқирон улар ортидан тушди ва Маликка бақириб: «Сенинг қонингдан, гарчи уни тўкиш лозим бўлса-да, кечдим, бу аёлни ўзингдан ажратиб юбор», деди. Малик ўз бошини сақлаб қолиш учун улардан ажралди... Аёллар ҳамон от чоптириб бораётган эдилар. Улар билан Ошиқ Тоз номли бир навкар ҳам бор эди, қўлида камон ва тир. Ҳазрат Соҳибқирон яқинлашиб қолганлиги учун, у камонни ўқлаб тортар, бироқ отишга журъат этолмасди. Ҳазрат Соҳибқирон борди-ю, у моҳир мерган бўлиб, ўқидан менга бирор заҳм етса, маломат ва танбеҳга сабабчи иш бўлади, яъни хотин ва мол таъмасида ўқ еди, дейишади, деган андишада, эҳтиёт юзасидан унча кўп яқинлашмасди. Ногоҳ, отининг оёги чуқурга тушиб, жойида тўхтаб қолди. Шу пайт Давлатшоҳ бахши етиб келди ва аёллар ортидан от солди...

Давлатшоҳ қанчалик уларнинг ортидан қувламасин. барибир, етолмади. Ўша вақтда Орзу Мулк Оғо бўлажак Тумон Оғога тўққиз ойлик ҳомиладор эди».

1365 йилда, шу воқеа рўй берганида туғилажак қизи Тумон Оғога ҳомиладор бўлиб, оyi куни яқин Орзу Мулк Оғога учқур отда етолмаган Амир Темур орадан 12 йил ўтиб, 779 ҳижрийда (1377 – 78 й.) унга тақдир отида қувиб етади – ўша йили туғилган ва Тумон Оғо деб исм берилган, 12 ёшга тўлган қизга уйланади. Бир оз олдинроқ кетиб, айтадиган бўлсам, тақдир оти Тумон Оғони Соҳибқирон вафотидан кейин ҳам яна бир марта олиб қочади. Бу тўғрида навбати билан ҳикоя қиламан.

Амир Мусо беқарор, лафзида тура олмайдиган, мардликдан кўра номардлик феълида устун бўлган бир кимса эди. Биби Хоним туфайли, Соҳибқирон унга катта илтифотлар кўрсатган, бузғунчиликларини кечирган, ҳатто суюкли қизи Тоғайшоҳ Оғо Бегимни Амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбекка берган, бошқача айтганда, қарши қуда бўлган эди. Амир Мусо Соҳибқирон Амир Темур Мовароуннаҳр тахтига чиққандан кейин ҳам хиёнат ва сотқинлик йўлидан қайтмайди. Ўнг келган жойда Амир Темурга панд беришга тирishaди. Тўғриси айтганда, Соҳибқирон ва Амир Мусо муносабатларининг ўзи бир китоб бўладиган маҳзун ҳаёт-мамот воқеалари силсиласидан иборатдир.

Муиниддин Натанзий ўз тарихида Амир Мусо қилмишларидан кўп далилларни зикр этган. Амир Темур жуда мулоҳазали давлат арбоби бўлгани боис, қарор қабул қилишдан аввал ҳамма жиҳатни ҳисобга олиб, иш кўрган. «Амир Соҳибқирон ўзича фикр юритдики, – деб ёзади муаррих, – Амир Мусо даставвал бизнинг давлатимиз хонадонига хизматкорлик ҳуқуқини ишбот қилиб, бизга мақбул бир тарзда қатъият ва ижтиҳод қадамини босди. Сўнгра эса ундан андак хато содир бўлди. Аммо шу туфайли уни бу кенг дав-

латдан ноумид қилиш мурувватдан бўлмайди». Соҳибқирон Амир Мусога нисбатан бағрикенглик ва кечиримлилик қилиб, янглишган эди. Туркистонга кетиб қолган Амир Мусони дараклатиб топдириб келган Соҳибқирон уни тағин афу этиб, «Амир Мусога ғоятда эъзоз-икром ва эҳтиром кўрсатди, ўтган-кетган ишлардан ҳеч бирини унинг юзига солмади. Молу мулки ва элу улусини барқарор ҳолда ўзига бағишлаб, уни ўзи билан бирга Самарқандга олиб борди».

Кўрнамаклик қонига синган, Соҳибқиронга қудандачилик ришталари билан боғланган Амир Мусо сотқинлик, ҳасад ва ғараз васвасасидан қутила олмаган. Амир Темур Мўғулистонга иккинчи марта юриш бошлаганида у бир тўда разил нокаслар билан Соҳибқиронни йўқ қилишга келишадилар. Натанзий бу ҳақда шундай дейди: *«Иттифоқан, Амир Мусо, Зинда Чашм, Амир Хизр Ясовурийнинг ўғли, Термиз хонзодаси ва шайх Абулайс Самарқандий ўзаро иттифоқ қилиб, Қаросомон манзилига етганда Амир Соҳибқиронни қўлга олиб, жаҳонда янғитдан фитна ва бузғунчиликни бошлаб юборишга қасам ичдилар».*

Фитна фош бўлади. Жиноят қанчалик оғир бўлмасин, Амир Соҳибқирон бу гал ҳам Амир Мусонинг гуноҳидан ўтади. Суиқасд, давлат сиёсати нуқтаи назаридан, кечириладиган ҳолат эмас эди. Биби Хонимга бўлган чексиз ҳурмат ва муҳаббат нафақат Амир Мусонинг, шунингдек, унга шерик бўлганларнинг (Зинда Чашмдан бўлак) ҳам ҳаётини сақлаб қолади. Сарой Мулк Хонимга кўрсатилган иззат-икромнинг адоғи бўлмаган. Бу тотувлик то Соҳибқироннинг охирги нафасига қадар давом этган. Амир Темур сафарларида бирга бўлган муаррих Низомиддин Шомий 1384 йил юришлари воқеа-ҳодисаларини ҳикоя қилар экан, Мурғобга етиб, қароргоҳ тикланганда, Соҳибқирон билан бирга бўлган Биби Хонимнинг Амироншоҳ Мирзонинг хотини, икки ой бурун Халил Султонни дунёга келтирган Хонзода Бегим шарафига катта тўй уюш-

тирилганлигини ёзади. Сафар чоғларида ҳам оилавий удумларни бекаму қўст адо этиш инон-ихтиёри катта малика зиммасида эди.

Сарой Мулк Хоним аёл боши билан Самарқанддан Ироққа қадар бўлган ўта олис йўлни Соҳибқирон ёнида биргалликда босиб ўтганлигини ўзи бир жасорат эмасми? Шомий ўз асарида Сарой Мулк Хонимнинг 1386 йилда шаҳзода Шоҳрух Мирзо билан Самарқанддан Ироққа етиб келганлигини ёзади: *«Улар келиши ҳақидаги хабар Амир Соҳибқиронга етган. – дейди муаррих. – у йўруқни қолдириб, уларнинг истиқболига чиқишни ирода қилди»*. Бу буюк Амрнинг ўз рафиқасига кўрсатган улут эҳтиромидан бир нишона эди.

Соҳибқирон ҳарамдаги хотинларга бош бўлган Бибӣ Хоним ҳарб масалаларида ҳам эри билан маслаҳатлар қилар, оилага тааллуқли барча гаплардан, олисдами-яқиндами, Амир Темурни хабардор қиларди. 1394 йилнинг апрелида Соҳибқирон Мордин мулкида турганида Бибӣ Хоним Шоҳрух Мирзо ўғли Улуғбек Мирзонинг туғилиш хабарини етказди. Бу шодона сабаб, Мордин аҳолисига амният берилиб, бу юртни унинг ўз ҳукмдори Султон Солиҳга тўрттик қилади.

Соҳибқирон Сарой Мулк Хонимдан фарзанд кўрмаган. Бу етишмовчилик ўрнини меҳр-муҳаббат тўлдирган. Бибӣ Хоним Соҳибқироннинг сўнги нафасига гувоҳ бўлган, унинг Ўтрордаги энг меҳрибон йўлдоши ва маҳрами эди. Сарой Мулк Хонимнинг Амир Темур хотини сифатидаги бу хонадонда тутган ўрни ва хизмати алоҳида таҳсинга арзийди. Жаҳоншумул шўҳратга эга бўлган Улуғбек Мирзо, Хамил Султон, Шоҳрух Мирзо ва бошқа шаҳзодаларнинг мураббийси ва муқаввийси Бибӣ Хоним биргина шу хизматлари билан ҳам тарихда мангу ном қолдиришига ҳақлидир. У саройда азалдан ўрнашиб қолган, ривожга тўсиқ бўлган кўпгина одатларга ислоҳ кирита олган жасур ва оқил малика ҳисобланишига лойиқ. Шаҳзода Хамил Султон

ва Шоди Мулк муҳаббати воқеаси бунинг ёрқин далилларидан бири. Бу хусусда ҳам ўз ўрнида хикоя қилнади.

МАЛИКАЛАР

1370 йил апрелида Амир Темур, маъзул этилган Амир Ҳусайн ҳарамидан тўрт аёлни ўз никоҳига киритганлиги ҳақида гапирдим. Сарой Мулк Хонимдан кейин, шу тўрт хотиннинг бири Боён Сулдузнинг қизи Улус Ого эди. Боён Сулдуз туркий сулдузлар қавмининг бошлиғи бўлган. Сулдуз қавмлари Термизнинг шарқий тарафида, Амударёнинг икки қирғоғи бўйлаб жойлашган эди. Амир Қазағон даврида Боён Сулдуз, Муҳаммад Ҳожа Апарди, Сотнамин, Улжойту Апарди каби улус беклари мавқен баланд бўлиб, катта юришларни биргаликда амалга оширганлар. Амир Қазағон ҳалокатидан кейин ҳокимиятга келган набираси Абдуллоҳ сохта хон Боёнқулани ўз ҳарамига қўз олаёттиришга шубҳа қилиб, ўлдиртиради. Амир Абдуллоҳдан норози бўлган улус беклари, жумладан, Боён Сулдуз ҳам Кофирниҳон дарёсининг юқори оқимида жойлашган икки қалъа – Ҳисори Шодмондан қўшин жамлаб, Самарқандга юриш бошлайди. У Кешга етиб келганида, Ҳожи Барлос ҳам қўшилади ва иккаласи Амир Абдуллоҳни мағлуб этиб, унинг биродарларини қувиб юборадилар.

Шарафиддин Али Яздий далолатига кўра, ўша пайтлар Боён Сулдуз ва Ҳожи Барлосдан обрўлироқ беклар бўлмаган. Абдуллоҳдан кейин ҳокимиятни улар қўлга оладилар. Боён Сулдуз кўнгли бўш ва беозор киши сифатида танилган. Муаррих унинг бир нуқсонини – мунтазам майхўрлик қилишини, ичишга муккадан кетганлигини, кайф қилолмай туролмаслигини, шу сабабли, юзлари лола янглиғ қизил тус олганлигини айтади. Йил – ўн икки ой ичида бирор ҳафта бўлсин хушёр вақти бўлмас экан. Ҳокимият тизгини қўлида

бўлган кишининг ҳоли шу бўлгач, мамлакатнинг ҳар бир пучмоғида бошбошдоқлик бошланади, бўйсунмаслик кучаяди. Беклар ўз бошига ҳокимият талашишга киришиб кетадилар. Кеш улусида Ҳожи Барлос мустақиллик яловини кўтаради. Хўжанд вилоятини Боязид Жалойир эгаллайди. Амир Қазағоннинг катта ўғли Мусаллонинг ўғли Хусайн эса, Амударё жанубидаги мулкларни қўлга олиб, Кобулда турарди. У, бобоси Амир Қазағон ўлиmidан кейин, унга тобе бўлган ҳамма ҳудудларга даъвогарлик қиларди. Хуллас, мўғуллардан тортиб олинган мустақиллик хавф остида қолган, туркий амирларда бўлиниш, ажралиш, бир-бирига тиш қайраш кучайиб, кучлар бўлиниб қолган эди.

Мўғулистонда Чигатой авлоди Туркистонда кечаётган воқеаларни сергаклик билан кузатиб борарди. Туркий амирларнинг ўзаро низолари, ҳокимият талашлари уларга қўл келади. Туғлуқ Темурхон 1360 йилнинг феврал-март ойларида Мовароуннаҳр сари юриш бошлайди. Туғлуқ Темурхон Чигатой уруғидан бўлган Дувахоннинг ўғли бўлиб, Жетанинг подшоҳи ҳисобланарди. Жета – Чимкент билан Талас водийсидан то Лобнор қўлига қадар бўлган ҳудуд бўлиб, бу жойлар ҳам Мўғулистон деб аталган. Жета (Жете) сўзининг маъносини турлича изоҳлаш ҳоллари маълум. ҳақиқатга яқинроғи Етти (жете) бўлиб, Жетесув, Етти-сув ҳудудларини кўзда тутарди. Ўша пайтларга келиб, Чигатой авлодидан Туғлуқ Темурхондан кучлироқ хон қолмаган эди.

Ёвнинг катта қўшин билан бостириб келиши туркий амирларни таҳликага солиб кўяди. Боён Сулдуздан ҳокимиятни тортиб олиш фикрида юрган Амир Хусайн унга қарши курашда Темурбекдан, Боязид Жалойир ва Хизр Ясурийдан кўмак сўрайди. Мўғулларнинг ҳужум ниятида келаётганлиги бу режанинг охирига етишига имкон бермайди. Ваҳима, амирлар кўнглига бирлашиш мақсадини эмас, ўз жонларни қутқариш қутқусини солади. Туғлуқ Темур 1361 йил-

нинг март ойида Хўжанда тўхтаб турганида Боязид Жалоийр унинг этагини ўпиш учун етиб боради. Тўғдуқ Темурхон Мовароуннаҳрда кейинги ўн-ўн беш йил ичида кечган воқеалардан яхши хабардор бўлганлиги, туркий амирлар Амир Қазағон бошчилигида ўз авлоди давомчиси Қозонхонни тахтдан ағдарганлигини, бу ишда Боязид Жалоийр, Боён Сулдуз, Ҳожи Барлосларнинг қўли бўлганлиги сабабли, уларга қаттиқ кек сақларди. Хон остонасига келган Боязид Жалоийр дарҳол қатл этилади. Боён Сулдуз ҳам, Ҳожи Барлос ҳам Тўғдуқ Темур хизматига боришга қарор қилдилар. Боязид Жалоийрнинг қатл этилиши Ҳожи Барлос фикрини ўзгартиради ва у қуч – кўрони билан Амударёдан нарига кетади. Тўғдуқ Темурхон шу йил кузида Самарқанд устига юриш бошлайди ва йўлда тахт раҳнагарини сифатида Боён Сулдузни ҳам улимга буюради.

Қозонхондан вақтида ҳокимиятни бир ёқадан бош чиқариб, Амир Қазағонга олиб берган, туғилган юрти мустақиллиги учун курашган, бу курашга катта ҳисса қўшган амирлар қисмати шундай яқун топади. Бирлашмаслик, ҳокимиятпарастлик ғолиб келгани боис ёв уларни осонликча, ҳатто ихтиёрий равишда маҳв этади. Амир Ҳусайн воқеаларнинг кейинги ривожиди, Амир Темурнинг қўлаб-қувватлаши орқали Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлгач, Боён Сулдузнинг қизи Улус Овога уйланади. Боён Сулдузнинг Шайх Муҳаммад исми ўғли ҳам бўлган. Шайх Муҳаммад бошдан Темурбекка рағбатли киши бўлса-да, Амир Ҳусайн тарафида туриб иш туттишга мажбурият сезади. Бу, ўртада боғланган қуда-андачилик билан боғлиқ бўлганлигини тушуниш мумкин.

1370 йил бошларида ҳокимият Амир Темур қўлига ўтгандан кейин Шайх Муҳаммад феълда ғалати ўзгаришларни кузатишга тўғри келади. Балхдаги ғалабадан сал аввал Шайх Муҳаммад ўз қўшини билан Амир Темур томонига ўтади ва Амир Ҳусайнга қарши қу-

рашга бош қўшади. Балх ғалабасидан кейин Чиратой улусининг барча беклари қатори Шайх Муҳаммад ҳам Соҳибқиронни тахтга ўтқозиш маросимида иштирок этади.

Амир Ҳусайн ҳарамидан танланган тўрт хотиннинг бири бўлган Улус Оғонинг маликалик мақоми унинг акаси Шайх Муҳаммадни Соҳибқиронга яқинлаштиради. Амир Темур ҳам ҳокимиятни идора қилишга киришар экан, Шайх Муҳаммад сингари катта қавм ва ҳарбий кучга эга бўлган амирзодалар кўмагига эҳтиёж сезарди. Улус Оғонинг ҳарамга киритилиши сабабларидан бири сифатида бундай тахминни эътибордан соқит этиб бўлмайди. Шайх Муҳаммад Соҳибқирон ёнида бўлиб, унга маслаҳатлар бериб турганлигини «Зафарнома»даги бир воқеа яққол далолатлайди.

1372 йилда Хоразмни идора қилиб келаётган Ҳусайн Сўфига қарши юришда, Соҳибқироннинг ҳарбий қудратини ҳис этган Хоразмшоҳ, қалъага бекиниб олиб, Амир Темур ҳузурига хос одамини йўлаб, сулҳ ва муроса сўрайди. Амир Темур келишувга рози бўлади. Бироқ, Соҳибқиронга қарши ич-ичидан қарши бўлган, қора юрак Кайхусрав Ҳуттолоний Ҳусайн Сўфига яширинча одам юбориб, «Амир Темурнинг ваъдасига ишонма, қўшинингни шай қилиб, шаҳар ортига чиқ, мен ўз лашкарим билан сенга қўшиламан», дейди.

Ҳусайн Сўфи унинг гапларига бовар қилиб, қўшинини тайёр ҳолга келтиради ва жанговар кайфиятда ноғоралар қоқиб, шаҳардан икки ёғочлик масофадаги Ковун анҳори бўйига келади. Ўртадаги сулҳга биноан, Соҳибқирон қўшинлари ҳар томонга тарқалган эди. Ҳусайн Сўфи қароридаги ўзгариш – сулҳ сўраб, унга амал қилмаслик, қиличларни яланғочлашга олиб келади. Анҳор бўйида жанг бошланади. Амир Темур саркардаларидан Шайх Али баҳодир, Муайяд бек, Хитойи баҳодир, Оқ Темур баҳодирлар от билан ан-

ҳорни кечиб ўтиб, Ҳусайн Сўфи одамларини тум-тарақай қилади. Амир Темурнинг ўзи ҳам анҳорга от солиб, уни кечиб ўтмоқчи бўлади. Соҳибқиронни бундай қилишга Шайх Муҳаммад Боён Сулдуз ўғли йўл қўймайди, у «шоҳларнинг иши сув кечиш эмас, бошқариш», дейди. Шу гапни айтиб, ўзи анҳорни кечиб ўтади ва қурашда жонбозлик кўрсатади. Кайхусрав томонидан алданган Ҳусайн Сўфи қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлади ва тез орада ҳаётдан кўз юмади.

1375 йил бошларига қадар Шайх Муҳаммад Соҳибқироннинг энг яқин кишиларидан бўлади. Жетага (Мўғулистон) қарши юришларда у Жаҳонгир Мирзо билан бирга бўлади. Шу йили Шайх Муҳаммад юриштуришида кескин ўзгариш содир бўлганлигининг сабабларини изоҳлаш қийин. Бу ҳақда муаррихлар жим ўтишни афзал билганликларини англаш мумкин. Гап шундаки, Шайх Муҳаммад Амир Темурга қарши суиқасдга қўл уради. Соҳибқирон мўғул подшоҳи Қамариддинга қарши қўшин тортган пайтда, сафар чоғида уни ўлдириш режаси тузилади. Бу ишнинг бошида Улус Оғонинг акаси, Боён Сулдузнинг ўғли Шайх Муҳаммад турарди. Бу фитнага Боязид Жалойирнинг ўғли Одил Шоҳ ва Туркон Орлотлар ҳам бош қўшади. Фитна амалга ошмайди. Раҳнагарлар қочадилар. Амир Темур шу йили Қаршига яқин бўлган Занжирсаройда қишлаётган пайтида Одил Шоҳ унинг олдига бош эгиб келади ва бўлган воқеани айтиб, бир қошиқ қонидан кечишни сўрайди. Шайх Муҳаммад қўлга олинади ва тафтиш қилинади. Тешламиниший – сўроқ жараёнида унинг айби тасдиғини топади. Шайх Муҳаммад жазо учун Мири Малик деган кишига топширилади. Шайх Муҳаммад бир пайтлар унинг укасини ўлдириб юборган эди. Мири Малик хун эвазига Шайх Муҳаммадни қата этади. Фитна қатнашчилари орасида Боязид Жалойирнинг Али Дарвеш ва Муҳаммад Дарвеш деган ўғиллари ҳам бўлган, улар ҳам қата этилади. Одил Шоҳга эса, тавбаси учун омонлик берилади.

Шайх Муҳаммад нега бундай қабих ишга қўл урган? 1375 – 1376 йилларда Соҳибқирон мўғуллар устига кетма-кет юришлар қилиб, мавқеини мустақкамлаб олаётган бир пайтда, нега уни йўқ қилиш керак бўлиб қолган?

Бунинг асосий сабаби, фикримча, Амир Темурга қарши ҳали мамлакат ичкарасида қарши кучлар бўлганлиги ва, масаланинг бир жиҳати яна оилавий ҳаёт билан боғланишидадур. Улус Оғо тўғрисида мавжуд манбалардан 1370 йилда унинг Амир Темур ҳарамига – хотинлари сафига киритилганидан бўлак бирор маълумотни учратмадим. Фақатгина унинг акаси Шайх Муҳаммаднинг дастлабки пайтлар Соҳибқирон ёнида бўлганлигига, содиқлигини кўрсатиш учун тиришганлигига, ўзини ўтга ҳам, чўғга ҳам урганлигига қараб, фикр қилинганда, бу йилларда Улус Оғонинг Соҳибқирон ўрдасида ҳурмати жойига қўйилганлигини тасаввур этса бўлади. 1375 йил охирларидан Шайх Муҳаммад табиатидаги ҳаёт-мамот ўзгариши, сингиси Улус Оғонинг мақоми билан боғланмаслиги мумкин эмасди. Амир Темур хотинларидан бирортаси беҳурмат қилинмаган, ҳар қайсининг ўзига тегишли мулки, имтиёзи бўлган. Амир Темурнинг рақиби Ибн Арабшоҳ биргина Чўлпон Мулк Хоним ўлими ҳақида салбий гапларни айтган. Чўлпон Мулк Хонимнинг ўлими қандай юз берган, манбаларда бирор сўз йўқ. Соҳибқирон бу аёлни жуда қадрлаган, юришларида бирга олиб юрган... Ўйлашимча, Улус Оғо 1374 – 1375 йиллар оралигида оламдан кўз юмган бўлса керак. Соҳибқирон билан боғланган ришталар узилганлиги (бу аёлдан фарзанд кўрмаслик) эҳтимоли Шайх Муҳаммадни ёмон йўлга бошлаган сабаб бўлса керак.

Амир Темур аёллар билан боғланган – оилавий қариндошлик ришталари орқали давлатни мустақкамлашга, қавмлар бирлигига, умумий жипсликка интилган бўлса-да, бу кутилган натижаларни бермаган. Сарой Мулк Хонимнинг тоғаси Амир Мусо фитнагарчи-

ликлари, суиқасдлари орқасидан Улус Оғонинг акаси Шайх Муҳаммаднинг қилмишлари қаторлашиб келганлиги кишини ажаблантирмай қолмайди. Буларнинг ортида ҳокимият таъмаси, ўзимбўлайчилик, калтабинлик ва манфаат қутқуси ётганлигини сезмаслик мумкин эмас. Афсуски, бу бадбин силсила шулар билан тугаб қолмаган.

Соҳибқирон Амир Темур ҳарамидаги тўрт маликанинг учинчиси Ислом Оғо эди. Ислом Оғонинг отаси Хизр Ясурий (Ясовурий) бўлиб, у ҳам вақтида Амир Қазағон сафдошларидан бўлган, Самарқанд яқинида, Ургутга бориш йўлида ўрнашган қавм – ясурийлар бошлиғи эди. Хизр Ясурий 1360 – 1362 йиллар давомида Амир Темур билан иттифоқ бўлган, у билан бирлашиб, ҳокимият талабида Амударёдан ўтиб келган ҳожи Барлосга қарши курашган эди. Лекин улар ўртасига нифоқ тушади, бунга Хизр Ясурийнинг бадгумонлиги сабабчи бўлади. Шаҳрисабз лашкари Амир Темур итоатидан бўйин товлаб, Ҳожи Барлосга бориб қўшилганда, Хизр Ясурий шубҳа қилиб, «Бу Темурнинг иши бўлса керак, у амакиси ҳожи Барлос билан тил бириктириб, мени ўлдирмоқчи», деган қарорга келади-да, Амир Темурни орадан кўтармоқчи бўлади. Уни меҳмонга чорлаб, зиёфат асносида йўқ қилишни режалаштиради. Соҳибқирон Хизр Ясурийнинг кўнглидан кечган шумликни пайқаб, базм айни қизиган чоғда, бурнидан қон келаётганини баҳона қилиб, бурнини дастрўмол билан ушлаб, отилиб эшикка чиқади ва оти турган ерга етиб олади. От айили бўшатилиб қўйилган бўлишига қарамай, уни от устида боғлаб, ҳалокатли даврдан қутулиб кетади. Хизр Ясурийнинг шундан кейинги тақдири маълум эмас. Унинг ўрнига кейинги воқеаларга ўғли Исҳоқ аралаша бошлайди. Ҳарҳолда, Хизр Ясурий 1370 йилда Балхда, Соҳибқироннинг тахтга чиқиш маросимида иштирок этмаганлигига қараганда, унинг бу йилларда ҳаёт бўлмаганлигини тахминлашга асос беради.

Хизр Ясурийнинг ўғли Абу Исҳоқ 1371 йилда Амир Темур мўғулларга қарши иккинчи маротаба қўшин тортиб, Ўтрор атрофидаги Адун Кези деган мавзегга етишганда бир гуруҳ фитначиларга қўшилади. Амир Мусо, Зинда Чашм, Хонзода Абул Маъолий Термизий ва Шайх Абу Лаїс Самарқандийлар тил бириктириб, Соҳибқирон Қора Сомон деган яйловда ов қилганида, уни ўлдирishга қасам ичадилар. Бу суиқасд режасига Абу Исҳоқ ҳам қўшилади. Соҳибқиронга душманларнинг қора ниятлари маълум бўлиб, улар аркони давлат ҳузурда сўроқ қилинади ва суиқасд исботини топади. Олдинги саҳифаларда бу ҳақда сўзлаганим боис, бу ўринда Хизр Ясурийнинг ўғли Абу Исҳоқ қисмати қандай ҳал этилганлигига тўхталиб ўтаман.

Соҳибқирон Амир Темур сиёсат майдонида от сура бошлаган даврдан бошлаб унинг айрилмас, энг қадрдон дўстларидан, сафдошларидан бири Амир Сайфиддин эди. Кийинчиликлар, машаққатлар билан бирга муваффақиятлар, зафарлар ҳам биргаликда тотиб қўрилган, икки ўртада садоқат йиллар синовидан ўтган эди. Амир Сайфиддин вақтида Хизр Ясурийнинг қизига уйланган бўлиб, Абу Исҳоқ шу аёлнинг кенжа укаси эди. Фитнагарчиликларга жазолар тайин қилинаётганда, Амир Сайфиддин тиз букиб, қайноғасининг бир қошиқ қонини тилайди. Амир Темур шунда жуда улуғ бағрикенглик кўрсатади, суиқасд иштирокчиларидан биргина тавба қилмаган Зинда Чашм занжирбанд қилинади. Абу Исҳоқ ва қолганларнинг гуноҳидан ўтилади.

XIV асрнинг 70-йиллари бошларида Соҳибқирон гарчи Мўғулистонга қарши бир-икки бор лашкар тортган бўлса-да, кўп узоқ кетишга унинг ички душманлари хавфи йўл қўймаган. Юқорида сўз юритганим иккинчи сафар чоғида ҳам Амир Темур қўшинлари ҳозирги Тароз шаҳридан саккиз оғоч (50 км) нарига ўтиб, қайтганлар. Бунинг сабаблари, яъни Талас водийси ва ҳозирги Қозоғистоннинг Тароз вилоятидан

узоқ кетолмаслик – 1371 йил ёзида, гарчанд Мовароуннаҳр ҳокимияти эгалланган бўлса-да, ҳали қучли ва қудратли қўшин тузишга улгурилмаганлиги билан боғлиқ эди. Қолаверса, мамлакат ичкарисига таъсири ва маъқеи зўр бўлган амирлар орасида Соҳибқирон душманлари ҳам старли эди. Шу сабабли ҳам, мамлакатни ташлаб, олис кетиш ва унда бир қанча вақт бўлмаслик ҳали имкондан холи эди.

1370 йилда вужудга келган ҳарамнинг тўртинчи маанкаси Тоғай Туркон Хотун эди. Тоғай Туркон Хотун ҳақида унинг Соҳибқирон хотинлари сафига киритилганидан бўлақ маълумот тарихий манбаларда берилмайди. Унинг кимнинг қизи эканлиги ҳам, ақалли эслатилмайди. «Темурийлар шажараси» китобининг муаллифи Турғун Фаїзиев Амир Темурнинг кенжа ўғли Шоҳруҳ Мирзо ҳақида сўз юритганда шундай дейди: *«Онаси Тоғай Туркон Оғодир... Тарихии Хондамирнинг берган маълумотига қараганда, Шоҳруҳ Мирзонинг онаси Тоғай Туркон Оғо бўлиб, Соҳибқирон Амир Темурнинг хос канизакларидан бўлган. Кейинчалик ўз никоҳига киритган».* Хондамир мазкур маълумотни, «Шоҳруҳ Мирзонинг ўзи туздирган «Насабнома»дан олганлигига ишора қилади», деган фикрни айтади. Бундай насабноманинг бор ёки йўқлигини инкор қилиш учун асослар бўлиши керак. Нега, энди ишора қилинади? Тўғридан-тўғри «Насабнома»дан олинди, дейилиши мумкин эди-ку?! Хондамирни ва «Насабнома»ни ўқимай туриб, бу ҳақда ҳукм гапни айтиш жониз эмас. Бироқ, мени қизиқтирган бир жиҳат бор. Шарафиддин Али Яздний «Зафарнома»да Амир Ҳусайннинг Соҳибқирон ҳарамига киритилган тўрт хотинидан бирининг исми шарифаси «Тоғай Туркон Хотун» тариқасида зикр этилади. Фикр туғилади: аввало, Хондамир айтган Тоғай Туркон Оғо билан Яздний тилга олган Тоғай Туркон Хотун бир аёлми? Нега бирида «Оғо», иккинчисида, «Хотун»? Яна, Тоғай Туркон Оғо (Хотун) дастлаб ка-

низак бўлган, кейинчалик Соҳибқирон никоҳига киритилиб, қонуний умр йўлдоши мақомига эриштирилган. Бу саволларга қаердан жавоб излаш керак? Шоҳрух Мирзо 1377 йилда таваллуд топган. Тоғай Туркон Хотун орадан олти йил кечиб, Амир Темурдан фарзанд кўриши мумкинмиди? Инкор этиш мушкул. Асилзодалар, подшоҳлар хонадонларида қизлар исмига «Туркон»ни қўшиш азалий удумлардан бўлиб келган. Мовароуннаҳрда таниқли аёллар исми шарифаси яна «Ого» нисбаси билан зийнатланган. Хоразмда эса «Хотун» рутбаси хотин – қизларнинг подшоҳлар онасидан эканлигини кўрсатиб турган. Жумладан, Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси исми ҳам Туркон Хотун бўлганлигини яхши биламиз.

Ўқувчининг ёдида бўлса керак, 1365 йил воқеалари тўғрисида сўз юритганимда, Амир Ҳусайннинг Хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфининг қизига уйланажаги борасида тўхталгандим. У катта қалин ва бойлик эвазига бу ниятига етишни мақсад қилган, Амир Темурдан мол-дунё йинғиб беришни сўраган эди. 1370 йилда Амир Ҳусайн ҳарамидан тўрт аёл сайланганда, Ҳусайн Сўфининг қизи бу мундарижада бўлмаганлигини ҳам тахмин қилгандим. Воқеани чуқурроқ ўйлаб кўрсам, бу саволларга салбий эмас, ижобий жавоб бериш уринли ва жўяли кўринди. Тоғай Туркон Хотун Ҳусайн Сўфининг қизи бўлиши мумкин, деган фикр хаёлимдан ўтди. Амир Темур ўша йили Амир Ҳусайн талаб қилган молу дунёни унинг ортидан жўнатган, чунки у ваъдани бажармайдиган, иккилик қиладиган кишилардан эмасди. Амир Ҳусайн ҳам Мовароуннаҳр ҳукмдори сифатида, Ҳусайн Сўфининг қизига уйланиш матлабини амалга оширган, бу қизнинг исми шарифаси Тоғай Туркон блиши мумкин эди.

1374 йилдан кейин Хоразм билан муносабатлар яхшилангач, Хоразмшоҳлар хонадонидан Хонзода Бегим билан Жаҳонгир Мирзонинг никоҳ тўйлари амалга ошгач, Соҳибқирон Тоғай Туркон Хотунга ил-

тифот кўрсатган бўлиши, кейинчалик «канизакнинг никоҳга киритилиши» ҳақидаги нақлга замин бўлгандир.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ўғиллари ва қизлари сони йигирмадан ошади, дейилса муболага бўлмайди. Айрим манбаларда 9 ўғил ва 13 қиз туғилганлиги тўғрисида фикрлар айтилади. 1375 йилдан бошлаб, Соҳибқирон ҳаётида янги уйланишлар амалга ошади. 1383 йил сўнгларида, Шарафиддин Али Яздий эътирофича, Амир Темурнинг бешинчи ўғли Султон Иброҳим дунёга келади. Бу ўғил ҳам бир неча кун яшаб, гўдаклигида ҳаётдан кўз юмади. Бундай ҳоллар кўп бўлган. Шу сабабли, «фалон малика фарзанд кўрмаган», дейиш нисбий эканлигини қайд этиб қўйиш лозим. Бу борада тарихий асарларда ҳам янгилиш айтилган хулосалар истаганича топилади. Шоҳрух Мирзонинг онаси сифатида Сароӣ Мулк Хоним кўрсатилган манбалар ҳам йўқ эмас.

Соҳибқирон Амир Темур Мовароуннаҳр ҳокимиятига келганининг бешинчи йилидан бошлаб, ҳарамни таркибини янги-янги маликалар билан тўлдира бошлайди. Олавий ҳаёт доираси кенгайиб боради. Бу никоҳларнинг аҳамияти нималар билан изоҳланади, буни ўқувчилар кенроқ билишни исташлари бегумон, деб ўйлайман.

«ЛОЙ ЖАНГИ» ҒОЛИБНИНГ ҚИЗИ

Ҳижрий 766 йилнинг (1365 йил) баҳори Мовароуннаҳр вилоятлари беклари учун хосиятсиз кечган эди. Мўғул ҳукмдори Туғлуқ Темурхон вафот этгандан (1363 йил) кейин, Самарқанддан унинг ўғли, Мовароуннаҳрни идора қилиб турган Илёсхўжа ўғлон Илӣ водийсидаги отаси қароргоҳига етиб боради. Сароӣга яқин амирлардан Широмун, Амир Ҳожи, Тунам, Қамариддин, Шамсиддинлар машварат қилиб, Илёсхўжани хонлик тахтига ўтқаздилар. Мўғул салтанати пой-

тахтида ички курашлар, ҳокимият талашлари зимдан кучайиб бораётган бир пайтда, амир Қамариддин Илӛсхўжанинг ёшлигидан, ҳокимият ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйганидан фойдаланиб, 1364 йилда, бир кун туш пайтида хон ўрдасига босқин уюшти- ради ва Илӛсхўжани қатлга етказди. Амир Қамарид- дин Чингизхон удумига «риоя қилиб» авлоднинг энг улуғи бўлган амир Шамсиддинни расман хон мақо- мига кўтариб, амалда ҳокимият жиловини ўз қўлига олади. У, орадан кўп ўтмай, Мовароуннаҳрни қайта босиб олиш учун қўшин тортади.

«Лой жанги» деб тарихга муҳрланган тўқнашувнинг оқибатларини бугун мактаб ўқувчиси ҳам яхши била- ди. Амир Қамариддин бошлаб келган мўғул лашкари- га қарши курашда ғалаба Амир Ҳусайннинг номард- лиги туфайли бой берилади. Чир дарёси бўйида, айна баҳор кезида бўлган жангда у ўз қўшинини ҳарб май- донига киритмай, пайт пойлайди. Унинг фикри, Амир Темурнинг одамлари уришиб, кўпроқ қирилса-да, у ўз жанговар кучларини жангга киритмай сақлаган ҳолда, ҳарбий устунликка эга бўлса эди. Ёмғир жала бўлиб ёғади, отлар тиззасига қадар лойга ботиб, юрол- май қолади. Амир Темур лашкари қанчалик жон ко- йитмасин, мўғуллар сон жиҳатдан устун. Амир Ҳусайн эса Амир Темур одамлар юбориб, жангга киришни талаб қилганда ҳам, бундай бўйин товлайди. У, ниҳо- ят, вазиятни англаб етганда, кеч бўлади. Муаррих Муи- ниддин Натанзий «Лой жанги»да мўғул амири Шам- сиддиннинг ўзини кўрсатганлигини алоҳида таъкид- лайди: Амир Шамсиддин мўғул, – дейди у, – ўзини гўё- ким Бесутин тоғидек маҳкам тутиб, ҳануз мухораба- га киришмаган эди. Султони Ғозий (яъни, Амир Те- мур – П.Р.) ўн етти жанговар қўшин билан мўғул усти- га ташланиб, бир ҳамла билан уни жойидан суриб чи- қарди. «Бесутин тоғидек» маҳкам ёвни жойидан қўзғо- тишга муваффақ бўлган Амир Темурга Амир Ҳусайн- дан мадад етмайди. Кейинги тўқнашувларда амир

Шамсиддиннинг қўли устун кела бошлайди: «Бугун ҳам амир Шамсиддин мўғул ўз жойида мустаҳкам турди, – деб ёзади Натанзий, – ва муваффақиятга эришиб, узоқ мудофаадан кейин баякбор ҳамла қилиб, Мовароуннаҳр лашкарини тор-мор келтирди».

Бундан кейинги воқеалар ривожини яхши маълум. Самарқандда сарбадорларнинг мўғуллар хуружини даф этиши, Жайхундан ўтиб кетган икки амирнинг – Хусайнбек ва Темурбекларнинг юртга қайтиши, Амир Хусайннинг Мовароуннаҳр тахтини эгаллаши, орада юз берган низолар ва 1370 йил воқеаси – Амир Темурнинг порлоқ ғалабаси юз бериши...

Соҳибқирон Амир Темур мамлакатни якжилов қилиб, ҳокимиятни мустаҳкамлагани сари, асосий душман – мўғул босқини хавфини тамомила тугатишга аҳд қилади. 1370 – 1371 йиллар давомида мўғуллар устига икки бор зафарли юришлар қилади. Бу юришлар 1374 – 1376 йилларда ҳам такрорланади. Мовароуннаҳрни аявсиз талаган, «Лой жанги»да сонсаноксиз туркий лашкар қурилишига сабабчи бўлган, имкон топгудек бўлса, яна босқин қилишдан қайтмайдиган Қамариддинни маҳв этиш Амир Темурнинг ягона мақсади бўлган эди. Қамариддинга қарши юришларнинг учинчиси 1375 йил бошларида амалга оширилади. Бу юришда Умаршайх Мирзо, Жаҳонгир Мирзо ва бошқа лашкарбопилар иштирок этади. Қамариддин Амир Темур қўшинлари ҳужумига бардош беролмай, бутун мол-мулкни, ҳарамини қолдириб, шармандаларча қочиб қутулади.

Шу юриш чоғида амир Шамсиддиннинг хотини Буён Оғо ва қизи Дилшод Оғо қўлга олинади. Муаррихлардан Шомий ва Яздий «Лой жанги»нинг голиби амир Шамсиддин ҳарамини қўлга олган шаҳзода Жаҳонгир эди, десалар, Муиниддин Натанзий шаҳзода Умаршайх деб кўрсатади. Амир Темурнинг ҳарбий фаолиятида «Лой жанги» ўта оғир мағлубият бўлган эди. Нақд ғалаба Амир Хусайннинг худбинлиги, юрт тақ-

дири ҳал бўлаётганда, ўзини ўйлаши, калтабинлиги оқибатида бой берилган эди. Бу мағлубият аламини Амир Темур умри охиригача унутолмаган бўлса керак. Мўғуллар 1370 – 1380 йилларда ҳам катта куч эди. Амир Шамсиддиннинг бу ўлкада таъсири кучли бўлган. Ҳокимият талашувлари Ички Мўғулистонни маълум даражада кучсизлантириб қўйган бўлса-да, Қамариддин томонидан юз бериши мумкин бўлган хавф кучсизланмаган, ҳар лаҳзада босқин такрорланиши эҳтимолдан узоқ эмасди. Шу боисдан, мўғул ҳукмдорлари орасидан хайрихоҳлар орттириш, давлат сиёсати нуқтан назаридан, мақбул йўл саналарди.

Амир Шамсиддин хонадони билан қуда-андалик ришталарини боғлаш шу манфаатларга хизмат қилиши, ёвуз Қамариддин кучини бўлиб ташлашга хизмат қилиши лозим эди. Амир Шамсиддиннинг қизи Дилшод Оғо тарихий асарларда чиройда ягоналиги билан таърифланган. Натанзий «Мунтахаб-ут таворихи Муиний» асарида «ҳусну малоҳат бобида бу асрда «зарбулмасал» бўлган» Дилшод Оғони расмий тарихий талқин матлабидан чекиниб бўлса-да, ҳиссиятига қарши боролмай, унинг сулувлигини қаламга олади. Соҳибқирон, шу тариқа, тожу тахт соҳиби бўлганининг бешинчи йилида мўғул амири, «Лой жанги» қаҳрамони. Чигатой авлодининг ўша пайтдаги улуғи Шамсиддинбекнинг қизи Дилшод Оғони сафарда, ҳарбий юриш чоғида ўз никоҳига киритади. Бу тўй «Лой жанги»дан ўн йил ўтиб, воқе бўлади. Бу тўй Иссиққўлнинг жануби ғарбидан оқувчи Отбоши дарёсига яқин Арпо деган мавзеда бўлиб ўтади.

Амир Темур, Низомиддин Шомийнинг маълумотига кўра, бу жойларда эллик уч кун тўхтаб туради. Ҳазора амири Муборакшоҳ Макрит деган киши Амир Темурнинг эски таниши ва хайрихоҳ кишиларидан бири бўлган. У Дилшод Оғонинг никоҳ тўйи ташаббускори ва ташкилотчиси бўлади. Тўйни азалий туркий расм-русумлар асосида ўтказишга катта эътибор қарати-

лади – тўққиз-тўққиз бериш удумларига риоя қилинади. Шомий ёзади: «Амир Соҳибқирон шу ерда Дилшод Оғони ақди никоҳ шарафи билан мушарраф этди ва шарафли ҳарамини улуг бонунинг боргоҳи билан зийнатлади».

Бу катта тўйда теварак-атрофдан таниқли кишилар, қариндош-уруғлар таклиф этилган. Меҳмонларнинг келиши тўйдан кейинлар ҳам давом этади. Амир Соҳибқирон тўй маросими ўтгач, Ясси вилояти томон кўчади ва Ўзгандга келади. Ўзгандга, Соҳибқирон укасини муборакбод этиш учун Самарқанддан опаси Қутлуғ Туркон Оғо ва таниқли кишилар етиб келадилар. Дилшод Оғо тўйи Ўзгандда ҳам давом этади. Ўзганддан кейин Хўжандга келинади. Бу ерда Хўжанд ҳокими Одилшоҳ Жалойир ҳам тўйни тўйга улаштиради.

Юраги фитна зардоби билан тўлган кимсалар имкон бўлди дегунча, тўйни азага айлантиришга, ёмонлигини қилишга уринадилар. Одилшоҳ Амир Темурни ҳашаматлар билан қаршилаб, катта тўй бериб, уни шарафлаган бўлиб, уйига таклиф қилади. Кўнглида эса уни ўлдириш нияти газаклаб турган бўлади. Соҳибқирон унинг қора ниятини фаҳмлайди ва дарҳол отлаиб, бу ердан жўнаб кетади. Бу Одилшоҳнинг Амир Темурга нисбатан иккинчи марта қасдланиши эди. Амир Темур Жетега, Қамариддинга қарши биринчи марта отланганида, Одилшоҳ, Шайх Муҳаммад, Туркон Орлотлар бирлашиб, уни ўлдиришга аҳд қилган эдилар.

Одилшоҳ тавба-газарру билан ер ўпганида, Амир Темур унинг қилмишларини юзига солмайди. «Билиб-билмасликка олиш жувонмардлик одатидир», нақлига амал қилиб, бағрикенглик кўрсатади.

МАЛИКА ТУМОН ОҒО ҚИССАСИ

Бу қисса анча маҳзун. Соҳибқирон Амир Темур Туркистон ҳукмдори сифатида ҳукм сура бошлаганининг олтинчи йили Тумон Оғога уйланади. Тумон Оғо бу пайтда ўн икки ёшда эди. Ҳукмдор тариқасида, Амир Ҳусайн ҳарамидоғи тўрт хотиндан кейин, Тумон Оғонинг Соҳибқирон хотинлари сафига киритилиши иккинчи расмий шоҳона никоҳ эди. Дилшод Оғодан кейин Тумон Оғонинг ёш бўлишига қарамай, улуғ мақомга – маликаликка ноил этилиши ҳам улуснинг ички офиятини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилган эди.

Амир Темурнинг оилавий ҳаёти, унинг кейинги уйланишлари сабаблари ҳақида мулоҳаза қилганинда, Соҳибқироннинг қадимий удумларга, ота-боболардан мерос бўлиб келаётган қариндошлик ришталарини боғлаш одатларига қаттиқ ишонганлиги ва амал қилганлигига амин бўласан киши. Буни Хоразм волииси Юсуф Сўфига нисбатан бўлган муносабат мисолида ҳам очиқ-ойдин кўриш мумкин. 1373 йилда Хоразм ҳукмдорлари авлодидан Оқ сўфининг қизи Хонзода Бегимнинг Соҳибқирон Амир Темурнинг ўғли Жаҳонгир Мирзо билан турмуш қуриши икки ҳокимият ўртасидаги зиддиятни юмшатгандай бўлган эди. Хоразм тахтига келган Юсуф Сўфи ўртада уч-тўрт йил қарор топган тинчлик ва қариндошлик ойинини қўпол тарзда бузиб, Амир Темур 1376 йилнинг охирларида Тўхтамиш ҳимояси учун Ўрусхонга қарши лашкар тортиб кетганида, вазиятдан фойдаланиб, Бухоро устига босиб келиб, уни талашга тушади. Қўлга илашадиган нарса борки, ҳаммасини шип-шийдам қилиб, олиб кетади. Бундан хабар топган Амир Темур Юсуф Сўфи ҳузурига элчи юбориб, «қариндош бўлганимиздан кейин, бундай душманликнинг сабаби нима?», деган саволни қўяди. Юсуф Сўфи жавоб ўрнига, Соҳибқирон элчисини зиндонга солади. Амир Темур

шундан сўнг ҳам, яна элчи йўллаб, «подшоҳларга элчиларни жазолаш ярашмайди, уларнинг айби йўқ. Айтмоқчи бўлган бирор гапинг бўлса, уни ичингда сақла, элчиларда нима ўчинг бор? Элчиларни қайтариб юбор ва бундай номақбул ишга қўл урма, пушаймон бўлиб қоласан», деган мазмунда мулоким қилиб нома юборади. Юсуф Сўфининг нодонлиги шу даражага етадики, Соҳибқирон юборган иккинчи элчини ҳам зиндонбанд этади. Устига устак, лашкарбошиси Тўй Буғони яна Бухорога қўшин билан юбориб, талон-торожни амалга оширади, мол-қолларни, туяларни ҳайдаб олиб кетади. Юсуф Сўфининг бу қилмиши Амир Темурнинг қўшничилик ва қариндошлик муносабатларини ўзбошимчалик билан бузган Юсуф Сўфига қарши тўртинчи марта қўшин тортишига сабаб бўлади.

Юсуф Сўфига қарши қўшин тортиб борган пайтда Амир Темур қирқ уч ёш устида эди. Элчиларни қамаб қўйиш, қуда-андачиликка хилоф ўлароқ, душманликни кучайтириш, охир-оқибатда, 1379 йилнинг февралида тўртинчи бор қилчларни қиндан чиқаришга олиб келади. Бу ўринда Соҳибқироннинг жисмонан ниҳоятда кучли бўлганлигини шу юришда содир бўлган бир воқеа воситасида айтиб ўтиш жоиз кўрилади. Юсуф Сўфи, Соҳибқиронга мактуб юбориб, «Иккаламиз сабабимиздан одамлар қийинчилик тортаётир, яхшиси, майдонга иккаламиз чиқайлик-да, жанг қилайлик», деб уни якка курашга чорлайди. Бу сўзлар Соҳибқиронга жуда маъқул келади ва, «Худодан айнан шуни сўраган эдим», дея хитоб қилади. Шу сўзларни айтиб у ҳарб либосларини кийиб, қуролланиб қалъа томонга отланади. Беклар унинг йўлини тўсиб, боришга йўл бермайдилар. Ориятли ҳукмдор улар сўзига бовар қилмай, жилов силтайди. Шунда от юганидан энг яқин дўсти ва сафдоши Ҳожи Сайфиддинбек ушлаб, Соҳибқиронга йиғламоқдан бери бўлиб, «Қачонки бизлар, сизнинг қулларингиз тирик эканмиз, сиз-

ни жанг қилдириб қўймаймиз», дейди. Амир Темур аччиқданиб, дўстини койийди-да, бир ўзи қалъа томонга от суриб кетади. Қалъанинг чоҳига етиб, баланд овозда, «Юсуф Сўфига айтинглар, унинг шартига мувофиқ, биз келдик. Қани, энди, ўз ваъдангда туриб, шаҳардан чиқда, бу ерга кел. Кўрамиз, Аллоҳ таоло ғалабани кимга ёр қиларкан», дейди. Юсуф Сўфи жангга ҳозир бўлиб турган Соҳибқирон олдига келишга ботина олмайди, кўрқоқлик қилади. Амир Темур уни яна бир бор жангга чорлайди. Ёнидагилар уни қанча даъват қилмасинлар, Амир Темур билан якка жанг қилишга урушга юраги бетламайди. Соҳибқирон шунда, «Сўзга амал қилмагандан кўра, ўлган афзал», дейди. Одамлар бу қаҳрамонликдан ҳайратга тушадилар. Ҳолбуки, бу воқеа юз берган 1379 йилда Амир Темур 43 ёшга кирган эди. 1362 йилда Сейистонда камон ўқи қўлини яралаган, Соҳибқирон ўн етти йилдан буён жангда етган заҳмдан ўнг оёғи букилмай, қилич тутиб жанг қилиш ноқулайлик турдириши табиий эди. Бу ёшда ҳам, кўрамизки, Амир Темур ниҳоятда кучли, чап қўлда шамшир тўлғашнинг уришиш ҳадисини олган, довьорак, ориятли инсонлигича қолган.

Куда-андачилик воситасида вужудга келадиган қариндошликка соф оилавий нуқтаи назардангина эмас, давлат аҳамияти тушунчаси билан ёндошадиган Соҳибқирон бу борадаги қарашларига оғишмай амал қилади. Бу соҳада янглишганлигига, кўп бора панд еганлигига қарамай, шу йўлни маҳкам тутати.

Амир Темур ҳаётда фақат уйланиш эмас, ўз қизларини ва қариндошлари қизларини бошқаларга узатишда ҳам шу андозага риоя қилади. Қизи Султон Бахт Бегимнинг Вахш ва Панж дарёлари ораллиғида жойлашган Ҳутталон вилояти амири, Амир Ҳусайн томонидан ўлдирилган сафдоши Шер Баҳромнинг ўғлига никоҳланиши, тожик асилзодасига узатилиши тўғрисида олдинги саҳифаларда айтилади. Соҳибқироннинг Амир Жоку Барлоснинг қизи Нурмиш Оғодан туғил-

ган катта қизи Тоғай Шоҳ Оғо Бегим (баъзи тадқиқотларда кичик қизи дейилади. Оғо Бегимни Соҳибқироннинг тўнғич қизи деганда, Турғун Файзиев ҳақ. Умаршайх Мирзо билан Оғо Бегим бир онадан таваллуд топган) Амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбекка узатилади. Бу никоҳ Оғо Бегим 14-15 ёшларда эканлигида бўлади. Аниқроғи, Амир Темур 1370 йилда Сарой Мулк Хонимни ўз ҳарамининг биринчи маликасига айлантиргач, Сарой Мулк Хонимга тоға бўлмиш Амир Мусо билан қуда киришади. Амир Мусо қалтис одам, оғмачи амалдор эди. Унинг кимлиги, феъл-атвори, тарози шайинига қараб, турланиб туриши тўғрисида йўл-йўлакай гапириб ўтилади. Соҳибқироннинг бағрикенглигига, кечиримли ҳукмдор бўлганлигига қойил қолмай бўлмайди. Амир Ҳусайн, сарбадорлар воситасида Туркистон тахтини эгаллаб, Соли Саройга қайтаётганида, Амир Темурга ўлганининг кунидан «илтифот қилиб», Кеш шаҳрининг амирлигини беришга майл қилади. Амир Ҳусайн Сўфининг қизини олиши учун Амир Темур зиммасига уч минг динар ва кўп мол-ҳоллар етказишни юклайди. Муаррих Шомий, «Амир Соҳибқирон бу таклифни қабул қилиб: «Мен молнинг чорасини кўраман, аммо сенинг хизматингдан айрилмайман, чунки кимда-ким ўз амирининг суҳбатидан ва хизматидан узоқлашса, душманлар имкон топадилар ва пайт пойлаб, ёлгон сўзга ростлик либосини кийгизадилар-да, ҳокимнинг тилини ўзгартирадилар. Мен бунга тоқат қилолмайман. Агар суҳбатдошликка ижозат бермасанг, унга ижозат бергилки, токи бу хизматкоринг хонайи Каъбага юз тугтиб, ўтган умрининг тадорикини кўрсин ва йўл қўйган гуноҳлари учун узр сўраш билан машғул бўлсин», деди. Амир Ҳусайн бу гапларни маъқул кўрмади ва жуда кўп уринишлардан кейин Кеш шаҳрининг ҳукмдорлиги ва амирлигини Амир Соҳибқиронга топширди. Эртаси кун Амир Ҳусайн Соли Саройга равона бўлди. Амир Соҳибқирон ўзининг из-

зат қароргоҳига келиб тушди, молнинг қолган қисмини жамлаб, Амир Ҳусайн кетидан юборди», деган сўзларни келтиради.

«Лой жанги», сарбадорларнинг ноҳақ жазога тортилиши, дўстларининг шубҳа остига олиниб катта товон тўлашга мустаҳиқ этилиши, Амир Ҳусайннинг куёви, сингиси Ўлжой Туркон Оғонинг эри – Амир Темурга нисбатан қилинган калондимоғлик, у билан вазият тақозосига кўра, муроса қилишга бўлган мажбуриятдан, муаррих қавли билан айтганда, «носоз даврон машаққатларидан чарчаган», ҳаммасидан қўл силтаб, ҳатто ҳажга кетишни ихтиёр қилган Амир Темур, шундай оғир вазиятда ҳам ўзини босишга, ақл билан иш кўришга куч топа олади. Кешда бир муддат ўзини ўнглаш ва дам олиш учун овга чиқишни лозим кўради.

Амир Ҳусайн ўз қароргоҳига кетганидан кейин ноиложликдан Кеш идораси Амир Темурга топширилганлиги, унинг азалий рақибларига хуш келмайди. Амир Ҳусайн раъйи билан Қаршини идора қилиб турган Амир Мусо ўн икки минг кишилиқ кўшини билан бундан сал бурун Амир Темурдан шармандаларча мағлуб бўлган эди. Амир Ҳусайн билан Амир Темур ўртасида нишлай бошлаган ихтилофдан у усталик билан фойдаланади. У, Қозонхондан олдин Чигатой улусида хонлик қилган Тармаширинхоннинг хотини Ўрду Хотун, Али Дарвеш ва Фарҳод билан иттифоқ тузиб, икки амир ўртасидаги муносабатни янада кескинлаштириш учун ифво маслаҳатини қиладилар. Улар Соли Саройга, Амир Ҳусайн номига бўҳтондан иборат хат жўнатадилар. Туҳмат билан оқ қоғозни қорайтирган бу каслар, «Амир Темур Амир Ҳусайнга қарши душманлик йўлига кириб, бу ишни амалга ошириш билан банд. Бизлар буни хайрихоҳлик юзасидан қилдик», деб ёзадилар.

Амир Ҳусайнга ҳам шундай баҳона керак эди. Хатни олгандан сўнг, дарҳол Самарқандга тафтиш юбо-

ради ва «Амир Темур, Амир Мусо, Али Дарвеш ва Фарҳодлар Ўрду Хотун олдига борсунлар. У ерда сўров ўтказиб аниқдасинлар: кимнинг сўзи тўғри бўлса, у иззат икромга сазовор бўлсин, акс ҳолда қаҳру ғазаб остига олинсин», дея амир қилади. Ўрду Хотун Амир Ҳусайннинг қайнонаси эди. Унинг қизи Қутлуғ Севинч Оғо Амир Ҳусайн ҳарамиди бош малика ҳисобланарди.

Кешга ҳам бу итбли фармон етади. Таажжуб ва ҳайратга тушган Амир Темур, Амир Ҳусайн талаб қилган пул ва молларни юбориб, энди бир оз ором олганида, бу бўҳтон уни, ўзининг ҳақлигини далолат этмоғи учун Самарқандга отлантиради. Амир Темурнинг Самарқанд йўлига чиққанлигидан ваҳимага тушган Амир Мусо билан Али Дарвеш Хўжандга қараб қочадилар. Амир Темур, «Бу муфсиллар ёлғон сўзлашни бошлаб, фитна-ю фасодга асос солдилар. Ҳоким бўлиб турган Амир Ҳусайн бўлса, феълли бузилиб, халқнинг молига таъма қилмоқда ва фасодчиларнинг гапига қулоқ солмоқда», деган қарорга келади ва муҳофаза чораларини кўради.

Шу воқеа кечганидан беш-олти йил ўтиб, Амир Темур, ҳокимиятдан ағдарилган Амир Ҳусайн ҳарамига эгалик қилганида, Ўрду Хотуннинг шу номатлуб қилмиши учун, эҳтимол, унинг қизини Баҳром Жалойирга хотинликка бериб, Қутлуғ Севинч Оғонинг сарой бош маликаси мақоминигина эмас, Чиғатой хонлари ичида ҳурмати катта бўлган Тармаширинхоннинг ҳам рутбасини Қозонхондан қуйи туширади. Оилавий ҳаётдагина эмас, сиёсатда ҳам аёл макри нималарга олиб келишида бу, шунчаки бўлмаган бир мисолдир.

Шундай қабилликка қўл урган Амир Мусонинг кечирилиши инсоний бағрикенгликдан ташқари, мамлакат келажагини ўйловчи ҳукмдорнинг жипслик, бирлик учун ён бериши билан ҳам чамбарчас боғлиқ эди. Бу тағин оилавий ҳаёт доирасидан чиқувчи, тор шахсий қобиқлардан ижтимоий моҳияти билан баланд

турувчи жўмардлик намунаси ҳам эди. Чунки Амир Темур ҳокимиятга келганидан сўнг, бемалол Амир Мусо янлиғ фитнагарларни, оғмачиларни жазолаши, бир йўла улардан қутулиб қўя қолиши, ҳеч бўлмаганда, муносабатларни тағ-томири билан узиши мумкин эди. Узоқни ўйламайдиган, аҳоли кайфияти билан ҳисоблашмайдиган кекчи, ўч олувчи подшоҳларда бундай ҳолат кўп бора кузатилган. Чунки бир йўла даф этиладиган рақиблар ортида ҳам одамлар туради, уларнинг қариндош-уруғлари, бола-чақалари бўлади. Ўз осойишини ўйлаб, ёмонларга нисбатан энг охири чорани қўллаш фикридан Амир Темур умри бўйи узоқда бўлган.

1371 йилда Соҳибқирон суюкли қизи Тоғай Шоҳ Оғо бегимни Амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбекка беради. Бу Амир Мусонинг унга қарши ифвогарлигидан беш-олти йил ўтиб, Соҳибқирон Мовароуннаҳр тахтида ўрнашганининг иккинчи йилида воқе бўлади. Бу тўйнинг ўтказилишида Сарой Мулк Хонимнинг ҳам таъсири сезиларли бўлган. Амир Темур 1370 йилда душманликни ҳаддан оширган, амирлар ва элнинг назаридан қолган Амир Ҳусайн устига қўшин тортганида, бошда Амир Мусо ҳам унга қўшилади. Балх юришида Амир Мусо Ҳузорга етиб, қасамёдини унутадида, йўлни чапга буриб, сотқинлик феълини намойиш этади. Қачонки, Амир Ҳусайн мағлубияти ҳақидаги хабарни эшитади-да, кўрққанидан Туркистон тарафга қочиб кетади. Амир Темур улкан одамгарчилик кўрсатиб, ғариб бўлиб, сарсон-саргардон тоғу тош, дашту қир кезиб юрган Амир Мусо ортидан уни топиб келиш учун одам жўнатади. Жангга Қовчин (Янги қовчин) деган манзилда уни топадилар. Амир Мусо уларни кўриб қочишга тушади. Тоғлар, водийлар оша яшириниб юриш давом этади. Соҳибқирон яна бир марта уни дараклатади. Бу сафар Амир Мусони топиб олиб келиш учун марҳум Амир Ҳусайннинг кичик укаси Қоралғочбек жўнатади. У Соҳибқироннинг қайно-

гаси (Ўлжой Туркон Оғонинг укаси эди) сифатида сарой хизматида бўлган. «Зафарнома»да фақат шу муносабат билан у бир марта тилга олинади. Бу ерда ҳам Амир Темурнинг мағфиратли ҳукмдор бўлганлиги аён бўлади – акаси, Соҳибқиронга душман бўлган Амир Ҳусайн сабабидан жазога тортилмаган, аксинча, зиммасига муҳим топшириқлар юкланган, ишонч билдирилган. Амир Қаролғочбек ниҳоят унинг турган жойини излаб топади, амир Мусо яна қочишга тушади. Уни қанчалик қувмасинлар, барибир, ета олмайдилар. Амир Мусо қочиб-қочиб, охири, Жайхундан ўтади ва Шибиргонга, Амир Темурга азалий ёв бўлган Зинда Чашм ҳузурига паноҳ истаб келади. Бу жойда у Соҳибқиронга қарши суиқасдга қўл уради ва пировард натижада, унга ҳамфикр бўлган Зинда Чашм ҳаёт билан видолашади. Амир Мусонинг гапларига учган Зинда Чашм Соҳибқирон анжуманга чорлаганда келмайди, юборган одамларини эса ўлдириб юборади. Соҳибқиронга бўйсунмасликни шиор қилиб, Термиз хонзодаларидан бўлган Абул Маъолий билан ҳамкорликда Балх ва Термиз аҳолисини талашга тушади. Оқибат эса юқорида зикр этилгандай яқун топади. Амир Мусо, вилоят бекларини Амир Темурга қарши киш-кишлаган кимса эса қутулиб қолади, кечирилади, мол-ҳол, туялар, хачирлар билан мукофотланади, аввалда ўзига тааллуқли бўлган мулкларга эгаллик қилади. Буларнинг ҳаммасини, айтилган сабаблардан ташқари, бош маликанинг – Сарой Мулк Хонимнинг ҳурмати билан, истаймизми, йўқми, боғлашга тўғри келади. Тоғай Шоҳ Оғо Бегим билан Амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбек тўйлари ҳам ана шундай пайтда Амир Мусога нисбатан бемисл мурувват кўрсатилган кезларда бўлиб ўтади.

Муҳаммадбек қўшин бошлиғи бўлиб хизмат қилган. Жетага қилинган юришларда унинг иштироки хусусида манбаларда айрим хабарлар берилади. Ҳарҳолда, Сарой Мулк Хоним ўз жияни, Амир Мусонинг 12

ёшли қизи Тумон Оғони Соҳибқирон никоҳига кири-тиш ҳаракатига тушганда, бу оилаларни никоҳ риш-талари билан бир эмас, икки мартадан ўраб-чирмаб, мустаҳкамлашни, ёвлашишга тамомила барҳам бе-ришдек олижаноб ниятни кўзлаганлигига ишонаман.

1376 йилнинг охирларида Амир Темур Тумон Оғо-ни ўз никоҳига олади ва улуғвор тўй беради. Тумон Оғо, бу воқеадан 12 йил аввал 1365 йилда Темурбек Қаршини қамал қилиб, Амир Мусо оиласини қувишга тушганида, отда қочаётган онаси Орзу Малик Оғо қор-нида эрта индин туғилажак қизалоқ эди.

Ўша пайтда, баъзи истиҳолалар билан уни отда қувиб ета олмаган Соҳибқирон орадан ўн икки йил кечиб, тақдир бедовида унга етиб олади.

Тумон Оғонинг мақоми Соҳибқирон ҳарамида Сарой Мулк Хонимдан – аммасидан кейин иккинчи ўрин-да бўлади. Шу тариқа, Соҳибқирон Амир Темур Қарши мавзеидан – амакиси Жоку Барлоснинг қизи Нурмуш Оғога, Сарой Мулк Хонимга, амир Шамсиддиннинг қизи Дилшод Оғога ва Қаршининг собиқ ҳокими Амир Мусонинг қизи – Туман Оғоларга уйланади. Ўлжой Туркон Оғо Амир Қазағоннинг набираси бўлиб, Қўнғирот қавмидан эди. Шарафиддин Али Яздий қирк ёшида Туман Оғога уйланган Амир Темурнинг бу со-ҳибжамол маликага атаб, Самарқандда яшнаган боғ-роғлар яратишга амр қилганлигини айтади. Ўн икки бурч ойинига мувофиқ, шаҳарнинг ғарбий қутбида бир-бирига тутшиб, кетган Дилкушо боғ мажмуаси барпо этилади. Боғ ичида кўшкли қасрлар бунёд эти-лади.

Тумон Оғо юрт ҳукмдори билан то унинг умри охи-ригача бахтли ҳаёт кечиради. У Амир Темурга бир қиз туҳфа этади, аммо умри қисқа бўлади. Соҳибқирон-нинг уч, беш ва етти йиллик юришларида Сарой Мулк Хоним ва бошқа маликалар қаторида Форс вилоятла-рининг аксариятида бўлади. 1384 йилда, Амир Темур Балхда қўшинлар йиғилишини кутиб, тўхтаб турган

пайтида, унинг ёнида маликалар ҳам бор эди. Эрон подшоҳи Жалолиддин Шоҳ Шужъанинг қизи шу ерда ҳашаматлар билан кутиб олинади. Тумон Оғо ҳам Сарой Мулк Хоним билан биргаликда Форс подшоҳи билан қудалаштишга, унинг Балхга олиб келинган қизини Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Пир Муҳаммад Мирзога катта тўй бериб, никоҳлатишга тараддуд кўради.

1392 йил ёзида Амир Темур Эрон юриши олдидан Бухоро тарафга отланади ва Жўйизар (Шофиркон туманида) деган ерда ўрнашади. Хукмдорда касаллик аломатлари кучая бошлайди. У Самарқандга киши жунатиб, аёллари ва фарзандларини олиб келишни буюради. Сарой Мулк Хоним, Тумон Оғо ва Султон Бахт Бегимлар тезликда етиб келадилар. Амир Сайфиддин бошчилигида, муаррих айтганидек, турк ва тожик табиблари даволаш билан астойдил машғул бўладилар. Маликалар ва Соҳибқироннинг қизи Султон Бахт Бегим улўф авлиёлар мазорларига, муҳтожларга кўпдан кўп назр-ниёзлар улашадилар. 1392 йилнинг 7 июли (795 ҳижрийнинг 15 шабони, якшанба куни) Соҳибқироннинг ҳаётга қайтиш куни сифатида, муаррихлар томонидан таъкидлаб айтилган сана ҳисобланади. Шундай оғир дамларда Тумон Оғонинг ҳам Соҳибқирон ёнида бўлиши, унинг мавқеи ва қадрини кўрсатувчи жиҳатлардан, десам бўлади.

Ҳижрий етти юз тўқсон олтинчи йилнинг (1394 йил 25 август) сешанба куни – шаввол ойи охирларида Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Иброҳим Султон дунёга келади. Сарой Мулк Хоним Соҳибқиронга одам юбориб, қувончли хабарни етказдиради. Хушxabарни эшитган Амир Темур ҳам унинг ёнидаги беклар суюнчини бисёр қиладилар. Хазина эшиклари очилиб, катта-ю кичикларга туҳфа улашилади. Адолат ва саховат бардавом бўлиб, аҳоли бир йиллик хараж солиғидан озод этилади. Чақалоқ Иброҳим Султон тарбияси масъулияти 19 ёшли Тумон Оғога топширилади. Шоҳона масъулиятни зиммага олган Тумон Оғо шаҳзода шарафига

катта тўй беради, улуғ ишончдан бениҳоя даражада қувонади. Амир Усмон Аббос чақалоқ шаҳзоданинг Отабеги этиб тайинланади. Амир Усмон Аббоснинг хотини Сотқин Оғо эса энагаликка қўйилади. Сотқин Оғо Амир Темурнинг яқин қариндошларидан бўлган аёл эди.

Амир Темур вафот этганда, Тумон Оғо 40 ёшда эди. У Соҳибқирон билан 29 йил умргузаронлик қилади. Замон воқеаларининг эврилишини қаранг, Амир Темур ўлимидан кейин, Тумон Оғо Соҳибқироннинг энг ишончли вазирларидан бири Шайх Нуриддинга хотинликка берилади. Амир Темур Ўтрорда, Шайх Нуриддиннинг укаси Бердибек саройга жон берганди. Бердибек Ўтрор ҳокими эди. Шайх Нуриддин Тумон Оғони хотинликка олишга қандай жазм қилган, тарихларда бир сўз айтилмайди, ҳарҳолда, у бир муддат Халил Султон билан яқинлашган, уни қўлаб-қувватлаган. Халил Султон ундан вақтида этагини йиққан. Соҳибқирон вафотидан беш йил ўтиб, 1410 йилда Шайх Нуриддин Самарқандга катта куч билан бостириб келади. Шоҳруҳ Мирзо кўрган тadbирлар, Шайх Нуриддиннинг Амир Шоҳ Малик томонидан шармандали қатлга етказилишига олиб келади. Амир Шоҳ Малик ҳам Шайх Нуриддин сингари, таниқли вазирлардан эди. Амир Темур ўлими юз бергач, кимнинг кимлиги аниқ бўлиб, узоқ вақт бир келган йўллар тезлик билан турли томонларга бўлиниб кетади.

Тумон Оғони Соҳибқирон фарзандларидан беижозат ўзига хотинликка олган Шайх Нуриддинни жазолашга Шоҳруҳ Мирзо Амир Шоҳ Маликни мутасадди қилади. У Шайх Нуриддин олдига Ҳурқалоқ деган навкарни жўнатади ва унга, «Сен менга худди биродар ўрнида балки ундан ҳам азизроқсан, агар бугун журъат қадамини илгари қўйиб, менинг хотиримга келган маънини бажаришга киришсанг, шояд зафар юз кўрсатар ва сенинг диловарлик номинг ҳам тириклик саҳифасида боқий қолар... Сен Шайх Нуриддиннинг

олдига боришинг керак, у сени қўрғач албатта ҳузурига чақириб, оғушига тормоқчи бўлади. Сен яқин борганинда отдан тушгин, у сени оғушига оламан деб бошини эгган пайтда, уни дадил ва мардона шундай бағринга тортгилки, қўларинг унинг орқасига ўтиб бирлашсин. Шунда уни маҳкам ушлаб, отдан тортиб тушир. Уни отдан тушириш сенинг уҳдангда, сени қуриқлаш эса бизнинг уҳдамизда», дея топшириқ беради.

Хурқадок навкар Шайх Нуриддин турган қалъа дарвозасига боради. Собиқ вазир, эндиликда Амир Темур давлати ва хонадонига кўз олайтирган, душманлик ва иснод йўлига кирган Шайх Нуриддин навкарни кўриб, уни ҳузурига чорлайди. Хурқадок отдан тушади-да, бир неча бор таъзим қилиб, от устида кўришиш учун энгашган Шайх Нуриддинни отдан тортиб, пастга йиқитиб олади ва сийнасига тиззасини тираб, шамширини белидан суғиради. Бу ҳолни кўриб, Шайх Нуриддиннинг нарироқда турган икки навкари келиб, Хурқадокқа ташланади. Навкар абжирлик билан уларнинг отларига шамшир ҳавола қилиб, ҳуркитиб юборади. У Шайх Нуриддиннинг бошига шундай зарб билан қилич соладики, Шайхнинг тифни ушламоқчи бўлган қўллари, бармоқлари ва бош косасининг ярми билан бурни узилиб тушади. Шу аснода, бу ҳодисани узоқдаги тепаликда кузатиб турган Амир Шоҳ Малик икки юзта мукамал қуроолланган суворийлари билан воқеа жойига зудлик билан етиб келади. Хурқадок Шайх Нуриддиннинг бошини танасидан жудо қилади.

Шайх Нуриддиннинг укаси Шайх Ҳасан Шоҳруҳ Мирзога хат билан мурожаат этиб, итоат изҳор этади. Шоҳруҳ Мирзо унинг олдига Тўкал деган кишини юбориб, «Агар бизга эл бўлсанг, Тумон Оғони ҳузуримизга юбор», деган талабни қўяди. Шундан сўнг Шоҳруҳ Мирзо Шайх Нуриддин ишини бартараф этиб, Ҳиротга келади. Орадан бир оз вақт ўтиб, «Улуғ бону Тумон Оғо» ҳам Ҳиротга. Шоҳруҳ Мирзо ўрдусига қадам қўяди.

Падари бузруквори ҳурмати, Шоҳруҳ Мирзо, «У бонунни улуғлашда иззат-ҳурмат шартларини адо этиб, Қусавия қасабасини суюрғол тарзида унинг ноибларига топширади». Қусавия қасабаси Шоҳруҳ Мирзонинг хотини Гавҳаршод Оғога тегишли мулк эди. Тумон Оғони кутиб олишда Гавҳаршод Оғо ҳам иштирок этади ва унга катта эҳтиром кўрсатади.

Фасиҳ Хавофий ўзининг «Мужмали Фасиҳий» деган йилномасида 1405 – 1406 йил воқеа-ҳодисалари ҳақида ҳикоя қилганида «Малика Тумон Оғо Мирзо Халил Султон фармониға мувофиқ Шайх Нуриддинга эрга берилади», деган сўзларни келтиради. Халил Султон ҳокимият илнжида, ўзига хайрихоҳлар орттириш учун шу қадар тубанликка борган, улуғ хонадон, улкан оила шаънига иснод бўлиб тушадиган бу қабихликдан қайтмаган. Оила шаъни Шоҳруҳ Мирзонинг саъй-ҳаракатлари билан тикланган. Шоҳруҳ Мирзо Самарқандда олти кун турганида, Шоҳ Малик томонидан Шайх Нуриддиннинг боши унга келтирилади. «Мужмали Фасиҳий»да Тумон Оғога берилган мулклар адади янада кўпроқ бўлганлиги айтилади. Гавҳаршод Оғонинг сарой аъёнлари хотинлари қуршовида Тумон Оғони кутиб олишга чиқиши, Шоҳруҳ Мирзо томонидан Соҳибқирон бевасига – ўғай онасига мол ва мутаважиҳат, Хобушон вилоятидан Мажроқ деган қишлоқни ҳам берганлиги айтилади. Гавҳаршод Оғо Қусавия қишлоғини туҳфа этган бўлсада, ўз навбатида Шоҳруҳ Мирзо ҳам Тумон Оғонинг тўкинликда ҳаёт кечиришига барча шароитларни яратишга интиланган.

Тумон Оғонинг қачон вафот этганлиги аниқ эмас. Зикр этилаётган «Мужмали Фасиҳий» 1441 – 1442 йилга қадар бўлган воқеаларни қамрайди. Муарррих шу даврга қадар яшаган ва ҳаётдан кўз юмган таниқли тарихий шахслар ҳақида маълумотни жамлар экан, 845 ҳижрийгача (1442 й.) оламдан ўтган Темурийлар хонадонида мансуб кишилар орасида Тумон Оғонинг

исми шарафасини келтирмайди. Малика Тумон Ого бу пайтда ҳаёт бўлганида, 77 ёшга кирган бўларди.

Ҳикоянинг аввалида «бу қисса маҳзун», деган эдим. Малика Тумон Огонинг қисмати Соҳибқирон вафотидан кейин кутлмаган тарзда эврилиши, қадрсизлантирилиши, орадан шунча асрлар кечган бўлса-да, юракларда ачиниш уйғотмай қолмайди. Ҳокимият, манфаат ақли қисқа, ғурурсиз, ҳамиятсиз одамларни қайси кўйларда тентиратмайди, эсиз, эсиз...

СЎНГГИ МАЛИКА

Соҳибқирон Амир Темур тўғрисида унинг ҳаётлиги давридан бошлаб китоблар ёзилган. Яздий айтганидек, муаррихлар Соҳибқирон маслаҳатларидан баҳраманд бўлиб, асарларига бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларнинг муҳимларини, шунда ҳам далилларга асосланганларини киритганлар. Темурбекнинг ёшлик пайтларида амалга оширган ботирликларининг кўпи, унинг эътирози билан мақтовларни ёқтирмагани сабабли, китобларга киритилмаган. Шундан бўлса керак, XV аср бошларига таалуқли тарихий мажмуаларда ҳам Амир Темур шахси билан боғлиқ чизгилар эътибордан соқит қилинади. Ибн Арабшоҳдан бўлак бирорта мусанниф Соҳибқироннинг шакли шамоилини, қадди қомагини, ташқи қиёфасини тасвир этмаган.

Ибн Арабшоҳ 1401 йилдан 11–12 ёшларида Дамашқдан Самарқандга олиб келинган. У, Соҳибқирон пойтахтида 1408 йилга қадар ҳаёт кечирган. Самарқандда яшаш асносида Амир Темурни кўрган, байрамларда, тўйларда иштирок этган. Ибн Арабшоҳ Соҳибқиронни кўрган пайтларда, у 65 ёшда эди. Етмишни қоралаган Амир Темур 1370 йилдан – тахтга чиққан давридан буён қанча жангу жадалларни амалга оширган, Шарқда Мўғулистондан, Шимолда Дашти Қипчоқдан то Россия тупроғига қадар, Жануби Фарбда Ҳин-

дистону Ироқдан қайтган, беҳисоб-беадад олис йўлларни тай этган эди. Ҳисоб қиладиларки, Амир Темур ҳазратлари ўзининг 35 йиллик ҳукмронлиги даврида Самарқандда узоғи билан 3 – 3,5 йил хотиржам ўтира олган экан. Жетага, Хоразмга, Дашти Қипчоққа, Шарқ мамлакатларига юриш чоғларида узлуксиз равишда 30 – 32 йил от устида бўлиш, дашту саҳроларда, чўлларда, тоғу тошларда, ҳар қандай оби ҳаво шароитида ҳарбийчасига ҳаёт кечириш, соғлиқ нуқтаи назаридан, тасаввурга сифмайдиган иш. Самарқанддан чиққан кўшин ҳафта давомида, тиним билмай, Хуросон мулкларига етиб бориши Амир Темурнинг буюк саркардалик салоҳияти натижасигина бўлиб қолмай, унинг сиҳат-саломатлиги билан ҳам узвий боғлиқ жиҳат эди. Гапнинг очиги, ҳозирги шамолдек еладиган автоуловларда беш-олти соатда Тошкентга етиб борсак ҳам, толиқиш дарров билинади. Туркияга, Оврўпа сарҳадларига қадар отлич борган Соҳибқирон Амир Темурнинг соғлиғи чинакамига темирдай мустаҳкам бўлганлигини бир ўйлаб кўрайлик. Ибн Арабшоҳ 65 ёшли Амир Темур сиймосини шундай чизади:

«Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, гўё у қадимий паҳлавонлар авлодларидан бўлиб, кенг пешонали, боши катта, гоятда кучли ва салобатли, ажойиб бўлалик (бўлумли – П.Р.) ранги оқу қизил юзли, лекин доғсиз, бугдой ранг эмас, қўлоёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўгон, пойчалари семиз, қадди-қомати камолига етган, серсоқол, ўнг оёқ-қўли чўлоқ ва шол, икки кўзи бамисоли шам бўлса-да, шодлиги билинмас, йўгон овозли эди. У ўлимдан қўрқмас, ёши саксонга (етмишга – П.Р.) етган бўлса-да, изтиробсиз, вазмин, бадани тўла ва пишиқ, худди зич тош мисоли қаттиқ эди. У ҳазил-мазах ва ёлғонни ёқтирмас, ўйин-кулги-ю кўнгилхушликка майлсиз, гарчи сўзда ўзига озор етадиган бирон нарса бўлса ҳамки, садоқат унга ёқар эди».

Амир Темур 1376 – 1377 йилда Тумон Оғога уйланидан кейин орадан ўтган йигирма йилга яқин муддат давомида ўз ҳарамига яна қанча ва қандай маликаларни қўшган, бу ҳақда тарихий манбаларда маълумотлар жуда кам. 1397 – 1398 йилда, Соҳибқирон 62 ёшида Тўкал Хонимга уйланади. Бу мавжуд тарихлардаги расмий маълумот. Шунга қадар кечган йилларда Соҳибқирон ҳарамигадаги маликалардан Чўлпон Мулк Оғо, Дур Султон (Нур Султон Оғо), Нигор Оғо исми шарифалари ҳам зикр этилади. Бу маликалар Соҳибқирон никоҳига қачон киритилган, аниқ далиллар йўқ. Тургун Файзиев, «Темурийлар шажараси» деган китобида, «Амир Темур ўн саккиз марта уйлانган. Бундан ташқари у 22 нафар хос қанизақларни ҳам ўз шабистонига маҳрам қилган», деб ёзади. Шомий, Яздий ва Натанзий тарихларида бундай ҳисобга дуч келмаймиз. Ҳар учала муарриҳда Тумон Оғодан кейин Чўлпон Мулк Оғо, Дур Султон Оғо ва Нигор Оғо номлари қайд этилади, холос.

Сўнгги малика – Тўкал Хонимга қадар бўлган Амир Темур ҳарами мундарижаси Нурмиш Оғо, Ўлжой Туркон Оғо, Менгли Бека Оғо, Сарой Мулк Хоним, Улус Оғо, Исломо Оғо, Тоғай Туркон Хотун, Дилшод Оғо, Тумон Оғо, Чўлпон Мулк Оғо, Дур Султон Оғо ва Нигор Оғолардан иборат бўлганлиги Темур тарихларида зикр этилади. Айрим изоҳларда Тўлун Оғо деган аёл исми ҳам келтирилади-да, уни Умаршайх Мирзо онаси дейилади. Бу ерда Тоғай Туркон Оғо исми янглиш шундай аталади. Менглибека Оғо тўғрисида олдинроқда фикрлар айтилди. Шу дейилганлардан келиб чиқиб, Амир Темур хотинлари сирасида Менглибека Оғонинг Соҳибқирон ҳарамига нечоғлик дахли бўлганлигини асослаш учун ҳали жиддий изланишлар олиб боришга тўғри келади. Бу аёлнинг янглиш равишда Амир Темур ҳарамига нисбат берилаётганлиги эҳтимоли кўпроқ. Шу сабабдан, «ўн саккиз марта уйланганлик» даъвосини ҳам асослашга тўғри келади. Олди-қочди

фикрларга эмас, Темурийларнинг ўз назаридан ўтган тарихларга ишониш керак бўлади. Одатда, ҳукмдорларнинг оилавий ва шахсий ҳаётига қизиқиш катта бўлади. Ибн Арабшоҳ, гарчи Амир Темурнинг ашаддий душмани бўлса-да, бир ҳақиқатни айтиб кетган, Соҳибқирон ортиқча «кўнгилхушликни» ёқтирмаган, жиддий инсон бўлган. Унинг оилавий ҳаёти ҳам давлат тинчлиги, жипслиги ва қудратига бўйсундирилган. Ҳар бир уйланиш (шу жумладан, фарзандлар ва набиралар уйланишлари ҳам) кўнгилхушликни эмас, ана шу қарашлар асосида амалга оширилган. Амир Темур тасарруфига олган мамлакатлар сарҳад ва нуфус жиҳатдан Чингизхон тобе этган мулклардан қолишмаган. Лекин унинг ҳарами Чингизхон саройида тўплаган хотинлардан, канизақлардан неча юзлаб ҳисса кам эди.

1405 йилнинг 8 сентябида Амир Темурни шахсан кўришга муваффақ бўлган Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо 69 ёшли Соҳибқирон ҳолатини шундай тасвир қилади. *«Соҳибқирон бог ичидаги саройда, шоҳсуна устида ўлтирарди. Унинг олдида фаввора юқорига отилиб турар, фаввора ҳовузидида қизил олмалар сузиб юрарди. Подшоҳ лўлаболишига ёнбошлаган ҳолда шойи кўрпача устида ўлтирарди. Подшоҳнинг эгнида гулсиз силлиқ шойи яктак, бошида узун телпак, телпакнинг юқорисида қизил ёқут, жавоҳир ва бошқа қимматбаҳо тошлар қадалган».* Клавихо, шу сўзларни айтиб, Амир Темурнинг кексайиб қолганлигини, кўзлари хиралашганлигини, киприк қоқишга ҳам мадори йўқлигини ёзади. Ҳатто, у 1405 йилда, ўз юртига қайтаётганида, Амир Темурни вафот этган, деб ёзади. Қолбуки, бу орада Соҳибқирон Хитойга қўшин тортган, қиш қаттиқ ва эрта бошланиб, Ўтрорда тўхтаб турган эди. Киприк қоқишга ҳам мажоли бўлмаган ҳукмдор Самарқанддан Ўтрорга қадар йўлни босиб ўтиши амри маҳол эди. Гап шундаки, Испан элчиларига, шу жумладан, Хитой элчила-

рига ҳам Соҳибқироннинг касал эканлиги овоза қилинади ва Хитой юриши қаттиқ сир тутилади. Элчилар Самарқанддан ўз қиролларига жавоб номаларини ҳам ололмай қайтишга мажбур бўлар экан, Амир Темурни ўлган бўлса керак, деган хаёлга борадилар. Соҳибқирон 70 ёшида ҳам кучли ва соғломлигича қолган эди. Бу унинг бир умр ҳарбий ҳаёт тарзига кўникканлиги, жисмонан бақувватлиги ва чиниққанлиги билан изоҳланадиган ҳолат эди.

Малика Тумон Оғо билан сўнги малика Тўкал Хонимнинг никоҳга олингунига қадар бўлган ораликдаги йилларда Чўлпон Мулк Оғо исми шарифаси тарихларда такрор келади. Хотин-қизлар таъриф-тавсифида жуда эҳтиёткор бўлган Шарафиддин Али Яздий ўз «Зафарнома»сида бу соҳибжамол малика ҳақида бир неча саҳифаларда сўз юритади. 1392 – 1393 йилларда юз берган воқеа-ҳодисалар силсиласида Чўлпон Мулк Оғонинг сиймоси намоён этилади.

Низомиддин Шомий «Зафарнома» асарида шундай ёзади: *«Ҳижрий 793 йилда (1391 й.) Амир Соҳибқирон лашкар жам қилиб, Дашти Қипчоққа юриш қасдида Самарқанддан чиқди, – деб ёзади, – Хўжанд сувидан ўтиб, қишни Тошканд мавзесида ўтказди. Лашкарнинг яроқ-аслаҳасини мукаммал қилиб, амирлар ва давлат арқонларини инъому эҳсонлар билан сийлади. Лашкарнинг кўпчилигига йўрға отлар, зардузи тўнлар ва дираму динорлар улашди. Хотинлар ва хоним-оғолар ижозат сўраб, Самарқандга қайтиб кетдилар. Амир Соҳибқирон қачарчиларни амирларга тақсим қилиб, сафар ойининг ўн бешида (1391 йил 22 январ) юришни ирода қилди. Улуғ Хотун Чўлпон Мулк Оғони ўзи билан бирга олиб йўлга равона бўлди».*

«Улуғ Хотун» деб тавсифланаётган Чўлпон Мулк Оғо, шу сўзлар моҳиятидан келиб чиқиладиган бўлса, Амир Темур даргоҳида кўпдан яшаб келганлигини тушуниш қийин бўлмайди. Бундай рутбага эришиш учун ҳарамда кўп йил бўлиш, Биби Хоним сингари мали-

калар орасида улуғ хотун сифатида мавқе қозонишга вақт зарур бўларди. Шу асарда Амир Темурнинг 1393 йил қишида Мозандарондан Рай томонга жунаганлиги, ўғруқда Сарой Мулк Хоним ва Тумон Оғоларни қолдириб, ўзи билан бирга хотинларидан Чўлпон Мулк Оғо, Дур Султон Оғо ва Нигор Оғоларни олиб борганлиги ҳикоя қилинади.

Амир Темур салтанатида 90-йилларда, кўрамизки, Чўлпон Мулк Оғонинг ҳарамдаги эътибори катта бўлган. Низомиддин Шомий 1394 январ ойи воқеаларига тўхталар экан, Соҳибқироннинг Мисрни тобе этиш мақсадида юриш қилганлигини, Руҳо мавзесида бир муддат тўхтаб турганлигини қайд этади. Муаррих шаҳодатича, Миср юришида Соҳибқироннинг аёллари уни ўттиз беш кун кўра олмаганлар. Айниқса, *«Ўттиз беш кундан буён айрилиқнинг аччиқ шарбатини тотган Чўлпон Мулк Оғо ва Дилшод Оғолар камоли иштиёқларидан шу вақтда ўғруқдан ажралиб, тезлик билан, етиб келдилар»*. Бунда, Шомийнинг нимага урғу бераётганлигини англаш қийин эмас. У, Чўлпон Мулк Оғонинг Соҳибқиронни қанчалар яхши кўришини, бошқа аёлларга нисбатан унга интилишини ибодати тарзда, пардалаб баён этади. Фақат бу ўринда муаррихга нисбатан бир эътироз шуки, унинг эътиборсизлигимиз ёхуд котибларнинг айби биланми, Дилшод Оғо ҳам шу ўринда – 1394 йил воқеалари ичида тилга олинади. Ваҳоланки, Дилшод Оғо бу воқеадан ўн йил бурун оламдан ўтган эди. Соҳибқирон истиқболига шошилган малика Чўлпон Мулк Оғо ёнида Дур Султон Оғо, ёйинки, Нигор Оғо бўлиши мумкин эди.

Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сида ҳам уч малика – Чўлпон Мулк Оғо, Дур Султон Оғо ва Нигор Оғолар тилга олинади. Бу манбада ҳам учала аёлнинг келиб чиқиши, қачон Соҳибқирон никоҳига киритилиши тўғрисида гапирилмайди. Унда ҳам, XIV асрнинг 90-йиллари воқеалари силсиласида уч маликанинг

Амир Темур юришларида бирга бўлганлиги ҳикоя қилинади. Шарафиддин Али Яздий ҳам 1394 йилги Миср юришида Чўлпон Мулк Оғо билан Дилшод Оғонинг 35 кунлик айрилиқдан кейин Соҳибқирон билан кўришиш шарафига ноил бўлганлигини такрорлайди. Афтидан, шу саҳифалар Шомий асари таъсирида ёзилган кўринади. Яздий, 1394 йил юришларини қаламга олар экан, Гуржистон сафарида Сарой Мулк Хоним, Тумон Оғо, Чўлпон Мулк Оғо ва бошқа хотинларнинг бирга бўлганликларини ёзади. Шу юришда Амироншоҳ Мирзо ўғил кўради. Чақалоққа Амир Темур боболаридан бири – Ийжил исми берилади. 1395 йилда Соҳибқирон Дашти Қипчоққа, Тўхтамишга қарши курашга отланганида Сарой Мулк Хоним ва Тумон Оғоларни Самарқандга кетишга ижозат беради. Чўлпон Мулк Оғо билан бошқа хотинларини эса Султония шаҳрида қолдиради.

1394 – 1395 йилдан кейин Чўлпон Мулк Оғо ва Дур Султон Оғо, Нигор Оғолар исми шарифаларига дуч келмаймиз. Амир Темур оилавий ҳаётида 90-йилларда кўзга ташланадиган бу маликаларнинг кейинги қисмати нима бўлган, айтиш қийин.

Амир Темурнинг ашаддий душмани Ибн Арабшоҳнинг Чўлпон Мулк Оғо ҳақидаги гапи, хоҳ тўғри бўлсин, хоҳ ҳақиқатдан узоқ, бугунга қадар етиб келди ва шу мавзудаги кўпдан-кўп асарларга ҳам ўтиб, талқин этилди. Ибн Арабшоҳ, Амир Темур хотинлари ҳақида гапирар экан, қуйидагича сифатлайди: *«Энг муқаддами ва баркамали Катта Малика (Сарой Мулк Хоним), энг ҳусндори ва соҳибжамоли Кичик Малика (Тукал Хоним) бўлиб, уларнинг иккаласи ҳам Хитой подшоҳларининг қизларидан эди. Яна Нахшаб амири Амир Мусонинг қизи Тумон, шунингдек, баркамолликда тўлун ойдек бўлиб, гурубига яқинлашган қуёш мисоли Чўлпон эди. Воқе бўлмаган бир иш хабари қулогига етганда, Темур ўзи ҳаёт вақтида уни қатлга тортади. Ўша воқеа хоҳ ҳақиқат, хоҳ ёлгон бўлса ҳам*

Темур уни тўғри деб қабул қилган. Ҳайлайманки, у хотиннинг гуноҳи бўлган».

Темуршунос олима ва адиба Хильда Хукҳем «Етти иқлим султони» деган асарида Соҳибқирон ҳарами бобида ҳам фикр билдириб ўтади. Унинг ёзишига кўра, «Клавихо (Испан элчиси – П.Р.) 1404 йили Темурнинг саройида унинг саккизта хотинини кўрган экан. У айниқса, ҳукмдорнинг кенжа хотини, «чехраси тўлин ойни эслатадиган» Чўлпон Мулк Оғонинг ҳуснига қойил қолади. Бу аёл тўқсонинчи йиллардаги барча юришларда Темурга ҳамроҳ бўлган экан. Темурга нисбатан мудом адовати бўлган Арабшоҳнинг ёзишича, бу маликани, сеҳр-жодуси бор деб, деб тахмин қилишиб, қатл этишган экан».

Бир воқеа муносабати билан айтилган фикрнинг талқинига эътибор берайлик. Ибн Арабшоҳ, «... воқе бўлмаган бир иш хабари қуловига етганда Темур ўзи ҳаёт вақтида уни қатлга тортади», дейди. Хильда Хукҳем эса, Ибн Арабшоҳ айтганидан ўзгачароқ, ҳатто, тамом бошқачароқ талқинни келтиради: «... бу маликани сеҳр-жодуси бор, деб тахмин қилишиб, қатл этишган экан». Буни қандай шарҳлаш керак? Ибн Арабшоҳнинг ўзбекча таржимасида ғализлик борми? Хильда Хукҳем, шубҳасиз, бу асарни ўзбекчада ўқимаган. Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» асари таржимасини аслият билан яна бир қарра солиштириш фойдадан холи эмаслигини айтиш жоиз. Ўзбекча таржимада (проф. Убайдулла Уватов) Амир Темур хотини Чўлпон Мулк Оғони хиёнат учун қатл эттирган деган мазмун келиб чиқади. Хильда Хукҳем эса сеҳр-жодуни сабаб қилади. Менимча ҳам, шуниси ҳақиқатга яқин бўлса керак, Ибн Арабшоҳ ўз асарида шуни кўзда тутгандир. Энди, Чўлпон Мулк Оғонинг ҳақиқатда қатл этилганлигини тасдиқлайдиган бирор далил манбаларда мавжуд эмас ва, фақат ва фақат, унинг тўғри-нотўғрилиги Ибн Арабшоҳнинг виждонига ҳавола. Испан элчиси Клавихо Чўлпон Мулк Оғони Амир

Темурнинг Хитой юриши олдидан кўрган экан, шундай воқеа юз берганида, турган гапки, уни кундаликларида қайд этган бўларди. Клавихо, Самарқандда бўлган пайтида қурилиш ишларида талон-торожга йўл қўйган кишиларнинг ўлимга буюрилганлиги тўғрисида сўзлаган. Европа давлатлари саройларида ишқий можаролар одатдаги ҳол бўлиб, уларни хаспўшлаш расм бўлмаган. Шундай экан, Клавиходай синчков, Шаҳрисабзу Самарқандда тимирскиланиб, Амир Темур ва унинг келиб чиқиши, хотинлари, ўғиллари, қизлари, куёвлари ҳақида ҳаммадан, шу жумладан, Хитой элчиларидан ҳам очиқ ва пинҳон суриштирувлар олиб борган Клавихо назаридан Чўлпон Мулк Оғо «фожиаси» билан боғлиқ миш-мишлар четда қолмаган бўлар эди. Амир Темурни қаттиқ севган бу маликадан хиёнат чиқишига (сеҳр-жодуни мутлақо инкор этган ҳолда) ишониш қийин. Агар малика Чўлпон Мулк Оғо ўз ажали билан ўлмаган бўлса, бунда кундош маликаларнинг ҳасади иш берган бўлиб чиқади. Хильда Хукҳем ўз китобида яна бир янглишга йўл қўяди – Чўлпон Мулк Оғони «хукмдорнинг кенжа хотини», деб айтади. Кенжа хотин, ёинки, сўнгги малика аслда Тўкал Хоним эди.

Амир Темур 1389 йилда мўғул хони, бир вақтлар – 1361 йилда Мовароуннаҳрга бостириб келган Тўғлуқ Темурхоннинг ўғли Хизр Хўжа Ўғлонга қарши қўшин тортади. Хизр Хўжа Ўғлон Соҳибқироннинг ҳужумларига бардош бера олмайди. Хизр Хўжа Ўғлон бу йилларда қочиб жон сақлайди. Ўртада вужудга келган муроса туфайли, 1396 – 1398 йилларда у яна Мўғулистон хони бўлади. Хизр Хўжа Ўғлоннинг ўғли Шамъи Жаҳон Самарқандда, Соҳибқирон қароргоҳида гаров тариқасида яшаб туради. Амир Темурнинг бу йилларда довуғи ҳам, давлатининг қудрати ҳам бемисл юксакликка кўтарилган эди. Олтмиш бир ёшни қаршилаётган Амир Темур Мўғулистон билан бўлган қарама-қаршилиқни узил-кесил бартараф этиш учун Хизр

Хўжа Ўғлоннинг 12 ёшли қизи Тўкал Хонимга уйланишни мақсад қилади.

Муаррихлар, Соҳибқироннинг бу никоҳга жуда катта эътибор берганлигини таъкидлайдилар. Аввало, Самарқанддан Хизр Хўжанинг ўғли Шамъи Жаҳон таниқли аёнлардан бири Фиёсиддин Тархон билан Мўғулистонга, Хизр Хўжа ҳузурига жўнатилади. Улар хонни шу никоҳга унатишлари керак эди. Шамъи Жаҳон отасини кўндириши, Фиёсиддин Тархон эса шоҳона тухфалар билан совчилик удумларини адо этиши лозим эди. Хизр Хўжа, бундай айтганда, Соҳибқиронга вассал тариқасида ҳукм сураётган хон эди. Унинг ҳам бу никоҳдан умиди катта эди. Ҳарҳолда, Тўкал Хонимга уйланиш масаласи икки томон манфаатларига мос келар, узоқ давом этган зиддият ўрнини ҳамжиҳатлик, қариндошлик муносабатлари эгаллаши учун восита бўлиши кўзда тутилди.

Соҳибқирон совчиларни катта совға-саломлар, молу дунёлар билан жўнатганидан кейин Кониғилда уч ой давомида тўйга тайёргарлик кўрилади. Тўкал Хоним учун Боғи Дилқушони барпо этиш ишлари бошлаб юборилади.

1397 йил кузи бошларида Кониғил ёнида Дилқушо боғи барпо этила бошланади. Ҳунармандлар, муҳандислар боғни режалаштирадилар. Боғ мураббаъ усулида – ҳар тарафи 750 метрдан иборат ҳажмда бўлади. Тўртала томондаги деворларда аркли дарвозалар бунёд этилади. Ҳар бир буржда чиройли безатилган каптархоналар ҳам қурилади. Боғ саҳнларига мевали дарахтлар, гулзорлар ҳам яшнаб туриши тарх-лойиҳада асосий ўринда турган. Боғ ичидаги йўлаклар, майдончалар истироҳат нуқтаи назаридан чиройли режалаштирилади. Ўрталикда уч гумбазли қаср барпо этилади.

Боғ қурилиши ниҳоясига етгандан кейин, Амир Темури Тошкент сарига, Тўкал Хонимни кутиб олиш учун, унинг истиқболига отланади. Бу орада у Туркистон-

да, Ясса шахрида бўлади, улуф авлиё, шоир Аҳмад Яссавий ва бошқа машойихлар зиёратгоҳларида бўлади. Яссавий мақбараси устига улуф бино қуришни амр қилади. Бу муҳташам, баланд гумбазли хонақоҳ ҳозирга қадар, ўша кунлардан ёдгор бўлиб турибди. Тўйга тайёргарлик даражаси шунчалик катта бўлганки, Хиротдан Шохруҳ Мирзонинг хотини Маликат Оғо ҳам бир қанча вақт олдин етиб келади ва тараддуд ишларига киришиб кетади. Ҳамма шахзодаларнинг хотинлари, келинлари, хуллас, улуф хонадоннинг барча аъзолари Самарқандда жам бўлиб, улкан тўйни ўтказиш ишларига ҳисса қўшадилар, совға-саломлар олиб келадилар.

Тўкал Хонимнинг келаётгани хабари етишгач, шахзодалар, ҳамма оғолар ва аёллар отга минишиб, ўн кун олдин унинг истиқболга чиқадилар. Тўкал Хоним 1397 йил 22 ноябрда етиб келади. «Соҳибқирон амирлар ва қозиларни ҳозир қилиб, Тўкал Хонимни шаръий никоҳ билан ўзига хотин қилиб олади».

Сарой Мулк Хонимдан кейин иккинчи мақомни эгаллаган Тўкал Хоним ниҳоятда соҳибжамол, ҳуснда тенгсиз бўлган. Уни саройда ардоқлашиб, «Кичик малика», деб атаганлар. Тўкал Хоним тўйи ҳақида муаррихлар ошиб-тошиб ёзганлар. Мўғулистондан ёш маликани кузатиб, унга ҳамроҳ бўлиб келганлар сони ҳам бир неча юз киши бўлган. Уларнинг ҳаммасига катта инъомлар, совға-саломлар улашилган. Тўй кунларида бошдан сочилган олтин динорлардан ер кўринмай кетади, уларни териб олганлар, хизмат қилганлар узоқ вақт тўкин-сочинликда яшадилар, дейди муаррих.

Қизиғи шундаки, бу тўйда Хитой императорининг (манбада Тунғузхон деб кўрсатилади) элчилари ҳам ҳозир бўладилар. Катта тухфалар билан келган Хитой элчилари Амир Темурнинг Мўғул хони билан қариндошлашаётганидан хавотирга тушган ўз хонлари учун керакли маълумотлар йиғиши керак эди. Гап шундаки, Амир Темурнинг Хитойга юриш қилиши хабарла-

ри тарқалган, бу никоҳ шу юриш бошланишига қанчалик таъсир кўрсатади, шунини аниқлаш мақсад қилиб кўйилган эди.

Шу ўринда, мавриди келгани боис, бир мулоҳазани айтиш фикри туғилди. Олдинроқда айтилганидек, Чўлпон Мулк Огонинг кимнинг қизи эканлиги манбаларда кўрсатилмаган, бироқ В.В. Бартольднинг шу хусусдаги бир эътирофи мавжудлигини четда қолдириб, ўтиб бўлмайди. Улкан муаррих Чўлпон Мулк Ого ҳақида гапирганида, уни «мўғул Ҳожибекнинг қизи», деб кўрсатади. Ҳожибек ким бўлди, деб унинг ҳақида маълумот излай бошладим. Шарафиддин Али Яздий тарихида Ҳожибекнинг 1361 йилда Тўғлуқ Темур билан Мовароуннаҳрга бостириб келган унинг саркардаларидан бири эканлиги қайд қилинган экан. Ҳожибек 1365 йилдаги «Лой жанги»да ҳам иштирок этади. Дўғлотлар қавмидан бўлган Қамариддин мўғул тахтини эгаллагандан сўнг, улар орасида бўлиниш юзага келади. Ҳожибек ўз бошига иш кўриб, олдинги иттифоқчиларига қўшилмайди. Қамариддиннинг Амир Темурга қарши биргаликда кураш олиб бориш чорловини қабул қилмайди. Ҳарҳолда, Ҳожибекда Амир Темур билан муроса қилиш, яқинлашиш фикри бўлганлиги сезилиб туради. Унинг уруғ-аймоқлари, жумладан, акасининг ўғли Анқо Тўра ҳам Соҳибқирон илтифотига лойиқ кўрилади. Аммо, Анқо Тўра ўртадаги аҳдни бузади. Шу жиҳатдан, академик В.В. Бартольднинг Чўлпон Мулк Ого отаси бобидаги фикри ҳақиқатга зид эмас, демоқчиман. Ҳожибекнинг қариндошлик ришталари билан туташуви ашаддий душман Қамариддиннинг кучсизлантирилишига, пированд натижада, бутунлай тор-мор этилишига олиб келган эди.

Кичик малика – Тукал Хоним билан Соҳибқирон саккиз йил ҳаёт кечиради. Хонимнинг мартабаси жуда сарбаланд кўйилган, Соҳибқирон оламдан қайтганда, у 20 ёшга тўлган эди. Ибн Арабшоҳ, Амир Темур ва-

фотидан кейин Халил Султоннинг хотини Шоди Мулк Биби Хоним билан Тўқал Хонимни заҳарлаб ўлдирди, деган гапни ёзади. Халил Султон, набира шаҳзода, Соҳибқироннинг васиятини бузиб, тахтни қонуний валиаҳдга бермасдан, ўзбошимчалик билан Самарқандни эгаллайди. Давлат ойинига оғишмай амал қилишни вожиб биладиган Биби Хоним, бу хатти-ҳаракатларни маъқулламаган, шекилли. Тўқал Хоним ҳам Катта маликани қувватлаган кўринади. Икки маликани заҳарлаш – Шоди Мулкнинг Халил Султоннинг тахтда қолиши учун қилган макри оқибати бўлиши, эҳтимолдан холи эмас. Нима бўлганда ҳам, бу воқеа 1408 йил атрофларида содир бўлган.

В.В. Бартольд тан олгани каби, Амир Темур ҳармидаги аёллар давлат ишларига аралаша олмаганлар. Улар, асосан, саховат, хайр-эҳсон, масжид ва мадрасалар қурилишлари сингари хайрия ишларига бошқош бўлганлар. Баъзи пайтларда хотинлар Соҳибқироннинг у ёки бу масаладаги фикрларини юмшатишга муваффақ бўлганлар. Чунончи, Амироншоҳ Мирзонинг ўғли, Халил Султоннинг келиб чиқиши паст табақадан бўлган, Амир Сайфиддиннинг канизаги Шоди Мулька уйланишидан ғазабланган ҳукмдор фикрини Биби Хоним ўзгартиради ва уларнинг ҳар иккаласини муқаррар жазодан қутқариб қолади. Қачонки, Халил Султонга тахт теккач, давлат жиловини Шоди Мулк кўлга олади ва Амир Темур даврида хизмати сингган, таниқли кишилар қаторида, Соҳибқироннинг беваларига ҳам ҳурматсизлик кўрсата бошлайди. Шоди Мулк Халил Султонни Амир Темурнинг бева қолган хотинларини амирлар ва саркардаларга бериб, уларни ўзларига оғдириб олиш режасини амалга оширишга ундайди. Шу ғаламисликнинг бир мисоли Тумон Оғонинг Шайх Нуриддинга берилиши эди. Соҳибқироннинг ҳусна танҳо бўлган ғунчаси Рухпарвар Оғо қисмати ҳам шундай ҳал этилади. Шоди Мулк ғарази билан қилинган, хонадон шаънига доғ бўлиб тушадиган бу

хилдаги ноқисликларга тезда барҳам берилади. Шоҳруҳ Мирзо оила шаъни ҳомийси бўлиб майдонга чиқади.

* * *

Хильда Хукҳем, «Темур саройида аёл кишининг номусига тегиш қатъий таъқиқланган эди. Ҳар бир одамнинг ёнида ўз хотини ёки канизаги бўларди. Сарой аҳлидан биронта одам аёлларга қариши гапиролмасди. Соҳибқирон кампир ва чолларнинг ҳурмати жуда ўрнига қўярди», деб ёзади. Бу гапларга изоҳ ҳожат эмас. Хотин-қизларнинг ҳурмати давлат аҳамияти даражасига кўтарилганлигини олдинда келтирилган ҳикоялардан, муҳтарам уқувчи яхши тушунган бўлса керак. Бунга ишончим комил. Аёлларини қадрлаган давлат ҳам, сулола ва эр ҳам кам бўлмайди. Бунинг ёрқин мисоли Амир Темур хонадони, унинг тўрт асрдан ортиқ давом этган сулоласи амал қилган оилавий ҳаёт, десам ўринли бўлади. Соҳибқирон оилавий ҳаётида асосланган, давлат аҳамияти билан боғлиқ никоҳлар ўрта асрлар шароитида, мўғуллар зулми тугатилган, туркий давлатчилик мустаҳкамланаётган мураккаб ва оғир замонларда ҳукмдорлар учун энг тўғри йўл бўлган эди. Оила – ҳақиқатда жамиятнинг асоси, унинг биринчи, бош бўғини бўлиб, тотувлик, равнақ, фаровонлик катта оиланинг – давлатнинг бардавомлиги ва барқарорлигида таянч вазифасини ўтайди. Уйи тинч бўлганнинг – давлати тинч бўлади, давлати тинч бўлганнинг – уйи тинч бўлади. Бу исбот талаб қилмайдиган, замонлар синовидан ўтган ҳақиқатдир.

УМАРШАЙХ МИРЗО АВЛОДИ

Умаршайх Мирзо таваллуд топган 1354 йил нариберисида кечган воқеа-ҳодисалар ўша давр руҳи билан бир қаторда. Амир Темур оиласида барқарор бўлган иқлимни ҳам бир қадар ойдинлаштиради. Чунки, ҳозиргача бу ҳақда ёзилган китобларда Темурбекининг тўнғич фарзанди туғилган йилларда аҳволи қандай, нима ишлар билан машғул бўлган – бу хусусда деярли сўз юритилмай келинади. Хонадон Қашқа воҳасининг юқори ва қуйи ҳудудларида азалдан туғдибитди бўлиб яшаб келган. Муаррих Низомиддин Шомий айтгани каби, *«Турклар Кеш деб аталган Шаҳрисабз ва унга қўшилувчи тобе жойлар ўша вақтда Амир Соҳибқирон. яъни жаҳон мамлакатларини фатҳ этувчи Амир Темур Кўрагон ва Ҳожи Барлос тасарруфида эди. У жойлар қадимдан уларга тааллуқли эди. Ҳожи Барлос Қозонхон ҳукмронлигининг охириги йилларида ҳам Кеш шаҳрининг идорасини ўз қўлида сақлаб келарди. Ака-укаларнинг фарзандлари бўлган Муҳаммад Тарағай ва Ҳожи Барлосларнинг ўзаро муносабатлари қандай бўлган, манбаларда бу хусусда бир сўз айтилмайди. Бу муносабат равишини бир воқеа мисолида фаҳмлаш мумкин бўлади. 1361 йилда Мўғулистондан Туғлуқ Темур босиб келган пайтда, Темурбек ҳам Ҳожи Барлосга қўшилиб, Жайхундан нарига ўтиб кетиш учун дарё бўйига қадар боради ва ундан ижозат олиб орқага – Кеш элини қутқизиш учун қайтади. Бундан шундай маъно чиқариш мумкин: Ҳожи Барлос Кеш ҳокимлиги вақтида Темурбек унинг хизматида бўлган. Лекин қариндошлик алоқалари жуда ҳам мустаҳкам эди, дейишга асослар камдек. Темурбек Мўғул ҳукмдорини кўндириб, юртига қайтариб, Кешни идора қила бошлаганида, Ҳожи Барлос қочувдан қайтиб келиб, Кешнинг ҳокимиятини талаб қилади. Иш жангга қадар етиб боради. Хизр Ясаурий билан Темурбек муносабатларининг бузи-*

лиши ҳам Ҳожи Барлос сабабидан бўлади. Хизр Яса-
вурий ўз дўстидан шубҳа қилиб, уни ўлдиришга қасд-
ланади, аммо бунга муваффақ бўла олмайди.

Бу даромад гапларни келтиришимдан мақсад, ама-
кизодалар – Тарағай ва Ҳожи Барлос, гарчанд, яқин
қариндошлар бўлса-да, ўзаро даҳл қилмаслик ойини-
га амал қилган кўринадилар. Шу сабабдан ҳам, Му-
ҳаммад Тарағай Кеш шаҳрида эмас, унинг мулклари-
да, Тарағай, Очиғий, Ниёза, Ҳожа Илғор сингари ман-
зилларда яшаб келган. Муҳаммад Тарағайнинг ота-
боболари ҳозирда унинг номи билан аталиб келинаёт-
ган тоғолди қишлоғида яшаган, бу жойда уларга те-
гишли хилхона ҳам сақланиб қолган. Ҳожа Илғорга
ўтиш Темурбек туғилишидан бир неча йиллар олдин
юз берган бўлиши мумкин. Ўша пайтларда Кеш ва
унинг теварак-атрофларида экин-тикин қилинадиган,
боғ-роғли ерлардан ташқари, яйловлар ҳам кўп эди.

Темурбекнинг Кешда ўрнашуви XIV асрнинг 60-
йиллари бошларига тўғри келади. Тўғлуқ Темур Мўғу-
листонга қайтаётганида Кеш ва унга қарашли қиш-
лоқларни Темурбекка бериб кетганди. Бу, шубҳасиз,
Темурбекнинг бевосита шаҳарда яшашини тақозо
этар эди.

Умаршайх Мирзо Кешнинг қайси бир мавзесида
туғилган бўлиши мумкин? Тарихларни ҳар қанча ва-
рақламанг, бу саволга жавоб топа олмайсиз. Фасиҳ
Хавофий йилномасида ҳам, «Зафарнома»ларда, На-
танзий асарида ҳам Умаршайх Мирзо туғилиши вақ-
ти ва жойи четлаб ўтилади. Унинг туғилган йилини ҳам,
Яздий маълумоти бўйича, вафот этган –1394 йилдан
келиб чиқиб, 1354 йил деб, белгилаш мумкин бўлади.
Умаршайх таваллуд топганда Темурбек 18 ёшда
бўлган. Бу пайтда у амакиси Амир Жоку Барлоснинг
қизи Нурмиш Оғога уйланган эди. Отаси Амир Тара-
ғай кексайиб, «Амир Қазағоннинг улус ва қўшунлар
бобида қилган саволларидан ожиз келур эди». Бекзо-
далар қадимий туркий одатга кўра, ўз йигитлари би-

лан ҳукмдор хизматида бўлиши керак эди. Темурбек ҳам, «лашкар интизомин воситасида» Амир Қазағон мажлисларида қатнаша бошлайди. Темурбек, «Малфузот»дан маълум бўладики, Амир Қазағон саройида тез орада унинг ҳарбий маслаҳатчиси даражасига кўтарилади. Бунинг тубандаги эътирофдан ҳам англаш мумкин. Амир Қазағон Ҳиротга қўшин тортганда, Темурбек ҳарб майдонини кўздан кечириб, муҳорабани қандай олиб бориш режасини тузади. «Амир Қазағон мани ҳировул қилди ва ман фароғати тамом бирла Мурғоб суйидан ўтуб. Бостон йўлидан кириб, Ҳирот доруссалтанасининг қапларида нузул этдим ва сўнгги кун отланиб бир баланд устигаким. Гозурго ерида воқе эди, чиқдим ва уруш жойини мулоҳаза қилиб, Амир Қазағон қошига келиб уруш ва жойининг паст ва баландлигини Амирга кўрсатдим ва ул ҳолда Амир Қазағон лашкар сафини тузатиб ҳамул баланд устига чиқиб, уруш жойини эътибор кузи билан кўриб, мулоҳаза қилиб, манга таҳсин ва офарин деди. Ва офтоб чун бизларнинг орқамизда бўлуб ва ғанимга рўбару эди, Амир дедиким, офтобнинг шуъойини ғаним кўзини тийра қилгусидир».

Амир Қазағондек тажрибали, Чигатой ҳукмдори Қозонхонни мағлуб этган саркардага олиб борилажак жанг ҳозирлигини кўриб, маслаҳатлар бериб, унинг таҳсинига сазовор бўлиш Темурбекнинг ўсмирликдан ҳарб санъатини пухта эгаллаганидан дарак беради.

Амир Қазағоннинг Хоразмни тобе этиш режасини амалга оширишда ҳам Темурбекнинг ҳиссаси катта бўлган. Шу боисдан ҳам, Урганч вилоятининг идорасини унга бағишлайди. Умаршайх Мирзо ана шундай бир шароитда дунёга келади. Ишлар равнаққа юз бура бошлаганда, омаднинг белидан чил соладиган ғанимликлар ҳам ошкора юз кўрсата бошлайди. Амир Қазағон суиқасд туфайли шикор пайтида ўлдирилади. Амир Қазағонни унинг ўз қуёви, мўғулпарастрлар домига илинган Тўглақ Темур қатлга етказди. Қуёвнинг

қасдланганлиги олдиндан маълум бўлган. Бир сафар Темурбек уни муқаррар ўлимдан олиб қолади. «Ул вақтда Тўғлуқ Темурхонким, Амир Қазагоннинг куёви эрди, – дейилади «Малфузот»да, – кўб душманлар бирла жам бўлуб. Амирни ўлдурғали фурсат ахтарур эрди. Шул ҳолда вақтни ганимат англаб, етти нафар шамширзан бирла Амир Қазагонга ҳамла қилди ва чун кеча қоронғу эрди, ман отдин тушуб, наъра уруб отимга миҳмиз бериб, Амир Қазагоннинг бўйнига қўлимни ҳамойил қилдим ва Амир Қазагон отдин йиқилиб қиличига қўл уруб, бир тошни ўзига паноҳ этди. Ва ман ўртоға кирдим ва миришикорлар доғи етушиб, урушмоққа киришдилар. Шул ҳолда Тўғлуқ Темурхон шикаста рикоб бўлиб, қочиб чиқдилар».

Бу воқеадан сўнг, Амир Қазагон куёвига қасдланади. Амир Қазагоннинг қизи эса эрининг таъқиб этилаётганидан ўзини «девона қилади». Амир Қазагон раҳмдил киши бўлганлиги боис, қизи ва хотинининг макрига учиб, куёвини кечиради. У, «Тўғлуқ Темурхоннинг гуноҳини авф этиб, анга ёрлиғ юборади». Темурбек шунда Амир Қазагонга, «хотунларнинг сўзига амал қилмаслик керакдур», деган гапни айтади. Оқибатда, у ҳақ бўлиб чиқади – навбатдаги ов чоғида куёв уни ўлдиришга муваффақ бўлади. Амир Қазагон ҳалокати сабаб, ишлар чигаллашади. Ҳокимиятга унинг ўғли Абдуллоҳ келади, Боён Сулдуз ва Ҳожиги Барлос кўп ўтмай, уни ўлдирадилар. Юртда парчаланиш, бўлиниш авж нуқтага кўтарилади.

Умаршайх Мирзо, шу воқеа-ҳодисаларга қараб, мулоҳаза этилганда, Кешда эмас, унинг қишлоқларидан бирида – Тарағайдами туғилган, дейиш асосли кўринади. Асарларни ўқиб, Умаршайх Мирзони ғойибона таниганимдан бери (бунга ярим асрча бўлиб қолди), доимо кўнглимдан бир савол кечади. Нега энди бекзоданинг исми шарифи Умаршайх бўлган, бунда номни ким танлаган, деган ўйлар хаёлимдан кечаве-

ради. Ўзимча, бунга бобоси Тарафайнинг дину диёнатли киши бўлганлиги, чақалоқнинг унинг хонадонидида туғилганлиги, руҳонийлар орасида эътиқод қўйганлари кўп бўлганлиги сабаб бўлса керак, деган хулосани чиқараман. Темурбекнинг ўзи ҳам диёнатли йигит бўлган. Отаси ҳаётлигида туғилган ўғилга исми, турган гапки, бобоси танлаган, пирлар билан бу борада маслаҳатлашган. Аввалги қисмда қайд этилгани каби, Умаршайх туғилгандами, ёинки, бу воқеадан озми-кўпми вақт ўтибми, унинг онаси олам билан видолашган. Чақалоқнинг парвариши ва тарбияси билан Муҳаммад Тарафайнинг яна бир аёли Қадоқ Хотун шуғулланган, дейиш мумкин.

Ёш бекзода 10 ёшга тўлганида, отаси Темурбек Амир Ҳусайн билан биргаликда, мўғулларга қарши шиддатли курашлар олиб бораётган эди. Бунгача, қанча таъқибларни бошдан ўтқарган, Жайхун ортига неча бор қочиб ўтиб жон сақлаган, туркманлар қўлида асирликни бошдан кечирган, Илёсхўжанинг амири Беккичак таъқибларидан яшириниб, Яккабоғ тоғларида, Самарқанд шаҳрида ғарибона ҳаёт кечирган Темурбек, норасида ўғли Умаршайхни узоқ вақтлар кўрмаган. Умаршайх ҳам 60-йиллар ўрталарида ҳаётга фаол аралаша бошлаган. У, бекзодалар учун удум бўлган ҳарбий ҳаётга эрта киришади. От минишни, жанг санъатини ўрганади. Укаси Жаҳонгир Мирзо ундан икки ёш кичик бўлиб, у шу йилларда тоғаси Амир Ҳусайн саройида, Балхда яшаб туради. Бу, очигини айтганда, Амир Ҳусайн билан Темурбек муносабатларини мувозанатда сақлаб турадиган ўзига хос кафолат воситаси эди. Умаршайх 14 – 15 ёшларидан бошлаб, отаси ёнида бўлади, тез-тез муҳорабаларда қатнашиб, ўзини кўрсата бошлайди.

Умаршайх Мирзо таржимаи ҳолида аниқ саналардан бири унинг 16 ёши билан боғлиқ бир воқеа ҳисобланади. 1370 йилнинг 28 мартада Соҳибқирон туркий амирлар ва таниқли дин арбоблари иттифоқида

ишончдан қолган Амир Хусайн устига қўшин тортади. Балхнинг қадимий, ниҳоятда мустаҳкам Ҳиндувон қалъасига кириб олган Амир Хусайнга қарши бемисл жанг бўлади. Бир вақтлар бу қалъани Чингизхон қўшинлари ҳам забт этолмаганди. Амир Хусайн ҳукмронлигига нуқта қўйган бу маҳорабада Умаршайх Мирзо ҳам қатнашади. Шомий бу ҳақда, «*Ўн олти ёшли Умаршайх баҳодир қалъа дарвозаси томон юрди. Уни бу ишдан ҳар қанча қайтормасинлар, фойда бермади. Шу ёшида ҳақиқий мардоналик кўрсатиб, душманларни тўхтатди. Аммо жанг охирида оёғига ўқ тегиб, мажруҳ бўлди. Уста жарроҳлар ярали жойни доғладилар (қонни тўхтатиш учун чўғ қилиб қиздирилган темирни босиш – П.Р.) У камоли гайрати ва мардоналигидан оҳ демади, қошини ҳам чимирмади.* Умаршайхнинг жасорати ва бардошини Яздий ҳам такрорлайди. Ҳар иккала муаррихда ҳам Умаршайх Мирзонинг 1370 йилда 16 ёшда бўлганлиги кўрсатилади. Бу тағин бир маротаба Умаршайх Мирзонинг тўнғич фарзанд эканлигини далолат этади.

Темурбек мўғулларга қарши кураш олиб борган, ички ихтилофларни бартараф этишга бутун куч ва гайратини бағишлаган. 1360 – 1370 йилларда унинг ёшида бўлган, айниқса, Туркистон ҳокимиятини Амир Хусайндан тортиб олишда фаол қатнашган. Умаршайх Мирзо шу кечган йилларда оддий сипоҳий – бекзода сифатида ҳаракат қилган. Соҳибқирон тарихини битган мусаннифлар ҳали Амир Темур тахтга чиқмаган, мўғулларга қарши кураш олиб борган йиллар тўғрисида ёзганларида, Умаршайхни шаҳзода деб тасниф этадилар. Бунга қўшилиб бўлмайди. Шаҳзодалик 1370 йил баҳоридан, Балхдаги порлоқ галабадан кейин бошланади. Бу фикрни Жаҳонгир Мирзо, Султон Бахт Бегим, Тоғай Шоҳ Оғо Бегим ва Амироншоҳ Мирзолар ҳақида ҳам айтиш жоиз. Султон Бахт Бегим ва Амироншоҳ Мирзолар Кеш шаҳрида таваллуд топганлар.

Жаҳонгир Мирзо ҳам Умаршайх сингари, ҳали Темурбекнинг Кеш идорасига киришувидан аввал, қишлоқ мулкларида туғилган эди.

Умаршайх Мирзонинг оғир жароҳатга, қиздирилган темир азобига чидаганлигига қараб, унинг бошдан қаттиқ ҳаёт тарзига кўникканлигини фаҳмлаш мумкин. Умаршайх шаҳзодами ёки оддий бекзода сифатидами, хуллас, қандай мақомда уйланган, деган савол ҳам олдимизда кўндаланг туради. Муаррихлардан биргина Шарафиддин Али Яздий Умаршайхнинг учта хотини исми шарифаси тилга олади. Улар Севинч Қутлуғ Оғо, Бек Оғо (Бека Оғо), Маликат (Малик) Оғолардир.

Бу аёлларнинг Умаршайх Мирзо ҳарамига қачон кирганлиги тўғрисида бирор далилли фикр айтиш амри маҳал. Ўйлашимча, тўнғич ўғил ё анча кечқикиб уйланган, ё фарзандлари туғилган бўлса-да, турмаган. Муаррихлар Умаршайх Мирзо 1394 йилда, 40 ёшида ҳалок бўлганида, энг катта ўғли Пир Муҳаммад Мирзо 16 ёшда эканлигини айтадилар. Искандар Мирзо ва Бойқаро Мирзолар Маликат Оғодан туғилганлар. Маликат Оғонинг Хизр Ўғлоннинг қизи эканлиги Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарининг иккинчи жилд, иккинчи қисмида (2008 йил) зикр этилади. Хизр Ўғлонни мўғул хони Хизр Хўжа Ўғлондан фарқлаш керак. Хизр Хўжа Ўғлоннинг қизи Тукал Хоним 1398 йилда Соҳибқирон Амир Темур никоҳига киритилганлиги ҳақида олдинда сўз айтилади. Хизр Ўғлон мўғул хонидан фарқли ўлароқ, XV аср бошларида ҳам ҳаёт бўлган. Абдураззоқ Самарқандийнинг юқорида номи кўрсатилган китобининг иккинчи жилд, биринчи қисмида 1411 йил воқеалари баёнида Хоразмни муҳосара қилиб турган амирлар ичида «уруғ жиҳатидан энг улуғи Хизр Ўғлон» эканлиги келтирилади. Хизр Ўғлон исми, шарифи, таассуфки, Амир Темур тарихида бошқа жойда бирор муносабат билан зикр этилмайди. Унинг бўлиб ўтган

шунча улуғ воқеалардан четда туриши сабабларини мавжуд тарихлардан аниқлаб олиш машаққат. Маликат Оғо узоқ ёш яшаган, XV асрнинг биринчи ярми охирларида, ҳам аниқроғи, 1441 йилга қадар ҳаёт бўлган. Шунга қараб ҳукм қилганда, Хоразмни қамалга олган амирлар орасида уруғи жиҳатдан улуғи бўлган Хизр Ўғлоннинг Маликат Оғо отаси бўлиши, эҳтимолдан холи эмас.

Айрим манбаларда Умаршайх Мирзо вафот этганда унинг яна бир ўғли Пир Муҳаммад Мирзо 16 ёшга тўлган эди деб кўрсатилади. Шаҳзоданинг ёши масаласида икки хил фикр мавжудлигини айтиб ўтишим лозим. Чунки расмий тарихларда отаси ҳалок бўлганда Пир Муҳаммад Мирзонинг 10 ёшда эканлигини Шарафиддин Али Яздий таъкидлайди. 16 ёшни эса, Турғун Файзиев келтиради. Пир Муҳаммад, афтидан, Севинч Қутлуғ Оғодан туғилган. Соҳибқирон Амир Темуру Умаршайх Мирзо вафотидан кейин уни Форс мамлакатининг ҳукмдори этиб тасдиқ қилади. Искандар ва Бойқаро Мирзолар онаси Маликат Оғо бўлганлиги ҳам фақат Абдураззоқ Самарқандий китобида учрайди. Бека Оғодан қайси фарзандлар дунёга келган, аниқ айтиш мушкул.

Умаршайх Мирзо қирқ ёшида ҳалок бўлганида, Фасиҳ Хавофийнинг кўрсатишича, ундан олти ўғил ва уч набира қолган экан. Пир Муҳаммад Мирзо 1378 йилда туғилган бўлса, Рустам Мирзо ундан кейин, тахмин қилиш мумкинки, бу иккала шаҳзода Севинч Қутлуғ Оғодан дунёга келганлар. Искандар Мирзо ва Бойқаро Мирзоларнинг онаси Маликат Оғо эканлиги айтилди. Искандар Мирзо 1384 йилда таваллуд топган. Яздий, отаси ҳалок бўлганда Пир Муҳаммад Мирзо 10 ёшда деганида, аслида Искандар Мирзони янгилиштирган. Умаршайх Мирзо ўлган кезде Искандар Мирзо ўн ёш устида бўлган. Умаршайх Мирзонинг Аҳмад (1387 йил, 18 ёш), Сайди Аҳмад (1390 йил, 15 ёш) исмли фарзандлари онаси, эҳтимолки, Бека Оғо-

дир. Маликат Огонинг фарзандлари – Искандар Мирзо 1384 йилда, Бойқаро Мирзо эса 1393 йилда дунёга келганлар. Бир онадан фарзандларнинг туғилиши орасидаги муддат чўзилиб кетганлигидан ажабланмаса ҳам бўлади. Бунинг сабаблари турлича бўлиши мумкин эди. Шаҳзодалар ҳарамни ҳам доимий равишда юришларда эрлар ёнида бўлганлар. Олис йўлларнинг тай этилиши, отанқ узоқ сарҳадлар босилиши хотин-қизлар соғлигига таъсир қилмай, қолмаган. Бундай мушоҳада қилганда, Умаршайх Мирзо оиласида туғилиш нисбатан кам бўлганлигини пайқамаслик мумкин эмас. Масалан. Пир Муҳаммад Мирзонинг Умаршайх исми бир ўғли бўлган. Бу ўғил 1398 йилда, бобоси Умаршайх Мирзо вафотидан тўрт йил ўтиб, ёруғ оламга келган. Рустам Мирзонинг Усмон (олти ёш) ва Султон Али (бир ёш) деган иккита фарзанди тарихларда тилга олинади.

Умаршайх Мирзонинг ҳарамни, кўрамизки, нисбатан кичик бўлган. Шунга қарамай, Соҳибқироннинг бу тармоғининг тахтдаги умрбоқийлиги бир қадар фузун бўлган. Бу, шубҳасиз, Умаршайх Мирзонинг оилавий ҳаётга бўлган эътибори, фарзандлар тарбияси билан узвий боғланидиган жиҳатларга бориб тақалладиган ҳол, дейиш ўринлидир.

Темурийлар салтанатининг забардаст тарихчиси Шарафиддин Али Яздий Умаршайх Мирзо тўғрисида фикр юртиганида, унга жуда катта баҳо беради. *«Шаҳзода Умаршайх, – деб ёзади у, – жуда ақлли ва донишманд баҳодир эди. Соҳибқирон уни Форс вилоятини бошқаришга қўйган эди. Бир йил ичида ёғийлар қўлида бўлган Форс қалъаларини забт этишга муваффақ бўлди. У, Истахр ва Фадақ қалъаларини, Гармсирдаги Шаҳриёр қалъаларини жанг билан олди».*

Соҳибқирон Амир Темур XIV асрнинг 90-йилларига келиб, набираларни ҳам уйлантириш тараддудига тушади. 794 ҳижрийда – 1392 йилда Амир Темур ҳазратлари Самарқандда турган эди. У, ўз пойтахтида

ором олаётган кунларда бўй етиб қолган набираларини уйлантиришга қарор қилади. Тўй ҳақида фикр юритар экан, Соҳибқирон шаҳардан Конигил яйлови-га чиқиб, шоҳона чодирлар тикдиради, ўтовлар қурдиради. Тўй тайёргарлиги қизиб кетади. Турнақатор тизилган чодирлар, оқ ўтовлар турли рангдаги матолар билан ўралиб, чиройли бир манзара ҳосил қилади. Ақл ҳайратда қоладиган турли-туман ўйинлар, томошалар ташкил этилади.

Салтанатда катта обрўга эга бўлган Фиёсиддин Тархоннинг икки қизини Умаршайх Мирзонинг икки ўғли – Пир Муҳаммад ва Рустам Мирзоларга никоҳлатади. Қўшалок тўйлар бугунги кунда ҳам тез-тез бўлиб туради. Аслини олганда, икки ака-укани бир вақтда уйлантириш ғояси, бошқачароқ айтилса, гуруҳлаб тўй ўтказиш урфини Соҳибқирон Амир Темур таомилга киритган эди. 1392 йилда Конигилда бўлиб ўтган улкан тўйда Умаршайх Мирзо ўғилларидан ташқари, Амироншоҳ Мирзонинг ўғли Абу Бакр ҳам Ҳожи Сайфиддиннинг қизини никоҳига олган эди. Ҳожи Сайфиддин, айтганимдек, Соҳибқироннинг болалик дўсти, энг яқин сафдоши эди. Умаршайх Мирзонинг ўлимидан икки йил олдин бўлган бу тўй катта қувончларга сабаб бўлган эди.

Соҳибқирон Амир Темурга қадар мусулмон урфида қўшалок тўйлар бўлганми-йўқми, аниқ бир далилларга дуч келмадим. Бир вақтда бир неча никоҳ тўйини ўтказиш дабдабали бўлгани сингари, ўта масъулиятли ҳам ҳисобланарди. Ўша пайтда, бундай йўл тутиш, эҳтимол, вақт нуқтаи назаридан тақозо этилгандир. Амир Темур ҳазратлари пойтахтида тўйларга чалғиб узоқ қололмас, унинг режалари ниҳоятда улкан эди. Тўйдан кўп ўтмай Соҳибқироннинг голиб ялови яна кўтарилади, Шероз иккинчи бор истило этилади, Озарбайжон ва Боғдодга юриш қилинади.

Фиёсиддин Тархон – шаҳзода Умаршайх билан куда-анда бўлган бу киши Амир Темур лашкарида

кўзга кўринган саркардалардан бири эди. Унинг отабоболари Қишлиқ уруғидан бўлиб, Чингизхон давридаёқ тархонлик рутбасига эришган эдилар. Соҳибқирон юришларида ўзини кўрсатган Фиёсиддин Тархоннинг алоҳида ҳурмати бор эди. 1398 йилда, Амир Темур Мўғулистонга, Хизр Хўжа хон қизига уйланишида Фиёсиддин Тархонни совчибоши қилиб юборган эди. Фиёсиддин Тархоннинг фарзандлари ҳам салтанатга садоқат билан хизмат қилганлар. У Соҳибқирон даврида амирлик даражасига кўтарилган эди. Фиёсиддин Тархоннинг қизи Гавҳаршод Оғо кейинчалик Шоҳруҳ Мирзога теккан, унинг ҳарамиди мадҳи улё – биринчи малика мақомини эгаллаганди. Фиёсиддин Тархоннинг ўғли Алоуддин Али Тархон Шоҳруҳ девонида амирлик лавозимида бўлган. Унинг вафотидан кейин (1417 йил) амир ул-умаролик укаси Ҳасан Сўфи Тархонга берилади. Кўрамизки, Соҳибқирон даврида боғланган қариндошлик ришталари унинг фарзандлари даврида ҳам мустаҳкам тарзда давом этади.

Амир Темур вафот этган вақтда Умаршайх Мирзонинг катта ўғли Пир Муҳаммад Мирзо Шерозда ҳукмронлик қилиб турарди. Унинг укаси Рустам Мирзо Исфahонда, Искандар Мирзо эса Ҳамадонда бошқарувни қўлга олган эдилар. Пир Муҳаммад Мирзо Соҳибқирон вафотидан кейин қандай йўл тутиш маслаҳати билан амирларини йиғиб, кенгаш қилади. Бири, «тартибни ўзгартирамиз, алоҳида бўламиз», дейди. Иккинчиси, Мирзо Умарга, учинчиси, Амироншоҳ Мирзога бўйсунамиз», дейди. Бетайин, жипсликни эмас, бошбошдоқликни кўзлайдиган фикрлар ўртага ташланади. Жўяли гап чиқмайди. Абдураззоқ Самарқандий, «Замона оқили бўлмиш Мирзо Пир Муҳаммад мазкур фикрларнинг бузуқ эканлигини амирларга уқдириб: «ҳазрат Соҳибқирон ҳаётлик вақтида бизнинг волидамиз Маликат Оғони ҳазрат хоқони саъидга (Шоҳруҳ Мирзога – П.Р.) топшириб, бизни унга боғлаб қўйган. Демак, катта юрт унга тегишлидир

ва уни ога ва улуг деб билиб, пул зарби тепасида ва хутбанинг унвонида у ҳазратнинг номини ёд қилмоқлик муносибдир, токи у кишининг зоти муборақларида саломатлик мавжуд экан, шояд кишилар ана шу насибага рози бўлишса, у қадар нотинчлик бўлмас», деган гапни айтади.

Пир Муҳаммад Мирзо Соҳибқирон бобоси ўлганда 27 ёшда эди. Унинг қалтис бир вазиятда, буюк ҳукмдор жасади совумай туриб, бошланиб кетган тожу тахт курашларида қандай йўл тутиш бобидаги хулосалари чиндан ҳам мақтовга лойиқ. Самарқандда Амироншоҳ Мирзонинг ўғли Халил Султон ўзбошимчалик билан пойтахтни тасарруфига киритган, Хуросонда Шоҳруҳ Мирзо ҳокимиятни қўлга олган, бошқа мулкларда ҳам шаҳзодалар мамлакатнинг қонуний эгаси бўлиши керак бўлган валиаҳдга – Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Пир Муҳаммад Мирзога итоат қилишни хоҳламаётган, аксинча, ҳокимият пойгасида бошқалардан ўзишга уринаётган эдилар. Шундай бир пайтда, Шоҳруҳ Мирзони ёқлаш тўғри йўл тутиш намунаси эди. Шоҳруҳ Мирзо, охир-оқибатда, отаси мулкларининг ягона ҳукмдори даражасига кўтарилади. Бу ўринда, Пир Муҳаммад Мирзонинг Маликат Оғони восита қилиб айтган сўзларида оила шаънига масъулик ялт этиб кўзга ташланади. Маликат Оғо, биламизки, Умаршайх Мирзонинг уч хотинидан бири бўлиб, Искандар ва Бойқаро Мирзоларнинг онаси эди. Отаси вафотидан кейин ўн йил ўтиб, Маликат Оғони худди ўз туққан онасидай, унинг эҳтиромидан келиб чиқиб, Шоҳруҳ Мирзо тарафида бўлишни ёқлаш, айна вақтда мустаҳкам оилавий жипслик, тарбия намунаси эди. Гап шундаки, Умаршайх Мирзо 1394 йилда ҳалок бўлгандан кейин, Соҳибқирон Амир Темур Маликат Оғони кичик ўғли Шоҳруҳ Мирзонинг никоҳига киритган эди. Бу никоҳ орадан тўрт йил ўтиб, 1398 йилда амалга оширилади. Маликат Оғо ёш бўлган, Шоҳруҳ Мирзо билан улар орасида бир фарзанд дунёга келади. Унинг оти Суюрғатмиш Мирзо эди.

Соҳибқироннинг келинлари тақдирига бефарқ бўлмаганлигини, уларга ҳамиша гамхўрлик ва эътибор кўрсатганини ҳали ҳикоямиз давомида кўп бора кузатамиз. Амир Темур 1399 йилнинг 14 майи кунида Жомнинг Сариқамиш деган мавзеида тўхтаб турганида ўғли Шоҳруҳ Мирзо унинг истиқболига етиб келади. Шаҳзода билан бирга унинг хотинларидан Маликат Оғо, Гавҳаршод Оғолар ҳам бўлади. Маликат Оғонинг Суюрғатмиш исми қўйилган фарзанди шу учрашувдан 4 ой олдин (1399 йил, январ) туғилган эди. Яздий эътирофича, Маликат Оғо ва унинг чақалогини кўриб, Соҳибқирон жуда суюниб кетган экан. Эҳтимол, ўша лаҳзаларда Амир Темур Ота сифатида тўғри йўл тутганлигини, Маликат Оғонинг ёш умрини хазон қилмаслик учун ўйланган тadbир қўл келганлигидан ҳам мамнун бўлгандир. Аслида, қадим туркийларда, ака вафотидан кейин унинг ёш бевасига укани уйлантириш одати бўлган. «Султон суягини хўрламас», деганларидек, бу энг аввало, оила шаъни билан боғлиқ урфлардан саналарди.

Амир Темур шу йили, етти йиллик юришни бошлар экан, Жом манзилида тўхтаб, улуғ авлиёлардан бўлган Зинда Фил Аҳмад Жомий мақбарасини зиёрат қиладди. Ўзи билан бирга бўлган Умаршайх Мирзонинг ўғли Рустам Мирзони Шерозга, акаси олдига жўнатади. Мақсади, ака-укалар бамаслаҳат Боғдод юришида иштирок этишлари эди.

Соҳибқирон фарзандларининг жасурлигига, кучли бўлишига эътибор қаратгани каби, набираларининг ҳам мард ва ботирлик кўрсатишини қаттиқ талаб қилган. Шахсий намуна, катта қўшинни бошқара олиш салоҳияти ёшлиқдан сингдирилган. Шаҳзодалар тарбияси – одоб-ахлоқи, муомала маданияти, таҳсили Соҳибқирон аёллари – маликалар зиммасида бўлгани каби, чиниқиш, ҳарб илмини билаш, тўлғама жанг санъати, лашкарни бошқариш кўникмалари Оталиқ беклар (Бек атка) томонидан берилган. Бир шаҳзода-

га раҳнамо малика, энага ва оталиқ бекларнинг тайин қилиниши бу ишга давлат аҳамияти даражасида қаралганидан дарак беради. Шу боисдан шаҳзодалар 12-14 ёшидан бошлаб ҳарбий юришларда, жангларда иштирок эта бошлаганлар. Умаршайх Мирзонинг 16 ёшида Ҳиндувон қалъасида кўрсатган жасорати унинг оилавий ҳаётига, фарзандларининг кейинги тақдирига ҳам таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмасди. Жанг қилиш, мардоналик, шахсий намуна кўрсатишда Темурийзодаларга қойил қолмаслик мумкин эмас. Лекин шаҳзодалар ҳам инсон болалари эди, уларда ҳам баъзан нуқсонлар содир бўлиб турарди. Бобоси ҳаётлигида шундай қусурга Пир Муҳаммад Мирзо ҳам йўл қўйган ва қаттиқ жазоланган эди.

Боғдодда қилинадиган юришда Пир Муҳаммад Мирзо лашкарнинг бир қисмига бошчилик қилиши буюрилганди. У, укаси Рустам Мирзо билан йўлга отланиб, икки-уч манзил йўл босиб ўтгандан кейин, ўзини касалга солиб, орқага қайтади, Шерозга келади. Шарафиддин Али Яздий Шаҳзодани бундай номатлуб ишга унинг ёнида бўлган бир тўда тожик ғаламислар даъват этганлигини ёзади. Воқеа бир навкар томонидан Саййид Барлосга етказилади, хиёнат тафтиш этилганда, ҳаммаси ўз тасдигини топади. Пир Муҳаммад Мирзо ҳибсга олинади ва қалъа қўрғонига қамаб қўйилади. Шероз мулки ундан оlinиб, укаси Рустам Мирзога берилади. Шаҳзодани хиёнатга бошлаган Аллоҳдод ва унинг одамлари Шерозда қатл этилади. Пир Муҳаммадни банди этиб, бобоси олдига олиб бориш фармони бўлади. Муаррих Яздий қатлга амр этилган «ёмон одамлар» – Мавлоно Муҳаммад Халифа, Саййид Жарроҳ ва Рустам Хуросонийлар эканлигини айтиб ўтади. Муставий Қушчининг оёқ ва қўли кесилади. Ҳарбий давр интизоми хиёнатни шу тартибда жазолашни тақозо этади.

Шаҳзода Пир Муҳаммад Мирзо орадан бир неча йил ўтиб, кечирилган. Бунгача у ўзини Йилдирим Боя-

зидга қарши олиб борилган курашларда кўрсатишига, оқлашига тўғри келган. 1403 йилда Шероз мулклари яна унинг тасарруфига берилади. Бунда, Соҳибқирон кенг ўйловли ҳукмдор сифатида иш тутган. Отасининг жанг пайти ҳалок бўлганлиги, унинг руҳи ҳурмати шаҳзодани муқаррар оғир жазодан қутқариб қолган ва унга ўзини оқлаш имкони берилган.

Умаршайх Мирзонинг Маликат Оғодан туғилган ўғли Искандар Мирзо 14 ёшга тўлганида бобоси уни амакиси Амироншоҳ Мирзонинг қизи Бекиси Султонга уйлантириб, катта тўй беради. Шу тариқа, ака-укалар – Умаршайх (марҳум) ва Амироншоҳ Мирзолар қуда-анда киришадилар. Умаршайхнинг ҳурмати ҳамиша мусаллам тутилган, унинг болалари асло камситилмаган. Яздий, Искандар Мирзо ва Бекиси Султон тўйида ўша даврнинг машҳур муғаннийси ва ҳофизи Ҳожа Абдулқодир ноёб санъатини намойиш этганини ёзади.

Умаршайх Мирзо ўғилларининг қисмати Соҳибқирон ҳаётлиги пайтида тескарига эврила бошлаганди. Ўн беш ёшли Искандар Мирзо 1399 йилда бир неча гаддор беклар тезлаши билан ўзбошимчалик қилиб, Мўғулистонни босқин қилади. Бу ишдан Самарқандда қолдирилган валиаҳд шаҳзода Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Султон Муҳаммад ғазабга келиб, Искандар Мирзони жазолайди, яқин маслаҳатчиларининг ўлимга ҳукм қилади.

Соҳибқирон Амир Темур вафотидан кейин вужудга келган алғов-далғов йилларида, аниқроғи, 1410 йилда Пир Муҳаммад Мирзо ўз мулозими, шарбатдорликдан навкарлик даражасига кўратган Ҳожа Ҳусайн томонидан қатл эттирилади. Аканинг ўчи Искандар Мирзо томонидан олинади. Пир Муҳаммад Мирзодан (у 31 ёшида ўлдирилади) Умаршайх ва Солиҳ Мирзо деган икки ўғил қолади. Умаршайх Мирзо отаси Пир Муҳаммад Мирзо ўлимидан бир йил олдин – 1398 йилда туғилган эди. У, ўсмирлик пайтларида амакиси Ис-

кандар Мирзо хизматида бўлади. Искандар Мирзо унинг ҳокимият даъвосини қилишидан чўчиб, ўз қўл остидаги мулклардан чиқиб кетишни амр қилади. Умаршайх Мирзо 1411 йил баҳорида Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига нажот истаб боради ва бўлган воқеаларни унга арз қилади. У Шоҳруҳ Мирзо саройида умри охиригача хизматда бўлади. У ҳам 31 йил умр кўради.

Солиҳ Мирзо 1406 йилда туғилган. У ҳам Шоҳруҳ Мирзо саройида хизматда бўлган. Гап шундаки, Шоҳруҳ Мирзонинг бош хотини Гавҳаршод Ого иккала Мирзога ҳам хола бўлар эди. Солиҳ Мирзо Шоҳруҳ вафотидан сўнг (1447 й), унинг набираси Алоуддавла сипоҳиларидан бўлади. Солиҳ Мирзо 46 йил умр кўрган, 1452 йилда оламдан ўтган.

Ҳокимият талашувлари Умаршайх Мирзо фарзандларини ҳам бир-бири билан ёвлаштириб қўяди. Искандар Мирзо 1415 йилда акаси (ота бир) Рустам Мирзо томонидан қатл этилади. Унинг туғишган укаси Бойқаро Мирзо Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига бош эгиб боради.

Умаршайх Мирзонинг тўртинчи ўғли Аҳмад Мирзо 1388 йилда дунёга келган. У ҳам жангу жадаллар гирдобига тушиб, Улуғбек Мирзо билан низога боради, Ҳиротда ярим маҳбусликда сақланади. Фарғона ҳокимиятидан мосуво бўлган шаҳзода ичкиликка берилади. Ниҳоят, унга ҳажга жўнаш фармони берилади. Аҳмад Мирзо Каъбатуллоҳга бориб, қайтиб келмаган, 1425 йилда Маккада оламдан ўтган. Умаршайх Мирзонинг бешинчи ўғли исми шарифи Сайди Аҳмад Мирзо бўлиб, у 1391 йилда туғилган. Сайди Аҳмад Мирзони айрим манбаларда Амироншоҳ Мирзонинг ўғли деб талқин қилиш ҳоллари учрайди. Шарафиддин Али Яздий тарихи бу ўринда инобатли, унда Сайди Аҳмад Мирзо Умаршайх Мирзонинг фарзанди сифатида берилади. Сайди Аҳмад Мирзога Шоҳруҳ Мирзо даврида Шибиргон суюрғол қилинади. Сайди Аҳмад Мирзодан Аҳмад Мирзо деган ўғил туғилган. Аҳмад Мир-

зо салтанатдан олисда, Қорабоғда яшаган. У амакиси Бойқаро Мирзо авлодидан бўлган қизга уйланган. Бу аёл Оқо Бегим бўлиб. Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг кичик опаси эди. Қачонки, салтанат тахтига Ҳусайн Бойқаро келгач. Аҳмад Мирзо Ҳиротга кўчиб келади. Аҳмад Мирзо Ҳирот шаҳрининг доругаси бўлади, умрининг охиригача шу вазифада ишлаб, 1498 йилда ҳаётдан кўз юмади.

Бойқаро Мирзо Умаршайх Мирзонинг олтинчи ўғлидир. Отаси ҳалок бўлган пайтда у бир ёшли чақалоқ эди. Бойқаро Мирзонинг онаси Маликат Ого эди. Ёш Бойқаро Мирзонинг тақдири болалиқдан тўғри ўзанга тушмаган. Маликат Ого у тўрт ёшга кирганида амакиси Шоҳруҳ Мирзо никоҳига киритилади. Унинг тарбияси билан энагалар машғул бўлади. Бойқаро Мирзо ўз туғишган амакиси Искандар Мирзо ҳузурда 17 ёшидан бошлаб хизмат қилади. Унинг табиатида таваккалчилик кучли бўлган, одамлар гапига чалғиш, ноўрин хатти-ҳаракатлар қилиш, охир-оқибатда, ўз ҳаёти заволига сабаб бўлади. Шоҳруҳ Мирзо томонидан бир исёни учун кечирилиб, Қандаҳорга, Қайду Мирзо олдига юборилган Бойқаро Мирзо яна бузғунчиликка қўл уради ва Қайду Мирзо томонидан ҳибсга олинади, шериклари қатл этилади. Турғун Файзиев, Бойқаро Мирзо Улуғбек Мирзо фармонига кўра 1423 йилда лашкаргоҳда қатл этилади, деган фикрни айтади. Фасиҳ Хавофий эса «Мужмали Фасиҳий» деган китобида, Бойқаро Мирзонинг Бодғисда қўлга олинганлиги, Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига олиб келинганлиги ҳақида маълумот беради. Шоҳруҳ Мирзо амрига кўра, ундан, «кимсан?», деб сўрайдилар. У, «Мен Бойқароман», деб жавоб беради. Ҳозир бўлганларнинг айримлари «бу Бойқаро», деб тасдиқ қиладилар, баъзилари «Бойқаро эмас», дейдилар. Фасиҳ Хавофий, «охир-оқибатда, баҳснинг ечимига келишолмай, уни таниб-танимай, Бодғисда ўлдириб юбордилар», дейди. Фикримча, шу далил ҳақиқатнинг ифодаси.

Бойқаро Мирзо феълида авбошлик устун бўлганига қарамай, у ботир, нозик таъб инсон бўлган. Унинг бир неча фарзандлари бўлиб, улар орасида Фиёсиддин Мансур Мирзо алоҳида ажралиб тупади. Бойқаро Мирзо бошига тушган фалокатлар, шубҳасиз, авлоди қисматига салбий таъсир кўрсатади. Оила оддий кишилар хонадони мисол ҳаёт кечиради. Ҳиротда 1445 йилда Фиёсиддин Мансур оламдан ўтади.

Соҳибқирон Амир Темур тўнғич фарзанди Умаршайх Мирзо оилавий ҳаёти билан танишиш давомида, шу тармоқнинг равнақи, кўпайиши, давлат-ҳокимият ишларидаги иштироки, муваффақият ва таназзули борасида маълум хулосаларга келиш мумкин бўлади. Соҳибқирон ўз фарзандларини улус амирлари, ўзга мамлакатлар подшоҳлари қизларига уйлантиришни оилавий манфаатлар доирасидан давлат аҳамияти даражасига кўтариш йўлини тутади. Набираларга келганда, ўз сафдошларининг, давлатни қарор топдириш ва мустақкамлашда хизмати сингган улуғ амирларнинг хонадонлари билан қариндошлашишни таомилга киритади. Бунда, яна бир жиҳат яққол кўзга ташланадики, Соҳибқирон ички оилавий никоҳларга ҳам эътиборни қаратган. Бу йўл унинг вафотидан кейин улуғ хонадонда кенг жорийда бўлади. Ака-укаларнинг қудалашиши, тоға-жиян, амма, ходаларнинг қиз бериб, куёв қилиши мустақкамлана боради. Муҳими, давр ва удум, шароит тақозосига кўра, оламдан ўтган аканинг хотинини укага никоҳ қилиш ҳам амалда бўлади. Бунга бир неча мисоллар келтириш мумкин. Умаршайх Мирзо ҳалок бўлгандан кейин, орадан тўрт йил ўтиб, унинг аёли Маликат Оғонинг Шоҳруҳ Мирзога, Жаҳонгир Мирзонинг хотини Хонзода Бегимнинг Амироншоҳга олиб борилиши фикримнинг далилидир. Бундай мисолларни тағинда келтириш мумкин. Умаршайх Мирзо ва Амироншоҳ Мирзо авлодларининг ўзаро қудалашуви Бойқаро Мирзо оиласи мисолида ҳам намоён бўлади. Феруза

Бегим Амир Темурнинг қизи Тоғай Шоҳ Оғо Бегимнинг ўғли Султон Ҳусайннинг қизи эди. Феруза Бегимнинг онаси Қутлуқ Султон Бегим эса Амироншоҳ Мирзонинг қизи эди. Феруза Бегим Бойқаро Мирзонинг учинчи ўғли Гиёсиддин Мансур Мирзога турмушга чиққан эди. Феруза Бегим 1469 йил ёзида вафот этади. Бу никоҳдан 2 ўғил ва 2 қиз дунёга келади. Жумладан, 1469 йилда тожу тахт соҳиби бўлган Ҳусайн Бойқаро Гиёсиддин Мансур Мирзо билан Феруза Бегимдан туғилган эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур айтганидек, Ҳусайн Бойқаро Соҳибқирон бобосига «карамут тарафайн» – ҳам ота, ҳам она томондан эвара ҳисобланарди.

Умаршайх Мирзо авлодидан Ҳусайн Бойқаро, Муҳаммад Султон Мирзо (Кичик Мирзо) каби шоирлар етишади. Муҳаммад Султон Мирзо Ҳусайн Бойқаронинг кичик опаси Оқо Бегим билан Умаршайх Мирзонинг бешинчи ўғли Сайди Аҳмад Мирзо никоҳидан таваллуд топган фарзанд эди. Кичик Мирзо истеъдоди ҳақида Алишер Навоий ҳазратлари «Мажолис ун-нафоис» асарида маълумот бериб ўтганлар.

Умаршайх Мирзо авлоди, айниқса, бу хонадон тармоғининг яловини XVI аср бошларига қадар баланд кўтарган Бойқаро Мирзо сулоласи даврнинг фароғатидан кўра, заҳматини кўпроқ чеккан, ҳокимият йўлида қурбонлар берган бўлса-да, Соҳибқирон Амир Темур вафотидан сўнг, ўрта даражадаги сипоҳийлик ҳаёти билан қаноат қилганлар, кўпинча, оддий кишилардек ҳаёт кечирганлар. Қонда бўлган заковат, ақлидрок, мардоналик улуғ хонадоннинг катта бир тармоғининг ўзини сақлаб қолишига, сақлаб қолишгина эмас, тожу тахт пойгасида бедовини ўздиришига – Ҳусайн Бойқаро шахсида 1469 йилдан то 1507 йилга қадар ҳукм суришига замин ва асос яратади. Ҳусайн Бойқарога тахт сулолавий – меросий тарзда эмас, қаттиқ курашлар воситасида ўтади. Бу ҳақдаги суҳбатнинг ўз мавриди бор.

КЕЧИККАН ТҮЙ ЁХУД БИРИНЧИ ВАЛИАҲД

Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо 10 ёшга тулганда отаси Амир Темур ҳаётида кутилмаган ноҳушликлар содир бўлади. «Лой жанги» мағлубияти алами Жета лашкарининг – мўғулларнинг Сарбадорлар томонидан Самарқандга киритилмаганлиги зафари билан таскин топгандай бўлади. Сарбадорлар улуғ ишни амалга оширган эдилар. Мавлонзода Самарқандий, Хурдаки Бухорий ва Абу Бакр Наддоф босқинчиларга қарши кўтарилган аҳолига бошчилиқ қилиб, ёвни қувиб юборишга муяссар бўлишганди. Низомиддин Шомийнинг ёзишича, бу «уч киши эса сардорликдан мағрурланиб кетиб, жабру зулми хунар қилиб оладилар». Шомий, билмадим, қандай манбага асосланиб бўлса-да, сарбадорлар раҳнамоларининг ўзбошимчалиги ҳақида, «Халқ уларнинг қўлида жабру ситам ва адолатсизликка гирифтор бўлди», деб ёзади.

Мўғул лашкарининг Самарқанд қамалида муваффақиятсизликка учраб, ортга қайтганини ўз одамлари орқали аниқлаган Амир Темур тезда Амир Ҳусайнга бу ҳақда хабар етказди. 1365 – 1366 йил қишини Темурбек Қаршида ўтказди ва бу жойда истехком девори таъмирини ниҳоясига етказдиради. Мўғуллар кетиши билан ўзини яна тахтда мустаҳкам деб ҳисоблай бошлаган Амир Ҳусайн, муаррих Шарафиддин Али Яздий айтишича, шундай қилиқлар чиқарадики, нафсини қўйиб, ҳатто Амир Темур яқинларига ҳам таъма илинжида таъқибни кучайтиради. Сарбадорлар раҳнамолари тахтнинг даъвогарлари сифатида дорга осилади, биргина Мавлонзода Темурбекнинг қаттиқ туриши сабаб, ўлимдан олиб қолинади.

Амир Ҳусайндан ранжиш «Лой жанги»даги ғаламисликдан бошланганди. Сарбадорлар баҳонасида Темурбек сафдошларига катта товон солиниши икки ўртада газаклай бошлаган низонинг ёвлашиш даражасига кўтарилишига олиб келади. Икки амирнинг илгариги

садоқатига рахна солувчилар ҳам кам бўлмайди. Амир Хусайн ва Темурбек бир экан, Хусайндан норози кучлар қўлидан ҳеч нарса келмаслиги аён эди. Орани бузиш учун аёллар макри ишга солинади. Амир Хусайннинг бош хотини, мўғул хони Тармашириннинг қизи Севинч Қутлуғ Оғо орқали Темурбекни унга қарши фитнада айбловчи хат етказилади. Бу тўғрида олдинда гапириб ўтдим. Орани бузиш ҳаракатлари адоватни кучайтиришга хизмат қилмай қолмайди. Хотинлар макри бир четда турсин, икки амирнинг сафдошлари, ўз лашкарларига, ўз вилоятига эга бўлган Шер Баҳром ва Баҳром Жалойирлар ҳам, Хусайнбек ва Темурбекни қандай бўлмасин уриштириб қўйиш режасини тузган эдилар.

Муносабатлар ана шу сабабларга биноан, кун сари таранглашиб боради. Амир Темур Шер Баҳром ва Баҳром Жалойир билан маслаҳатлашиб, Амир Хусайнга очикча қарши боришга келишадилар. Таассуфки, бу кейинги икки амир сўзида тура олмайди. Амир Хусайнга қарши курашга бел боғлаган Сулаймонбек билан Жовурчи ҳам ҳал қилувчи вазиятда Амир Хусайн тарафига ўтиб кетадилар.

Амир Хусайннинг феъл-атвори, ҳакалак отаётган нафси, худбинлиги кўпгина беклар ва амирларнинг гашига тегаётган бўлса-да, куч унинг томонида бўлганидан, унга қарши амалий ҳаракат бошланганда, айрим вилоят ҳокимларининг жон ҳовучлашига, пўсиб кетишига тўғри келади. Бошқача айтганда, шу 1365 – 1366 йилларда Туркистонда ҳокимият таянчлари бўлган кучлар қайта ва қайта гуруҳлана бошлаган, улар қалтис вазиятда ақл билан иш кўриш ўрнига, кимнинг зўрлигига, мавқеига қараб бўлиниб-қўшилаётгандилар. Таниқли амирлардан бири Хизр Ясурий шу йили оламдан ўтади. Унинг қизи Ислом Оғо Амир Хусайн никоҳида эди. Хизр Ясурийнинг укалари Али билан Илёс, Маҳмудшоҳ Ясурийлар икки қутбда – Амир Хусайн ва Амир Темур томонида жамланиш

давом этаётган кунларда Соҳибқирон хизматига ўтишни афзал топадилар. Амир Темур Самарқандга доруға қилиб қолдирган Қора Ҳиндука Барлос эса тезда хоинлик йўлига киради ва Амир Ҳусайн томонга йўл олади.

Ўттиз ёшга тўлаётган Темурбек учун ҳижрий етти юз олтимиш еттинчи йил – от йили, шу тариқа, жуда ташвишли кечаётган эди. У Кеш шаҳрига қайтиб, бир ўзи рақибига қарши курашиш учун қўшин йиғишга киринади. Лашкар йўлга чиқишга тайёр бўлганда, ёзнинг бошларида сеvimли аёл Ўлжой Туркон қаттиқ бетоб бўлиб, ётиб қолади. Ўлжой Туркон Ого бир неча ой бурун фарзанд кўрган – Амироншоҳни туққан эди. Унинг ҳоли кундан-кунга оғирлашади ва жон таслим қилади. Темурбекнинг қабиҳликни суяқдан ўткарган Амир Ҳусайнга қарши юриши бир муддат кечикади. Амир Ҳусайн сингиси ўлимини эшитида, Балхда туриб, таъзия либосларини кияди, аммо Кешга келиб, дилхоҳлик қилишни эп кўрмайди. Ўлжой Туркон Огонинг вафотидан сўнг, ўртадаги қариндошлик ришталари узилади.

Муаррихлар, ўша кунларда Амир Ҳусайннинг қандай қилиб бўлмасин, Темурбекни қўлга олиш илинжида бўлганлигини ёзадилар. У, Шер Баҳромни алдаб, катта ваъдалар билан ўзига ром қилган эди. Шундай усулни Темурбекка нисбатан ҳам қўллайди. Ота-ўғил Ибодулло Баҳодур ва Малик Баҳодурларни Темурбек олдига йўллаб, улардан хат юборади. Мактубда, аввал иттифоқликда ҳаракат қилиб, ҳокимиятни қўлга киритганлари, бундан кейин ҳам, калладан ёмон фикрларни чиқариб ташлаб, ҳамжиҳат бўлишликка қасамёд қилинади. Амир Ҳусайндан ярашув хати келганини билган ясурийлар қавми Темурбек билан Ҳусайнбек ярашувидан кўрқиб, итоат қилишдан бўйин товлайдилар. Темурбек Амир Ҳусайннинг хат орқали қопқон қўяётганини ич-ичидан сезади, унинг қасамёдига ишонмайди.

Амир Темур садоқатли дўсти Сайфиддинбекни ил-фор қилиб, Амир Ҳусайн устига жўнатади ва ўзи ҳам йўлга тушади. Шу орада Баҳром Жалойир ортидан Хўжандга кетган Жоқубек ва Аббос Баҳодурлар Темурбек изидан етиб келадилар. Улар Темурбекдан ажралиб кетган Ясурийларни жазоламоқчи бўладилар. Бироқ, Темурбек уларни бу ниятдан қайтариб, «Биз шу йўлни тутсак, келгусида нима яхши иш қилмайлик, уларда бизга ишонч бўлмайди, бундан фақат зарар кўрамиз. Уйимиз яхшилик асосида қуриладиган бўлса, унга ҳеч ким ёмонлик қила олмайди. Адолат ва олижанобликдан сув ичиб улғайган дарахт, оқибатда, бахтдан самаралар бера бошлайди», дейди. Темурбек шу сўзларни айтиб, қўшиннинг қолган қисмини ҳам тарқатиб юборади ва Қарши шаҳрига қайтиб келади.

Амир Ҳусайн имкониятдан фойдаланиб, катта қўшин тўплайди ва Шер Баҳром билан биргаликда Соҳибқирон устига юриш бошлайди. Муборакшоҳ, Шайх Муҳаммад – Боён Сулдузнинг ўғли, Амир Темур томонида бўлишни истасаларда, кўрққанларидан Амир Ҳусайнга қўшилишга мажбур бўладилар. Темурбекни йўқ қилишга қатъий киришган Амир Ҳусайн ўзи қасам ичган Қуръони Карим китоби билан Хизр Хазиначини Темурбек олдида жўнатади ва уни тўрга илентирмоқчи бўлади. Ҳийла иш беради ва Амир Темур 300 йигит билан қолганида, унга қарши Амир Ҳусайн Шер Баҳром билан биргаликда ҳамла қилади. Амир Темурни гафлат исканжасида ўлдирмоқчи бўлган душман, қароргоҳни саҳар пайти ўраб олаётганда, Темурбек буни сезиб қолиб, жадал отланиб, Танги ҳарам дарасида ёвга зарба беришга муваффақ бўлади. Ёв кўп, Темурбек йигитлари эса оз эди. Уларнинг ҳам икки юзтаси таъқиб этаётган Амир Ҳусайндан хавотирга тушиб, қочиб кетадилар. Темурбек саноқли кишилари билан Қарши тарафга юра бошлайди. Унинг яқинлари бу сафар Қаршига бормасликни,

аксинча, Амударёдан ўтиб, фурсат кутишни маслаҳат берадилар.

Шу кетишда икки ярим ой Амударё ёқасида тўхтаб, куч йиғиб, ишларни тартибга келтирадилар. «Амир Темур Ҳиротга йўл олибди», деган овозани тарқатиб, Қаршига йўл оладилар. Амир Ҳусайн бу вақтда Қаршида Амир Мусони доруға сифатида 7 минг қўшин билан қолдирган эди. Темурбек одамлари ҳаммаси бўлиб 243 киши эди. Амир Ҳусайн шу орада ўзига иттифоқдош бўлган Шер Баҳромни ўлдиради. Темурбекнинг Қаршидаги ғалабаси узоқ чўзилмайдди. Амир Ҳусайн тез орада катта қўшин билан Қаршини қўлга олиб, Бухорога юриш бошлайди. Темурбек Моҳон тарафга кетади, ёқиб юборилган эски янтоқлар ўрнида майсалар қўклайди. Отларни ўтлатиб, уларга жир битгандан сўнг Темурбек Қаршига томон қўшин тортади.

Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг ўн ёшидан ўн уч ёшига қадар бўлган воқеалар силсиласи ана шундай мураккаб ва хавотирли даврда кечади. 1367 йил қишида Мовароуннаҳрга ўтиш фикрида бўлган Темурбек ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзони дўсти Муборақшоҳ Санжарий билан Ҳиротга, унинг малиги Ҳусайн ҳузурига юборади. Малик Ҳусайн бир вақтлар ҳожи Барлосга ҳам иккилик қилган, бебурд киши эди. Амир Темурнинг Мовароуннаҳрга юриш олдидан аҳли аёлини, бола-чақасини Ҳиротда, Малик паноҳида қолдиришдан ўзга чораси йўқлиги учун унга мурожат қилиб, кўмак сўрайди.

Қаршининг қўлга киритилиши, Амир Ҳусайнга қарши курашда эришилаётган баъзи муваффақиятлар ҳали омонат эди. Амир Ҳусайнда куч катта, лашкар кўп эди. Кеш шаҳрида доруға қилиб қолдирилган Тармачуқнинг ўлдирилиши Соҳибқиронни қаттиқ ташвишга солиб қўяди. Янги ҳужумларга вақт борлигини англаб, Кешдан йиғиб келган лашкарга жавоб беради.

Темурбек Хуросондан ўзи билан бирга келган олти юз киши ҳамроҳлигида Самарқандга томон юради. Хусайн эса, Амир Мусо ва Учқаро Баҳодирга унинг йўлини кесиб қўйишни, Самарқандга ўтказилмасликни тайинлаган эди. Улар Амир Темур зарбасига дош беролмайдди. Темурбекка мадад кучларни, иттифоқчилар жуда керак эди. Унинг аввалги дўстларидан Кайхусрав Ҳутталонийи ва Баҳром Жалоийрлар мўғуллар ҳузурига кетиб, етти минг кишилиқ қўшин бошлаб келган эдилар. Ҳар иккиласи ҳам Тошкентда тўхтаб, қулай вазиятни кутиб тургандилар. Мўғул хони қўшин бериш билан бир қаторда, Мовароуннаҳрда барча кучларнинг Баҳром Жалоийрга бўйсунганини амр қилган ёрлиқни ҳам улар қўлига тутқзади. Шу амрга биноан улар ўзларича бу вилоятни бошқаришга тушадилар. Амир Темур бу ҳақда эшитиб, улар ҳузурига бормоқчи бўлиб, Тошкент йўлига тушади. Баҳром Жалоийр кучайгани сабаб, эски дўстликни унутади. У, вақтида, Амир Темурга Амир Хусайнга қарши биргаликда қурашши ваъдасини берган бўлса-да, энди бу ҳақда эслагиси ҳам келмайди, ўзининг қўнглида ҳукмдор бўлиши мақсади говлай бошлайди. Низомиддин Шомий, Амир Темурнинг Тошкентда бир ой турганлигини ёзар экан, Баҳром Жалоийр муносабатини шундай кўрсатади: *«Амир Соҳибқиронга нисбатан муносиб хизматни бажо келтирмади. Озиқ-овқат ва отларга ел-хашак бермади, балки Амир Соҳибқироннинг хоссايи шарифи бўлган мавзеларни подшоҳ учун мол ундиралман, деган баҳонада ўз тасарруфига олди. Ҳолбуки ўрталарида қадимдин дўстлик ва қариндошлиқ нисбати бор эди. Амир Соҳибқирон унинг мувофиқатчилигида икки марта подшоҳ ва амирга душман бўлиб, унга ёрдам беришга астойдил интилади. У эса бу яхшилик ҳақини унутиб, унга вафо қилмади».*

Амир Темур мўғул хонидан ёрдам олиб, бурни қутарилаган Баҳром Жалоийрга, «мен сени дўстим деб, хонга

ва Амир Хусайнга қарши бордим. Бунинг оқибатида юртда бузғунлик вужудга келди. Мен сени дўст санаб, мақомингни сарбаланд этдим, душманлардан қўлингни устун қилдим. ҳозир эса, озгина жонланиб, менга нисбатан шундай йўл тутаётирсан. Шуни билки, мен Аллоҳ Таолога ишонаман, сен яна бир марта даргоҳимга бош эгиб борасан ва илтижо қиласан», дейди. Дўстликни, қариндошликни манфаат йўлида барҳам урган Баҳром Жалойирга нисбатан, Ҳутталон мулки соҳиби бўлган Кайхусрав Амир Темур учун танг бўлган пайтда садоқат йўлидан чекинмайди, аксинча, унинг ташрифидан хурсанд бўлади. Амир Темурни уйига чорлайди, унинг шарафига тўй беради. Кайхусрав бундан бир неча йиллар олдин мўғул хони Тўғлуқ Темур олдига мадад сўраб борганида, хон уни яхши қабул қилган, ўз яқинларидан бири Ясун Темурхоннинг қизини унга хотинликка берган эди. Кайхусрав Ҳуттолониёнинг шу аёлдан Руқия Хоника исмли қизи бор эди. Кайхусрав уйда бўлган кунларда Темурбек унинг шу қизини Муҳаммад Жаҳонгир Мирзога сўрайди.

Соҳибқирон Руқия Хоника Бегимнинг қўлини севимли ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо учун сўраган пайтда, шаҳзода ўн бир ёшга қадам қўйган эди. Руқия Хониканинг ёши ҳали саккизга ҳам етмаган эди. Кайхусрав Темурбекнинг таклифини қабул қилади ва шундан кейин улар бир ой давомида меҳмондорчилик билан машғул бўладилар. Шарафиддин Али Яздий Жаҳонгир Мирзо ва Руқия Хоника тўйи бўлиб ўтганлиги тўғрисида очиқ гапирмаган бўлса-да, Низомиддин Шомий бу ҳақда тубандагиларни ёзади: *«Амир Соҳибқирон Кайхусрав билан тўй қилиб, бир-бирларига хеш бўлдилар: Кайхусравнинг қизи Руқия Хоникани ўз фарзанди Амирзода Жаҳонгир учун сўраштиради. Бир муддат айшу сафо билан машғул бўладилар».*

Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо ва Руқия Хониканинг тўйлари Тошкентда ўтади. Бу воқеа 1367 йилда, Баҳ-

ром Жалойир ва Кайхусрав Хутталоний мўғул хонидан 7 минг кишилик қўшин олиб келиб, Тошкентда ўрнашиб турган кезларда бўлади.

Қуда-андачиликдан кейин Темурбек ва Кайхусрав иттифоқи мустақамланади, улар биргаликда мўғул хони билан қўшилиб ҳаракат қилаётган Амир Ҳусайнга қарши кураш олиб борадилар. Жиззахда Жете лашкари томонидан асирга олинган ватандошларни қутқарадилар. Амир Ҳусайн ва мўғул хонининг ўн минг кишилик сипоҳийлари тум-тарақай қилинади. Шу йили қишда Амир Темур Тошкентда, Кайхусрав эса Ўтрорда қоладилар.

Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо тўйда ҳозир бўлганми, деган савол туғилиши табиий. Чунки, Соҳибқирон Қаршига отланишдан аввал кўч-кўрони ва оила аъзоларини Ҳиротга, Малик Ҳусайн ҳузурига юборган, бу ишни уддалашни ёш ўғли зиммасига юклаганди. Жаҳонгир Мирзонинг Ҳиротдан қайтиши воқеаси фақат Муиниддин Натанзий тарихида бор. *«Султони Ҳозий, – деб ёзади у, – Аргуншоҳ Бурдолигийни кўч-кўрон ва захираларни ҳамда Амирзода Жаҳонгирни олиб келиш учун муносиб туҳфа-ю ҳадялар билан Ҳирот ҳокими Малик Ҳусайн ҳузурига юборди».*

1368 йилнинг бошланиши Мовароуннаҳр учун олиб борилган курашнинг маълум даражада сусайиши билан эътиборни жалб этади. Бу сиртдан қаралганда, шундай тасаввур уйғотади. Амир Ҳусайн Темурбекка қарши қилмаган нағмаси, ҳунари қолмагач, унга ён берган бўлади. Улус беклари ва руҳонийларнинг ўртада тушуви ярашувга сабаб бўлади. Бир муддат иккала амир Кобул томонларга биргаликда юришни амалга оширадилар. Шарафиддин Али Яздий ўртада бир оз вақт юзага келган тотувлик ҳақида гапираркан, *«Соҳибқирон Ҳусайнбекка ота ёки акага бўлган муносабат йўлини тутарди, – дейди, – чунки улар қариндош эдилар. Бироқ, Ҳусайнбекнинг кўнглида доимо гаразли ният гимирлаб ётар, нима*

қилиб бўлса-да, мақсади Соҳибқиронни йўқ қилиш эди».

Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо Амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон Оғонинг биринчи фарзанди ўлароқ, у туғилган пайтда тоға бўлмиш Амир Ҳусайн унга Оталиқ бек қилиб белгиланган эди. Жаҳонгир Мирзо туркий амирлар удумига кўра, ўз отабеги, тоғаси Амир Ҳусайн ҳузурида, Балхда яшаб турарди. Бу, чамаси, 1367 йилдан кейинги ярашувдан кейин, Ўлжой Туркон Оғонинг ўлимидан сўнг, амалга ошган бўлса керак. Бу икки сабабнинг қайси бири Жаҳонгир Мирзонинг Балхга олиб кетилишида муҳим бўлган, айтиш қийин. Ҳарҳолда, 1366–1367 йилларда Темурбек ва Амир Ҳусайннинг оралари бузилган, бир-бирини йўқ қилишга қасдланган эдиларки, гарчанд, ўртада муносабатлар қайта йўлга қўйилгани билан, ўзаро ишончсизлик, шубҳа тамомила барҳам топмаган. Жаҳонгир Мирзонинг Амир Ҳусайн хонадонида яшаб туришини гаровда ушлаб туриш десамми, ёхуд Амир Темур кучидан ҳайиқиш оқибати бўлиб, севимли фарзанднинг кафолат вазифасини ўташи билан боғлиқ десамми, ҳарқалай, бу сиёсатдан орадан шунча асрлар кечган бўлса-да, менинг хаёлимдан ўтгани шу мулоҳазалар бўлди.

Амир Ҳусайннинг қора юраги янада қорароқ ишларга қодир эканлигини намоён этади. Яздий минг карра ҳақ экан, Амир Ҳусайннинг ичида Темурбекка нисбатан ўчмас адоват тутуни бурқсиб, тутаб, сал шабада тегиши билан ловуллаб ёниб кетаркан. Тезда шундай бўлади. Темурбекнинг синглиси Ширин Беканинг эри Муайядбек ичкилик базмида Жовурчининг ўғлини уриб ўлдириб қўяди. Жовурчи вақтида Соҳибқиронга хиёнат қилган, ундан юз ўгириб, Амир Ҳусайнга бош эгиб борган эди. Гап шу ҳақда, жанжал шу хусусда бўлганлигини фаҳмлаш мумкин. Амир Ҳусайнга айнан шундай сабаб керак эди. Амир Ҳусайн бир ҳамлада Темурбек ва уни қўллаб-қувватлаб турган қавм-

дан қутулмоқчи бўлади. У Кешга навкарларини юбориб, бутун шаҳар халқини Балхга кўчиришга фармон беради. Қочиб юрган Муайядбек ўрнига унинг хотини Ширин Бека Оғони ҳам Балхга итоб қилишга амр қиладди. Амир Ҳусайннинг разиллиги яна бир ҳаракатида очиқдан-ойдин кўзга ташланади – бу амри фармонлар Темурбекнинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо томонидан олиб келинади.

Амир Ҳусайннинг бўйнида қанча бегуноҳ тўкилган қонлар бор эди. Темурбекнинг куёви мастликда жиноят қилган экан, дўстлик муносабатлари самимий бўлганда эди, Темурбекка Муайядбекни жазолаш ишини топширган бўларди, чунки Темурбек Кешнинг ҳукмдори сифатида бунга ҳақли эди. Аксинча, Темурбекнинг бутун қавмини, шаҳар аҳолисини ватангадо қилиб, Балхга кўчириш чинорни таг-томири билан қўпоришдай гап эди. Амир Ҳусайннинг бундай қабиҳлиги, ҳатто унинг оғиз-бурун ўпишган бекларини ҳам ғазабга келтиради. Амир Мусо ҳам шу воқеадан кейин Соҳибқирон томонига ўтади. Калтабинлик сабаб, жипслик эмас, тарқоқликка ўчлик ҳукмдорнинг юзтубан кетишига олиб келади. Туркий амирлар, мамлакат пешволари бир ёқодан бош чиқариб, 1370 йил 9 апрелида Амир Ҳусайн салтанатига чек қўядилар. Мовароуннаҳр тахти ҳаёт-мамот курашлари орқали даст берган пайтда Соҳибқирон Амир Темур 34 ёшга кирган эди. Муҳаммад Жаҳонгир эса бу вақтда ўн олти ёш устида эди. Олдинги саҳифаларда Амир Ҳусайнга қарши олиб борилган Балх жангида Жаҳонгир Мирзонинг иштирок этмаганлиги тўғрисида сўзлаган эдим. Темурбек афтидан, бу оғир юмушдан Жаҳонгир Мирзонинг четда бўлишини афзал билгандир. Муаррихлар масаланинг нозик жиҳатларини (тоға-жиянлик) назарда тутиб, эҳтимол, бу ҳақда жим ўтишни мақбул кўрган бўлсалар керак.

Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо болаликдан ҳарб ишига кўниккан, ақлли ва жасур йигит бўлиб улғайган эди.

Унинг Руқия Хоника билан бўлган никоҳи табиийликдан кўра, рамзийликка яқинроқ бўлган дейиш жоиз кўринади. 1367 йилдан кейинги беш йиллик муддатда бу эри хотинлик қандай кечганлиги борасида бирор сўз айтилмаган. Воқеаларнинг ривожига қараб чама қилинса, бу никоҳдан кейин қандайдир бир совуқ иш содир бўлган, дегим келади. Сабаби, қайнота, Амир Темурнинг дўсти, уни оғир кунларда қўллаб-қувватлаган Кайхусрав Хутталоний Соҳибқиронга қарши хиёнат йўлига киради. Бунинг боиси нимада эди? Ёш Руқия Хоникага нима бўлган, касалланганми? Бу саволларни ўзимга бердим, жавобини топа олмадим. Фикримча, бунинг жиддий сабаби бўлса керак. Тўйдан кейин, 1372 йилга қадар Кайхусрав садоқатдан бўйин товламаган. 1372 йил (ҳижрий етти юз етмиш уч, сичқон йили) Амир Темур Хоразмга, Ҳусайн Сўфига қарши лашкар тортганида, Кайхусрав мутлақ матлуб бўлмаган йўлга киради. Ҳусайн Сўфида Амир Темур билан курашадиган куч ва юрак йўқ эди. У, ўртага одам қўйиб, сулҳ сўрайди. Соҳибқирон рози бўлганида, Кайхусрав ишни бузади, Ҳусайн Сўфига махфий хабар йўллаб, Амир Темур гапига ишонмасликни, унга қарши иккаласи биргаликда урушишни таклиф қилади. Бу фитна барбод бўлади ва ўтказилган тафтишлар Кайхусравнинг хиёнат йўлига кирганлигини тасдиқлайди. Кайхусрав Ҳусайнбек яқинлари қўлига топширилади, улар Амир Ҳусайнни ўлдирганлик хунига Кайхусравни қатл этадилар. Ҳусайн Сўфи ҳам Кайхусрав гапига учиб, иснодга қолгани боис, тез орада оламдан ўтади. Унинг ўрнига укаси Юсуф Сўфи ҳокимиятга келади. Амир Темур билан Юсуф Сўфи орасида душманлик бўлмаганлиги сабабли, Юсуф Сўфининг сулҳда яшаш қарори маъқулланади. Юсуф Сўфининг биродари Оқ Сўфининг Севинбека исмли гўзал қизи бор эди. Оқ Сўфининг хотини Жўжи авлодига бориб тақалувчи Ўзбекхоннинг қизи Шакарбека эди. Оқ Сўфи Тонгдой ўғли билан

Шакарбека никоҳидан Севин Бека – Хонзода Бегим исми қизалоқ дунёга келган эди. Шакарбека Олтин Ўрда хони Фиёсиддин Муҳаммад Ўзбекхоннинг (1312 – 1342 й.) қизи бўлиб, Сўфилар хонадонида эътибори зўр бўлган. Хоразм Сўфийлар сулоласи билан Олтин Ўрда алоқалари жуда мустаҳкам бўлиб келган, Сўфийлар Олтин Ўрда таъсирида Амир Темур давлатини танимаслик сиёсатини ўтказиб келган эди.

Олтин Ўрданинг борган сари кучсизланаётганлиги, ички ҳокимият курашлари авжга чиқаётганлиги сабабидан, Юсуф Сўфи Амир Темур билан алоқаларни яхшилашдан манфаатдор эди. Чамамда, Сўфийлар хонадонида хон авлодидан бўлган қизнинг камолга етаётганлиги иккинчи тарафга ўзига хос бир тарзда аён этилган бўлса керак. Муаррих шуни назарда тутиб, *«Хукмдорнинг олижаноб кўнглида бу ой юзли соҳибжамолни шаҳзода Жаҳонгир Мирзога унаштириш фикри пайдо бўлди»*, дейди.

Ўзаро душманлик ўрнига қавму қариндошлик шеваси ўртага солинганда, икки томонда ҳам хотиржамлик руҳи устун бўлади. Амир Темур Юсуф Сўфи одамларига ўз нияти ҳақида мулоим ва ҳурматни жойига қўйиб сўз юритади. Муаррих, Амир Темур сўровидан Юсуф Сўфи қувониб кетганлигини, таклифни қабул қилганлигини айтади. Юсуф Сўфи, *«бу ой юзли соҳибжамолнинг сепи ҳали охиригача тайёр бўлган эмас, улар кўнгилини тўқ қилиб, қайтаверсинлар. Мен тез орада сепни, тухфаларни тайёрлайман ва уларнинг хоҳиши бўйича, келинларини жўнатаман»*, деган шартни қўяди. Бу инкор ва эътирозга боис бўлмайдиган сабаб эди. Шундай битимга эришилгач, Соҳибқирон Амир Темур Хоразмдан қайтади.

«Кечга тортганда хатар бор», деб бежиз айтмайдилар. Кайхусрав Хутталоний қўлга олиниб, айби далолат этилганда, унинг ўғли Султон Маҳмудбек, Хизр Ясурийнинг ўғли Абу Исҳоқ ва Маҳмудшоҳ Бухорий учаласи Хоразмга қочган эдилар. Абу Исҳоқнинг дилида

доимо адоват кинаси бўлиб, бу отаси тириклигида нишлаган эди. Юртда бир бузгунчи пайдо бўлса, Абу Исҳоқ унинг ёнида ҳозир нозир бўларди. Учаласи Хоразмга, Юсуф Сўфи олдига келиб, «Темурбекнинг сўзларига ишонма», деб кўп бўлмағур ғийбатларни тўкиб соладилар. Улар, Юсуф Сўфини Соҳибқирон билан яқинлашишдан қайтардилар. Душманлик камарини боғлаган Юсуф Сўфи Соҳибқирон давлатига қарашли Қиётга бостириб киради ва аҳолини талон қилиб, тўзғитиб юборади. Унинг Севинбека – Хонзода Бегим сепини тайёрлаш ҳақидаги аҳди пуч бўлиб чиқади. Қиш ўтади, ҳижрий етти юз етмиш тўртинчи – сигир йили ҳам киради, аммо Юсуф Сўфи сўзининг устидан чиқмайди, лафзни бузади. Жаҳонгир Мирзо тўйи адувларнинг ғарази сабаб, кечикади. Рамазон ойида Хоразмга томон йўлга чиққан Соҳибқирон бир муддат Қаршида тўхтаб туради. Шу орада катта кўшин йиғилади ва чўлу саҳро кесиб ўтилиб, Хоразмга яқинлашиб келинади. Юсуф Сўфи қилмишидан қаттиқ кўрқувга тушиб, гуноҳидан ўтишни сўраб, катта туҳфалар билан элчилар жўнатади.

Ҳижрий етти юз етмиш бешинчи йилнинг (1374 йил, март) шавволида, ўртадаги иккинчи келишувга мувофиқ, Амир Темур амакизодаси Ёдгор Барлос ибн Лолани (у Қарочор нўён авлоди эди), поччаси – Қутлуғ Туркон Оғонинг эри Довудбекни ва Ўлжойбекни шоҳона туҳфалар билан Хоразмга жўнатади. Оқ Сўфи ва Шакар Беканинг қизи Севин Бека – Хонзода Бегим бу гал улуг хонадонга келин бўлишга шайлаб қўйилган, сеплар аллақачон тайёр ҳолига келтирилганди. Юсуф Сўфи Соҳибқирон юборган совчиларни катта ҳурмат билан кутиб олади ва тўйни бошлаб юборади. Совчилар Амир Темур келин кўрманаси учун юборган туҳфалар ниҳоятда қимматбаҳо бўлиб, улар орасида олтин ҳалли, заррин матолар, парча ва ипак газламалар, Хитой шоҳиси, от ва хачирлар ва хизматкорлар бор эди.

Совчибоши Ёдгор Барлос Хоразмда тўйни ўтказиб, йўлга тушиш олдидан Самарқандга чопар йўллайди. Чопар келиннинг олиб келинаётганлиги тўғрисида хабар етказиши керак эди. Севин бека ўғруқининг яқинлашиб келаётгани дараги олингач, Олтин Ўрда хонлари авлодидан бўлган келин истиқболига шу мартабадаги кишиларни чиқариш белгиланади. Чингизхонга тўғридан-тўғри уруғ бўлган Қайдухоннинг (у Ўқтойхоннинг ўғли эди) хотини Қортуқа Хотун пешвоз чиқарилади. Улуғ бону изидан Қиётга қадар бўлган масофада сайидлар, қозилар, алломалар, шайхлар, Самарқанднинг улут кпшилари, аёнлари Хоразм шоҳлари қизини – Соҳибқироннинг бўлажак келинини кутиб олиш пайида кунларни – тунларни бедор ўтказдилар. Ҳашамат, дабдаба ва ас-аса билан келин пойтахтга етиб келади. Улуғвор тўй тайёргарлиги бошланиб кетган, Самарқанд бемисл даражада безатилган эди. Муаррих, тўй куни ҳақида сўзлаганида, келин ва куёв бошидан шунчалик кўп тилло, кумуш ва марваридлар сочилдики, кўп одамлар сочқилар остида кўринмай кетди, деб ёзади. Соҳибқироннинг бу тўйга, Севин Бека – Хонзода Бегимни келин қилишга нечоғлик катта эътибор берганлигини шу мисоллардан ҳам тасаввур этса бўлади. Нега, деган савол ушбу сўзларимни ўқир-ўқимай туғилишини яхши билмаган. Чунки, ўзимга ҳам шу сўроқни кўп марта лаб берганман.

Бир неча йил олдин. Соҳибқирон тўғрисида асар ёзаётганида, Абдулла Орипов шу муаммо бўйича мен билан суҳбатлашган, бу ҳақда анча фикрлашган эдик. Мен ўшанда улуғ аллома Яҳё Фуломовнинг ўтган асрнинг қирқинчи йилларида айтиб қўйган бир сўзига таянган эдим. Кейинлар ҳам шу мавзу бобида каттадир-кичикдир ёзувлар қилганимда, улут алломанинг қанчалар ҳақ эканлигига кўп бора ишонч ҳосил қилганман.

Олтин Ўрда ва Чигатой улуси ўртасида иккига бўлиниб қолган Хоразм. унинг Темурийлар давлатини тан

олмаган Урганч – шимолий қисмини тобе этиш Амир Темур учун ҳеч қандай ташвиш ва қийинчилик туғдирмасди. Мўғулпараст Хоразм Сўфийлари узларининг нимага қодир эканликларини яхши биларди. Хусайн Сўфининг гапга кириб, алданиб Амир Темурга қарши туриш бефойдалигини ўйлаганлиги, гуноҳини тан олиб, куйиб-ёниб ўлиб кетганлиги, Юсуф Сўфининг ҳам акаси хатосини такрорлаб, пушаймон бўлганлиги – булар ҳаммаси Хоразмнинг шимолидаги митти давлат Соҳибқироннинг кундан-кунга кучая бораётган салтанатига қарши туropolмаслигини далолат этади. Унда, нега Амир Темур Сўфийларнинг илтижосига кулоқ осадди, ваъдаларга ишониб ортига қайтади? Ҳатто келинни ҳам йиллаб кутади? Бунинг замирида нималар пинҳон эди?

Улуғ академигимиз Яҳё Фуломов 1948 йилда, ҳали тарих фанлари номзоди бўлгани кезларида бир фикрни ўртага қўйган. Абдулла Орипов билан шу мавзуда бўлган гурунгаримизда юқоридаги саволга жавобни Яҳё Фуломовнинг бундан 64 йил муқаддам айтган тубандаги сўзларидан топган эдим. Ўша фикрларни бу ўринда яна бир карра эсга олиш лозимати туғилди: *«В.В. Бартольд Темурнинг Дашти Қипчоқдаги мамлакатларга бўлган сафарлари таловчилик мақсадида ясалган чопқундан иборат эди дейди. Бунда В.В. Бартольд ҳақли эмас. Чунки Темур Олтин Ўрда хонлигига нисбатан ўйлаб юрган тубли бир планига кўра иш қилмоқда эди. У, Хоразмдаги Олтин Ўрда хони авлодидан бўлган Хонзода Бегимни ўз ўғли Жаҳонгир Мирзога олиб бериш учун оз мунча қон тўкмади. Буни амалга оширгандан кейин, Хонзода Бегимдан бўлган набираси Муҳаммад Султонни ўз ўрнига ўринбосар қилишга тайёргарлик кўрди. Муҳаммад Султоннинг ўлими бунга монелик қилди. Ниҳоят у, Хонзода Бегимнинг иккинчи ўғли Пир Муҳаммадни ўз ўрнига қўйишга васият қилди. Бунда Темур ўз тахтида Олтин Ўрда хонлари наслини кўрмоқчи ва улар-*

ни Олтин Ўрда тахтига ҳам меросхўр қилиб тайёрламоқчи бўлар эди».

Бу сўзлар иккинчи жаҳон урушидан кўп ўтмай, миллий ўлкаларда маҳдудлик авж олдирилган. Шўро қатағонининг янги тўлқини кўтарилиб келаётган даврда айтилган. Бу сўзлардаги асосий мазмун – моҳият Амир Темурнинг яхлит, бирлашган қудратли туркий давлатни барпо этиш ниятини ифодалашдадир. Хоразм Соҳибқироннинг шу буюк мақсади йўлидаги ҳал қилувчи дарвоза ҳисобланарди. Бу дарвозадан ўтимай, туркийлар азалдан тугди-битди бўлиб келган Дашти Қипчоқни эгаллаш, идора қилиш мумкин эмасди. Амир Темурнинг Хоразмга, Урганчга бўлган сиёсий мақсади асосида ягона, қудратли туркий давлат ғояси турар эди. Кўрамизки, Соҳибқирон ўз нияти йўлида қон тўкишни (Хусайн Сўфи таклифига биноан битим тузилиши) биринчи ўринга қўймаган. Йўқса, ҳарбий жиҳатдан заиф Сўфийлар сулоласини бир ҳамлада тугатиш мумкин эди. Дастлаб, бу йўлда қариндошлик ришталарини боғлашни, унинг самараларидан баҳраманд бўлишни кўзда тутган. Воқеаларнинг ривожини, адувларнинг ўртага суқилиши ишни тескари кеткизади. Узоқни кўра олмайдиган Сўфийларнинг кейинги вакиллари ҳам иттифоқликни эмас, душманликни, имкон топди дегунча, Соҳибқирон мулкларини босқин қилишни, талашни ҳунар қилиб оладилар. Амир Темур миллат бирлиги, туркийлар яхлитлиги ҳақида қайгурса, Сўфийлар тор манфаатларнинг, ўзимбўлайчиликнинг гирдобидан чиқа олмайдилар.

... Кониғил даштлари 1373 йилнинг май ойи охирида оқ шоҳи чодирлар ва оқ кигиз ўтовлардан оқ денгиздай чайқалиб турарди. Муаррих, Жаҳонгир Мирзо ва Хонзода Бегим никоҳ тўйини ўтказиш учун тикилган уйлар осмондаги юлдузлардан кўпроқ эди, деган ташбеҳни келтиради. Салтанатнинг таниқли беклари тўйни ўтказишга мутасадди бўладилар. Келин ва куёвга атаб улуғвор оқ ўтов бунёд қиладилар, уйнинг

ичи марварид ва гавҳарлар билан зийнатланади. Гулгун шароблар дарё бўлиб оқади, муғаннийлар куйидан, хофизлар қўшиқларидан қўнгилар мўмдай эрийди. Мунажжимлар никоҳ ўқитиш учун хайрли соатни белгилайдилар. Никоҳ маросими тамомига етгач, Соҳибқиронни қутловчилар ёшларга бахт-саодат тиловчилар охири кўринмайди. Тантанавор вазиятда, минглаб мусиқий асбобларининг шодиёна куйлари садоси остида Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо ва Севин Бека Хонзода Бегим ўзлари учун махсус қурилган шоҳона ўтовга кузатиб қўйилади. Бу пайтда Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо 17 ёшга тўлган, айна навқиронлик айёмида парвоз қилаётган пайтлар эди. Севин Бека 13-14 ёшли чиройда танҳо қиз эди.

Орадан олти ой ўтади. Шаҳзода ва дуркун келинчак бахтли ҳаёт кечира бошлайдилар. Ҳижрий етти юз етмиш олтинчи йилнинг шаъбон ойи бошларида, пайшанба куни Соҳибқирон мўғулларга қарши курашга отланади. Бу воқеа 1375 йилнинг январь ойи бошларига тўғри келганлиги боис, осмонни булут қоплаб, қор ва ёмғир аралаш ёғади. Шундай қаттиқ совуқ турадики, бирорта сипоҳий қўлини енгидан чиқара олмайди. Отларга озуқа беришга ҳам мажол бўлмайди. Одамларга ноқулайлик туғдирганидан пушаймон бўлган Амир Темур, Самарқандга қайтишга, у ерда икки ой туришга қарор қилади. 1375 йилнинг 5 март куни совуқлар пасайгач, шаввол ойининг биринчи душанбаси куни катта лашкар Жете сари йўлга тушади. Ёш кўёв, шаҳзода Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо қўшиннинг илғор қисмини бошқаради.

Бу юришда Жаҳонгир Мирзо мўғул хони Қамариддин сипоҳийлари билан қаттиқ жанглар қилади. Соҳибқирон шаҳзодага қандай бўлмасин, Қамариддинни ушлаш топширигини беради. Мўғул қўшинининг минглик дастаси Жаҳонгир Мирзо ҳужумига дош бера олмайди. Қамариддин шу тўқнашувда мағлуб бўлиб жонини қутқариб, тоғлар оралаб қочишга тушади. Шу

жанг чоғида мўғул бекларининг улуғи Шамсиддин бекнинг ўрдаси – хотин-халажи, қизи Дилшод Оғо ҳам асрига олинади. Бу воқеалар ҳақида олдинги саҳифаларда айтиб ўтдим. Мўғулларга қарши амалга оширилган бу юриш зафарли якун топади. Аммо, хавфли ёғий Қамариддин ҳамон тирик эди, ундан ҳар қандай қабиҳликни кутса бўлади. Орадан бир йил кечиб, 1376 йилнинг мартада Соҳибқирон Хоразмга учинчи марта боришга азм қилади. Оқ Буғо Барлосни Самарқандда қолдириб, Сори Буғо ва Одилшоҳ Жалойир, Хитойи Баҳодур ва Элчи Баҳодурларни ўттиз минг кишилик лашкар билан Қамариддинга қарши жўнатади.

Ҳаламисларга билдирилган ишонч ҳеч қачон оқланмаган. Соҳибқироннинг феъли кенглигига, кечиримлигига қойил қолмай илож йўқ. Одилшоҳ дегани Дилшод Оғога уйланиш кунларида Соҳибқиронга суиқасд қилувчиларнинг бири бўлганди. У авф этилган, яна иззат қилиниб, катта кўшинга бошлиқ этилганди. Мўғулистонга, ёвуз Қамариддинга қарши ўттиз минглик сипоҳийни бошқариб бораётган Сори Буғо билан Одил шоҳ имкониятидан фойдаланиб, Хитойи Баҳодур ва Элчи Баҳодурни бандга соладилар. Соҳибқирон Амир Темур ҳокимиятга келганига олти йил тўлаётган, унинг давлати ва куч қудрати тобора мустаҳкамланиб бораётган бир пайтда, вазиятни баҳолай олмаслик, калтабинлик, ҳокимиятга интилиш қутқуси уларни йўлдан оздиради. Амир Темур томонидан Андижонга ҳоким қилиб қўйилган Ҳамди ҳам Сори Буғо ва Одилшоҳ фитнасига бош қўшади ва улар биргаликда Самарқандга қараб, ўттиз минг кишилик кўшинни бошлаб келадилар. Амир Темурнинг Хоразмга кетганлиги уларга аён эди, бундай фурсатдан фойдаланиб қолишга, шум ниятларини амалга оширишга шошиладилар. Улар Самарқандга бостириб келиб, шаҳарни қамалга олади. Шаҳар аҳолиси ўзбошимча фитнагарларни ёйлардан, камонлардан ўқ отиб, уларни шаҳар яқинига йўлатмайди. Шаҳар доруғаси Оқ Буға

тезликда Соҳибқиронга хабарчи жўнатади. Амир Темур Қиётдан ўтиб, Хосга (ҳозирги Гурлан) етганда Оқ Буға даракчиси воқеани Соҳибқиронга айтади. Нохуш хабар олингандан кейин, тезликда Жаҳонгир Мирзо-ни қўшиннинг илғор қисмига бошлиқ қилиб, Самарқандга жўнатади ва унинг изидан ўзи ҳам қайтади. Ортга қайтган лашкар Бухорога яқинлашиб, ундан ўтади-да, Работи Малик деган ерда тўхтайтиди. Жаҳонгир Мирзо Кармина тупроғида душманлик кўйига кирган ёғийлар билан тўқнашади. Қаттиқ жанг Жаҳонгир Мирзо фойдасига ҳал бўлади, Сори Буғо билан Одил шоҳ Соҳибқироннинг катта душмани Ўрусхон юртига, Дашти Қипчоққа томон қочадилар.

Бу жанг йигирма ёшли шаҳзоданинг сўнгги кураши эди. Ғалабанинг юз беришида у катта жасорат кўрсатади. Ўрусхон олдига паноҳ истаб кетган тузқўрлар унга ҳам вафо қилмайдилар, яна мўғул хони Қамариддин олдига қочиб келадилар. Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо Карманада бўлган савашда ярадор бўлганми-йўқми, бу тўғрида тарихларда сўз йўқ. Нима бўлганда ҳам, шу воқеадан кейин Самарқандга ғалаба билан қайтган шаҳзоданинг тоби бўлмайди. Отаси Соҳибқирон ўзбошимчаликларни ҳаддан ошираётган, мулкларга чопқунлар уюштираётган Қамариддинга қарши тўртинчи марта Мўғулистонга отланганда, касалманд ўғли Муҳаммад Жаҳонгирни Самарқандда қолдиришга мажбурият сезган. Тўртинчи марта юришда шундай ҳолат бўладики, Амир Темур 200 йигити билан Қамариддиннинг 4 минг кишилик сипоҳийларини қириб, тумтарақай қилади.

Қамариддин устидан ғалаба даст берган ўша кунни кечаси Соҳибқирон туш кўради деб ёзади муаррихлар. Низомиддин Шомий бу ҳақда, «Амир Соҳибқирон улугвор шайх Бурҳониддин Қилични (Шайх Сайфиддин Бохарзийнинг ўғли – П.Р.) тушида кўрди. Камоли одоб билан унинг ҳузурига бориб, азиз фарзанди Амирзода Жаҳонгир учун ҳиммат кўрсатиб мадад

беришни сўради: Худойи Таолодан ўғлим учун саломатлик тиланг». Шайх: «Худо билан бўлгин», деди-ю, фарзанди ҳақида ҳеч нима айтмади. Уйқудан уйронгач, ўғли борасида хотири ниҳоятда ташвишли эди. Амир Соҳибқирон унинг саломатлиги ҳақида хабар келтириш учун Йўл Қутлуғ номли хос котибини юборди. У кетгач, яна паришон туш кўрди. Кўнглидаги безовталиқ кучайди. Жами амирлари ва навкарларини йиғиб: «Мен фарзанди дилбандимдан – қалбим мевасидан айрилиб қолмадиммикан, деб гумон қиляпман. Худо ҳақи, унинг аҳволини мендан яширманглар. Бор ҳақиқатни айтинглар», деди», деб ёзади.

Икки ўт орасида қолган Соҳибқирон кўнглида Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо ташвиши устун келади. Қамариддин яна қочади, унинг иши бир ёқли бўлмайди. Амир Темур Отақум деган жойдан қайтиб, Сайхундан ўтиб Самарқандга яқинлашиб келади. Шаҳарнинг фозилу фузалолари, аъёнлар, олимлар, руҳонийлар Соҳибқирон истиқболига қора либосда чиқади-лар. Улар йиғи-сиғи билан отани қаршилайдилар. Соҳибқирон уларни кўриб, тушида воқе бўлган аломатнинг ўнгда юз берганлигига амин бўлади.

Соҳибқирон тахтининг вориси ўлиmidан қаттиқ қайғуга чўмади. Унинг фарзанд доғида тушган ҳолатини тасвирлашга қаламлар ожиз бўлган. Шомий шундай сатрларни тарихга бадал қилган: *«Амир Соҳибқирон бу азада навжувону паҳлавону камрон фарзанди фироқида кўзи гирён, бағри бирён, айрилиқнинг аччиқ шарбатидан коса-коса ичди, мотам ва мусибат либосини кийди».*

Шарафиддин Али Яздий, Соҳибқирон дил жароҳатини яхши ва олижаноб ишлар билан даволашга киришди, камбағалларга, етим-есирларга қўп неъматлар, назр-ниёзлар улашди, дейди. Муҳаммад Жаҳонгирнинг жасади Кешда дафн этилади.

«Зафарнома» асари муаллифи Шарафиддин Али Яздий шаҳзода Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо вафот

этганда йигирма ёшда эди, деб ёзади. Барча тарихларда Шаҳзоданинг ўлими ҳижрий 777 йил (1376 йилнинг ёзи охирлари, илон йили) деб кўрсатилади. Яздий Жаҳонгир Мирзодан икки ўғил қолганлигини айтиб, амирзода Муҳаммад Султоннинг Хонзода Бегимдан, амирзода Пир Муҳаммаднинг Бахт Малик Оғодан туғилганлигини қайд этади. Айрим манбаларда Муҳаммад Султон Мирзо отаси вафот этганда бир ёшли бола эди, дейилади. Биз олдинда Яҳё Фуломовнинг Пир Муҳаммад Мирзо ҳам Хонзода Бегим ўғли эканлигини эътироф этганлигини гувоҳи бўлдик. Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода Бегимнинг тўйи 1373 йилнинг май ойи сўнглари – июн ойи бошларида бўлган эди. Шаҳзода тўйдан роппа-роса уч йил ўтиб, 1376 йил ёзида оламдан кўз юмади. Яҳё Фуломов, Пир Муҳаммадни Хонзода Бегимнинг ўғли деб кўрсатганида, ишонч билан гапирган. Гап Амир Темурнинг тахти ворислиги – валиаҳдлик ҳақида кетаётганида, бунини айтиш масъулиятигина эмас, Соҳибқироннинг шундай қарорни қабул қилишига – Пир Муҳаммадни валиаҳд этиб тайинлашига асос бўлган омилар нима билан боғлиқ эди, деган мулоҳаза ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шарафиддин Али Яздийнинг Пир Муҳаммад Мирзо Бахт Малик Оғодан туғилган, деган шаҳодатини ҳам инкор этишга, қабул қилмасликка ҳеч бир асос йўқ. Бахт Малик Оғо Илёс Ясурийнинг қизи эди. Илёс Ясурий 1365 йилда Амир Темур, Амир Ҳусайн билан ёвлашиб юрган кезларида Али, Ҳожи Маҳмудшоҳ каби икки ака-укаси билан Амир Темур хизматига кирган, оғир пайтларда ҳамдаму ҳамкор бўлган эди. Шу қийин йилларда Жаҳонгир Мирзо Кайхусравнинг қизи Руқия Хоникага ҳам унаштирилганди. Мабодо, Жаҳонгир Мирзо Илёс Ясурийнинг (Самарқанд атрофида яшган қавм бошлиқлари, Хизр Ясурийнинг укалари) қизи Бахт Малик Оғога уйланган бўлса, шу даврда, 12 – 13 ёшларида, Илёс Ясурий отаси хизматига кирган пайт-

да, турмуш қурган бўлиб чиқади. Шундай бўлса, Кайхусравнинг Хоразмга қилган юришда Амир Темурга хиёнат қилиб, душманга айланиши сабаблари ҳам ойдинлашган бўлади. қизи Руқия Хоника устига яна хотин олиш унга маъқул тушмаган, шу боис ўч олиш йўлига кирган, десак бўлади. Шарафилдин Али Яздийдан бошқа муаллифларда Бахт Малик Ого, Илёс Ясурий билан қудалашши тўғрисида бирор оғиз сўз учрамайди. Турғун Файзиев, Жаҳонгир Мирзо 1374 йилда Илёс Ясурийнинг қизи Бахт Мулк Огога уйланади, деб ёзади «Темурийлар шажараси» китобида. Олимнинг эътирофича. Пир Муҳаммад Мирзо шу онадан таваллуд топган.

Муҳтарам ўқувчини азалий тарихларда бўлиб турадиган бу хилдаги икки ёқламаликлар ажаблантирмаслиги лозим. Европада бўлганининг акси ўлароқ, бизда оилавий ҳаёт тадқиқига муносабат бошқачароқ бўлган. Оиланинг ички пардалари кўпинча ёпиғлигича қолдирилган. Темурийлар тарихи ҳам, уларнинг аксарияти орадан йиллар ўтиб, воқеаларнинг нозик жиҳатлари унутила бошлаган кезларда яратилган. Чалкашликлар сабаблари кўп. Муаррихлар ҳам янглишган ўринлар талайгина бўлиб, уларнинг бир қисми ҳақида йўл-йўлакай фикр юритдик. Бундан ташқари, ҳар қандай мусаллиф мавзуга тегишли бўлган бевосита ва билвосита манбаларнинг ҳаммасини кўриб чиқишга қодир эмас. Яхё Фуломов кўрган манбани, эҳтимол, вақти соати билан топиш мумкин бўлар, у олим сўзини бекорга айтадиган алломалар хилдан эмас. Амир Темур Илёс Ясурий қизидан туғилган Пир Муҳаммадни валиаҳд қилиб тайинлаши, негадир, кишини қониқтирмайди. Чунки унинг набиралари орасида оналари хонлар ва амирлар қизи бўлганлари кўп эди. Илёс Ясурий танилиб-танилмаган, акаси Хизр Ясурий 60- йилларда Темурбекни ўлдиришга қасдланган бир кимса эди. Меннинг кўнглим, шу жиҳатларни ўйлаб, Бахт Малик (Мулк) Огонинг Пир Муҳаммаднинг онаси эканлиги даъвосини маъқул кўрмайди. Эҳти-

мол, мен адашаётгандирман. Ҳали, валиаҳдлик тўғри-сида сўз борганда, мулоҳазаларни яна давом эттираман.

Жаҳонгир Мирзо йигирма йил умр кўрди. Унинг босиб ўтган қисқа ҳаёт йўли ўз мураккабликлари билан кишини ҳам ҳайратга солади, ҳам ачинтиради. 1356 йилда Кешда – Шаҳрисабзда мулкларида туғилган Жаҳонгир Мирзо тоғаси Амир Ҳусайн билан отаси Амир Темур сиёсий курашларига эрта аралашиб, қалтис пайтларда гаров – кафолат тариқасида гоҳ Балхда, гоҳ Кешда ҳаёт кечириди. Онаси Ўлжой Туркон Оғо вафот этганда, у 10 ёшда эди. Она дийдорига тўймаслик, ота назаридан четда бўлиш, фақатгина умрининг 14 йилини шаҳзода сифатида кечириш, Хоразмга, Мўғулистонга қарши юришларда қатнашиш Жаҳонгир Мирзонинг йигирма йиллик ҳаётининг осон кечмаганлигини тасаввур қилишга имкон беради, деб ўйлайман. Фақат жанглар эмас, ўйлар ҳам унинг соғлиғига путур етказган, десам янглишмайман. Яқин дўст бўлган, кўп вақтлар биргаликда мўғулларга қарши муваффақиятли курашлар олиб борган тоғаси билан отасининг орасига нифоқ тушганлиги, қаттиқ ёвлашиб қолганликлари, охири, бу келишмовчиликларнинг Амир Ҳусайн ўлими билан хотима топиши лоқайд қараладиган ҳодисалардан эмасди.

Бўлиб ўтган воқеаларни у юрагидан ўтказмаслиги мумкин эмасди. Унинг табиатан куюнчаклигини Амир Темур яхши билган. Соҳибқирон шу боисдан, доимо уни аяган кўринади. Агар қаҳри қаттиқ бўлганда эди, 1370 йилда Жаҳонгирни тоғаси Амир Ҳусайнга қарши курашга жалб этган бўларди. Шаҳзоданинг мустаҳкам иродаси ёшлигидан намоён бўлганди. Соҳибқирон Муҳаммад Жаҳонгир Мирзога валиаҳд сифатида қарар экан, бунда унинг саркардалик салоҳияти билан бир қаторда, Ўлжой Туркон Оғодан туғилганлигини ҳам эътиборда тутар эди. Ўлжой Туркон Оғо – Туркистонни бир юз йигирма беш йилдан ортиқ мустам-

лакага айлантирган. қонини зулукдай сурган Чингизхон авлодидан, унинг зулмидан халос этган йўлбошчи Амир Қазағоннинг набираси эди. Амир Қазағон асослаган ҳокимият 1370 йилга қадар давом этди. Амир Хусайннинг – Амир Қазағон набирасининг мўғулларга нисбатан тутган йўли ниҳоятда қалтис эди. У, туркий амирлар иттифоқлигида ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун, бир қарасанг, мўғулларга қарши кураш олиб боради, яна бир қарасанг, тожу тахтини ҳимоя қилиш учун мўғуллардан ёрдам сўрайди, уларга қўшилиб, Батан озодлигини шпор қилган туркий амирларга, ўз сафдошларига қарши шамшир ўқталади. Нима бўлганда ҳам, Амир Қазағон авлоди ўлкада биринчи бўлиб, тожу тахтни Чингизхон авлодидан ҳалоллаб олган эди. Темурбек, шу жиҳатдан Амир Қазағонни жуда қаттиқ ҳурматлаган, унинг ўлимидан кейин ҳам, гарчанд ношуд бўлса-да, Амир Хусайнни тахтга раво кўрган, қўллаб-қувватлаган эди.

Давлат бошқаруви ойини жиҳатдан Туркистон тахти Амир Қазағон авлодига мансуб эди. Амир Хусайн 1360 йилдан то 1370 йилга қадар ўзининг бундай улуг, масъулиятли ишга яроқсизлигини энг тубан даражада намоён этмаганича, Амир Темур тахт даъвосини қилмаган. Мамлакат аёнларининг, атоқли руҳонийларнинг фатвоси билан у ҳукмдорликни қабул қилади. Узоқни ўйлайдиган, юртнинг бир бутунлигини мақсади деб билган Амир Темур учун, ўзидан кейин тахтга келадиган одам шу талабларга жавоб бера олиши керак эди. Давлат бошқарувида, тожу тахт пойгасида нималар бўлмайди, қандай отлар йиқилиб, қандай отлар ўзмайди, дейсиз. Агар Туркистон тахти Муҳаммад Жаҳонгир Мирзога насиб этгудек бўлса, унга келиб чиқиб сабабидан эътирозлар мутлақо бўлмасди – у она томондан Туркистоннинг қонуний ҳукмдори бўлган Амир Қазағонга улашар эди. Қолаверса, бутун туркий миллатни якжилов қилишни, қудратли туркий давлатни барпо этишни мақсад қилган Амир Темур

Жаҳонгир Мирзони Олтин Ўрда хонларига набира бўладиган Хонзода Бегимга уйлантириб, ўз давлати сарҳадларини сиёсий ва жуғрофий маънода Дашти Қипчоққа қадар кенгайтиришга қонуний замин ҳозирлаган эди.

Бундай нуфуз Амир Темурнинг бошқа фарзандларида нисбатан камроқ эди. Йўқса, Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин шижоатли шаҳзода Умаршайх Мирзони, ботир ва чапдаст Амироншоҳ Мирзони ёхуд Шоҳруҳ Мирзони, улардан бирини валиаҳд қилиб сайлаши мумкин эди. Соҳибқирон валнаҳд бобида фикрини ўзгартирмаган. Жаҳонгир Мирзо ўлимидан сўнг, унинг ўрнига ўғли Муҳаммад Султон Мирзони, у ҳам бу олам билан видолашгач, Жаҳонгир Мирзонинг иккинчи ўғли, Яхё Ғуломов айтганидек, Хонзода Бегимдан туғилган Пир Муҳаммад Мирзони ўз ўрнига қойим мақом – валнаҳд қилиб белгилайди. Тарихнинг ечилмаган жумбоқлари кўп. Соҳибқирон Амир Темур келинлар танлаш бобидаги муаммога давлат манфаати нуқтаи назаридан ёндашган экан, валиаҳд – ўзидан кейин мамлакатни кам бошқаради, салтанатга ким эгалик қилади – бунга ҳам ана шу аршинда ёндашган, десам хато бўлмайди. Соҳибқирон қайси боласини ёмон кўрган? Бунга салбий жавобни Ибн Арабшоҳдан ҳам тополмайсиз. Балки, Амироншоҳни дерсиз. Йўқ, бундай хулосага асослар йўқ. Балки Шоҳруҳ Мирзо канизақдан туғилгани учун унга пастроқ назар билан қараган бўлса керак, деган хаёлга борарсиз. Шоҳруҳ Мирзонинг канизақдан туғилди, дейилиши форс муаррихларининг уйдирмаси, холос. Унинг онаси Тоғай Туркон Хотун Хоразм ҳукмдори Ҳусайн Сўфининг қизи бўлиб, Амир Ҳусайн унга уйлانган ва 1370 йилда у Амир Темур ҳарамига тўрт аёлнинг бири бўлиб қабул қилинганлиги тўғрисида сўзладим. Соҳибқирон ҳаётлигида Шоҳруҳ Мирзо ҳеч бир жиҳатдан камситилмаган, бу хусусда ҳам ўз ўрни билан ҳикоя қилиш муддаом.

Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо 20 йиллик умрининг 12 – 14 йилини давлат ишларига бағишлади. Ундан Муҳаммад Султон ва Пир Муҳаммад Мирзо исмли икки ўғил қолди. Умаршайх Мирзо ва Жаҳонгир Мирзо хотин-халажи ҳақида айтилганлардан келиб чиқадиган бир мулоҳаза шундаки, Амир Темурнинг фарзандлари айшу ишратга, ҳашаматга, шаробхўрликка асти ружу қилмаганлар. Ўша даврнинг ўзига тўқ мўмин-мусулмони шароит аҳкоми имтиёзига кўра тўртта хотин олиш ҳуқуқига эга эди. Ҳар иккала шаҳзода ҳам ҳарамидан уртадан хотин билан кифояланган. Оталари янглиғ умрларининг кўп қисми от устидан, жангу жадалларда кечган шаҳзодаларнинг тарбияси кайфу сафога эмас, Ватан ва унинг озодлигига қаратилган эди. Соҳибқирон бу ишга жонини тиккани каби ўғиллар ҳам шу йўлда фидойилар қилиб тарбияланганди. Шу сабабли ҳам оила арқони мустаҳкам, илдири чинорники сингари бақувват эди.

Жаҳонгир Мирзонинг бевақт ўлими нафақат унинг отасини, ака-укаларини, ҳешу ақробаларини, шунингдек, бутун арқони давлатни, Соҳибқироннинг энг яқин сафдошларини ҳам қаттиқ қайғуга солади. Бу салтанат учун, Соҳибқирон қурмоқчи бўлган ягона, қудратли туркий давлат режаси учун бемисл йўқотиш бўлган эди. Шарафиддин Али Яздий, Амир Темурнинг болаликдан энг яқин дўсти Сайфиддинбекнинг ўша вақтдаги ҳолатини шундай тасвир этади:

«Шу воқеадан кейин Сайфиддинбекнинг қаҳри қаттиқ дунё ишларига ишончи қолмади, ҳамма нарсадан қўлини ювиб, рўхсат олди-да, Каъбага¹ жўнаб кетди». Жаҳонгир Мирзонинг ўлиmidан кейин Соҳибқироннинг ўзини ўнглаб олиши, унинг метин иродаси билан боғлиқ эди. Амир Темур ўғли вафотидан кейин 29 йил умр кўрди. У, ниҳоятда қайсарлик, бирсўзлик билан яхлит туркий давлат ғоясини умри охирига қадар амалга оширишни, ўзидан сўнг ҳам шу мақсаднинг ижобат топишини ўйлаб иш тутди. Шу боис-

дан давлат бошқарувини ўзидан кейин Жаҳонгир Мирзонинг икки ўғлига Муҳаммад Султон ва Пир Муҳаммад Мирзоларга бағишлади. Лекин ҳар уч номзодда ҳам унинг айтгани бўлмади, Жаҳонгир Мирзо, ундан сўнг Муҳаммад Султон бевақт оламдан кўз юмдилар. Пир Муҳаммаднинг валиаҳдлиги номига тан олинган бўлса-да, амалда ҳокимият талашларида чеккага чиқазилиб қўйилади.

ИККИНЧИ ВАЛИАҲД

1405 йилга келиб, Соҳибқирон Амр Темур вафот этган пайтда, Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо авлоди ўн бир киши эди. Бу вақтда унинг ўғли Пир Муҳаммад ҳаёт бўлиб, акаси Муҳаммад Султондан уч ўғил, бир қиз қолган эди. Пир Муҳаммаднинг оиласи катта эди – унинг етти ўғил фарзанди бор эди.

Жаҳонгир Мирзонинг тўнғич ўғли Муҳаммад Султоннинг туғилиш санаси, фикримча, мушоҳадага муҳтож. Ҳозирги давр тарихшунослиги соатдек аниқ ишлайди – вақт жуда тўғри кўрсатилади. Йил, ой ва кун бехато зикр этилади. Ўрта асрларда ёзилган тарихий асарларда бу масалада лоқайдлик жуда сезиларли эканлигини уқтиришга ҳожат йўқ. Уни Муҳаммад Султон таваллудига оид рақамларнинг турланиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сида Муҳаммад Султоннинг вафот этган вақти 1403 йилнинг 13 март, деб кўрсатилади. Муаррих, шаҳзода вафот этганда 29 ёшда бўлганлигини ҳам айтади. Шундай бўлса, Муҳаммад Султон 1374 йилда дунёга келган бўлади. Шу китобда «Шаҳзода Жаҳонгирнинг Хонзода Хонимга уйланиши ҳақида» деган лавҳасида бу тўй 1374 йилнинг май ойи охири – июн ойи бошларида бўлганлиги қайд этилади. Отонанинг тўйи 1374 йилда бўлса-ю, Муҳаммад Султон шу, 1374 йилда туғилган бўлса?! Шубҳасиз, бу ерда иштибоҳга ўрин бор. Яздий «Зафарнома»сининг Му-

ҳаммад Али Дарвеш томонидан қилинган туркийча таржимасининг 2008 йилда рус тилига ўғирилган нусхаси нашрга тайёрлаган таниқли олим Ашраф Аҳмедов китоб охирида берилган 363-изоҳда отаси Муҳаммад Жаҳонгир вафот этганда, ўғли Муҳаммад Султон бир ёшли чақалоқ эди, деб ёзади. Бундан, Муҳаммад Султон 1375 йилда туғилган, деган хулосага келиш мумкин. Унда, академик Яҳё Фуломовнинг Пир Муҳаммад ҳам Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода Бегимдан туғилган, деган гапини қандай шарҳлаш керак бўлади?

«Зафарнома»ни диққат билан мутолаа қилган киши, муаррих Муҳаммад Султон билан Пир Муҳаммадни бир ота-онадан туғилган кишилар сифатида талқин этилганлигига ишонч ҳосил қилади. Ашраф Аҳмедов ҳам Яҳё Фуломов фикрини тасдиқ этиб, юқорида айтганим русча нашрда берилган 585-изоҳда, «Муҳаммад Султон ва Пир Муҳаммад Хонзода ва Жаҳонгир Мирзодан туғилган ўғиллар», деб ёзади. Шундай экан, Муҳаммад Султон билан Пир Муҳаммад Мирзо туғилиши орасида маълум муддат бўлиши табиий ҳол. Пир Муҳаммад Мирзо, тарихларда қайд этилганидек, отаси вафотидан 40 кун кейин туғилган, демак, 1376 йилда таваллуд топган бўлади. Хўш, унда тўйнинг 1374 йил бўлиши ҳақидаги маълумотни қандай тушуниш керак? Бу саволга жавобни Фасиҳ Ҳавофийнинг «Мужмали Фасиҳий» деган асаридан топиш мумкин бўлади. Фасиҳ Ҳавофий ўз йилномасида воқеа-ҳодисаларни нисбатан аниқлик билан акс эттиради. Китобда, ҳижрий 775 йил воқеа-ҳодисалари тўғрисида маълумотлар келтирилган экан, шу 775 ҳижрийда 1373 – 1374 йилда Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода Бегимнинг тўйи бўлганлигини келтириб ўтади. Шунга кўра, хулоса қилиш мумкинки, Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода Бегим никоҳи 1373 йилда амалга ошган бўлса, Муҳаммад Султоннинг 1374 йил охирларида Пир Муҳаммад Мирзонинг

1376 йилда, отаси ўлимидан 40 кун кейин туғилганлиги айна ҳақиқат бўлиб чиқади.

Муҳаммад Султон Мирзо тарбияси билан Соҳибқирон ҳарамининг улуғ маликалари машғул бўлган. Шаҳзода олти-етти ёшга тўлган чоғларида бобоси хоҳиши билан давлат ишларига, аниқроғи, бобосининг давлатлараро муносабатларига аралаша бошлайди. Ҳижрий 781 йилда (1380) Соҳибқирон Ҳиротда қишлаган пайтида унинг ҳузурига Алибек ибн Арғуншоҳ Жониқурбоний тиз букиб келади. Бу ўша, бир вақтлар Темурбек ва Амир Ҳусайнни банди қилиб, Мохонда тутқунда сақлаган туркман қавми бошлиғи эди. Унинг отаси Арғуншоҳ XIV аср ўрталарида Хуросоннинг шимоли шарқида мустақил ҳокимият қурган ҳукмдор бўлган. Соҳибқирон итоат ва хизмат учун бош эгиб келган Алибек Жониқурбонийни эски қилмишлари учун айблаб ўтирмайди. Ўтган воқеалар эсланмайди, аксинча, унга ҳурмат ва илтифот кўрсатилади. Шу гурунгда Амир Темур Алибек Жониқурбонийнинг қизини Муҳаммад Султон Мирзога унаштириш таклифини қилади. Бу пайтда Муҳаммад Султон жуда ёш, 6 – 7 ёш нари-берисиди эди. Таклиф қабул этилади ва тўй бер неча кунга чўзилади. Алибек Жониқурбонийга заррин тўнлар кийдирилади, отлар тухфа этилади.

Алибек Жониқурбоний Соҳибқирон билан қариндошлик ришталарини боғлаганига қарамай, барибир, унинг душмани бўлиб қолаверади. Тўй вақтида эришилган келишувга мувофиқ, Хуросонга бирлашиб юриш қилиш муддати келганда, лафзидан қайтади. Ҳиротни тобе этган Амир Темур Калотга – Алибекнинг қароргоҳига томон юзланади. Соҳибқирон келаётганини эшитган бебурд қуда илож тополмай, унинг олдида пешвоз чиқади ва бу сафар ҳам кечиради.

Амир Темур Эронзаминга иккинчи марта қўшин тортганда Калотга ҳам келади. Алибек Жониқурбоний ўз кишилари, хотинлари, мол-ҳоллари билан қалъага кириб, ёғийлик йўлига қадам қўяди. Соҳибқирон ўрта-

даги қариндошлик туфайли унга қарашли мулкларни чопқун қилдирмайди ва унга киши юбориб, «Нега мендан кўрқиб, қалъага беркиниб олдинг? Энди пайсалга солиб, ўтирмай ҳузуримга кел ва йўл қўйган хатоингни тузат. Агар келмайдиган бўлсанг, нимаики содир бўлса, сенинг айбонинг билан бўлади», деган сўзларни етказдиради. Бу сўзлар унга қор қилмайди. Калот қалъасининг мустаҳкамлигига ишониб, қалъадан чиқишни истамайди. Соҳибқирон шу ерда тўлғама қилади: Мазондаронга кетдик, деб овоза тарқатади-да, Калот томонга пинҳона юриш бошлайди. Ҳарбий ҳийлага лаққа тушган Алибек қалъада бир неча кундан буён қамалиб ётган қўйлар, отлар ва туяларни ташқарига олиб чиқади ва яйловга қўйиб юборади. Соҳибқирон лашкари дўттибоз Алибекнинг бор мол-ҳолини олади. Амир Темур Калот дарвозаси олдида шоҳона чодир тикдиради, унинг олдида ранг-баранг байроқлар ҳилпираб туради. Алибек Жоникўрбоний қалъа атрофида жойлашган сон-саноксиз сипоҳийларни кўриб кўрқиб кетади ва шоша-пиша элчи жунатиб, «Аҳмоқона ишларимдан пушаймонман ва уятдаман. Ҳукмдор июнат кўрсатиб, дарвоза олдига келса, оёғини ўпиб, кўзларимга суртардим», деган илтижол сўзларни айтдиради. Амир Темур бу гапдан кўнгли юмшаб бешта сипоҳий билан қалъа дарвозаси олдига яқинлашиб келади. Қалъа дарвозаси ниҳоятда тор, узун ва тизиз эди. Алибек Жоникўрбоний Соҳибқироннинг кам сонли одамлар билан келаётганини кўриб, яна шайтон йўлига киради ва айёрлик ишлатмоқчи бўлади. Бир гуруҳ қуроли одамларни панага жойлаштириб, ўнгай келган пайтда ҳужум қилишга шайлаб қўяди. Ўзи эса, ваъдасидан қайтиб, дарвозага келмайди. Соҳибқирон уни бир муддат кутиб, Алибекнинг қабиҳлигини англаб ортга қайтади. Қизиги шундаки, Алибек қўйган пистирмадаги қуроли сипоҳлар худди сеҳрланган каби жойидан қимирлаб олмай қолади. Шундан сўнг, яшин тезлигидаги ҳужум бошлана-

ди. Алибек яна ўртага одам солади, яна ялинади, қулингман, деб ёлворади.

Алибек эртасига Соҳибқироннинг оёқларини ўпиб, қилган ишидан пушаймонлик изҳор этади. Амир Темур уни бу сафар ҳам кечиради. Алибек эса яна душманлик йўлига киради. Қачонки, Амир Темур Мазондаронни забт этганидан сўнг унга душманлик мақомида бўлган Алибек Жониқурбонийни Шайх Али Баҳодур Соҳибқирон олдига олиб келади. Одатга мувофиқ, мағлуб бўйнида қилич, устида кафан бўлади. Шу ҳолда, Шайх Али Баҳодурнинг Алибекнинг бир қошиқ қонидан кечишни сўраши унинг тақдирини ҳал этади. Шайх Али Баҳодур Амир Темурнинг таниқди саркардаларидан эди. Алибек бу сафар ҳам кечирилади ва унга Радкан мавзеси берилади. Алибекнинг кейинги тақдири нима бўлган, бу ҳақда тарихларда гап йўқ. Лекин унинг укаси Ҳожибек Жониқурбоний қўшин йиғиб Амир Темурга итоат этмаслик йўлини тутди. Амироншоҳ Мирзо уни мағлуб этиб, қочганида Хазаригира сайидлари уни тутиб берадилар, у қатлга етказилади. Эҳтимол, бу воқеа устида Амир Темур бўлганида эди, укаси ҳам Алибек сингари кечирилган бўлармиди? Набираси Муҳаммад Султон Мирзога қизини олиб берган Алибек Жониқурбоний қиссаси шундай. Эътибор берилса, Соҳибқирон қудачиликни жуда юқори қўйганлиги, қадрлагани маълум бўлади. У, бу ишга жуда катта масъулият билан ёндашган, ҳеч қачон жазолашга, орани бузишга интилмаган. Амир Темурнинг шу фазилатини ифода қилиш учун бу ҳақда муфассалроқ гапиришимга тўғри келди. Бу биринчи ва охириги мисоллар эмас, Хоразм Сўфийлари қилмишлари баёнида ҳам бунга ўқувчиларимиз гувоҳ бўлдилар.

Соҳибқирон Амир Темур Хоразмга қилинган бешинчи юришдан қайтиб, Самарқандда катта тўй бошлайди. Тўй шодиёнаси пойтахтни чўлғаб олади. Шаҳар халқи бир жону бир тан бўлиб, кўчаларни байрам

либосларига буркайди. Боғи Беҳиштда шоҳона чодирлар, оқ ўтовлар тикланади. Анвойи гиламлар баланд осилиб, ранго-ранг матолар, байроқлар, чодирлар, ўтовлар устида ҳилпирай бошлайди. Чодирлар ва оқ уйлар ичлари қимматбаҳо тошлар ва гавҳарлар билан безатилади. Бу воқеа 790 ҳижрийда – 1388 йилда бўлиб ўтади. Шу улугвор тўйда Соҳибқирон кенжа ўғли Шохруҳ Мирзони, Жаҳонгир Мирзонинг угиллари, ака-ука Муҳаммад Султон ва Пир Муҳаммад Мирзоларни гурийлар авлодидан бўлган қизларга уйлантиради. Боғи Беҳиштда ўтказилган тўй тантаналари бир неча кун давом этади.

Муҳаммад Султон Мирзо отаси сингари довиюрак, ҳарб ишларида моҳир йиғит бўлиб улғаяди. Соҳибқирон 1391 йилнинг май ойида Дашти Қипчоққа қўшин тортганида унинг илғор қисми Шаҳзодага ишониб топширилади. Тўхтамишхон ниҳоятда айёр душман бўлиб, учи қўйруғи йўқ саҳро ва ўрмонзорларда унинг ҳақида маълумот тўплаш қийин кечади. Муҳаммад Султон Мирзо жўмардлик қилиб, Тўхтамиш лашкаридан «тил» тутиб келтиради ва ундан ёвнинг қўшини, уларнинг жойлашуви тўғрисида маълумотлар олинади.

Муҳаммад Султон ва Пир Муҳаммад ёш бўлишларига қарамай, Ироқ ва Форс мамлакатларига қилинган юришларда мардлик ва жасорат кўрсатадилар, қўшиннинг олдинги сафларини бошқарадилар. Муҳаммад Султон бобоси сингари бағрикенг, саховатли бўлганлигини муаррихлар қайд этадилар. Боши Хотун қалъасини олишда шу ерлик йўл кўрсатувчига Шаҳзода зар ҳалли тўн, олтин камар ва дастаси тилло қилич туҳфа қилади.

1395 йилда Тўхтамишхонни таъқиб қилаётган Соҳибқирон Амир Темур лашкари Москвага қадар борганлиги тўғрисида Шарафиддин Али Яздий хабар беради. Лекин бир қатор рус тарихчилари Яздий Москва билан Рязанни адаштирган, Амир Темур Елецдан

нарига ўтмаган, деган фикрни айтадилар. Амир Темур шахсан Москва фатҳига киришмаган бўлса-да, бу шаҳарга унинг набираси Муҳаммад Султон Мирзо ўзининг 10 минг кишилиқ қўшини билан кирганлиги ҳақиқатдир.

Амир Темур 5 йиллик сафардан қайтганидан кейин Самарқандда, Кўк саройда қишни ўтказди. Шу йили – 1396 йилда Муҳаммад Султон Мирзонинг ўғли дунёга келади. У бу пайтда 23 ёшда эди. Чақалоққа бобоси Муҳаммад Жаҳонгир исмини берадилар. Ўғил набира шарафига хурсандчиликлар қилинади. Кўп ўтмай, Муҳаммад Султон Форс сафарига жўнатилади. Ғалаба юз бергач, Соҳибқирон ҳам, набира ҳам Самарқандга қайтадилар. Муҳаммад Султон онаси Хонзода Бегим билан кўришиш шарафига ноил бўлади. Истиқболга юкниб чиққан Шаҳзодани кўриб, малика келиннинг севинчи оламга сиғмай кетди, дейди муаррих.

1398 йилнинг март ойида Муҳаммад Султон Мўғулистон чегараларига жўнатилади ва Ашпарада қалъа қуриши тайин этилади. Шаҳзода Йилдирим Боязид билан бўлган жангларда ўзини кўрсатади. 1403 йилнинг 9 мартида Йилдирим Боязид нафас сиқуви ва қон босими ошувидан вафот этади. Шарафиддин Али Яздий, Соҳибқирон Амир Темур мағлуб подшоҳнинг ўлиmidан қаттиқ қайғурганлигини айтиб, унинг кўнглида Рум мамлакатини забт этганидан кейин тожу тахтни яна Йилдирим Боязидга бериш мақсади бўлганлигини ёзади.

Амир Темур Туркиянинг Оқшаҳарида турганида яна бир нохуш хабар келади. Муҳаммад Султон қароргоҳидан Доно Ҳожа етишиб, шаҳзоданинг хасталигини, муолажалар қор қилмаётганлигини айтади. Ўз даврининг таниқли ҳакамларидан бўлган Мавлоно Фараж табиб Муҳаммад Султонни даволаётгани, бироқ берилган дориларнинг таъсири бўлмаётганлиги Соҳибқиронни қаттиқ ўйловга солиб қўяди. Амир Темур, Доно

Ҳожани қайтариб юборар экан, зарур кўрсатмаларни бериб, яна табиблар ҳам жўнатиб, «Шаҳзода аҳволдан бизни тезроқ хабардор қилиб тур», деб тайинлайди.

1403 йилнинг 11 мартада Доно Ҳожа келиб кетганидан бир кун ўтиб, Соҳибқирон ўрдасига Давлат Ҳожаи Элчи Буғо бир олам андуҳ билан етиб келади ва Шаҳзоданинг касаллиги зўрайганлигини, унинг тилдан қолганлигини юкиниб сўзлаб беради. Бу хабарни эшитган ҳукмдорда тоқат қолмайди, зудлик билан Муҳаммад Султон сарига от жировини буради. Амир Темур севимли набираси, валиаҳди Муҳаммад Султон ётган чодирга кириб, унинг ёстиғининг ёнида ўтиради. Шаҳзоданинг аҳволи чопарлар айтганидан ҳам офирроқ бўлган. Соҳибқирон кўрадики, иш ўнганмайдиган ҳолга келган. Муҳаммад Султонни авайлаб тахтиравонга соладилар ва йўлга тушадилар. Қораҳисордан уч манзил ўтиб, бир жойда тўхтайдилар. Муҳаммад Султон шу ерда ҳаёт билан видолашади. Бу воқеа ҳижрий 805 йилнинг шаъбон ойи 18-кунда, душанба кечаси юз беради. Муаррих Яздий, Муҳаммад Султон олам билан хайрлашганда 29 ёшда эди, дейди. У, Муҳаммад Султоннинг касаллиги ҳақида сўзлаганида, Шаҳзоданинг мияси қаттиқ шамоллаганлигини, у жуда кучайиб кетиб, қутуриш аломатлари содир бўлганлигини ёзади.

Амир Темур Муҳаммад Султон ўлиmidан қаттиқ қайғуради, салтанат тахтидан тушиб, мотам либосларини кийиб, кўзёшларини тия олмайди. Бутун аркони давлат мотам тутади. Лашкар аҳли қора кийимларга чўлғанади, ўша кунлари улур саркардалар ҳам от минмай, етаклаб, пиёда юрганлар. Шаҳзоданинг жасади вақтинча Султония шаҳрида дафн этилади.

Иккинчи валиаҳд қисмати шундай кечади. Ундан Муҳаммад Жаҳонгир (9 ёшда), Саъд Ваққос (6 ёшда) ва Яҳё (5 ёшда) исми учта ўғил ва Оғо Беги исми бир қиз қолади. Муҳаммад Султон фарзандлари ҳам сиё-

сий воқеликка эрта аралаша бошлайди. Валиаҳд шаҳзоданинг ўга Беги исмли қизи, кейинчалик Улуғбек Мирзонинг жуфти ҳалоли бўлади.

Тўнғич ўғил Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо отаси вафот этганда, айтилгани каби, 9 ёшда эди. Орадан икки йил ўтиб, Соҳибқирон Амир Темур ҳам ҳаёт билан видолашади. Муҳаммад Султоннинг салтанатда нуфузи жуда катта эди. Унинг фарзандлари ҳам катта имтиёзларга эга бўлишган. Соҳибқироннинг ўлими эса салтанат учун ҳам, сулола учун ҳам оғир йўқотиш бўлиб, унинг ўрнини босадиган шахснинг майдонга чиқиши осонликча кечмайди. Амир Темур қонунларига бош бурмай амал қиладиган Темурийзодалар бўлгани каби, қаттиққўл бобо кетиб, эркин нафас олиш шавқида ўзини тутолмаган набиралар, эваралари ҳам кам эмасди. Соҳибқирон тахтини эгаллаш, унинг давлатини хомталаш қилиб бўлиб олиш қарийб беш-олти йил давом этади. Қачонки, Шоҳруҳ Мирзо салтанат жиловини қўлига олгач, амаки ва амакизодалар ўртасидаги ғаразлар бирқадар босилгандай бўлади, Шоҳруҳ Мирзо улкан оила шаънининг халоскори ва ҳомийси сифатида майдонга чиқади.

Абдураззоқ Самарқандий Амир Темур вафотидан кейин юз берган жангу жадаллар тўғрисида ҳикоя қилар экан, 1408 – 1409 йиллар оралигида Мирзо Халил Султоннинг Амир Худойдод билан қурашганлигини, енгилиб унинг қўлига тушганлигини айтади. Бу пайтда 15 ёшда бўлган Муҳаммад Султоннинг катта ўғли Муҳаммад Жаҳонгир ҳам, афтидан, Халил Султон билан Самарқанд теграсида бўлган. Худойдод унинг навкарини Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига жўнатади. Халил Султонни асир қилган Худойдод Шоҳруҳ Мирзонинг Ҳиротдан Мовароуннаҳр сари келаётганини эшитиб, қочишга тушади. Шоҳруҳ Мирзо 1409 йилнинг май ойи бошларида етиб келганда, Самарқандда уни кўтиб олувчилар орасида Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо ҳам бор эди. Шунга қараб фикр юритил-

ганда, Муҳаммад Жаҳонгир ҳам отасига тегишли бўлган сипоҳийларга бош бўлган ва шу йилларда кечаётган воқеалар иштирокчиси бўлган. Шоҳруҳ Мирзо Мовароуннаҳр мулкларини ўгли Улуғбек Мирзо ихтиёрига топширганидан кейин, Абдураззоқ Самарқандий таъкидлаганидек, «*Ҳисори Шодмон вилоятини Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ибн Мирзо Муҳаммад Султонга суюрғол тариқасида ато қилди ва у вилоятнинг ҳосилини унинг ихтиёрига топширди ҳамда оталарча панд-насиҳат эшикларини очиб ... ўз етук сиёсати ва фаросати билан ҳам бир зўрлик қилувчини ранжу алам остида қолдирмасин*», деб буюрди. Шу ҳақда ўз йилномасида хабар берган Фасиҳ Хавофий эса Шоҳруҳ Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир Мирзога Тохаристон мулклари берганлигини ёзади. 15 ёшли шаҳзоданинг Амир Темурнинг ўғли, унинг давлатига эгаллик қилган Шоҳруҳ Мирзо назарига тушиши бежиз бўлмаган.

Соҳибқирон вафотидан кейин ҳокимият таъмагирларидан бири Шайх Нуриддин Самарқандга бир неча маротаба босқинлар уюштиради. Шайх Нуриддин Самарқандни қўлга киритиш ва ҳукм суриш учун бир ҳийла ўйлайди. «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн»-да бу ҳақда, «Шайх Нуриддиннинг қуввати бутунлай заифлашди ва у Термизга келди. Бу ерда у Ҳисор (Ҳисори Шодмон – П.Р.) вилоятида турган Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ибн Мирзо Муҳаммад Султонни ҳар хил ҳийла ва тадбирлар билан ўз ҳузурига келтирди», дейилади. «Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий» асарида Шайх Нуриддиннинг ҳийласи моҳияти очиб берилди. Шайх Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо олдига одам юбориб, «Мен бу мамлакатни сен учун олдим, сен учун шамшир урмоқдаман, Амир Соҳибқирон мамлакатни сенинг номингга васият қилган» деб Мирзо Муҳаммад Жаҳонгирни таъмалантириб, ўз ҳузурига чақиртиради. Улуғ амирзода бунга эътибор бермади. Шайх Нуриддин унинг отаси Муҳаммад Сул-

тоннинг эски навкарларидан баъзилари, масалан, Амир Мубашшир, Амир Жунайд Аён, Ҳамза Сулдуз ва бошқаларга, сизлар нега амирзодани олиб келмай-сизлар, мен Самарқандда турмоқчи эмасман, ўз вилоятимга қайтиб кетаман, агар сизлар уни менинг ҳузуримга келтирсангизлар, у Самарқандга амиру ҳоким, сизлар эса ҳар бирингиз бир мўътабар амир бўласиз, дейди. Улар бу сўзга учиб, Амирзода Муҳаммад Жаҳонгирни ўз ихтиёрига қўймай, шайх Амир Нуриддиннинг ҳузурига олиб келадилар», дейилади.

Ҳокимият талаблар асл мақсадларини, қора ниятларини пардалаш учун шундай йўл тутишлари тарих учун янгилик эмас. Шайх Нуриддин ҳам неча йиллар Амир Темур салтанатида вазирлик мақомида бўлиб, тожу тахтнинг таъмини янада каттароқ тотиб кўриш учун йўлдан озади. Тожу тахт пойгасидан четда турган Муҳаммад Жаҳонгирни ўз гаразли нияти йўлида қурбон қилишга интилади. Шайх Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгирни бир сира султон деб эълон қилади ҳам. Фасих Хавофий 1410 – 1411 йил воқеалари силсиласида айнан шуни тарихга рақам этган. Сиёсат гаразли ва шахсий мақсадлар йўлида ишлаганида, беғуноҳларнинг қони тўкилиши ҳеч гап бўлмай қолади.

Муҳаммад Жаҳонгирни, шу тариқа, гаровга ушлаб, Шайх Нуриддин Самарқандга жўнайди. Самарқанд аҳолиси уни ноҳуш қарши олади ва жангда мағлуб этади. Бу орада Шоҳруҳ Мирзонинг Мовароуннаҳрга келаётгани хабари етишади, кўрқувга тушган Шайх Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгирни алдаб олиб келган Амир Мубашширни қатл этади. Мағлуб бўлган Шайх Нуриддин шаҳзоданинг воситасида кун кўрмоқ учун унинг вилояти Ҳисори Шодмонга йўл олади.

Бу йилларда улуғ хонадон оғир синовлар бўҳронида қолган эди. Оила шаъни Соҳибқирон ҳаётлиги даврида муқаддас тутилган, унга оғишмай амал қилиниб келинарди. Муҳаммад Жаҳонгир ёш бўлса ҳам бобоси

асослаган оилавийи удумларга содиқ руҳда тарбияланган эди. Шайх Нуриддиннинг макрига учмаганлиги, бу ишга мажбур этилганлиги аён бўлганлиги учун (Амир Мубашширнинг сирни очиб қўймаслиги учун ўлдирилиши) у Шоҳруҳ Мирзони назарига тушади. Шоҳруҳ Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир Мирзони уйлантиришга қарор қилади. Абдураззоқ Самарқандий бу тўй 816 ҳижрийнинг 14 жумод ал-охирда (11 сентябрь, 1413) Ҳирот шаҳрининг Боғи Зоғон деган машҳур мавзесида ўтганлигини ҳикоя қилади. Соҳибқирон даврида тўйлар Самарқандда, Кониғилда ўтарди. Энди эса Шоҳруҳ Мирзо салтанатининг пойтахти Ҳиротда тўйлар урфга киради. Тўй тафсилоти асарда шундай баён этилади: *«Давлат арбоблари ва ҳазрат хоқони саъиднинг (Шоҳруҳ Мирзонинг – П. Р.) аъёнлари сочқилар келтириб, зарлар сочдилар.... Мажлис осмон янглик юлдузлар нури билан безатилди. Моҳир мунажжимлар вақт толеини танладилар ва саййидлар, қозилар, акобирлар ҳам ашрафлар Боғи Зоғонга келтирилиб, салтанат садафида парварши топган бир дурни давлат буржининг дури бўлмиш Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир никоҳига киритилди».*

Фасиҳ Хавофий ҳам ўз йилномасида Муҳаммад Жаҳонгирнинг уйланиш тўйи ҳақида маълумот беради. Абдураззоқ Самарқандий нима сабабдан келиннинг исми шарифасини айтмаган. Бу эса жуда аҳамиятли. Гап шундаки, Шоҳруҳ Мирзо ўз қизи Марям Султон Бегимни Муҳаммад Жаҳонгирга никоҳлаб беради. Фасиҳ Хавофий тўй кунини ҳам аниқ айтади – 816 йилнинг жумод ал-охир ойининг пайшанба кунини (29 август – 27 сентябрь, 1413 йил) тўй бўлиб ўтади. Муҳаммад Жаҳонгир бу вақтда 19 ёшга кирган эди. Кечагина Шайх Нуриддин домнига тушиб, ундан эсон-омон қутулган шаҳзода учун бу мислсиз иноят эди.

Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо бир муддат Хоразмда бўлганлигини 1417 йил воқеалари мундарижасидан

билиш мумкин. 1417 йилнинг май ойида Мирзо Улуғбек Самарқанддан Ҳиротга келади. Уни кутиб олишга онаси Гавҳаршод Оғо, Бойсунғур Мирзо, Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо, Муҳаммад Жўгий Мирзо ва бошқа шаҳзодалар ва улуғ амирлар пешвоз чиқадилар. «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн»да айтилишича, шу ташриф чоғида, Мирзо Улуғбек 1417 йилнинг 18 майида «Хоразмдан келган Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ва Амир Шоҳмаликлар шарафига катта тўй берди ва қолган амирларга шоҳона кийимлар, яхши отлар билан дилжўйлик кўрсатади».

Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо Шоҳруҳ Мирзонинг қизи Марям Бегим билан бахтли ҳаёт кечирган. Зикр этилаётган китобда 1423 йил воқеалари нақл этилар экан, шундай сатрларни ўқиб, кўнгил таскин топади: «Амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ибн Амирзода Муҳаммад Султон ҳазрат хоқони саъидга (Шоҳруҳ Мирзога – П.Р.) кувёлик иззати билан сарафроз бўлган эди, бу шаҳзода учун Онҳазратнинг наслидан келажаги қутли бўлгур бир ўғил – Амирзода Муҳаммад Султон вужудга келди: ўн иккинчи рамазонда (19 август, 1423) унинг бахтиёр қадами шарофати жаҳон оройиши топди ва шавкатли бир тўй ташкил қилиниб, олам подшоҳона илтифотларга гарқ бўлди».

Амир Темур ҳаётлигида бу сулола хонадонларида урфга кира бошлаган бир жиҳатни сезмаслик мумкин эмас. Бу – ота-боболарнинг исми шарифларини туғилажак фарзандларга қайта қўйиш бўлиб, улуғ бобокалонлардан Ийжил исми Соҳибқирон фарзандлари болаларига берилган бўлса, отанинг номи болага ўтиши ҳам кузатилади. Муҳаммад Жаҳонгир вафот этгач, Муҳаммад Султон ўз ўғлига отаси исмини беради. Муҳаммад Жаҳонгир фарзанд кўрганида отаси Муҳаммад Султон номини ўғлига исм қилиб танлайди. Бу хонадон чироғини учирмаслик йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар эди. Иккинчи, эътиборни тортадиган томон, Соҳибқирон ҳаётлиги даврида шаклан-

ган, унинг вафотидан кейин кучли давом этган ички никоҳлар эди. дейиш мумкин. Амир Темур даврида фарзандлар ва набиралар никоҳига хонлар, амирлар, подшоҳлар қизларини киритиш кенг амалда бўлган бўлса, Соҳибқирон давлати кучайиб, ҳокимияти мустақамланган XIV асрнинг 80 – 90-йилларидан эътиборан сафдошлар, улуг амирлар хонадонлари билан қудалашини кузатилгани сингари, ака билан укаларнинг қиз бериб, ўғил уйлантиришлари қўпая боради. Юқориди шунинг мисоли сифатида Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо Марям Султон Бегим тўйи ва уларнинг ўғил фарзанд кўришлари тўғрисида тарих шаҳодатини ҳикоя қилдим.

Муҳаммад Султон Мирзонинг ўғиллари Саъд Ваққос ва Яҳё Мирзолар ҳақида манбаларда маълумотлар йўқ даражада. Отаси вафот этганда улар 5 – 6 ёшли болалар эди. Қизи Оро Беги (Уга Беги) ҳақида ҳам кам нарсалар биламиз. Муҳаммад Жаҳонгирдан кейинги ўғил Саъд Ваққос бўлиб, у 1397 йилда туғилган. Фасих Хавофий 1414 – 1415 йил воқеалари ҳақида гапирганида, Шоҳруҳ Мирзонинг Қум вилояти ва унга тегишли мулклар бошқарувини Саъд Ваққосга инъом этганлигини ёзади. Бу пайтда Саъд Ваққос 17 ёшда бўлган. Абдураззоқ Самарқандий ҳам шу ҳақда сўзлар экан. «Шоҳруҳ ҳазратлари бошқа мулкларни сарпшта қилиш ва қолган ишларни тартибга солишга киришиб, Қум мамлакатини шаҳзода Саъд Ваққосга топширди. Бу вилоятдан олинган даромаднинг унинг девони ҳаражати учун тайин қилди ҳам оталарча насиҳат эшикларини унинг бахт-саодатли юзига очди», дейди. Бу сўзлардан олдинроқда айтганим – Шоҳруҳ Мирзонинг Соҳибқирондан кейин улуг хонадон шаъни қўриқчиси ва ҳимоячиси сифатида фаолият кўрсатганини англаш мумкин бўлади. Саъд Ваққос ёш бўлгани боис, сиёсий ўйинларда тўғри йўл тополмай адашди. Амир Қора Юсуф Шоҳруҳ давлатидан Султония

қалъасини олиш таъмасида юрарди. Буни, ҳатто Шоҳруҳ Мирзодан сўраган ҳам эди. Қора Юсуф қалъани куч билан олишга уринади ва бу жойга келади. Қалъа қутловни Амир Бистом Жогир у келиши билан, ўрнига ўглини қўйиб ўзи Қумга, Саъд Ваққос олдига ёрдам учун мадад сўраб боради. Амирзода Саъд Ваққос Бистомни қамоққа олади ва бу ҳақда Шоҳруҳ Мирзога хабар беради.

Шоҳруҳ Мирзо бу ишдан норози бўлиб, Ардашер тавочини Қумга юборади. Саъд Ваққос саройда қилмиши нохуш қарши олингани сабабли, ишларни энди ўнглай олмайман, деган ўйга боради-да, Қора Юсуф олдига Бистомни ҳам бирга олиб кетади. Қора Юсуф шаҳзоданинг ўзидан паноҳ истаб келганидан гурурланиб, Амир Бистомни банддан озод қилади ва Саъд Ваққоснинг навкарларига Бистомнинг ўғли Ахий Фаражни қўшиб, Қум шаҳрига, Саъд Ваққоснинг молмулкани олиб келишга юборади.

Саъд Ваққоснинг хотини Ого Бегим худди аммаси Султон Бахт Бегим сингари шижоатли, оқила ва ўктам аёл бўлиб, Амироншоҳ Мирзонинг қизи эди. Қора Юсуф 1408 йилнинг 21 апрелида Амироншоҳ Мирзони Табриз яқинида бўлган жангда ўлдирган эди. Темурийларнинг азалий душмани Қора Юсуфнинг кимлигини Ого Бегим яхши биларди. Шунинг учун ҳам, Қумни ташлаб, Қора Юсуфдан паноҳ истаган эрининг қилмишидан у ўйга ботади ва ундан кўра ақлироқ эканлигини кўрсатади. «Нега мен отамнинг қотили хузурига боришим керак экан?», деган қарорга келади ва ўз навкарларини тайёр ҳолга келтириб қўяди. Саъд Ваққоснинг одамлари етиб келганда, уларнинг ҳаммасини қўлга олиб, оёқ-қўлларини боғлаб ташлайдилар. Саъд Ваққосни йўлдан урган, Қора Юсуф олдига етаклаб борган Темур Шайх, Қутлуғ Ҳожа, Шайх Ҳасан Зинда ва Шайх Али Зиндаларни қатл қилдиради. Уларнинг бошларини ўз навқари Шерзод орқали Ҳиротга, Шоҳруҳ Мирзога юборади.

Абдураззоқ Самарқандий бу воқеа тафсилотини янада чуқурроқ келтиради. «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн»да шу хусусда шундай дейди: «Бир гуруҳ муфсидлар Мирзо Саъд Ваққосга: сен Бистомдек бир пешкашни қўлингда тутиб турибсан, уни олиб амир Қаро Юсуфнинг даргоҳига боришинг лозим, у бир умрга сендан мамнун бўлади», дедилар. Соддадил шаҳзода йўлдан оздирувчи қавмнинг сўзига учиб, Қутлуғхожа ни Қумда ҷеруқ тепасида қолдирди ва Бистомни олиб, уч юзта суворий билан бирга исёнкорлик биёбони-ю хатолик чўлида гўмроҳ бўлиб, амир Юсуф томон юзланди... Мирзо Саъд Ваққос шу ерда яшашга майл қилиб, Амир Қаро Юсуф амир Бистомнинг ўғли Аҳий Фаражни Қумга боришга тайин қилди. Аҳий Фараж шаҳзода Ваққоснинг ҳарамини Озарбайжонга олиб келиши учун йўлга чиқиб, Қумга яқинлашди. Мирзо Саъд Ваққоснинг муҳтарам ҳарамии Оғо Беги Мирзо Амроншоҳнинг қизи бўлиб, оқила ва олий ҳиммат бир хотин эди. Мазкур аҳволни кўриб, у ўз-ўзига: «Саъд Ваққос хато иш қилди, агар биз у бегона мамлакатга тушиб қолсак, энди ҳар лаҳзада унга қасд қилсалар керак. Шундай бўлгач, туркмонлар ичида бизнинг ҳолимиз қандай кечади? – деб айтди. У тадбирли, чуқур фикрли ва макр-ҳийлали аёл бўлганлиги туфайли, ўз навкарларини қуроллантириб қўйди ва, туркмонлар етиб келгач, уларнинг ҳаммасини асир қилиб олди-да, Саъд Ваққосни душман тарафига ўтишига рағбатлантирувчилардан бўлган Темур Шайх, Қутлуғхожа ва Шайх Али Зиндалар билан қўшиб қатлга етказди ва у шер хотин у номардларнинг калласини ўз навқари Шерзод орқали ҳазрат хоқони саъид (Шоҳруҳ Мирзо – П.Р.) ҳузурига юбориб, бўлиб ўтган воқеа шарҳидан огоҳ қилди. Онҳазрат унинг бу мардоналиги учун кўпдан-кўп таҳсинлар айтди. Хоқони саъид Шерзодга меҳрибончилик кўрсатди ва Мирзо Рустамнинг навқари Шер Алини унга ҳамроҳ қилиб, бир юпанчнома билан Қумга жўнатди».

Мирзо Саъд Ваққос, Абдураззоқ Самарқандий уқтирганидек, «туркмонларга қўшилганидан кейин Қум ва Кошон мамлакати Ҳамадонгача фитна-ю ташвиш ўчоғига айланади». Ҳақиқатда, Рустам, Искандар Мирзо каби шаҳзодалар Саъд Ваққоснинг кетишидан фойдаланиб, унинг туркмонлар билан босиб келиши хавфини ваҳж қилиб, мулкгирлик фитналарини авж олдирадilar. Маълум бўладики, Саъд Ваққос қилган номаъқулчилигидан қайтиб Шоҳруҳ остоналарига яқинлаша олмаган. Шу воқеадан кейин, орадан бир йилдан сал кўпроқ ўтгач, Саъд Ваққос Озарбайжонда оламдан ўтади. У 1399 йила туғилган бўлиб, 18 – 19 ёшида ўлиб кетади. Сиёсий ўйинлар гирдобига тушган шаҳзода ақл лангарини қўлда тутмаганлиги туфайли жонини қурбон қилади. У, оила шаънини ўйлаганида, улуғ амакиси ва қайнотаси Амироншоҳ Мирзонинг ҳурматини қилганида, ўз рафиқаси Оғо Бегимнинг садоқатини ҳисобга олганида эди, сулоланинг душмани Қаро Юсуф ҳузурига бормаган бўларди. Саъд Ваққос фожиаси буюк Соҳибқирон Амир Темур асослаган улуғ салатанатдан дарзлар кетиб, оила шаънида ҳам путурга йўл қўйила бошлаганидан бир дарак эди.

Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо авлодлари, хонадони, хотинлари, ўғил-қизлари тўғрисида ҳикоя қилар эканман, тарихий асарларни синчиклаб, бир-бирига қиёслаб ўқишнинг хосияти бошқача эканлигига яна бир карра амин бўлдим. Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг Каїтхусрав Хутталонийнинг қизи Руқия Хоникага жуда эрта уйланганлигини, бу тўй рамзийроқ тусда бўлганими, деган андишага борганлигимни эсга олар эканман, Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» китобида 1405 – 1406 йил воқеалари тафсилотида, «Маҳди улё Руқия Хониканинг Самарқандда ёки Кешда яшаб турганлиги (Мовароуннаҳр) тилга олинганлиги эътиборимдан четда қолганлигидан хижил бўлдим. Муҳаммад Жаҳонгир Мир-

зо вафотидан кейин ҳам Руқия Хоника Темурийлар саройида, келин сифатида обрў-эътиборда яшаган экан. У Муҳаммад Султоннинг қизи, набираси Оғо Бегини (Уга Беги) тарбия қилади. Руқия Хоника 1406 йилда Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига Оғо Бегини олиб келади. Оғо Беги Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Улуғбек Мирзога узатилади. Оғо Бегидан Хонзода Бегим деган қиз туғилади.

Муҳаммад Султоннинг кенжа ўғли, 1400 йилда туғилган Яҳё Мирзо ҳақида тарихлардан бирор ишора учратмадим.

Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо 1433 йилнинг 25 июнида вафот этади. Марям Султон Бека эса 1441 йилнинг 14 июнида ҳаёт билан видолашади. Муҳаммад Султоннинг қизи Оғо Беги (Улуғбек Мирзонинг хотини) 1419 йил 3 февралда оламдан қўз юмади. Ҳаёт равиши шундай эди. Соҳибқирон Амир Темурнинг фарзанди Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо тармоғи оилавий ҳаёти лавҳалари кишини бефарқ қолдирмайди. Ҳокимият, курашлар, фарзандлар, кутилмаган ўлимлар... Ҳаёт, сен қандай мақомда бўлма, шиддат билан давом этади, бир сония тўхтаб қолмайди. 1434 йилда Жаҳонгир Мирзо оилавий шохобчисидан эвара Муҳаммад Султоннинг Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Суюрғотмиш Мирзонинг Руқия Султон деган қизига уйланиш тўйи бўлиб ўтади. Соҳибқирон давлати пойдор экан, оила шаъни, удумлари, анъаналари бардавом бўлади.

УЧИНЧИ ВАЛИАҲД

Соҳибқирон Амир Темурнинг фарзанди, валиаҳд Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг иккинчи ўғли Пир Муҳаммад Мирзо оилавий ҳаёти қиссасини бошлаш фурсати келди. Ҳозиргача биринчи ўғил Муҳаммад Султон ва унинг оилавий тармоғи тўғрисида ҳикоя қилдик. Муҳтарам ўқувчига бир нарсани айтишни бурчим деб билдим, бу тарихнинг чексизлигидир.

Амир Темур ва Темурийлар билан ҳозирги авлодларни қарийб 7 – 8 асрлик масофа ажратиб турибди. Шу асрлар давомида қанчалар китоблар ёзилмаган, дейсиз. Уларнинг аксарияти етиб келмаган, етиб келганларининг бир қисми ҳозирга қадар илмий-бадиий истифодага киритилмаган. Темурийларнинг XV аср биринчи ярми ҳаётини акс этдирувчи манбалар билан таниш бўлмаслик бу ҳақдаги билимимиз ва қарашларимизнинг тор доирада қолишига сабаб бўлмай қолмайди. Шу ишимизда такрор-такрор мурожаат қилаётганимиз Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарининг биринчи жиҳди бундан 43 йил муқаддам, 1969 йилда нашр этилган бўлса, унинг иккинчи китоби 2008 йилда чоп қилинди. Бу кейинги нашрни варақлай туриб, муаррихларнинг ҳам айрим далилларни чалкаштирганлари ёки эътибор бермай ўтганлигига амин бўламиз. «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» Темурийларнинг XV асрдаги ҳаётини, сиёсий фаолиятини ўта салмоқли тарзда ёритган энг ишончли манбалардан, дейиш мумкин. Асар 1467 – 1470 йиллар давомида сарой ҳужжатлари асосида яратилган. Шунга қарамай, баъзи ўринларда юқорида айтганим нозик далилларда аниқлик етишмаётгандек туюлади. Бир мисолга мурожаат қиламан. Фасиҳ Хавофий ўзининг «Мужмали Фасиҳий» деган йилнома китобида ҳижрий 816 йил (1413) воқеалари ҳақида сўзлар экан, 1413 йилнинг август – сентябрида Муҳаммад Султоннинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгирнинг Шоҳруҳ Мирзонинг қизи Марям Султонга уйланганлигини ёзади. Абдураззоқ Самарқандий эса 1441 – 1442 йилда кечган воқеа-ҳодисалар ҳақида тўхталар экан, шу йили «*Муҳаммад Султоннинг ўғли Яҳё никоҳида бўлмиш Онҳазратнинг қизи (Шоҳруҳнинг – П.Р.) Марям Султон бека жаннат боғига рихлат қилди ва ўз онаси мадҳи улё Гавҳаршод Огонинг мадрасаси гумбазини остига дафн этилди*», деб ёзади. Бошқа тарихлардан тополмаганим далилни Яҳё Мир-

зо хусусидаги маълумотни бу асарда учратганимдан мамнун бўлдим, аммо унинг акаси хотини бўлмиш Марям Султон беканинг эри сифатида талқин этилганлиги мени ажаблантириб қўйди. Муаррих янглиштирган сабаб бошқа эканлигини навбатдаги саҳифалардан билиб, кўнглим бир оз таскин топди. Абдураззоқ Самарқандий Шоҳруҳ Мирзонинг вафоти билан боғлиқ воқеаларни нақл қилганида, «Шундай қилиб, ҳазратнинг вафоти рўй берган замонда, унинг пушти камаридан бўлган фарзандларидан Мирзо Улугбек кўрагондан бошқа бирортаси ҳам ҳаёт эмасди, унинг иккита қизи эса Мирзо Муҳаммад Султоннинг йиллари Мирзо Яҳё ва Мирзо Муҳаммад Жаҳонгирлар никоҳида эдилар», дейди. Ха, гап бу ёқда экан. Марям Султон Бека, Фасиҳ Хавофий шаҳодат этганидек, Муҳаммад Жаҳонгирнинг жуфти ҳалоли бўлса, унинг синглиси (Яҳё Мирзо Муҳаммад Жаҳонгирдан 4 ёш кичик эди) эса Яҳё Мирзонинг хотини бўлган экан. 1414 – 1415 йилларда бўлган бу воқеалар 55 – 56 йилдан кейин ёзилган асарда, табиийки, янгилаштирилиши эътибордан соқит этилмайдиган ҳолдир. Муҳими, шу «хатолик» туфайли, Яҳё Мирзо тўғрисида бир чизгидан хабар топдик. Маълум бўладикки, Яҳё Мирзо ҳокимият курашларида иштирок этмаган, ҳарбу зарбларда қатнашмаган. У, афтидан, Шоҳруҳ Мирзо саройида хизмат қилган. XV аср бошларида юз берган алғов-далғовларда қатнашмаслик унинг борасида тарихий асарларда маълумотлар берилмаганлигига сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Энди. Пир Муҳаммад Мирзо онавий ҳаёти ҳақидаги ҳикоямизни бошласак бўлади. Соҳибқирон Форс ўлкасига юришни давом эттирган 80-йилларда Шероз ҳукмдори, Эронда мўгул салтанати йиқитилгандан кейин, тахтга чиққан Музаффарийлар авлодидан бўлган Шуъжондин Шоҳ Шуъжо Амир Темурнинг кучига тўғри баҳо беради. Қаршилик кўрсатиш бефой-

да эканлигини англаб, ўз бекларидан Умаршоҳни жуда катта пешкашлар билан Соҳибқирон ҳузурига жўна-тади. Амир Темур итоат изҳор қилиб келган элчини илиқ қарши олади. Шоҳ Шуъжо йўллаган хатда: «Улуғ эҳтиром ва юртимиздан олинадиган тухфалар билан одамимни юборяпман. Олтин эгар ва юганлари, узанг-лари тиллодан бўлган отлар, хачирлар, туялар юборяп-ман. Шоҳи матолар ва қимматбаҳо ашёлардан мақ-сад дўстликдир, ундан бўлак муддаом йўқ» дейилган бўлади. Соҳибқирон бу илтифотдан мамнун бўлади. Умаршоҳга зотдор отлар, зар тўнлар ва кўпдан кўп ҳадялар тортиқ этади.

Умаршоҳ олиб келган хатга жавоб ёзиб, элчи билан бирга ўз одамларини қўшиб, Шоҳ Шуъжо олдига жўна-тади. Форс ҳукмдорига турфа инъомлар юборилар экан, айни вақтда, унинг қизини набираси Пир Му-ҳаммадга сўратади. Соҳибқирон мактубида, «Орамиз-да дўстлик вужудга келган экан, энди қариндошлик алоқаларини ҳам ўрнатишимиз лозим бўлади, шунда орамизда ҳурмат-эҳтиром янада мустаҳкам бўлади», дейилади. Абдураззоқ Самарқандий тарихида берил-ган бу маълумотни, Фасиҳ Хавофий асарида учратма-дим. Ҳарҳолда, Шоҳ Шуъжо билан бўлган муносабат-лар Пир Муҳаммаднинг 7–9 ёшлик пайтига тўғри ке-лишини айтиш жоиз бўлади.

Ҳижрий 786 йилнинг (сичқон йили) баҳорида Со-ҳибқирон қўшинлари билан Мазондаронга қараб юра-ди. У бир неча кун Балхда тўхтаб, лашкарларнинг бар-часи йиғилишини кутиб туради. Соҳибқирон 1383 йилнинг мартида Узун Ўлжойтуни Шоҳ Шуъжо сарой-ига совчиликка юборган эди. Совчилар Амир Темур Балхда турган кезларда Шоҳ Шуъжонинг қизини, му-аррих айтганидек, минг эҳтиёт ва авайлашлар билан олиб келдилар. Шу кунини Соҳибқирон келин билан келган қуда тараф одамларини қабул қилиб, катта мамнуният билдиради. Келин истиқболига Сарой Мулк Хоним ва Тумон Оғо, маликалар чиқиб, уни катта

қадрашлар билан қарши оладилар. Келин ерга оёқ қўйганда унинг бошидан сочқилар сочиб хурсандчиликни бошлаб юборадилар. Сафардаги тўй шодиёнаси катта-кичикни қамраб олади.

Совчилардан бири Ҳожи хожа ўзига юклатилган вазифа доирасидан чиқиб, катта хатога йўл қўйган. Соҳибқироннинг ҳуфя ишлар хизмати аъло даражада йўлга қўйилганлиги сабаб. Ҳожанинг гуноҳидан тезда воқиф бўладилар, тафтиш ўтказилади ва у жазога тортилади. Тўй билан боғлиқ воқеалар тафсилотида олдинда муаммо тарзида айтиб ўтилган баъзи қутбларни ойдинлаштирадиган маълумотлар берилиши диққатга лойиқ. Пир Муҳаммад Мирзонинг тўйи муносабати билан Хонзода Бегим ҳам Балхга етиб келади. Хонзода Бегим бу пайтда Амир Темурнинг учинчи ўғли Ампроншоҳ Мирзога никоҳланган эди. Хонзода Бегимнинг тўйга етиб келиши унинг Пир Муҳаммад Мирзо онаси эканлигини яна бир марта тасдиқ этади. Агар унинг онаси Бахт Мулк Ого бўлганида эди, тўй муносабати билан у тилга олинган бўлар эди. Тўйга етиб келган Хонзода Бегим шарафига катта зиёфат беради. Хонзода Бегим тўйга икки ойлик чақалоғи – Халил Султон Мирзо билан ташриф буюрган эди. Халил Султон Мирзо шу кундан эътиборан Сароӣ Мулк Хоним тарбиясига берилади.

1388 йилнинг кузида Соҳибқирон Амир Темур Хоразм юришидан қайтиб, Самарқандда катта тарадудни бошлаб юборади. Бу тўй ҳақида олдинги саҳифаларда айтиб ўтдим. Амир Темур кенжа ўғли Шоҳруҳ Мирзо билан бир қаторда, марҳум фарзанди Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг икки ўғли Муҳаммад Султон ва Пир Муҳаммадларни гурий асилзодаларнинг қизларига уйлантиради. Беҳишт боғи деб аталган хушманзара, обод бўстонда бошланган тўй бир неча кунларга чўзилиб, давом этади. Бу тўй ва келинлар тўғрисида «Мужмалн Фасиҳий»да, нима сабабдандир, эслатилмаган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келганига 20 йил тўлаётган эди. Бу ўтган давр ичида Туркистон ўз мустақиллигини мустақкамлабгина қолмай, қўшни давлатлардаги мўғуллар ҳукмронлигига ҳам барҳам беришга улгурган, давлат сарҳадларини бир қадар кенгайтиришга муваффақ бўлган эди. Бироқ, унинг йўлида ўзи яхшилик қилган, қўллаб-қувватлаган, қариндошлаган кимсалар тўғаноқ бўлган эди. Шулардан бири Дашти Қипчоқ тахтига Соҳибқирон ўтказиб қўйган Тўхтамиш эди. Бир вақтлар Соҳибқирон ҳузурига ярадор бўлиб, ўлар ҳолатида бошпана сўраб келган Тўхтамишхон тожу тахтга эга бўлиб, катта қўшин тузганидан сунг, отам деб мурожаат қилгани Амир Темурга ошкора хиёнат йўлига киради. Соҳибқирон Форс мамлакатига юриш қилаётган чоғида унинг мулкларига бостириб келиб, талончилик ишларини амалга оширади.

1391 йилнинг бошларида Амир Темур Дашти Қипчоққа, Тўхтамишхонга қарши отланар экан, набираси Пир Муҳаммад билан ўғли Шоҳруҳ Мирзоларни ўз ўрнига қойим мақом қилиб, йўлга чиқади. Мамлакат ичкарасида ҳушёрликни қўлдан бермасдан кўз-қулоқ бўлиб туриш масъулиятининг бу икки шаҳзодага топширилиши катта ишонч эди. Тўхтамишхонга қарши юриш ўн бир ойга чўзилади. Ғалаба ёр бўлган ҳукмдор Самарқандда улуғ иззат-икром билан қайтади.

Оқар саҳросига қўниб, бир неча кунни осойишта ўтказган Соҳибқирон набираси Пир Муҳаммад Мирзога Ғазна, Кобул ва Забулстондан Ҳиндистон ва Қандаҳор сарҳадларига қадар бўлган юртларни эса севимли набираси Пир Муҳаммадга бағишлайди. Соҳибқирон давлатида хизмати катта бўлган беклардан Али Ганчи (Амир Мусонинг ўғли), Баҳлул (Амир Муҳаммад Дарвеш Барлоснинг ўғли), Ислон (Ҳожи Барлоснинг ўғли), Темур Ҳожа (Оқ Буғонинг ўғли), Ҳусайн Сўфи (Ғиёсиддин Тархоннинг ўғли) сингари атоқли бекларни Пир Муҳаммад Мирзога қўшиб, унга сулорғол этил-

ган мулкларни бошқаришга сафарбар этади. Соҳибқирон Дашти Қипчоқ ҳарбий сафаридан 1392 йилда қайтиб, Самарқандга – пойтахтига етиб келади. Унинг одати шу эдики, зафар ёр бўлган юришлардан кейин, пойтахтда бўлган кунларида албатта эли юртига тўй берар, байрамлар уюштирар эди. Бу гал ҳам шундай режа амалга оширилади.

Амир Темур ўғиллари ва набиралари тўйларини Самарқанд ташқарисида, ё боғларда, ёйинки, Кони-гил даласида, кенг-мўл майдонда, халқ кўп қатнашиши мумкин бўлган жойларда ўтказишни хуш кўрган. У, Кони-гил даласига кўчиб чиқади, шоҳона ўтовлар тикилади. Самарқанд ҳунармандлари бутун даштни авжи баҳор янглиғ тусга киритади. Қатор кетган ўчоқларда, дошқозонлар тўлиб, гўштлар пиширилади, ошлар дамланади. Дастурхонлар тўкин-сочинлигини таърифлаш қийин. Узоқ-яқиндан, Соҳибқирон қадами етган ўлкалардан иззатли меҳмонлар етиб келади. Соҳибқирон шу 1392 йили Умаршайх ва Амироншоҳ Мирзоларнинг уч фарзандини уйлантиради.

Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг иккинчи ўғли Пир Муҳаммад Мирзо оилавий-сулолавий удумга мувофиқ, ҳарб ишларига эрта аралашади. Шаҳзодалар эсини танигандан бошлаб, савод чиқаришга, билим эгаллашга ва ҳарбу зарб маҳоратини эринмай ўрганишга бурчли бўлганлар. Пир Муҳаммад Мирзога ишонч билдирилиб, Синдга қадар бўлган мулклар ихтиёри топширилиши унинг юқоридаги қаттиқ талабларга жавоб бера оладиган шаҳзода ва саркарда бўлиб етишаётганлигидан дарак эди. 1392 йилнинг август ойи охирларида Соҳибқирон Эрон сарҳадларида бўлганида, Ёлғуз Ёғоч Хабушон (Кучан, Ашхабоддан 200 км жануброқда) деган жойда тўхтаб туради. Унинг ҳузурига шаҳзодалар, яқинлари етишиб келади. Ўн олти ёшга тўлган Пир Муҳаммад Мирзо ҳам бобосининг ҳузурига ўз қўшинлари билан келиб, қўшилади. Бу ерга Ҳиротдан Хонзода Бегим ҳам ташриф буюради. Хон-

зода Бегим қайнотаси Амир Темур шарафига катта туй беради. Бир оз олдинроққа кетиб, бир мулоҳазамни айтишга эҳтиёж сездим. Соҳибқирон Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг улуғ мақомли аёли Севин Бекани – Хонзода Бегимни унинг вафотидан анча йил ўтиб (6 – 7 йил чамаси), учинчи ўғил Амироншоҳ Мирзо никоҳига киритади. Муаррихлар қайнота, набира ва келин учрашувлари тўғрисида гапирганда, расмий баёндан нарига ўтмайдилар. Назаримда, Хонзода Бегим Амироншоҳга никоҳланганда, Муҳаммад Султон ва Пир Муҳаммад Мирзолар 6-7 ёшли болалар бўлишган. Соҳибқирон фарзандлари ва набираларнинг йўли ҳар қачон ҳам бирга тушавермаган. Шу сабабдан, имкон бўлди дегунча, Амир Темур ҳазратлари ака-укаларни, она-болаларни ўз ҳузурида учраштиришга, оилавий яқинлик ришталарини янада мустаҳкамлашга интилган кўринади. 1392 йилнинг 26 августи кунини ҳам шу жиҳатдан эътиборли. Хонзода Бегим ўғли Пир Муҳаммад Мирзо билан Хабушонда дийдор кўришади.

Ака-ука Муҳаммад Султон ва Пир Муҳаммад Мирзолар 1393 йилнинг бошларига қадар чўзилган Ироқ ва Форс юришларида бобоси қўшинларининг илғор қисмини бошқариб, эътиборга сазовор бўладилар. Шерознинг забт этилиши, Шоҳ Мансурнинг ҳалокатида Пир Муҳаммад Мирзо ҳужумлари муҳим ўрин тутади. Шоҳ Мансур лашкарининг чап қанотини у жасурлик билан тор-мор этади.

Пир Муҳаммад Мирзо Соҳибқирон бобосига кўрнамаклик қилган Тўхтамишхонга қарши юришларида ҳам ўзини кўрсатади. Сарой шаҳрининг олиниши бевосита Пир Муҳаммад Мирзо номи билан боғланади. 1395 йилда, Амир Темур Ҳожа Тархонга (Аштархон, Астрахон) яқинлашиб келганида, Саройни мағлуб этиш учун Пир Муҳаммад Мирзо бошлиқ Шайх Нуриддин, Темур Ҳожа Оқ Буғоларни юборади. Амир Темур давлатига катта иқтисодий зиён етказган, у Эрон сафа-

рида бўлган вақтида Мовароуннаҳрни талаган, Занжирсаройни ёқиб юбориб, таг-туғи билан култепага айлантирган Тўхтамишхон ўрдасини буткул вайрон этиш шаҳзоданинг жавоб юриши бўлган эди. Пир Муҳаммад Мирзо ва унинг қўшини Идил (Волга) дарёси музи устидан ўтадилар. Соҳибқирон сипоҳийларининг жанговар тайёргарлигига қойил қолмай бўлмайди, улар қуруқликда ҳам, тоғу тошларда ҳам бирдек мардонавор кураш олиб борганлар. Сув кечиб, музни ёриб ёхуд унинг устидан ўтиб урушиш манзараларини биз иккинчи жаҳон уришига бағишланган кинолар орқали биламиз. Соҳибқирон қўшинлари бундай жанглар ҳадисини неча асрлар бурун кўникма қилганлигини эса деярли билмасдик. Пир Муҳаммад Мирзонинг ҳарбий салоҳиятини шундан ҳам тасаввур қилса бўлади.

Ҳинд юриши вақтида ҳам Пир Муҳаммад Мирзо ўзининг ақли ва кучи билан ҳамиша бобоси назарида бўлади. Соҳибқирон габрларга қарши жанглар олиб бораётганда, бир куни шундай ҳолат бўладики, уч марта ҳужумга қилишга тўғри келади. Икки жангда ғолиб келган ҳукмдор, энди тин олиб, ҳордиқ ёзай деб турганда, Кубл дарасида жуда кўп габрлар қўшини йиғилганлиги хабари олинади. 1399 йилинг бошларида Ҳиндистон газавотида 63 ёшли Соҳибқирон мислсиз қаҳрамонликлар, шаҳсий жасоратлар кўрсатади. Габрлар билан бўлган тўқнашувлардан бирида юз берган воқеа Яздий «Зафарнома»сида ҳам акс этган. Лашкар жанг ҳаракатларини олиб бораётган маҳалда Амир Темур ёнида 100 тача сипоҳ бор эди. Шу пайт душманлардан бири, Малик Шайх исми паҳлавон 200 кишилиқ отлик пиёдалари билан Соҳибқирон устига ташланади. Икки томон юзма-юз бўлганда баҳайбат бир киши олдинга чиқиб, «Мен Шайх Кўкарийман, ғолиб қўшинга хизмат қиламан», деб наъра тортади. Шундай деб, у Соҳибқирон одамларидан бир нечасини қиличдан ўтказишга улгуради. Буни кўрган Амир

Темур унинг томонига от қўяди. Соҳибқироннинг камондан отган ўқи унинг қорнига санчилади, сермаган қиличи – Шайхнинг бошини сапчадай узиб тушади ва у отдан ағанаб тушади. Шу тариқа, бир кунда икки жангни ўткарган Соҳибқиронга Қубл дарасида ғабрларнинг кўп сонли лашкари тўпланганлиги хабари етиб келади. Чарчаган, толиққан бўлишига қарамай, Амир Темур душманга зарба беришга отланади. Ҳинднинг бу сарҳадларида тўқайзорлар, ўрмонлар кўп бўлиб, катта қўшиннинг юриши ниҳоятда қийин эди. Айтилганидек, ўша куни Соҳибқирон одамлар юз киши нари-берисида эди. Муаррих қавлидан фаҳмлаш мумкинки, оз одам билан кўпга қарши бориш, бир кунда учта жангни амалга ошириш Соҳибқиронга ҳам бир оз малоллик туғдирган. Унинг кўнглидан, чакалакзорларни оралаб боришда бир фикр кечади, «Қанийди, шу пайт набирам Пир Муҳаммад билан Сулаймоншоҳбек (опасининг ўғли ва куёви – П.Р.) шу ерда ҳозир бўлсайди», деб ўйлайди. Гап шундаки, шу воқеа юз беришидан уч кун аввал Амир Темур уларнинг иккаласини қўшин билан узоқ бир жойга жўнатганди. Ҳеч ким уларни тез орда қайтиб келади, деб ўйламаганди, дейди муаррих. Якшанба куни, пешин намози вақтида, Соҳибқирон муштоқлик билан кутиб турган бир пайтда, Шаҳзода Пир Муҳаммад ва Сулаймоншоҳбеклар етиб келади. Биргаликда ғабрларга ҳужум қилдилар, ғолиб бўладилар, қанча мол-ҳол, шоҳи, матолар, саноксиз ҳўкиз, сигир, қўилар, туялар ўлжа қилинади. Амир Темурнинг кўнглидан кечгани, хоҳиш-истагининг даст беришида бу биргина мисол эмас. Унинг истиқболни кўра билиши, кўнглидан кечган фикрининг узатилиши – керакли ерга ва одамга етиб бориши ҳоллари кўп марта содир бўлган.

Пир Муҳаммад Мирзонинг бобоси Амир Темур тирклигидаги энг охирги учрашуви 1404 йилнинг сентябр оyi бошларида, аниқроғи, 7-кунида юз беради. Бунинг сабаби шундай. 1404 йилнинг саратони охир-

ларида Амир Темур Хуросондан Самарқандга қараб йўлга чиқади. Қурлон деган ерда, булоқ яқинидаги работда тўхтаб турганида, Самарқанддан Темур Ҳожа Оқ Буго 9 та йўрға от келтиради. Амир Темур Жайхун бўйига етиб, дарёдан ўтади-да, Термизда Хонзода Алоулмулк уйига тушади. Термиз машойиҳи Соҳибқирон шарафига катта тўй беради. Шундан сўнг Амир Темур Кеш шаҳрига қадам қўяди. Оқсаройда тиним олган Амир Темур Шайх Шамсиддин Кулол мақбарасини зиёрат қилиб, отаси Амир Тарағай қабрига ўтади. Қуръони Карим тиловатидан сўнг йўлга чиқади ва Тахта Қорача боғини кўздан кечиради. Тахта Қорачадан Қоратўбага келиб, Қасри Жаҳоннамога тушади. Самарқанддан унинг истиқболига Ҳожа Юсуф, Аргуншоҳ ва Шаҳзода Пир Муҳаммаднинг 8 ёшли ўғли Қайдулар етиб келишади. Соҳибқиронни кутиб олишга Тўкал Хоним бошлиқ маликалар, келинлар ҳам пепвоз чиқадилар.

Соҳибқирон Амир Темур шу сафардан қайтганича Сурня, Миср ва Румни ўз иттипати олишга муваффақ бўлганди. Узоқ йўлни жуда тез босиб ўтган ҳукмдор бир ҳафтага яқин ўзини яхши ҳис қилмаган. Муолажалардан кейин унинг соғлиғи тезда тикланади. Барибир, ёш бир жойга етган, олис ва толиқтирувчи йўл ўз таъсирини бу пўлат вужудга ҳам кўрсата бошлаган эди.

Амир Темур тузалганидан кейин Боғи Шимол оромгоҳига ўтиб, бу ерда бир неча кун туради. Шу орада Амироншоҳ ва Хонзода Бегимнинг Бекиси Султон исми қизидан ўғил эвара туғилиши муносабати билан тўй берилади. Тўйдан сўнг Соҳибқирон Баланд Боғга ўрнашади. Бир неча кун ҳордиқ чиқариб, шаҳарни кўздан кечирингга отланади. У, даставвал набираси, марҳум Муҳаммад Султон Мирзонинг мадрасасига ташриф буюради. Соҳибқирон мадраса ёнида гумбаз тиклашни амир қилади. Тез орада гумбаз ва сардоба қурилади, жаннатмонанд боғ барпо этилади.

Амир Темур фуқаролар аҳволи билан танишишга киришади. Муаррих айтгани каби, у алоҳида кишилар ва омма билан бирма-бир гаплашиб, ҳол-аҳвол сўраб чиқади, борларга ҳам, йўқларга ҳам катта инъомлар беради. Унинг йўқлигида, амри билан бунёд этилган жума масжидини қадам-бақадам назардан ўтказади. Масжиднинг эшиги кичик ва тор бўлганлигини аниқлаб, шу заҳоти эшикни бузиб олишни, катта ва кенг қилиб, янгисини қуришни буюради.

Самарқандда, элининг ўзи йўқлигида кечган аҳволини ўрганган ҳукмдор хатога йўл қўйган, ишончни оқламаган, нафси газаклаган айрим амалдорларни қаттиқ жазога тортади. Бу ҳақда Ибн Арабшоҳ ҳам, Руи Гонсалес де Клавихо ҳам гапириб ўтган. Бу воқеаларни муфассал ҳикоя қилишдан мақсад, Амир Темур улуғ ишлар, мақсадлар олдидан аҳли фуқаронинг аҳволини билишни, унинг кўнглига тўю тантаналар сифадими-йўқми, аниқлашни лозим кўрган деб ўйладим. Соҳибқирон ҳар сафар зафар қучиб юртига қайтганида, албатта, тўй-томошалар берган, халқига жуда катта назр-ниёзларни тортиқ этган. Бу сафар ҳам шундай бўлади. Яна бир томони, 1404 йилнинг кузида тайёргарлик кўрилаётган улуғ тўй Соҳибқирон Амир Темур ҳаётидаги энг охирги тўй сифатида ҳам тарихда ўз ўрнига эга. Шу мақсадни англатиш учун юқоридаги даромад сўзларни келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ билдим. Тўй олдидан эл ва салтанат мулкига хиёнат қилган, лавозими сабаб, зулм ўтказган, тошу тарозидан урган, нархни оширган кимсаларнинг жазога тортилиши фуқаронинг руҳиятини кўтармай қолмасди. Тўй арафасидаги Самарқанддаги муҳит ана шундай бўлади. Шу тариқа, Сарой Мулк Хоним мадрасасини кўздан кечирган Амир Темур Чинор Боғига ўтади. Шу вақтда Дашти Қипчоқдан, Идикудан элчи келади, улар итоат ва бўйсунишни зиммага олиб келган бўладилар. Чинор Боғидан Соҳибқирон Дилкушо Боғига кўчади. Бу жойда турганида,

муаррих қайд этганидек, Фаранг юртидан (Испания элчиси Клавихо – П.Р) элчилар келади. Бунга қадар, Шимол Боғи жанубидан ҳар буржи 1500 қари бўлган боғ ва унинг ўртасида қаср қурниш топшириғи бўлган эди. Элчилар стиб келган пайтда боғ ва қаср битказилган. Соҳибқирон бу жойни кўздан кечириб, катта тўй бошлашга амру фармон беради.

Тўйнинг маслаҳати ҳам катта бўлади. Чингизхон наслидан бўлган Таїзи Ўғлон ва Тоштемир Ўғлонлар Хуросондан Шоҳруҳ Мирзони, Ғазнондан (Ғазна) Пир Муҳаммад Мирзоларни ҳам таклиф этишни сўрайдилар. Соҳибқирон маслаҳатга ризолик берар экан, «Маїли, Пир Муҳаммад келсин, аммо Шоҳруҳнинг келишини бир сабаб ила маъқул кўрмайман. Ироқ ва Озарбайжон ҳукмдорининг ганимлари кучли, мамлакатни эгасиз қолдириб бўлмайди», дейди. Давлат хавфсизлиги нуқтан назаридан Шоҳруҳ Мирзонинг тўйга ташрифни маъқул кўрилмайди. Тўй ўтадиган жой қилиб Кониғил белгиланади.

Ҳижрий 807 йилнинг рабиъ ойи бошида, якшанба кунин (7 сентябр, 1404) Соҳибқирон Кониғилга чиқади. Муаррих васф этганидек, унинг келиши Кониғилга ўзгача тароват ва барокат бахш этади. Унинг учун тўрт сарапардали улкан оқ ўтов қурадилар, унинг устунлари тиллодан нақшланган марваридлар билан безатилган бўлади. Усталар, хизматчилар бир ҳафта ичида ўн минг одамни сифдира оладиган ўн икки буржли чодирни тиклаб бўлади. Чодирларнинг сиртки томонни қизил жундан, ич тарафи эса бахмалдан, арқонлари ипақдан танланади. Ўн икки устун ҳам тилло билан безатилади. Ҳар бир шаҳзода ва беклар учун хос сарапардалар тортилади, меҳмонларни қабул қиладиган чодирлар, ўтовлар турнақатор тизилади. Вилоятлардан ҳокимлар, таниқли кишилар, қозилар ва руҳонийлар тўйга айтилади.

Ғазнадан Шаҳзода Пир Муҳаммад Мирзо етиб келади, унга вақтида чопар жўнатиладиган бўлган. Соҳиб-

қирон шаҳзода набираси билан қучоқ очиб кўришадди, уни маҳкам бағрига босади. Улар сарапардали чодир ичида шаҳзоданинг бултур оламдан қайтган акаси Муҳаммад Султонни эсга олиб, кўнгиллар бузилиб, йиғлайдилар. Пир Муҳаммад Мирзо бобоси учун кўп тухфалар, совғалар олиб келган эди. Эртасига Муҳаммад Султон йиллиги маракаси берилиб, аза мавсуми тугайди. Амир Темур набираси Пир Муҳаммадга олтин ҳалли тўн кийдириб, бошига тож кўндиради. белига тилло камар боғлайди, навкарларига ҳам қимматбаҳо тўнлар тортиқ қилади.

Тўй тайёргарлиги ҳамон давом этади. Ҳунармандлар Самарқандни ўз касби корлари тақозоси бўйича безайдилар. Бу тантаналарнинг боиси набира ва эвараларни уйлантириш билан боғлиқ эди. Шаҳзодалардан Иброҳим Султон, Ийжил – Амироншоҳ ва Шоҳруҳ Мирзо ўғиллари; Умаршайх Мирзо фарзандларидан Аҳмад, Сайди Аҳмад ва Бойқаро Мирзоларнинг биргаликдаги никоҳ тўйлари ўтказилади. Муаррихлар келинлар исми шарифаларини зикр этмаган бўлсаларда, беш шаҳзоданинг ҳар қайси ички никоҳ – ўз амакилари ёки уларнинг ўғиллари қизларига уйланаётган эдилар.

Муаррихнинг сўзларини келтирай.

Мавлоно Шарафиддин Али Яздий тўй кунини, унинг иштирокчиларини шундай таърифлайди: «Соҳибқирон давлатидан камбағал ва қашшоқлар бойиди. Ҳукмдор улугворлик билан тахтга чиқди, тўй тантаналари бошланди. Хонимлар, бегимлар ва келинлар ясан-тусан қилишиб, ўзларини бўяб-чирмаб, буюк бир ҳашамат билан назокатла ёнма-ён ўлтирдилар. Шаҳзодалар ва беклар ҳар қайсиси ўз ўринларида ҳозир бўлдилар. Етти иқлимдан келган элчилар 12 устун соясида жойлашдилар. Ясовуллар, олтин ҳалли тўнлар кийиб, тилло камарлар тақиб, тилло юганли, тилло эгарли отларга миниб, қўлларида тилло ўримли қамчилар тутиб, ҳар тарафга

юриб турдилар, ясовуллик қилдилар. Тантананага махсус безатилган филлар ҳам ҳозир қилиб қўйилди. Ичимликлар тилло қадаҳларга қўйилди, идишлар заррин тошлар билан безатилган эди. Қанча бода, қимиз, асалдан тайёрланган ичимлик, май, ароқ, муадд тайёрланган эди. Шаҳзодалар навбатма-навбат ўринларидан туриб, ичимликлардан ича бошладилар. Тортилган таомларнинг хили ва таъмини ёзишга қалам ожиз. Тўй бўлаётган жой ташқарисида тўпланган одамларга ҳам ичимлик ва ейимликлар мўл-кўл берилди. Ҳавода «бахтли бўлинглар, ичинглар», деган овозлар янграб турарди. Олтин пилаларда олтиндай товланиб турган майлар тарқатилди. Ширин забон муганийлар куйларидан олам сел бўлди, газаллар, қасидалар айтилди. Тўйда туркийча ҳам, уйғур ва мўғул, хитойча ҳам, араб ва форс тилида ҳам ашулалар басма-басига айтилди. Улар орасида Ҳожа Абдулқодирга тенг келадигани топилмади. У кўбиз, ётугон ва уд наволари билан ҳаммани қойил қолдирди. Тўй тантаналарида подшоҳларга, шаҳзодаларга, бекларга қимматбаҳо тўнлар кийдирилди, безатилган тожлар ва тилло камарлар туҳфа этилди. Вақти-вақти билан олтин ва кумуш тангалар сочиб турилди. бу худди куз фаслида дарахтлардан олтин барглар тўкилаётгандек бир манзарани эслатарди. Ниҳоят, янги уйланган ёш кувлар – шаҳзодалар ўзларига ажратилган чодирларга кирдилар. Тўй охирида, ким қаерда ўтирган бўлса, у хоҳлаган нарсани олиши мумкин, унга ҳеч қандай тўсиқ бўлмасин» деган фармони олий бўлди. Эртасига Соҳибқирон шаҳзодаларнинг уйларига ташриф буюриб, уларни қутлади ва олтин пуллар ҳадя қилди. Соҳибқирон билан келган беклар ҳам пулларни аямадилар. Етти иқлим мамлакатларидан келган элчиларга ҳам зарбоф тўнлар ва тилло камарлар туҳфа қилинди. Тўйнинг шодиёнаси икки ой давом этди, юртда ҳамма ором олди, байрам

қилди. Тўйдан кейин Соҳибқирон давлат ишлари билан банд бўлди, шундай фармони олий бўлди: «Бундан кейин ҳеч ким ичмасин». Шаҳзода Пир Муҳаммад Мирзо Ғазнадан махсус таклиф этилган шаҳзодалар тўйи шундай тантанавор ўтказилади».

Соҳибқирон одати шундай эди, доимо улуғвор ишлар, режалар олдидан катта туйлар берар, элу юртнинг фотиҳасини олар эди. Тўйдан кейин унинг фикри ҳаёли Хитой юриши билан боғлиқ бўлади.

Кониғилдан қайтган Амир Темур Сарой Мулк Хоним қурдирган мадрасага тушади. Шаҳзода Пир Муҳаммад Мирзога тож, камар ва от тақдим этиб, Кобул ва Ғазнага қайтишига ижозат беради.

Пир Муҳаммад Мирзонинг бобоси олдида ҳурмати катта эди. Бунга яна бир мисолда айтиб ўтиш жоиз кўринади. Соҳибқирон Хитой юришига отланиб, Самарқанддан чиққанида Халил Султон Соҳибқирон номақбул ишга қўл уради. Халил Султон Амироншоҳ Мирзонинг ўғли бўлиб, Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг бева қолган хотини Хонзода Бегимга уйланган ва бу никоҳдан Халил Мирзо туғилган. Бошқача айтганда, Халил Мирзо ва Пир Муҳаммад Мирзо она бир ака-ука эдилар. Халил Султон Амир Темур сингисининг ўғли Алининг қизи Жаҳон Султонга уйланган эди. Шундай бўладики, Халил Султон бобосининг дўсти, сафдоши Ҳожи Сайфиддинбекнинг канизаги Шоди Мулкни севиб қолади. Соҳибқирон Самарқандни тарк этиши билан уни ўз никоҳига олади. Жаҳон Султон Бегим ўз устига зоти паст канизакни кундош қилиб олишига чидай олмайди ва бу ҳақида бобосига арз қилади. Амир Темур бу гапни эшитиб, қаттиқ ғазабланади, «Шоди Мулкни топиб келтиринглар», деб амр қилади. Халил Султон қалиғини яширади, Соҳибқирон янада қаттиқроқ аччиқланади ва «уни топиб, ўлдиригинглар» деган фармонни беради. Шундай қалтис ва ҳалокатли бир вазиятда Шоди Мулк жонига Пир Муҳаммад Мирзо ора киради ва бу муаммо бир неча кунга тинчий-

ди. Бу қиссанинг давомини Халил Султон ва унинг отаси Амироншоҳ Мирзо оилавий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилганимда, батафсил келтириш ниятим бор. Хонадоннинг оилавий шаънини қаттиқ қўриқлаган Соҳибқирон бундай ўзбошимчаликни кечира олмаган. Шу сабаб, ечимига у яна қайтган. Муҳими, гапи икки бўлишини асло одат қилмаган Амир Темур бир сира набираси Пир Муҳаммад Мирзо сўзини олган. Шунинг ўзи катта иноят эди. Бу ҳол, такрор айтаман, Пир Муҳаммад Мирзонинг салтанатидаги ўрни ва ҳурмати нечоғлик бўлганлигини тасаввур этиш учун кифоядир.

Пир Муҳаммад Мирзо Соҳибқирон Амир Темур танлаган сўнгги валиаҳд эди. Бунинг тарихи шундай. Ҳукмдор Самарқандда тўйни ўтказиб, Хитойни забт этиш мақсадида, йўлга чиққанига беш ойча бўлиб қолган эди. Унинг шавкатли қўшини бу вақтда Ўтрорга етиб келади. Ўтрор билан Самарқанд оралиғидаги етмиш олти ёғочлик йўл тай этилади. Соҳибқирон Ўтрорга 1405 йилнинг 11 февралда келиб тушади. Бу шаъбон ойининг чоршанба куни бўлади. Муаррихнинг шаҳодат беришича, шу кундан Амир Темур ҳазратларининг иссиғи чиқиб, ҳолида ўзгариш пайдо бўлди. Табиб Мавлоно Фазлуллоҳ Табризий муолажада қанча саъй кўрсатмасин, хасталик кундан-кунга кучая борди. Ҳолбуки, Мавлоно Фазлуллоҳ Табризий ўз замонасининг улуғ ҳақимларидан бўлиб, унинг олдига тушадигани бўлмаган. Бу касаллик аломатлари шундай бўладики, бирини даволасанг, иккинчиси кучая бошлайди. Шунга қарамай, Соҳибқирон ўзини жуда маҳкам ва осойишта тутуди, қўшинни ўз измида тутиб туради. Амир Темур соғлиқни энди ўнглаб бўлмаслигини пайқаб, ёнига аёлларини, набираларини, шахсий қуролбардорларини, улуғ бекларни чорлаб васият қилади. Васият сўзлари яхши маълум. У, шу куни Пир Муҳаммад Мирзо Жаҳонгир Мирзо ўғлини – юқорида зикрини қилганимиз набирасини валиаҳд қилиб тайинлашини айтиб, Самарқандга тобе бўлган мамлакат-

лар унинг измида бўлишини тайин қилади. Унинг мустақил ва кучли ҳукмдор бўлишини, давлат ишлари, қўшин ҳолати ва аҳли доимо унинг назар-эътиборида бўлиши кераклигини айтади. Ҳамма катта-ю кичик унга бўйсунуши, амри фармонлари сўзсиз бажарилиши, бунда аҳли мусулмонга бирор азият етмаслиги керак. Шундай бўлганда, менинг кўп йиллик меҳнатларим зое кетмаган бўлади. Сизлардаги иттифоқчиликни четдагилар ҳам билиши лозим. Бу уларни ҳар хил исёнлардан сақлайди, дейди Соҳибқирон.

Амир Темур шу васиятларини қилар экан, «Беклар ва саркардалар жам бўлсинлар ва менинг айтганларимни бажаришга қасамёд қилсинлар. Бу ерда қатнаша олмаётган бошқа саркардалар ва беклар ҳам худди шундай йўлни тутсинлар», деган амри фармонни беради. Жам бўлганлар бу сўзларни эшитиб бари тиз чўкадилар ва йиғлашга тушадилар. Вазирлардан Шоҳ Малик ва Шайх Нуриддинлар, кўзёшлари тўка туриб, «Жонимиз сизга садқа бўлсин, Аллоҳ Таоло Сизнинг ўрнингизга бизнинг жонимизни олсин», дея хитоб қиладилар.

Видо онларида ҳозир бўлганлар, «Халил Султон билан бирга Тошкентда қишлаётган беклар ҳам шу ерга келсалар, бу сўзларни ўз қулоқлари билан эшитсалар» деган тилакни билдирадилар. Соҳибқирон бунга имкон йўқ, бу ёғи оз қолди, имкон бўлганда эди, ўғлим Шоҳруҳни бир кўра олсам, деган хоҳишни билдиради. Бу сўзлардан ҳозир бўлган саркардалар ва беклар кўнглида Халил Султондан бирор бебошлик чиқмаса, деган хавотир бўлганлигини сезиш қийин эмас. Уларнинг хавотирлари асоссиз бўлмаганлигини Соҳибқирон вафотидан кейинги воқеалар далолат этади.

Соҳибқирон охириги соатларини кечираётганида, беклар маслаҳатлашиб, Тошкентга шаҳзода Халил Султон ва Султон Ҳусайнларга Хизр Қовчинни жўнатадилар ва «Соҳибқирон касаллиги кучайиб бораётир, яқин-

лар билан тезликда етиб келинлар», деб тайин қиладилар. Шаҳзода Пир Муҳаммад Мирзога элчи орқали хат жўнатиб, «Хукмдор сизни валнаҳд қилиб тайинлади. Соҳибқироннинг ишлари бошқача бўлди, Самарқандга тезроқ етиб келишга ҳаракат қилинг», дейилади.

Соҳибқирон вафотидан кейин Пир Муҳаммад Мирзонинг қандай йул тутганлиги Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асаарида ўз ифодасини топган. Унда айтилишича, «*Ҳазрати Соҳибқиронни давлат офтоби завол топгандан кейин Мирзо Пир Муҳаммад бу мудҳиш хабарни эшитган ондаёқ юриш жиловини мадинаттуррижол Балхга қараб бурди*». Аммо вақтдан ютқазилган эди. Халил Султон тахтни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган. хазинада Пир Муҳаммад Мирзога тегишли маблағларни бердирмай қўйган эди. Балхга Амир Оллоҳдод, Амир Арғуншоҳ, Темирхожи ва Ҳожа Юсуфларни юбориб, уларга Мирзо Султон Ҳусайнни бошчи қилиб қўйганди. Уларнинг вазифаси Пир Муҳаммаднинг ҳаракатларидан огоҳ бўлиб туриш бўлган.

Шу йиллар воқеаларини тарихлардан ўқиб, мушоҳада юритар эканман, манфаат, тожу тахт қутқуси шунга матлубларни ҳам, номатлубларни ҳам жунбишга келтирганидан ҳайратга тушаман. Матлублар – Соҳибқироннинг ўғлонлари ва набира-эваралари ҳокимиятга эга бўлиш пойгасида от сураётган қариндошларни ўнғай келган буримда итариб ташлашга жонжаҳдлари билан интилган бўлсалар, номатлублар – парчаланаётган салтанатдан каттароқ насиба олиб қолишга киришаётган вазирлар, беклар, амирлар, ҳатто саройга яқин бўлган аёллар ҳам бу курашга муккадан кетган эдилар.

«Пир Муҳаммад Мирзо билан Халил Султон бир онадан туғилган – Хонзода Бегим уларнинг волидалари эди. Ука мақомида бўлган Халил Султон Соҳибқирон бобоси васиятини бузиб, тахтни унинг қонуний эгаси Пир Муҳаммад Мирзога бермайди. Пир Му

ҳаммад Мирзо улуг вазир Шоҳ Маликни Балхга чақириб, Халил Султон устидан кўп шикоятлар қилди», деб ёзади Абдураззоқ Самарқандий. Пир Муҳаммад Мирзо одамлари, «Мирзо Пир Муҳаммад ҳазрати Соҳибқироннинг валиаҳдидир. Тахт унга тегишли, чунки у оға, Мирзо Халил эса инидир», дейдилар. Мирзо Пир Муҳаммад Мирзо Халилга элчи йўллаб, «Ҳазрати Соҳибқирон тахти мамлакат Халил Султонга қолади, деб қачон васият қилган?» деган мазмунга мактуб юборди. Мирзо Халил Султон унга жавобан, «Амир Темур ҳазратларига тахту мамлакатни берган қодир Эгам менга ҳам иноят қилди», деган беписанд сўзларни ёзиб юборади. Орада бўлиб ўтган гап сўзлар, жангу жадаллар алоҳида мавзу бўлгани боис, бу ерда ҳикоятни ихтисор қилиб, Пир Муҳаммад Мирзо билан боғлиқ бўлган фожиа воқеаларни эслатиб ўтаман.

Мирзо Пир Муҳаммад табиатан ҳокимиятга ўч киши бўлмаган. Ёшлик ва ўспиринлик йилларида ҳарбу зарбларда бир муддат жадал иштирок этган бўлса-да, кейинчалик Кобул ва Ғазни мулкларини бошқариш билан машғул бўлган йилларида осойишта ва ҳашаматли ҳаёт кечиришга кўникиб қолган. Бобоси вафотидан кейинги тахт курашларига бошда бир оз бош қушган бўлса-да, куп ўтмай, ундан этак силкишини муаррих шундай ёзади: «*Жанг майдони базм айвонига алмаштирилди, у эртадан кечгача хусравони куйлар тинглаш билан бўлиб, подшоҳлик вилоятларини бошқаларга ташлаб қўйди. Унинг ишрат билан бандлиги ҳаддидан ўтгач, мамлакат ишларида тартибсизлик зоҳир бўлган, Пир Али Тознинг куч-имкониятлари зиёдалашди... 1407 йил 27 феврал кунини нопон Пир Али Тоз бенуқсон қалбли шаҳзоданинг сарапардаси ичига бостириб кириб унга ва унинг бир неча кишиларига шаҳидлик шарбатини ичирди*».

Жангу жадаллардан безиб ўзини хилватга олган валиаҳд тақдири шу тахлит фожеий якунига етади. Пир

Али Тозни шаҳзоданинг ўзи хизматкорликдан беклик даражасига етказган эди. Пир Али Тоз ҳам турган гап-ки, қилмишига лойиқ жазога мустаҳик этилади. Улуғвор хонадон, шу тариқа, дастлабки қурбонларини бера бошлайди. Оила шаънидан путур кетиб, Соҳибқирон жасади совумай, ҳокимиятга ўч, манфаатпараст, бобосининг қаттиққўллигидан шум ниятларини ичига сақлаб келган набира, эваралар ўзаро ёвларга айланишади. Валиаҳд Пир Муҳаммад Мирзо бу йўлдаги биринчи қурбон эди. Унинг ўлими хонадонни ларзага келтирмай қолмайди. Халил Султон, Султон Ҳусайн каби ўзбошимчаларни маҳв этадиган куч – Шоҳруҳ Мирзо тез орада барча ташаббусни ўз қўлига олади. Оила шаъни оёқ ости қилинишига йўл қўйилмайди.

Пир Муҳаммад Мирзодан етти ўғил қолади. Уларнинг тўнғичи Қайду 9 ёшда эди. Шарафиддин Али Яздий Пир Муҳаммад Мирзо 27 ёшида ҳалок бўлди, дейди. Яхши биламизки, у отаси Муҳаммад Жаҳонпир Мирзо вафотидан (1376 йил) 40 кун ўтиб, дунёга келган эди. Демак, у 31 йил умр кўрган эди.

ШАҲЗОДАЛАР ҲАМ ЙИҒЛАЙДИЛАР

Соҳибқирон Амир Темурнинг учинчи ўғли Амироншоҳ – Амироншоҳ Мирзонинг болалик ва ўспиринлик даври, акалари таржимаи ҳолида бўлгани каби тарихий манбаларда ўз аксини топмаган. Муаррихлар ўз асарларининг дебочаларида алоҳида урғу бериб, қайд этганларидек, Амир Темур ҳазратлари ёзилажак тарихларига жуда катта аҳамият қаратган, уларни неча бор ўқитиб, муҳокамадан ўтказган. Шундай асарлардан бири «Туркий манзума» бўлиб, Соҳибқирон кечмишини назмий йўлда баён этган. Шарафиддин Али Яздий бу китобга қўйилган талаб тўғрисида сўзлар экан, «Туркий манзума муаллифи, ул ҳазрат (Амир Темур – П.Р.) шахсан ўзи бош бўлган фаройиб ишлардан баъзиларини, эҳтимол, бундан сўнг одамлар ишон-

масликлари ва ортиқча таъриф тавсифга йўйишлари мумкин, деб ёзиб қолдиришга йўл қўймади, деган. Шу сабабдан, дастлабки пайтларда ул ҳазрат ҳаётида содир бўлган купгина қизиқ воқеалар ва жанглар бу асарда ҳам (яъни «Зафарнома»да) айтилмай қолди», деган қайдни келтириб ўтади.

Ўзининг ёшлик даврида амалга оширган ишлари тафсилотларининг китобларга киритилишига шундай андиша билан қаттиқ турган Соҳибқирон фарзандларининг болалик даври билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларнинг оммалаштирилишини ҳам, эҳтимол, хоҳламагандир. Хукмдор, шахсий ҳаёт билан салтанат ишлар тафовутини теран ҳис этганлиги боис, асосий мазмун моҳиятни иккинчисига бағишлашини муҳим деб ҳисоблаган. Тарихий манбаларда, шу сабабдан бўлса керак, шахсият билан алоқадор бирор чизгини топиш амри маҳал. Шу сирага Амироншоҳ Мирзо таржимаи ҳоли ҳам мансуб. У, 1366 йилда Кеш шаҳрининг ён атрофларидаги мавзеларидан бирида таваллуд топган. Амироншоҳ Мирзо туғилган йилда Қашқа воҳаси мўғулларга қарши кураш чорраҳасига айланган, бу йўлда иттифоқ тузишлар, йўлдан озмишлар, хиёнатлар, парокандалик, ўзаро ҳокимият талашлари бениҳоя даражада авжига чиққан эди. Туркистон тақдири курашлар ғалвирида эланиб, сараланган икки шахс хатти-ҳаракатига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолганди. Булар Амир Ҳусайн ва Амир Темурлар эди. Амир Темур давлатчилик ойинига қаттиқ амал қилгани туфайли, тахтга қонуний даъвогар бўлган қайноғаси Амир Ҳусайнни қўллаб-қувватлайди, унинг ҳокимиятда мустаҳкам бўлишини, мўғулларга қарши курашини ниҳоясига етказишини астойдил хоҳлайди. Бироқ, унинг ишончи оқланмайди. 1360 йилдан то 1370 йилга қадар кечган ўн йил мамлакатни хароб қилишидан ташқари мўғул босқинчиларининг қайта ҳокимиятга келишига ҳам муқаррар йўл очади. Ички Мўғулистондан Мовароуннаҳрга қарши босқинлар уюштирилиши бу

хавфнинг муайянлигини англатар эди. Ақлли, фаросатли, ватанпарвар эл кайвонилари шу жиҳатларини ҳисобга олиб, Амир Темур атрофида жипслаша бошлайди. Ўлжой Туркон Оғо тириклигида газаклай бошлаган низо, унинг вафотидан сўнг узил-кесил ечимига боради. Амир Темурни йўқ қилиш ҳаракати ошкора ва пинҳона тус олиб, Амир Ҳусайннинг узоқни кўра олмайдиган, юрт бирлиги ғоясидан кўра, шахсий манфаат қутқусига берилиб қолган калтабин киши эканлигини далолат этади. Амироншоҳ Мирзо ана шундай зиддиятли икки устундан бири қулаши керак бўлган пайтда оламга келади.

Амироншоҳ Мирзонинг онаси ким бўлгани тўғрисида олдинги саҳифаларда тахминимни айтдим. «Темурийлар шажараси» китобининг муаллифи раҳматли Турғун Файзиев, Амироншоҳ Мирзонинг онасини «Менглибек(а) Оғойи Жон Қурбони», деб кўрсатади. Эҳтимол, мен ўқимаган тарихларда шундай далил бордир. Темурийлар тарихини ёзган муаррихлар ҳам айрим ўринларда янглишганларини кўрдик. Ибн Арабшоҳ Соҳибқироннинг қизини унинг хотини тарзида келтириб, жуда қўпол хатога йўл қўйган бўлса, яна бир ўринда аканинг аёлини уканики дейилганига ҳам гувоҳ бўлдик. Бундай мисолларни тагин келтиравериш мумкин. Яздийда ҳам, Шомийда ҳам ўн йил аввал вафот этган Дилшод Оғони Соҳибқиронни кутиб олувчилар сафига қўшиш ҳоллари учрашини истисно қилиб бўлмайди. Шунга кўра, Менглибек (Менглибека) Оғайи Жон Қурбонини Амироншоҳ Мирзонинг онаси дейишга асослар кўринмайди. Унинг Муборакшоҳ Санжарийнинг қизи бўлиши эҳтимоли отаси исмига (Жон Қурбони) кўра, эътибордан соқит қилинади. Жон Қурбони – Жони Қурбонийлар туркмонларнинг бир тўпори бўлиб, аввалбошдан Амир Темур билан душманлик рутбасида бўлиб келганлар. Алибек Арғуншоҳ ўғли Жони Қурбоний вақтида Мохонда Амир Темурни бандда сақлаган, унга қаттиқ азоблар берган киши эди.

1380 йилда Соҳибқирон ўртадаги адоватни кўтариш учун Алибек Жони Қурбонийнинг қизини набираси Муҳаммад Султонга олиб берган эди. Соҳибқироннинг туркман қавмлари билан қариндошлашиши даражасида бундан ортиғи бўлмаган. Олдинда кўрдик, Алибек на қариндошликни тан олган ва на итоатга кирган.

Амироншоҳ Мирзонинг онаси Ўлжой Туркон Оғо бўлганлигини тахмин қилишимдаги асосий таянч нуқта Соҳибқирон вафотидан кейин унинг фарзандлари – Султон Бахт Бегим, Амироншоҳ Мирзо, Шоҳруҳ Мирзо ва набираларнинг ҳаёт-мамот кунларида хил хилига, тур турига, яъни ота бир, она бир равишига қараб ажралган дамларида Амироншоҳ Мирзо билан Султон Бахт Бегимнинг ёнма-ён бўлганлиги мулоҳазаси бўлган эди. Йўқса, бу пайтда Амироншоҳ Мирзо ҳокимиятдан мосуво этилган, Шоҳруҳ Мирзо, аксинча, Соҳибқирон мулкларида ягона ҳукмдор сифатида қарор топаётган эди. Нега энди, ҳатто ўз ўғли Абу Бакр ва Умар Мирзоларга сизинди бўлиб қолган, коптокдай ё унисига, ё бунисига тепиб итқитилган, обрўдан тушган Амироншоҳ Мирзо паноҳи маъқул кўрилган? Шоҳруҳ Мирзо ота бир опасига – Султон Бахт Бегимга мурувват қилмасмиди? Отасининг беваси Туман Оғони Шайх Нуриддин чангалидан қутқарган, бу йўлда қон тўкиб бўлса-да, оила шаънини сақлаб қолишга муваффақ бўлган Шоҳруҳ Мирзо опасини ўғайлармиди? Бу бобда азиз, ўқувчим, итмомига етмаган саволлар жуда кўп ва уларнинг ечимини келгуси тадқиқотларга қолдираман. Ишончим комилки, ҳали истифодаги киритилмаган манбалар кўп, уларда бу муаммоларга жавоблар бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Амироншоҳ Мирзо ҳам, акалари сингари 1370 йилга қадар Кешда тарбият топган. 1370 йилдан 4 ёшига қадар ўниб-ўсгани Кешдан Самарқандга ўтади. Отаси пойтахт қилган Самарқандда у билим олади, ҳарб санъатини ўзлаштиради. Амироншоҳ Мирзо билим-

ли, ақлли, босиқ ва кучли йигит сифатида танилади. У, бизнинг кўз ўнгимизда 14 ёшида, ҳар жиҳатдан етилган мардона шаҳзода сифатида намоён бўлади.

«Зафарнома»да айтилганидек, XIV асрнинг 80-йилларида Эрон мамлакатада тарқоқлик авж олган бўлиб, «вилоятларда қандайдир гуруҳлар бош кўтариб, ҳукм сураётган» эди. 1380 йил кузида Амир Темури Хуросон мулки ҳукмдори қилиб, ўн тўрт ёшли ўғли Амироншоҳ Мирзони тайинлайди. Хуросонни идора қилиш ишларида шаҳзодага ёрдам бериш учун Жаҳонгирбекни (у, бир вақтлар Кеш ҳокими бўлган Ҳожи Барлоснинг укаси эди), Ҳожи Сайфиддинбекни, хуллас, ўнга яқин таниқли амирларни, давлат арбобларини эллик қўшин ва кўч кўрони билан Хуросонга жўнатади. Эллик қўшин дегани ҳазилакам куч эмасди. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, ўша пайтда Амироншоҳ Мирзога 25 мингдан 50 мингга қадар сипоҳий (бир қўшинда 500, 1000 одам бўлган) берилган. Ҳожи Сайфиддин сингари атоқли саркардаларнинг шаҳзода ёнида бўлиши бу ишга қандай аҳамият қаратилганини яхши англатади.

Амироншоҳ Мирзо. назаримда, 12 – 13 ёшларда уйланган. Унинг тўнғич фарзанди Абу Бакр Мирзо 1382 йилда таваллуд топган. Абу Бакр Мирзонинг онаси Хоника Бегим бўлганлиги Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаийи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида, 1405 йил воқеалари мундарижасида зикр этилади. Асарда, «Мирзо Абу Бакр ёши катталигига қарамай, ҳукмга итоат қилиб, онаси Хоника билан бирга Мирзо Умарнинг ҳузурига келди» дейилади. Бундан келиб чиқадиган хулоса ортиқча шубҳага ўрин қолдирмайди. Амироншоҳ Мирзо Хоника Бегимга 1380–1381 йиллар оралиғида уйланган ва орадан кўп ўтмай, 1382 йилда Абу Бакр Мирзо оламга келган. Ҳарҳолда, тўй унинг Хуросон ҳукмдори этиб тайинланишидан олдинроқ бўлиб ўтганлигини фаҳм қилиш мумкин.

Хуросон мулкларини бошқариш осон кўчадиган иш эмасди. Жайхунни кесиб ўтган шаҳзода шу йил қишида Балх ва Шибирғонда бўлади. Қиш охирларида Бодғистга юриш қилиб, ғолиб бўлади. 1381 йилнинг бошларида Соҳибқироннинг ўзи ҳам Эронга қўшин тортади. Хуросон итоатга олинади ва Амироншоҳ Мирзо Сарахсга жўнатилади.

Соҳибқирон Амир Темур ўз итоатига олган вилоятларда адолатни қарор топдириш учун интиланган. Ғуралар юртида Малик Ғиёсиддин ҳукм сурган йилларда Абу Саъид Исроҳбод Ғурий ҳокимиятга даъвогар сифатида, ўн йил аввал, ҳали бола эканида зиндонга ташланган бўлади. Уни зиндондан халос этиб, Амир Темур кўп яхшиликлар қилади. 1383 йилнинг бошларида ана шу собиқ маҳбус Амироншоҳ Мирзо Мурғобнинг Панждеҳ деган жойида қишлаб турган пайтида, Малик Пир Муҳаммад дегани билан тил бириктириб, ёнларига қанча бебошларни тўплаб, Ҳиротни олиш учун юриш қилади. Улар Ҳиротга яқин келганда, бу жойдан ҳам таъма талаб авбошлар уларга қўшилади. Шаҳар доруғаси, навкарлар солиқ йиғувчилар воқеани эшитиб, ҳаммалари Ихтиёриддин қалъасига кириб, яширинадилар. Абу Саъид Ғурий бошлиқ қуроланган талончилар шаҳарга кириб, номаъқулчиликни каттартирадилар. Қалъа дарвозасига ўт қўядилар, аҳли мусулмонни қиришга тушадилар. Қалъа ичидаги туркий аҳолига зулм қилиб, уларни ўлдирадилар. Хабар тезда Амироншоҳ Мирзога етказилади. Шаҳзода Амир Сайфиддин ва Оқ Буғо бекларни тезда Ҳирот сарига йўллаб, ортидан ўзи ҳам шаҳар ҳимоясига отланади. Амироншоҳ Мирзо одамлари Ҳиротга етиб келганларида талончи ғурийлар шаҳардан чиқиб, кўчаларда, боғларда пистирмалар қўйиб, кураш бошлаб юборади. Шаҳзоданинг қатъияти туфайли талончилар мағлуб этилади, уларнинг оз қисми қочиб қутулади.

Бу босқинчилик хабари Самарқандга, Амир Темурга ҳам етади. Хунрезлик сабаблари текшириб кўрил-

ганда, унинг ортида Самарқандда ҳибсда бўлган, гурийларнинг собиқ ҳукмдорлари Малик Гиёсиддин ва унинг укаси Малик Муҳаммад ҳамда Андижонда бандда сақланаётган, бизга яхши таниш – Соҳибқироннинг қудаси ва азалий душмани Алибек Жоникурбонийлар тургани аниқланади. Шу воқеа сабаб, фитнагарлар қатлга тортилади. Амироншоҳ Мирзонинг саъй-ҳаракати сабаб, Ҳирот мулклари сақлаб қолинади.

Амир Темур 1383 йилнинг кузида Мазондарон томонга қўшин тортади. Соҳибқирон бу ўлкаларни тобе этган вақтларида, уларни идора этиш ишларини маҳаллий ҳукмдорлар сулоаларидан бўлган кишиларга топширган эди. Шулардан бири Шайх Довуд Сабзаворий эди. Унга Сабзавор мулкларини бошқариш ишлари топширилганди. Сабзаворда доруға қилиб қолдирилган Тобон баҳодурни ўлдириб, Шайх Довуд бўйсунмаслик йўлига киради. Туман Гармсирий ҳам бош кўтаради. Амироншоҳ Мирзо исёнчиларни қамалга олади. Душманлик йўлига кирганларга қарши Соҳибқироннинг ўзи ҳам зарур чоралар кўради. Мамлакатни ўз бошига идора қилиб келган, майда бекликларга бўлиниб қолган Хуросонни бирлаштириш, яхлит ҳолга келтириш осон кўчмаган. Амироншоҳ Мирзо, ҳокимият илинжида ҳар қандай тубанликдан қайтмайдиган исёнчиларни жиловлашда шу йилларда қаттиқ шижоат кўрсатади. Қароқчилик йўлига кирган Тумон Ниқударий карвон йўлларини назоратга олиб, талоғчиликни кучайтиради. Амир Соҳибқирон унинг танобини тортиб қўйишга Амироншоҳ Мирзони йўлмайди. Шаҳзода бу вақтда ўн етти ёшга кираётган эди. Тумон Ниқударий саҳрода жойлашиб олган бўлиб, Амироншоҳ сипоҳийларини кўргач, жангга ҳозирлик кўради. Унинг ёши бир жойга етиб қолган, бунинг устига, у Амир Темурнинг яқин дўсти Амир Сайфиддин билан қадимдан дўст бўлган киши эди. Амир Сайфиддин Тумон Ниқударийга насиҳат қилиб,

Соҳибқирон олдига олиб боришини, нимани хоҳласа, шунга эриштиришини ваъда қилади. Никударий ўзига ишонганидан, гапга кўнмайди. Амироншоҳ Мирзо кўшини ғолиб бўлади ва дашту саҳро йўллари талончилардан халос этилади.

Амироншоҳ Мирзо ҳарб ишларида мунтазам қатнашиб, чиниқа боради. Соҳибқироннинг вақти-вақти билан унга ёрдамга келиши саркардалиқ маҳоратининг ошиб боришига таянч бўлади. Хуросон юришларида Соҳибқирон Амироншоҳнинг қобилиятига ишонч ҳосил қилади, бир вақтлар марҳум ўғли Жаҳонгир Мирзога боғлаган умидларини унда кўргандек бўлади. Амироншоҳдан ёши катта фарзанди Умаршайх Мирзо қолиб, Жаҳонгир Мирзонинг бева қолган хотини Севин Бека – Хонзода Бегимни 17 ёшли Амироншоҳ Мирзога никоҳлаб беради. Хонзода Бегим эри Муҳаммад Жаҳонгир вафот этгандан (1376) бери икки ўғли тарбияси билан банд бўлган. Унинг Амироншоҳ Мирзога никоҳланиши 1383 йилда Жаҳонгир Мирзо ўлиmidан 7 йил ўтиб, воқе бўлган. Севин Бека – Хонзода Бегим Хоразмий Оқ Сўфининг қизи бўлиб, унинг авлоди Олтин Ўрда хонларига бориб тақалиши хусусида олдинда сўз юритилди. Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо ҳаётдан кўз юмгандан кейин ҳам Хонзода Бегим ва унинг мавқеига алоҳида эътибор қаратилган. Хонзода Бегимнинг ёши Амироншоҳ Мирзодан камидан олти-етти йилга катта бўлган. Шу жиҳатдан у Умаршайх Мирзога кўпроқ муносиб бўлиши мумкин эди. Соҳибқирон кўнглидан нималар кечган, нега у шундай қарорга келган, бу саволларга аниқ жавоб бўлиши мушкул. Замонасининг муаррихлари ҳам бу ҳақда бир сўз айтмаганлар. Ақалли, Хонзода Бегимнинг Амироншоҳ Мирзога тегиш санаси ҳам пинҳон қолган.

1384 йилнинг баҳорида Соҳибқирон Амир Темур Мазондаронга кўшин тортганида, Мурғоб дарёсига етишганида унинг ҳузурига Хиротдан Амироншоҳ Мирзонинг хотини Хонзода Бегим келганлиги «Зафар-

номада тилга олинади. Шу таъриф чоғида Хонзода Бегим қўлида Халил Султон икки ойлик чақалоқ эканлиги ҳам айтилади. Хулоса қилинадиган бўлса, Амироншоҳ Мирзо билан Хонзода Бегим тўйи 1383 йил бошларида бўлиб ўтганлигини қайд этиш жоиз бўлади. Нима бўлганда ҳам, шу йилларда Амироншоҳ Мирзонинг юддузи чарақлаб, еттинчи фалак қаҳқашонида порлаб нур сочаётган. Соҳибқирон отаси назарига тушган, ота ўз ўғлига катта умидлар боғлаган эди. Бир вақтлар Хонзода Бегим никоҳи сабаб, туркий давлат яхлитлиги ҳақида ният қилган, Дашти Қипчоқу Олтин Ўрдани ҳам ўз ичига олган улкан туркий давлат тахтида Жаҳонгир Мирзони кўрмоқчи бўлган Соҳибқирон дилида сўнмаган умид учқунлари Амироншоҳ Мирзо шахсида яна алангалана бошлагандек эди. Мурғоб дарёси бўйидаги қўналғада Хонзода Бегим ва унинг икки ойлик чақалоғи – Халил Султон шарафига улуғ малика Сарой Мулк Хоним катта тўй беради. Хонзода Бегимдан Халил Султонни ўз тарбиясига беришини сўрайди. Бу Хонзода Бегимга кўрсатилган давлатона иззат-ҳурматнинг олий нишонаси эди.

Соҳибқирон қўшинлари Хуросонда Валибек билан кўп жанглар олиб боради. Бу иккиюзламачи одам ҳокимият илнжида кўп қонлар тўкилишига сабабчи бўлади. Шундай жангларнинг бирига Амир Темурнинг ўзи бошчилик қилади. Валибек жуда хавфли душман эди. Жанг олдидан барча ҳарбий тараддудлар кўрилади, ўрачалар қазилади, улар олди шох-шабба билан пана қилиниб, кўзга чалинмайдиган ҳолда келтирилади. Соҳибқирон 30 қўшинни захирага қўйиб, хужумга чоғланади. Кун кечга тортиши билан Валибек сон-саноксиз лашкари билан Соҳибқирон қўшинларига қарши ҳужум бошлади. Душман Амир Темур қўшинининг ўнг қанотига – Амироншоҳ Мирзо устига катта шовқин сурон билан ташланади. Чоғга етиб, қилч ва найзалар билан ўрачаларни бузишга тушадилар. Ёв ниҳоят кўп бўлганлиги сабабли, ортдаги кат-

та қазилган чоҳга йиқила бошлайдилар. Амироншоҳ Мирзо таҳликага тушмасдан, баҳодирлик кўрсатиб, душман устига шердек отилади. Ёв йўлига ўтиб бўлмас, «кипри»¹ ларни – тўсиқларни кўндаланг қўйди-ради. Худди шу вақт, захирада, пайт пойлаб турган 30 қўшин душман устига ташланди. Валибек ҳужум бошлашдан аввал теварак-атроф йўлларга чуқурлар қаздирган ва улар устига шох-шабба ташлатиб, Соҳибқирон қўшини ўтадиган бўлса, шу чоҳларга тушиб, йиқилиб ўлсин деган ниятда макр йўлини тутган эди. Захирадаги 30 қўшин жангга киргач, Валибек шармандаларча чекиниб қоча бошлайди. Қочиш асносида улар ўзлари қазиган чоҳларга, чуқурларга тушиб ҳалок бўлади. Муаррих Шарафиддин Али Яздий киноя билан, «ўзгага чоҳ қазма, дафъатан ўзинг унга тушасан» деган мақолни шу жойда жуда ўринли ишлатади.

Амироншоҳ Мирзо 21 ёшга кирганида, энг хавфли душман Тўхтамишхонга қарши курашларда ҳам ўзини кўрсатади. 1387 йилнинг март ойида Соҳибқирон Бардаъв томон юзланганда, Тўхтамишхон Амир Темурга итоат қилишдан чиқиб, Дарбанд йўли бўйлаб қўшинларни ҳужумга шайлайди. Вақтида Жўжи улусида Алибек Қўнғирот, Ўзбек Темур ва Оқ Бўғо Бахрин исми улуғ беклар ҳаёт бўлган пайтларида Тўхтамишхон улар насиҳатини олиб, Амир Темурга – ўзини Дашти Қипчоққа ҳукмдор этган зотга ҳамиша ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, йилда туҳфалар юбориб турган. Шу бекларнинг қўллаб-қувватловида унинг давлати кучайиб, лашкари сони ортиб боради. Бу вақтда Ўзбек Темур ва Оқ Бўғолар оламдан ўтади. Тўхтамишхон атрофида узоқни кўра олмайдиган димоғдор беклар тўпланади ва уни Соҳибқиронга қарши қайрай бош-

¹ Учили қозиклардан қилинган, типратиконни эслатадиган ровлар.

лайдилар. Улардан бири Қозончи дегани бўлиб, вақтида ўз отасини ўлдирган бу нокас Тўхтамишхоннинг бош беги даражасига кутарилади. Шу беклар тезлаши билан у Озарбайжон устига, юқорида айтилганидек, босиб келади. Соҳибқирон, Тўхтамишдан бундай қабиҳлик чиқишига ишонмай, Шайх Али Баҳодур, Ийгу Темур ва Усмон Аббос сингари бекларни жўнатиб, Қўра дарёси нариги соҳилида турган ёв чиндан ҳам Тўхтамишхоннинг сипоҳийларими, эканлигини аниқлашни топширади. Дарёдан ўтган Амир Темур лашкаридан 40 дан зиёди қириб ташланади. Амир Темур ўз саркардаларига Тўхтамишхон қўшини билан урушишни ман қилганди. Лашкар тортиб келишдан мақсад нималигини аниқлаш учун дарёдан ўтганлар аёвсиз ўлдирилади. Булар Соҳибқироннинг урушмаслик фармониغا риоя қилиб, жанг бошламайдилар, ортга қайтадилар. Тўхтамишхон лашкари Амир Темур қўшини қочди деб, уларни таъқиб қилади ва ўлдиришига тушади. Ортга қайтаётган қўшин олдидан Амироншоҳ Мирзо ўз қўшини билан чиқиб қолади. Амироншоҳ Мирзо билан улар изларига қайтиб, душман билан рўпару бўладилар. Тўхтамишхон лашкарини Дарбанднинг тор йўлакларида тўрт томондан ўраб олиб тор-мор этадилар. Кўпларини асирга оладилар ва Соҳибқирон ҳузурига банди қилиб олиб келадилар. Соҳибқирон мулкларига кўз олайтирган, жангга кирмаган сипоҳийларни кирган асирларни яхшилаб сўроқ қилиб, уларни ҳаммасини кечиради. Соҳибқирон дейдики, «Тўхтамиш билан бизнинг ўртамизда ота-болалик муносабати бор. Нега энди, у бирдан аҳмоқона ишларга қўл ура бошлади? Унинг бу қилмишидан бир қанча мусулмонлар, бегуноҳлар ҳаётдан кўз юмди. Айтинглар бориб, бундан буён у бу ишларини йиғиштирсин, олдинги қасамларида ва келишувда турсин. Биз сизларни қўйиб юборамиз, боринглар, унга бизнинг шу сўзларимизни етказинглар». Асирга олинганларга тўнлар кийдирилиб, отлар берилиб, қўйиб юбо-

рилади. Бундай йўл тутиш Соҳибқироннинг улур давлат арбоби даражасига кўтарилганлигидан нишона эди. Лекин, тузкўр Тўхтамишхонда бундай сифатдан асар ҳам йўқ эди.

1388 йилга қадар Амироншоҳ Мирзонинг салтанатдаги обрў-эътибори ошиб боради. Соҳибқирон шу йили Беҳишт боғида набиралари Муҳаммад Султон ва Пирмуҳаммад Мирзоларни уйлантириб катта туй берганида, Амироншоҳ Мирзо ҳам туйнинг бошида турганларнинг бири бўлади. Тўйдан кейин, Амир Темур Амироншоҳ Мирзонинг Хуросонга ўз кўшинлари билан қайтишига ижозат беради.

Хуросон бу пайтда нотинч эди. Азалий душман Алибек Жони Қурбонийнинг укаси Ҳожибек Жони Қурбоний Қалат ва Тус вилоятларида кўшин тузиб, бўйсунмаслик шевасини аён қилади. Амироншоҳ Мирзо кўшини ҳужумига у бардош бера олмайди. У Семнонга қочиб келганида, Хазарагир сайидлари уни тутиб, Амироншоҳ Мирзога топширдилар. Шаҳзода, шу тариқа, вилоятларни хавфли душманлардан тозалаб, Ҳиротга, ўз қароргоҳига қайтиб келади.

Соҳибқирон Амир Темур Тўхтамишхонга ва Жетага қилган юришларидан зафар билан қайтиб, 1389 йилнинг 30 августида Самарқандга келиб тушади. Бутун элга тўй берилади. Муаррих, бу даврда «аҳоли тинч ва адолатда, ободонлик ва фаровонликда шоду хуррам ҳаёт кечираётган эди», деб ёзади. Шу йили қиш кириши билан Амир Темур Бухородан 30 чақирим бўлган Фаркат кўли бўйига отланади. Бу мавзеда бир қанча кўллар бўлиб, унда ҳар хил ноёб қушлар макон қурган эди. Бу жойларда айниқса қув (урж) деган қушлар ниҳоятда кўп эди. Соҳибқирон қуш овига чиқиб, ҳордиқ ёзди. Бухоро яқинидаги бу гўша аввалдан олов жой сифатида шуҳрат тутган. Муаррих Жувайний ўзининг «Тарихи жаҳонгўшаи» деган асарида Чингизхоннинг ўғиллари Чигатой ва Ўқтойлар доимо шу ерда қишлаб, ҳар ҳафтада 50 туйга юк бўладиган (тахм.,

15 тонна) қушларни овлаб, Самарқандда турган Чингизхон дастурхонига етказганларини ҳикоя қилади.

Шаҳзода Амироншоҳ Мирзо Хуросон ишларини тартибга солганидан сўнг, Соҳибқирон чорлови билан Бухорога, ҳордиқ ва ов мавсумига етиб келади. Шаҳзода номдор беклар томонидан катта ҳашамат билан кутиб олинади. Амир Темур баҳодир фарзандининг ташрифидан жуда севинади. Шу қишда, Фаркат мавзесида бирин-кетин иккита тўй бўлиб ўтади. 1390 йил қишида Соҳибқироннинг қизи Султон Бахт Бегим унинг ўз жияни Сулаймоншоҳга узатилади. Амироншоҳ Мирзонинг тўнғичи Абу Бакр Мирзо, у бу пайтда 8 ёшда эди, Соҳибқироннинг сафдоши ва болалик дўсти Ҳожи Сайфиддиннинг қизига унаштирилади. Амироншоҳ Мирзонинг хотини Хонзода Бегим шу муносабат билан катта тўй уюштиради, ҳаммага туҳфалар тарқатади. «Зафарнома»нинг 2008 йилдаги русча нашрига изоҳ ёзган олим Ашраф Аҳмедов, «1382 йилда туғилган Абу Бакр Мирзо Амироншоҳ Мирзонинг Хонзода Бегимдан туғилган тўнғич ўғли», деган фикрни келтиради. Ҳолбуки, бу изоҳдан олдин, 456-ўринда берилган яна бир изоҳда Хонзода билан Амироншоҳ Мирзонинг тўйи 1383 йилда бўлганлиги айтилади. Чамамда, бу янглишнинг сабаби, Хонзода Бегимнинг тўй бошида турганлиги бўлса керак. Олдинда кўрдикки, Абу Бакр Мирзонинг онаси Хоника Бегим бўлганлигини Абдураззоқ Самарқандий таъкидлаб кўрсатган. Амироншоҳ Мирзо билан Хонзода Бегимнинг катта ўғли Халил Султон бўлиб, 1384 йилда таваллуд топганлигини қайд этиб ўтдик. Бу хилдаги янглишлар олдинги тарихларда кетганидек, бугунгиларида ҳам тўхтаб қолган эмас. Бу табиий ҳол. Шажаралар, сулолалар билан боғлиқ ришталар шунчалик чувалашиб кетганки, кўпинча, унинг учи-қуйруғини топишда хатога йўл қўймаслик мумкинмас.

1390 йилнинг охирларида Соҳибқирон Амир Темур Дашти Қипчоққа, Тўхтамишхонга қарши қўшин

тортади. Хўжандга етиб, улуғ авлиё Шайх Маслаҳат Хўжандий мақбарасини зиёрат қилади. Камбағаллар ва дарвешларга ўн минг олтин кепакни инъом этади. Бу ердан Тошкентга қишлош учун ўтади. Тошкентга келиб, Соҳибқирон қаттиқ ётиб қолади. Қирқ кун яқинлари игна устида юрак ҳовучлаб яшайдилар. Муаррих далолатига кўра, бутун аҳоли Амир Темурнинг соғайиши учун тилаклар қилади, «элнинг нидоси эшитилди, Аллоҳ сиҳҳат ато қилди», дейди «Зафарнома» муаллифи. Соҳибқирон тузалганини эшитиб, одамлар шоду хуррам бўлади. Шу орада Хуросондан Амироншоҳ Мирзо ҳам етиб келиб, отасидан ҳол-аҳвол сўрайди. Қўшиндаги барча сипоҳийларга озиқ-овқат, қурол-ярроғ тарқатилади. Юриш бошланади. Қора Саман деган жойга етганларида Тўхтамишхондан элчилар етишади. Тўхтамишхон 9 от ва лочин туҳфа қилиб, юборган, мактуб ҳам йўллаганди. Мактубда, «Хукмдор билан мен ота-боламан, у менинг раҳнамомдир. У менга кўрсатган олижанобликларни бирон-бир ота фарзандига қилолмасди. Магар мен йиллар давомида миннатдорчиликларимни канда қилмаганимда ҳам, ҳеч нарса айтолмаган бўлардим. Менинг хабарим бўлмаган ҳолда, бир неча аҳмоқ бадбахтлар кўп номақбул ишларни қилганларки, бундан мутлақо огоҳ бўлмаганман. Хукмдор биз томондан йўл қўйилган хатоликларни кечиради, деган умиддаман», деган мазмундаги сўзлар битилган бўлади. Соҳибқирон мактуб билан танишгач, элчилар ва ҳозир бўлганларга қараб, «қачонки, уни ярадор ҳолида олиб келганларида, мен уни ўғлим деб қабул қилганимни бутун олам билганди. Шундан сўнг унга қурол ва қўшин бердим, отлар, туялар билан ўшал қишда Ўрусхон тахтига ўтқаздим, Жучи улусининг ҳукмдори қилдим... Эндиликда у ҳокимият ва улугликка эришгач, улуғ давлатчилик қутқусига тушаётир. Бизнинг бутун марҳаматларимизни унутиб, Эрондалик пайтимизда, мамлакатимизга босиб келиб, талон-торожга берилиб, мусулмон аҳлига

катта азиятлар етказди. Унинг бу қилмишларини юрагимга олмадим, «тентаклик туфайли қилган бу ишлари учун келади ва кечирим сўрайди», деб ўйладим. Таассуфки, у жуда гердаиб кетибди ва қилган ишидан асло пушаймонлик чекмабди, аксинча, мамлакатимизга босқин қилишни ўйлаб, қушин йўллабди. Биз, Эрондан қайтиб келгач, унинг лашкари бу ҳақда эшитиб, қочишга тушибди. Ҳозир кўряптики, биз унинг мамлакатига юриш бошладик, энди гуё тавба қилиб, узрлар сўрамоқда. Бас, етар. Ундан кўп аҳмоқчиликлар содир бўлди. Энди унинг сўзларига ишониб бўлмайди. биз ярим йўлдан қайтмаймиз, унгача борамиз. Курамиз, Аллоҳ Таоло, олам ҳукмдори кимга галабани ёр этар экан».

Тўхтамишхонга ҳужум бошлашдан бурун Соҳибқирон қушинлар кўригини ўтказди. Шаҳзодалар ва амирларнинг, бекларнинг мингликлари ўз жирғалари ва мурчалларида саф тартадилар. Соҳибқирон сипоҳийларининг жанговар тайёргарлигини, қурол-аслаҳаларини бирма-бир кўздан кечиради. Бердибек минглиги, Худойдод Хусайн лашкари от-анжоми билан сафланиб, кўрикда яхши баҳо оладилар. Умаршайх Мирзо бўлинмаси ранг-баранг туглар остида турнақатор тизилади. Отаси яқинлашиб келганда Умаршайх Мирзо отдан тушиб, унга тухфалар ҳадя этади. Шаҳзодалар кўшини ҳам жанговар кўрикда мақтовга лойиқ деб топилади. Султон Маҳмудхон, Сулаймоншоҳбек лашкари ҳам улуғвор саҳрони тўлдириб турарди. Навбат Амироншоҳ Мирзо йигитларининг ҳарбий тайёргарлигини кўришга келади. Амироншоҳ Мирзо сафларни жуда маҳкам ушлаб (отларни бир чизикда тўхтатиб туриш машаққат эди), Соҳибқиронни кутиб турарди. Отаси улуғ вазирлар билан сафга яқинлашганда, Амироншоҳ Мирзо уларга пешвоз чиқиб, отдан тушган ҳолда қутлайди ва тайёргарлиги ҳақида дарак беради. Амироншоҳ Мирзо тартиботидан Амир Темур – буюк саркарда жуда мамнун бўлади. Шу тариқа,

икки кун давомида Соҳибқирон отдан тушмай, эртдан кечга қадар ҳар бир бек ва шаҳзодаларнинг лашкарлари ҳарбий тайёргарлигини назаридан ўтқаради. Муаррих шаҳодатича, ўша пайтда Соҳибқирон сипоҳийларида бўлган либос, қурол-яроғ бирорта подшоҳ қўшинида мавжуд бўлмаган. Кўрик охирида ҳарбий мусиқа асбоблари ишга тушади, руҳни кўтарувчи, ботирликка, жасоратга ундовчи саслар оламни тутиб кетади.

Ҳижрий 793 йилнинг ражаб ойи душанба кунинда – 1391 йил 18 июнда Қундузча (Самарага яқин жой) деган мавзеда Тўхтамишхон қўналғасига етиб борилади. Соҳибқирон барча қўшинларини етти қўлга бўлади. Ўнг қўлга атоқли баҳодирлар жалб этилиб, уни бошқариш Амироншоҳ Мирзо чекига тушади. Амироншоҳ Мирзо қўшини қаршида турган сон-саноқсиз ёв аскарларига лочиндек ташланади. Тўхтамишхон бошда Амир Темурга рўбарў турган бўлса, у билан жангга киришишдан ҳайиқиб, Умаршайх Мирзо лашкари томон бурилади. Умаршайх Мирзо йигитлари ҳам тайёр турганлигини кўриб, Шайх Темур Сулдуз минглигига ҳужум бошлайди. Тўхтамишхоннинг қули устун кела бошлагач, Умаршайх Мирзо ёрдамга ташланади. Ёв лашкари орқага ўтишга муваффақ бўлади, бу хабар Амир Темурга етади ва тезлик билан муҳораба майдонида пайдо бўлади. Соҳибқироннинг кўриниши билан душман жангчилари тум-тарақай булиб қоча бошлайди. Тўхтамишхон тахтидан, тожидан воз кечиб, мамлакатидан мосуво бўлиб, таҳлика остида қочишга тушади. Шу жангда Жўчи авлодидан бўлган, Тўхтамишхон тарафида туриб урушган икки шаҳзода Амир Темур томонга қочиб ўтади. Соҳибқирон уларга катта ҳиммат кўрсатади.

1391 йилнинг кузида Дашти Қипчоқда порлоқ галабага эришган Соҳибқирон Самарқандга қайтиб келади. Пойтахт байрам шодиёнасига тўлган эди. Бир неча кунлик оромдан сўнг, Амироншоҳ Мирзо ўзига берил-

ган Хуросон ўлкасига, Хирот шаҳрига кетишга ижозат олади.

90-йилларда, Дашти Қипчоққа ва Мазондаронга қилинган юришларда улуғ ғалабаларга ноил бўлган Соҳибқирон, кенжа ўғли, 15 ёшга тўлган Шоҳрух Мирзо билан Амироншоҳ Мирзонинг ўғли Халил Султонни (8 ёшда), қизи Бекиси Султонни (6 ёшда), Умаршайх Мирзонинг ўғли Рустам Мирзони, қизининг фарзанди Султон Ҳусайнларни ўз қароргоҳига чорлайди. Фарзанд ва набиралар билан Сарой Мулк Хоним, Туман Оғо ва бошқа аёллар ҳамроҳ бўлиб келадилар. Амир Темур вақти-вақти билан авлод давомчилари бўлган ёшлар билан учрашиб турган, уларнинг тарбиясига, билим олишига, чинқишига катта эътибор берган. Бошқача айтганда, Сарой Мулк Хоним, Туман Оғолар тарбиясида бўлган набираларини ҳам амалий кўриқдан ўтқариб, уларнинг зеҳнини, иқтидорини, қобилиятини шахсан синаб, муқаввийларга кўрсатмалар берган. Қўшиқлар унинг назоратида қандай ўрин тутган бўлса, авлод тарбияси ҳам шундай муҳим ҳисобланган. Оила шаънининг бу таҳдидда эътиборда туриши тахт ва сулола, давлат истиқболи учун жуда зарур эди. Амир Темур қизалоқ набираларига алоҳида эҳтиромда бўлган. Айниқса, Амироншоҳ Мирзонинг Хонзода Бегимдан туғилган қизчаси Бекиси Султонга меҳри айрича эди Самарқандда қиз набираларидан фақат Бекиси Султонга атаб боғ ва кўшк бунёд эттиради, уни ниҳоятда яхши кўради.

Муаррих 1393 йилнинг саратони бошлари ҳақида ҳикоя қилар экан. Хамадонда турган Соҳибқироннинг Амироншоҳ Мирзога Озарбайжон, Рай, Дарбанд, Боку, Ширванат, Филонат каби мулкларни то Рум сарҳадларига қадар берганлигини қайд этади. Шаҳзода отаси шарафига Хамадонда катта тўй беради, беҳисоб тухфалар пешкаш этади. Шу орада Сориқ Муҳаммад Туркмон ёвлик йўлига киради. Амироншоҳ Мирзо уни даф этади. Сориқ кўрган, Курдту кўрганлари ҳам забт эти-

лади. Амироншоҳ Мирзонинг хотини Хонзода Бегим шу ғалабалар шарафига Соҳибқирон қайнотаси учун катта тўй ташкил этади.

Тўйга тайёргарлик кетаётган бир пайтда, Амир Те-мур Қурдистон тоғи доvonларида йўлтўсарлар ва кал-лакесарлар мусулмонларни талаб, ўлдираётганлиги хабари олинади. Хонзода Бегимнинг Жаҳонгир Мир-зодан туғилган ўғли Муҳаммад Султон бобоси амрига мувофиқ, тўйни ҳам кутиб ўтирмасдан қароқчи тўда-лар устига отланади. Хонзода Бегим Соҳибқиронга атаб уюштирган тўй маҳобатли ўтади.

Амироншоҳ Мирзо Ироқ юришида ҳам баҳодир-ликлар кўрсатади. Бағдод ҳукмдори Султон Аҳмад-нинг икки минг кишилиқ қўшинига қарши 45 баҳодир қилич яланғочлаб, курашга киради. Жанг бошла-нади. 45 баҳодир отлардан тушиб камон ўқлари би-лан ёвни қийратадилар. Шу куни душман билан икки бор отлардан тушиб, камонбозлик жангига киришади-лар. Ёв учинчи сафар тўсатдан бостириб келади, чар-чаган, ҳориган сипоҳийлар отдан тушиб, камонбозлик қилишга улгурмай қолади. Кўп билан ознинг жанги – от устидаги кураш шу қадар даҳшатли кечадики, му-аррих бундай савашни ҳеч ким кўрмаган, дейди. Ус-мон Аббос баҳодирнинг қўлини қилич қаттиқ яралай-ди, шунга қарамай, Амироншоҳ Мирзо одамлари ёвни қочиришга эришадилар. Шу куни ниҳояда иссиқ бўлиб, сув манбаи узоқда бўлган. Баҳодирлардан Ийбаж Ўғлон ва Жалол Ҳамид сув олиб келишга қанча киши юбор-масинлар, жуда оз миқдорда топишга муваффақ бўла-дилар. Олиб келинган бир косача сувнинг ярмини Ий-баж баҳодир ичади, аммо қоникмайди. Шунда у Жа-лол Ҳамидга мурожаат этиб, ундан қолган сувни ҳам ўзига беришини сўрайди, «Шу қолган сувни менга бер-масанг, ўлишим тайин бир яхшилиқ қил», дейди. Шун-да Жалол Ҳамид Баҳодир унга – Соҳибқирон Амир Те-мурдан эшитган бир воқеани айтиб беради. Амир Те-мур айтган воқеанинг мазмуни шундай эди:

•Кунларнинг бирида араб билан ажамлик ҳамсафар бўлибди. Уларнинг йўллари улуган саҳродан ўтар экан. Кун тунлар кечибди, йўл юрса ҳам мўл юрибдилар. Эроний чидамсизроқ экан, бор сувни ичиб тамомлабди. Араб эса эҳтиёткор киши бўлиб, ҳар эҳтимолга, сувдан захира сақлабди. Кун чидаб бўлмас даражада иссиқ, чанқоқ зўридан қадам босиш машаққат бўла бошлабди. Арабда сув қолганини кўрган эроний, азбаройи ўлар ҳолатда келганидан унга шундай дебди: «Араб халқи шижоат ва саховатда ажралиб туради, бу ҳаммага маълум. Нима бўлади, сен ҳам қолган сувингни менга бериб олижаноблик қилсанг». Араб унинг гапини эшитиб, «Сенга қолган сувимни берсам, биламанки, аниқ ўламан. Лекин, араблар шаъни учун, ҳаётимни қурбон қилиб бўлса-да, сувни сенга бераман», дебди. Шундай деб араб сувни ажамликка берибди. Ажамлик саҳродан эсон-омон чиқиб келибди. Арабдан эса шу сўзлар ёдгор бўлиб қолибди». Жалолбек шу, Амир Темур сўзлаган нақлни айтиб, «Мен ҳам араб жасоратини такрорлаб, Чигатой элининг (яъни, ўзбекларнинг – П.Р.) нечоғлик саховатли эканлигини собит этаман», дейди. Келиб чиқиши Жўжу улусидан бўлган Ийбаж Ўғлонга ўз насибаси бўлган сувни берибди. Ҳолбуки, сувсиз унинг ҳаёти хавф остида бўлган. Кунларнинг бирида, Ийбаж Ўғлон кейинчалик саҳрода бўлган сув воқеасини Амир Темурга сўзлаб берибди. Соҳибқирон Жалол Ҳамиднинг мардлигини эшитиб, уни кўп мақтабди. Ва, унга дебди, «сен бизга кўп яхшилик қилдинг. Лекин Ийбаж Ўғлонга қилган яхшилигинг – унга сувингни беришинг, шу билан Чигатой улусининг ғурурини сарбаланд қилишинг – ҳаммасидан аълодир». Соҳибқироннинг миллат, ватан ҳақидаги қарашлари, шу борада ўрнатган сиёсати, ҳеч бир истисносиз, оила кадриятларига ҳам тааллуқли эди.

КЕЛИНЛАР ХОНЗОДАСИ

Тўхтамишхонга қарши 1394–1395 йилларда олиб борилган кураш Соҳибқирон ёвининг шармисорларча мағлубияти билан яқун топади. Тўхтамиш Тўйхожа Ўғлоннинг ўғли бўлиб, Кўк Ўрда, Олтин Ўрда, охирда Тюмень хони бўлиб турган. Ҳокимиятга Амир Темур ёрдамида келган Тўхтамиш унга қарши Озарбайжон ва Хоразмни қайтариб олиш учун кўп йиллар кураш олиб боради. 1395 йилда Тархи ёнида бўлган жангда Амир Темурдан енгилиб, тахтдан ажралади ва Қримга қочади. Идегей томонидан 1406 йилда ўлдирилади.

Дашти Қипчоққа қилинган сўнгги юриш олдидан Амироншоҳ Мирзо навбатдаги машқлардан бирида отдан йиқилиб, қўли қаттиқ шикастланади. Соҳибқирон уни Амир Ёдгор Барлос ва Ҳожи Сайфилдинбеклар билан бирга ўғруқда (орқа қисмдаги хос жой) қолдиради. Кўч-кўрон карвони билан бирга қолган Амироншоҳ Мирзо Қура дарёси қирғоқлари бўйлаб, секин келади. Ниҳоят, Йўлуғлик Озуқлик деган жойда (ҳозирги Волгаград вилоятида) отаси Амир Темурга қўшилади. Шу вақтда Табриздан Қора Юсуф Туркман кўп кўшин тўплаб Олатоғ томонга – Хой дарёси томонга бостириб келаётгани дараги етади. Бошқа амирлар қатори Амироншоҳ Мирзо ҳам Қора Юсуф туркман хужумини даф этишга отланади.

Дашти Қипчоқ ва Кавказ тамомида итоатга киргандан сўнг, 1396 йилда Соҳибқирон Амироншоҳ Мирзони Хуросон ҳокимиятидан Озарбайжон мулклари идорасига ўтказади. Амироншоҳ Мирзога тобе бўлган мулклар Дарбанддан Боку ва Бағдодга, Ҳамадондан Румга қадар бўлган сарҳадларга ёйилган эди. Амир Темур фармониغا мувофиқ, бунгача Хуросонда Амироншоҳ Мирзо билан бўлган хизматчилар кўч-кўрони билан шаҳзода хизматига, Озарбайжонга келсинлар, дейилади. Умаршайх Мирзонинг ўғли Рустам Мирзо,

Амир Жаҳоншоҳ ибн Амир Жоқулар ҳам Амироншоҳ Мирзога қўшиб жўнатилади. Фармони олийдан кўп ўтмай Амироншоҳ Мирзонинг кўчи Ҳиротдан Озарбайжонга етиб келади.

Амироншоҳ Мирзонинг хизмат жойи ўзгартирилиши нималарга боғлиқ бўлган, айтиш қийин. Ҳарҳолда, шаҳзоданинг оғир тоғ шароитларида зафарли юришларга бош бўлганлиги, эҳтимол, Соҳибқироннинг бу ўлкани идора қилишда қўл келиши мумкин, деб ўйлаганида бўлгандир. Нима бўлганда ҳам, Амироншоҳ Мирзони Озарбайжон тахтига сипориш этганида, Соҳибқироннинг кўнглида қандайдир қониқишми, хавфми, хулас, исмини айтиш мушкул бўлган фикрлар безовталиги бўлган. Соҳибқирон Дашти Қипчоқдан (беш йиллик юришдан) Самарқандга қайтиб келар экан, Самарқандга Сакизака Тавочини чопар қилиб жўнатади ва Шоҳруҳ Мирзога «Шаҳзода Абу Бакрни, у билан бирга турган Рустам Тоғай Буғо Барлос, Ҳожи Маҳмудшоҳ Ясурийнинг ўғли Пир Али ва беш минг отлик қўшин билан бизнинг ҳузуримизга, қўналгага жўнат», деб тайин қилади. Соҳибқирон Бистомга етганда, Шоҳруҳ Мирзо томонидан жўнатилган Амироншоҳ Мирзонинг ўғли Абу Бакр – 14 ёшли шаҳзода бобоси билан кўришади.

Соҳибқирон набирасини кўриб қаттиқ севинади. Унга юз минг олтин кепакий тухфа қилади. Подшоҳ Тоҳуртан совға қилган, қумайт зотидан бўлган отни ҳам беради. Муаррих, бундай от дунёда бошқа йўқ эди, деб ёзади. Шаҳзода билан келган кишилар, навкарларга ҳам ҳадялар улашилади. Уларнинг ҳаммаси Табризга, Амироншоҳ Мирзо ҳузурига жўнатилади. Амироншоҳ Мирзо муҳитининг бу қадар мустаҳкамланиши, Соҳибқироннинг кўнгли бирор хавфни сезганмикан, деган хавотирни уйғотмай қолмайди.

1398 йилнинг баҳорида Амир Темур Ҳиндистон юришига отланади. Бу тараддудга олисда бўлган Амироншоҳ Мирзо жалб этилмаган. Аммо, унинг 22 ёшли

ўғли Умар Мирзо Самарқандда мамлакатни бошқариш учун қолдирилади. Бу Амироншоҳ Мирзо сулоласига кўрсатилган катта ишонч ва ҳурмат эди. Бир вақтлар Амир Темур ўзга юртларга қўшин тортганда Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон Самарқандда қойим мақом қилиб қолдирилар эди. Ҳамиша ҳарбий сафарларда олдинги қаторда бўлган Амироншоҳ Мирзонинг Ҳиндистон фатҳида иштирок этмаслиги фақат йўлнинг олислиги билан изоҳланиши унчалик тўғри бўлмаса керак. Сабаби, шу юришдан икки йил бурун, Амироншоҳ Мирзо 1396 йилда, Табризни идора қилаётганининг иккинчи йилида, куз фаслида овга чиқади. Ов Хой яқинидаги Пир Умар Наҳчиробон қабристонлиги атрофидаги чакалакзорларда уюштирилади. У тарафдан бу тарафга от чоптириб юрган шаҳзода тўсатдан бир буғуни кўриб қолади ва уни тириклай қўлга олишга интилади. Буғуни қувиб бораётганда от суринади ва шаҳзода унинг устидан учиб кетади. Йиқилганича узоқ вақт беҳуш бўлиб ётади. Ҳамроҳлари етиб келганда, зўрға кўзини очади. Беклар ва хизматкорлар қаттиқ хавотирга тушадилар, уч кеча-ю, уч кундуз Амироншоҳ Мирзо гоҳ ҳушига келиб, гоҳ ҳушидан кетиб, қаттиқ хасталанади. Бир неча кундан кейин ўзига келади. Муаррих Али Яздийнинг уқдиришича, муолажада хатога йўл қўйилади. Шу сабабли, унинг хотирасига бир қадар қусур етганлиги аён бўла бошлайди. Бошдан овир жароҳат олган шаҳзода ёзга келиб, анча тузалгач, Бағдодга юриш бошлайди. Энди аввалги шижоаткор, яшиндай тез ҳаракат қиладиган шаҳзода ўрнига тепса-тебранмас, лоқайд кимса пайдо бўлади, бир кунда зўрға икки манзил тай қилинади. Амироншоҳ Мирзо, Бағдод ҳукмдори Султон Аҳмад унинг ҳақида эшитса, қочиб қолади деган фикрда бўлади. У йўлда эканида пойтахти Табриздан биридан кўрқинчли хабарлар кела бошлайди. Ёмон ниятли кишилар жам бўлиб, исён кўтариш пайида бўлади. Шаҳзода бу гапларга заррача парво қилмас-

дан, Бағдод юришини давом эттиради. Табриздан яна шошилини чорловлар келади, фақат икки кундан кейин Амироншоҳ Мирзо қўшини билан Табризга қайтади ва талончилик ниятида гавво солганларни тутиб жазолайди. Шаҳзода қандайдир хавотирда ҳаёт кечира бошлайди, шубҳага берилади. Бекларидан бири Саййид Али Шакийи Орлотни бўйсунмасликда гумон қилиб, унинг вилоятини хароб қилади, текшириб кўрмайди. Шаҳзода табиатида юз берган бу ўзгаришлардан унинг ёнидаги ғаламислар фойдаланади, игво, чақимчилик, ўч олиш шаҳзода қўли билан амалга ошириладиган бўлади. Унинг душманлари кўпайиб боради ва очиқча қаршилик кўрсата бошлайди. Шундай тўқнашувлардан бири Оланчук қалъасида бўлиб ўтади. Амироншоҳ Мирзонинг ўғли Абу Бакр Мирзо ҳаёти учун зомин бўлиши мумкин бўлган бу жанг гуржилар фойдасига ҳал бўлади. Амироншоҳ Мирзо фаолиятида бу ҳилдаги мағлубият асло қузатилмаган эди.

Хотирада юз берган ноқисликлар, мамлакат идорасидаги талотўплар Амироншоҳ Мирзонинг ичкиликка берилишига, вақтини давлат ишларидан кўра, кўнгил очар эрмакларга сарф этишига сабаб бўлади.

Амироншоҳ Мирзо айшу ишратга, кайфу сафога муккадан кетар экан, бунда унинг ҳарамидаги бош малика Совин Бека – Хонзода Бегимнинг ўрни қандай бўлган, деган фикр туғилади. Хонзода Бегим сўзнинг тўла маъносида Соҳибқироннинг энг суюкли, эрка келини эди. Сарой Мулк Хоним ҳам бу келин билан эҳтиёт бўлиб муомала қиларди. Хонзода Бегимга тегишли бўлган бойлик ҳад-ҳисобсиз эди. У қайнотанинг ҳам ҳурматини жуда ўринлатиб жойига қўяр, узоқми-яқинми, унинг йўлига пешвоз чиқиб, тўйлар берар, тухфалар пешкаш қиларди. Табризда ҳам келинлар хонзодасининг мавқеи баланд бўлган, бу шубҳадан холи. Амироншоҳ Мирзо Хонзода Бегим билан ўн беш йилга яқин умргузаронлик қилган, ундан Халил Султон ва Бекиси Султон исми фарзандларни

кўрган эди. Халил Султон отасига хасталик дахл қилган пайтларда 12 – 14 ёшли йигитча бўлиб, Самарқандда, Сарой Мулк Хоним тарбиясида ҳаёт кечирарди. Хонзода Бегим... Келинг, бу ўктам, салтанатда жуда авайланган келин тўғрисида билган ва билмаганларимизни бир жам қилайлик ва хулосаларга келишга шошилмайлик. Ҳамма тарихларни имкон даражасида варақлайлик. «Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний» саҳифаларида шу хусусда нималар дейилган экан?

«Зафар безакли байроқлар Ҳинд диёрини фатҳ этишда бўлган пайтда, жўмардлиги ва саховати билан шуҳрат қозониб, узоқ-яқиндаги сардорларни ўзига хос кишилар қаторига киритиб олган амирзода Амироншоҳ кўнгил чигилини ёзиш учун Маранд водийсига овга чиққан эди, – дея нақл қилади Муиниддин Натанзий, – Қамарга асносида у фақат қўли билан каттакон бир архарни ушлаб ердан кўтарди ва эгар қошига олмоқчи бўлди. Қўққисдан юз берган бу воқеадан от хуркиб кетди ва амирзода кўчқор билан бирга ерга йиқилди. У қарийб тўрт соат беҳуш ётди. Табризлик табиб муолажада хиёнат қилди. Амирзода тузалгач, тамуз фаслида (июл ойи) Бағдодга юриш қилиш ҳавасига тушди, аммо унга етгач, бир кеча ҳам турмасдан яна орқага қайтди.

Бутун йўл бўйи ҳаво иссиқлигига қарамай, муттасил ароқ ичишга машғул бўлди ва бу ҳол касали зўрайиши сабабларидан бири эди. У бегуноҳ кишилар қатлига қўл ура бошланди. Ногоҳ ҳеч бир важсиз иззат-ҳурматга сазовор бирон одамнинг бошини танидан жудо қилар, бошқа пайт сабабсиз эгни минг ямоқ одамни мўл-қўл инъомлар билан бой-бадавлат кишига айлантириб қўярди.

Бу хатти-ҳаракатлар овозаси кучайгач, ҳар тарафдан турли фитналар пайдо бўлди. Мамлакат душманлари бирлашиб, бош кўтара бошладилар. Жумладан, Сайид Шакий Алинжак қалъаси устига келди ва уни муҳосара қилаётганларни тор-мор келтириб, Тоҳир

ибн Аҳмадни қамалдан халос қилди. У қаҳатчилик туфайли ҳалокат ёқасига келиб қолган қалъани турли захиралар билан тўлдирди ва янги ҳимоячилар тайинлайди. Амирзода Амироншоҳ бу воқеа таъсирида асабийлашиб, қутурган бўри каби барчага қарата қасд панжаси ва аловат тишини узун қилди. «У, малика хотинининг туҳмати билан ишончли кишиларидан бир гуруҳини йўқлик оламига равона қилди ва шу сабабли унинг даргоҳида қаламдан умид билан юрганлар ноумид бўлишди. Шундан сўнг малика ўз макрлари билан бечора Амироншоҳни анвои таъналар доираси ичида нуқта мисол ўраб олди ва бир гуруҳ муфсидалар ҳамроҳлигида Самарқандга жўнаб, ўзини ҳимоя қилиш учун эрини итоатсизликда айблаб, муттаҳам қилди» .

Ҳап ким тўтрасида, қайси малика ҳақида бораётганлигини, муҳтарам китобхон яхши сезиб турибди. Бу Хонзода Бегим эди.

Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да Муиниддин Натанзий очик айтишга журъат қилолмаган исми ошкор қилади. Икки тарихчининг нақллари умуман тўғри келади, бир-бирини тўлдиради. Ов жойидаги тафовут дейилмаса, ичиш ва бошқа қилмишлар рўйи рост айтилади. «Зафарнома»ни мутолаа қиламиз: «Шаҳзода Амироншоҳ ақлида пайдо бўлган ноқислик сабаб, у муттасил майхўрлик қилар ва шатранж ўйнарди. Бир сафар у хотини Хонзодани қаттиқ сўкиб, онасини ҳақоратлайди. Қаҳри келган Хонзода, аччиқ устида Самарқандга боради», дейилади асарда.

«Мужмали Фасихий» муаллифи ҳижрий 799 йил (1396–1397) йил воқсалари баёнида, «Амир Соҳибқирон ҳузурига Озарбайжондан Хонзоданинг келиши», деган сўзларни рақам этади. Тарихий манбалар Амироншоҳ Мирзо ва Хонзода Бегим оилавий низосида ҳақиқатни малоҳат билан ҳаққоний ёритадилар. Амироншоҳдай алап шаҳзодани этагига олган, қилғиликни қилиб, яна элдан бурун арзга отланган, сув кел-

масдан олдин бандни баланд солган Хонзода Бегим аслида ким эди? Унинг бу хонадонга келин бўлиши учун тукилган қонлар, берилган қурбонлар ўзини оқлаганмиди? Ростки, менда шундай саволлар туғилди ва жавобни ҳамжиҳатликда ахтариш маъқул бўлади, деган умиддаман.

Севин Бека – Хонзода Бегимнинг шаклу шамоийли таърифини тарихларда учратмаймиз. Биргина Ибн Арабшоҳ йўл-йўлакай тарзда бўлса-да, бу борада айрим чизгилар бериб ўтади. Унинг тавсифига кўра, *«Ниҳоятда қадр-қимматли, шарафли асилзода, юзидан нур сочилган, Шириндан кўра ҳам ҳусндор, Валлодадан кўра зарофатли бир қиз эди. Хонлар қизларидан бўлганидан уни Хонзода деб атадилар. Хонзода Жаҳонгирга Муҳаммад Султонни тортиқ қилди. Муҳаммад Султоннинг зийраклиги ва истиқболи порлоқлигига очиқ-ойдин далиллар бор эди. Темур унинг хислатларида бахту саодат нишонларини мушоҳада этгач... амакилари мавжудлигига қарамай, ўзига валиаҳд қилди».*

Бу сўзларни тан олмай бўлмайди. Хонзода Бегим бир эмас, иккита валнаҳд дунёга келтирган эди. Унинг аёл сифатидаги бардошига ҳам қойил қолмаслик мумкин эмас. Кўз очиб кўрган эри Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо билан уч йилга яқин умр кўриб, ундан ажралиб қолиш, 16 – 17 ёшли келинчак учун нақадар мусибатли кечганлигини англаш қийин эмас. Хонзода Бегимнинг бу улуғ хонадонга, айниқса, қайнотаси Соҳибқирон Амир Темурга ҳурмати ва садоқати тенгсиз бўлганлигини ҳам тасаввур қилиш мумкин. Ана шу эҳтиром ва содиқлик унинг эри вафотидан кейин 6-7 йил давомида саройда бош кўтармай яшашига қанот бўлган. Хонзода Бегим ўзидан ёши сезиларли даража-

Валлода – Испаниядаги Кардона шаҳри қироли ал-Мустакфининг қизи. У ниҳоятда соҳибжамол, шоира қиз бўлган, XI асрда яшаган.

да кичик бўлган Амироншоҳ Мирзо билан чиқишиб кета олган, 1396–1397 йилларга қадар ўртада бирор катта-кичик ихтилоф бўлганлиги манбаларда қайд этилмайди. Амироншоҳ Мирзо ҳарами ва ҳокимиятидаги асосий ўринни эгаллаган Хонзода Бегим мунтазам равишда Соҳибқирон қайнотаси марҳаматларига лойиқ кўрилиб келинган.

Оилавий гап-сўзлар ҳамма асрларда ҳам, тез тарқалишга, кўшиб-чатилиб кўпиртирилишга мойил мавзулардан. Амироншоҳ Мирзо билан Хонзода Бегим орасида кечган оилавий можаро икки йил давомида газаклай борганлигини тахмин қиламиз. Натанзий ва Яздий тарихларида бу борада нақл этилганларни чуқур мулоҳаза қилиш жоиз кўринади. Бирида Хонзода Бегим, иккинчисида Амироншоҳ Мирзо айбланади. Шарафиддин Али Яздий, «Бир қуни у хотини Хонзодани қаттиқ сўкади, онасини ҳақоратлайди. Дарғазаб бўлган Хонзода Самарқандга жўнаб кетади. Шу пайтларда Соҳибқирон Ҳиндистондан Самарқандга қайтиб келган эди» деб ёзади. Соҳибқирон хонадонидан оилавий муомала маданияти ниҳоятда юксак даражада бўлганлигини унинг душманлари ҳам эътироф этадилар. Амироншоҳ Мирзо ҳам шу юксак маданиятдан мустасно эмас эди. Нега иш сўкиш, ҳақорат даражасигача етиб борган? Натанзий, Амироншоҳ Мирзо *«Ўз малика хотинининг туҳмати билан ишончли кишиларидан бир гуруҳини йўқлик оламига равона қилди»*, деган сўзларни айтишдан ҳайиқмаган. Ичкилик вақтида шу ишларга қўл урган шаҳзода, эҳтимол, ҳушига келганида қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлган ва хотини Хонзода Бегимни асосий айбдор деб ҳисоблаган, шу боисдан унга нисбатан тилга олиб бўлмайдиган сўзларни ишлатишдан ўзини тия олмаган. Хонзода Бегимга у эр сифатида бундан ортиқ жазо бера олмасди, унинг ортида Соҳибқирон турарди. Бу, менинг мулоҳазаларим, холос. Натанзий яна, *«Малика ўз макрлари билан бечора Амироншоҳни ан-*

вои таъналар доираси ичидаги нуқта мисол ўраб олди ва бир гуруҳ муфсидлар билан Самарқандга жўнаб, ўзини ҳимоя қилиш учун эрини итоатсизликда айблаб, муттаҳам қилди», дейди. Бу сузларга изоҳ ва шарҳ ортиқчалик қилади. ҳаммаси аниқ ва тушунарли.

Воқеалар силсиласида яна бир муҳим томонга эътибор бермаслик мумкин эмас. Гап шундаки, Хонзода Бегим узоқни кўра оладиган сиёсатчи эканлигини намойиш этади. У ўз гуруҳидан олдинроқ Самарқандга чопарлар йўллаб. Табризда ғалаёнлар бошланиб кетди, деган хабарни етказдиради. Соҳибқирон Ҳиндистондан зафар билан қайтган, кайфият баланд бир паллада, ана шу нохуш хабар унинг тинчини бузади. Устига устак, суюкли келин Хонзода Бегим етиб келади ва ўзини жабрдийда, ҳақоратланган, калтакланган мазлума сифатида намоён этади. Яздий, Хонзода Бегим кўзёшларини тўқиб, «Агар Соҳибқирон эрининг ишини бир ёқли қилмаса, у душманга айланади. Сиз ҳукмдорга тегишли барча бойликларни у ўзбошимчалик билан беқларга тарқатиб берди», деганини ҳам ёзиб қолдирган.

Соҳибқирон Амироншоҳ Мирзони қилмишларидан ҳам кўра, Озар мулкларида бошланган ғалаёнлар – ўз бошига ҳокимиятни тортиб олишга бўлган уринишлар, шунга муваффақ бўлишлар қаттиқ ғазабга келтиради. Ўғлининг нохуш ҳолга тушишига ҳам у бефарқ бўлмаган, қанча куч сарфлаб тобе этилган вилоятларни қўлдан чиқариш кечириладиган ишлар сирасидан эмасди. Шу боисдан, гарчанд Ҳиндистон сафаридан қайтиб, ҳали етарлича ҳордиқ олмаган сипоҳийларни қайта жамлаш, юришга тортиш малолли бўлса-да, бутун тавочилар, жарчиларни ҳар тарафга йўллаб, «етти йиллик сафарга ҳозир бўлишни» амри фармон қилади.

Соҳибқирон кўшиннинг илғор қисмини, биринчи гада, жияни ҳам куёви Сулаймоншоҳбекни Табризга, Амироншоҳ Мирзо ҳузурига жадал етиб боришни

буюради. Сулаймоншоҳбек Рай шаҳрига етиб борганда, шаҳар доругаси Боён Қовчин, шаҳзоданинг ақлидаги ноқисликдан ҳар нарсани кутнш мумкичилигини айтиб, Табризга боришни унга маслаҳат кўрмайди. У Ҳамадонга қараб йўл олади. Амироншоҳ Мирзонинг ўғли Абу Бакр Мирзо ёнидаги беклар билан бамаслаҳат Сулаймоншоҳбекка хат билан чопар йўллаб, унга «Қандай бўлмасин, бу ерга келинг», дейди. Сулаймоншоҳбек минг андишада Табризга етиб боради ва икки кундан кейин Амироншоҳ Мирзони Соҳибқирон отаси ҳузурига жўнатади. Муаррих унинг бунга қандай эришганлигини сабабини келтирмайди. Ҳарҳолда, Амироншоҳ Мирзо қуюшқондан чиқиб кетмаган, тўғри гапдан бўйин товламайдиган, энг муҳими, отасига қарши душманлик йулига кириши мумкин бўлмаганлигини унинг ихтиёрий итоатидан пайқаш қийин эмас. «Соҳибқиронга душманлик» – жуда бўртдирилган айб тақови эди, чоғимда. Абу Бакр Мирзо Соҳибқирон элчиси Сулаймоншоҳбекка катта ҳурмат кўрсатади, унинг шарафига тўй бериб, зарбоф тўн ёпади, кўпгина отлар туҳфа қилади. Отасининг ҳолини у яхши биларди, шу сабабли, ноўрин хавотирда ортга қайтган Сулаймоншоҳбекни Табризга келишга таклиф этади. Унинг Табризга, Амироншоҳ Мирзо ёнига келмаслиги Хонзода Бегимнинг ҳамма даъволарини тасдиқлаган, энг ёмони, Амироншоҳ Мирзонинг отасига қарши исён кўтарганлигини, бўйсуннш йўлидан чиққанлигини сўзсиз исботлаган бўларди. Абу Бакр Мирзо ўз саъй-ҳаракати билан тўғри йўлни тутган, воқеанинг юмшатилишига биринчи қадамни кўйган эди.

Амир Темур ҳазратлари Рай билан Шаҳриёр мавзеларига етиб келганида Амироншоҳ Мирзо унинг урдуси олдида ҳозир бўлади. Шу кунн Соҳибқирон Амироншоҳ Мирзони қабул қилмайди. Шаҳзода ҳаётида ўша соатлар, лаҳзалар қандай кечганлигини тасаввур қилишга уринаман. Алп қомат, ниҳоятда кўркама шаҳзода жуда синиққан. нима қилиб кўйганин, нималар

кутаётгани эмас, отасининг кўзларига қарай олмаслик унга қаттиқ азоб бераётган эди. Туғилганидан бери қаттиқбош бўлиб ўсган, онаси чақалоқлигида вафот этиб кетганидан унинг меҳрини тотмаган, иши ҳарбу зарб бўлган, улмаслик учун ўлдирган, отаси давлатида аввал Хуросонни, айни вақтда Озарбайжон мулкларини бошқариб, ҳузур-ҳаловатга ботган шаҳзода ҳаёти кейинги икки йил ичида остин-устин бўлиб кетганди. Ов, отдан йиқилиш, табиб хиёнати, ақл – хотирага етган заифлик, тузалиш, аламни ичкиликдан олиш, Хонзода Бегим ёмон кўрганларни қатл эттириш, пушаймонлик, ҳарамни истаса ҳар куни янги-янги қизлар билан тўлдириш... Хонзода Бегим гашига теккани ҳам унинг ана шу кейинги қилмишлари бўлса керак. Шаҳзода урдунинг чеккасида унга ажратилган, атрофи қаттиқ қўриқланаётган чодир ичида бошини икки кафти орасига олиб, ўйловда қотган эди. Ўзи сезмагани ҳолда кўзларидан ёш тирқириб чиқиб келарди. Унинг кирар ақли кирган, чиқар ақли чиққан, ёши 33 га бораётган эди.

Эртаси куни Амироншоҳ Мирзога рухсат бўлади. Юкуниб, Соҳибқирондан узрлар сўрайди, олиб келган туҳфаларини қабул қилишни сўрайди. Шу куни, шаҳзоданинг кечириллиши ҳақида бир қарорга келинмайди, туҳфалари ҳам қабул қилинмайди. Амир Темур учрашув пайтида Амироншоҳга нисбатан қилмишлари сабаб, очилиб муомала қилмайди. Лекин унинг гапларидан нималарнидир илғагандай бўлади, бирданига кесиб ташламайди, шошилишч ҳукм чиқармайди. Саройнинг молия ишларида тажрибаси катта бўлган Темур Ҳожа Оқ Буғо ва Жалол ал-Ислом деган бек ва муставфийларни Табризга жўнатиб, шаҳзода ишининг ҳақиқий аҳволини ўрганишни буюради. Улар тезлик билан Табризга етиб келадилар-да, ноиблар ва солиқ йиғувчиларни қўлга оладилар. Хужжатлар, дафтарлар тафтиш этилади ва шаҳзоданинг аҳолидан йиғилдиган икки тангалик олиқ-солиқлардан камомадга

йўл қўйганлиги ва бойликларни тарқатиб юборганлигини аниқлайдилар. Солиқлардан келадиган даромад олий салтанат девонига ўтказилиши шарт бўлган. Шаҳзода бир неча йил давомида шундай қўсурга йўл қўйиб келган.

Тафтишчилар, бундан ташқари, шаҳзодани шу қўйга солганлар муганнийлар бўлганлигини, уларнинг мақтов-мадҳиялари оқибатида Амироншоҳ Мирзонинг ҳаволаб кетганлигини ҳам Соҳибқиронга етказадилар. Табризда нотинчликнинг вужудга келиши, норозилик, ҳокимият планида ёғийларнинг бош кутаришига, энг аввало, шаҳзода атрофида жам бўлган, айшу ишратга муккадан кетган, давлат хазинасини ўмаридан манфаатдор бўлган ана шу «улфатлар» сабабчи эканлиги далолат этилади. Шаҳзодани ёмон йўлга бошлаган, хазинани қоқлаган Мавлоно Муҳаммад Кўхистоний, Устод Қутбиддин Нойий, Ҳабиб Удий ва Абдулмўмин Гўяндалар қатлга етказилади. Кимлардир қочиб қутулади. Айбдорлар ўз гуноҳларини тан олганлар. Уларни дор остига олиб бораётганларида, Мавлоно Муҳаммад, «Устод Қутбиддин хизматда доим ҳаммамиздан олдинда эди, энди дорга осилишда ҳам биринчи бўлсин», дейди. Шундай бўлади ҳам. Соҳибқирон ўғлига қандай жазо тайин қилмоқчи бўлган, айтиш қийин. Кейинчалик Амироншоҳ Мирзо воқеаси афсоналарга айланади, уни ҳам дор остига олиб келадилар, ҳаммани қатл этиб бўлгач, навбат шаҳзодага етганда, Соҳибқироннинг пири Саййид Барақа ва барча амирлар, беклар, фарзандлар, набиралар, маликалар қаттиқ ялтимос қилганликлари, фақат шундагина Амироншоҳ Мирзо гуноҳидан ўтилганлиги нақл этилади. Давлат хазинасига ашаддий зарар етказган, сарҳад бошқарувини издан чиқарган, шаҳзодани ўз йўлларига солиб олган кишилар жазога тортилган, бу манбаларда яқдил зикр этилади. Шаҳзоданинг дор остига олиб борилиши, шу ерда, майдонда банддан халос этилиши, фикримча, кейин тўқилган, баъзи ки-

тобларга кириб қолган гап-сўзлар бўлиши мумкин. Амир Темур қарорга келдими, ўз ҳукмини ўзгартириши амалда бўладиган иш эмасди. Шаҳзода тақдирини майдонда дорлар тиклангунча ҳал этилган.

Муаррих Натанзий нималар деган? Унинг «Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний» китоби Амир Темур вафотидан 7 – 8 йил кейин ёзилган ва унда тарихий ҳақиқат даражаси анча баланд. Муҳими, муаллиф воқеаларни қизирғида, унинг бевосита иштирокчилари бўлган кишилардан сўраб-суриштириб, чуқур ўрганган, масъулиятни теран англаган ҳолда ёзган. Хонзода Бегим Самарқандга келиб, қайнотасига арзи додини айтгач, Натанзий талқинича, «Султони Ғозий (яъни, Амир Темур – П. Р.) агар ҳаялласса, Озарбайжон ишлари муомаласи узоққа чўзилишини англади. Дарҳол сафар чодирини тиклаб, шошилинч булжор билан лашкарларни жам қилди ва Озарбайжон тарафга отланди. Юриш қадагаси шу даражада эдики, аксар жангчилар бу сафарда қўйнида нон сақлаб, шуни ер, қозонда пиширган ош ҳеч кимга муяссар бўлмас эди. Соинқалъа манзилига келиб тушишганда, **хушқомат амирзода Амироншоҳ** шундай бир ҳолатда истиқболга чиқдики, уни олдиндан танийдиганлар унга қараб ўз кўзларига ишонишмасди. Султон Соҳибқирон уни шу қадар хароб ва тушқун аҳволда кўриб, ҳасрат қўлини бошига уриб, таассуф кўзёшларини тўкди. Аммо ихтиёр жилови қўлдан чиқиб кетгани учун чора тополмади».

1399 йилнинг ёзида бўлиб ўтган бу воқеалар пировардида, Амироншоҳ Мирзога қандай жазо тайин этилганлиги, афсуски, тарихларда айтилмаган. На Яздий, на Натанзий бу ҳақда лом-мим дейишмаган. Низомиддин Шомий эса Амироншоҳ Мирзо воқеасини умуман ўз асари «Зафарнома»га киритмаган. Соҳибқирон расмий тарихларида бор гап шу. Лекин кейинроқ ёзилган айрим манбаларда ҳақиқатга зид ва умуман, ғараз билан тўқилган уйдирмалар, «хат»лар бўлганки, булар-

дан ҳам кўз юмуб бўлмайди. Неча асрлардан буён турланиб келган ҳақ ва ноҳақ гап-сўзлардан, ўйлаётгани, бугунги замондошларимиз, оқ-қоранинг фарқини яхши биладиган, қиёдаги қийиқнинг моҳиятини баҳолай оладиган ўқувчилар ҳам хабардор бўлиши шарт. Билсинлар, мушоҳада қилсинлар. Билмасдан миш-мишларга учиб, нотўғри хаёлларга бормасинлар. Руҳларни ранжитишдан ёмони бўлмаса керак. Яхши гапнинг ҳам, ёмон сўзнинг ҳам асоси бўлсин. Бу хулосалар бевосита Амироншоҳ Мирзога, унинг фожея кечган сўнгги ҳаёт йўлига тўла даҳлдор. Тарихда орқаваротдан ёмонлашдан оғир гуноҳ бўлмаса керак. Биз кимларнингдир қоралаб кетган, балки билиб, балки билмай, балки ғараз, балки ҳасад билан, ёйинки, шунчаки миш-мишларни битиб кетганларнинг ихтиёрий қулларига айланиб қолмаслигимиз лозим. Китоб – муқаддас неъмат. Уни кўзга суртиб, кейин ўқишга тўтинганлар, Дунёда манфаат, бўлиниш бор экан, муқаддас китоб саҳифаларига ҳам ғараздан вужудга келган сўзлар кирмай қолмайди.

Марҳум муаррих Турғун Файзиев «Темурийлар шажараси» деган китобида Хонзода Бегим эри устидан арз қилиб келгач, «бу аҳволни эшитиб, қаттиқ изтиробга тушади. Ўша давр тарихчиларининг ёзишича, Темур бир ҳафта давомида йиғлаб, ҳеч кимга кўриниш бермаган... Темур ўзининг энг нуфузли кишиларини тўплаб, Амироншоҳ масаласини ўртага ташлайди. Удуг девоиға йиғилган амалдорлардан Амироншоҳ ва унинг ҳамтовоқларига берилажак жазо нимадан иборат бўлиши кераклигини айтишларини талаб қилади. Бироқ йиғилганлардан садо чиқмайди. Ниҳоят Темурнинг ўзи Амироншоҳ ва унинг аркони давлатига ўлим жазосини эълон қилади», деган сўзларни келтиради. «Ўша давр тарихчилари» дейилганда кимлар кўзда тутилган, билмадим, аммо вақтида Амир Темур хизматида бўлган, кейинчалик унинг фарзандлари ва набиралари раҳнамолигида ёзилган «Зафарнома»лар-

да, Натанзий тарихида. Фасиҳ Хавофийнинг фақат далилларга асосланган йилномаларида ҳафталик йиғин, Самарқандда ўтириб, ўлим жазосини эълон қилиш ҳақидаги сўзларга дуч келмадим. Изтироб, қайғуриш – тўғри, буни инкор этиб бўлмайди. Соҳибқирон иродаси бўш киши эмасдики, ичкилик, бебошлик, оилавий жанжал, хазинани совуриш каби оғзаки гапларга ўлим жазосини тайинлайверса. Шусиз ҳам Амир Темур Ҳиндистондан қайтганда, Ироқ ва Мозандаронда, Кавказда итоатдан чиқиш, ҳокимият талабгорларнинг кўтарилишлари бўлиб турганди. Амироншоҳ Мирзо мулклари – Озарбайжонда ҳам шундай кучлар бор эди, бу ҳақда олдинда айтилди. Амироншоҳ Мирзо воқеаси Соҳибқирон Амир Темурнинг аввалдан пишитилган 7 йиллик юриш режасининг бир оз эртароқ амалга ошишига туртки беради, холос.

Амироншоҳ Мирзо ишени тафтиш қилиш учун Соҳибқирон Табризга кимларни юборганлигини ҳам билдик. Амир Темур ўз ҳаётида Амироншоҳ Мирзо гуноҳидан минг баробар оғир гуноҳларни ҳам кечиб юборган ҳукмдор эди. Буннинг ёрқин бир мисоли - Тўхтамишхон. 1387 йилда Амир Темур йўқлигида Бухородан Термизга қадар бостириб ўтиб, қанча молу мулкни талаган, Занжирсаройга ут қўйган, ўтлим деб қабул қилгани Тўхтамишни ҳам у кечира олган эди-ку? Амир Темурни қалби йўқ, насронийлар тарихларида учрайдиган аҳмоқ, енгилтак подшоҳларга ўхшатиб қўйиш ўша вақтларда ҳам кимларгадир керак бўлган. Мен, шахсан, Яздийга, Шомийга ва Натанзий, Абдураззоқ Самарқандий сингари ҳалол муаррихларга, уларнинг битикларига ишонаман. Улар Амир Темурнинг расмий тарихиши ёзганлар, олий назардан ўтказганлар. Шомий, ақалли, «Зафарнома»сида Амироншоҳ Мирзо воқеасини зикр этишга ҳам ҳожат йўқ, деб ҳисоблаган. Яздийда Амироншоҳ Мирзонинг Озарбайжон ҳукуматидан «азл этилиши» – четлаштирилиши орадан анча йиллар ўтгач рўй берганлиги айтилади.

«Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида Абдураззоқ Самарқандий «Соҳибқирон ҳазратлари Рум ва Шомдан қайтаётган вақтда (1404 йил – П.Р.) Араб Ироқи, Озарбайжон, Аррон, Муғон, Гуржистон ва Ширвон мамлакатларини Мирзо Амироншоҳ ва унинг фарзандлари Мирзо Абу Бакр ва Мирзо Умарларга бағишлаган эди» деб ёзади. Гап шундаки, Соҳибқирон юқорида қайд этилган мулклар идорасини ота-болаларга топширар экан, Амироншоҳ Мирзонинг кичик ўғли Умар Мирзога каттароқ ваколат беради. Амироншоҳ ва Абу Бакр Мирзолар олдиндан бирга эдилар, ўртада бўлиб ўтган воқеа ота ёнида бўлган ўғилга соя ташламаслиги мумкин эмасди. Шу боисдан Амир Темур давлат ишларида ҳал қилувчи овозни Умар Мирзога бағишлаганди: «Мирзо Умар (отаси ва акаси)дан) қанчалик ёш бўлса ҳам, ёрлиғда, «чаноқий ва умумий ишларда унинг ҳузурига йиғилсинлар ва у маъқуллаган тadbирдан четга чиқмасинлар», деб ёзган (Амир Темур – П.Р.) эдилар», дейди Абдураззоқ Самарқандий.

Шарафиддин Али Яздий 1381 йил воқеалари тўғрисида сўзлаганида Соҳибқироннинг суюкли қизи Тоғай Шоҳ Оғо Бегим вафоти муносабати билан нечоғлик қаттиқ қайғурганини, кўкрагини ерга бериб, давлат ишларидан ҳам чекилганлигини, кўзёшларини тия олмаганлигини ёзади. Фақат, опаси Қутлуғ Туркон Оғонинг насиҳатларидан сўнг, ўзини ўнглаганлигини айтади. Амироншоҳ Мирзо воқеасида Амир Темур етти кун бирор кимсага кўриниш бермай йиғлаган экан, Яздий буни ёзса, ким уни маломат қиларди? Яна бир ўринда, Амироншоҳ Мирзо «ҳамтовоқлари – қатл қилинган бек ва амалдорларнинг тўплаган мол-мулки мусодара қилиниб, хазинага қайтарилди. Амироншоҳнинг ҳарамидаги хотинлари ва канизакларидан фақат болаликларигина қолдирилиб, боласизлари эса ҳарамдан чиқарилиб, ҳайдалади», дейилади.

Бу гаплардан, ростини айтганда, Ибн Арабшоҳнинг ҳиди келади. Лекин, инсоф юзасидан айтадиган

бўлсак, Соҳибқиронга шахсий адовати бўлган бу муаррих, яъни Ибн Арабшоҳ ҳам Амироншоҳ Мирзо воқеасини шарҳлашга инсоф ойинидан нарига чиқмайди. Ибн Арабшоҳ, Амироншоҳ Мирзони ёмон йўлга бошлаган. *«Уша фасодчилар ва адоват аҳллари қатл қилди, лекин Амироншоҳга ҳеч озор бермади. Чунки, у унинг йўли бўлиб, ўз пушти камаридан яратилган эди. Улар икковлари ўртасида шубҳали ишлар бўлиб ўтди-ю, улар тафсилоти ёлғизгина Тангрига аён»*, дейди. «Шубҳали ишлар», шубҳасиз, ота-бола ўртасида кечган якка гаплашувлар бўлган. Ота гуноҳга йўл қўйган фарзанднинг ўзидан бўлган воқеалар тафсилотини сўраб-суриштирган, тагига етган. Турган гапки, шаҳзодани қаттиқ койиган, лекин масаланинг моҳиятига етмасдан қўймаган. Яздий, бир ўринда, *«Соҳибқироннинг шундай бир одати бор эдики, – деб ёзади, – юз берган ҳар қандай ишни диққат билан, синчиклаб ўрганар, то уни охирига етказмагунча хотиржам бўлмасди»*.

1398–1399 йилда бошланган етти йиллик сафарнинг бош муаммоларидан бўлган Амироншоҳ Мирзо воқеасида, мснинг фаҳм этишимча, бош гуноҳкор шаҳзода эканлиги ўз тасдиғини топмаган. Фитна ва хазинани созуришда айбдор бўлганлар қатл этилган. Шаҳзода қаттиқ дашномлар билан ўз ўрнида қолдирилган, қўшин ҳам унинг ихтиёрида бўлиб, Соҳибқироннинг Ироқ, Сурия, Туркияга қарши юришларида тўла иштирок этган. Бироқ «Шахсий ишга» нуқта қўйилмаган. Амироншоҳ Мирзо қўшини ва лашкар бошлиқлари қаттиқ назоратда тутилган. Гуржиларга, итоатдан чиққан, душманлик йўлига кирган Хамшга қарши жангларда бу сиёсат яққол сезилади. Соҳибқирон ҳар ўн навкардан бирини ўн кунлик озиқ-овқати, тайёргарлиги билан танлаб олиб, Кура дарёси устига омонат кўприклар ўрнатдиради. Кўприкдан ўтиб, ўрмонзорлар оралаб ёвни таъқиб этадилар. Бу чакалакзорлардан шамол ҳам йўл топа олмаган. Соҳибқирон

рон қўшинлари дарахтларни кесиб, йўл очадилар. Ҳарб ишлари давом этаётганда, тинимсиз йигирма кун қор ёғади. Табиий қийинчиликларни енгиш бир сира, ёвни мағлуб этиш бир сира бўлади. Мағлуб этилган ҳукмдор Хамш қочиб, дарвешга айланади. Соҳибқирон гуржиларга қарши олиб борилган жангларда сусткашлик кўрсатган Амироншоҳ Мирзо бекларини сўроқ қилишга фармон беради. Ҳожи Абдуллоҳ Аббос, Муҳаммад Қазағон каби беклар беғамлик қилгани, ёвга қарши курашда заифлик кўрсатгани учун калтак жазосига тортиладилар. Ямин Ҳамза Апарди эса жанг майдонидан қочганлиги, аниқроғи, қочишни бошлаб берганлиги учун ўлим жазосига ҳукм этилади. Шоҳруҳ ва Амироншоҳ Мирзолар унинг гуноҳини сўраб оладилар, унга ҳам калтаклаш жазоси тайин этилади. Ёвга қарши курашда ботирликни бой берган, кўрқоқлик қилган учала бекдан жарима тариқасида 300 тадан от ундириш амри фармони бўлади. Амироншоҳ Мирзодаги руҳан тушкунлик, англаш мумкинки, унинг бекларига ҳам ўтган ва бу қимматга тушган. Қўшиннинг кайфиятини, жанговар тайёргарлигини кўтариш ўша пайтда жуда муҳим ҳисобланган ва Соҳибқирон қаттиққўллик йўлини тутган.

«Шахсий ишга» нуқта қўйилмаган эди, деган фикрни айтдим. Табризда Амироншоҳ Мирзонинг ёнида бўлиб, хазинадан улуш олганлар орасида қариндош-уруғлар ҳам йўқ эмасди. Шулардан бири Навширвон эди. Яздий 1403 йил воқеалари тўғрисида сўзлар экан, шу йили Кермонда Идикунинг одамлари мол-мулкни олганлиги хабари Соҳибқиронга етади. Идикуни сўроқ қиладилар. Идику Соҳибқироннинг амакиси Ҳожи Барлоснинг укаси эди. Идикунинг хотини Боён Оғо ҳам Амир Темурга яқин хешлардан эди. Идикунинг иши юз туман кепак жарима тўлаш билан ёпилади. Идикунинг ўғли Навширвонга Табризга бориб, у ердаги мол-ҳолларини хазинага топшир буйруғи бўлади. Қаранг, орадан 3 – 4 йил ўтса ҳам, Амироншоҳ Мирзо баҳона-

сида давлат хазинасидан ўмарилган бойликларни қайтариш давом этади. Яздий ҳақ экан, Соҳибқирон бир ишга киришмасин, агар киришгудек бўлса, уни ниҳоясига етказмасдан қўймаган. Буни яна Амироншоҳ Мирзо ҳаёти мисолида кўришимиз мумкин бўлади.

Хонзода Бегим Самарқандга арз билан бориб, Соҳибқирон уғруқида Сарой Мулк Хоним ва бошқа шаҳзодалар хотин-халажи билан Султонияда туради. Сивос олиниси пайтларида улар шу жойда бўлиши тайин этилган. Сурия, Миср, Халаб фатҳ этилишида Амироншоҳ Мирзо ва унинг қўшини ҳам иштирок этади. Унинг ўғли Абу Бакр Мирзо ҳам жангларда ўзини кўрсатади. Айниқса, Мисрнинг забт этилишида Амироншоҳ, Шоҳруҳ, Абу Бакр Мирзолар ва Сулаймоншоҳбекларнинг ҳиссаси, шахсий жасорати катта ва ибратли бўлади. Қизиғи шундаки, ҳижрий 803 йилнинг сешанба куни, жумадул-аввал ойининг ўн туққизиди (05.01.1401) Соҳибқироннинг набираларидан бири Султон Хусайн шомликлар (Сурия) томонига қочиб ўтади ва Амироншоҳ Мирзо билан Шоҳруҳ Мирзоларга қарши жанг қилади... Дамашқ қалъасининг фатҳ этилишида ҳам иккала шаҳзода баҳамжиҳат ҳаракат қиладилар.

Етти йиллик жангу жадалларда Амироншоҳ Мирзонинг тўла ҳуқуқли иштирокчи сифатида намоён бўлиши юқорида келтирилган «аввал бошдан азл этилди» қобилидаги фикрларнинг ҳақиқатга мувофиқ эмаслигини тасдиқлайди. Йилдирим Боязидга қарши курашда ҳам у ва унинг ўғиллари Халил Султон, Абу Бакрлар бир сафда турганлар. Кичик ўғил Умар Мирзо эса айтилгани каби, Самарқандда қолдирилган эди. Ҳали унинг Табризга келишига анча вақт бор эди. 1402 йилнинг 2 декабрида Амироншоҳ Мирзо, унинг ўғли Абу Бакр Мирзолар Измирга қилинган юришда Соҳибқирон ёнида бўладилар. Нусратли ғалаба ёр бўлиши даст берган кунларда валиаҳд Муҳаммад Султон оламдан ўтади. Авник қалъасида таъзия маросими ўтади.

Соҳибқирон келиши билан ҳарамдаги аёлларнинг, айниқса, марҳум шаҳзоданинг онаси Хонзода Бегимнинг йиғлаган овози оламни тутати. Амир Темур мулоҳимлик билан пандлар қилади, йиғидан фойда йўқлиги айтиб, келишини овутади.

Етти йиллик сафар охирига етаётган эди. Етти йилда кечган воқеа-ҳодисалар мундарижаси ниҳоятда рангбаранг бўлгани каби, йўқотишлар сони ҳам кам эмасди. Амироншоҳ Мирзо шу йилларда қаттиқ ва оғир синовдан ўтади. Ўтадимми? Бу саволга «ҳа» деб жавоб беришни қанчалик истамай, тарих менинг хоҳишимга бўйсунмайди. У қачонлардир оқиб ўтган тошқин дарёнинг қуриб, қақраб қолган ўзанига ўхшайди. Мен шу ўзандан боряпман ва нимаики аломатлар, ишоратларни кўрган, билган бўлсам, уларни бориचा айтишга бурчлиман. Миср, Сурия, Озарбайжон, Рум тасарруфга олингандан кейин, Соҳибқирон бу ҳудудлар маъмурий бошқарувини қайтадан кўриб чиқади. Ўтган йиллар юклари, тажрибалари, сиру синоатлари, тақозолари шундай йўлни кўндаланг қилиб қўйганди. Араб Ироқиға Амироншоҳ Мирзонинг тўнғич ўғли Абу Бакр Мирзо жўнатилади. Яздий тарихида, «Абу Бакр Мирзо отаси Амироншоҳни бундан буён ўзи билан бирга қолишни бобоси Темурдан илтимос қилади. Абу Бакр Мирзонинг илтимоси қондирилгач, у отаси Амироншоҳни олиб, ўз ҳукмида бўлган Бағдодга жўнайди», деган сўзларнинг тасдиғини учратмадим. Яна ўзан бўйлаб юришда давом қиламан.

Ҳижрий 806 йилнинг жумад ул-аввалида, жума кунда (16. II. 1403) Самарқанддан Соҳибқирон Амир Темур чорлови билан Амироншоҳ Мирзонинг кичик ўғли Умар Мирзо етиб келади. Соҳибқирон бу пайтда Бойлакон шаҳрини қуриш билан банд эди.

Амир Темур ҳазратлари 1404 йилнинг 26 мартида Аракс яқинидаги яйловда шоҳона чодирларини ўрнатган эди. Бу жой Соҳибқирон томонидан қаздирилган Барлос анҳорига яқин бўлган Насъматобод қишлоғи

ёнида эди. Шу жойда унинг томонидан катта тўй берилди. Шаҳзодалар, амирлар, беклар, хуллас, аркони давлат тўйда ҳозир бўлади. Шу тўйдан кейин шаҳзода Умар Мирзо расмий равишда отаси ўрнини эгаллайди. Умар Мирзога Озарбайжон ва унга қарашли бўлган Рум – Истанбулгача, Сурия ва Миср мамлакатлари идораси топширилди. Ироқ ва Форсда турган шаҳзодаларнинг унга бўйсунishi ва мажлисларида қатнашиши буюрилади. Амироншоҳ Мирзонинг саркардалари ва бутун қўшини Умар Мирзо ихтиёрига олиб берилди. Бу, энди, ростдан ҳам Амироншоҳ Мирзонинг азл этилиши – давлат ишларидан четлаштирилиши эди. Айрим муаррихлар шу санагача бўлган беш – олти йилни гуё бўлмагандек, орадан кўтариб, Амироншоҳ Мирзонинг азл этилиши воқеаларини сунъий равишда олдинга сурганлар. Соҳибқирон Амир Темур масалага охириги нуқтани қўйгунча, кўп йиллар ўтади. Ота сифатида ўғлини кечирган Соҳибқирон Давлат бошлиғи сифатида уни мағфират эта олмаган. Ҳарбу зарблар билан кечган кўп йиллик имтиҳон Амироншоҳ Мирзо фойдасига ҳал бўлмаган. Бунда, эҳтимол, шаҳзоданинг шахсий жасорати кузатилмаганлиги, аввалги баҳодирлиги бўлмаганлиги ҳам эътиборга олингандир. Қанчалик ачинарли бўлмасин, Амир Темур ҳазратлари оила ва давлат ишларини бир-бирига аралаштирмаган, оилавий яқинлик, ота-болалик имтиёзларини суистеъмол қилмаган, салтанат дахлсизлигини устун қўйган.

Умар Мирзога катта ваколатлар берилди. Ўн минг сараланган навкар, Амир Жаҳон Шоҳ, Рустам, Амир Мусо, Тўкал Ёдгор Барлос, Жунайд Бурулдай ва бошқа беклар шаҳзода ҳузурида соҳиб ихтиёр қилиб берилди. Соҳибқирон, «Ҳамма сўзсиз Умар Мирзога бўйсунсин», деган амрни қилади. Шаҳзодага тож кийдириб, безакли камар, тилло эгарли от ҳадя этади. Унинг ёнидаги бекларга ҳам туҳфалар берилиб, яхши сўзлар, тилаклар айтилади.

Келинлар хонзодасининг улкан хонадоннинг зур бир тармоғи надёзига болта уриши шундай якун топади. Бу якун Соҳибқирон тириклигида юз бергани, ҳали унинг Амир Темур вафотидан сўнг нохуш давоми ҳам бор. Энди бу кулфат улугълаиб, катта-риб бир тармоқ доирасидан салтанат ёқасига ёпишиш даражасига боради. Хонзода Бегим 1398 йилда Самарқандга арз билан келгандан буён Амроншоҳ Мирзо билан айру йўлда, бирга яшамас эдилар. Ўтган беш – олти йил давомида Хонзода Бегим Соҳибқирон аёллари, келинлар қуршовида уғруқ билан донмо сафарла, кўпроқ Султонияда яшаб турган. 1404 йил ёзларида Амироншоҳ Мирзо Бағдодга кетган ва ерда истиқомат қила бошлаган. Бунини Шарафиддин Али Яздийнинг тубандаги сўзларидан фаҳмлаш мумкин. Муаррих, «Соҳибқирон 806 йилнинг 22 шаволи шанба кўни (03-05.1404) Султонияни тарк этиб, қишлоқ ва манзилларни тай қилиб, Қазвин даштида тўхтади. Шаҳзода Абу Бакр Соҳибқирон қайтиб кетаётир деб эшитиб, Гулшан йўлидан кесиб чиқди ва йн кун деганда Қазвин даштига етиб, Соҳибқироннинг нурли юзини кўришига муваффақ бўлди. У билан бирга Амир Ҳусайн Барлос ва Севинчбеклар боришганди. Сарой Мулк Хоним ва Шайх Нуриддинбеклар тилак билдирдиларки, шаҳзода отасининг олдига қайтси ва у билан Бағдодда бирга бўлса, яхши бўларди, дедилар. Ҳукмдор (Амир Темур – П.Р.) улар сўзини инobatга олди ва шаҳзоданинг боришига розилик билдирди. Унга тўрт юз минг олтин динор кепак, юз бош от, шоҳи ва бошқа матолар тортиқ қилди. Шаҳзода Султонияга қайтиб борди. Соҳибқирон Қазвиндан чиқиб, Совуқбулоққа етиб келди. Бу жойда шаҳзода Абу Бакрга икки юз от, юзта совут, юз минг олтин кепак тақдим этади. Абу Бакр Мирзонинг хотини, Хожи Сайфиддиннинг қизи Шайхи Мулкка Бағдодга яқин Дужайл қишлоғини сўюргол қилиб беради».

Келтирилган иқтибосдан, олдинда айтилган «Абу Бакр отасини ўзи билан бирга бўлишга сўраб олди», қабиладаги даъволарга тўла жавоб топиш мумкин бўлади. Бағдодда, салтанатдан узоқда яшаш буюрилган, аниқроқ айтганда, бадарга этилган Амироншоҳ Мирзога, барибир, Соҳибқироннинг юраги тубида оталик меҳри сўнмаган. Абу Бакр Мирзога кетма-кет қилинган тортиқлар бир унинг ўзи учунгина эмаслигини тушунмаслик мумкин эмас. Нима бўлганда ҳам, 1404 йилнинг ёзи ота-боланинг сўнгги учрашуви эди...

АМИРОНШОҲ МИРЗОНИ КЎРГАН АЖНАБИЙ

1404 йил май ойида Амироншоҳ Мирзо Озарбайжон мулкларини бошқаришдан маҳрум этилади. Шу йилнинг июнь ойи охирида Табризга етиб келган Кастилия элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Амироншоҳ Мирзо билан учрашишга ноил бўлади. Амироншоҳ Мирзо, афтидан, қил устида ўтирган пайтлар эди шу кунлар. Клавихо шундай ёзади: *«Амироншоҳ юборган хабарчи ҳузуримизга келиб, давлатпаноҳ элчилар сифарни тезлаштириб, бу ердан унчалик узоқ бўлмаган далада лашкари билан турган подшоҳ ҳузурига етиб келишларини сўраганлигини маълум қилди. Элчиларга салтанат отларидан тақдим этишди. Кун ботганда улар йўлга чиқдилар. Тонг отиши билан Амироншоҳ томонидан юборилган иккинчи хабарчи етиб келиб, подшоҳ элчилар билан учрашиш ниятида Султонияга қараб йўл олганлигини, шунинг учун элчилар илдамлаб қадам ташлашлари лозимлигини айтди... 26 июн, пайшанба кuni тушга яқин Султония деган катта шаҳарга келдик. Бу ерда Темурбекнинг катта ўғли (учинчи ўғли – П.Р.) Амироншоҳ билан учрашамиз Жума кuni эрталаб Амироншоҳ ҳузурига йўл олдик. Амироншоҳ билан катта бог ичидаги саройда учрашдик. У бизни очиқ чехра билан жуда яхши қарши олиб, ўзи ўтирган чодирга*

таклиф қилди. Аввал давлатпаноҳимиз қиролнинг сўхат-саломатлигини суриштирди. Бир оз вақт суҳбатлашганимиздан кейин элчиларни дастурхонга таклиф этдилар. Кетиш олдидан Амироншоҳ ҳар биримизга кимхоб тўн тақдим этди».

Клавихо тасвирида шаҳзодада хасталик аломати заррача бўлса-да кўзга чалинмайди. Лекин Клавихо ҳам сўраб-суриштириб, Амироншоҳ Мирзо билан боғлиқ воқеаларнинг тагига етган. У синчков, бирор нарсани эътибордан четда қолдирадиган киши эмасди. Мирзонинг учрашувни тезлаштиришини, чамаси, у кейинроқ тушуниб етган. Клавихо келган пайтларда Амироншоҳ ҳокимиятни бўшатиб бераётган, ўғли Мирзо Умар ҳали Табризга етиб келмаганди. Табризда тўққиз кун бўлган Клавихо ва унинг ҳамроҳлари шу яқинда юз берган ўзгаришлардан воқиф бўлганлар.

«Султония ва Табриз шаҳарлари, – деб давом этади Клавихо, – умуман Эрон подшолиги, аввал Темурбекнинг катта ўғли Амироншоҳ тасарруфида эди. Амироншоҳ бу ерларга ҳокимликдан маҳрум (элчилар 29-июнда Султониядан чиққанлар, шаҳзоданинг ишдан четлатилганлигига ўзлари гувоҳ бўлганлар – П. Р.) этилди. Бунинг сабаби қуйидагича: Амироншоҳ бу ерларнинг подшоси бўлиб, отаси томонидан тақдим этилган қўплаб қўшин ва ясовуларга эга эди. У Табризга ташриф буюрганда ғалати бир қилиқ чиқаради. «Ҳамма уйлар, масжидлар ва бошқа бинолар бузиб ташлансин», деб буюради. Табриздан Султонияга келиб, буерда ҳам ҳамма иморатларни бузиб ташлатади. Шаҳардаги қалъага кириб, отасининг шу ерда сақланаётган хазинасининг анча қисмини олиб чиқиб, ўз ясовулари ва аъёнларига тақсимлаб беради. Шаҳардан ташқарида, чеккароқда бир баобрў зот томонидан қурилган қалъасимон мақбара бор экан, бу зотнинг ўзи ҳам шу ерга дафн этилган. Амироншоҳ: «Ўша мақбарани бузиб, ундаги жасад қабрдан чиқариб ташлансин», – деб буюради. Баъзи бировлар: «Амироншоҳ

буларнинг ҳаммасини жиннилик васвасаси таъсирида қилган», десалар. бошқаларнинг гапига қараганда, Амироншоҳ «Мен жаҳонда энг улуг инсоннинг фарзандиман, бу шаҳарларда ўлимимдан кейин ҳам ном қолдирадиган қандайдир ишларни амалга оширмоғим керак?» дейди ўзига ўзи. Сўнг ном қолдирадиган ҳар хил ишлар ҳақида ўйлайди. Пировардида, дунёда ҳозиргача амалга оширилган ишлардан афзалроқ бирор нарса қилиш мумкин эмаслигини англайди. Наҳотки, мендан ҳаётда бирон хотира қолмаса? – ўзига савол беради. Шундан кейин бундай қарорга келади: ўлимимдан кейин одамлар «Амироншоҳ ўзи ҳеч нарса қурмади-ю, бироқ энг яхши иншоотларни барбод этди, деб айтсинлар», деб юқорида зикр этганимиз биноларни бузиб ташлашга буйруқ беради. Бу воқеадан огоҳ бўлган Темурбек Самарқанддан Амироншоҳ ҳузурига қараб йўл олади. Отасининг келаётганини эшитган Амироншоҳ бўйнига сиртмоқ солиб, «Бир қошиқ қонимдан кечинг», деб афв сўраб унинг йўлига пешвоз чиқади. Отаси уни қатл этмоқчи эди, бироқ қариндош-уруғлар ва амалдорлар шаҳзоданинг гуноҳидан ўтишини подшоҳдан сўраб, шу қадар жон куйдириб ялиниб-ёлворадиларки, пировардида, Темурбек унинг гуноҳидан ўтади. Бироқ Амироншоҳни салтанатдан маҳрум этади, ихтиёридаги ерлар ва қўшинни ундан тортиб олади. Темурбек Амироншоҳнинг ўғли, ўзига эса неварара бўлган Абу Бакр Мирзони ҳузурига чақириб: «Отанг гуноҳкор бўлиб қолганлиги учун, унинг салтанати ва мулкини сенга тақдим этаман», дейди. Невараси «Давлатпаноҳ! Отамнинг ҳокимияти ва мулкини олишдан Худо сақласин. Яхшиси, қаҳрингиздан тушиб, ҳамма нарсани унинг ўзига қайтариб беринг», дейди.

Абу Бакр ҳокимиятдан бош тортгандан кейин Темурбек Амироншоҳнинг бошқа ўғлини чақиради. У отасининг салтанати ва қўшинини қабул қилади. Ҳокимиятга эга бўлган ўғил эндиликда отаси ва акаси билан рақобатга қўл уриб, ҳатто уларни ўлдиришни

ҳам ихтиёр қиладики, бу ҳақда кейинроқ сўзлаймиз... Эндиликда Амироншоҳ салтанатдан маҳрум бўлган вақтдан бери мўмин-қобил ўғил – Абу Бакр Мирзо билан биргаликда шу вилоятда яшамоқда.

Амироншоҳ, юқорида айтилгандай васваса дарди-га мубтало бўлиб қолган вақтда хотини Хонзода яширин тарзда уйдан чиқиб кетиб, кеча-ю кундуз йўл босиб, Темурбек ҳузурига етиб келган ва бўлган воқеани унга сўзлаб берган эди. Хонзода Темурбекдан ўғлининг хатти-ҳаракатларини чуқур баҳолашни сўрайди, чунки Амироншоҳ отага қарши исён қўтармоқ ниятидadir, деган фикрни айтади. Оқибатда Темурбек, юқорида айтганимиздек, Амироншоҳдан ҳокимиятни тортиб олган эди. Хонзода ҳозирги вақтда эри ҳузурига қайтиб бормади, Темурбек саройида катта иззат-ҳурматда яшамоқда. Ваҳоланки, Амироншоҳнинг Хонзодадан Қарил Султон (Ҳалил Султон) деган ўғли бор. Амироншоҳ қирқ ёшларда, тўладан келган, баланд бўйли, оёқ оғригига чалинган киши».

Испан қиролик элчиси Клавихонинг айтмишларини тўлиқ келтиришдан қузатиш мақсад, Амироншоҳ Мирзо тўғрисида ўша пайтларда тарқалган мишмишларнинг моҳиятини англатиш эди. Элчи Табриз ва Эронда эшитган гапларни Оврупча андоза билан «қайта ишлайди» – ўзидан ном қолдириш истаги – бузишлар асоси сифатида кўрсатилишини бундан бошқача изоҳлаб бўлмайди. Клавихо ҳам, Амироншоҳ Мирзонинг ҳокимиятдан тезлик билан олиб ташланганлигини айтади. Бу эса унинг масала моҳиятига чуқур кириб бормаганлиги, эшитма гаплар билан кифояланганлигини далолат этади. Чунки, унинг Амироншоҳ Мирзо билан учрашувидан кейин гап-сўзлар кўпайиб кетган. Хонзода Бегимнинг Самарқандга борганидан сўнг, орадан 5–6 йил ўтиб, Клавихо Табризда бўлган 1404 йилнинг июн ойида шаҳзода ҳокимиятдан олинганлиги юз берган паллалар эди. Элчи мавзунинг олинган кечган воқеа-ҳодисаларига эмас, айнан

ўзининг Табризда ва Султонияда бўлиши вақтида юз берган ишларга эътиборни қаратади.

Клавихо Абу Бакр Мирзо ва отаси ҳақидаги воқеаларни ҳам элчиларга яқин бўлган, хизмат кўрсатган кишилар айтгани даражасида таърифлайди. моҳият-ни теран идрок этиш йўлидан бормайди. Амир Темур ҳазратларининг расмий тарихларида бу хусусда қилинган эътирофларни юқорида келтириб ўтдим. Қиёсланг, солиштиринг, Клавихо ўша пайтлар сарой ташқарисидаги гап сўзларни қаламга олган бўлса, Яздий ва Натанзийлар сарой ичидаги қозонда қайнаган воқеаларни тақдим этганлар. Хонзода Бегим билан Амироншоҳ Мирзонинг бирга яшамаслиги далилини Клавихо очиқ-ойдин айтаётир. Бу ҳам сарой ташқарисида шаклланадиган, тез тарқаладиган «оҳори тўкилмаган хабарлардан», десак бўлади. Расмий тарихлардан ҳам шу ҳолни сезиш қийин эмас, буни айтиб ўтдим. Яздийга, Натанзийга таяниб, шундай хулосага келдим. Оилавий можаролар, айниқса, у мамлакатни бошқариб турган хонадонлар билан боғлиқ бўлса, қўшилиб-чатилиб, ҳақдан ноҳақликка улғайиб бориши Клавихонинг эшитмалари мисолида яққол кўзга ташланади. Ўша пайтда элчиларга ахборот берадиганлар орасида уйдирмачилар ҳам бўлган. Гап шундаки, Клавихо, Умар Мирзонинг отаси ва акаси Абу Бакрга душман бўлиши, уларни ўлдиришга қасдланиши ҳақида гапиради. Клавихо, бу «башорат»ни нималарга асосланиб айтган, бир нарса дейиш қийин. Ота-болаларнинг ўзаро ёвлашуви фақатгина Амир Темур ҳазратлари вафотидан кейин юз беради ва кучайиб кетади.

Табризда, Султонияда бўлган, бу шаҳарларда бир неча кун тўхтаган Клавихо, юқорида келтирилган сўзларида, «Амироншоҳ фалон бинони, фалон жойларни буздирган экан, кўрдик», демайди. Мақбара бузилиши тўғрисида ҳам мубҳам гапларни айтади. Турғун Файзиев, эслатилган китобида бу мақбара муаррих

Рашидуддинга тегишли эканлигини айтади. «Султония шаҳрида, – деб ёзади «Темурийлар шажараси» муаллифи, – энг чироғли ва ҳашаматли бинолардан бирини буздиради. Шунингдек, Табриз шаҳаридаги машҳур тарихчи Рашидуддиннинг мақбарасини буздириб, марҳумнинг суякларини йиғдириб, шаҳардаги яҳудийлар қабристонига олиб кўмишни буюради. Ўзининг бундай хатти-ҳаракатига тарихчи Рашидуддиннинг яҳудий мазҳабига мансуб эканлигини асосий сабаб қилиб кўрсатади».

Рашидуддин (1247–1318) келиб чиқиши яҳудий бўлган. Эронда Аргун, Ғозонхон ва Улжайтухонлар вазири сифатида танилган. Мўғуллар даврида, Ғозонхоннинг маъмурий-хўжалик ислохотларида ташаббускор бўлган. Илоҳият, тиббиёт ва тарихга доир бир неча асарлар ёзган, улар жумласида «Жамий ат-таворих» – жаҳон воқеалари соломасига доир китоби ҳам маълум. Абу Саид ҳукм сурган йилларда Улжайтухонни заҳарлашда айбланиб, қатл этилган. Унинг мақбараси бузилишини Соҳибқирон Амир Темурнинг расмий тарихларида учратмадим. Клавихо бўйича, Амироншоҳ Мирзо бутун Табриз ва Султонияни вайрон қилган бўлиб чиқади. Турғун Файзиев, қайсиқдир манбага асосланиб, Султонияда битта иморат буздирилганлигини айтади. Олдимизда уч жиҳат кўндаланг бўлаётир: кўпиртириш, бор-йўғи бир мисол келтириш ва хаспўшлаш. Клавихо, Оврўпонинг ойнаги билан Шарққа тикилиб, имкон даражасида нуқсон топишга ҳаракат қилади. Шубҳасиз, Амироншоҳ Мирзо нималарнидир буздирган, буни инкор этиб бўлмайди. Ном чиқариш билан бу ишларни боғлаш гўрт Оврўпо менталитети намоёншидан бўлак нарса эмас. Жиноятчи сифатида қатл этилган олимнинг хоки, ҳақиқатда таҳқирланганми, бу бошқа манбаларда тилга олинмайди. Испан элчиси ўзи бориб келган юртларда варварлик нишонларини кўрмоқчи ва шу билан «маданий» элатдошларини ҳаётга солмоқчи бўлган. Ҳолбуки,

Оврўпо қироллари саройларида ҳокимият талашлари, ишқий можаролар, бузиш, ёқиш Шарқдагидан кўра жуда кенг тарқалган усуллардир. Клавихонинг барча деганларини ҳақиқатдан узоқ дейиш ҳам жоиз эмас. Клавихо эшитганларини ўзига яраша таржима орқали билганларини қоғозга туширган. У, китобига киритган маълумотларни давлатнинг расмий кишиларидан эмас, йўл бошловчи, қузатувчи, хизмат қилувчи одамлардан эшитган. Бу тоифа одамларнинг хабардорлик даражаси билан бир қаторда сулолага муносабати ҳам бериладиган ахборотнинг товланишига сабаб бўлмай қолмаган. Клавихо маълумотларини худрага ўхшатгим келади. Буғдойпояга бир йил экин-тикин қилинмаса ҳам, бошоқлардан ситилиб тушган донлардан майса кўклайди. Ундан ҳосил йиғиб олса ҳам, олмаса ҳам бўлади. Клавихо юртига қайтиш чоғида Амир Темурни ўлган деб ҳисоблайди. У Самарқандни тарк этаётганида Соҳибқирон Хитой юришини бошлаётган эди. Худранинг маънисини энди тушунгандирсиз, муҳтарам ўқувчи. Бу хулосам Клавихонинг фақат Амироншоҳ Мирзо билан боғлиқ гап-сўзларига тааллуққидир. Клавихонинг Соҳибқирон Амир Темурга бўлган раъбати ва ҳурмати жуда баланд бўлган. У, «Темурбекнинг нақадар буюк подшоҳ» эканлигини Кастилиядан Самарқандга қадар бўлган олисдан-олис масофа давомида, учрашгани, кўргани одамлар ва уларнинг Амир Темурга муносабати тасвири орқали, самимият билан акс этдиради.

Клавихо ўз сафари давомида қанча йўлларни, қанча элларни юришига кўришига тўғри келади. У, Оврўпо ва Шарқда сулолаларнинг тожу тахт учун олиб борган курашларидан яхшигина хабардор эди. Византия тахти учун бўлган курашлардан Руи Гонсалес ўз саёҳат кундалигида айрим нақллар келтиради. Константинопол қироллик саройида ҳам ички низолар гизаклаган бўлган. Клавихо, «Византия тахтига даъвогарлар воқеаси» деб номланган қисмда, шундай ҳикоя

қилади: «Константинополдан қувилган императорнинг отаси шу Биби Марям черковига дафн этилган. Шаҳардан ҳайдалган императорнинг салтанатга даъвогарлиги. Константинопол қасрининг бузилиш сабаблари эса қуйидагича: Константинополнинг ҳозирги императори Кирманоли, яъни Кир Мануилдир. Бундан аввал император бўлган акасининг ўғли шу қадар бебош ва қайсар эдики, ҳатто ўз отасига қарши фитна кўзгаганди. Турк султони Муроднинг Темурбек мағлуб этган ўғли (Йилдирим Боязид – П.Р.) ҳам шундай бебош чиққанди. Турк султонининг ўғли билан император Кир Мануилнинг ўғли оталарини тахтдан тушириб, ҳокимиятнинг ўз қўлларига олиш ниятида тил бириктирадилар. Мурод билан Константинопол императори ҳам ўзаро бирлашиб, ўз ўғилларига қарши қўшин тортиб келиб, уларнинг ҳозир туркларга қарашли бўлган Галиполи қасрида учратадилар. Қасрни қамал қилган икки ҳукмдор ўғилларни қўлга тушириб, авлодларга ўрнак бўлиши учун уларнинг кўзларини ўйиб олиш, қасрни эса бузиб ташлаш ҳақида ўзаро келишадилар. Ўғилларни қўлга туширишлари биланоқ, қасрни бузиб ташлайдилар. Турк султони ўз ўғлининг кўзини ўйиб олишни буюради. Нариги император эса, ўғлига раҳми келиб, кўзини ўйиб олишдан истиҳола қилиб, уни чуқур, қоп-қоронғи зиндонга ташлаб, қиздирилган мўндилар воситасида кўзини нурдан маҳрум қилади».

Элчининг бу сўзларини мулоҳаза қилганимизда, Соҳибқирон ва Амироншоҳ Мирзо муносабатлари ечимда Амир Темурнинг давлат арбоби сифатидаги сиймоси янада юксалиброқ кўзга ташланади. Чунки, Хонзода Бегим Самарқандга арз билан борганида, «Амироншоҳ Мирзонинг отасига душман бўлиши», яъни Табризда мустақил ҳокимият қарор топдириши мумкинлигини очиқ айтган эди. Бу буюк салтанатга қарши чиқиш, уни парчалашга уриниш деган гап бўларди. Соҳибқироннинг бу борадаги сиёсати, арқонни узун

ташлаб қўйиб, бир қарорга келиши чўзилиши сабаблари шу андишалар билан боғлиқ эди, дейиш асослироқ кўринади. Клавихо, ҳукмдорлар ҳақида фикр юритганида, Соҳибқиронга, унинг заковати ва жасоратига астойдил қойил бўлиб, «Темурбек нақадар буюк подшоҳ экани ҳақида ўзингиз уйлаб кўринг», дея хитобли сўзларни битади.

1404 йилнинг октябр ойи бошларида Клавихо бошлиқ Испан элчилари Самарқандда яхши кутиб олинган ва жойлаштирилган эдилар. Соҳибқирон пойтахтида элчи яна бизни Хонзода Бегим билан учраштиради. Қаранг, шунча воқеалар бўлиб ўтади, Амироншоҳ Мирзо Ироққа йўл олади, келинлар хонзодаси эса, салтанат пойтахтида ўзи билганича, тўлиб-тошиб яшашда давом этади. Хонзода Бегим 9 октябр куни катта базм уюштиради ва элчиларни ҳам унга таклиф қилади. *«Хонзода Бегим ва унинг ҳузуридаги аёллар катта чодир эшиклари олдидаги соябон остида ўтирардилар. Хонзода Бегим гоҳи-гоҳида ёнида қатмақат қўйилган болишларга ёнбошларди. У бугун қариндошларидан бирининг никоҳ тўйини ўтказаётган эди. Бегим кўринишда қирқ ёшлар чамасидаги тўладан келган, оқ юзли аёл эди. Унинг олдида май, шунингдек, улар кўп истеъмол қиладиган шарбатларга тўла кўзачалар турарди. От сутига шакар солиб тайёрланган бу ичкилик бўза деб аталарди. Базмда кўпгина мулозимлар ва подшоҳнинг (Амир Темурнинг – П.Р.) қариндошлари ҳам ҳозир бўлдилар. Базмда машшоқлар тинмай куй чалар эдилар. Элчилар етиб келганларида шаробхўрлик бошланган эди. Шаробхўрлик қай йўсинда олиб бориларди? Подшоҳнинг қариндоши, бир кекса мулозим ҳамда унинг қариндоши, икки ўспирин бола Хонзода Бегим ва бошқа аёлларга қуйидаги усулда қадаҳ турар эдилар: қадаҳ тутувчиларнинг қўлида сочиққа ўхшаган бир парча оқ мато бўлиб, сабукашлар кичик олтин пиёлаларга май тўлдириб, уларни тилло патнисчаларга қўярдилар. Қадаҳ тутувчилар*

олдинда, уларнинг кетидан пиёлалар қўйилган патнисни кўтариб олган шарбатдор борарди. Булар ярим масофага боришгач, бир жойда ўнг тиззаларини уч бор букиб, сўнг қад ростлайдилар. Кейин май тўлатилган пиёла қўйилган патнисни олиб, Хонзода Бегим ўтирган жойга яқинлашадилар. Патнисдаги пиёлани қўл тегизмасдан, оқ сочиқ билан ушлашиб, Бегим ва бошқа аёллар ҳузурида тиз чўкадилар. Аёллар пиёлаларни қўлга олганларидан кейин май узатувчилар патнисни тутган ҳалда бир оз орқага тисарилиб бориб, ўнг тиззаларида чўкиб турадилар».

1405 йил воқеалари таассуротларини тартибга келтирганида, Клавихо кундалигига Самарқандда битиб қўйган қайдларни асос қилган. У Самарқандда Хонзода Бегим билан учрашган, унинг тўй базмида иштирок этган. Табризда бўлган пайтида эшитган гаплари боис, Хонзода Бегимга алоҳида эътибор билан қараган, уни кузатган, ўрганган.

«Хонзода Бегим эри Амироншоҳ билан отаси Темурбек ораларида келиб чиққан ўша можарога сабаб бўлган аёлдир. Хонзода Бегим хонлар авлодидан бўлганлиги сабабли, Темурбек уни гоаят ҳурмат қиларди. Хонзода Бегимнинг Амироншоҳдан кўрган фарзанди Карил Султон (Халил – П .Р.) Султон йигирма ёшларида эди», деб ёзади элчи. Халил Султон ёши борасида Клавихо адашмаган эди, шаҳзода шу пайтларда 20 – 21 ёш устида эди. Хонзода Бегим эса 45 – 46 ёшни қоралаган эди.

Клавихонинг сафар кундалиги хотимаси бевосита унинг ва ҳамроҳларининг ўз юртларига қайтиши воқеаларига бағишланган. Уларнинг йўли яна Табриз орқали ўтади. Амироншоҳ Мирзо қисматининг давоми – унинг ҳокимиятдан туширилиши, ўғли Умар Мирзонинг отаси ўрнига қойим мақом бўлиши воқеалари синчков ва ҳассос элчининг назаридан четда қолмайди. Элчининг гувоҳлик беришича, 1405 йилнинг сўнгиларида Умар Мирзо қўшинлари сони 45 минг

бўлган. Элчининг Амироншоҳ Мирзо, унинг ўғиллари – Абу Бакр ва Умар Мирзо ҳақида ёзиб қолдирганлари Амир Темур вафот этган йилнинг манзарасини тиклашда қўл келади. Тўғри, бу ҳақда расмий тарихларда ҳам ёзилган. Ажнабий Клавихо билан, шу воқеалар ичида бўлган Абдураззоқ Самарқандий айтганлигини муқояса қиладиган бўлсак, айрим ноаниқ ўринлар ойдинлашади. Амироншоҳ Мирзонинг бу даврдаги фаолияти қирралари яққол кўзга ташланади. Унга олти-етти йил бурун «хаста», «ақли заиф» деган ташхисларни қўйган битикчилар, негадир, бу атамалардан воз кечадилар, аксинча, Амироншоҳ Мирзонинг ҳокимият курашларида фаол бўлганлигини уқтирадилар. Шу жиҳатдан, ажнабий ва расмий муаррихнинг бу хусусдаги қарашларини истифода этиш жоиз бўлади.

Элчи сафарномасидан билдикки, Хонзода Бегим ўша, Самарқандга арз билан келган 1398 йилдан эътиборан Амироншоҳ Мирзо билан қайтиб бирга яшамаган. Самарқандда имтиёзларга қўмилиб, дегани деган ҳолда истиқомат қилган. Клавихо эътибор қаратганидек, ўз қариндошлари тўйларини ҳам сарой доирасида, тантанавор ўтказган. Бундан, Хонзода Бегим Хоразмдан қариндош-уруғларини ҳам Самарқандга кўчириб келган, деган хулосани чиқариш мумкин бўлади.

Амироншоҳ Мирзо ҳаётининг кейинги – отаси Соҳибқирон Амир Темур вафотидан сўнг кечган даври ниҳоятда мураккаб ва олатасир бўлиб, Клавихонинг қундалигида 1406 йилнинг бошлари тафсилоти мавжудлиги, бу мавзунинг қоронғи ўринларини ёритишга хизмат қилади. Айтганимдек, элчилар ҳеч қачон сиёсатнинг ичига олиб кирилмаган, уларнинг билганлари хизмат қилувчилардан, тасодифий йўловчилардан эшитганлари бўлган. Шунга қарамай, Клавихонинг XV асрнинг дастлабки йилларида Амироншоҳ Мирзо ва унинг ўғиллари орасида кечган воқеалар ҳақидаги

маълумотлари расмий тарихлар саҳифаларида зикр этилган фикрларга мувофиқ келади. Шу жиҳатдан бу икки манба бир-бирини тўлдиради. Муҳими, тўғрини нотўғридан фарқлашда ажнабий ва маҳаллий манбалар мавжудлиги ва улар муқоясаси имконига эга эканлигимиздир.

Испан қиролик элчилари 1406 йилнинг 19 мартинда Табриз теҒрасида эдилар. 25 март куни улар қўшинлар утадиган йўлдан юрадилар. Подшоҳ (Умар Мирзо – П. Р.) қароргоҳига 10-15 чақирим қолганда, Клавихо, *«Бизга йўлда учраган кишилар подшоҳ қўшинида галаён юз берганлигини айтиб, орқага қайтишимизни маслаҳат бердилар. Қандай галаён эканини суриштирганамизда, мана буларни айтди: Жанса Мирасса (Амир Жаҳоншоҳ) Умар Мирзони ўлдирмоқчи бўлади, бироқ қўшин, бир қанча ҳоким ва ясовуллар Жанса Мирассага ташланиб, уни ҳибсга оладилар. Подшоҳ Умар Мирзо унинг бошини кесишни буюради. Жанса Мирассанинг бундан газабланган тарафдорлари, подшоҳ одамлари билан жанг қиладилар. Икки томондан кўп кишилар ҳалок бўлади. Подшоҳ ўз қўшинлари билан дарёнинг нариги соҳилига ўтиб, кўприкни бузиб ташлайди. Шундай қилиб, қўшин иккига бўлиниб қолади. Йўловчилар қўшинда юз берган ушбу жиддий норозиликдан бошқа ҳеч нарса билмасликларини айтадилар... Эртаси, йигирма олтинчи март, пайшанба куни элчилар подшоҳ ўрдасига етиб келиб, унинг фармойишини кутиб турдилар. Қўшинда катта бесаранжомлик, гала-говур ҳукмрон эди. Ҳамма ўз кўч-кўронларини йиғиштириб, чорваларини тўпламоқда эди... Подшоҳ Умар Мирзо тахминан қирқ беш минг суворийдан иборат қўшини билан дарё соҳилидаги ялангликда турарди... Умар Мирзо бошини кесишни буюрган Жанса Мирасса (Амир Жаҳоншоҳ) Темурбекнинг опасининг ўғли (Клавихо янглишаётир, Амир Жаҳоншоҳ Амир Темурга амаки тармоғидан бўлиб, Амир Жоқунинг ўғли – П. Р.) бўлиб, бутун Темурбек*

авлоди орасида энг баҳодир ва шавкатли киши ҳисобланарди. У катта мулк ва ўзига ҳамиша ҳамроҳ катта қўшинга эга, жуда бообрў одам эди. Темурбек Умар Мирзони бу ерларга подшо этиб сайлаганда, Амир Жаҳоншоҳни унга оталиққа тайинлаб, бутун мулкига мутасадди қилиб қолдириб кетган эди. Амир Жаҳоншоҳнинг ўлдирилиши сабаби эса, қуйидагича: бу ҳақда икки хил фикр юрибди. Баъзи бировларнинг гапига қараганда, Умар Мирзо бобоси Темурбек вафот этгач, Амир Жаҳоншоҳни ўзига қарши исён кўтаришдан хавфсираб, уни ўлдиришни буюради. Кўп одам Темурбекнинг ўлиmidан сўнг «Амир Жаҳоншоҳ подшо бўлишга муносиб киши эди», деган фикрни ҳам айтмоқда эди. Бошқа бировларнинг сўзига қараганда, Темурбек ўлимини эшитган Жаҳоншоҳ қуролланиб ва ёнига бир неча қуролли кишиларни олиб, одатда кенгаш ўтказиладиган чодирга келади. Ўрдада Умар Мирзонинг яқин кишиси, уламо шахс Молуни учратади. Амир Жаҳоншоҳ уни хуш кўрмас эди. Сабаби, бир аёлга уйланмоқчи бўлганда Умар Мирзо бунга қаршилиқ кўрсатиб, аёлни Молуга олиб берган эди. Шу ва бошқа сабабларга кўра, Амир Жаҳоншоҳ Молуни ушбу чодирда учратиб, уни ўлдиради. Шундан сўнг у одамлари билан, қўлда қилич кўтарган ҳолда подшоҳ Умар Мирзо ҳозир бўлган чодирга кириб келади». Хуллас, Амир Жаҳоншоҳ ўлдирилади. Умар Мирзо, Клавихо шаҳодатича, унинг бошини Бағдод шаҳрида яшаб турган отаси Амироншоҳ ва акаси Абу Бакрни Мирзога юборади.

Соҳибқирон вафотидан кейин салтанат илинжида қилич яланғочлаганлар кўп бўлган. Умар Мирзо, шу тариқа, бир ўлимдан қолиб, хаёли жойига келгандай бўлади, отаси ва акасини ҳаёт-мамот кунларида эса олиб, уларга «Рақибингизни бошини кўриб қўйинглар! Бобомиз вафот этгандан кейин энди ҳузуримга қайтинглар, мен сизни (яъни, отаси Амироншоҳ Мирзони – П. Р.) подшоҳ сифатида кутиб оламан. Шундан сўнг

Табриз ёнидаги Биан даласида бутун амалдорларим билан бирга йиғилишиб, ҳаракат ва адолат удумига кўра, салтанатни сизга топшираман». деб хабар юборади. Клавихонинг қайд этишича, Умар Мирзо томонидан Амир Жаҳоншоҳнинг кесилган боши юборилиши Амироншоҳ Мирзода ўғлидан кўрқиб ҳиссиётини пайдо қилган.

Мени қизиқтирган айрим жиҳатлар, муҳтарам ўқувчи, сизни ҳам ажаблантирмай қолмаса керак. Соҳибқирон Амир Темур оламдан қайтгач, нима сабабдандир, Амироншоҳ Мирзонинг ўғиллари отасига жуда меҳрибон бўлиб қоладилар. Амироншоҳ Мирзо Бағдодда турганида ақалли бирор мартаба ҳолини сўрамаган Умар Мирзо, «Табризга қайтинг, подшоҳ сиз бўласиз», дейди. Самарқандда, пойтахтда тарбия топган, отасини йиллаб кўрмаган, онаси Хонзода Бегим билан бирга яшаётган 22 ёшли ўғил Халил Султон, Клавихонинг эътирофича, Амир Темур бобоси вафот этгач, «Шу ондаёқ хазинага ва шаҳарга эгалик қилади. У бобосининг тобутини олиб, уни дафн этади. Халил Султон отаси Амироншоҳга одам юбориб, тезлик билан Самарқандга келиб, хазинага эгалик қилишни сўрайди».

Клавихо ўз сафарномасини юртига қайтиб борганидан кейин, хотиржам бўлиб, оромида ёзган. Амироншоҳ Мирзонинг Соҳибқирон Амир Темур тахтига чиқишини у ҳам кўнглининг тубидан истаган. «Ҳақиқатан ҳам, Амироншоҳ етиб келганида, балки отаси сингари подшо бўлиши ҳам мумкин эди. Чунки шундай улкан хазинага эга бўлган Амироншоҳ молу дунёга жуда ўч бўлган чиғатойиларни ўз теварагига йиғиб, изига солса, шубҳасиз, подшо бўлиши ҳеч гап эмасди», дейди кастилиялик элчи. Клавихонинг бу сўзларини кўп ўйлаб кўрдим. Ростдан ҳам Соҳибқирон вафот этганда, унинг ворислари орасида Амироншоҳдан улуғи йўқ эди. Амироншоҳ Мирзо гарчанд, ҳокимият ишларидан четлаштирилган бўлса-да, унинг

Ўғиллари қўлида улкан салтанатнинг жуда катта ҳудудлари ва қўшинлари жамланган эди. Буни, назаримда, Амироншоҳ Мирзо фарзандлари яхши тушунганлар. Улар, отаси турганда, Соҳибқирон тахтига даъвогарлик қилишни, жуда юмшатиб айтсам, ноқулайроқ ҳис қилганлар. Бошда шундай бўлган деб ўйлайман. Хонзода Бегим вақтида кўтарган шов-шув, кассалик ва унинг даҳмаза этилиши унутилган ҳам эди. Амироншоҳ Мирзо бошида эврилган қора қуюндан кейин, ўғилларнинг самимийми ёки носамимийми таклифларидан хулоса қиламанки, ўзини тутиб, тамомиласоғайиб, ҳокимият илинжида бирон-бир интилишлар қилмай осуда ҳаёт кечирган. Шу жиҳати билан у улўф салтанат тахтини эгаллаш пойгасида, энг аввало, нописанд, димоғдор ўғли Умар Мирзо ва кўнгилчан, кўпда ўз фикрига эга бўлмаган яна бир фарзанди Халил Султон эътиборини тортган. Амироншоҳ Мирзо, агарда, бўлиб ўтган издиҳомлардан кейин одамийлик сиёқини йўқотганида борми, биринчи бўлиб, тахтлаб фарзандлари эсига келмаган бўларди. Шуларга кўра, Клавихо тўғри гапни айтган, мабодо, Амироншоҳ Мирзо Соҳибқирон тахтига эгалик қилганида эди, салтанат тақдири бошқача кечган бўларди, деб ўйлайман. Таассуфки, бу йўлда яна ўша Ёсуман – келинлар хонзодаси кўндаланг бўлади. Яна Клавихо фикрларига қулоқ солайлик:

«Бироқ, одамлар Амироншоҳ билан отаси Темурбек ораларига нифоқ солган хотини Хонзода бунга йўл қўймайди, деб ўйлардилар. Хонзода ўғли Халил Султон билан бирга Самарқандда истиқомат қилар эди. Одамларнинг гапига қараганда, Амироншоҳ хотини Хонзодадан қўрқиб, подшоҳликни қабул қилмайди ва бу аёл Самарқанд салтанати ўғлининг қўлига ўтишини ўйлаб, иложи борича эрига қарши ҳаракат қилади». Бу иқтибосга изоҳ ҳожатми? Йўқ, ҳаммаси равшан. Аёл макри, узоқни кўзлаб иш қилиши – тахтга Халил Султонни чиқариш режаси, наза-

римда, бир кунда пишиган эмас. Амироншоҳ Мирзони ёмонотлиқ қилиш ортида уни Абу Бакр, Умар Мирзоларни ҳам орадан кўтариш, Халил Султонга йўл очиш мақсади турган. Хонзода Бегим катта қозонда қайнаган, камиди, Олтин Ўрданинг ҳокимият синоатларидан хабардор малика эди. Давлат ишларини бошқаришда пинҳона курашлар унинг авлоди қонига сингиганди. Соҳибқиронга жуда яқин бўлган, иззат-ҳурматни ҳаддан оширган (риёли хушомад, десам тўғрироқ бўлади) Хонзода Бегим Амир Темурнинг қаруви етаётганлигини, яқин 8 – 10 йилда тахтга ким чиқиши кўндаланг бўлиб қолишини (бундай хаёлни бошқалар тасаввур ҳам қила олмаган) фикр қилиб, узоқ муддатли режани ишлаб чиққан. Чунки, масаланинг яна бир томони ҳам бор-да. Валиаҳд Муҳаммад Султон ўлимидан кейин, бу жой 1405 йилгача, аниқроғи, Амир Темурнинг Ўтрорда оғир хасталикка чалинганига қадар бўш қолиб келаётган эди. Амироншоҳ Мирзо Соҳибқирондан кейин тахтни эгаллаши мумкин бўлган ёши катта фарзанд ҳисобланарди. Хонзода Бегим ўғли Халил Султонни олдинга чиқариш учун шу қалтис ишга қўл урганлиги Амироншоҳ Мирзога муттасил қарши бўлганлигида ўз тасдиғини топиши мумкин. Яна бир гап. Хонзода Бегим она сифатида Муҳаммад Султоннинг соғлиғи қандай эканлигини ҳам яхши билган. Хонзода Бегим, эҳтимол, ўғли – валиаҳднинг умри узоққа бормаслиги ўйлови билан ҳам Халил Султонни катта ўйинга тикишга мажбурият сезгандир... Булар ҳаммаси, тарихнинг мангуга пинҳон қолган сирлари ва ушалмас армонлари. Нима бўлганда ҳам, Хонзода Бегим эрига ёмонликни атайдан ташкил қилибми, ёйинки, учкундан аланга чиқишини ҳисобга олмайми, бутун салтанатни титратган аёл бўлди. Соҳибқирон Амир Темурга ҳеч ким қилмаган бадбинликни у қилди: унинг сўнгги иродасига қарши борди, уни танолмади – тахтнинг Соҳибқирон тайин қилган қонуний вориси – Пир Муҳаммад Мирзо қолиб, Халил Султон-

ни даъвогар қилди. Пир Муҳаммад Мирзо ҳам унинг ўгли эди. Соҳибқироннинг вафоти шунчалик кутилмаганда, ҳарбий юриш чоғида юз бердики, Ғазнида турган Пир Муҳаммад Мирзо етиб келгунча, ғаламисликда Хонзода Бегимдан қолишмайдиган яна бир набира – Султон Ҳусайн Мирзо отни қамчилаши аниқ эди. Шундай бўлади ҳам.

Хонзода Бегим эрига бўлган адоват (аниқроғи, Амир Темурга) туфайли, улуғ салтанатнинг парчаланишига, хазинанинг қоқланишига йўл очиб берди. Шарафиддин Али Яздий, Соҳибқирон Амир Темур вафотидан роппа-роса бир ой ўтиб, 1405 йилнинг 18 мартада юз берган воқеа – Халил Султоннинг тахтга чиқиши тўғрисида юраги тўлиб сўзлар экан, шундай дейди:

«Бу вақтда ер юзида Самарқанддан фаровон шаҳар йўқ эди. Унда олтин, қумуш, матолар, ипаклар, парчалар билан лиқ тўлган қанча хазиналар бор эди, агар бутун олам котиблари жам бўлиб ҳисоб қилганларида ҳам, бу бойликларнинг ниҳоясига етиб бўлмасди. Чунки, Эрон ва Турон подшоҳлари томонидан узоқ йиллар давомида Қолмиқдан Румга, Ҳиндистондан Сурияга, Хоразмдан Дашти Қипчоққа, Русдан Черкасга, Булғордан Фарангга қадар нимаики йиғилган бўлса, ҳаммасини тўпланиб бу ерга олиб келинган эди. Соҳибқирон ўттиз олти йил давомида жаҳон мамлакатларини фатҳ этди, бу йиллар давомида хараж солиғи йиғимлари хазинага келиб турди. Барча хазиналар ва бойликлар ана шу шаҳзода (Халил Султон – П. Р.) қўлига тушди. У шундай совурдики, тўрт йил давомида бу бойликлардан из ҳам қолмади».

Тахтгирликни Халил Султон бошлаб берди. Соҳибқирон жасади дафн этилмасдан туриб, жангу жадаллар бошланиб кетди. Соҳибқироннинг бепоён мулкларида саросималик бошланиб, ого-инилар ҳокимият таллаши ўчоғига ўз ҳолларича ўт қалай бошладилар. Хонзода Бегимнинг Соҳибқиронга бўлган ҳурмати сами-

мий бўлганда эди, Халил Султонга тахт пойгасида бедов миндирмаган бўларди, Пир Муҳаммад Мирзони кутиш маслаҳатини берарди. Клавихонинг сўзларини эслайлик. Ўғиллари Амироншоҳ Мирзони (Халил Султон ҳам) Соҳибқирон ўрнига муносиб деб, унинг номзодини сипориш қилганларида, Хонзода Бегим оқила ва давлатхоҳ аёл бўлганида эди, эрини қўллаб-қувватлар, орадаги араз-гиналарга барҳам берган бўларди. Чунки, Клавихо айтганидек, бу пайтда Хонзода Бегим билан ҳисоблашганлар, унинг гапи кесган, мавқеи баланд бўлган. Элчи, бекорга, «Одамлар Амироншоҳ билан отаси Темурбек ораларига нифоқ солган хотини Хонзода бунга (Амироншоҳ Мирзонинг отаси тахтини эгаллашига) йўл қўймайди, деб ўйлардилар», демаган ахир. Клавихо, «*Мироншоҳ хотини Хонзодадан қўрқиб, подшоҳликни қабул қилмайди ва бу аёл Самарқанд салтанати ўглининг қўлига ўтишини ўйлаб, иложи борича эрига қарши ҳаракат қилади*», деган фикрни ҳам айтади. Унинг сўзларига қўшимча қиладиган бир жиҳат, «эрига қарши» деган жумла ўрнига, «бутун салтанатга қарши», деган таҳрирни киритиш жоиз бўлади, холос.

Тақдир ҳамиша салтанатлар устидан кулади. Салтанат қанчалик қудратли ва улуғвор бўлмасин, унинг қўйнига катта-кичик илонларни жойлай боради. Вақти соати етиб, улардан бири, жинсидан қатъи назар, аждаҳога айланади ва салтанатни ўз комига тортади, остин-устин қилиб юборади. Келинлар хонзодаси ҳам салтанат қўйнида етилган аждаҳо эди. Хонзодалар Оврўпо қироллари саройларида ҳам жавлон урганлар, Шарқда уларнинг прототиплари истаганича, исталган асрдан топилади.

ОРТДАН ОТИЛГАН ТУҲМАТ ТОШИ

Дамашқлик муаррих Ибн Арабшоҳ 1436–37 йилларда «Ажойиб ал –мақдур фи тарихи Таймур» – «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» китобини ёзган.

У 1389 йилда Суриянинг пойтахти Дамашқда туғилган. Соҳибқирон Амир Темур 1401 йилда Шомни – Сурияни забт этганидан сўнг, Дамашқдан олимлар, фозиллар, меъморлар, ҳунармандларни Самарқандга кўчириб келади. Ун икки ёшли Ибн Арабшоҳ ҳам онаси, биродарлари ва қариндошлари билан Амир Темур пойтахтига олиб келинади. Ибн Арабшоҳ оиласи ҳам фозиллар тоифасига мансуб бўлса керакки, кейинчалик ундан илм ва ижод соҳибни етишиб чиқади. Ибн Арабшоҳ юртида кечган жангу жадаллар гувоҳи бўлган. Шомнинг мағлубияти унда оғир таассуротлар қолдирганлиги кейинчалик Соҳибқирон тарихига бағишланган китобида ғараз ва ҳақиқатнинг аралашиб кетишига боис бўлади. Айниқса, ватанидан бадарга бўлишни у ҳазм қила олмаган кўринади. Самарқандда яшаган 8–9 йиллик даврда (1401–1408 й.) у, «Амир Темур тарихи»ни таржима қилган ва нашрга тайёрлаган олим Убайдулло Уватовнинг кўрсатишича, «бирор тазйиқ остида яшамаган». Аксинча, мукамал билим олишига, сарой хизматида бўлишига имкониётлар яратилган. Яхши биламизки, Соҳибқирон ўзга юртлардан олимлар, меъморлар ва ҳунармандларни пойтахтига жалб этар экан, уларга катта имтиёзлар билан бир қаторда, катта маошлар ҳам тайин қилган. Ибн Арабшоҳ токи юртига қайтганига қадар кўп мамлакатларда бўлади, 1422 йилда Дамашққа келиб, ижод билан машғул бўлади.

Ибн Арабшоҳ «Амир Темур тарихи»ни ёзар экан. *«Ўзим кўриб мушоҳада этганлариму ўзгалардан эшитганларимни ҳикоят қилишга жазм этдим»*, дейди. У, Амир Темур саройида, мулкларида кўрганларини хотирасида сақлаган, ёзиб бормаган бўлса керакки, тўғри талқин билан бир қаторда, далиллардаги қусурлар барҳам топмай қолган. Эшитганлари ҳақида мулоҳаза қиладиган бўлсак, унинг суҳбатдошлари, ахборотчилари Амир Темур ва Темурийларга содиқ кишилар бўлганидек, уларнинг душманлари

ёки уларнинг авлодлари ҳам бўлиши мумкин эди. Шулардан бири Амир Темур яхшилигига ёмонлик қилган Тўхтамишнинг ўғли Жалолиддинхон бўлган. У, 814 ҳижрийда (1411–1412 й.й.) Ибн Арабшоҳ Сарой шаҳрида бўлганида Амир Темур қўшинлари кўрсатган ёмонликлар тўғрисида сўзлаб берган. Ибн Арабшоҳнинг суҳбатдошлари аксарияти Соҳибқирондан мағлуб бўлган мамлакатлар вакиллари бўлишган. Шу нуқтаи назардан муаррихни тушуниш, асарга танқидий ёндашиш, шу мавзудаги ҳолис тарихлар билан муқояса қилган ҳолда, фикр юритиш, баҳолаш ўринли бўлади. «Амир Темур тарихи» асарининг қиммати, ундаги уйдирмаларни ва ғаразгўйликни истисно этганда, Соҳибқирон тарихини баён этишдаги далиллик, муҳим масалаларда тўғри гапни айта олиш, бошқа муаррихлар хаспўшлаб кетган ўринларга ойдинлик киритиш каби қирраларда кўзга ташланади. Асарда ҳақ билан ноҳақлик кейингисининг фойдасига 40:60 фоизга тенглашади, дейиш мумкин.

Кайтар дунё деб, бежизга айтмайдилар. Араб халифалари Турон мулкларига ҳижрий 53 (673) йилдан то ҳижрий 191 (807) йилга қадар, қарийб уч аср давомида 40 га яқин босқинчилик юришларини амалга оширган. Бу босқинлардан бир далилини эсга олайлик. Ҳижрий 56 (676) йилда араб саркардаларидан бири Саъид ибн Усмон Самарқанддан 30 минг кишини асир қилиб, кўп молларни қўлга тушириб, Куфага олиб кетади. «Ат-Табарий тарихи»дан бундай аянчли мисолларни яна келтириш мумкин. Ибн Арабшоҳ, ўз даврининг муаррихи сифатида, Табарийдан хабарсиз бўлиши мумкин эмасди. Шундай бўлса, араб лашкарбошилариининг, ноибларининг, энг бурун, Қутайба ибн Муслимнинг Мовароуннаҳрда, Амир Темур юрти бўлган Кеш ва Насафда кўрсатган қаттолликлари олдида Дамашқнинг фатҳ этилиши қўл билан денгиздек тафовутли эканлигини, қиёс қилган бўларди. Халифанинг Бағдоддан туриб, Қутайбага, Насафни буз,

яъни инсиф, Кешда ўйлаб иш тут, яъни кис, деб буйруқ бериши Ибн Арабшоҳни адолатли тарихий хулоса чиқаришга ундаган бўларди. Соҳибқирон Дамашқдан нари борса юз хонадонни кўчирган бўлиши мумкин. Уларнинг ҳаммасига, қайд этилганидек, катта эркинликлар берилган. Эҳтимол, Ибн Арабшоҳ Самарқандда олган билимига юртида муяссар бўлмаслиги ҳам мумкин эди.

Ўлжас Сулаймонов «Азия» деган асаарида, «илм олимга боғлиқ қилиб қўйилди», деган бир гапни айтади. «Амир Темур тарихи»ни мутолаа қилганимда машҳур шоирнинг шу сўзлари ҳаёлимда жонланаверади. Соҳибқирон тарихи Ибн Арабшоҳнинг шахсий ғаразларига, адоватига боғлиқ ҳолда яратилганлигини инкор этиб бўладими? Тендециоз қарашларни бугунги авлод қандай қабул қилади? Бизнинг ҳам, фараз қилиш мумкинки, VII–XII асрларда араблар истилоси тарихига бағишланган китобларимиз бўлгандир. Бу китоблар эҳтимол, XIII асрда, Мўғуллар истилоси оқибатида йўқликка юз тутгандир. Нима бўлганда ҳам, бугунги замондошларим аждодларимизнинг араб босқинчилари тўғрисида қандай фикрда бўлганликларини билишмайди. Яхшиямки, халқ оғзаки ижоди бор экан, эртақларда бу ҳақда элас-элас ишоратлар учрайди. Тарих таънадан, ўпка-гиналардан иборат бўлганда эди, унинг умри узоқ бўлмасди. Тўғри, илм-фанни маълум мақсад йўлига сафарбар этиш ҳоллари мустасно этилмайди. Ибн Арабшоҳ Амир Темур тарихини ёзди, Оврўпо ундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланди. Лотин, француз, инглиз тилларига таржима этилди, Туркия ҳам уни ўз тилига ўгиришга шошилди.

Ибн Арабшоҳни муаррих сифатида кечирса ва тушунса бўлади. Лекин унинг шахс сифатидаги бир қилиғини икки дунёда ҳам афвга лойиқ хусусият деб бўлмайди. Бу – орқадан тўхмат тошини отиш ҳунаридир.

Ибн Арабшоҳнинг «Ажойб ал-мақдур фи тарихи Таймур» – «Амир Темур тарихида тақдир ажойибот-

лари» асарида «Темур Ҳиндистонда эканида унга келган бир мактуб маъноси: гумон қилишларича, бу хатни Темурга ўғли Амироншоҳ юборган», деган қисм бор. Хат мазмунига кўришмасдан олдин, ўқувчини огоҳ қилишни бурчим деб билдим. Амироншоҳ Мирзо томонидан бундай хат мутлақо ёзилган ҳам. Ҳиндистонга юборилган эмас. Ибн Арабшоҳнинг мазкур китобини таржима қилган, нашр эттирган олим Убайдулла Уватов бу масалада бир эмас, икки бор тўхтаган. У киши ёзади: «Ибн Арабшоҳ асарининг услуби ҳақида тўхталар эканмиз, қуйидаги фактни қайд этиши зарурдир. Баъзи ўринларда муаллиф бирор воқеани тасвирлашда баднийи безакларга берилиб кетиб, воқеликни бузиб кўрсатади. Жумладан, муаллиф ёзишича, Темур Ҳиндистонда бўлган пайтида ўз ўғли Амироншоҳдан олган мактуб фикримизга яққол далилдир. Ушбу узундан-узук мактуб нақадар кўп тарихий фактлар, диний ва дунёвий масалаларни қамраб олганлиги бир томондан муаллифнинг кўп воқеалардан хабардорлигини кўрсатса, иккинчидан ушбу маълумотларнинг тўғрилигига беихтиёр ишубха тўғдиради».

Олим яна бир ўринда, «Самарқандга Амироншоҳнинг хотини Севинбека келиб, эрининг нодуруст хатти-ҳаракатлари устидан Темурга шикоят қилган ва унинг ичкиликка берилиб (ўз отасига қарши) исён билдириш ҳақидаги ниятларини Темурга отказган. Фикримизча, Ибн Арабшоҳ, Амироншоҳнинг шу зайддаги ҳаракатларини бир мунча муболага билан мактуб ҳақидаги ушбу афсонага йўйган бўлса керак. Ҳарҳолда Амироншоҳнинг отасига мактуби ҳақида манбаларда бирор хабар учратмадик», деган ҳулосага келади.

Амироншоҳ Мирзо бу мактубни отасига қачон ёзган, деган савол қўндаланг бўлади. Хонзода Бегим Самарқандга шикоят билан келгунга қадарми ё ундан кейин? Жавоб Ибн Арабшоҳ келтирган сарлавҳада инкорга ўрин қолдирмайдиган даражада аниқ ифода этилган: *Темур Ҳиндистонда эканида унга келган бир*

мактуб. Хонзода Бегим, билдикки, Самарқандга борган пайтида Соҳибқирон ўз пойтахтига қайтган эди. Мактуб, ростдан ҳам, Ҳиндистонга борганида эди, Соҳибқирон ўша ернинг ўзидаёқ, бунинг чорасини курган бўларди. Аслида, бу хат, умуман, ҳаётда бўлмаган. Ибн Арабшоҳ, кейинчалик асарини «безаш» учун шу тухматни ўйлаб топган. Энди, хатнинг мазмунига кўчайлик, шу орқали, зора, «жанр»ни белгилаш мумкин бўлса.

«Гап шуки, Темури ўғли, зикр қилинган Амироншоҳ унга хат юбориб, хабар қилган гаплари ва даъволари жумласидан мана шу сўзлар бор эди: «Ёшинг улгайиб, жисмингни заифлик ва қувватсизлик қамраб олганлиги сабабли сен раёсат тартиботларини адо этиш, бошқарув ва сиёсат юргизиш оғирликларини ўз зиммангда кўтаришдан ожиз бўлиб қолдинг. Сенинг бу аҳволингда – башарти сен тақводор кишилардан бўлсанг – ўзингга муқаррар нарса ўлим келгунча масжид бурчагида ўтириб Эгангга ибодат қилиш сен учун авлодир. Сенинг болаларингуну набираларинг орасидан раия ва қўшинларингни бошқаришни уддалай оладиган, мамлакатинг-у ерларинг муҳофазасига қурби етадиганлар етишиди. Шаҳарлар ва мамлакатлар қандай қилиб қўлингда бўлсинки, ваҳоланки сен ўзинг ўлимдан бир одимсан? Агар сен зийрак назарга-ю ўз мулоҳазангда дақиқ фаросатга эга бўлсанг, дунё ишларини тарк қил-да, охираат ишлари билан машғул бўл... Қасрларингнинг узлуксиз баландга бўй чўзиши бу фақат ҳалокатга олиб келмайдими? Камолингни ниҳояси завол эмасму? Ва ниҳоят, ҳаётинг – ўлим, яшайдиган маконинг қабр бўлмайдими? Халқ устидан ҳокимиятга эга бўлдинг-да, адолат ҳам кўрсатдинг, лекин ҳақ йўлда эмас; халққа ғамхўрлик ҳам қилдинг, лекин мол-дунё-ю зироатларига ва улар қалблари ва суякларини ҳимоя қилдинг, лекин ўт билан юрдинг, асос ҳам солдинг, лекин фитналарга.... Агар иш шу тарзда бўлса, унда

мен сенинг устинга бораман ва қўлларингга уриб фасод ишларда жидди-жаҳд кўрсатишдан сени қайтараман ва оёқларингни тўғрилайман».

Ибн Арабшоҳ, Амироншоҳ Мирзо «мактуби»нинг давомида, хатда «кўпдан кўп адабдан ташқари, гуноҳга сероб иборалар бор эди», деб қўшимча қилади. Мактубнинг тўқима ва тухмат тошидан иборат уйдирма эканлигини, бахтимизга, Ибн Арабшоҳнинг ўзи ошкор қилиб қўйган. У, шундай эътироф қилади: «Темур бу мактубдан воқиф бўлгач, ўз отлари жировини Табризга қараб бурди».

Қилғиликни қилиб, Амироншоҳ Мирзо номидан (улар ҳаётдан ўтиб кетганидан 25 – 30 йил кейин – П.Р.) «юмалоқ хат»ни ёзган, бу марзава тухмат билан қораланган саҳифаларни китобга киритган муаллиф, шу тариқа, ўзини фош этиб қўяди. Соҳибқирон Амир Темур Ҳиндистон юришидан ҳеч қачон «отлар жировини» тўғридан-тўғри Табризга, Амироншоҳ Мирзо устига бурган эмас. У бир йиллик юришдан музаффар бўлиб, ўз пойтахти Самарқандга қайтган ва на хатдан, на Хонзоданинг келишидан беҳабар, пойтахтда ором олиб турган, бутун қўшинларга рухсат бериб, жойларга тарқатиб юборган. Шарафиддин Али Яздийга мурожаат қилайлик: «Соҳибқирон Ҳиндистондан Самарқандга қайтиб келди... Соҳибқироннинг Ҳиндистонга қилинган бир йиллик юришдан қайтиб келганидан сўнг, ҳали сафар ҳордиғи чиқмаган бўлса-да, у яна Эрон юришига тайёрлана бошлади. У тавончиларни ҳамма ёққа юбориб, қўшинларга «етти йиллик юришга тайёргарлик кўришни» айтишни буюрди», дейди у. Олдинда келтирдик, Соҳибқирон юриш бошлашдан олдин Сулаймоншоҳбек ва Саййид Ҳожани Табризга, Амироншоҳ Мирзо ҳузурига йўллаган.

Ўзини ўзи фош қилувчи бу «безак» Ибн Арабшоҳга нега керак бўлган? У ясама мактубда дин ва имон ҳақида ҳам гапирган. Имонли мусулмон, бунинг устига у олим ва адиб, муаррих бўлса-да, бировлар орти-

дан тухмат тошини отиб турса, буни қандай баҳолаш керак бўлади? Тўғри, Ибн Арабшоҳнинг бу ғаразли мактубидан Темурнинг ворислари ҳам хабар топмаган бўлсалар керак. Лекин, «юмалоқ хат»нинг «мумтоз» намунаси бўлган бу бўҳтон кейинчалик китоб таржимаси орқали Оврўпога ҳам етиб борди. Овропонинг Соҳибқиронга майли қандай эканлигини биламиз. Лекин Ибн Арабшоҳ «уйдирмаси»ни тўғри деб қабул қиладиганлар топилмайди, деб бўладими? Бу «безак», чамаси, узоқни ўйлаб тўқилган, ихтиро этилган. Бизнинг кунларга ҳам у етиб келди, асар она тилимизга ўтирилди. Яхшиямки, ношир айнан шу мактуб ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирган, унинг ҳаётда мавжуд бўлмаган тўқима эканлигини уқтирган.

Амироншоҳ Мирзо Соҳибқирон Амир Темур хонадонида ўзига хос мавқе тутувчи сиймо эди. Унинг шахсини бир хилда баҳолаб бўлмайди. Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Муҳаммад Султон Мирзолар ўлимидан кейин салтанатда ундан кучлироқ тахт даъвогарлари ёки муносиби йуқ эди. Амироншоҳ Мирзо атрофида бўлган сиёсий ўйинларнинг замирида тож, ҳокимият учун қалашиб ётган курашларнинг қутқуси турар эди. Унинг шахсига бўлган қизиқиш сарой доирасидан чиқиб, ажнабийларни ҳам ўз қамровига олганидан бу ҳолни янада яққолроқ англаб етиш мумкин бўлади.

«АСА МАҚСАД НОМУСУ НОМНИ САҚЛАШДИР»

1405 йилда улут хонадоннинг асосчиси Соҳибқирон Амир Темур вафот этганда, унинг учинчи ўғли, оила тармоғининг муаззам шоҳларидан бирининг соҳиби Амироншоҳ Мирзо бу пайтда 39 ёшда бўлиб, тўнғичи Абу Бакр Мирзо 23 ёшда, Умар Мирзо 22 ёшда, Халил Султон 21 ёшда эдилар. Кичик ўғиллари бобоси ўлган вақтда жуда ёш бўлганлар, Ийжал эндигина 10, Суюрғотмиш Мирзо эса 6 ёшга тўлганди. Абу Бакр Мир-

зонинг Усмон Чалабий (14 ёш) ва Алангир (9 ёш) деган ўғиллари ва бир қизи тарихларда зикр этилади. Халил Султон ҳам бир ўғил ва бир қизнинг отаси бўлган, чамаси ўғли чақалоқлигида оламдан ўтган. Манбаларда Умар Мирзонинг зурриёти бор-йўқлиги тилга олинмайдди. Амироншоҳ Мирзонинг оилавий тармоғи, кўрамизки, у қадар катта бўлмаган – 5 ўғил, 4 қиз ва 4 набира. Бу ўша даврда кенг расмда бўлган одатдаги оилалар силсиласидан дейиш мумкин.

Соҳибқирон мўғуларни мағлуб этиб, 1389 йилнинг кузида Самарқандга шону шавкат билан қайтади. Айтилганидек, шу йили қишни Бухоронинг Фаркат кўли буйларида ўтказди. Қишнинг ичида (1390 й.) Амироншоҳ Мирзонинг тўнғич ўғли Абу Бакр Мирзо – у пайтда 8 ёшда эди, Соҳибқирон Амир Темурнинг яқин дўсти ва сафдоши Ҳожи Сайфиддиннинг қизига уйлантирилади. Абу Бакр Мирзо болаликдан бўлимлилиги, паҳлавон келбатлиги билан ажралиб турган. У 9 ёшга кирганида ўғил кўради ва унинг отини Усмон Чалабий деб қўядилар.

Бунга ортиқ ажабланмаслик лозим. Ўша давр руҳиданми, шиддатиданми келиб чиқиб, одамлар тез етилган кўринади. Биз ҳозирги пайтда норасида деб ҳисоблайдиганимиз 10–12 ёшли болаларга, яъни Темурий шаҳзодаларга шундай масъулиятли ишлар топширилганки, ёқани ушлаб, ҳайратга тушмаслик мумкин эмас. Қўшинни бошқариш, ҳарб ишларига шахсан иштирок этиш, вилоятларни, бутун бошли мулкларни идора қилиш (масалан, Улуғбек Мирзога 9 ёшида Мовароуннаҳрнинг ҳокимияти топширилган эди) олдида эри хотинлик муносабатлари жўн ишлардан бўлгандек туюлади. Балоғат, ҳарҳолда, шаҳзодаларда эрта шакланган. Ўша даврларда, ҳатто ундан кейинлар ҳам, то XX аср биринчи чоракларига қадар эрта никоҳ амалда бўлиб келганлигини эътироф қилишга тўғри келади. Шаҳзодалар сингари, боқ боёнларнинг болалари ҳам бу ишни уддалаганлар. Одам-

ларнинг ўртача умри ўрта асрлардан то 20 асрга қадар 40 ёш нари-берисида бўлганлиги ҳам жинсий балоғатнинг шунга мутаносиб бўлганлигини далолат этади.

Абу Бакр Мирзо. Клавихо таърифлаганидек, «шавкатли, довюрак йигит бўлиб, Чигатой аҳли уни хуш кўрар эди». Бобоси Темурбек ҳам уни алоҳида қадрлаган. 1396 йилда Амир Темур ҳазратлари Дашти Қипчоқдан порлоқ ғалаба билан қайтгандан сўнг, Абу Бакр Мирзони Самарқанддан Табризга, отаси Амироншоҳ Мирзо хизматига ўтказди, Соҳибқирон набирасини – 14 ёшли Абу Бакр Мирзони Табризга жўнатар экан, унга юз минг динор кепакни пул беради. Дунёда тенги бўлмаган, подшоҳ Тоҳуртан томонидан совға қилинган қумайт зотидан бўлган бедовни тортиқ қилади, навкарларини ҳам мукофотлайди.

1396 йил кузида отаси Амироншоҳ Мирзога отдан йиқилиб, бошидан жароҳат олиш даст берганида, Табризда вазият ниҳоятда таранг эди. Амироншоҳ Мирзонинг хасталиги салтанат душманларининг кўтарилишига сабаб бўлади. Шулардан бири Саййид Али Шакий Орлот бўйсунмаслик яловини кўтариб, Аланжиқ қалъасида ҳибсда ётган Султон Тоҳирни халос этиш учун қалъага ҳужум бошлайди, мулкларни талон-торож этади. Саййид Али Шакий лашкарлари билан бўлган муҳорибада гуржиларнинг қўли устун кела бошлайди. 18 ёшга тўлган шаҳзода Абу Бакр Мирзо сафни ёриб ўтиб, ёнига яқин келиб қолган Саййид Али Шакийга яшин тезлигида камондан ўқ узади. Ўқ унинг бўйнига тегади ва йиқилиб ўлади. Шаҳзоданинг шахсий мардлигига қарамасдан, бу жанг гуржилар фойдасига ҳал бўлади. Бу мағлубият учун Амироншоҳ Мирзо амирлари кейинчалик Соҳибқирон томонидан қаттиқ жазоланади. Абу Бакр Мирзо жасорати эса тақдирланади. Бироқ, бу жанг шаҳзода учун сўнггиси ҳам бўлиши мумкин эди. Шаҳзоданинг қандай ақлидрок эгаси, мулоҳазакор бўлганлигини отаси Амироншоҳ Мирзо воқеаси мисолида, олдинда келтириб

ўтдим. Амир Темур томонидан Табризга, Амироншоҳ Мирзо ҳузурига вазиятни аниқлаш учун эҳтиёт шарт тариқасида бир қисм қўшин билан жўнатилган Сулаймоншоҳбек (Амироншоҳ Мирзога ҳам тоға, ҳам почча-опаси Султон Бахт Бегимнинг эри) Рай шаҳрига еганида, шаҳар доруғаси Боён Қовчин унга Амироншоҳ Мирзонинг жунун феъли ҳақида гапириб, ундан ҳар қандай қаршиликни кутиш мумкинлиги сабабли, Табризга бормасликни, яхшиси, Соҳибқиронни, у билан бирга келаётган катта қўшинни кутиб туришни маслаҳат беради. Бу, энди ишнинг жуда ёмонга эврилиши бўлар, Амироншоҳ Мирзонинг ростдан ҳам итоатдан чиқиб, бўйсунмаслик йўлига кирганлигини тасдиқлайдиган далил ҳисобланарди. Бундан хабар топган, Сулаймоншоҳбекнинг Ҳамадонда тўхтаб турганлигини билган Абу Бакр Мирзо отасининг беклари билан маслаҳатлашиб, қандай бўлмасин Сулаймоншоҳбекнинг Табризга келишини мақбул топади. Унинг томонидан жўнатилган мактубда, отасининг ҳақиқий аҳволи баён этилиб, салтанатга таҳдид соладиган хавф йўқлиги, Амироншоҳ Мирзонинг падари бузруквори Соҳибқирон Амир Темурга садоқатда эканлиги, ишлар одамлар муболаға қилган даражада эмаслиги талқин этилади. Абу Бакр Мирзонинг ўта қалтис шароитда тўғри йўл топа олганлиги, эҳтимол, отасининг умрини узайтирган омил бўлгандир. Ҳарҳолда, Сулаймоншоҳбекнинг Табризга келиши, ҳеч бир қарама-қаршиликсиз (бу нарса кутилган бўлган) Амироншоҳ Мирзонинг унинг шартларига қўнганлиги, Соҳибқирон ҳузурига бош эгиб борганлиги, натижада, Амир Темур томонидан тафтиш ўтказилганлиги Абу Бакр Мирзонинг ақли ва сиёсатдонлиги оқибати эди, деб баҳоланиши жоиз. Ҳақиқатнинг тикланишида унинг хизмати катта бўлган эди. Йўқса, муаррихлар бекордан-бекорга қатл жазоси ҳақида муболаға қилмаганлар.

Жасорат, ботирлик Халаб учун олиб борилган жангларда ҳам кўзга ташланади. Абу Бакр Мирзо олмиш

навқари билан ёғийларнинг кўп сонли лашқарига қарши курашиб, уларни тум-тарақай қилади. Мисрнинг фатҳ этилиши билан боғлиқ бир воқеа унга бўлган ишонч ва эътимоднинг ортиб борганлигини, масъулиятли ишлар зиммасига юклатилганлигини кўрсатади. Шом мамлакати қўшинларига қарши Амироншоҳ, Шоҳруҳ мирзолар, Сулаймоншоҳбек ва Абу Бакр Мирзо лашқарлари қаттиқ жанглар олиб боради. Дамашқ мухосарасида Миср подшоҳи ўз лашқари билан иштирок этаётган, шаҳар аҳлини ҳам урушга жалб қилган эди. Бу сон-саноксиз кучга қарши Соҳибқирон пухта уйланган тадбирларни амалга оширади. Шаҳарга яқинлаб келар эканлар, бир улуг тепалик пойида тўхтаб, тунни шу ерда ўтказадилар. Эрталаб, жами қўшин шаҳарга ҳалқа тариқасида юришни бошлаши тўғрисида фармони олий бўлади. Қўшин олдида жанговар филлар қўйилади, муаррих муболаға қилганидек, улар «юрувчи тоғларни» эслатарди. Миср подшоҳи кенгашиб, жангдан бўйин товлайди ва жонини қутқариш учун ҳийла йўлига кириб, Соҳибқирондан бир кун муддат сўрайди. Шу кун у ва одамлари ярим тунда Дамашқни ташлаб, Мисрга равона бўлади. Дамашқни қўлга киритган Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари шаҳарнинг муқаддас жойларини кўздан кечиради. Қабристонга бориб, пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаламнинг хотинлари Умм Салима ва Умм Ҳабибалар мазорларини зиёрат қилади. Шу ерда Билол Ҳабашийнинг ҳам Ҳоки бўлган. Соҳибқирон у ерга ҳам бориб, дуойи фотиҳа қилади.

Амир Темур Дамашқда Бутжасбек қасрида тўхтаб туради. Бутжасбек Шом мамлакатининг таниқли бекларидан бўлган. Унинг қасри ниҳоятда чиройли ва маҳобатли қурилган эди. Соҳибқирон қасрни кўздан кечирар экан, хаёлидан бир фикр кечади. «Шундай гўзал шаҳарда бу халқ чиройли қасрлар қурибди-ю, қабристони хароб ҳолда, Пайғамбарнинг аёллари хоклари ҳам оёқ ости бўлиб ётибди», деб ўйлайди. Амир

Темур шундан кейин Абу Бакр Мирзо, Халил Султон Мирзо ва Шайх Нуриддин, Али Султон, Менгли Ҳожа бекларга топшириқ бериб, Умм Салима ва Умм Ҳабибалар қабрлари устида гумбазли мақбара барпо этишга бош-қош бўлишни тайин қилади. Муаррихнинг гувоҳлик беришича, улар барча ишларни қўйиб, 25 кун ичида оқ мармар тошдан иккита улугвор гумбазли мақбарани қуриб битказадилар.

Муовия ва Язидлар даврида жаноб Пайғамбаримиз ва Али авлодларига ўтказилган зугум, қаттолликларни Соҳибқирон эслайди, Умм Салима ва Умм Ҳабибалар қабри устида мақбара қурдириб, диний қадриятни юксакликка кўтаради. Шомда – Сурияда ҳазрат Соҳибқирон тиклатган оқ мармарли дахмалар сақланиб қолганмикин? Бунга ижобий жавоб бўлишини жуда хоҳлардим. 2000 йилда Макка ва Мадинада бўлган вақтимда қабристонларни кўришимга тўғри келган. Мадинада, жаноб Пайғамбаримиз масжиди ёнидаги улкан қабристонликда ҳам у Зотнинг яқинлари дафн этилган. Лекин бирорта қабр, хоҳ у саҳобаларга, хоҳ ислом динининг буюк намояндаларига тегишли бўлсин, белгилаб қўйилмаган. Кимники эканлигини тафовут қилиш амалда мумкин эмас. Маҳаллий аҳоли, эҳтимол, билар. Лекин зиёратга борувчилар қабрнинг дўмпайиб тургани-ю, қайроқ тошларнинг доира қилиб қўйилганидан ўзга манзарани тасаввур қила олмайди. Соҳибқирон Амир Темур ташаббуси билан бу муқаддас жойлардан исломнинг таниқли сиймолари хоклари юртимизга келтирилган. Шунлардан бири Йорданиядан хоки рамзий тарзда келтирилган ва Насафда – Қаршида мутамаккин этилган Ҳожа Убайд Жарроҳ зиёратгоҳидир. XV аср бошларидан буён элимиз у кишига катта эътиқод боғлаб келади. Қабрлари устига гумбазли дахма тикланган. Эндilikда Ҳожа Убайд Жарроҳ зиёратгоҳи янада ободонлаштирилмоқда. Диний қадриятларнинг ҳимоячиси бўлган Соҳибқирон Амир Темур ўз ворисларини ҳам

Ўтмишга, улуф сиймоларга эҳтиром тарзида тарбиялаган эди, деб бемалол айта оламан. Бу сўзларнинг далолатини Шоҳруҳ Мирзо бобида тўлароқ ифода этишга интиламан. Амир Темур ҳазратлари томонидан жаноб Пайғамбаримиз хотинлари қабрларининг обод этилиши воқеаси Ибн Арабшоҳ тарихида ҳам зикр этиб ўтилган.

Йилдирим Боязиднинг мағлуб этилишида ҳам Абу Бакр Мирзонинг хизматлари катта бўлади. Соҳибқирон ризолиги билан Абу Бакр Мирзо Рум қайсарининг катта қизига уйланади. Вақтида Соҳибқиронни писанд қилмаган, ўзини давлат арбоби эмас, бачкана кекчи, кўча одамидай тутган Боязиднинг дами ичига тушиб кетган, тақдири, ўғилларининг қисмати қандай ҳал бўлишидан хавотирда бўлган. Ғалабадан бир ой кейин, Амир Темур Денизлига яқин бўлган Олтунтош деган мавзеда тўхтаб турганида, ўз суҳбатига Йилдирим Боязидни ҳам таклиф этади. Муаррих, бундан мақсад «унинг руҳини кўтариш ва хурсанд қилиш эди», дейди. Йилдирим Боязид Соҳибқирон даврасига кириб келади ва ўтиради. Амир Темур уни кўп ҳурматлайди, кўнглини кўтариб, ваъдалар беради. Бу ваъдалардан бири, – деб ёзади Яздий, Румни яна унинг ўзига қайтариб бериш аҳди бўлган эди. Йилдирим Боязид бу сўзлардан ўзига келиб, кайфияти кўтарилади. Мен, ростини айтсам, шундай пайтларда Амир Темур ҳазратларини тушунмай қоламан. Йилдирим Боязиднинг ўғли Мусулмон Чалабий Шайх Рамазонни Соҳибқирон олдига бир неча бор элчи қилиб юбориб, «Қачонки, Соҳибқирон отамга шунчалик ҳурмат ва иззат кўрсатаётган экан, сидқидилдан хизматларини қилсам дегандим, нимани буюрсалар, юракдан қабул қилгайман», дейди. Мусулмон Чалабийга Фракияни бағишлаб юборди, бу ҳақда фармон берилиб, унга тилло ҳалли тўн, жавоҳирлар билан безатилган тож, олтин эгар – жабдуқли от тухфа қилади. Худди шундай саховат Йилдирим Боязиднинг иккинчи ўғли Исога ҳам кўрсати-

лади. Йилдирим Боязид ҳукмронлиги даврида Қутания, Тонгузлик, Қиршаҳар ва Қирмиян улуслари шу мулкларнинг қонуний меросхўри Ёқуб Чалабийга берилади. У Йилдирим Боязид таъқибидан қочиб Суриядан бошпана топган эди. Сурия фатҳ этилганда Ёқубга катта икром кўрсатилади. Бу ишлардан Фикр қилманки, Соҳибқирон оламда адолатни барқарор қилишни кўнглига туккан бўлган.

Соҳибқирон Амир Темур инсонларнинг эслаш мумкин бўлмаган замонлардан буён амал қилиб келаётган оила тутумига, қиз ва йигитни қовуштириш орқали амалга ошадиган қавму қариндошлик удумига ниҳоятда жиддий тарзда ёндошган. Бу бобдаги қарашларини ҳеч қачон ўзгартирмаган. Йилдирим Боязид хонадони билан у Абу Бакр Мирзо куёвлиги туфайлидан яқинлашишга алоҳида аҳамият қаратган. Мордин ҳукмдори, хиёнатдан қайтмайдиган Султон Исо бўйин эгиб, авф сўраб келганида уни ҳам кечиради. Унинг қариндошлашиш тўғрисидаги таклифини қадрлайди, қизини Абу Бакр Мирзога олиб беради. Бу иш Рум истилосидан кейин, Гуржистонга қайтилгач амалга оширилади.

Абу Бакр Мирзода қурилиш ишларига лаёқат сезиларли бўлган, чоғи, 1403 йилда бобоси Амир Темур уни Бағдодни тиклаш ишларига мутасадди қилади. Соҳибқирон кенгаш чақириб, шаҳзода ва бекларга, «Ҳозирга қадар Бағдод биз билан ёғийлик муносабатида бўлди, оқибатда, ўзлари ва вилоятларига харобаликлар келтирди. Бағдод исломнинг оламга таниқли вилоятларидан бири ҳисобланади. У шундай вайрона ҳолида ётса, ачинарли ҳолдир. Биз учун шаҳарнинг қайта тикланиши ва обод бўлиши мақбулдир, биз уни қурамиз», дейди. Кенгашда қатнашганлар бу сўзларни маъқуллайдилар. Бағдодни қайта қуриш ишлари Абу Бакр Мирзо зиммасига юкланади. Соҳибқирон Араб Ироқи мулкларини то Восит ва Басрага қадар унга беради.

Бағдодда белгиланган вазифаларни бажаришдан бурун, бу ерда зўрлик билан ўрнашиб олган, муаррих айтмоқчи, элга жабр-зулм ўтказаетган Қаро Юсуф туркмонга қарши жанг қилишга тўғри келади. Ғалаба ёр бўлгач, Шомий гувоҳлик берганидек, Абу Бакр Мирзо Бағдодда раиятни «иморат ва зироатга машғул қилади ва у вилоятнинг тоқу равоқига етишган қаср-вайронликни Кисродек ўз адли билан тузатишга киришади. У мамлакат оворалари ва у вилоятдан қочиб кетганлар бу хабардан шодмону масрур бўлиб, давлат ҳақиға дуо қиладилар ва бу томонга қайтиб келишга азм этадилар. У вилоятларнинг гўзали, бандаларга марғуб бўлган Бағдод тез орада қайтадан амну омонлик мақомида жилва қилиб, бу давлат шону шавкати туфайли ободонлик суви ариқларга яна қайтишига умид қўйиб, чин кўнгилдан ишондилар».

1403 йилнинг охирларида Амироншоҳ Мирзонинг Самарқандда турган ўғли Умар Мирзонинг чақириб олиниши ва унга отаси мулклари ва қўшинларининг ихтиёри берилиши Абу Бакр Мирзо ҳаётининг тескари эврилишига олиб келган бош сабаблардан бўлади. Соҳибқирон бу қарорни нима учун қабул қилган, рос-ти, шарҳлашдан ожизман. Юқорида кўрдикки, Хонзода Бегим воқеасидан кейин, Амироншоҳ Мирзо ўзини 7 йиллик юришларда оқлай олган, унга ишонч билдирилган. Абу Бакр Мирзонинг шу йиллардаги фаолияти қандай кечганлигини юқорида нақл этилган далиллардан аниқ билиш мумкин. Клавихонинг гапига ишониладиган бўлса, Амир Темур ҳазратлари 1403 йилга келиб, Амироншоҳ Мирзони ҳокимиятдан олиб ташлаш фикрига келганида, дастлаб Абу Бакр Мирзони ҳузурига чорлаб, отаси мулкларига эғалик қилишни унга топширмоқчи бўлган. Абу Бакр Мирзо бундан бўйин товлагач, Умар Мирзо отаси ўрнига қўйилган. Менинг назаримда, Амироншоҳ Мирзо, Абу Бакр Мирзо ишлари ёмон кетмаётган эди, айниқса, азалий душман Қаро Юсуфнинг марғуб этилиши Бардод ва

Озарбайжон мулкларида тинчликнинг қарор топишига олиб келган эди. Амироншоҳ Мирзонинг ўғиллари олдида вазифадан олиниб, обрўсизлантирилиши, барибир, яхши натижалар бермаган. Бу ҳол, айниқса, Соҳибқирон вафотидан кейин фожией оқибатларни келтириб чиқарган.

Соҳибқироннинг вафоти хабари тарқалиши билан Амироншоҳ Мирзо ва унинг икки ўғли – Абу Бакр ва Умар Мирзолар ўртасидаги зиддият ошкора тус олади. 1405 йилнинг 23 апрелида (Амир Темур ўлиmidан икки ой кейин) Султонияда икки ака-ука ёвлашади ва Абу Бакр Умар Мирзо томонидан банди этилади. Абу Бакр Мирзонинг ўғруқи, хотинлари ва мулозимлари Султониянинг Гўзал деган дарасида ушлаб турилади. Абу Бакрнинг қўлга олинганидан ваҳимага тушган Амироншоҳ Мирзо Хуросонга йўл олади. Умар Мирзо ҳам акасини банди этиб, Ироқ ва Форсга келади.

Бу ёвлашувнинг сабабларини Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матла»сидан топиш мумкин бўлади. Амир Темур вақтида Умар Мирзога ҳокимиятни олиб берганида, унга Амир Жаҳоншоҳни оталиқ бек қилиб қолдирган эди. Соҳибқирон ўлими хабари келгач, шаҳзода билан Амир Жаҳоншоҳ ўртасида ихтилоф пайдо бўлади ва Жаҳоншоҳ ўлдирилади. Бу ҳақда олдинда айтилди. Абу Бакр Мирзо Амир Жаҳоншоҳнинг қатл этилишидан норози бўлиб, Умар Мирзога қарши бош кўтаради. Бу гаплар шуни англатадики, Амир Жаҳоншоҳ аслида Амироншоҳ ва Абу Бакр Мирзолар тарафида бўлиб, тахтга, улардан бирининг чиқишини ёқлаган бўлса керак. Абу Бакр Мирзонинг бобоси қўйган қонуний ҳокимга – укасига қарши қўшин тортишини бундан бошқача изоҳлаш қийин.

1405 йилнинг 29 июнида Амироншоҳ Мирзонинг Озарбайжондан Хуросонга томон келаётгани хабари тарқалади. Хуросон мулклари соҳиби Шоҳрух Мирзо бундан ҳушёр тортади, шундай фикрга боради: «агар у жаноб мулк олиш ва душманлик даъвоси билан келган бўлса, уни даф қилишга киришиш, борди-ю, вақт

тақозосига мувофиқ, биродарлик ва элик йўлида бу тарафга келишга майл кўргазган бўлса, хизмат шартлари нимани талаб қилса, бажо келтириш лозим». Шундай деб ўйлаган Шохруҳ Мирзо акаси истиқболга беш минг номдор суворийларни отлантириб чиқаради. Ҳасан Сўфи Тархон, Амир Жаҳонмулк ва Амир Ферузшоҳлардан Амироншоҳ Мирзога бир мактуб йўллайди, унинг мазмуни шундай бўлган: «Ҳазрат Соҳибқирон фарзандларидан ҳар бирига бир мамлакатни бағишлаган. Мамлакатларни уларга бирон қусур йўл топмайдиган ва ҳумоюн уруққа бирон нуқсон юз бермайдиган тарзда муҳофазат қилиб туришга киришиш энди уларнинг вазифасидир. Гарчи... фарзандингиз Умарнинг билмасдан қилган ҳаракати сабабли Эрон подшоҳининг тахтгоҳи бўлган Озарбайжон мамлакатлари қўлингиздан кетган бўлса ҳам, аммо Аррон, Мурон, Аромана ва Гуржистон вилоятлари ҳазратларининг қуллари қўлидадир; агар бу вилоятларни идора қилишга илтифот кўрсатсалар, жуда муносиб иш бўлади. Аллоҳга ҳамд бўлсинки, жаноб шаҳриёр замонанинг энг оқилидирлар... ёмонлик хаёлидаги фитначилар васваси билан бирон муомалага киришишга йўл қўйиш устида ўйламасинлар, чунки бу – хонадоннинг емирилишини келтириб чиқаради ва сулоланинг қирилишига сабаб бўлади.

Байт:

*Сен ўз ишиңга ўзинг тош отма,
Ўз лашқарингга қарши ўзинг жанг қилма.*

Бизнинг сулҳ борасидаги бу уринишимиз ожизлик сабабидан эмас, балки **асл мақсад номуси номни сақлашдир**». Шохруҳ Мирзо бу пайтда 28 ёшда эди. Амироншоҳ Мирзо ундан ўн ёш катта эди. Шохруҳ Мирзонинг бу сўзларини мушоҳада этиб, кўнглимдан бир гап кечди, Соҳибқирон бобомиз руҳлари мендан ризо бўлсин, улуғ бобомиз, Ўтрорда, ўлим тўшагида

ётганида, сўнгги тилакларидан бири Шоҳруҳ Мирзони кўриш бўлган эди. Шу истакнинг ёнига «валиаҳдликни ҳам унга бағишладим», деган қудратли калом айтилганда борми... Амироншоҳ Мирзо укаси Шоҳруҳ мактубини олгач, ортга қайтишни афзал билади.

Умар Мирзо акаси Абу Бакр Мирзони Султония қалъасида ҳибсда ушлаб турган пайтда Мароға вилоятида Бобо Беги деган бир тақвошиор дарвеш пайдо бўлади. У жуда кўп кароматлар кўрсатади, кесакни қанду навогга айлантиради. Умар Мирзо бундан хабар топиб, уни текширтириб кўради ва сохтагарчиликда айблаб, дарвешни қатл эттиради. Дарвеш ўлими олдидан: «Бизнинг пешонамизга шундай битилган эди, аммо биздан кейин нималар воқе бўлишини мушоҳада қилинлар», дейди. Дарвеш дорга осилгандан уч кун ўтиб, 1405 йилнинг 15 июлида Абу Бакр Мирзо Султония қалъасидан қутилиб чиқади. Гап шундаки, Умар Мирзо акасини ўлдириб юбориш пайида бўлган. Лекин, тарихда айтилганидек, «Умар Мирзо бу ишнинг (Абу Бакр Мирзонинг ўлдирилиши) очиқ-ойдин бўлишини истамади. Шунинг учун у Абу Бакр Мирзонинг овқатига тез таъсир этувчи заҳар қўшиб беришга буюрди. Шундай шарбатни номдор шаҳзоданинг олдига келтирганларида, у ичишни истамади. Бу ишга тайин қилинган Одил хазиначи ва Исо қурчилар шаҳзода шарбат ичишдан бош тортганлигини Умар Мирзога арзга етказдилар, у эса «кечаси бўғиб ўлдирилар», деган жавобни юборди. Бир киши бу воқеа кайфиятидан Абу Бакр Мирзони хабардор қилди. Бундан илгарироқ Одил хазиначининг навкарларидан бири бир шамширни ўт орасига беркитиб, Абу Бакр Мирзога элтиб берган эди. Бу воқеа кун Идил билан Исо кеч кирганда у машъум ишга киришамиз деб, кундузи Абу Бакр Мирзо ҳузурида шароб ичиш билан машғул эдилар. Кун ботгач, нард ўйнашга тушдилар ва Оқил иноқнинг келишига мунтазир эдилар. Абу Бакр Мирзо бу фурсатни ғанимат топиб, бурни қонаётганлиги-

ни баҳона қилиб, уйга кирди ва ўз қўли билан бандни – кишанни синдириб, яланғоч қилич билан ташқарига югурди, Одил ва Исони шу заҳотиёқ ўлдириб, интиқом юзини Оқилнинг саройига қаратди ва уни ҳам орадан йўқотди. Шу тарза у ўнта номдор кишини ўз қўли билан ўлдириб, қалъани эгаллади».

Абу Бакр Мирзо 23 ёшга тўлган, чинакамига паҳлавон ва довюррак йигит эканлигини шу воқеа етарлича далолат этади. Гўзал дарасида турган унинг онаси Хоника Бегим ва Амир Ҳусайн Барлос Абу Бакр Мирзонинг тутқунликдан озод бўлганлигини эшитиб, Султонияга келадилар ва ҳаммалари биргаликда Хуросонга, Амироншоҳ Мирзо изидан йўлга тушадилар. Турган гапки, Умар Мирзо унинг ортидан таъқиб қила бошлайди. Амироншоҳ Мирзо ва Абу Бакр Мирзолар Хуросон чегарасидан қайтиб, Ажам Ироқи ерларига қадам қўядилар. Бу сафарда улар ёнида Султон Бахт Бегим ҳам бирга бўлади.

Бистомда турганларида, ўша кунларда Абу Бакр Мирзо яна уйланишга қарор қилади. Бу сафар у Ўрус Бугонинг қизини олади ва тўй беради. Бу пайтда ҳам ота-бола бирга эдилар. Абу Бакр Мирзо ўз ичкиларини – уғруқни Суқбулоққа қўйиб, икки минг киши билан Султонияга отланади. Бу ерда турган Умар Мирзо одамлари унга бас келолмайдилар ва қалъани топширадилар. Абу Бакр Мирзо укаси Умар Мирзо ва унинг амирларига тегишли хотинларни ўз яқинларига тортиқ қилади. Бундан хабар топган Умар Мирзо амирлари ва лашкарлари ундан юз ўгириб, Абу Бакр Мирзо ҳузурига келадилар. Шу ўринда бир муаммога аниқлик киритиб кетиш имкони туғилди. Соҳибқирон Амир Темур Табризга Сулаймоншоҳбекни Амироншоҳ Мирзо устига юборганида, доруға Боён Қовчин уни жазавасти тутган Амироншоҳ Мирзо олдига бормасликни маслаҳат бериб, йўлдан қайтарганди. Энди эса, оқлар оққа, қоралар қорага ажралиб қолган пайтда, Боён Қовчин кимнинг тарафида эди, дерсиз. У, Умар

Мирзо томонида эди. Ана шунақа Боён Қовчинлар нозик нуқталарда салтанатга ҳам, сулолага ҳам хиёнат қилганлар. уларни дўст билганларга душманлик қилганлар. Бундайлар доим четда, жазодан холи бўлганлар. Қачонки, Умар Мирзо заволга учраганида Табризда, унинг номидан икки кунда икки юз туман ироқий маблағни зулм билан ақобирлардан ундирган Боён Қовчин ва Шайх Хусрав Шоҳийлар Абу Бакр Мирзо қароргоҳига бош эгиб келадилар. «Матлаи саядайн ва мажмаи баҳрайн»да айтилишича, «Абу Бакр Мирзонинг буйруғи билан золим Шайхни оёқ-қўлидан михлаб ўлдирдилар». Боён Қовчин яна қутилиб қолади. Заррин тахт ясатган Абу Бакр Мирзо отасини подшоҳ деб эълон қилади ва отасини унга ўтқазади. Шу тариқа, Шоҳруҳ Мирзонинг Хуросонга келаётган Амироншоҳ ва Абу Бакр Мирзолар олдига қўшин юбориши ва акасига хат билан мурожаат қилиши ота-ўғилнинг изга қайтишига ва вақтинча омадлари юришишига сабаб бўлган эди.

Клавихонинг шу воқеаларга бевосита дахли бўлган яна бир фикрнинг мушоҳада қилиш вақти келди. Испан элчилари Оврүпо сарҳадларига етгунча қулоқни динг қилиб, Соҳибқирон вафотидан кейин унинг салтанатида юз бераётган ўзгаришлар ҳақидаги эшитмаларни пойлаган. Ўша пайтлар Амир Темур шахсига ва унинг ҳокимиятига қизиқиш шу қадар катта бўлганки, ҳар қандай миш-мишлар Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон худудларидан исталган ерга яшин тезлигида етишган. Клавихонинг қулоғига ҳам улардан бири – Амироншоҳ Мирзо ва унинг ўғилларига алоқадор эшитмалар чалинмай қолмайди. Бу миш-мишлар мазмун-моҳияти билан унинг аввалги тасаввурларини чалкаштириб юборади. Элчи ёзади: *«Абу Бакр Мирзо ва Умар Мирзо бир ота-онадан туғилган ака-укалардир (Клавихо янглишган, бу Мирзолар бошқа-бошқа оналардан туғилган – П.Р.) Уларнинг онаси шу ерда эди (ҳа, Абу Бакр Мирзонинг онаси Хоника Бегим доим*

Ўғли билан бирга эди). Хонзода тезлик билан ўғли Умар Мирзо ҳузурига бориб, «Ўғлим, отанг подшоҳ бўлиши керак, ҳамманинг истаги шундай, сен эса унга негадир халал беряпсан», дейди. Умар Мирзо «Отамга қаршилик қилишдан Худо сақласин, отамнинг ҳамма амр-фармони бошим устига», деб жавоб қилади. Хонзода ўғлининг гапларини эрига етказди. Шундан кейин Амироншоҳ ҳокимиятни ўзига қай йўсинда тақдим этиш ҳақида укаси билан маслаҳатлашиб олиш учун ўғли Абу Бакр Мирзони қўшинсиз, салт ҳолда Умар Мирзо ҳузурига юборади. Акаси келаётганидан огоҳ бўлган Умар Мирзо уни тутиб олишга қарор қилади». Бу ишлар давоми қандай кечганлигини олдинда ҳикоя қилдим. Клавихо эса адашишда чуқурлаб боради: «Умар Мирзо ва Абу Бакр Мирзонинг онаси Хонзода ўғилларининг бири иккинчисини тутиб банди қилганини эшитиб, дод солиб йиғлаб, кўксини чок этиб, Умар Мирзо ҳузурига келади. «Ўғлим мен сизларнинг туққан онангизман, эндиликда сен ҳамманинг меҳрини қозонган жигаргўшанг – акангни ўлдирмоқчисан», дейди. Умар Мирзо «Акамни жуда нодон ва қайсар гаплари учун банди қилдим. Отамнинг подшоҳ бўлишидан ўзга олий ниятим йўқ, дейди», – деб ёзади Клавихо. Бу ерда гап Хонзода (у Самарқандда муқим эди) Бегим тўғрисида эмас, балки Умар Мирзонинг онаси хусусида бораётир, деб қабул қилсак ўринли бўлади. Афсуски, тарихларда бу аёлнинг исми шарифаси зикр этилмаган. Абу Бакр Мирзонинг онаси Хоника Бегим ҳам, эҳтимол, Хонзода дейилаётган она қилган ишларга бош қўшган бўлиши – Умар Мирзо олдига ўғлининг ҳибсдан озод этилишини сўраб борганлигини эҳтимолда тутиш мумкин.

Бу иқтибосни Клавихонинг Хонзода Бегим бобида олдин айтган сўзлари билан кейингиси ўқувчида таажжуб турғирмаслиги олдини олиш мақсадида келтириб ўтдим. Табиийки, эшитма гаплар ҳамиша янглиштиради.

Воқеаларнинг ҳақиқий силсиласи қандай эди? Умар Мирзони мағлуб этган Абу Бакр Мирзо отасини Табриз тахтига чиқариб, ҳаволаниб юрган кунлар эди. Лекин унинг ёнидаги хос кишилар (аниқроғи, унга ғалабани олиб берганлар) бундан норози бўладилар ва салтанатни унинг ўзи бошқаришини маслаҳат қилдилар. Абу Бакр Мирзонинг эмас, уларнинг айтгани бўларди, у отаси Амироншоҳ Мирзони тахтдан туширади ва ўзи тахтга ўтириб, катта тўй беради. Шу тариқа, Абу Бакр Мирзо 1405 йилнинг 22 декабрида Табриз давлатхонасига келиб тушади. У, бир қарашда истаган нарсасига эришгандек кўринса-да, ҳокимиятини кафолатлашга муяссар бўла олмаганди. Ассосий қисми туркмонлардан бўлган лашкар Соҳибқирон даври кўшинида таъқиқланган жиҳатларни бузиб, «ниманки кўрса талаб борар эди». Абу Бакр Мирзонинг бундай йўл тутишидан ота-онаси ҳам норози бўлган.

Умар Мирзонинг – Соҳибқирон томонидан кўйилган ҳокимнинг четлаштирилиши Темурийлар доирасида маъқуланмаган. Тез орада Умар Мирзо ҳимоясига Умаршайх Мирзонинг уч ўғли – Пир Муҳаммад, Рустам ва Искандар Мирзолар иттифоқ тузганлиги хабари етади. Шаҳзодалар Абу Бакр Мирзога қарши элик минг кишилиқ отлиқ ва пиёда аскарлар билан рўбарў келадилар. Улар, «Абу Бакр Мирзо бизлардан юз ўгирди, ота ва она ундар норози, лашкар аҳди қатъиятсизликда ва мамлакатни муҳолифлар эгаллаб олган», деб Абу Бакр Мирзога қарши юриш бошлайдилар.

Кутилмаганда улар Абу Бакр Мирзонинг Суқбулоқда ғофил турган ўғруқи устига етиб келадилар. Умар Мирзо тарафдорлари ҳамма ёқни тўс-тўполон қилиб, хотинлар, болалар, канизаклар, отлар, хачирлар ва туяларни ўлжа оладилар. Хотин-халажлар орасида бўлган Соҳибқирон Амир Темурнинг қизи Султон Бахт Бегим ва Амироншоҳ Мирзонинг хотинларидан бири-

ни ўзлари билан олиб, Райнинг Сарикамиш мавзеидан орқага қайтадилар. Ҳарамни ҳимоя қилиши керак бўлган Тўкал Барлос, Амираки Мунажжим ва бошқа амирлар ўғруқдан олисроқ бир жойда шаробхўрлик қилиб ётган эдилар. Улар воқеадан хабар топиб, маст бўлишларига қарамай, орқадан қувиб қаттиқ жанг қиладилар. Умар Мирзо лашкари кўп сонли бўлгани боис олинган нарсанинг биронтасини ҳам қайтариб ололмайдилар.

Ўғруқ ҳимоячилари қўлидан келмаган ишни Абу Бакр Мирзо қилади, у жангда ғолиб бўлади ва Суқбулоқда, ўғруқдан нимаики олиб кетилган бўлса қайтариб олишга, хутба ва пул зарбини Амироншоҳ Мирзо номига қилишга эришади. Абу Бакр Мирзога қарши тузилган шаҳзодалар иттифоқидан путур кетади ва акасига қарши бир иш қилиш қўлидан келмаслигини билган Умар Мирзо Хуросонга, Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига жўнашдан ўзга чора топа олмайди. Шоҳруҳ Мирзо хизматига бош эгиб келган Умар Мирзони яхши қабул қилади. Мозандаронни забт этишдаги жангларда Умар Мирзо ўзини кўрсатади. Шу хизматлари эвазига Мозандарон вилоятини идора қилиш Умар Мирзога топширилади.

Умар Мирзо табиатида худбинлик на миқдор улуглигини олдинги саҳифаларда зикр этилган талқин ҳеч бир инкорга ўрин қолдирмай кўрсатиб беради.

Шоҳруҳ Мирзо инояти билан Мозандаронда ўрнашиб, ўзини ўнглаб олган Умар Мирзо навкарларига катта имтиёзлар беради, уларга иқтоъ (ер ва мулк суюрғоли) тайин қилади. Шу сабаб, унинг атрофида кўп кишилар тўпланади. Биринчи қилган иши Райга қўшин тортиб, акаси Абу Бакр Мирзо ўғруқи билан турган икки минг оилани кўчиртириб Мозандаронга олиб келади. Ўзини кучли ҳис қила бошлаган Умар Мирзо Хуросонни (Шоҳруҳ Мирзо мулклари) босиб олишга журъат пайдо қилади. Таассуфки, Боён Қовчинлар бу пайтда, ҳар қачонгидан ҳам кўпайган эди-

лар. Улар вазиятга қараб, мирзоларни бир-бирига қайрашга тиш-тирноғи билан ёпишгандилар. Отнинг ўлими – итнинг байрамига айланган, қанчалик талаш кучайса, улар оладиган ўлжа, насиба шунча улканлашарди. Шоҳруҳ Мирзога салоқатда бўлган Амир Шоҳ Малик (Соҳибқироннинг содиқ вазири) надимларидан бири Шайх Ҳасан бир тўда яқинлари билан айнамачилик йўлига кириб, Умар Мирзо олдига борадилар ва, «Хуросон лашкари Амир Шоҳ Маликдан ранжиган, агар сиз у юртга борсангиз, ҳамма сиз тараф бўлади», деб тезлов ва пишонг қиладилар. Муаррих айтади, «Умар Мирзо Шоҳруҳ Мирзонинг ҳимоят кўрсатганлиги ҳақ-ҳуқуқини унутиб, бедаватлар сўзига учди».

Умар Мирзо Хуросон мулкларини қўлга киритиш учун Шоҳруҳ Мирзога қарши қўшин тортади. Абдураззоқ Самарқандий бу ҳақда шундай дейди: «Бу варақларни тўпловчи Абдураззоқ бир ишончли кишидан эшитдимки, Умар Мирзонинг юриш қилиб келаётганлиги хабари ҳазрат хоқони саъидга (Шоҳруҳ Мирзо – П. Р.) етгач, яқин кишилардан бири: «Умар Мирзо паноҳ сўраб келган вақтда, «унга эътиمود қўйиш мумкин эмас, чунки у ўз отаси ва акасига вафо қилмаган, у кимга вафо қилдики, бизга қилади», деган эдим, гапимга илтифот қилмаган эдингиз, мана энди шундай натижа берди» деб ҳумоюн арзга етказган. Онҳазрат эса: «Биз Умар Мирзога ёмонлик қилганимиз йўқ, аслида унга мамлакатни берган деб бизни аташ ёки мулкни бизники деб ҳисоблаш нотўғри, чунки боқийлик Тангрининг боқийлигидир деб билгину, мулкни Тангрининг мулки деб, Тангри ўз мулкани кимга хоҳласа шунга беради-ю, кимдан хоҳласа ўшандан олади», деб жавоб берган».

1407 йилнинг мартада Шоҳруҳ Мирзо ғаним бўлган Умар Мирзога қарши қўшни тортиб Бодғис ўлкасига қадам қўяди. Абдураззоқ Самарқандий «Шу аснода мадҳи олия Хонзода Самарқанд томонидан ке-

либ, Мирзо Муҳаммад Жўгий баҳодирни етказди. ҳазрат хоқони саъид бу шодликни сафарнинг яхши бошланишига йўйиб, катта тўй берди ва уларни доруссалтана Ҳиротга жўнатди», деган даракни ҳам бериб ўтади. Мана шу маълумотнинг ўзи биз юқорида эсга олиб ўтганимиз Клавихонинг Хонзода Бегимни Умар Мирзо олдига бориши воқеаларнинг ҳавойи эканлигини далолат этади. Мирзо Муҳаммад Жўгий Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли бўлиб, 1403 йилда туғилган болакай эди. Демак, у бу пайтда Хонзода Бегим тарбиясида бўлган.

Иккала қўшин Жом томон юриб, Бардавия деган қишлоқ ёнида бир-бирига рўбарў келади. Умар Мирзо дарҳол жангни бошлайди. Шу пайт Умар Мирзо лашкарининг устунни бўлган Жақойи тавочи сафни ёриб, қочади ва Шоҳруҳ Мирзо томонга ўтади. Умар Мирзо лашкари бу ҳолни кўриб, ҳар томонга тарқалиб кетади. Яхшиликка ўқталган ёмонлик бу сафар бадном бўлади, Умар Мирзо кичик бир тўда билан қочиб қутилади. Бу воқеа, «Матла»да битилишича, 1407 йилнинг 17 апрели кунда Жомнинг Бардавия деган қишлоғи атрофида содир бўлади. Умар Мирзо Мурғоб дарёси бўйида Шоҳруҳ Мирзо амирларидан Мизробнинг навкарлари қўлига тушади. Бошидан қаттиқ жароҳат олган, оёғига оғир кишан солинган шаҳзода Амрудак манзилида турган Шоҳруҳ Мирзо ўрдасига етказилади. Шоҳруҳ Мирзо унинг ҳолини кўриб, раҳми келади. Тахтиравонга солиб, ёнига табиб ва жарроҳ қўшиб, Ҳиротга жўнатади. Аммо Умар Мирзо Тўқузработда «минг ҳасратлар билан» жон таслим қилади. Бу воқеа 1407 йил 3 майда юз беради. Шаҳзоданинг жасади Имом Фаҳруддин Розий мазорига дафн этилади. Муаррих шу муносабат билан айтади: катта умиду, қисқа умрдан на фойда?

Яздий «Зафарнома»сида Умар Мирзодан бўлган фарзандлар тилга олинмаган. Шаҳзода 24 йил умр кўрган эди.

Амироншоҳ Мирзо ва Абу Бакр Мирзо воқеаларига қайтайлик. 1406 йилнинг шаъбон ойида (22 январь – 19 февраль) Абу Бакр Мирзо Табризда эканлигида Умар Мирзо билан Рустам Мирзо унинг Райда турган ўғруқини (хотин-халаж, ичкилар) горат қилиб. Исфохонга олиб кетган эди. Ота-ўғил Исфохон жангида музаффар бўлганлиги тўғрисида сўзлаб ўтилди. Шу йилнинг рабиъ ал-аввалида (23 август, 1406) Абу Бакр Мирзо Курдистонга. Малик Иззуддин олдига киши юборади ва у келгач, биргалашиб Қаро Юсуф туркмонга қарши жанг қилиш ҳақида келишиб оладилар. Жангда омад Абу Бакр Мирзодан юз ўтиради, навкарлари Қаро Юсуфга асир тушади. Шаҳзода бир амаллаб Султонияга келади ва қалъага кириб, уни мустаҳкамлайди. Қишни Райда ўтказади.

Абу Бакр Мирзо Райда турган пайтида орада тул拉克лик қилувчи кучлар яна қўзғалиб қолади. Ўша, олдиндан билганимиз Боён Қовчин Мозандаронга, Умар Мирзога хабар юбориб, «Аканг туркмон лашкаридан қочиб, хароб ва заиф ҳолда Қазвинда гофил ўтирибди, менга бир гуруҳ лашкар юборгин, токи унинг устига юриш қилайлик», дейди. Чамаси, Абу Бакр Мирзонинг ҳам у томонларда одамлари ёки тарафдорлари, жуда бўлмаса, жосуслари бўлганки, Боён Қовчиннинг бу ғаламислигидан огоҳ бўлади. У Шаҳриёрга келиб, қалъани муҳосара қилади. Боён Қовчин билан қаттиқ жанглар олиб борилади, бу сафар Темурийзодаларни бир-бирига тезловчи қаснинг омади юришмайди, таслим бўлади. Абу Бакр Мирзо уни қатлга етказади. Абу Бакр Мирзо Ҳамадонга келганида, узунқулоқлардан бири Умар Катук деган киши унга, бир тўда амирларнинг Абу Бакр Мирзони орадан кутариб, Амироншоҳ Мирзони қўллаб-қувватлаймиз ва Хурсонга борамиз, деб иттифоқ тузганлиги хабарини айтади. Шаҳзода унга, «бу сўзни асло бирор кишига айтмагин, мен ҳам буни эшитмаганман», дейди. Абу Бакр Мирзо дарҳол Тўкал Ўрус Буғо, Пир Ҳусайн Барлос ва

Исмоил Аткаларни ҳибсга олади. Нўширвон Барлос ва Ҳожа Бердилар қочиб қутуладилар. Бу амирларнинг ҳаммаси унга яқин кишилар, қариндошлар эди. Тўкал Ўрус Буғо шаҳзодага қайнота, Нўширвон эса (олдинда унинг ҳақида айтилди) қариндош эди. Тафтиш чоғида Тўкал Ўрус Буғо, «Бизни бу ишга Исмоил Атка бошлади», дейди. Шаҳзода, «Кимни менинг ўрнимга тайин қилмоқчи бўлдинглар?» деб сўраганида, улар «Амироншоҳ Мирзони», деб жавоб берадилар. Абу Бакр Мирзо яна, «Унинг ўзи бундан хабардорми?» деган сўроқни беради. Улар, «йўқ» дейдилар. Шаҳзода уларнинг учаласини ҳам қатл эттиради ва бошларини вилоятларга юборади. Отаси Амироншоҳ Мирзони ҳам фитнада айблаб, ҳибсга олади. Бу хабарни етказган Умар Катук ва Қутлуқ Ҳожаларга эса ҳар бири бир мамлакат хирожига баробар бўлган олтин камарлар тақдим этади. Абу Бакр Мирзо ўч олишни давом эттириб, отасининг қайси бир амирининг бу фитнадан хабари бўлса, барини тутиб ўлдиради. Фасиҳ Хавофий фитна сабабини бошқачароқ акс этдиради. У ҳижрий 809 йил (1406–1407) воқеалари ҳақида маълумотларни жамлар экан, Тўкал Ўрус Буғо, Пир Ҳусайн Барлос ва Исмоил Аткаларнинг Абу Бакр Мирзо ҳаётига суиқасд қилишга келишганликлари ва у бундан хабар топиб, уларни бандга олиб, қатл этганлигини ёзади. Ўзини ўлдиришда режа отаси томонидан тузилганлигини гумон қилиб, Амироншоҳ Мирзони бандга олганлиги қайд этилади.

Фасиҳ Хавофий «Мужмали»да «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн»даги талқиндан бир оз тафовут қиладиган, юқорида келтирилган баъзи ўринларга аниқлик киритадиган ва тўлдирадиган далиллар борлиги эътиборга лойиқ. Шуларнинг айримлари Умар Мирзо хусусида. Абдураззоқ Самарқандий Умар Мирзонинг Шохруҳ Мирзо олдига боришини айтгани ҳолда, бу учрашув манзилини кўрсатмайди. «Мужмали Фасиҳий»да эса бу воқеанинг 1406 йил июл-август ойлари

орасида, Самарқанднинг Ҳожа Қанбар деган жойида амалга ошганлиги айтилади. Шоҳруҳ Мирзо ўзини деб келган Умар Мирзога иззат-икром кўрсатади. «Матла»да учратмайдиганимиз яна бир далил – Шоҳруҳ Мирзонинг амакизодаси Умар Мирзони Астробод, Қабуд Жом ва Дамғон бошқарувига қўйганлиги ҳам «Мужмал»да зикр этилади. Афтидан, бу мулклар Те-мурийлар тасарруфидан чиққан бўлиб, Умар Мирзо уларни идора қилишдан ожиз бўлган, уларни қайта итотатга олишга унинг имконияти етмаган ва Шоҳруҳ Мирзога қарши қасдланиши, эҳтимол, шу сабаблар билан боғлиқ бўлган бўлса ажабмас. Абдураззоқ Самарқандий Хонзода Бегимнинг Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига унинг 4 ёшли ўғли Фиёсиддин Муҳаммад Жўғийни олиб келганлигини юқорида келтириб ўтдим. Ўқувчида, «Бу қайси Хонзода бўлди?» деган савол туғилиши табиий. Чунки, Хонзода Бегимнинг ўғли Халил Султон Мирзо Шоҳруҳ билан ёвлашиб, тожу тахт учун кураш олиб бораётган бир пайтда унинг онасининг Шоҳруҳ Мирзо олдига келиши, ҳақиқатан ҳам, таажжубларга лойиқ иш эди. Фасиҳ Хавофий ҳеч қандай саволга ўрин қолдирмайдиган тарзда, «Амироншоҳ Кўрагоннинг хотини Хонзода Самарқанддан Ҳиротга келди», деб ёзади. Бегимнинг бу «тўлғамаси» сабаблари ҳали кейинроқда ойдинлашади.

Яна олдинги воқеалар давомига қайтай. Абу Бакр Мирзо, Даргузин мавзеида шафқатсизликни ҳаддан ошириб, қаттоллик қилгани ва Арғун қўриғида тўхтаб турган вақтида унинг ашаддий душмани Шайх Ҳожи Ироқий ўлдирилганлиги хабари олинади. Шайхни Шукруллоҳ Жамолуддин Булғор ва унинг одамлари ўлдиради. Бу ҳодиса 1407 йилнинг 7 июнида содир бўлади. Абу Бакр Мирзо бундан ниҳоятда қувониб, Арғун қўриғидан чиқиб, Гўзал дарасига етиб келади. Шаҳзода бу манзилда бир-икки ой тўхтаб туради, шунда унинг ҳузурига Шукруллоҳ етиб келади ва ва-зирлик мансаби билан тақдирланади. Куп ўтмай, турк-

монлар сардори Қаро Юсуфнинг Султонияга томонга босиб келаётгани хабари олинади. Қаро Юсуф Султонияга келиб, шаҳарни талон-торож этади, Соҳибқиронга душманликда бўлганлардан Султон Муътасимга (у Шоҳ Шуъжо уруғидан эди) Ҳамадон ва Луристонни иноят қилади. Қаро Юсуфнинг хатти-ҳаракатидан ваҳимага тушган Шукруллоҳ Жамолуддин эса Абу Бакр Мирзодан юз ўгириб, Рудбор тарафга қочиб кетади. Давр алғов-далғовлари нафақат шаҳзодаларни, балки салтанат қозони атрофида айланган беклар, амирларни, лашкар бошлиқларини ҳам эсанкиратиб қўйган, улар бу ғалаёнли қуюнлардан тўғри йўл топишда қийналиб қолаётган, қайси томонга босишга, қайси томонда муқим туришда қатъият кўрсата олмаётган эди. Уларни хиёнатда айблаш ҳам, шу жиҳатдан, мувофиқ эмасдек туюлади. Ҳамманинг ҳам яшагиси, ўрин топгиси келарди. Лекин бир умр сипоҳийликда ҳаёт кечирган, рўзвори шу орқали кечган бу одамлар қўлни қовуштириб ўтира олмас, қолаверса, замона шиддати уларни истаса-истамаса, ҳокимият талашлари кетаётган майдонларга улоқтирарди.

Абу Бакр Мирзо Қазвинга келиб, Шукруллоҳни олиб келиш учун Ҳожа Шарафиддин Холидий ва Саййид Иззуддинларга бир гуруҳ навкарлар бериб жўнатади. Улар Шукруллоҳни кўндириб, шаҳзода ҳузурига олиб келадилар. Шукруллоҳ қаттиқ қийноқлар остида ҳаётдан кўз юмади. Абу Бакр Мирзонинг Соҳибқирон Амир Темур вафотидан кейин ўтаётган бир-бир ярим йиллик вақт ичида бу қадар ўзгариши, тубанликнинг феълида голиб келиши нималар билан боғлиқ эди? Абдураззоқ Самарқандий шаҳзоданинг 1407 йил 18 октябрда Султонияга келиши, орадан икки кун ўтказиб, Ардабил атрофларини уч кун талон-торож қилганлиги, айниқса, Мароғада унинг лашкари қилган ишлар ҳар қандай тубанликдан ошиб кетганлиги воқеаларини ёзади. Муаррих, *«Лашкар аҳли хотинлар ва бола-*

ларга нисбатан беқонд ишлар қилдилар», дейди та-
ассуф билан.

Жоний Қурбоний амирларидан бўлган Наврӯз ва
Абдурахмонлар Самарқанд томондан қочиб, беш минг
отлиқ билан Рай чегарасига етиб келганлигини эшит-
ган Абу Бакр Мирзо уларга одам юбориб, ўз тарафига
оғдиради ва Озарбайжонга юриш қилиш ва юртни
туркмонлардан халос қилишга келишади. Абу Бакр
Мирзо, шу тариқа, Табриз сарига қўшин бошлаб,
юриш қилади.

Қаро Юсуф бундан хабар тошиб, ўз иттифоқчила-
рини йиғади, унинг қўл остида қарийб йигирма минг
кишилиқ сипоҳий тўпланади. Икки ўртадаги тўқна-
шув 1408 йилнинг 21 апрелида юз беради. Жангда Абу
Бакр Мирзо ҳайбатли шердек олишганлигини муар-
рих алоҳида уқдириб ўтади. Лекин у умид боғлаган
бетайин сипоҳ ишончини оқламайди, муҳориба қизи-
ган пайтда улар жуфтакни ростлаб қоладилар. Самар-
қандда хизматни ташлаб, қочқинчилик йўлига кир-
ган, дайди, бошвоқсиз беш минг лашкарга ишонш
ўзи, бориб турган таваккалчилик ва оқибатни ўйла-
май қилинган нодонлик натижаси эди. Энг ёмони, шу
жангу жадалда Амироншоҳ Мирзо ўлдирилади. Шаҳ-
зода, назоратда тутиб келган отасини ҳам курашга
солган кўринади. Амироншоҳ Мирзога қилич солиб,
унинг ҳаётига зомин бўлган қотил унинг бошини Қаро
Юсуфга олиб боради. Қаро Юсуф Амироншоҳ Мирзо
муқотилини шу ондаёқ бошдан жудо этади. Амирон-
шоҳ Мирзо Табризнинг Сурхоб деган жойида дафн
этилади. Фасиҳ Хабофийнинг гувоҳлик беришича, ора-
дан бир қанча вақт ўтгач, Шамс Фурий деган бир оли-
жануб киши дарвеш либосида Амироншоҳ Мирзо хо-
кини Самарқандга олиб келади.

Абдураззоқ Самарқандий бу ҳақда, «Бир туркмон
бахтли султон мирзо Амироншоҳ шаҳиднинг бошини
Қаро Юсуф олдига келтирган эди, Қаро Юсуф қаҳр-
ланиб, у туркмоннинг гарданни узишга буюрди ва

бахтли подшоҳ Амироншоҳнинг бошини танаси билан бирга тўла иззатини бажо келтириб ювдирди; уни Сурхобда қабрга қўйдилар. Бир қанча вақтдан сўнг Шамс Ғурий номли бир киши дарвешлар суратида унинг суякларини Мовароуннаҳрга етказиб, қуббатулхизро Кешда дафн этилди... Амир Қаро Юсуф: «Агар уни менинг олдимга тирик ҳолда келтирганларида, мен унга тегишли тарзда эътибор кўрғазган бўлар эдим», деди». Яқинлар ҳам, душманлар ҳам юз берган фожиа моҳиятини англаганларида, кеч бўлади. Фақат имкони қолмагандан кейин, кўнгиللар юмшайди, ҳурмат-эҳтиром бажо келтирилади. Чунки, энди оламдан ўтгандан на фойда, на зарар етади...

Дунё ишларини телба-тесқари, деймиз. Кеча ҳокимиятни мурувват қиладиган, хоҳласа оладиган, хоҳламас, бошини танасидан жудо қиладиган салтанат соҳибларининг Абу Бакр Мирзо шахсида қандай афтода ҳолга тушганлиги, орадан шунча асрлар кечган бўлса-да, кишини ачинтиради, наҳотки, бирор имкон, бирор йўл қолмаган бўлса, деган ички нидо кишига тинчлик бермайди. Шу аҳволга ким солди шаҳзода-ни? Соҳибқирон хонадонининг катта бир тармоғи – Амироншоҳ Мирзо авлоди нега бу бўҳронда йўл тополмай қолди, ўз гўштини ўзи еди? Эҳ, қани бу саволларга жавоблар?! Кимни айблаш керак? Калондимоғ Умар Мирзоними, кучи камлигидан ўзини қўярга жой тополмай, талвасага тушган, оила шаънини, удумларни тамом унутган, кўзига фақат ҳокимият кўринган Абу Бакр Мирзоними, ёйинки, фарзандларини жиловлай олмаган, Хонзода Бегим тухматидан кейин ўзини ўнглай олмаган, фаолиятсизлашган Амироншоҳ Мирзоними? Саволлар кўп. Шунча асрлардан буён уларга жавоб йўл-йўлакай, узуқ-юлуқ тарзда бўлиб келди. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолса, ажаб эмас. Чунки, ўша даврни тушунмай, воқеаларнинг қаерда, қайси заминда кечаётганлигига эътиборни қаратмай туриб, аниқ хулосаларга келиш амри маҳол.

Мағлубият аламини тортган Абу Бакр Мирзо Озарбайжон ва Ироқ мамлакатларида туришга имкони қолмагач, Кермонга (Эрон) кетишга мажбур бўлади. Кермонда амакизодалардан – Идиқу Барлоснинг (у Ҳожи Барлоснинг укаси эди) ўғли Султон Увайс ҳокимлик қиларди. Султон Увайс Шаҳзодани ҳурмат кўрсатиб кутиб олган бўлади, тил учида «Биз бу хонадоннинг бандаси ва қулбаччасимиз; агар ҳазрат Соҳибқироннинг фарзанд ва фарзандзодаларига нисбатан бирор хизмат қилиш бизнинг қўлимиздан келса, ҳеч қандай давлат бунинг ўрнига ўта олмайди; мол-мулк, хазина-дафиналарнинг ҳаммаси икки қўллаб тутилади ва онҳазратдан (Абу Бакр Мирзо – П.Р.) буни қабул қилиши кутилади», дейди.

Бир неча кун зиёфатлар билан кечади. Муаррих, «Абу Бакр Мирзо Султон Увайсни бир мустақил подшоҳ сифатида кўриб, хотирида ҳасад шуъласи алангаланди... Ҳар икки томондан ваҳшату нафрат ошқора бўлди. Абу Бакр Мирзода Султон Увайсни қўлга тушириш фикри бор эди, Султон Увайс ҳам ўз хаёли лавҳасига шу суратни чизарди», дейди. Хуллас, муаррих бу ҳолни, «Икки айғир бир байталга чопмайди ва икки қилич бир қинга сиғмайди», мақоли билан хулосалайди. Кермонга сиғмаган Абу Бакр Мирзо Сеистон чегараларига қараб йўл олади. У муқаррар ҳалокат йўлидан бораётган эди. Бу ерда ҳоким Шоҳ Қутбиддин шаҳзодага илтифот кўрсатади, иккаласи биргаликда Шоҳруҳ Мирзога қасд фикрини қиладилар.

Фасиҳ Хавофий ўз йилномасида Абу Бакр Мирзонинг Сеистондаги аҳволини янада аниқроқ акс эттирилади. У, шаҳзоданинг Султон Увайс олдига келганида ёнида ноиблардан бўлак одам йўқлиги, қўшини эса тарқалиб кетганини айтади. Фасиҳ Хавофий, қанча жанглар кўрган, Шомда ва Румда қаҳрамонликлар кўрсатган шаҳзоданинг кичик бир шаҳар ҳокими, ўз қариндоши қўлидан зўрға, минг айёриликлар ишлатиб қутулиб чиққанини ёзади. Қўшини бўлмаса, ўша пайт-

ларда ким бўлишидан қатъи назар, одам ҳисобламасдилар.

Абу Бакр Мирзонинг ниятидан хабар топган Шоҳруҳ Мирзо 1408 йилнинг 1 октябрида Сеистон тарафга қўшин тортади. Икки ўртада ўн кун қаттиқ жанглар бўлиб ўтади. Қалъага кириб олганларни енгилар осон кечмайди. Манжаниқлар, арродалар ишга тушади, девор остидан нақблар ковланади. Хулласи, Шоҳруҳ Мирзо лашкарининг қўли баланд келади. Қирғин барот жанглар давомида, қалъа деворлари оша сон-саноксиз камон ўқлари учганда, чамаси, Абу Бакр Мирзо ўққа учиб ўлади. Унинг ўлими 1408 йилнинг октябр ойида, шу қамал пайтида юз берган, деб тахмин қилишга асослар бор. Шу воқеадан кейин шаҳзоданинг номи манбаларда умуман зикр этилмайди. Унинг ҳалок бўлиши тўғрисида манбаларда ҳам лом-лим дейилмайди. Шоҳ Қутбиддиннинг тирик қолганлиги эса айтилади. Турғун Файзиёвнинг «Темурийлар шажараси» китобида ҳам Абу Бакр Мирзонинг ўлими санаси келтирилмаган. Муаррихлар Шоҳруҳ Мирзо юз-хотирини қилиб, Сеистон жанги тафсилотлари битганларида, Абу Бакр Мирзо ўлдирилиши тўғрисида индамай ўтишни мақбул билганлар, чоғи.

Соҳибқирон Амир Темур вафотидан икки-уч йил ўтар-ўтмас, шу тариқа, сулоланинг кучли тармоқларидан бирининг асосий устунлари қулаб улгурди. Бу жуда ачинарли ҳол эди. Шоҳруҳ Мирзо акаси Амироншоҳ Мирзога у Хуросон талабида келганида, мулоҳимлик билан мактуб йўллаб, оға-иниларнинг ўзаро қирпичоқ бўлиши сулола қирилишига сабаб бўлади деганда янглишмаган эди. Амироншоҳ Мирзо, Абу Бакр ва Умар Мирзоларнинг барвақт ўлими оилавий тотувлик қўлдан берилганлиги, ака-укаларда иттифоқнинг таркиб топмаганлиги, фақат ўзим бўлай қабилида иш тутилганлиги оқибатлари билан чамбарчас боғлиқ эди.

Яна бир нарсанинг ўйи менга ором бермайди. Фарзандлар, шаҳзодалар жуда ғайир, чапдаст, довжорак,

ботир ҳарбийлар сипоҳийлар бўлишига, шу руҳда тарбияланишга ниҳоятда катта эътибор берилган. Бу улуғ салтанатни қарор топтиришда, унинг сарҳадларини Ҳиндистон, Дашти Қипчоқ, Россия, Ироқ, Шом, Рум, Эрон ва Хуросон қадар кенгайтиришда, мўғулларнинг асрий мустабидлигига барҳам беришда жуда қўл келган. Мамлакатлар фатҳ этилгач, мулкларнинг мўғуллар ва набираларга идора этиш, бошқариш учун берилиши сипоҳийлик кўникмаларидан ташқари маъмуриятчилик, сиёсатдонлик хусусиятларини ҳам талаб қилиши табиий эди. Назаримда набираларга уларнинг ёши йигирмагача етмай жуда катта ҳудудлар бошқаруви ишонилган. Уларнинг ёнида оталиқ беклар бўлган. Бу тутум Соҳибқирон ҳаётлигида камкўстсиз ишлаган, бироқ 1405 йилдан кейин мустақил ҳокимиятга интилиш талвасаси, энг аввало, ана шу ораликда турувчи, ҳокимиятнинг сир-асрорини чуқур билувчи кишиларда бошланади. Бунинг бир мисолини Умар Мирзо оталиғи Амир Жаҳоншоҳ исёнида очиқ ойдин кўрдик. Набираларнинг сиёсий бошқарув иқтидори уларнинг сипоҳийлик истеъдодларида анча қуйи эканлиги 1405–1410 йил талотўпларида ошкор бўлди. Қалтис ва мураккаб вазиятда ҳаёт-мамот курашлари чоғида уларнинг аксарияти тўғри йўлни топа олмай гангиб қолди. Бузгунчи, ўз нафсини ўйлаган ораликдаги ғаразли кишилар гап сўзларига учдилар, эт-тирноқ бўлган ака-укалар бир-бирларига қарши тиг кўтардилар, бир-бирларини ўлдирдилар. Улар орасида бир кайвони чиқиб, «бас, жипс бўлайлик», дея олмади. Шу боис, улуғ салтанатга тиклаб бўлмайдиган дарз кетди. Кўпгина ҳудудлар итоатдан чиқди. Энг ёмони, сулоланинг гули ва келажаги бўлган навқирон шаҳзодалар жувонмарг бўлди. Ичдан ва тишдан келган офат биргина Амироншоҳ Мирзо авлоди фожиаси билан хотима топмади.

МАЛИКАЛАР КУШАНДАСИ

1484 йилнинг баҳорида (786 ҳижрий, сичқон йили) Мозандарон томон қўшин тортган Соҳибқирон, лашкарларининг тўлиқ йиғилиб келишини кутиб, Балх шаҳрида тўхтаб турган эди. Кўнглида ҳамиша хайрли ишлар маҳкам ўрнашган Соҳибқирон бу қўналғада ҳам тинч ўтира олмайди. Бир йил аввал – 785 ҳижрийнинг март ойида Форс подшоҳи Жалолиддин Шоҳ Шуъжонинг қизини набираси Пир Муҳаммад Мирзога унаштирган Амир Темур Балхда тўй тайёргарлигини бошлатиб юборган эди. Соҳибқирон доимо узоқни ўйлаб иш кўрганлиги шу тўй мисолида ҳам кўзга ташланади. Бу юришда Сарой Мулк Хоним, Туман Оро сингари маликалар ҳам бирга бўлади. Тўй, табиийки, хотин-халажсиз қизимайди. Маликалар, сарой аъёнларининг хотинлари келиннинг иззатини жойига қўйиб, назокат билан кутиб оладилар. Тўйга Амироншоҳ Мирзонинг хотини Хонзода Бегим ҳам айтилган. Хонзода Бегим Амир Темур қўшинлари чор атрофдан йиғилиб, Мурғоб сари йўл олганда уларга етишади. Хонзода Бегим Балхга вақтида етиб келишга улгура олмаган кўринади. Мурғобда, Хонзода Бегим келиши шарафига Сарой Мулк Хоним тўй ташкил этади. Хонзода Бегим 1483–1484 йилларда яна Соҳибқирон иноятига сазовор бўлган, маликалар ўртасида мавқеи юксак нуқтага кўтарилган эди. Бир йил аввал – 1483 йилда, Жаҳонгир Мирзонинг беваси бўлган Хонзода Бегим 18 ёшли Амироншоҳ Мирзо никоҳига киритилган эди. Хонзода Бегим Соҳибқирон Амир Темур ҳузурига икки ойлик чақалоқ – Халил Султонни ҳам олиб келган эди. Сарой Мулк Хонимнинг ташвиш чекиб, келин малика учун тўй бериши Соҳибқироннинг бу ташрифдан нечоғлик хурсанд бўлганлиги билан узвий боғлиқ бўлган. Халил Султон ва унинг тарбияси борасида ҳам бобо билан мадҳи улё ўртасида маслаҳат бўлганлигини фаҳмлаш

қийин эмас. Икки ойлик шаҳзода тарбияси билан саройнинг биринчи маликаси – Сарой Мулк Хонимнинг ўзи шуғулланадиган бўлади.

Набирани Сарой Мулк Хоним – Биби Хоним тарбиясига топширган ва бу ишдан мамнун бўлган Соҳибқирон маликаларни Мурғобдан Самарқандга жўнатиб юборди. Шунга кўра, тахмин қилиш мумкинки, Халил Султон 1384 йилнинг бошида – январ ойида дунёга келган бўлади. Набира 3 ёшга тўлган вақтда Соҳибқирон сафарда – Кўкча Тенгиз мавзеида эди. Қорабоғ Арронда қишни ўтказган Амир Темур ўзи йўқлигида Дашти Қипчоқдан Тўхтамишхоннинг Бухорога бостириб келганлигини хабарини эшитади. Тузкўр ёвни даф этиш учун Амироншоҳ Мирзо кўшин билан жўнатилади. Амироншоҳ Мирзо ғалаба билан қайтади, қўлга олган асирларни Соҳибқирон ҳузурига келтиради. Тўхтамишнинг қилмишлари бу сафар ҳам кечирилади, асирлар қўйиб юборилади. Яна уларга ҳурмат кўрсатилиб, от ва тўнлар берилади. Амир Темур ҳазратлари давлатлар ўртасидаги муносабатларни биринчи галда яхши муомала, ўзаро кечирим асосига қуриш тарафдори бўлганлигини шу ва яна кўплаб мисоллар яққол далолат этади. Қачонки, пичоқ суякка етиб бора бошлаганда, уларнинг – Соҳибқиронга қарши бош кўтарганларнинг таноби тортиб қўйилган. Бу охири чорага Соҳибқирон мурожаат қилишни ич-ичидан ёқтирмаган. Муроса ва итоат унинг томонидан ҳаммаша рағбатлантирилган.

Халил Султон билан навбатдаги учрашув, шу тариқа, шаҳзода 3 ёшга қадам қўйганида, Кўкча Тенгизда бўлиб ўтади. Сарой Мулк Хоним бу ерга Соҳибқироннинг 10 ёшли ўғли Шоҳруҳ Мирзо билан Халил Султонни олиб келади. Муаррих, бу ташрифдан Соҳибқирон шунчалик қувонадики, бутун кўч-кўрон ва кўшинни Кўкча Тенгизда қолдириб, ўғли ва набираси истиқболига, уларни кутиб олиш учун чиқади. Гарчанд, муаррих бу ҳақда бирор ишорат қилмаган бўлса-да,

тахминлаш мумкинки, шаҳзодалар шу ташрифдан то Соҳибқирон Самарқандга қайтгунга қадар у билан бирга бўлганлар. Ироқ ва Форсни итоатига олган Амир Темур пойтахтига қайтиб, Тўхтамиш ва умуман, Мовароуннаҳрни ҳимоя қилишга қолдирилган ва кутилмаган ёвга қарши курашиши керак бўлган бекларни бўлиб ўтган воқеалар юзасидан сўроқ қилади. 1387 йилда, Амир Темур юришда бўлган пайтда, Тўхтамиш бостириб келган ва Чукалак деган жойда Самарқанд қўшинлари устидан ғолиб бўлган эди. Мағлубият Соҳибқирон дилида оғир асорат қолдирган, шу боисдан, у жангда иштирок этган барча бекларни бирма-бир ўз олдига ўтқазиб қўйиб, курашнинг барча тафсилотини, икир-чикирларига қадар синчиклаб аниқлашга тушади. Кураш майдонидан қўрқоқлик қилиб қочганларни халойиқ олдига уялтиради. Барот Ҳожи Кўкалдош ботирлик билан ном чиқарган бўлса-да, ўша кунги жангда сусткашлик кўрсатади, қочишни бўйнига олади. Соҳибқирон унга шундай жазо тайин қилади: соқол-мўйлови қириб олинади, юзларига атир-упа сепилади, яноқлари қизил рангга бўялади – шу аҳволда унга шаҳарда «сайр» қилиш буюрилади. Амир Темур айни пайтда Кўча Маликни тақдирлайди, у Йахчал деган ерда ёвнинг 300 кишисига қарши 13 навқари билан зарба бериб, уларни мағлуб этади, асирга олади. Соҳибқирон унинг ҳурматини жойига қўяди, тархонлик унвони билан сарафроз этади. Умаршайх Мирзо ҳам Тўхтамишга қарши курашда кўрсатган қаҳрамонлиги учун катта эътиборга лойиқ кўрилади.

Буларнинг ҳаммаси болакай, эсини таниб олган шаҳзодалар кўз ўнгига содир бўлади. Олис мамлакатларни, оғир жангларни кўрган, мардлик ва ботирликнинг қадрини эшитиб эмас, амалда кўрган шаҳзодаларга Соҳибқирон тутуми бир умрлик сабоқ бўлиши керак эди. Уларни ёнда олиб юришдан, хизматларга яраша бериладиган баҳоларнинг ошқора ҳал қилинишидан кузатиладиган мақсад, пировард нати-

жада, юрт, ватан ҳимоясига, ор-номусга бориб тақалар эди. Донишманд, узоқни ўйловчи Соҳибқироннинг бу саъй-ҳаракатидан ибрат оладиган, унга оғишмай амал қиладиган фарзанд ва набиралар бўлгани каби, уларга бепарқлари ҳам йўқ эмасди. Кўп эмас, орадан 7 – 8 йил ўтиб, сарой ва ҳарб, дала тарбиясининг самаралари аниқ кўриниб қолади.

Эрон сарҳадларига қилинган беш йиллик юриш муваффақиятли яқун топгандан кейин, Соҳибқирон яна фарзандларини, набираларини қумсайди. Мозандарон фатҳ этилгач, Соҳибқирон ўз одатига кўра, ғалаба муждасини ҳар тарафга юборади. Сара навкарларни танлаб, ўз ҳузурига ўғли Шохруҳни, набиралари – Халил Султон, Рустам, Султон Ҳусайн (Амир Темурнинг қизи Оғо Бегим ва Амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбекдан туғилган) ва Бекисп Султонларни (Амироншоҳ Мирзо ва Хонзода Бегимдан туғилган) Сарой Мулк Хоним, Туман Оғо ва бошқа маликалар билан бирга олиб келишни тайин қилади. 1392 йилнинг 11 ноябрида маликалар исми шарифлари зикр этилган набиралар ва Шохруҳ Мирзо билан Самарқанддан йўлга чиқадилар. Шу йили қиш эрта тушади. Соҳибқирон чорловига кўра йўлга чиққан қарвон Самарқанддан Шаҳрисабз томон 15 чақирим йўлдаги Тутак деган қишлоқда тўхтайдилар. Эртасига, 12 ноябр – сешанба куни қор ёға бошлайди. Қор шу қадар кўп тушадикки, совуқ авжга миниб, юришни ниҳоятда қийинлаштиради. Чоршанба куни олиймақом йўловчилар Самарқанднинг жануби гарбидаги Дамашқ қишлоғига етиб келиб, Соҳибқирон томонидан қурдирилган хонақоҳга қўнадилар. Шу жойда уч-тўрт кун қолишга тўғри келади, кун очилгач, 23 ноябрда Қарши шаҳрига етиб келадилар. Шу орада Соҳибқирондан чопарлар келиб, «Маликалар кўч-кўронни қолдириб, шаҳзодалар билан тезликда етиб келсин», деган фармонни етказадилар.

Аксига олиб, йўлда Шохруҳ Мирзонинг кўзи оғриб қолади, шу сабабли маликалар бир қишлоқдан иккин-

чисига жуда секинлик билан ўтадилар. 1392 йилнинг 2 декабрида зўрға Амударё бўйига етиб келадилар. Энди улар дарёдан ўтиб, кеча-ю кундуз йўл босадилар. 9 декабрда Марв орқали Мохонга келиб тушадилар. Шоҳруҳ Мирзонинг кўз оғриғи пайсал топади.

Сарой Мулк Хоним – шаҳзодалар сафарининг карвонбошиси кечикилган кунлар учун Соҳибқиронга мактуб йўллаб, сабабларини битиб юборади. Хатнинг мазмуни шундай: «Болалар ҳаммаси соғ-саломат ва бахтиёр. Хукмдоримиздан келган ёрликни ўпиб, кўзларимизга суртдик, бошимиз устига қўйдик. Биз Қаршига етган чоғда, сиздан, «Кўч-кўронни қолдириб, тезда етиб келинглар», деган иккинчи ёрликни олдик. Аксига олиб, Аллоҳ инояти билан шаҳзода Шоҳруҳнинг кўзида озгина оғриқ пайдо бўлди, шу сабабли тез юриш имкондан холи бўлди. Ҳозир эса, Аллоҳ марҳамати билан оғриқ барҳам топди ва биз сиз сари жадал бормокдамиз».

Мана, сизга оилавий ҳаётнинг юксак намунаси, аниқроқ айтадиган бўлсам, бу туркий оилавий тамаддунинг гўзал бир кўриниши. Бу маданиятни, эр олдидаги масъулиятни бу қадар савияли даражада тушуниш ва намойиш этиш оилавий тамойилларнинг чуқур кетган илдилари билан боғлиқ эди. Мен шу ҳолнинг эпкиналарини «Ўткан кунлар»да кўргандай бўлман. Сарой Мулк Хоним фарзанд ва набираларини илҳақлик билан кутаётган Соҳибқирон руҳий дунёсини теран билган. У Зотнинг кўнглига заррача бўлса-да озор етмаслиги ўйи шу мактубга туртки берган. Мактубдан Соҳибқироннинг кўнгли тоғдай кўтарилган. Орадан 13 кун ўтиб, давлатпаноҳ ва унинг ворислари кўришганлар. Кутиб олишга чиққан Соҳибқирон фарзандларини, набираларини қучоғига босиб, тўйиб-тўйиб ўпади, беихтиёр кўзидан севинч ёшлари думалайди. Шу кун катта байрам бўлиб кетади. Камбағал ва дарвешларга моллар, пуллар тарқатилади, қозон-қозон таомлар улашилади.

Соҳибқирон билан бўлган учрашувлар болаларнинг ёдида бир умр қолади. Улар улғая боргани сари, бобосидаги фазилатларни ўзлаштиришга, унга тақлид қилишга интиладилар. Мардлик, саховат, кўнгилчанлик бобиди уларнинг ҳаммаси ҳам бобосига тортган эди. Фақат, айримлари бундан мустасно эди, дейилмаса. Уларни ҳам кимлардир, нима сабабларга кўра, ўз манфаатларига хизмат қилдириш учун муқаддас оилавий удумлардан четга олиб чиққанлар. Бу ҳикоямизнинг ниҳоясида, таассуфки, гап шу ҳақда боради. Кимни назарда тутаётганимни сезгир ўқувчи билиб турибди. Гап Халил Султон тўғрисида. Бу хулосани олдинроққа кетиб айтаётирман. Албатта, ҳаммаси бир бошидан бўлиши керак. Ҳали Соҳибқирон ҳаёт, куч устида, Оврўпо-ю Осиё унинг номини эшитса, тан берадиган замонлар. Шу йилларда Халил Султон ҳам бошқа шахзодалар сингари илм ва ҳарб ишини кунт билан эгаллайди, юришларда иштирок этади, шахсий ботирлик намуналарини кўрсатади. Ундан бирор ножўя хатти-ҳаракатлар юз беришини бу йилларда ҳеч ким каромат қила олмайди. Воқеалар тадрижини кузатайдик.

Амироншоҳ Мирзо ўғилларига хос алпик Халил Султон шакли шамойилида ҳам ўз аксини топган эди. Унинг ота бир, она бошқа акаси Абу Бакр Мирзонинг жисмоний бақувватлиги, ҳарб майдонидаги чапдастлиги ҳақида олдинги саҳифаларда тилга олинган далиллар кифоя қилардик. Ибн Арабшоҳ ҳам унинг ботирлигини, паҳлавонлигини тан олиб, шундай деган: «Абу Бакр чигатойликлар ўртасида суворий ботирлардан ва ўткир қилич билан душманнинг бошига зарба туширувчилардан бири эди. Зикр қилишларича, у ҳўкизни тўхтатиб ёки туясини чўктириб, қилич билан икки зарба эмас, бир зарба уриб, уни иккига ажратиб бўлиб ташларкан». Абу Бакр Мирзо укаси томонидан банди этилганда, ўнта манаман деган қоровул сипоҳийни ўлдириб, тутқундан озод бўлганлиги воқеасини юқорида сўзладим.

Ибн Арабшоҳ Халил Мирзо ҳақида ҳам жуда ийиб фикр юритади: «Халил Султон Юсуфдек чиройли, Муҳаммаддек хушхулқли, Халилдек мулойим, Исмоилдек садоқатли бўлиб, малоҳат белгиларини ўзида жам қилган, турли-туман латофатларга эга киши эди». Биби Хоним тарбиясини олган Халил Султон 10-12 ёшларидан бошлаб ҳарб илмини ўрганишга, ўзини чиниқтиришга интилади. У бобосининг бир қанча юришларида қатнашиб, жанг ҳадисини олади. 14 ёшида Ҳиндистонга қилинган ҳарбий сафар чоғларида шаҳзода бу илми қанчалик ўзлаштирганлигини амалда намоён этиди. Ҳиндистон подшоҳлари, айниса, Султон Маҳмуд, унинг набираси Ферузшоҳ, Маллухон, Тоғайхон ва Амир Алилар Соҳибқирон қўшинларига қарши сон-саноксиз сипоҳий жамлаб, қаттиқ қаршилиқ кўрсатадилар. Ўн минг отлиқ аскар, қирқ минг пиеда, юз йигирма филга қарши жанг қилиш Соҳибқироннинг Пир Муҳаммад, Рустам, Сулаймоншоҳбек, Ёдгор Барлос, Шайх Нуриддинбек, Амир Мизроб Камарий, Темур Ҳожа Оқ Буғо, Халил Султон, Султон Ҳусайн, Жаҳоншоҳбек, Шайх Арслон, Шайх Муҳаммад Ийгу Темур, Севинчак Баҳодур каби набиралари ва беклари зиммасига тушганди.

Филлар, муаррих таъкидлаганидек, юрувчи тоғлар монанд бўлиб, совут билан қопланган, устида ёғочдан равоқ қилиниб, унда беш-олтита камончи-тирандоз ўтирарди. Филлардаги важоҳат уни аввал кўрмаган Соҳибқирон сипоҳийларнинг бир қисмини ваҳимага солиб қўяди. Шарафиддин Али Яздий шу ўринда бир қочирим келтиради. Унинг шаҳодатича, Амир Темур ҳазратлари доимо юришларда ўзи билан бирга донишмандларни, олим ва алломаларни бирга олиб юрган. Ҳиндистон юришида ҳам Ҳожа Фазл, шайхулислом Саъд Жалол ал-ҳақ вад-дин Кашший (Кеший), Мавлоно Абдулжаббор ва Мавлоно Нумон ад-дин Хоразмий сингари кишилар ҳамсафар бўлганлар. Соҳибқирон филлар қаршисида қўрқувга тушиб қолган бу зотлар-

га бир ҳазил қилгиси ва, айни вақтда, уларнинг руҳи-ни кўтаргиси келиб, «Сизлар қаерда туришни истай-сизлар?», деб сўрайди. Филлар даҳшатидан титраб-қақшаётган уламоларнинг тиллари зўрға калимага келиб, «б-б-бизнинг ж-ж-жойимиз хо-хотинлар о-ора-сида», дейдилар. Соҳибқирон бу гапни эшитиб, хохо-лаб кулиб юборади. Биргина шу кулгининг ўзи нафа-қат шайху олимларнинг шу билан бирга ички титроқ-да бўлган айрим бекларнинг, сипоҳларнинг ҳам кўнглини кўтариб, қўрқув ваҳмини чилпарчин қилиб юборади. Жанг бошланади, шаҳзода Пир Муҳаммад Мирзо биринчи бўлиб филга қилич билан зарба бера-ди. Душманнинг қўл қисмида турган сипоҳлар жан-говар филларни майдонга соладилар. Амир Темур ба-ҳодирлари камондан ўқ отиб филларни яралашга, шамшир билан хартумларини кесишга эришадилар. Муаррих, Ҳинд баҳодирларининг ботирликлари тўғри-сида ҳам ёзишни унутмайди. Фил жангида Халил Сул-тон, айниқса, мардлик намунасини кўрсатади. У фил-бонни қилич солиб ўлдириб, филни «худди сигирни ҳайдагандек». Соҳибқирон олдига олиб келади.

«Зафарнома»ни мутолаа қилишда эътибордан чет-да қолиб келган айрим чизгилар қайта мушоҳадага боис бўлмай қолмайди. Соҳибқирон давлат тузуми-да бошқарув ниҳоятда аниқ даражада йўлга қўйил-ганлиги мулкларни идора қилаётган шаҳзодалар ҳақида вақти-вақти билан хабарлар етказилиб тури-лишида ҳам кўринади. Ҳиндистон фатҳи давом эта-ётган кезларда ҳам Табриздан, Форс ўлкаларидан хабарчилар келиб, Амироншоҳ ва Пир Муҳаммад Умаршайх Мирзоларнинг аҳволи, соғлиғи, юртининг тинчлиги тўғрисида ўзига хос «ҳисоботлар» олиб ке-лади. 1399 йилнинг 3 мартида Соҳибқирон кўшини Чиноб дарёсини кечиб ўтганида Табриздан Амирон-шоҳ¹ Мирзонинг навкарлари етиб келадилар ва Баг-дод, Миср, Шом, Рум, Дашти Қипчоқ ва Аланчиқ қалъ-аси ҳақида тўлиқ маълумот берадилар, шаҳзоданинг

соғлири тўғрисида ҳам сўзлайдилар. Худди шу кун
Форс мулкларидан шаҳзода Пир Муҳаммад Умар-
шайхнинг навкарлари ҳам ҳисоб бериш учун Соҳиб-
қирон остонасини ўпишга муяссар бўладилар. Икки
шаҳзода навкарларининг бир вақтда Соҳибқирон
ҳузурда ҳозир бўлиши вақтига қараб, сарҳадлардан
хабарлар етказилиши аниқ бир пайтда – Соҳибқирон
пойтахтдами, сафардами бўлишидан қатъи назар,
етказилиши шарт қилиб қўйилганлигини фаҳмлаш
мумкин. Таъбир жоиз бўлса, Ибн Арабшоҳ китобида
кейтирилган машъум юмалоқ кат – Амироншоҳ Мир-
зонинг отасига «ёзган» хати тўғрисида муаррих бир
сўз демайди. Аслида ҳаётда бўлмаган мактуб тарих-
чининг тушига ҳам кирмаган. Бу хулосанинг тўғри-
лигига заррача шубҳа қолдирмайдиган яна бир да-
лил, Яздий асаридида қайд этилган қуйидаги воқеада
ўз аксини топади. Ҳиндистон фатҳи даст бергандан
кейин, Соҳибқирон Мовароуннаҳрга, пойтахти Самар-
қандга қайтишни бошлайди. Амироншоҳ Мирзо чо-
парлари келганидан 9 кун ўтиб, Амир Темур ҳазрат-
лари уларга Озарбайжонга, Амироншоҳ Мирзо ҳузу-
рига Табризга қайтишга ижозат беради. Бу воқеа
1399 йилнинг 12 март кунини рўй беради. Тарихдаги
уйдирма, ғаразлар шу тариқа фош бўлаверади. Бал-
ки, бу ҳозирга қадар оралиқда кечган вақтга нисба-
тан жуда кеч бўлиб туюлиши мумкин. Мангу сирини
очилмаган тарих жумбоқлари оз эмас. Шунга нисбат
қилинганда, Ибн Арабшоҳ уйдирмасининг пачаваси
XV асрдаёқ чиқарилганлиги, бунга турли сабаблар
билан бовар қилинмаганлиги ва, ниҳоят, бугунги кун-
да ҳақиқат тикланганлиги тарихий аҳамияти жуда
катта эканлиги аниқ бўлади.

Соҳибқирон Ҳиндистондан қайтгандан сўнг, Хон-
зода Бегимнинг Самарқандга келиши, Амироншоҳ
Мирзо устидан арз ва етти йиллик юришнинг бошла-
ниши воқеалари содир бўлади. Халил Султон бу пайт-
да 16 ёшга тўлган бахтли шаҳзода эди. Амир Темур

ҳазратларининг ўғруқи Қорабоғда турганида Халил Султон ўғиллик бўлади. Эварага Барқул деган исм қўйилади. Шу муносабат билан катта тўй берилади, бир неча кун давомида шоду хуррамлик давом этади. Шундан қиёс қилиш мумкинки, Халил Султон ҳам жангу жадалларда фаол иштирок этган. Мисрнинг забт этилишида Халил Султоннинг ҳиссаси катта бўлади. У қўшиннинг ўнг қанотини бошқаради. Аввалги саҳифаларда айтилганидек, Халил Султон ҳам Дамашқда Пайғамбаримиз (с.а.в.) хотинлари Умм Салима ва Умм Ҳабиба қабрлари устида оқ мақбара – гумбаз қурилиши ишида бош-қошлардан бири бўлади.

Соҳибқироннинг етти йиллик юришида Халил Султон, бошқа шаҳзодалар қаторида, жангу жадалларда пешқадам бўлади. Йилдирим Боязидга қарши курашларда ҳам ўзини кўрсатади. Соҳибқирон Рум фатҳи учун бўладиган катта жанг олдидан, одатига кўра, қўшинларнинг жанговорлик ҳолатини текшириб кўриш учун кўрик ўтказади. Бутун қўшин саф тортади, ўнг қанотда Шоҳруҳ Мирзо, Халил Султон бошлиқ саркардалар турнақатор тизилиб, қад ростлаб турадилар. Ўша кун саф тортган лашкарлар дубулға ва совутларидан, қилич ва найзаларидан, камон ва садоқларидан ер юзи тўлиб кетган эди. Жаҳонда бу сипоҳлардан жанговорроқ, кучлироқ, ботирроқ, жанг анжомлари мукамалроқ қўшин топиш қийин эди. Оврўпони титратган Йилдирим Боязид армияси ҳам улар олдида ожиз бўлиб, қадам-бақадам мағлубиятга юз тутаяди. Амир Темур ҳазратлари туғи остида 40 қўшин жамланади. Жанговор филларга ҳам зирҳли ёпқичлар ёпилади ва улар устига мерганлар ўтказилади.

Йилдирим Боязид ҳам бор қўшинларини сафга тизади, Румнинг таниқли баҳодирларини йиғаяди. Улар жумласида Лас Афранжнинг ўғли, Йилдирим Боязид хотинининг акаси ҳам ўзининг 20 минг кишилиқ франклардан иборат қўшини билан жангга ҳозир

бўлади. Қора кийимда бошдан-оёқ пўлат ва темир совут кийган, фақат кўзлари очиқ бўлган бу қўшин кўринишининг ўзиёқ этларни жимирлатиб юборарди. Йилдирим Боязиднинг ўғли Мусулмон Чалабий Рум лашкари бошида туради. Мусо, Исо ва Мустафо деган уч ўғли унинг ортида жамланган сипоҳларни жангга бошлашга ҳозир бўлиб турадилар. Рум қайсарининг катта ўғли Муҳаммад Чалабий Румнинг Бол Фарах пошо, Ийдбек, Темуртош, Ҳожа Феруз сингари 26 қўмондони устидан бошлиқ қилиб қўйилади. Кун чошгоҳга оққанда Рум ва Турон қўшинлари бири-бирига рўбарў турадилар. Яздий, Соҳибқироннинг жанговор саркардаларидан душманга қарши саф тортганлар орасида 105 дан ошиқ лашкар бошлиқлари номини санаб ўтади. Ҳар иккала томондан ноғоралар, кўслар чалиниб, шовқин-сурон оламини тўтиб кетади. Жанг майдонига биринчи бўлиб Абу Бакр Мирзо шиддат билан киради, душманнинг чап қанотини унинг йигитлари қисиб қўяди. Довюрак Афранжга қарши шахзода Муҳаммад Султон лашкари жанг олиб боради. Ажнабий франклар забардастлик билан бир неча бор устун бўлишга интиладилар, охиروқибатда, Лас Афранж ўғлининг қўшини мағлубиятга юз туттади, унинг ўзини отдан ағдариб оладилар. Бошдан-оёқ зирҳга ўралган сипоҳлар тум-тарақай қочишга мажбур бўлади. Соҳибқирон Амир Темурнинг ўзи ўғли Шоҳруҳ Мирзо билан Рум қайсари Йилдирим Боязид устига ташланади. Амироншоҳ Мирзо ва шахзода Султон Ҳусайн ҳам уларга ёрдамга келадилар. Шу кун кечга қадар саваш давом этади, Қайсар ўраб олинади ва минг азоб билан уни ёриб ўтиб, қутулишга муваффақ бўлади. Нописанд, узоқни кўра олмайдиган Йилдирим, ниҳоят, таслим бўлади. Муаррих унинг мағлубиятдан кейин айтган сўзларини келтиради: *«Ҳа, мен Соҳибқирон сўзига кирмай, хатогоа йўл қўйдим, шу сабабли қилмишимга яраша жазого мустаҳиқ бўлдим. Агар Соҳибқирон мени ке-*

чирса ва раҳм-шафқат қилса, токи тирик эканман, ўғилларим билан унинг хизматидан бўлак ишни қилмас эдим».

Соҳибқирон ўзининг олижаноблиги боис, Йилдиримга шоҳона тўн кийдиради, яхши сўзлар айтиб, кўнглини кўтаради. Бу илтифотдан ўзини қўярга жой тополмай қолган қайсар, яна бир илтимосни айтади. Дейдики, «Жанг пайтида ўғилларим Мусо ва Мустафо мен билан бирга эдилар. Юрагим безовта, Соҳибқирондан марҳамат қилишни сўрардим, киши юборсалар ва уларнинг ҳолини билиб келсалар. Уларнинг тирик ёки ўлгани хабарини етказсалар». Жанг бўлиб ўтган майдонларга тавочилар жўнатилади. Бир неча кундан кейин Мусони топнишга муваффақ бўладилар. Амир Темур ҳазратлари унга заррин тўн ёпиб, отаси олдига боришга ижозат беради. Шу орада Йилдирим Боязидга шоҳона оқ уй қуриб берилади. Мағлуб қайсар ҳимоясига Ҳасан Барлос ва Боязид Чимбойлар қўйилади. Соҳибқирон ҳар кунни Йилдиримга эътибор қаратган, уни суҳбатига чорлаб, ҳурмат кўрсатиб турган. Йилдирим Боязид билан бўлган қураш ва икки давлат бошлиғининг ўзаро жанги бўлиб қолмай, уларнинг фарзандлари ва набиралари куч синови ҳам бўлган эди. Бунда Темурий шаҳзодаларнинг ҳарбий тайёргарликда, жанговарликда, ботирликда, жанг санъатини эгаллашдаги устунлиги яққол намоён бўлган эди. Шуларнинг бири Халил Султон эди. Рум қайсари ишнини тугатгандан сўнг, Соҳибқирон амирлар, шаҳзодалар, беклар, саркардаларнинг аниқ ишларини ва жойларини тайин қилади. Жумладан, шаҳзода Халил Султонга ўз қўшини билан Самарқандга қайтиш ва Туркистон сарҳадларига қадар бўлган йўлларни ўз мухофазасига олиш вазифаси топширилади. Халил Султон бу топшириқни бажарганидан кейин, Луристонга юборилади. 1404 йилнинг сентябр ойи бошларида Конида ўтказилган катта тўй ва байрамга у Луристондан етиб келгани «Зафарнома» да айтилади.

1405 йилнинг қиши бошланай деб турган маҳаллар. Соҳибқирон Амир Темур совуқ ва қор бўлишига қарамай, Хитойга қилинадиган ғазавотни амалга оширади. Юриш тайёргарлиги пухта қилинган, қўшинлар жам бўлган эди.

Хитой юришига 200 минг отлик ва пиёда лашкарлар жалб этилади. Халил Султон ва бошқа бир қанча амирларга ўз қўшинлари билан Тошкентда қишлаш буюрилади.

Воқеаларнинг шу ердаги тадрижида Шоди Мулк қиссасини бошлаш жоиз бўлади. Чунки, Хитойга қўшин тортиш пайтида Халил Султон, вазиятдан фойдаланиб, ўзининг кўпдан буён амалга ошира олмай келаётган ички туйғуларига эрк бериш имкониятига эга бўлади. Бу, билиб турганнингиз сингари, ишқ-муҳаббатнинг пинҳон қолиб келаётган сир-асрорини юзага чиқариш билан боғлиқ эди.

Халил Султон 14–15 ёшларида уйланган. Амироншоҳ Мирзо ўз аммаси – отаси Амир Темурнинг сингисини Ширинбеканинг ўғли Али Муайяд билан қуда киришганди. Алининг отаси Амир Муайяд тўғрисида олдинда сўзланди, Ширинбека ҳақида ҳам. Уларнинг фарзанди Али ҳам давр воқеаларига фаол аралашади, таниқли кишилардан бири бўлиб етишади. «Зафарнома»да шаҳзода Алини 1381 йилда, Фушанж қалъасини забт этиш воқеалари тасвири орқали биламиз. Қалъа атрофидаги чуқур қазилган чоҳда сув ниҳоятда кўп бўлганлиги сабабли, Соҳибқирон қўшинлари уч кун қамал тараддудини кўрадилар ва тўртинчи кун жангга киришадилар. Қалъада катта куч тўпланган бўлиб, уни қўлга олиш қийин кечади. Амир Темурнинг ўзи қуролсиз, ёнида битта ханжари билан хужумга ўтаётганларга далда бериб, айланиб юради. «Тик туриб, кўкракни қалқон қилиб, жанг қилиш» фармони бўлади. Қалъа деворларидан ўқлар ёмғирдек ёғилади. Шаҳзода Али ҳам довюраклик билан курашни давом эттиради. Муаррих, шаҳзода Али совутига ҳам 2 та ўқ

келиб текканини айтади. Катта шижоат туфайли қалъа қўлга олинади.

Али Муайяд, Эрон фатҳ этилгандан кейин Сабзавор шаҳрини идора қилади. 80-йиллар бошларида Соҳибқирон Амир Темурнинг қизи Тоғай Шоҳ Оғо Бегим вафот этган пайтда Али Муайяд Сабзаворда бўлган. Самарқандда юз берган мусибатдан фойдаланган эски ёғий Алибек Жони Қурбоний бир-икки фаразли амирлар билан тил бириктириб, Сабзаворни Али Муайяддан тортиб олишга ружу қилади. Қаттиқ мотамда бўлган Соҳибқирон опаси Туркон Оғонинг далдаси билан ўзини ўнглаб, Али Муайяд – жияни ҳимоясига отланади. «Зафарнома»даги воқеалар мундарижасидан Али Муайяднинг 1393 йилга қадар Сабзаворни идора этиб турганидан воқиф бўламиз.

Али Муайяднинг Жаҳон Султон исмли қизи Халил Султонга никоҳланган ва улардан Барқул деган ўғил туғилган. Сафарда, ҳарбий юришлар чоғида дунёга келган бу болага Амир Темур ҳазратлари ўзининг катта боболаридан бири Барқул – Баргул исмини берган. Яздий, асарининг хотима қисмида Соҳибқироннинг авлодларини санаб ўтар экан. Халил Султоннинг бу ўғли тўғрисида гапирмайди.

Муаррих, Халил Султоннинг бобоси Амир Темурнинг яқин сафдоши, дўсти Амир Ҳожи Сайфиддиннинг Шоди Мулк исмли канизагига, тақдир тақозосига кўра, қаттиқ кўнгил қўйганлигини, бениҳоя даражада севиб қолганлигини айтиб ўтади. Шаҳзода бу канизакка шу қадар ошуфта бўлганки, ўзини идора қилолмайдиган даражага борган. Муаррих шаҳзода ва канизак ўртасидаги ишқий алоқалар қандай юз берганлиги ҳақида бир сўз демайди. Ҳожи Сайфиддин Амир Темур ҳазратларига жуда яқин киши бўлган, шаҳзодалар ҳам унинг оиласи билан бордикелди қилганлар, тўйлар, сайилларда бирга бўлганлар. Танишув, афтидан, Ҳожи Сайфиддин вафотидан (1403) кейин содир бўлган. Пинҳона учрашувлар бир-

мунча вақт давом этади. Халил Султон қандай бўлмасин унга уйланишга қарор беради. Шундай имкониётни бобосининг Хитой юриши яратади. Соҳибқирон Амир Темур Ўтрорни қўзлаб, Самарқанддан чиқиб йўлга тушгандан кейин, қўп ўтмай Халил Султон Шоди Мулкни ўз никоҳига олади.

Жаҳон Султон эрининг қилмишидан хабар топиб, бунга чидаб тура олмайди. Яқинлари унга ҳар қанча насиҳат қилмасинлар, тоғаси – Соҳибқирон ортидан зудлик билан чопарлар жўнатади, бунга ҳам қаноат қилмай ўзи ҳам отланади ва Амир Темур ҳазратлари тушган қўналғага етиб боради. Жияни Жаҳон Султоннинг қўзёшларини тукиб айтган сўзлари Соҳибқиронга қаттиқ таъсир қилади. Катта ниёт, юришлар олди-дан бундай номаъқулчиликнинг, ўзбошимчаликнинг юз бериши у Зотга хуш келмайди. Аччиқланган ҳукмдор, «Шоди Мулкни ҳузуримга етказинглар», деган фармони олийни беради. Тавочилар тезлик билан Самарқандга отларни қистаб ҳайдайдилар. Бундан хабар топган Халил Султон Шоди Мулкни Самарқанддан олисда бўлган қишлоқлардан бирига, эҳтимол, Шаҳрисабзга, узоқ қариндошлариникига жўнатиб, яшириш чорасини кўради. Тавочилар ҳар қанча изламасалар, маҳалла-кўйларни, хонақоҳ ва уиларни синчиклаб кўриб чиқмасинлар, канизакни топа олмайдилар.

Тавочилар бош эгиб, канизакни топа олмай борганларида, Соҳибқирон жуда қаҳрланади, улуғ мақсадни амалга оширишда ёмон ирим сифатида йўлда кўндаланг бўлган Шоди Мулкни топиш ва ўлдириш топшириғи берилади. Ана шундай аснода Ғазнадан келган Пирмуҳаммад Мирзо силагар бўлиб, Халил Султон (улар она бир ака-укалар эди – П.Р.) ва Шоди Мулкнуноҳидан ўтишни сўрайди. Бу силагарлик кучи бир неча кунга кифоя қилади.

Халил Султоннинг шайдойи жунунлиги шу даражага қадар борадики, гап-сўзлар бир оз тинчигач, Шоди Мулкни яширин тарзда, суворий либосида ўзи билан

юришга бирга олиб кетишга журъат этади. Соҳибқироннинг узун-қулоқлари ер остида илон қай тарафга қараб қимирлаётганини элдан бурун билганлар, бу махфий хизмат ўша пайтлар жаҳонда тенгсиз қилиб қурилган бўлган. Шоди Мулкнинг Халил Султон ҳузурда, эркаклар кийимида эканлиги дарагини билган Соҳибқирон, уни ўз олдига олиб келишларини буюради. Амирлардан бири Баротбек бир гуруҳ навкарлар билан қулай пайтини топиб (Халил Султон овда эканлигида), Шоди Мулкни Амир Темур ҳазратлари ҳузурга олиб келади. Канизакни кўриб, ундан нафратланган ҳукмдор, «ўлдиришлар», деган фармонни беради. Бу воқеалардан аввал-охир хабардор Сарой Мулк Хоним, Соҳибқироннинг олижаноб ва раҳмдиллигини яхши билгани боис, айниқса, набираларига нисбатан ўта мурувватли эканлигини эътиборга олиб, бу ҳукмни бекор қилдиришга интилади. Халил Султон Сарой Мулк Хонимга ўғилдай бўлиб қолган, уни икки ойлик чақалоқлик пайтидан ўзи парвариш қилган, тарбиялаган эди. Халил Султоннинг бадном бўлиши улуғ маликага ҳам нохушликлар олиб келиши эҳтимолдан холи эмасди. Шу сабабли, Биби Хоним Соҳибқироннинг энг ишончли вазирлари бўлмиш Шайх Нуриддин ва Шоҳ Малик бекларни ҳузурга чорлаб, кенгаш қуради. Улуғ малика, уларга ўз фикрини маъқуллаатар экан, «Соҳибқиронга айтсангизлар, бу аёл шаҳзодадан ҳомиладор», дейди.

Соҳибқиронни қароридан қайтариш шунга қадар бўлган тарихда кузатилмаган, лекин вазирларнинг ётиги билан айтган сўзлари, ҳомиладорлик тўғрисидаги шаъма, ҳукмни юмшатишга сабаб бўлади. Вазирларни эшатган Соҳибқирон, «Уни маҳди улё Туман Оғо назоратига беринглар. Агар у ўғил тукқудай бўлса, ўғли олиб қолинсин ва ўзини қул қилиб юборинглар», деган ҳукмни айтади.

Шундан кейин, Шарафиддин Али Яздий воқеалар давомини баён этаркан, Амир Темур ҳазратларининг

«Шаҳзодаларга ёрликлар жўнатишни, уларнинг ҳар бири ўз жойида бўлишини» талаб қилганлиги, «адолат билан иш кўриб, аҳолига зиён-заҳмат етказмасликларини» уқдирганлигини алоҳида қайд этади. Шоди Мулк воқеасини талқин қилувчилар орасида дўстлар бўлганидек, душманлар ҳам кам эмасди. Бу овозалар, айтиқса, туҳматга бурканган гап-сўзлар таъсири ёмон бўлиши мумкин эди. Шу сабабли, олий фармонида, «ақли ноқис ва туҳматчиларга қулоқ солмаслик» алоҳида кўрсатилади. «Ҳақиқий аҳвол тўғрисида халқни огоҳ қилиш – қиёмат кунинда шармисор бўлишдан сақлаши» ҳам шу фармонда кўзда тутилади. Халил Султон ишқий можаролари, жуда юмшатиб айтилганда ҳам, салтанатни ларзага келтирган, жуда кўп бўлар – бўлмағур гап-сўзларга сабаб бўлганди. Соҳибқирон моҳиятан, ана шу жиҳатга эътиборни қаратади. Халқ ўртасидаги нотўғри талқинлар бўлмаслиги – Соҳибқироннинг раият фикри билан ҳисоблашганлигини, уни қадрлаганлигини ифода этади. Халил Султон улўғвор оилада шаклланган муқаддас удумларни оёқ ости қилганида, фақат ўзини ўйлаб, шаъни унутган эди.

Шоди Мулк, шу тариқа, малика Туман Оғо қўл остида, назоратда яшайди. Унинг ҳомилани авайлаши учун барча шароитлар муҳайё қилинади. Шоди Мулк Халил Султондан айрилиб, Самарқандда қолдирилганидан, Туман Оғо қўлига топширилганидан ўзини кўярга жой тополмайди. Туман Оғога нисбатан унда гоят кучли адоват вужудга келади.

Хитой юришига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилган. Озиқ-овқат, кийим-кечак, отлар, мол-ҳоллар етарли даражада жамғарилган. Қурол-яроғлар захираси билан жам этилган, камон, ўқ, қилич, қалқон, хуллас, сипоҳийга урушда нимаики зарур бўлса, ҳаммаси тахт қилинган. Арпа-буғдойлар ортдан араваларда олиб борилган. Бу донларнинг бир қисми йўл-йўлакка экилиб, қайтишда ўриб олиниши ҳам мўлжал этилган. Болалик туялар сон-саноксиз бўлиб уларнинг су-

тидан фойдаланиш кўзда тутилган. «Бундай тайёргарликни, – дейди муаррих, – бирор подшоҳ тушида ҳам кўрган эмас». Шу ерда Яздий яна бир мулоҳазани ҳам айтишдан ўзини тия олмаган. Хитой юришидан олдин Соҳибқирон томонидан Конигилда уюштирилган тўй, олти шаҳзоданинг уйлантирилиши тантаналари шу қадар мислсиз, тенгсиз бир юксаклик даражасига кўтарилганки, муаррих, бундай юқори кўтарилшдан кейин пасайиш, завола бўлмасмикан, деб ҳайратга тушган одамлар бўлган эди, дейди.

Юриш бошлангандан эътиборан, ишлар барори даст бермайди. Қиш эрта тушиб, совуқ шу қадар аб-тида оладики, одамлар қийналиб, отлар совуқдан ўлади. Кўпчиликнинг қўл-оёқларни совуқ уради, айримларнинг бурунлари ва қулоқлари узилиб тушади. Соҳибқироннинг Хитой императорининг камситувчи хатти-ҳаракатларига, элчилар юбориб, таъма қилишларига газаби чунон алангаланган бўладики, на табиатга, на шароитга қарамай, юришни давом эттиришга қатъият кўрсатади. Ноиложликдан Халил Султон ва бир қанча амирларининг Тошкентда қишни ўтказишига, кунлар илишини кутишига рухсат беради. Соҳибқироннинг ўзи бир кун ҳам, бир зум ҳам тўхтамай йўлда давом этади. Оқсулотдан чиққан ҳукмдор кечга яқин Узун Ота манзилига етиб келади. Бу жойда Йўл Ҳожа Оғога, ундан ўтиб, Суткантга келиб тушади. Сайхун дарёсидан эса, музлар устидан ўтадилар. Дарё бу вақтда шунчалик қалин музлаган бўладики, ундан сув олиш учун уч-тўрт қари – 1,5 метрга яқин музни ўйиш керак бўлган. Муаррих, эҳтимол, бу ўринда жуда муболаға қилгандир, ҳарҳолда, дарё отличларни, туяларни кўтара олганлигини, ҳатто юкли аравалар ҳам муз устидан олиб ўтилганлигини таъкидлайди.

Амир Темур ҳазратлари 1405 йилнинг 14 январ куни Ўтторга етиб келиб, шаҳар ҳокими, вазир Шайх Нуриддиннинг укаси Бердибек уйида тўхтади.

Соҳибқироннинг Хитойни забт этишни мақсад қилган юриши, шу тариқа, бошланади. Бу борада нуқта ни шу ерда қўйиб, юришнинг тарихига разм солишни мақбул деб билдим. Назаримда, Ибн Арабшоҳ китобида шу хусусда айтилган фикрларда ҳақиқат уруғи бордек. Унинг мулоҳазалари моҳияти Хитой юриши бир неча йил муқаддам пайдо бўлганлигини далолат этишда асқотади. Шаҳзода Муҳаммад Султон билан Амир Ҳожи Сайфиддин Ашпара қалъасини Соҳибқирон фармонига мувофиқ, Рум юришидан анча олдин барпо этганлар. Ашпара чегара қалъаси Мўғул ва Жета ерларининг бўғзида бўлиб, Ибн Арабшоҳ айтганидек, «Темур ҳукми бориб етган чегараларнинг энг чеккасида – Хитой ерларининг бошланишида жойлашган эди». Ашпара қалъаси узоқни кўзлаб бўлса керак, юришдан олдинлар жуда мустаҳкамланади.

Ашпара қалъасини вужудга келтирган ва уни мустаҳкамлаган Амир Ҳожи Сайфиддин, Ибн Арабшоҳ айтмоқчи, «Темур ҳамроҳларидан бири бўлиб, охириги пайтда аркони давлатларидан ишончлиси эди». Ҳожи Сайфиддин, унинг укаси Оллоҳдод, ўғли Султон Санжарларнинг салатанатда хизмати жуда катта эди. Амир Ҳожи Сайфиддин, чамаси, 1403 йилда, шаҳзода Муҳаммад Султон билан бир вақтда ҳаётдан кўз юмган. Яздий ва Фасиҳ Хавофий тарихларида Ҳожи Сайфиддиннинг вафоти тўғрисида маълумот берилмаган. Ибн Арабшоҳ ҳожи Сайфиддиннинг Хуросонда, шаҳзода Муҳаммад Султоннинг Рум мамлакатида оламдан ўтганликлари ҳақида гапиради. Низомиддин Шомий ўз «Зафарнома»сида Оллоҳдоднинг Ҳожи Сайфуддиннинг укаси эканлигини кўрсатиб ўтади. Гап шундаки, Хитой юриши билан Оллоҳдоднинг алоқаси нечоғлик эканлигини Ибн Арабшоҳ талқин этган. Айтилишича, Оллоҳдодга Самарқандга зарур топшириқлар билан бориш буюрилади. У йўлга тушгач, рақиблари из қовлашга тушиб, Оллоҳдоднинг Шомда қилган ишларидан қусурлар топиб, кўп бойликларни

Ўзлаштирганлиги ҳақида Амир Темур ҳазратларига чақимчилик қиладилар. Соҳибқирон газабини қўзғатишга бўлган урниш Оллоҳдоднинг акаси вафот этган вақтга тўғри келиб, «унинг қаноти қирқилган» эди. Амир Темур игво-бўхтонларга бовар қилмаган кўринадн – Оллоҳдод Самарқандга етганида, фармон йўллаб, уни Ашпарага боришни, у ерда ҳарбий тайёргарликни кучайтиришни (Ибн Арабшоҳ «наҳбу горат» – талон-торожни, дейди) топширади. Хитой сарҳади билан туташ қалъада бундай тайёргарлик маълум мақсадга қаратилганлигини англаш мушкул эмас. Оллоҳдод Ашпарада Хитой юртини бошланган ва Соҳибқирон жон таслим қилган пайтларда ҳам муқим туриб, вазифани сидқидидан адо этган.

Ибн Арабшоҳнинг чинидан ёлғонини, ёлғонидан чинини ажратиб олиш ва шарҳлаш жуда оғир. Оллоҳдод, Ашпара билан бевосита боғлиқ саҳифаларда Соҳибқироннинг ҳали Румда турган пайтида Хитой билан қизиққанлиги, бу мамлакат ҳақида маълумотлар жамлаш топширигини берганлигини пайқаш мумкин бўлади. Ибн Арабшоҳдан шунга доир иқтибос келтириб, мушоҳада этайлик. *«Қачонки, Темур Рум ерларида чодир тикиб турганида, – деб ёзади Ибн Арабшоҳ, – Оллоҳдодга бир мактуб жунатдики, унда бир қадар ижмолий (қисқа) ва тафсиллий масалалар бўлиб, унга шуларга амал қилишни ва ўша жойлар аҳволи, кайфияти ҳақида жавоб юборишни буюрди. Шулар жумласидан, ўша ерлар авзоларини (тузилиши) баён қилиш, у ерлар йўллари ва масоликларини (маслаклар, динлар) яққол кўрсатиш, унинг шаҳар ва қишлоқлари, пастлик ва чўққилари, қалъа ва қўрғонлари, яқин ва узоқ жойлари, биёбонлари ва эгри-бугри йўллари, сахро ва чўллари, белгили жойлари ва манорлари, сув ва анҳорлари, қабила ва уруғлари, тор ва кенг йўллари, маълум ва мажҳул жойлари, марҳала ва манзиллари, маъмур ва хароб жойлари кайфиятини шундай зикр қилсинки, бу зикрида у киши-*

га малол келадиган сергаплилик йўлини тутиб, қисқа гапиришдан, хусусан, мақсадга халал етказишдан четлансин; яна у ҳар икки манзил орасидаги масофани, ҳар икки марҳала (манзил, бекат) ўртасидаги сайр кайфиятини баён қилсин. Бу маълумотлар ҳаммаси Шарқ ва Хитой ерлари ҳамда ўша чегаралар томонидан бошланиб, баён этилсин-да, Самарқанд томонидан Темур илми етадиган жойларни ҳам қамраб ниҳоясига етсин».

Муаррихнинг бу сўзларига изоҳ шарт эмас, ҳаммаси тушунарли, Соҳибқирон Хитой чегарасидаги қалъага жанг кўрган, Ироқ ва Рум мухорибаларида тажриба орттирган амирни юборар экан, бу бобда ҳарбий дахлсизлик масаласини ҳам кўзда тутган кўринади. Оллоҳдоднинг Ашпарага гўё бадарга этилган, обрўдан тушган (бойликни ўзлаштириш ҳақидаги гап-сўзлар) амалдор сифатида юборилганлиги эҳтимолдан холи эмас. Бу ҳол унинг олдига қўйилган мураккаб вазифани кам-қўстсиз бажаришига кумак бермай қолмасди. XX аср разведка амалиётида ҳам бундай ҳоллар куп бор такрорланган ва жосуслик хизмати назариётчилари Соҳибқироннинг тажрибаларини чуқур ўзлаштирган бўлсалар, на ажаб?!

Амир Оллоҳдод Соҳибқирон топширигини ўринлаштириб бажаради, «бир неча қаватдан иборат тоза варақларни олиб, уларни елим билан бир-бирига ёпиштириб, маҳкамлади ва тўртбурчак шаклга келтирди. Қогоз устига ушбу Темур сўраган нарсалар намунасини жойлаштириб, ўша маконлар жамининг суратини солиб, улардаги ҳар бир ҳаракатли ва тургун нарсаларни тасвирлади. Бу тасвирда у барча ашёларни худди Темур буюргандек – Шарқу Фарбини, узоқ-яқинлиги; ўнгу чаплиги, текису тоғлигини, бўйи-ю энчи, пасту баландини, дарахтсиз ва дарахтли жойларини, осмону ерини, булоқма-булоқ, манзилма-манзил қилиб очиқ-ойдин кўрсатди. Ҳар бир макон исмини белгилаб, зикр қилди, бориш йўлини аён қилиб, расмини чиздики, бу билан

ҳар бир жойнинг фазилати-ю нуқсонини ҳам билдирди. Темурнинг кўзидан ғойиб нарсаларни унинг мушоҳадаси оламига қўйиб, гўёки, у Темурнинг мушоҳиди, далили ва йўл бошловчиси бўлди. Темур Оллоҳдодга қандай қилишни тавсия қилган бўлса, ҳаммасини ўшандай адо этиб, унга – Темурга юборди. Бу ишлар ҳаммаси Темур Рум ерларида юрганида юз берди».

Ибн Арабшоҳнинг Хитой юришига дахли бўлган қарашлари давомийлиги билан эътиборга лойиқ. У, кейинги саҳифаларда аввал айтганларини мустаҳкамлаш йўлини тутди. «Темур Рум шаҳарларида савлат тўкиб юрганида, – деб давом этади у, – унинг фикрида Шарқ ерларини холис қилиб олиш жавлон урарди. Унинг Оллоҳдодга мактуб юбориб, у мамлакатлар авзои тавсифини талаб қилганлиги аввал зикр этилганди. Қачонки, у жойлар ҳолатлари очиқ-ойдин намоён этилиб, қишлоқлари, музофотлари ва минтақалари унга аён бўлиб, худди ўз басирати кўзи билан мушоҳада этгач, ҳамда у мамлакатлар кайфияти Темур дилида қарорлангач, у тарафга томон бу тараф бошлиқларини отлантирди. Шулар жумласидан Бердибек, Тангриберди, Саодат, Илёс Хўжа, Давлат Темур ва улардан бошқа яна бир қанчалар бор эди. Уларга қўшинларидан бир неча тоифасини қўшиб, ҳаммаларини Оллоҳдодга боришларини, Оллоҳдод ўз ишини тартибга келтиришини ... буюрди. Улар сон-саноксиз аскар билан ушбу жойга қараб йўл олдилар».

Ибн Арабшоҳ маълумотига ишониладиган бўлса, Ашпарага қўшимча сифатида жўнатилган кучлар 1404 йилнинг июн-июл ойларида йўлга чиқади. Бу гуруҳ зиммасига ўта муҳим вазифалар юкланган. «Бу билан улар бу жойни ўзлари учун мустаҳкам қўргон ва Хитойга юриш қилиб қайтишларида ўзларига қароргоҳ ва паноҳжой бўлишини кўзда тутдилар. Қачонки улар қалъа асосини мустаҳкамлаб, хилма-хил уйлари ва улар мисоли иморатларини тартибга солиб, пойдевор бўладиган тошлардан унинг қадамла-

ри асосларини қуриб, деворлари тепасига белги ва аломатларни кўтаргач, темур уларга бир фармон юбориб, қалъа ишларини кейинга қолдириб, ўзларини гўё унинг зикрини унутганга солишларини ва уларни қайтиб, мамлакатда зироат ишлари билан машғул бўлишларини буюрди».

Бу сўзлардан Хитой юришига тайёргарлик нечоғлик масъулият билан олиб борилганлигини пайқаш мумкин бўлади. Қалъадаги ишлар ниҳоясига етгач, айрим юзаки ишларни атай қолдириб, экин-тикин билан шугулланишга киришиш – Хитой тарафни, Ашпара қалъасини кеча-ю кундуз кузатиб турган ёғийни чалғитиш учун ўйлаб топилган зўр ҳийла эди. Экин-тикин, айна вақтда, «Хитой сафарида ўзларини ўзларига етарли тайёргарлик бўлишини, бу қийин йўлда ўзлари ва уловларига озиқ-овқат ноқис бўлса, уни зиёда қилишни» таъминлаган бўларди.

«Натижада, улар қурилишни ташлаб, – гапида давом этади муаррих, – амирлардан ҳар қайсиниси ўз диёрини кўзлаб жўнади. Улар ҳўкиз ва уруғларни юзага чиқариш билан машғул бўлиб, худди Темур кўрсатиб берганидек, Жамики унумсиз (ўлик) ерларга ҳаёт беришда жидду жаҳд кўрсатдилар. Улар бу ишдан фақатгина ёз ўз бисотини йиғиб, куз жарчиси оламга ўз байроғу наमतларини ёйганда фориз бўлдилар». Ибн Арабшоҳнинг бу маълумоти икки тарафлама қимматга эга. Аввало, Хитой юришига тайёргарлик режасининг анча олдиндан пишитилганлиги аён бўлса, иккинчи муҳим жиҳати, Соҳибқироннинг ҳарбий юришларида моддий захира қўшинларнинг ўзи томонидан тайёрланиши далили собит этилади. Юз минглаб навкарларни, от-уловни боқиш, озиқ-овқат масаласи қандай ҳал этилганлигини, «сарой муаррихлари» эмас, Соҳибқироннинг ашаддий душмани бўлган тарихчи айтганлиги илмий қиммати беқиёсдир.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар (XVI аср) ўзининг «Тарихи Рашидий» номли асарида Соҳибқирон Амир Темур-

нинг Хитой юришига оид маълумотларни келтириб ўтади. Шарқ мамлакатлари ичида энг каттаси бўлган Хитой юришига тайёргарлик ва тараддуд анча олдиндан бошланганлигини у ҳам айтади. Яздийда Хитой фатҳига отланган лашкарлар сони 200 минг деб берилган бўлса, Мирзо Ҳайдар Дўғлот Соҳибқирон жамлаган қўшинлар миқдори 800 минг эди, дейди. Яздий, чамаси, Соҳибқироннинг ўзи бошлаб борган (Ўтрорда) қўшинни кўзда тутган. Лашкарнинг катта бир қисми Султон Ҳусайн (Дашти Қипчоқда), ва Халил Султон (Тошкентда) қўл остида бўлган. Мирзо Ҳайдар Дўғлот шаҳодатича, Хитой сафари ҳам 7 йил мўлжал қилинган. Қўшин худди Ироқ ва Румда бўлгани каби ҳамма зарур нарсалар билан таъминланган. Бунда захиралар янада кўпроқ тўпланган, сабаби, Хитой ва Мовароуннаҳр оралигидаги вилоятлар кам тараққий қилган, улардан лашкар таъминоти учун бирор нарса кутиш имконсиз эди. Сипоҳийларга юриш олдидан катта маблағлар берилган, қўшинда ҳар бир кишининг иккитадан соғин сигир, ўнтадан сут берадиган эчки бирга олиб юриши лозим бўлган. Булар, озуқа захиралари тугайдиган бўлса, аввал сутидан, сўнг гўшtidан фойдаланиши учун асқатган. Мирзо Ҳайдар Дўғлотнинг айтишича, Соҳибқирон Туркистонда қишлаб турган пайтида, Мўғулистонга, хотини Тўкал Хонимнинг отаси Хизр Ҳожа хонга элчилар юбориб, унга имкон даражасида экин-тикин қилишга киришиш ва шу орқали озиқ-овқат захирасига ҳисса қўшишини таклиф этади.

Хуллас, Хитой юриши бошланиб кетган эди. Хильда Хукҳэмнинг ҳисобича, Соҳибқирон ва унинг қўшинлари кимсасиз чўлу биёбонлардан, аҳоли кам ўрнашган вилоятлардан ўтиши, камида тўрт минг милдан ортиқ йўл босишлари керак бўлган. Айтилганидек, совуқ забтига оғир вазиятда, сув ва озуқа таъминоти Соҳибқироннинг шахсий назоратида бўлган. У бу ҳақда ҳар кун қўшинлар жойлашган қўналғалардан

дарақлар олиб турган. Самарқандан Ўтрорга қадар бўлган 76 ёғоч йўл (250 чақирим атрофида) январ ойи ўрталарида босиб ўтилади. Йўлочарлар қиш бўлишига қарамай, қўшин ўтадиган манзилларни кўздан кечирганлар. Хитой томон кетган йўллар қалин қор билан қопланган. Отлар ўмганигача қорга ботиб, юролмай қолган.

Соҳибқирон Амир Темур Ўтрорда, Бердибек уйида тўхтаб турганида, Тўхтамишхондан элчилар келади. Тўхтамишхон Амир Темур билан бўлган сўнги жангдан кейин тахтдан айрилиб, Қипчоқ сахроларида дайдиб юришга мажбур бўлган эди. Амир Темур ҳазратлари, аслида, эътиборга ҳам арзимайдиган собиқ хоннинг элчиларини зўр ҳурмат билан қаршилайди. Жуда улуғвор қабул маросими ўтказилади. Қабул маросимида Осиёнинг турли минтақаларидан келган таниқли кишилар иштирок этади. Тўхтамишхон Соҳибқиронга йўллаган мактубида, «Қилган иноятингизга иккилим сабабидан қаттиқ жазога мустаҳиқ бўлдим. Менинг ўзбошимчалигим ҳозирги афтода аҳволим босиб бўлди, бунда биргина ҳаловатни Сизнинг афу этишингизда деб биламан... Борди-ю, кечириладиган бўлсам, бошим итоатдан, оёғим кўрсатилган чизиқдан чиқмайди», дейилган бўлади. Соҳибқирон қабул охирида элчиларга «Аллоҳ мадади билан Хитой императори билан бўладиган жангдан қайтгандан кейин, Жучи улусини Тўхтамишга қайтаражагини» айтади. Бу бағрикенгликка, мислсиз кечиримликка қойил қолмаслик мумкинми? Соҳибқирон бундан чиқадики, мамлакатларни ўз ҳукмронлиги остида сақлаш эмас, аксинча, улар билан тинч-тотув, иттифоқликда яшашни қадрлаган. Шундай таклиф билан келган бирор шаҳар, қалъа, улус, юрт, мамлакат бошлиғи доимо тақдирланган, қўллаб-қувватланган.

Совуқ даҳшати Ўтрорни ҳам қамраб олган эди. Ўтрор қасрида гулханлар ёқилган. Соҳибқирон келиши олдидан қасрни иситиш тараддудий кўрилади. Ит-

тифоқо, оловнинг ёвуз тили уст қабаатдаги бурчак хоналардан бирига туташади ва ёнғин бошланади. Ёнғин тезликда ўчирилади. Бироқ, айрим уламолар бу ҳолни ёмон иримлардан деб ҳисоблайдилар. Қўшин бошлиқлари ҳам ҳаво асоратидан кайфиятсиз ҳолатга тушган, улар ҳар кун бир-биридан ёмон тушлар кўраётганларидан шикоят қилганлар. Охири, Соҳибқиронга мурожаат қилиб, чекловларни бир оз юмшатишга, байрам ўтказишга ундан изн сўрайдилар. Соҳибқирон розилик билдиради.

1405 йилнинг 11 февралда Амир Темур ҳазратларининг вужудида ҳарорат пайдо бўлади. Соҳибқироннинг шахсий табиби Мавлоно Фазлуллоҳ Табризий муолажага киришади. «Зафарнома» муаллифнинг иқрорига кўра, ўша замонда ундан пешқадам ҳакиму ҳозик бўлмаган экан. Касаллик аломатлари кундан-кунга кучая боради, шундай бўладикки, оғриқ аъзонинг бирини даволасалар, иккинчисида касал хуруж қила бошлайди. Бироқ, Соҳибқироннинг ақли ва онги жойида бўлиб, ўзини тўлиқ идора қила олган. Бемор бўлишига қарамай кўшин ҳолатини назорат этишда давом қилган. Табобатдан бирор наф бўлавермагач, Амир Темур ҳазратлари тақдир билан ҳисоблашиш кераклигини англайди. Ўз ҳузурига хотинларини ва шахсий кўриқчиларини, улуғ бекларини чорлаб келтиради. Соҳибқирон улар олдида ўз васиятини ирод этади. *«Яхши билурманки, – дейди у, – жон қуши тан қафасидан тайрон қилмоққа шайдир, муқарраджим. Аллоҳ паноҳидан жой топгумдир, сизларнинг ҳаммангизни унинг паноҳида қолдираман. Истайманки, бу оламни тарк этганимдан сўнг, ун чекиб, йиғлашига тутинмангиз, бу мутлақо фойдасиздир. Аллоҳдан мен учун мағфират сўраб, руҳимни Қуръон ўқиб, унинг калималари тиловатидан мунаввар ва шод этингизлар. Ўзига шукроналарким, бугун Эрон ва Туронда бизга қарши чиқадиганлар йўқ. Аллоҳ Таолодан умид қиламанки, гуноҳларим кўп бўлишига*

қарамай, у менга раҳм-шафқат қилгай, чунки, мен золимлар қўлини мазлумларга етмасин учун калта қилдим. Ўз давримда зўрнинг ожизни хўрлашига йўл қўймадим. Бу дунёда садоқат ва доимийлик йўқ, у менга вафо қилмадими, сизларга ҳам шу йўлни туттади. Осойиш ишларига эътиборсиз бўлманг, сабаби, хатлар кучаяди ва мусулмонлар азият чекадилар. Қиёмат кунда бу ҳақда қаттиқ сўралади.

Энди эса Пир Муҳаммад Жаҳонгирни валиаҳд қилиб тайинлайман, менинг ўрнимга у ҳукмдор бўлади, Самарқанд мамлакати уники бўлади. У мустақил ва кучли ҳукм суриши, ҳамиша давлат ишлари, қўшин ва аҳолининг аҳволидан огоҳ бўлиши лозим. Барчаларингиз унга итоат этишларингиз, бамаслаҳат у топширган ишларни бажаришларингиз керак, шунда олам пароканда бўлмайди, шунда мусулмондан хавфу хатар, зиён-заҳмат узоқ бўлади. Шунда менинг кўп йиллик меҳнатларим зое кетмайди. Шундай бўлсинки, ораларингизда ҳамжиҳатликни билсинлар ва кўрсинлар, бирортада исён қилишга ёхуд қаршилик кўрсатишга куч қолмасин».

Соҳибқирон васиятини баён этгандан кейин, «беклар ва саркардалар йиғилсинлар ва васиятимда нима деган бўлсам, уларни бажаришга қасамёд қилсинлар. Бу ерда ҳозир бўлмаган бошқа беклар ва кўшин бошлиқлари ҳам худди шу қоидага кўра иш тутсинлар», деган амри хоҳишни айтади. Соҳибқирон ҳузурида ҳозир бўлган, бу сўзларни ўз қулоқлари билан эшитиб турган беклар афтода ҳолга тушиб, беихтиёр йиғлай бошлайдилар. Вазирлардан Шоҳ Маликбек ва Шайх Нуриддин йиғлаб туриб, «жонимиз сизга садқа бўлсин, Сизнинг жонингизни сақлаб, бизнинг жонимизни олсин», деб тиз букадилар.

Тобора ҳолдан тойиб бораётган Ер юзининг катта қисми ҳукмдори эшитилар-эшитилмас пичирлайди: «Энди бефойда, кетмоқ муқаррар, сизлар ўз ишларингда мардона бўлинглар». Амир Темур ҳазратларининг

сўнги нафасларида ҳозир бўлганлар (таассуфки, фарзандлар ва набираларнинг аксарияти йўқ эди) ўз қасам-ёд сўзларини айтидилар, «то тирик эканмиз, ҳукмдоримиз иродасига содиқмиз. Мабодо, бирор-бир Аллоҳнинг қули раҳнамомиз иродасидан оғишадиган бўлса, ҳеч бир ишда у қўллаб-қувватланмайди. Биз, ҳозирга қадар хизматда бўлиб келган қуллари, хизматдан ўзгасини билмадик. То тирик эканмиз, шундайлигимизча қоламиз», дейишлар. Жон рамаққа яқинлаб бораётганди. Улуғ амирлар ва беклар Соҳибқиронга, «Тошкентда турган Халил Султон ва беклар ҳам бу ерга келсалар, яхши бўларди. Бизларку, васият этилганларни уларга етказамиз. Лекин уларнинг ўзлари буни ўз муборак оғзингиздан эшитганларида, бопқача бўларди-да», деган сўров билан мурожаат қиладилар. Ҳукмдор уларга: «Вақт оз қолди ва ортиқ куч йўқ. Бу ерда ҳозир бўлмаганлар ва келолмайдиганлар билан қиёмат кунда дийдор қўришамиз. Мен сизларга яна бир бор айтаман. Аллоҳга беҳисоб шукрлар бўлсинки, бу ёруғ оламда амалга ошира олмаганим бирорта орзум қолмади. Фақат ўғлим Шоҳруҳни ҳозир бир кўрсам, дегандим», – дейди.

Сўнги мулоқот шу тарзда ниҳоясига етади. Соҳибқирон тўшаги ёнида турган маликалар, амирлар, беклар кўзёшларини тия олмайдилар. Амир Темур ҳазратлари ўз яқинларига яна шуларни тайин қилади: «Нимаики айтган бўлсам, мамлакат ободонлигини ўйладим, яхши эсда тутинглар, аҳолининг, камбағаллар ва ожизларнинг ҳолидан хабардор бўлиб туришни унутманглар. Қўлда қилишни маҳкам тутинг, ана шунда сиз ҳам мен каби салтанатни идора этасиз, Эрон ва Туронни душманлардан қутқазасиз. Мен адолат ва яхшилик билан оламни обод қилдим, агар сизлар айтган васиятим асосида иш кўрсанглар ва адолат билан ҳукм сурсанглар, унда узоқ йиллар ҳокимият ва мамлакат сизларнинг қўлларингизда бўлади.

Борди-ю, ораларингизда ихтилоф юз берса, бу яхшиликка олиб бормайди»... Касал янада кучаяди. Қаср ҳовлисида ҳафизлар Қуръон тиловати билан машғул бўлади. Мавлоно Убайдуллоҳнинг ўғли Мавлоно Ҳайбатulloҳнинг ичкарига кириши ва Соҳибқироннинг бош томонида ўтириб, тиловат қилиб туриши буюрилади. Шом ва хуфтон намозлари орасида «ла илоҳо иллолаҳу» – Аллоҳнинг бирлиги ҳақидаги калималар кўп бора такрорланади. Соҳибқирон жон таслим қилади. Шарафиддин Али Яздий бу воқеани ҳижрий 807 йилнинг ўн еттинчи шаъбонида (18.02.1405) бўлган, деб кўрсатади. Соҳибқирон ҳаёт билан видолашганида, 71 ёшда эди, дейди муаррих. Амир Темур ҳазратлари 36 йил ҳукм сурган эди. Муаррих шу муносабат билан бир ташбеҳ келтиради – Соҳибқироннинг ҳукм сурган йиллари унинг авлоди сонига баробар эди, у оламдан кўз юмганда ўғиллари ва набиралари сони 36 та эди. «Зафарнома»нинг 2008 йилги русча нашрига берилган изоҳда Ашраф Аҳмедов, Яздийнинг бу далилини таҳлил этиб, ҳижрий ҳисобда Амир Темурнинг 71 ёшга тўлишига 8 кун етмаслигини, милодий йил ҳисобида у Зотнинг 89 куни кам 69 йил умр кўрганлигини айтади.

СОҲИБҚИРОНДАН СЎНГ

Амир Темур ҳазратлари вафоти билан боғлиқ воқеаларни Шарафиддин Али Яздий ҳаққоний баён қилган. Муаррих, касаллик сабабларини изоҳламаган бўлса-да, муолажанинг юксак даражада олиб борилганлигини алоҳида уқтириб, қанчалик саъй қилмасинлар, унинг нафи бўлмаганлигини айтади. Бир касаллик давоси иккинчи хасталикка йўл очганини қайд этади. Бундан, муаррихнинг кексаликни кўзда тутаетганлигини, қариган вужуд ёпишган маразни енгиб ўтишга қодир бўлмаганлигини эътиборида тутганлигини англаш мумкин. Муҳими, оғир ётган кунларда

ҳам, Соҳибқирон аҳоли ва қўшин аҳволидан хабардор бўлиб, назоратни сусайтирмаган. Муаррихнинг, Соҳибқирон хасталигига қарамай, ақли ҳуши жойида бўлганлигини, бу бобда кейинчалик таъна ва шубҳаларга ўрин қолдирмаслик учунми, алоҳида таъкидлаб ўтади.

Мухолиф муаррих эса мусибатнинг рангини яна қора қилишга, ўлим ва фожиадан ҳам ўз мақсади йўлида фойдаланишга интилади. Ибн Арабшоҳ, Амир Темур касал ётган кунларида, *«Ароқдан тановул қилиб, ҳеч бир тап тортмай, ўлчовсиз миқдорда кўпроқ истеъмол қилаверди. У ўз аскарлари ҳол-аҳволини сўрамас, уларга эътибор бермас ва улар дуосини тингламасди... Ушбу арақ Темур ичаклари ва жигарига таъсир қилиб, унинг аъзойи-бадани қақшаб титради ва оёқ-қўллари бўшашди»* деб ёзади. Билмадим, Дамашққа Соҳибқирон ўлимидан 27-28 йил ўтиб, унинг «касаллик тарихи» қандай етиб борган, бирор нарса дейишим амри маҳол. Қаҳратон қишда қорин ва пешонага муз қўйиб даволашганини у қаердан олган? Гап ароқ ичиш тўғрисида борадиган бўлса, холис муаррихлар бу ҳолни инкор қиладилар. Қолаверса, 1405 йил кузида, Самарқанднинг Конигилидаги улкан тўйдан кейин, Соҳибқирон Амир Темур «бундан кейин ароқ ичилмасин», деган фармони олийни берган эди. Нима бўлганда ҳам, Ибн Арабшоҳнинг навбатдаги игвоси иш бермай қолмайди. Хильда Хукҳэм ўзининг «Етти иқлим султони» асарида айнан Ибн Арабшоҳ даъволарини такрорлайди. *«Шароб ишишдан у спиртли ичимликлар ичишга ўтди, – деб ёзади Хильда Хукҳэм, – бироқ бирор нарса емасди. У қорин ва ичак яллиғланиши касали билан оғриганди. Унинг атрофидагилар муттасил ичкилик касаллик оқибатидан, деб ҳисоблардилар. У ичишда давом этади, бу фақат уқубатни кучайтиради, холос. Табиблар пешонага ва қоринга муз қўядилар»*. Хильда Хукҳэм бундай талқинда биргина Ибн Арабшоҳ билан чекла-

ниб қолмаган кўринади. У, чамаси, Эронда 1414 йилда ёзилган, Мусовий қаламига мансуб бўлган «Тарихи ҳайрат» китобидан ҳам фойдаланган кўринади. Хильда Хукҳэм, тагин Соҳибқирон гапиролмай, тилдан қолганида, эмишки, ҳозир бўлганларга икки бармоғини кўтариб, ишорат қилибди. У кўз қири билан, «Бу нима деганим?», янглиғ сўраш аломатини қилибди. Ўтирганлар бу ишоратни ҳар хил тушунибдилар. Шунда, яна сўзлаш имкони пайдо бўлган Амир Темур уларга, «икки кундан кейин орангизга бўлмайман», демоқчи эдим». дебди... Хуллас, бундай маталлар, Соҳибқироннинг сўнги кунларини масхара қилишга интилишлар кимларгадир, жуда аниқ мақсадларда керак бўлган. Яздий тарихининг аҳамияти, муаллифнинг ҳалоллиги ва холислиги ана шундай муқоясаларда яққол билинади. Носамимий, гаразли, эшитмаларга асосланиб ёзилган китоблар ҳам яшайди. Ҳатто, улар кўпроқ ва кенгроқ тарқалади, ўқувчилари ҳам кам бўлмайди. Одам табиатида, афсуски, миш-мишларга жуда катта йўлаклар қолдирилган. Соҳибқироннинг мўмин-мусулмонлигини шубҳа остига олиш учун атай тўқилган, кўрмасдан, билмасдан айтилган уйдирмалар тўқилган ва унинг вафотидан кейин отилган туҳмат тошлари ҳозирга қадар муаллақлигича қолиб келмоқда. Қайси бир тарихга ишониш ўқувчининг ўз ихтиёрида. Фақат бунда ақл-фаросатга таяниш жуда ўринли бўлади. Амир Темур ҳазратлари сиймосини бачканалаштиришга уриниш улкан денгизга бир неча сатил қора бўёқни тўккандай бир гап. Улуғворлик пойида ҳаминша галамислик ивирсиб юради.

Энди яна воқеалар давомига қайтайлик. Юқоридаги гап-сўзларни, хусусан, Соҳибқирон вафоти тафсилотларини эринмай ёзишдан бир мақсадни кўзладим – ўқувчи бу ҳақда биринчи манбалардаги ҳақиқатни билсин. Унинг жасади совиб-совумай бошланган ҳокимият талашлари, улкан салтанатнинг парчаланишга юз тутиши, кейинчалик Соҳибқиронни ёмонлашга туш-

ган муаррихлар гуноҳидан минг, миллион карра муд-
ҳишроқ эди. Энди, шу ҳақда. Бу воқеалар силсиласи-
да Халил Султон ва унинг маҳбубаси Шоди Мулк шахс-
лари бор бўйича юзага чиқади.

Ўтрор, шаҳар ҳокими Бердибекнинг қасри. Шаъ-
боннинг ўн еттинчи куни (18 феврал) кечаси бу ерда
бирорта киши мижжа қоқмайди. Тонг ёришар маҳал
Ҳиндушоҳ хазиначи Соҳибқирон жасадини сувга ола-
ди. Мавлоно Қутбиддин вақти-вақти билан васиятда
айтилган сўзларни такрорлаб, Қуръон оятларидан ти-
ловат қилиб туради. Бердибек, Шайх Нуриддин, Шоҳ
Малик, Ҳожа Юсуфлар ўзаро маслаҳатлашиб, иттифоқ-
да бўлишни ва Амир Темур васиятидан келиб чиқиб,
муқаддас юришни давом эттиришга қасамёд қиладил-
лар. Соҳибқирон ўлимини пинҳон тутишга келишадил-
лар ва хотин-халажга йиғи-сигини ман этадилар, бу-
ларнинг ҳаммаси душман бу воқеадан воқиф бўлмас-
лиги эҳтиёт чоралари бўлади. Беклар маликалар ҳузу-
рига келиб, улар билан кенгашадилар. Халил Султон
билан Султон Ҳусайнга чопар йўллаб, «Соҳибқирон ка-
саллиги кучайиб бораётир, бир неча яқинларни олиб
тезроқ етиб келишга ҳаракат қилингизлар», дейилади.
Хизр Қовчин шу мақсадда хаёламамай йўл босади. Фаз-
нинга, валиаҳдлик васият қилинган Пир Муҳаммад
Мирзога, «Ҳукмдор сени валиаҳд қилиб тайинлади. Со-
ҳибқироннинг иши терсга эврилди. Самарқандга тез-
роқ етиб келишга ҳаракат қил», деган мазмунда мак-
туб юборадилар. Мактубда, васият ҳақида ҳам айти-
либ, қандай ҳаракат қилиш кераклиги баён этилади.
Ҳиротга, Шоҳруҳ Мирзога Темур Қовчин жўнатилади.
Таниқли от пойгачиси Али Дарвеш Табризга Умар Мир-
зога, Ора Темурни эса Бағдодга, Амироншоҳ Мирзо ва
Абу Бакр мирзоларни хабардор қилиш учун йўллайди-
лар. Бошқалар Эрон ва Форс вилоятларига, таниқли
кишиларга жўнатилади.

Сарой Мулк Хоним ва бошқа маликалар, яқинлар
шаъбоннинг ўн саккизинчи куни, пайшанба тунда

(19.02.1405.) тобутни шоҳилар билан ўраб, тахтиравонга жойлаб, Ўтрордан чиқиб, Самарқандга йўлга тушадилар. Туннинг ўзидаёқ Хужанд дарёсидан, муз устидан ўтиб, қирғоқдаги тўқайзорда тўхтайдилар. Ўтрордан дарёга қадар икки ёғочлик йўл эди. Эртасига тонг отиши билан Соҳибқирондан айрилиш ўкинчи ҳаммани мусибатга чулғайди, мотамни пинҳон тутиши керак бўлганлар ўзларини тута олмайдилар, эркаклар, аёллар ситам билан қаттиқ йиғи бошлайдилар. Муаррих айтадики, қаттиқ йиғи овози бутун оламни қамраб олди. Беклар бошларидан саллаларини чувалатиб, ерга ағнаб кўзёши тўкканлар. Хотин-халажлар сочларини юлиб, юзларини тимдалаб, бошларидан кул ва тупроқ сочиб, жон ҳайбатида йиғлаб-сиқтаганлар. Беклар, кайвонилар насихат қиладилар, ўлим ҳаммани, шу жумладан, Пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) жанобларини ҳам аямаганлигини, ҳолбуки, Аллоҳ Таоло бу оламни унинг учун яратганлигини айтиб, юпатиш пайдан бўладилар. Йиғи-сиғи ўрнига Қуръон тиловати марҳум руҳига ором бериши, назр-ниёзлар, яхшиликлар фойда қилиши тўғрисида сўзлайдилар. Насихатлар ҳеч бир кор қилмайди. Яқинлар, тобут билан йўлга чиққанлар кимдан айрилиб қолганликларини дафъатан тушуниб етган, улар кўзига дунё кўринмас эди.

Беклар маликалар ҳузурига келиб, бундан кейин нима қилиш хусусида кенгашадилар. Улар дейдиларки, Соҳибқирон томонидан шундай катта ададда қўшин тўпланганки, бундан буён уни ҳеч қачон йиғиб, тўплаб бўлмайди. Шундай баҳодирлар жам бўлганки, уларнинг ҳар бири Исфандиёр ва Рустам монандир. Шундай қурол-яроғ қўлимиздаки, Жамшид замонидан буён бунчалик кўп уруш асбобини ҳеч ким кўрмаган. Ана шу қўшин билан ёвга қарши борсак тезлик билан муддаога эришамиз. Соҳибқирон вафоти хабари уларга етган тақдирда ҳам, бунчалик кўп қўшинни кўриб, улар бу гапга ишонмайдилар. Улар, «Соҳибқиронга бир гап бўлганда эди, бунчалик катта

қўшин бизга келмаган бўлар эди», дейдилар. Ҳаммалари қўрққанидан бўйсунадилар, ислом қўшини хитойликлар ва қалмиқларни мағлуб этади. Маслаҳат шундай. Соҳибқирон руҳини шод этиб, Аллоҳга умид боғлаб, Хитойга борамиз, ғайридинларга қарши ғазавот қиламиз...

Маликалар ва шаҳзодалар кенгашда айтилган азми қарорни маъқуллайдилар. Беклар Соҳибқирон томонидан Хитой юришига бирга олиб борилган Иброҳим Султон билан Хитой сафарига отланишга келишадилар. Халил Султон бу вақтда Тошкентда турган эди, уни ҳам юришга жалб этишга қарор қилинади. Халил Султон бу вақтда 21 ёшда бўлиб, шу ўртада ҳозир бўлган шаҳзодалар орасида ёши каттаси эди. Уни подшоҳ кўтариб, унинг бошчилигида Хитойга қарши юриш бошлаш фикрига келадилар. Хитой мағлуб этилгандан сўнг, Самарқандга қайтиб, шаҳзодалар, беклар, маликалар қурултой ўтказишга ҳам келишиб оладилар.

Ана шу кенгашдан кейин Қора Юсуф, Али Қовчин ва бўлак махсус кишилар Соҳибқирон жасадини Самарқандга жўнатадилар, олиб кетувчи гуруҳга йўлни тезлатиш ва ҳушёр бўлиб бориш топширилади. 20 февралда дарёнинг музи устидан ўтганлар 23 феврал, душанба куни кечаси Самарқандга етиб келади. Шу тариқа, 19 феврал, пайшанба куни тунда тобут билан Самарқандга йўлга тушганлар 5 кун давомида тўхтовсиз, жуда тезлаштириб юриб, душанба куни манзилга етиб келадилар. Ҳавонинг совуқлиги Соҳибқирон жасадининг шунча кун давомида уринмаслигига сабаб бўлган. Етиб келинган туннинг ўзидаёқ, шарият қоидалари асосида Соҳибқирон жасади сағанага қўйилади.

Яздий ҳассослик билан бу воқеаларни қаламга олади. Бироқ, унда ҳам Соҳибқирон Амир Темурнинг нима сабабдан Хитой юришини режалаштиргани сабаблари очиқ-ойдин берилмаган. Бу бўшлиқни Кла-

вихо кундалиги тўлдиради. Унинг ҳикоя қилишича, Амир Темур ҳазратлари Бағдод, Дамашқ ва Румга қилинган етти йиллик сафардан қайтганидан сўнг, унинг ҳузурига Хитой салтанатидан элчилар келиб, «Бу юрт Темурбекка бошқариш учун берилганини, бунинг учун у ҳар йили Хитойга хирож тўлаб туриши зарурлигини, бироқ етти йил давомида хирож тўланмаганини айтиб, тўлашни лозим кўрадиларми?, дейдилар. «Гапларингиз тўғри, хирожни тўлайман, бироқ хирожни йўлда йўқ қилиб юбормасликларингиз учун мен уни ўз қўлим билан олиб бориб топшираман», деб киноя қилади Темурбек. Аслида у хирожни тўлашни истамаган. Мана, саккиз йилдирки, Темурбек ҳам хирож тўлаган эмас, Хитой императори ўлими олдидан ўз салтанатини уч ўғлига қолдирди. Катта ўғил иккала укасининг мулкини ҳам ўзига қўшиб олиш учун учун кичик укасини ўлдирди. Ўртанчи ўғил акасига қарши курашиб ғалаба қозонади. Укасидан енгилганига аламзада бўлган катта ўғил ўз қароргоҳига ўт қўяди ва кўп кишилар билан бирга ҳалок бўлади. Тахтга ўтирган ўртанчи ўғил ўз юртида тинчлик ўрнатган, отасига тўлаб келинаётган хирожни талаб қилиб, Темурбекнинг ҳузурига ҳалиги элчиларни юборган эди. Маълумки, Темурбек мазкур элчиларни ўлдирмоқчи бўлган эди. Хитой подшосининг қандай тадбир кўриши, бу таҳқиқлашларга нисбатан қандай жавоб қилиши бизга қоронғу эди... Шу йили июн ойида Камбалек (Хонбалиқ) шаҳридан қарийб саккиз юз туядан иборат савдо карвони Самарқандга келди. Самарқандда турган Темурбек Хитой элчиларининг талабидан газаби қайнаб, карвонни шаҳардан чиқариб юбормасдан тутиш ҳақида фармойиш берди. Биз туялар карвонида келган кишилар билан учрашдик. Улар Хитой подшоси тасарруфидаги мамлакатнинг буюклиги, фуқаросининг сон-саноксизлиги ҳақида гаройиб воқеаларни сўзлаб бердилар».

Клавихо, кўрамизки, Оврўпо дипломатиясига хос синчковлик билан масаланинг моҳиятига етишга интилган. Хитойликларнинг ўзлари билан мулоқот қилиб, барини ипидан игнасигача билиб олган. Бизнинг тарихларимизда Хитой элчилиги ва улар қўйган талаблар бу қадар ошқора айтилмаган. Клавихонинг яна бир маълумоти диққатга лойиқ. У Хитой карвонида келган кишилар билан суҳбатлашар экан, «буюк ва одами сон-саноксиз бўлган» бу давлатда, «минг одамга бош бўлган кишигина от минниш ҳуқуқига эга бўлишни» ҳам эслатиб ўтишни унутмайди. Бу, табиийки, мамлакатнинг иқтисодий, ҳарбий ривожига билан боғлиқ жуда муҳим жиҳат, боринги, «ҳарбий сир» эди. Олдинроқда, Яздийдан ҳар бир жангчининг ўзи билан 2 та соғин сиғир, 10 та эчки бирга олиши ҳақидаги далилни келтирдим. Отларчи, ҳар бир сипоҳ камидан иккинчи захира уловга эга бўлган. От ўша даврнинг стратегик аҳамиятга молик ҳарбий транспорт воситаси бўлиб қолмасдан, уруш тақдирини ҳал этадиган бебаҳо қурол ҳам эди. Амир Темур отларини Амир Ҳусайн олишга журъат этолмаганлигини эслайлик. Ёхуд, Табризда гуржиларга қарши курашда мағлуб бўлган икки амирнинг ҳар қайсиси 300 тадан отни жарима тариқасида тўлаши шарт бўлганлигини бир хотирага олайлик. От-улов масаласи Соҳибқирон армиясида узи-кеси ҳал этилган жиҳат эди. Хулоса қилиш мумкинки, Клавихонинг гапидан келиб чиқиб, Амир Темур салтанатидаги минг отга Хитой императорининг бир оти тўғри келган, дейиш мумкин. Бу албатта, тахмин. Гап шундаки, Соҳибқирон 34-35 йил давомида ҳарбий мақсадлар учун от етиштиришни ниҳоятда устувор вазифа билиб, уни мислсиз даражада кўпайтириш¹ чораларини кўрган. Ўттиз йилдан ошиқ

¹ Китоб туманидаги Макрид қўриғида Амир Темурнинг шахсий отлари урчитилган. Амир Темур отлари сафар чоғида 120-160 қақирим масофани тўхтовсиз босиб ўтган. Текин зотли

давом этган юришларда бу муаммо ҳал этилмасдан туриб, юришлар тўғрисида гап бўлиши мумкин эмасди. Хитойда эса айрим ички низолар дейилмаса, хориж юришлари деярли бўлмаган ва шунга яраша, отга бўлган эҳтиёж ҳам ички талаблар даражасида қолиб келган.

Соҳибқироннинг дафн этилиши бобида рус муаррихи В.В. Бартольд ҳам ўз мулоҳазаларини айтган. Кенг ўқувчилар оммасига маълум бўлмаган айрим далилларни унинг «Темурнинг дафн этилиши» деган ишидан келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўларди, деган фикрдаман. Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ва унинг ҳамроҳлари Самарқандни 1404 йилнинг 21 ноябрида тарк этадилар. 27 ноябрда, пайшанба куни Амир Темур ҳазратлари Хитой юришига отланади. Хитой сафари бошлангандан кейин 84 кун ўтиб, Соҳибқироннинг оламдан қайтиши юз беради. В.В.Бартольд номаълум муаллифнинг қўлёзма шеърини асарига таяниб, Самарқандга кечаси олиб келинган жасад хушбўй атирлар, мушқу анбарлар билан ораста этилганини, тобутнинг қимматбаҳо тошлар, дуру лаъллар билан безатилганлигини ёзади. Айтилишича, Ўтрордан тобут жўнатилган куннинг эртасига маликалар ҳам Самарқанд йўлига чиқадилар. В.В.Бартольд Соҳибқирон жасадининг Самарқандга олиб келиниши ҳақидаги (23 феврал) муддатга шубҳа билдиради. Ўтрордан Самарқандгача йўлнинг олислиги 4-5 кунда етиб келишга имкон бермайди, дейди у. Муаррих яна, «*Жасад шу куни тунда сағанага яширин туширилган, фақатгина диний қоидалар бажарилган*», дейди. В.В.Бартольд ҳам

отлар билан араб биялари чатиштирилиши натижасида, тўғи қаттиқ, ҳатто нағал қоқмаса ҳам тоғлик жойларда, дашту саҳроларда тез юра оладиган отлар етиштирилган. Амир Темур текини зотли қудунлар олиш учун аҳолига 5 мишг араб биясини тарқатиб беради. Қаранг: П.А. Чехачев. Страница о Востоке. М.: «Наука», 1982, 166-бет.

дафн жойини Яздийга асосланиб, «қуббаи марқад» – гумбазли мақбара, деб кўрсатади.

Яна Ўтрорга қайтайлик. Соҳибқирон тобути Самарқандга жўнатиладиган, беклар маликалар билан кенгаш курадилар. Улар дейдиларки, «Хукмдор валиаҳд ва тўла ҳуқуқли салтанат соҳиби бўлишни шаҳзода Пир Муҳаммадга васият қилганлар. Бироқ, бу шаҳзода Фазнин мулкида, балким, Ҳиндистондадир, ҳулмас, биздан йироқда. Биз уни кутиб турадиган бўлсак, ишимиз чўзилиб кетади ва Хитойга юриш қила олмай қоламиз. Айни дамларда ҳақиқий ворис шаҳзода Шоҳруҳ ҳисобланади, у Соҳибқироннинг ўғли, шаҳзода Пир Муҳаммад эса набирадир. Ҳаммага маълум, Соҳибқирон Шоҳруҳ Мирзо ва унинг болаларини бошқаларга кўра, жуда яхши кўрарди. Бундан ташқари, унинг подшолиги, адолат билан ҳукм суриши, исломий эътиқоди барча халойиққа белгилidir. Бу хабар унга етгудек бўлса, у ҳаммадан олдин бу ерга етиб келади. У етиб келганидан сўнг, ҳокимиятга бирор талабгор чиқмай ва исён қилмай туриб, ҳокимиятни унга топшириш мақбул бўлади».

Шу маслаҳатдан кейин Сарой Мулк Хоним, Туман Ого, Тўкал Хоним ва ҳарамдаги бошқа аёллар Самарқандга томон йўлга чиқадилар.

Яздийнинг шаҳодат этишича, шу куни (20 феврал) шаҳзода Иброҳим Султон ва беклар Хитой сарига юришни бошлайдилар. Сайхун дарёсидан ўтиб, бир ёғочлик йўл юриб, Ўтрордан шарқда бўлган Учариқ деган манзилда тўхтайдилар. Қолдирма кўприги ёнида чодирлар тикадилар ва Соҳибқирон туғини ўрнатадилар, унинг кўсларни чаладилар. Амир Темур ҳазратларининг оқ ўтовларини тикадилар, шаҳзода Иброҳим Султон (Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли) унга киради ва ўтиради. Иброҳим Султон бу пайтда ўн бир ёшда эди. Юриш бошлаганлар шу ердан Тошкентга, Халил Султонга чопар жўнатадилар. Унга, Соҳибқирон тобути Самарқандга юборилганини, хотин-халажлар ҳам

унинг ортидан йўлга чиққанлиги айтилади. Муҳими, Халил Султонга. Хитойга юриш бошлаганларини маълум этадилар. Султон Ҳусайнга ҳам шу мазмунда хабар берилади. Қўшинларнинг Чукалак (Ўтрордан 30 чақирим шарқда, Арисга яқин қишлоқ, ҳозирда Чилик деб аталади) манзилида жам бўлиши тайинланади. Улар Соҳибқирон амрини вожиб этишга аҳд қиладилар.

Хитой юриши, охир-оқибатда, амалга ошмайди. Яздий бунинг сабабини тубандагича изоҳлайди. Амир Темур ҳазратларининг ўлими хабари унинг набираси Султон Ҳусайнга етгач, ҳамма ишлар тескари эврилади. Султон Ҳусайн Амир Темурнинг кичик қизи Тоғай Шоҳ Оғо Бегимдан турилган эди. Унинг отаси Амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбек эди. Султон Ҳусайн Соҳибқирон вафот этган маҳалда йигирма беш ёшда эди. Унинг ота томондан бобоси Амир Мусонинг вақтида Амир Темур ҳазратларига қилган қилғиликлари, суиқасдларга қўл уриши, Сарой Мулк Хоним воситасида (Сарой Мулк Хоним Амир Мусонинг катта опасининг қизи эди) кечирилиши, Муҳаммадбек ва Тоғай Шоҳ Оғо Бегим никоҳларининг вужудга келиши бобида аввалги саҳифаларда сўзлаган эдим. Султон Ҳусайн «асл наслига» – ота томондан бобосига тортган эди. Енгилтак, ўзбошимча, кам ўйлов, фитна-ю фасодга ўч, қатъиятсиз, оилавий қадриятларга умуман бефарқ бўлган бу шаҳзода бобоси Амир Темур тириклигида ҳам хиёнат содир этган эди. Шом мамлакатини фатҳ этишда Дамашқ томонга – ёв қўналғасига қочиб ўтади. Шу ўринда бир иштибоҳга ҳожат бор кўринади. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сининг 2008 йилги русча напирини тайёрлаган ва унга изоҳлар битган олим Ашраф Аҳмедов Султон Ҳусайн таърифига бағишланган 1084-изоҳда шундай деб ёзади: *«Султон Ҳусайн унинг (яъни, Амир Темурнинг – П.Р.) қизи Султон Бахт Бегимнинг ўғли эди. Унинг бобоси тириклиги пайтида унга нисбатан хиёнат*

содир қилган эди. Унинг вафотидан кейин васиятга биринчи бўлиб қарши чиқди ва қўшинда галаёнларни бошлаб берди. Уни руҳий жиҳатдан жуда ҳам соғлом деб бўлмайди. Яна бўлиши мумкинки, унинг бобоси ўта зеҳнли ва ҳийлаларга уста бўлгани боис, Дамашққа сотқин мақомида, жосуслик маълумотларини йиғиб келишга юборгандир». Жуда галати талқин, шундай эмасми? Руҳан носоғлом бўлган набиранни қўшин бошлиғи қилиб қўйиш, уни жосус кўринишида юбориш – бекинмачоқ ўйнаётган икки гуруҳ болааларининг иши бўлиши мумкинлигини тасаввур қилса бўлади. Ҳусайн Султон Бахт Бегимнинг эмас, Тоғай Шоҳ Оғо Бегимнинг ўғли эканлигини янглиштириш ҳам ножоиз. Бу ерда, фикримча, она томондан бобони – Амир Темурни эмас, ота тарафдан бобо бўлмиш Амир Мусони айблаш лозим эди. Султон Ҳусайн тутуриқсиз, ўз билганидан қолмайдиган, худбин ва шуҳратпараст киши сифатида айнан Амир Мусога тортган эди. У манфаат олдида бобоси Амир Мусо каби ҳаммани сотишга, бу йўлда қасдга, ўлдирishга, захарлашга, хуллас, манфурликнинг ҳаммасига тайёр бўлган. Аввалги саҳифаларда унинг бетамизлиги, хиёнаткорлиги тўғрисида етарли маълумотлар берилди. У, бундай олганда, Амир Темур насли эмасди. Соҳибқирон гул ёшида вафот этган суюкли қизи ҳурматидан унга ҳам шаҳзодалар қаторидан жой берган эди, фитналарини, сотқинликларини кечирган эди.

Султон Ҳусайн Амир Темур ўлимидан огоҳ бўлгач, миясига бирданига аҳмоқона фикрлар келади – ҳокимиятни эгаллаш илинжи газаклайди. Ўзи билан бирга бўлган чап қанот қўшинларининг бир қатор бекларидан отларни олиб, уларни тарқалиб кетишга буюради. Ўзи эса икки мингта отлиқ биан Хужанд дарёсидан ўтиб, Қарақа йўли билан Самарқандга равона бўлади. Икки минг кишида захирада икки мингта от бор эди. Бу ҳам Султон Ҳусайннинг руҳий жиҳатдан соғлом ва йўлни тезликда босиб ўтишда битта от толиқиб қоли-

шини ҳисобга олганлигини, шу мақсадда тарқалишга жавоб берган беклардан отларни мусодара қилганлигини курсатади. Султон Ҳусайн Самарқандга йўл олар экан, қандай бўлмасин, алдовми, куч биланми, шаҳарга киришни, тахтни эгаллашни мақсад қилади. Султон Ҳусайнга юборилган хабарчи унинг бу қилмишини Ўтрорга етказиб келади. Беклар бу ерда ҳам ваҳимага тушиб қоладилар. Муаррих айтганидек, ёмон вақтлар эди-да.

Вазирлардан Шайх Нуриддинбек ва Шоҳ Маликлар қаттиқ ўйловда қолиб, охири, Самарқандга мактуб билан чопар йўлайдилар. Шаҳар доруғаси Арғуншоҳга бўлган гапни ёзиб, Султон Ҳусайн сўзларига ишонмаслик, уни тутиш ва банди қилиш тўғрисида кўрсатма берилади. Соҳибқирон тобутини олиб кетаётган гуруҳ бошлиғи Қорачага ҳам, тахтиравонни ҳушёр бўлиб олиб бориш, Султон Ҳусайндан эҳтиёт бўлиш, тобут ортига яшириниб, шаҳарга кириб олишига йўл қўймаслик хабари берилади. Йўлда кетаётган маликалар ҳам огоҳлантирилади, «қаерга етган бўлсангизлар, биз боргунча шу ерда кутиб туринглар», дейилади уларга. Халил Султонга ҳам чопарлар юборилади ва уни Оқар деган ерга етиб келишга, биргаликда Соҳибқирон васиятини амалга оширишга ундайдилар.

Султон Ҳусайн исёнидан кейин жами қўшинлар ҳам қурол-аслаҳаларни тақиб, йўлга чиқади. Қўшинлар кечки намоз пайтида Сайхун дарёсидан ўтиб, тўхтаб туради. Яздий айтадики, дарёдан ўтишда ҳайратланарли бир воқеа содир бўлган. Шаҳзодалар, беклар ва лашкарлар дарёдан ўтиб бўлганида, муз ёрилиб, хазинанинг моллари ортилган учта туя сувга фарқ бўлади. Гўё муз ҳам ҳамманинг дарёдан ўтишини кутиб тургандай эди, дейди муаррих. Ҳа, қиш охирлаб бораётган, февралнинг йигирмасидан кейинги кунлар эди. Декабрдан буён музлаб ётган Сайхунда ҳам билинар-билинемас эрув бошланган бўлган.

Улар тунда ҳам йўл босадилар, тонг пайти маликаларга етиб оладилар. Кўп ўтмай, Халил Султонга булар юборган чолар боришидан олдин, Халил Султон қистови билан унинг яқин беклари, шаҳзода Аҳмад Умаршайх, Амир Худойдод Ҳусайний, Амир Ёдгор Орлот, Амир Шамсиддин Аббос ва бошқалари ўзларича, маликалар билан кенгашмай туриб, Шайх Нуриддин ва Шоҳ Малик розилигини олмасдан, келишувга амал қилмай, шаҳзода Халил Султонни подшоҳ кўтариб, қасамёд қилдирадилар. Шу тариқа, бир ёқдан Султон Ҳусайн ўзбошимчалик билан, иккинчи томондан Халил Султон беклари қўллаб-қувватловида Самарқанд пойгасига от соладилар. Ўзбошимчаликдан кўра, уюшганлик хавфлироқ эди. Халил Султон томонида куч катта эди.

Амир Шоҳ Маликбек ва Шайх Нуриддин Тошкентда Халил Султон ва унинг беклари томонидан қилинган «тўнтариш»дан хабар топиб, Халил Султоннинг ўзбошимчалик билан подшоҳ деб эълон қилинишидан норози бўлиб, унга мактуб юборадилар. Хатнинг мазмуни шундай: «Давлатпаноҳ Соҳибқирон марҳум ўлими олдидан васият қилган ва аниқ тайин қилган эдики, унинг валиаҳди Пир Муҳаммад Жаҳонгир бўлади ва ўзидан кейин у ҳукмдорлик қилади. Шу муносабат билан у бизларни қасамёд қилдирган эди ва биз қасамёдни буза олмаймиз. Биз мазкур қасамёдимизга содиқмиз ва ундан четга чиқмаймиз. Сизлар ўйлаган иш ҳукмдор васиятига тўғри келмайди. Бу ишни бошқа кимдир қилганда эди, сиз томонингиздан у ўлимга маҳкум этилган бўларди. Нима сабабдан бундай иш қилганингиз бизга маълум эмас. Ақли бўлган ҳар киши яхши биладики, бу жуда ёмон ишдир. Сўзсиз, пушаймон еб қоласиз. Ҳеч қачон аҳмоқона ишларга қўл урманг. Ўз номингиз ва шаънингизни оёқ ости қилманг, йўқса, бу оламда шармисорликда ном чиқарасиз». Хатга Ўтрорда ҳозир бўлган бекарнинг ҳаммаси имзо қўяди. Мактуб Тошкентга, Халил Султон қарор-

гоҳига Абука Чехра томонидан олиб борилади. Халил Султон беклари хатни ўқиб, нима иш қилиб қўйганларини англаб, қаттиқ пушаймон бўладилар. Аммо, энди бу фойдасиз, гишт қолипдан кўчган, жилов қўлдан чиқазилган эди.

Ўтрордан, Самарқанд сари кетишда йўл-йўлакай ёзилган юқоридаги мактубга Халил Султоннинг Худойдодбек ва Шамсиддин Аббос деган беклари жавоб йўлаб, «Бу ишни Халил Султонни подшоҳ деб эълон қилишни давлат ва ҳокимият манфаати учун, қирпичоқ ва талашлар олдини олиш учун қилган эдик. Биз, сизлар ҳам буни қўлаб-қувватлайсизлар деб ўйлагандик. Орамизда кимдир бош бўлиши, подшоҳлик бу хонадонда қолишини истагандик. Бироқ, Соҳибқирон васиятида бошқача айтилган экан, бу ҳақда биз билмаганмиз. То тирик эканмиз, васиятга қарши бормаёмиз. Сизлар нимани маслаҳат кўрсангизлар, бизлар итоат этамиз ва қабул қиламиз», дейдилар.

Халил Султон беклари номидан хат олиб келган Бурондукбек ортга қайтади. Унинг ўзи ҳам Соҳибқирон васиятига содиқлигини айтиб қасамёд қилади. Шу гап-сўзлардан кейин маликалар, шаҳзода Улуғбек ва Шоҳ Малик қўшиннинг ўнг қаноти билан, Иброҳим Султон, Шайх Нуриддинбек эса лашкарнинг чап қаноти билан тўла тайёргарликда Самарқандга, тезроқ шаҳарга киришга, уни эгаллашга шошиладилар. Фитналар, исёнлар ҳар дақиқада бўлиши мумкин эди. Шоҳруҳ Мирзонинг ўғиллари – Улуғбек ва Иброҳим Султонлар бу вақтда ўн бир ёшда эдилар.

Шоҳ Маликбек Самарқандга биринчи бўлиб етиб келади. Бироқ, шаҳар доруғаси Арғуншоҳбек уларни шаҳар ичкарасига киритмайди. Бунгача Халил Султон унга одам юбориб, катта ваъдалар берган, Шайх Нуриддин билан Шоҳ Маликбек бораётганидан хабардор қилиб қўйганди. Шайх Нуриддин ҳам шаҳарга киритилмайди. Бу ҳолдан юраклар эзилиб, Соҳибқиронни эслаб узоқ йиғлайдилар. Сарой Мулк Хоним,

Туман Оғо ва беклар маслаҳат қилишиб, Бухорога боришга қарор қиладилар.

Шайх Нуриддин ва Шох Маликбеклар томонидан ёзилган ва Тошкентга, Бурундукбекдан жунатилган хатни ўқиб, бу ерда қишлаётган беклар Соҳибқирон васиятидан воқиф бўлиб, қилган ишларига пушаймон бўладилар. Улар васиятга содиқлигини билдириб, тахт ўзининг ҳақиқий ворисига тегишли деган қарорга келадилар. Халил Султон ҳам ноилож бунга рози бўлади. Шайх Нуриддин ва Шох Маликбекка бу ҳақда хат ёзиб, имзо ва муҳрларини қўйиб, Оталмишни чопар қилиб, ундан бериб юборадилар. Халил Султон чопар Оталмиш хатни Шайх Нуриддинга топширгач, шаҳзода Пир Муҳаммад Мирзо ҳузурига бориши ва Халил Султоннинг «Биз шаҳзода Пир Муҳаммадга итоат этамиз ва дилмиздан унга яхшиликлар тилаймиз. Марҳум Соҳибқироннинг васиятига кўра, сизни ҳукмдорнинг валиаҳди – вориси деб ҳисоблаймиз», деган сўзларини ҳам айтиши буюрилади. Халил Султон ҳаммани чалғитиб, вақтдан ютиш учун шундай ошқора ёлгон йулни тутиб, тахтни эгаллаш учун тезликда Самарқандга от қўяди. Арғуншоҳ билан олдиндан келишилгани каби, шаҳар дарвозалари унга ланг очиб берилади. Халил Султон бобоси тахтига, шу тариқа, ноқонуний ўтиришга эришади. Шу кундан бошлаб, сарой аъёнларини шаробхўрликда ўзига ҳамтовоқ қилади. Муаррих шу ўринда киноя билан, «Одамзод – тухфа-зарқули», деган сўзларни айтади. Арғуншоҳ Халил Султоннинг катта ваъдаларига учган, дарвозани унга очиб берган эди. Самарқанд тахтини эгаллаган Халил Султон ўзи билан Тошкент ва Сайрамда бирга бўлган бекларга, ҳамфикрларига, тарафдорларига Амир Темурдан қолган отлар, хачирлар ва туяларни бўлиб беради. Уларга яна нақд пуллар, матолар, шоҳи газламалар, парчалар, совутлар ва қўшин аслаҳаларини ҳам тарқатиб юборади. Бундай тухфа ашёларни олганлар қуршовида Самарқандга келади. Бурундукбек шу орада

бир қисм беклар билан яширин гап-сўз қилиб, ҳокимиятнинг Халил Султонга ўтишига қарши ҳаракат қилишга киришади.

Кўрамизки, Соҳибқирон вафотидан ҳафта ўтар ўтмас тахталаб кучлар қутбланиши билан бир қаторда, ҳақиқатга ён босадиган, қонун доирасидан чиқмайдиган кишилар ҳам сафлана бошлайди. Бурундуқбек, Рустам Тоғай Бўғо ва Абдулкарим Хожи Сайфиддинлар Сайхун дарёсидан ўтар эканлар, бошқалар ўта олмаслиги учун кўприкни бузиб ташлайдилар. Ўзлари эса Самарқандга кетадилар. Халил Султон Сайхун бўйига етганда, воқеадан дарак топиб, қайтадан кўприк қуришга амр қилади. Бурундуқ Самарқандга бораверишда йўлда Жалол Бовурчи деган кишини учратади. Жалол Бовурчи, Амир Шоҳ Маликбек Арғуншоҳ томонидан Самарқандга киритилмагач, шаҳзодалардан, маликалардан юз ўгириб, Халил Султон томонига келаётган бўлади. Шайх Нуриддин ва Шоҳ Маликбекларнинг Мосуво этилишини эшитган Бурундуқ ўз қасамёдидан қайтиб, яна изига – Халил Султон олдига бош эгиб боришни афзал билади. Тахтнинг ўйинлари дуппа-дуруст одамларни масхара қилиб, бу қирғоқдан унисига, у қирғоқдан бунисига илиб отаётган эди. Лекин Рустам Тоғай Бўғо унинг йўлидан бормайди, шаҳзодаларга бориб қўшилади. Муаррих Яздий, Бурундуқнинг шармисорларча, ўзини хор этиб, Халил Султон олдига борганини ачиниш билан тилга олади. Бурундуқ шаҳзодадан кечирим сўраб, унга содиқликка қасамёд қилади. Шундан кейин Халил Султон ёнидаги одамлар Пир Муҳаммад Мирзога қилган аввалги қасамёдларидан кечиб, Халил Султонга қайта бошдан содиқлик ҳақида онт ичадилар.

Бу хабар Шайх Нуриддин ва Шоҳ Маликбекларга етади. Улар шаҳзодалар ва маликаларга Халил Султон ва одамлари қасамдан қайтганлигини, тахтни эгаллаш учун Самарқандга келаётганлигини айтадилар. Маликалар кўзёши тўкиб, «Соҳибқирон вафотидан кейин

кўп ўтмай, улар шундай ишлар қиляптилар. Улар Соҳибқирон руҳи ва хотирасидан заррача бўлса-да уялмайдилар. Улар Соҳибқироннинг яхшиликларини унутдилар. Бир умид шундаки, тез орада улар бу қилмишлари учун жазо олмай қолмайдилар», дейдилар. Шайх Нуриддин ва Шоҳ Маликлар ҳам уларга далда бериб, «Шубҳа йўқки, улар ўзларини шарманда қилдилар. Худодан умидимиз, у бизга руҳан куч беради, то тирик эканмиз, ҳукмдоримизни унутмаймиз. Биз унинг покиза руҳидан шаҳзодаларга чин юракдан хизмат қилмоғимизни сўраймиз. Содиқлигимизни кўрсатиш учун қўлимиздан келган барча ишни қиламиз. Аллоҳ раҳмдил, у қўлаб-қувватлагувчидир», деган сўзларни айтадилар. Эҳ, бу қасамлар, қасамёдлар...

Тирикларга қасамлар ичилиб, қайтиб турилганда, ўликларга қилинадиган онтларнинг тутуруғи бўлармиди? Лекин, инсоф юзасидан айтиш керакки, ўзини ҳурмат қиладиган одам қасамёдга иккилик қилмайди, жонини берса берадики, сўзидан қайтмайди. Бу сифат қатъиятли кишига катта обрў ва ўчмас ном ҳадя этади. Бу сўзларнинг даромадини кейинроқда, Шайх Нуриддин мисолида кўрамиз.

Юқоридаги воқеалардан кейин, Шайх Нуриддин ва Шоҳ Малик маликаларга Бухорога жўнашни, ўзлари эса Пир Муҳаммад Мирзо ёнига бориб, Соҳибқирон васияти ва унинг қандай қилиб бузилганлиги тўғрисида сўзлаб беришларини айтадилар. Ўша оғир, пароканда кунларда Халил Султонга қўшилмай, Соҳибқирон васиятига содиқ турганлар орасида Оталмишбек, Тўкал Қарқара, Ҳасан Чигдовул, Арслон Тархон, Уставий, Шамсиддин Олмалиғий, Мусо, Камол, Бастарий Вафодор ва бошқа бир қанча беклар бор эди. Вақтида уларнинг ҳаммаси Соҳибқиронга яқин бўлган, ёнида ўтириб-турган кишилар эди.

Ўтрордан қайтиб, Самарқандга киритилмаган шаҳзодалар – Улуғбек ва Иброҳим Султон мирзолар, Соҳибқироннинг хотинлари – маликалар, болалар 1405

йилнинг 5 мартада ўзларининг ҳолларидан кўнгиллари бузилиб, Соҳибқиронни ёд этиб йиғлайдилар. Муаррих бу манзара ҳақида, «Шундай ҳолат бўлдики, уни қалам тасвирлашга ожиз», дея афсус чекади. Айниқса, Сарой Мулк Хоним ва Туман оғолар бошларига уриб, юзларини тирнаб, ғам-аламларини айтиб кузёши тукадилар. Уларнинг юзларидан қонлар оқади, сочлари тола-тола юлинади. Маликалар йиғлай туриб, ёш шаҳзодаларни қучадилар, эркалаб, юзларидан ўпадилар. Шундан сўнг, йўлга чиқишга ижозат бўлади. Шу вақтга қадар Алиобод деган манзилда омонат турганлар билан бирга Шайх Нуриддин ва Шоҳ Маликлар бирга кетадилар. Улар ўзлари билан Соҳибқироннинг Ўтторга олиб борган хазинасини ҳам бирга олиб кетадилар. Хазинада марварид ва лаълар, олтин ва кумушлар, шоҳи матолар, парча, хуллас, нима бўлса – барини бирга олиб, йўлга тушадилар. Рустам Тоғай Бугони Бухорога олдинроқ етиб бориш учун аввал жўнатадилар. Шаҳзодалар, шундай қилиб, Бухородан бошпана топиш учун кетадилар.

Сарой Мулк Хоним ва Туман Оғо бошчилигидаги маликалар ўз тарбияларида бўлган кичик ёшли Бойқаро, Ийжал, Саъд Ваққос, Суюрғотмиш каби шаҳзодалар ва яқинлари билан Алиобод (Самарқандга яқин Сўғд қишлоқларидан бири) манзилидан чиқиб Самарқандга кела бошлайдилар. Мотам либосига бурканган Соҳибқирон ҳарами ва уларга ҳамроҳлик қилаётганлар Амир Темур туғи ва ноғораси билан йиғи-сиғи қилиб Чаҳорром дарвозасига яқинлашадилар. Қалъа ичидаги беклар тошбағирликни ҳаддан ошириб, хотин-халажни ичкарига киритмайди. Ноилож қолган маликалар шу кунги шаҳар дарвозасидан унча узоқ бўлмаган борда қолишга мажбур бўладилар. Бу боғ шаҳзода Шоҳруҳ учун барпо этилган эди. Эртасига, олиб борилган музокаралар натижасида, маликалар, шаҳзодалар ва хизматкорлар Самарқандга қўйилади. Улар шаҳар ичидаги Муҳаммад Султон мадрасасига борадилар. Соҳиб-

қирон шу жойда дафн этилганди. Бу ерда улар таъзия-мотам бошлайдилар, йиғи-сиғи авжига минади, яна сочларни юлиш, юзларини тирнаш, хуллас, муаррих айтганидек, тасвири қаламда ифода қилиниши мумкин бўлмаган қайғули ҳолат такрорланади.

Соҳибқирон ҳарамининг шаҳарга кирганлиги, унинг маркади ёнида мотам тутаётганлиги хабарини олган, бунгача шаҳарда яшаб турган шаҳзодаларнинг, бекларнинг, саркардаларнинг хотинлари ҳам уларга қўшиладилар. Ҳаммалари устида қора кийим, бўйинларида намат, қаттиқ йиғлашга тушадилар. Самарқандда турган шаҳзода Муҳаммад Жаҳонгир ва бошқа шаҳзодалар, беклар, уламолар, фозилар, жумладан, Ҳожа Абдул Аввал, Ҳожа Асомиддин, Саййид Шариф Журжоний, Амирак Донишманд ва бошқалар мотам кийимларини кийиб, Ўтрордан етиб келган, бир неча кун шаҳарга қўйилмаган Соҳибқирон ҳарами жамоасига қўшилиб аза очадилар. Самарқанд шаҳри аҳолиси ҳам кўчаларга чиқиб, Муҳаммад Султон мадрасаси томон оқиб кела бошлайди. Шаҳарда дўконлар ёпилади, элнинг кўзёши дарё бўлиб оқади. Ҳамма жойда Қуръон тиловат қилинади. Бир сўз билан айтганда, Самарқанд мотамга чўлғанади, муаррих одамларнинг қайғу-ҳасратлари тасвири имкондан холи эди, дейди.

Шу орада Самарқандга киришга рухсат қилинмаган Улуғбек ва Иброҳим Султон мирзолар 6 март (1405) кунини Дабусия қалъасига етиб келадилар. Улар бу жойда турганларида изларидан Самарқанддан чопар Боён Темур Хазин деган киши етиб келади ва Ҳожа Юсуф ва Арғуншоҳлар томонидан ёзилган номани тақдим этади. Хатда, «Шаҳар дарвозасини сизларга очмаганимиз сабаби душман бўлганимиздан эмас, илло, бундай деб ўйламанг. Бизнинг мақсадимиз Соҳибқирон васиятига амал қилиш, васиятдан бошқасини тан олмаймиз. Шаҳзода Халил Султон келган тақдирда ҳам, унга дарвозани очиб бермаймиз. Тахтни то валиаҳд

шаҳзода Пир Муҳаммад келгунича асрашга биз содиқ-миз. Қачон у келса, шаҳарни унга топширамиз. Сизларга ушбу хабарни биздан юз ўғирмасликларингиз учун юбордик», дейилган бўлади.

Шаҳзодалар мактубни ўқиб, унга ишонмайдилар. Жавоб хатида, киноя аралаш сўзлар битилади, унда шаҳарни айтганларингиздай қўриқланглар, сўзда тура олсаларингиз яхши, номингиз қолади, йўқса, мангуга юзни қора қиласизлар, мазмуни бўртиб туради. Шундан кейин Шайх Нуриддин, Шоҳ Маликбеклар шаҳзодалар билан Бухорога кетадилар. Уч-тўрт кундан сўнг, Халил Султоннинг беклар ва қўшин билан Самарқандга келаётгани хабари олинади. Улуғбек ва Иброҳим Султон мирзоларни чалғитишга (ёки икки қайиқни ҳам тутиб туришни мақсадга мувофиқ билиш) уришиб, уларга нома жўнатган Амир Ҳожа Юсуф катта туҳфалар билан Самарқанддан чиқиб, Халил Султонни кутиб олиш учун Шероз қишлоғигача келади. Қишлоқ Самарқандда 25 чақирим нарида жойлашган эди. У Халил Султонга жиловдор бўлиб, Самарқандга олиб келади. Шаҳарнинг Халил Султонга майли бўлган амалдорлари Кўҳак тепалигида Шаҳзодани кутиб оладилар. Шу ерда шаҳар доруғаси Аргуншоҳ Самарқанд шаҳри ва хазиналар калитини Халил Султонга қўшқўллаб топширади. Яздий таассуф билан, *«Барча қасамхўр жиноятчилар Халил Султоннинг яқини бўлдилар ва Соҳибқирон руҳини унутиб, уялишни хаёлига ҳам келтирмадилар»*, деб ёзади.

Бухорога келиб ўрнашганлар Самарқанднинг Халил Султон томонидан эгалланганлиги дарагини эшитиб, унга лаънатловчи нома жўнатадилар. Улар бу ерда ўрнашиб, тагин васиятга содиқлик тўғрисида қасамёд қиладилар, бунга ёзма равишда ҳам мустаҳкамлаб қўядилар. Улар, ҳар эҳтимолга қарши, Бухорони бўлиши мумкин бўлган ҳужумдан муҳофаза қилишга саъй кўрсатадилар. Шаҳар икки қисмга бўлиниб, бозор томондан Шоҳ Маликбек ва шаҳзода Улуғбек, қалъа де-

воридан ташқари тарафни Шайх Нуриддин ва Иброҳим Султон мирзо муҳофаза қиладилар. Рустам Барлос, унинг укаси Ҳамза, Оталмиш, Тўқал Қарқара ва бошқа беклар шаҳар ичкарасида, ҳар қайсиси бир дарвозани қўриқлаб ҳушёр бўлиб турадилар. Мудофаа учун зарур қурилишларни бажарадилар, минора ва шаҳар девори мустаҳкамланади, таъмири битказилади.

Мунажжим Бадриддин башоратига кўра, Халил Султон ҳижрий 807 йил 16 рамазонда, товуқ йилида, ҳазрат Соҳибқирон вафотидан нақд бир ой кейин 1405 йилнинг 18 мартада Самарқанд шаҳри қалъасига киради, хазинани эгаллаб, тахтга ўтиради. Васиётга зид ўлароқ зўравонлик билан тахтни ишғол қилган Халил Султон ўз қилмишини бир оз бўлса-да, «қонунийлаштириш» учун марҳум валиаҳд Муҳаммад Султоннинг (у, айни вақтда тирик валиаҳд Пир Муҳаммад Мирзонинг акаси, Муҳаммад Жаҳонгирнинг эса амакиси эди) 9 ёшли ўғли Муҳаммад Жаҳонгирни маслаҳатчи хон қилиб қўяди. Ҳатто, унга ўзидан юқори жой беради. Халил Султон мамлакатни мустақил тарзда идора қилишга киришади, Мовароуннаҳрда унинг номидан пул зарб этила бошлайди, хутбалар унинг номига ўқилади.

Тахтни эгаллаганининг иккинчи куни у Муҳаммад Султон мадрасасига боради, яна мотам бошланиб кетади. Шаҳар халқи яна кўчага қора либосларда оқиб чиқади, йиғи оламни босиб кетади. Қўйлар, отлар ҳўкизлар сўйилади, Соҳибқироннинг қирқи бир неча кун давом этади, неча кун давом этган бўлса, одамлар кўплигидан очиқ ер қолмайди. Маъракадан кейин майдонга Соҳибқирон Амир Темурнинг шахсий ноғораси олиб чиқилади. Бир муддат уни чалиш буюрилади ва шундан сўнг, жаҳоннинг 30 га яқин мамлакатини фатҳ этишда қўшинларни жангга ундаган, уларга руҳий қувват бағишлаган, овози оламнинг ярмига тарқалган ва танилган ноғора тилка-пора қилиб ташла-

нади. Бу ноғора 1370 йилда, Соҳибқирон Балхда тахтга чиққанда, Саййид Барака томонидан унга давлат рамзи сифатида тақдим этилган эди.

Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур ҳазратлари ҳамиша ўлимни бўйнига олган, вафотидан кейин уни улуғ пири Саййид Барака оёғи томонга дафн қилишларини такрор-такрор айтган. Орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнг, шу хоҳишга биноан, Андхуддан улуғ пир Саййид Бараканинг хоки Самарқандга келтирилади, улуғ пир Андхудда вақтинчалик кўмилган эди. Пирнинг хоки Соҳибқироннинг ўзи томонидан бунёд этилган гумбаз остида дафн этилади. Соҳибқирон жасади, унинг ўз истагига кўра, Пирнинг оёқ томонига қўйилади. Шаҳзода Муҳаммад Султон хоки ҳам Соҳибқирон қабри ёнига кўчирилади.

Шундай қилиб, Самарқанд тахтига Халил Султон чиқади. Савол туғилади, Хитой юриши бошланган 1404 йилнинг 27 ноябридан бери унинг онаси Хонзода Бегим қаерда эди, Шоди Мулк билан бўлган воқеаларда унинг иштироки қандай бўлган? Афсуски, бу саволларга расмий тарихларда жавоб бўларли бирор сўз учрамайди. Бўлиб ўтган воқеалар ҳалқасида, хусусан, Шоди Мулкнинг Соҳибқирон ғазабидан қутулиб қолишида Хонзода Бегимнинг мутлақо ўрни ҳам, аҳамияти ҳам бўлмаган. Уни муқаррар ҳалокатдан асраб қолганлар шаҳзода Пир Муҳаммад ва Сарой Мулк Хоним, Шайх Нуриддин ва Шоҳ Маликлар бўлишган. Соҳибқирон Халил Султоннинг Шоди Мулк билан топишувида Хонзода Бегимдан ҳам гумондор бўлган ёхуд бу ишни билатуриб, айтмаганлиги учун ундан ранжиган. Йўқса, Табриздан келишни, Амироншоҳни ёмонотлик қилишни билган Хонзода Бегим, аввалги мақеи бўлганида, орага Сарой Мулк Хонимни ёки Пир Муҳаммадни солиб ўтирмаган бўларди. Хитой юришида Амир Темур ҳазратлари ўз ҳарамини, яқинларини, кичик ёшли шаҳзодаларни бирга олиб кетар экан, улар зум-

расида Хонзода Бегим номи зикр этилмаиди. Тахмин қилиш мумкин, Хонзода Бегим бу пайтда ўғли Халил Султон ўғруқида, у билан бирга бўлган. Халил Султоннинг бобоси ўлимидан кейин турланиши гоҳ Пир Муҳаммад валнаҳдлигини тан олиши, гоҳ сўзидан қайтиши, хуллас, бир муддат аниқ қарорга келолмай каловланиши орқасида кимнингдир сояси борлигини тахмин қилишга ундайди. Бу соя кимники бўлиши мумкин эди? Ҳеч бир шубҳасиз, бу унинг онаси Хонзода Бегим шарпаси эди. Бу шарпа ўғилни ҳол-жонига қўймаган, «тахтни эгаллашда бундан ортиқ имкон бўлмайди, отни тезроқ қамчила», деган. Шарпанинг қистовлари шаҳзоданинг виждонига қарши боришига, бобоси руҳини оёқ ости қилишига йўл қўйган. Хонзода Бегимнинг тахт учун бошлаб қўйган кураши қачонлардан буён давом этиб келганини ўқувчилар олдинги воқеалар талқинидан яхши биладилар.

Халил Султон тахтни эгаллаб, биринчи қилган иши бобоси хазинасини қоқлаш бўлади. Унга тарафдорлар, жуда к-ў-п тарафдорлар керак эди. Тахтни мустаҳкамлаб олиши учун олдинда қаттиқ курашлар ҳайбат солиб турарди. Шу сабабдан бекларни, саркардаларни оғдириб олиш учун хазина эшикларини ланг очиб қўяди ва «саховатпешалик» билан хазиналардаги олтин ва кумушларни аявсиз равишда бўлиб бера бошлайди. Яздий катта таассуф билан олтин ва кумушлар буғдой ва арпа тортиш учун мўлжалланган идишларга солиб берила бошлади, дейди.

Шарафиддин Али Яздий Халил Султоннинг бобоси тахтини эгаллаши муносабати билан, подшоҳ, ҳукмдор тўғрисида мулоҳаза юритиб, *«Олижаноб, кўнгли очик, бағрикенг подшоҳ Худонинг ердаги соясидир. Аллоҳ қудратли ва улугдир, тожу тахт ва салтанат ҳасаси Аллоҳ Таолонинг қудратини гавдалантирувчи рамзлардир. Подшоҳлик Хумой қушининг сояси бўлиб, у алоҳида бир кишиларга насиб этади, уларни Аллоҳ ўз раҳми хоҳиши билан танлаб олади. Бахт лаззати-*

ни фақат шундай танланган одамларгина тотади. Подшоҳликка кўп сонли қўшинлар ва беҳисоб бойликлар билан эришиб бўлмайди», деган хулосага келади.

«Бу сўзларни келтиришимдан мақсад, – деб мулоҳазада давом этади муаррих, – дунё яралган буён Халил Султон эришган юксакликка жуда оз одам муяссар бўлган. Келиб чиқиши жиҳатидан у Соҳибқироннинг набираси эди... Ўша вақтда Ер юзидан Самарқанддан кўра ободроқ шаҳар йўқ эди. Бу жойда олимлар, донишмандлар, дунёнинг турли минтақаларидан олиб келинган қўли гул ҳунармандлар бор эди. Шаҳарда қанчадан-қанча хазиналар бўлиб, улар олтин, кумуш, матолар, шоҳилар, парчалар билан лиқ тўла эди. Агар бутун дунё котибларга айланиб, бу бойликларнинг ҳисобини олганида, улар ақлли битта хазинанинг ҳам ададига ета олмаган бўларди. Чунки, Эрон ва Турон подшоҳлари томонидан узоқ йиллар давомида Қалмоқдан то Румга қадар, Ҳиндистондан Шомга, Хоразмдан Дашти Қипчоққа, Русдан Черкасга, Булғордан то Фарангга қадар бўлган мамлакатларда нимаики тўпланган бўлса, бу ерга олиб келинган ва жамланган эди. Соҳибқирон ўттиз олти йил давомида дунёни забт этди, бу йиллар давомида хазинага хирож солиғи тушумлари келиб турди. Ана шу хазиналарнинг ҳаммаси ва бойликлар шу шахзода қўлига тушди. У шундай қилдики, тўрт йилда бу бойликлардан из ҳам қолмади».

Муаррих Халил Султон ҳокимиятининг тубан кетиши сабаблари ҳақида гапирар экан, бунда бош айбдор сифатида Шоди Мулкни курсатади. «У Хожи Сайфиддиннинг (1403 йилда вафот этган) канизақларидан бири (бева, албатта) Шоди Мулкни севиб қолади, – дейди Яздий, – ва Соҳибқирондан яширин равишда унга уйланади. Бироқ, қўрққанидан унинг висолига етиша олмайди. Подшоҳ бўлганидан кейин эса, у билан айшу шират қилишга берилди, бир зум ҳам унинг сеҳридан холи бўла олмасди. У ниманики

гапирган бўлса, муҳайё қилар, ўз эркини тамомила унинг ихтиёрига бериб қўйган эди. Талон-тарож кафтини очиб, қисқа муддатда шундай хазинани қоқлади. Улар шундай одамларни тарбият қилдиларки, улар дастидан вилоятлар хароба ҳолига келди. Тамомила ёт кишилар, тўдаларни ўзларига яқин қилиб, уларни беклар даражасига кўтардилар. Бу тубан маҳлуқларда димоғдорлик пайдо бўлиб, фитна-фасодлар қурдилар».

Муаррих ички бир надомат билан шу воқеаларни талқин этар экан, Шоди Мулкнинг Соҳибқирон хазинасинигина эмас, унинг муқаддас ҳарамини ҳам йўқ қилганини айтади. «Яна ёмон ишлардан бири шу бўлдики, – деб ҳикоя қилади, Шарафиддин Али Яздий, – ўша аёл, унинг маҳбубасига айлангач, унга шундай дейди: Соҳибқироннинг хотинлари ва канизаклари кўп. Уларнинг ҳар бирини биттадан бекка бериш керак, шунда бу беклар ҳар томонлама содиқ ва итлоатда бўлади. Қочонки, улар якдил бўлсалар, оламда тартиб ва интизом қарор топади».

Халил Султон бу талабларни ўйлаб кўргандир, бобоси руҳига қарши қадам қўйишга журъат қилолмагандир, деб ўйларсиз. Асло. «Муттасил қулоққа қўйилган фисқу фасодлардан, – дейди Яздий, – бу шаҳзода аҳмоқ улуғликка тиш-тирноғи билан ташна бўлган тубан маҳлуқларнинг айтганини қилиб, Соҳибқироннинг покдомон хотинларининг ҳар қайсиси бир бекка зўрлаб эрга берилди, ҳолбуки, бу маликалар унга она мақомида дейишга лойиқ эдилар. Бу қимматбаҳо дуру гавҳарларни у ифлос қўйинларга тикди, марваридни тош билан тенг қилди. Унинг мана шу қилғиликлари учун қўшин ва халқ ундан юз ўгирди, ёмон куриб қолди. Буларнинг ҳаммаси ёмон маслаҳатчилар ва яқинларнинг гап-сўзлари, тезлашлари билан бўлди. Шу ифлослар билан у майхўрлик қилди, дунёни унутди».

Шу воқеалардан кўп узоқ эмас, тўрт ой муқаддам, Ўтроп йўлига тушган Соҳибқирон Амир Темур оила

шаънига доғ бўлиб тушадиган (бева канизак) Шоди Мулкни дастлаб ўлимга ҳукм қилган эди. Кейин унинг ҳаёти сақлаб қолинганди. Шоди Мулк ҳомиладор бўлганлиги учун олий жазодан қутулган эди. Лекин, тарихларда Шоди Мулкнинг Халил Султондан фарзанд кўрганлиги қайд этилмайди. Соҳибқирон Амир Темур вафот этганда, Халил Султоннинг бир қизи борлиги айтилади. Бу қиз унинг аввалги хотини Жаҳон Султондан туғилган, дейиш асосли кўринади.

Муаррих, Шоди Мулкнинг Соҳибқирон аёлларига қилган бедодликлари тўғрисида гапирар экан, ана шу мудҳиш ҳаракатдан кейин халқ нима учун Амир Темур ҳазратларининг бу канизакни ўлимга ҳукм қилганлиги сабабларини тушуниб етди, дейди. Соҳибқиронда, хоҳлаймизми-йўқми, келажакни кўра билиш, одамларни баҳолай олиш салоҳияти бор эди. Ҳар сафаргидек, Шоди Мулк тўғрисида у тутган йўл тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқ қилади. Муаррих Яздий Амир Темур хотинларидан кимлар қайси бекларга эрга бериб юборилгани борасида мисоллар келтирилмаган. Бунинг жавобларини бошқа бир тарихдан «Матлаи саъдайн ва мажман баҳрайн»дан топиш мумкин бўлади.

Маликалар кушандаси қилмишлари қаерга қадар борганлиги ўқувчиларни қизиқтиради, мавжуд далилларни ўртоқлашиш мавриди келди. Бу бобда Ибн Арабшоҳ ҳам эшитганларини ёзиб қолдирган. Қиёс қилиш, мушоҳада этиш учун имкон, ҳар ҳолда, етарли.

МУҚАРРАР ХОРАИК

Ибн Арабшоҳдан эшитайлик. Баъзи бир жиҳатлари дейилмаса, Соҳибқирон вафотидан сўнг, Самарқандда кечган воқеа-ҳодисалар Дамашққа ҳам оқмай-томмай, етиб борган кўринади. *«Халил Султон Амир Сайфиддиннинг хотини Шод Мулкка уйланган эди. У хотиннинг ишқи Халилни батамом эгаллаб олган*

бўлиб, гўё у шу ишқда асирдек эди... Улар гўё кенз бир кўйлак тикиб, уни икковлари киярдилар ва бирлашардилар. Натижада, Халил Султон хотин тили билан сўзлаб, хотини эса Халил Султон тили билан сўзлай бошлади... Натижада, Шод Мулкнинг раъйсиз Халил Султондан бирон фармон содир бўлмай, подшоҳлик сийёсати унинг закоси нурисиз ёруғлик кўрмай қолди. Шундай қилиб, Халил Султон унга ўз жиловини топшириб, муродига ўз муродини тобе қилди. Бу нарса гоятда ақлсизлик ва девоналикдандир. Қандай қилиб ўз подшоҳлик жиловини хотинига тутқазган подшоҳнинг омади юришсин?

Унинг (Шод Мулкнинг) илгаридан бир хизматкори бўлиб, у фуқаронинг қуйи табақасидан бўлиб, олдинлари бўз ва каноп кийимлик сотар эди. У Бобо Тармиш деб аталиб, унинг кўзи шилпиқ, юзи сепкилли, сурати қабоҳатли, хулқи атвори ёқимсиз эди. Бобо Тармиш Шод Мулк жамоасига пешволик қилиб, кейин девон муҳокамаларини ечиш ҳамда салтанат масалалари ижросига ҳам аралашини даражасига кўтаришди. Натижада, Бобо Тармиш мамлакат бош вазири дастури бўлиб маҳдумасининг қудрати туфайли шавкатининг кескинлигидан бирон киши унинг сўзини рад этишига қодир бўлмади. У ўз ихтиёр қилганича қўлини-ю тилини чўзди. У Оллоҳдод билан Аргунишоҳга кўп ноҳақликлар кўрсатиб, адабсизликда шу даражага бориб етдики, ҳатто улар ҳузурида оёгини уза-тиб ўтирар эди. Бобо Тармиш ўзининг машваратсиз биронта ҳам масаланинг ҳал бўлишини ман қилди; агар у гойиб бўлса, унинг келишини кутсинлар ёки унинг ҳузурига борсинлар, деди. У юзага чиқиб, мартабасига эришгунча орадан уч йил чамаси муддат ўтди...» дея талқин қилади Ибн Арабшоҳ. Гарчанд, Яздий ҳам Шоди Мулк атрофидаги қаланғи-қасанғилар ҳақида сўзлаган бўлса-да, Бобо Тармиш каби алоҳида ажралиб, салтанат сурганларнинг номини эслатиб, Шоҳруҳ Мирзо ва унинг фарзандлари қўнглига тегмаслик-

ни истагандир. «Зафарнома» улар нигоҳида эди, ҳар сатри синчиклаб ўқиларди-да.

Абдуразоқ Самарқандий Халил Султоннинг Самарқандни эгаллаши воқеалари Ҳиротда қандай акс-садо берганлиги билан асарини бошлаган. Шоҳруҳ Мирзо Соҳибқироннинг кенжа ўғли сифатида Мовароуннаҳрнинг қўлдан берилишига, тахтнинг зўрлик билан тортиб олинишига қўниши мумкин эмасди. Шу сабабдан, кенгаш чақирилиб, Мовароуннаҳрга юриш қилишга қарор қилинади. Шоҳруҳ Мирзо, гапнинг очиги, отаси вафотидан кейин тахт талаб бўлганлар орасида, менинг назаримда, энг ақллиси бўлиб кўринади. Акаси Амироншоҳнинг Хуросон талабида келаётганида, унга мактуб йўллаб, мулойимлик билан асосли равишда изига қайтарганлиги – катта талафотнинг олдини олган эди. Бу сафар ҳам у Халил Султонга мактуб йўллаб, «падари бузругвор Аллоҳ раҳматига етишди; бугун сен менга биродар ва фарзанд ўрнида жондан ширинроқ ва кўз нуридан азизроқсан; хазина, мамлакат ва аскарлардан нимани орзу қилсанг, сендан дариг тутмайман, аммо менинг ёшим катталиги, яқин кишиларни олдиндан аниқлаш, бандалару асил ходимларни риоят қилиш ишларининг нозик тарафларини билишим сенга равшан ва орамизда туғишганлик иплари маҳкам. Агар баъзи амирлар масофат йироқлиги ва фитна-ю офат кўрқинчи сабабли биз йўқлигимизда иттифоққа келган бўлсалар, энди маслаҳат шулки, сен тўла зийраклик юзасидан иш тутиб, ҳузуримизга келгин, токи биз нимани маъқул топсак, шунга иттифоқ тузиб, амал қилайлик», деган таклифни қўяди.

Шоҳруҳ Мирзонинг Мовароуннаҳрни кўзлаб юриш бошлагани хабари Бухорога ҳам етган бўлса керакки, у ердан амир Шоҳ Малик келиб, Шоҳруҳ Мирзога ўғиллари Улуғбек ва Иброҳим Султон мирзолар ҳақида хабар беради. Шу орада Жайхун бўйига етишган Шоҳруҳ қароргоҳига Халил Султон элчиси нома олиб кела-

ди. Бу хатнинг мазмунига эътиборни қаратайлик. «Мен Онҳазратнинг (яъни, Шоҳруҳнинг – П. Р.) бандаси, давлатхоҳи ва инисиман; аммо ҳазратимизнинг элу улуслари Хуросондадир; албатта, у мамлакатни ташлаб кетмасалар керак ва бу вилоятни бирор қулларига ёки ини ва ноибларига топширарлар. Шундай бўлгач, бу ишга мендан бошқа қайси бир қул қобилиятлироқ бўла олиши мумкин?! Агар илтимосни қабул қилиб яқин қариндошлик ҳуқуқига риоя қилсалар ва бахту саодат билан қайтиб кетсалар, мен хазина ва мол юбораман ҳамда ҳар нимагаки ишорат қилсалар бажо келтираман». Шоҳруҳ Мирзо мазкур номани ўқиб, таъсирланиб кетади ва юришни тўхтатиб, изига қайтади. Шу азму қарори билан у отаси Соҳибқиронни эслатиб, вақтида у Зотдан сиёсат бобида кўп нарсалар ўрганганлигини намоён этади. Лекин, Халил Султон бебурдлик қилади, Самарқанддан чиқиб, тўла қуролланган кўшин билан Жайхун томон босиб келаётгани хабари олинади. Бундан Бухорода турган Шайх Нуриддин, Шоҳ Малик ва шаҳзодалар ҳам хавотирланадилар, чунки шаҳар доруғаси Халил Султон юришидан ҳам олиб, уларга мухолифатчилик курсатади. Доруға Рустам Тоғай Бугонинг душманлигидан Шайх Нуриддин ва Улуғбек, Иброҳим Султон мирзолар Ҳирот йўлига тушадилар. Ҳиротда бўлган маслаҳатларда Шайх Нуриддиннинг Халил Султон олдига бориши мақбул кўрилади, ихтилофни тинч йўл билан ҳал этиш истаги шуни тақозо этади. Шайх Нуриддин Халил Султонга, «Амир Соҳибқирон жаҳон салтанат тахти билан видолашар экан, кўп мамлакат ва сон-саноксиз хазиналар қолдирди, энди фарзандлардан лозимки, дўстларга садоқат ва душманларга адоват кўрганишда оғо-инилик шартларига қаттиқ риоя қилсинлар...» деб, уни иноқликка даъват этади. Муаррих, Халил Султоннинг Шайх Нуриддин гапларига кўнганлигини, Шоҳруҳ Мирзонинг айтганларини бажаришга ваъда қилганлигини айтади.

Амир Темур ҳазратлари дунёдан ўтганда, Дашти Қипчоқда ўз аскарлари билан қишлаб турган набира Султон Ҳусайн биринчи бўлиб, Самарқанд тахтини эгаллашга от қўйганлиги тўғрисида олдинда сўзланган эди. Шоҳруҳ Мирзо билан Халил Султон ўртасида, юқорида кўрганимиздек, вақтинча бўлса-да, муроса вужудга келади. Султон Ҳусайн бу орада нималар қилди, унинг талвасалари қандай самара берди, буларга ҳам бир кўз қирини ташлаш маъқул кўринади. Маълум бўладики, Самарқандда бир иш чиқара олмаслигига кўзи етган Султон Ҳусайн Шоҳруҳ Мирзо хизматига бош эгиб келади. Халил Султоннинг Мовароуннаҳрда кучая бошлаганини эшитиб, Андхуд теварагида ҳеч бир сабабсиз Шоҳруҳ Мирзо ўрдасидан қочади ва Самарқандга Халил Султон хизматига боради. Халил Султон унга катта иноят кўрсатади, ишончли одамларидан бирига айлантиради. Халил Султон тахтга ўтаргач, Самарқандда сақланаётган валиаҳд Пир Муҳаммад Мирзога тегишли хазинани унга бермай қўйган ва орада хавфли вазият вужудга келган эди. Шу муносабат билан Халил Султон, валиаҳд Пир Муҳаммад Балхда турган вақтида, ундан бохабар бўлиб туриш учун Султон Ҳусайн бошчилигида амир Оллоҳдод, амир Арғуншоҳ, Темурхожа ва Ҳожа Юсуфни Балхга юборади.

Тақдирнинг ўйинларини қаранг. Кечагина бу беклар малика Сарой Мулк Хоним, Туман Оғо ва шаҳзодаларни Самарқанд дарвозасидан киритмай, сарсону хор қилгандилар. Балхга келган Султон Ҳусайн димоғида яна мулкгирлик васвасаси пайдо бўлади ва ўзи билан келган амирларни уйига чорлаб, чамаси, ўзини қўллаб-қувватлашни улардан талаб қилади. Розилик бўлмаган, чоғи, йигирмата навкар чақирилганларнинг ҳаммасини боғлаб ташлайдилар. Ҳожа Юсуф ва Темурхожа дарҳол ўлдирилади. Арғуншоҳ, Мубашшир ва бошқалари тиз чўкиб ялиниб, унга ҳамкор бўлишга қасамёд қиладилар. Улар энди талончилик йўлига ки-

ради ва Самарқанддан Балхга келаётган Муҳаммад Султон Мирзоининг ҳарами Хоника Бегим кўчини талон-торож этади, подшоҳлик молларини навкарларга бўлиб беради. Навкарлар ҳам истар-истамас унинг амрига бўйсундилар ва Самарқандга, Халил Султон устига юриш қиладилар. Халил Султон ҳам ўз навба-тида қўшин аҳлига катта туҳфалар бериб, Кешнинг Жигдоллик деган мавзисига етиб келади. Буни қаранг-ки, эски қасамхўрлар – Оллоҳдод, Аргуншоҳ ва бошқа амирлар имкон бўлди дегунча, Халил Султон томони-га қочиб ўтадилар. Султон Ҳусайн шармисор бўлиб қочини йўлини тутати. Бу воқеа ҳижрий 808 йил му-ҳаррам ойининг саккизинчисида (6 июль, 1405) юз беради. Ноилож қолган Султон Ҳусайн Ҳиротга, яна Шохруҳ Мирзодан паноҳ истаб боради. Шохруҳ Мир-зога қолса, уни бу сафар ҳам бағрига олган бўларди, бу унинг қонига отаси томирларидан ўтган эди. Ле-кин, муаррих қайд этиганидек, давлат арбоблари ва сарой аҳлини, «*Бу нодон галамис ва оқибатсиз бебок ҳазрат Соҳибқирон ҳаётлиги замонида ҳам Самар-қандда, яна Шомда исён кўтарган, Онҳазратнинг ва-фотидан кейин амирлар билан муҳолифатчилик қилган эди, энди эса ҳеч сабабсиз зафар байроқли ўрдудан юз ўгириб, Мирзо Халил Султон ҳузурига бор-ди, унинг амирларини қатлга етказди ва ўзига ҳам қасд қилди, Хониканинг мол-мулкани гораг қилди. Энди, Худо кўрсатмасин, ногоҳ бир улуғ фитна зо-ҳир бўлишига йўл қўймаслик лозим, акс ҳолда син-ган суякни тузатиш учун тадбир хазинасида тақ-дир баҳонасидан бўлак бирор чора қолмаслиги мум-кин. Унинг кўринишида нифоқ далиллари, хатти-ҳаракатларида келишмовчилик белгилари пайдо бўлганлиги аниқ ва равшандир. Улуғлик манзилидан Ҳумоюн ёрлиқ содир бўлиб (фармон – П.Р.), Нуширвон Барлос (бу ўша, Ҳожи Барлоснинг укаси, амакизода) Мирзо Султон Ҳусайнни Ҳиротнинг Ироқ дарвозаси ташиқарисидида қатлга етказди».*

Мана, тож даъвогарининг машъум қисмати. Мана, бобосига, унинг васиятига тескари борган набиранинг аччиқ тақдири. Унинг қилган манфур ишларига бундан бошқача жазо бўлиши мумкин эмасди. Қариндошлар, шу тариқа, бир-бирини осинга киришадилар. Оила шаънини булғаган муртад, буюк салтанатни парчалашга уринган манфур кас шундай жазога мустаҳқил этилади. Давлат тақдири ҳал бўлаётган бир пайтда, ортиқча раҳмдиллик, ким бўлишидан қатъи назар, ҳатто Соҳибқирон Амир Темурнинг кичик қизи Тоғай Шоҳ Оғо Бегимнинг ўғлини жиноят учун жазодан мустасно қилолмасди. Бу, энди, хонадон тўрт деворининг қайси бир буржи нураши ҳам эди.

Кўрдикки, шу вақтга қадар валиаҳд Пир Муҳаммад Мирзо содир бўлган воқеалардан четда қолиб келди. Халил Султон унинг пойтахтда сақланаётган хазинасини ҳарбий мақсадларга ишлатмаслиги учун бердирмай кўйди. Бунинг устига, Султон Хусайн бошчилигида Балхга амирларни кўшин билан ташлаб, валиаҳднинг чакки ҳаракат қилмаслигини назорат қилиб турди. Султон Хусайннинг қатл этилиши Пир Муҳаммад Мирзонинг ҳам ҳаракатга тушишига туртки беради. Бу орада Халил Султон кўшинлари билан Шоҳрух Мирзо лашкари дарё ёқосида тўқнашадилар. Бу жанг сулҳ билан хотима топади. Пир Муҳаммад Мирзонинг яқинлари унга, «Мирзо Пир Муҳаммад ҳазрат Соҳибқироннинг валиаҳдидир; тахт унга тегишли, чунки у оға, Мирзо Халил эса инидир», дейдилар. Халил Султонга йўлланган номага жавоб, ўта масхаралаш тарзида бўлиб, «Амир Темурга тахтни берган Худо менга ҳам уни иноят қилди», мазмунида, нописандлик билан ёзилган эди. Жавобдан Шоҳ Малик ҳам, Пир Муҳаммад Мирзо ҳам дарғазаб бўлиб, лашкар тузиб, Халил Султонга қарши отланадилар.

Икки ўртадаги жанг Насаф шаҳри атрофида бўлиб ўтади. Халил Султон кўшини кўли баланд келади, Балх лашкари қочади, уларнинг аслаҳа-юклари ўлжа оли-

нади. Бу воқеа рамазон ойининг иккинчисида – 1406 йилнинг 21 феввалида бўлиб ўтади. Шоҳруҳ Мирзо бу мағлубиятни эшитиб, дарҳол от жilовини мағлублар томонига буради. Жанг олдидан отларни семиртириш, дам бериш учун бир ой Бодғис далаларида турадилар. Шоҳруҳ Мирзо бундан олдинроқ Халил Султонга элчи қилиб жўнатган Амир Қаноширин Халил Султон навқари билан бирга етиб келади. Яна муносабатлар таҳрир этилади, музокаралар амалга оширилади, ўртада бўлиб ўтган жангу жадаллар такрорланмаслигига аҳд қилинади. Халил Султон томонидан Оллоҳдод ва Арғуншоҳлар Жайхун ёқосидаги мулоқотда унинг номидан иш кўрган бўлсалар, Шоҳруҳ Мирзо тарафидан Амир Мизроб ва Тўкал Темур тавочилар сулҳ масалаларида музокара олиб борадилар. Тўкал Темур тавочи Амир Мизроб олдидан Ҳиротга келиб, «биз дарё ёқосида кўп турдигу, аммо Мирзо Халил Султон ваъдага вафо қилмади», деган арзни етказди. Мовароуннаҳр ва Хуросон ўртасидаги зиддият юзада тинчиб тургандек бўлса-да, ичдан тутаб, аланга олиш арафасида эди. Халил Султон салтанат ишида хомлигини, ўзининг мустақил фикри йўқлигини тобора намоёиш қилишга тушган эди. Аксинча, Шоҳруҳ Мирзо босиқлик билан, ҳамма томонни ҳисобга олиб, биринчи галда, оғо-иниларининг тинч-тотувлик билан ҳокимиятда туришларини кўзлаб, сиёсат олиб борарди.

1407 йилнинг март ойи охириларида Самарқанддан кутилмаганда Хонзода Бегим Ҳиротга, Шоҳруҳ Мирзо саройига келади. У ўзи билан бирга Шоҳруҳ Мирзонинг 1404 йилда туғилган уч ёшли ўғли Муҳаммад Жўгий (Яздий «Жоку» деб ёзади) Мирзони ҳам ола келганди. Болакай шаҳзода Хонзода Бегим тарбиясида бўлган. Соҳибқирон ҳаётлигида туғилган бу шаҳзода-ни Хонзода Бегимга яхши ниятлар билан уни улғайтиришга топширган. Лекин Амир Темур ҳазратларининг ўлимидан кейин Муҳаммад Жўгий қарама-

қарши қутбларга бўлиниб қолган икки оға-инининг муносабатлари шаклланишида беихтиёр гаров мақомига тушиб қолганлиги эҳтимолдан холи эмасди. Хонзода Бегим, тахмин қилиш мумкинки, Соҳибқирон вафотидан кейин шаҳзодани тезлик билан ота-онасига келтириб топшириши лозим бўлгани ҳолда, бу ишни икки йил орқага тартади. Муҳаммад Жўгий Мирзонинг Самарқандда бўлиши, маълум даражада, Шоҳруҳ Мирзонинг Халил Мирзога нисбатан кескин чоралар кўришини тийиб турувчи мурват эди. Шундай бўлади ҳам, Халил Султоннинг сўздан қайтиши, жанг бошлаши ва кечирилиши асосида кўзга кўринмас гаров муаллақ турар эди. Энди, кун сайин Шоҳруҳ Мирзонинг мавқеи кучайиб, аксинча, ўғли Халил Султоннинг ишлари чалкаша бошлагач, макрни эзги қилиб ичган Хонзода Бегим Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига етиб келади. Шоҳруҳ Мирзо ва Хонзода Бегим ўртасида нима гап-сўзлар кечган, Абдураззоқ Самарқандий ҳам, Фасиҳ Хавофий ҳам буни зикр этмаганлар. Тахмин қилиш мумкинки, «ёпиқ эшиклар орқасида» бўлиб ўтган бу мулоқотда Хонзода Бегим шарт қўйиш мақомидан йироқ бўлган, аксинча, қайноғасидан ўғли учун мурувватли бўлишни сўраган бўлиши керак, деган фикрдаман. Халил Султоннинг иши авжда бўлганда, Хонзода Бегим ўзини панада тутган, Ҳиротга келишни ўйига ҳам келтирмаганди. Ана шундай, бу сиёсат дегани керак бўлса, димоғни кўтаради, керак бўлмаса, бўрсикдай эмаклатади.

Хонзода Бегим ва ўғли шарафига Шоҳруҳ Мирзонинг катта тўй бериши ҳам шу тахминда жон борлигини кўрсатади. Аввало, Муҳаммад Жўгийнинг эсон-омон олиб келиниши ўзи шодликка боис воқеа эди. Хонзоданинг бош эгиб келиши эса Мовароуннаҳрнинг ҳам тасарруфга киришидан ўзига хос мужда эди. Муносабатларнинг омонат мўътадиллиги даврида, Шоҳруҳ Мирзо Самарқандда турган иккинчи боласи, ягона қизи Бегикони ҳам Ҳиротга олиб келтириш (эҳти-

мол, Муҳаммад Жўгий Мирзо ҳам шу тарзда талаб қилиб, олиб келингандир) тараддудиди бўлади. «Матлаи саъдайн»да бу ҳақда, «Онҳазрат (Шоҳруҳ Мирзо – П.Р.) ўз саодатманд фарзанди Бегикони олиб келсинлар, деб амир Фармоншайхни Мирзо Халил ҳузурига юборди», дейилади. Бегико Бегим қалтис бир вазиятда Самарқанддан олиб келинади.

1409 йилнинг бошларида Халил Султон ҳокимияти шиддат билан заволга юз тутади. Ўтрор сафарида Соҳибқирон Амир Темур томонидан катта қўшинга бошлиқ этилган Худойдод Хусайний Мовароуннаҳрда катта кучлардан бири эди. У Халил Султонга нисбатан қаттиқ қасдланган бўлиб, унинг устига юриш бошлайди. Шу орада, Бодрисда Шоҳруҳ Мирзонинг улкан лашкар жамлаганини эшитган Халил Султон ҳам кўп сонли қўшин тузиб, Кеш-Шаҳрисабз сари келади. Амир Худойдод Хусайн Хўжанд суви бўйида турганлигини билган Халил Султон амир Оллоҳдод ва амир Арғуншоҳларни уч минг отлиқ билан унга қарши жўнатади. Икки қўшин Жиззах чегараларида бир-бирига юзмаюз келиб, бир неча кун жанг қилмасдан, пайт пойлаб туради. Халил Султон яна тўрт минг отлиқни ёрдамга жўнатади. Ўзи ҳам Самарқанддан ўтиб, Шероз қишлоғига келиб тушади. Хуллас, бўлиб ўтган савашда амир Худойдоднинг қўли устун келади ва Халил Султонни асирга олади. Бу воқеа 1409 йилнинг 30 март куни юз беради. Мовароуннаҳр ҳукумати, шу тариқа амир Худойдод қўлига ўтади ва Халил Султон номидан фармонлар, ҳукмлар ёзиб, унинг муҳрини босиб, вилоятларга юбориб туради.

Мовароуннаҳрнинг сулоладан бошқа кишилар қўлига ўтганлиги хабари Шоҳруҳ Мирзони бу юртга лашкар тортишига сабаб бўлади. Шоҳруҳ Мирзони қўлламоқчи бўлиб, Бухорода ўз чериги билан турган Шайх Нуриддин ҳам амир Худойдод томонидан мағлуб этилади. Шоҳруҳ Мирзо Жайхун дарёсидан ўтади. Халил Султоннинг хотини Шоди Мулкни Абдулхожа

деган киши Шоҳруҳ ўрдасига олиб келади. Амир Худойдод ўз кучини чамалаб кўриб, Шоҳруҳ лашкарига тоб беролмаслигини биледи-да, Халил Султонни банди қилиб, қочишга юз тутеди.

Амир Худойдод қочиб кетгач, Шоҳруҳ Мирзо Самарқанни бир ўқ узмасдан ўз ҳукмига олади. Отаси, буюк Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари пойтахтига у голиб сифатида кириб келади. Амир Худойдод Мўғулистон томонга қараб қочган эди. Шоҳруҳ Мирзо, Соҳибқирон қўлини қилиб, унинг изидан Ладуний тархонни жўнатади. Унга мурувват кўрсатилиши ҳақида ваъда берилганди. Лекин амир Худойдод, «Амир Шайх Нуриддин Онҳазратни шу кайфиятда қолдириб қўймайди, агар уни бандга олсалар, мен хизматга бораман», дейди.

Шоҳруҳ Мирзо бу шартга рози бўлмай, ғазабга келади ва Мўғулистонга қўшин тортишга қарор беради. Амир Худойдод Мўғулистон хони Муҳаммадхондан мадад сўрайди. Муҳаммадхон ўз укаси Шамъи Жаҳонни мададга юборади. Шамъи Жаҳонни Тошкент атрофида кутиб олган амир Худойдод унинг ёрдамида билан Шоҳруҳ Мирзони даф этмоқ фикрида эди. Шамъи Жаҳон жуда мулоҳазали, кечани ва эртани ўйлаб иш тутадиган, ақли киши эди. У, ўз беклари билан кенгашар экан, «Соҳибқирон ҳазратлари қанча иноятлар кўрсатганлигига қарамай, амир Худойдод унинг фарзандларига нисбатан нима вафодорлик қилди?» деган саволни қўяди. Шундан сўнг, Шамъи Жаҳон амир Худойдодни қатл этиб, калласини Шоҳруҳ Мирзо амири Шоҳ Маликка юборади. Вақтида, Соҳибқирон васиятига қасамёд қилиб, уни бузганлар тақдири, вожабо, шу тариқа бирин-кетин фожиавий якун топади. Бунда Соҳибқирон руҳими ёхуд қасамни бузиш касрими, қандайдир кўзга кўринмас илоҳий бир куч ўз ҳукмини ўтказгандек туюлади менга. Қасамхўрликнинг элимизда лаънатланиши бежиз эмас экан, деган хаёлларга бораман. Шундай қисмат Соҳиб-

қирон даврида иноятларга лойиқ бўлган амир Худойдод ва унинг ўғли Оллоҳдодларга ҳам етишади. Мовароуннаҳр Шоҳруҳ Мирзо инон-ихтиёрига ўтгач, отаболанинг кесилган боши унга келтирилади. Шайх Нуриддин, Худойдод ўлдирилгандан кейин ўз вилоятига – Туркистон тарафга кетишга (Мўғул лашкари бу жойларга келганлиги боисидан) ижозат сўрайди. Шоҳруҳ Мирзо унга тезда қайтиб келиш шарти билан рухсат беради.

Халил Султон бу пайтда Аллонқўх тарафга кетиб, унинг қалъасига бекиниб олганди. Амир Шоҳ Малик қалъани муҳосара қилгач, у мурожаат қилиб, «Йўлимни очиб кўйинглар, ўзим Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига бораман», дейди. Шоҳ Малик қамалдан воз кечиб, унга имкон беради.

Шу орада Шайх Нуриддиннинг ҳам феъланда айниш куртак ота бошлайди. У, айтилган вақтда Шоҳруҳ ҳузурига қайтмайди. Унинг ортидан Қутбиддин Қарумий ва амир Тўкал Қарқаралар юборилиб, кечикиш сабаблари сўралади. Шайх Нуриддин, чамаси, вақтдан ютиш учун бўлса керак, «Шоҳруҳ Мирзо Хуросонга қайтганидан кейин, Улуғбек Мирзо хизматида ҳозир бўламан», деган «узр»ни айтади. Шоҳ Малик қўлидан алдов билан қутилган Халил Султон Аллонқўхдан тўғри Шайх Нуриддин олдига боради ва унга қўшилади. Бу иккаласи қачон тилни бир қилган, жавоб аниқ эмас. Нима бўлганда ҳам, уларнинг бирикиши Шоҳруҳ Мирзо учун жиддий хавф туғдиришидан ташқари, Мовароуннаҳрнинг парчаланиб кетишига ҳам сабаб бўларди. Шу боисдан, Шоҳруҳ Мирзо Шайх Нуриддиннинг «узрини» қабул қилмай, уларга қарши қўшин тортади. Қўшин Оқсулот деган ерга етганда, Халил Султон номақбул ишидан пушаймонга келади ва Шоҳруҳ Мирзо олдига эски хизматкори Яҳёко деган одамни йўллаб, «жонига қасд қилмаслик»ни сўраб, нома ёзади. Бу пайтда Шайх Нуриддин ва Халил Султонлар ўтторда қарор топган эдилар. Халил Султон Шоҳруҳ Мирзо

юборган Шоҳ Малик бошлиқ одамлар билан Шайх Нуриддиндан ажралиб, йўлга чиқади ва Узунота мавзесида икки амаки учрашадилар. Шоҳруҳ Мирзо Халил Султонни иззат-икром билан кутиб олади ва Ҳиротга қайтади.

Шоҳруҳ Мирзо Мовароуннаҳр ва Туркистон юрталарини ўгли Улуғбек Мирзога беради. «Матла»да Шоҳруҳ Мирзонинг Улуғбек Мирзога мамлакатни идора қилиш соҳасида берган кўрсатма ва насиҳатлари ҳам ўз ифодасини топган. Унда, «Ҳақ Таоло бу буюк инъом ва улуғ марҳаматни бизга ато қилди; яроғ-аслаҳамизнинг ожизлиги ва ҳолатимизнинг нуқсонлигига қарамай, бизни танлаш назари билан тақдирлаб, фармонимизни олам мамлакатлари ўзра жорий қилди. Энди давлат ва подшоҳлик қадрини билиб, илоҳий неъмат шукрини бажо келтиргин ҳамда инсоф ва адолат эшикларини ҳожатмандлар юзига очиқ тутгин, пайгамбар варасалари бўлмиш уламоларни эҳтиром кўзи тагига олиб, инъом назари билан мамнун тутгин, олам ободонлигининг сабаби ва одамзод ризқининг воситаси бўлмиш деҳқонларни зулму адолатсизликдан ҳимоя қилиб, адлу инсоф билан ўзингга яқин қилгин, давлат чегараларининг нигоҳбонлари ва мамлакат ичкарисининг қўриқчилари бўлган лашкарлар тоифасини очиқ юзлик ва хушмуомала билан ўзингга муте ва итотаткор қилиб, уларнинг ёлланма ҳақлари ва маошларини белгиланган вақтда тўла етказиб тургин, хуллас, барча ҳолларда, ишнинг яхшиси ўртачасидир, деган ҳадисга амал қилиб, ҳаддан ортиқ ёки керагидан кам чора кўришдан эҳтиёт бўлгин, чегараларга иш кўрган ва тирикликнинг аччиқ-чучугини тотиган кишиларни тайин қилиб, у ерлар қалъаларининг мустаҳкамлиги борасида зарурий чоралар кўргин», деган «оталик шафқати юзасидан» айтилган сўзлар аксини топган.

Шоҳ Маликни Улуғбек Мирзога оталиқ бек қилиб қолдирар экан, унинг «донолиги ва соф билимини»

эътиборга олади. Мовароуннаҳр ишлари, шундай қилиб ўз ўзанига туша бошлаган эди. Лекин Халил Султон ҳукмронлиги давом этган йилларда йўл қўйилган. хонадон шаънига доғ бўлиб тушадиган қусурлар бор эдики. биринчи галда, уларни жой-жойига қўйиш керак бўларди. Шайх Нуриддиннинг Халил Султонга бўлган босими сабаб, 1405 йилнинг ёзида Соҳибқироннинг хотинларидан бири Туман Оғо унга мажбуран хотинликка бериб юборилган эди.

Халил Султонга Ҳиротдан жой берилади, навкарларига ҳам ҳурмат кўрсатилади. Тез орада Халил Султонга ҳамза Қатуқий, Бек Пўлат, Хизр Сипоҳий, Садр Ҳасан ва Ҳожагий каби номдор амирлар билан ўн минг суворий аскарлар бериб, марҳум отаси Амироншоҳ Мирзо девонига тааллуқли бўлган Ажам Ироқи ва Озарбайжонга боришни, бу ҳудудлардан элаганича ўз тасарруфига олишни, қаерни маъқул билса, ўша ерни мақом қилишни топширади. Шоҳрухнинг ўзи ҳам унинг ортидан боришни, бу юртларни қайта қўлга киритишни ваъда қилади. Халил Султон 1410 йилнинг 13 мартада Ироқ томонга жўнаб кетади.

Танага танда қўйган дўмбол ёрилмай қолмайди. Шайх Нуриддин ҳам Мовароуннаҳр учун дўмбол бўлган эди. Соҳибқирон даврида айтгани айтган бўлган, ўзи вазир аъзам, укаси Бердибек Туркистон ерларининг ҳокими бўлиб, салтанат нонининг ширмойини еб келган кишилар эди. Аввал бошда Амир Темур ҳазратлари васиятига содиқ бўлиб, Шоҳрух Мирзо тарафида турган бу касни ҳам нафс, ўзимбўлайчилик, бўлиб олиш қутқуси йўлдан оздиради. Шайх Нуриддин 1410 йилнинг май ойи бошларида Самарқандга бостириб келади. Унга қарши қўзғалган амир Шоҳ Малик қўшинлари мағлубият аламини тортади, Улуғбек Мирзо ҳам шаҳарни ташлаб, чекиннишга мажбур бўлади. Лекин Самарқанд аҳли Шоҳрух Мирзо тарафида бўладилар. Шайх Нуриддин шаҳарга қадам бостирилмайди. У шаҳарликларга Муҳаммад ал-Бак-

ро деган кишини юбориб, дарвозаларни очиб беришни буюрганида, самарқандликлар уни ўлдирадилар. 1410 йилнинг 21 апрел куни Шайх Нуриддиннинг ўзи Шайхзода дарвозаси олдига келиб, сўзлаганида, унга бирор киши ҳам жавоб бермайди. У, шаҳарнинг Оҳанин дарвозасига бориб, бу ерни ҳимоя қилаётган Ҳожа Абдулаввал ва қози Салоҳуддинларга уни кириштишни айтиб, мурожаат қилганида, Ҳожа Абдулаввал Шайх Нуриддинга «Биз толиби илмлармиз, ҳукумат билан бизнинг ишимиз йўқ, бизнинг ҳокимимиз Мирзо Шоҳруҳдир; у ўз ўғлини бу ерга ноибликка қолдирган эди, сизлар уни қочдириб юбордингиз. Биз эса, токи ҳоким Шоҳруҳдан ижозат бўлмас экан, сизларга ихтиёр бермаймиз», деб айтади. Бу сўзлар Шоҳруҳ Мирзо қулоғига етгач, Самарқанд аҳлига ёрдам бериш учун у Мовароуннаҳрга отланишини билдиради.

Қасамни бузганлар тақдири қандай тубан кетган бўлса, Шайх Нуриддиндек ҳокимият талабнинг қисмати ҳам айнан шундай, балки янада баттарроқ кечади. Самарқандда сўзи ўтмаган Шайх Нуриддиннинг омади кета бошлайди. Унинг қўшинлари сафидан Худойдод Хусайнийнинг ўғли ажралиб кетади ва Шайхнинг кучлари заифлашиб қолади. У, ноилож Термизга келади ва Ҳисорда туриб турган шаҳзода Муҳаммад Султоннинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгирни (Халил Султон номига хон кўтарган ёш шаҳзода) алдаш йўли билан ўз олдига олиб келади. Муҳаммад Жаҳонгирни қўлга олишдан мақсад, унинг воситаси билан Самарқандга кириш эди. Шайх Нуриддиннинг ҳийла-ю тадбири бу сафар ҳам ўтмайди, шаҳарга кира олмай, Диокушо боғи ва Кониғилда туришдан бошқа илож тополмайди. Шоҳруҳ Мирзо томонидан курашаётган амир Шоҳ Малик Шайх Нуриддиндан икки бор енгилгани боис, Улуғбек Мирзо унга мададга етиб келади. Шу орада Шайх Нуриддин саркардалари сафида низо юз беради ва амир Мубашширни қатл этилади. Бу ҳол – ички ихтилофлар Шайх Нуриддиннинг Шоҳ-

руҳ Мирзонинг лашкаридан мағлуб бўлишига олиб келади. Шоҳруҳ Мирзо 1410 йилнинг 14 июлида Самарқандга музаффар ҳолда қадам қўяди. Отаси, Соҳибқирон Амир Темур қабрини зиёрат қилади, бошқа ўтганлар мазорларига ҳам боради. Амир Шоҳ Малик Ўтторга жўнатилади ва Шайх Нуриддинга тарафдорларни йўқ қилиш топшириғини беради.

Халил Султон ўн минг суворий билан Ироқ ва Озарбайжон тарафга келган эди. Унга, қаерни хоҳласа, шу ерда мутамаккин бўлиш имтиёзи берилганди. У Рай шаҳрига келиб ўрнашади, бир қанча вақт шу ерда яшаб туради. Бу вақтда Умаршайх Мирзонинг икки ўғли – Рустам ва Искандар мирзолар ҳамон бир-бири билан келиша олмаётганди. Рустам Мирзо киши юбориб, Халил Султондан ёрдам сўрайди. Халил Султон ака-укаларни яраштириб қўйиш учун йўлга чиқади. Қанча ўғитлар берилмасин, Искандар Мирзо сулҳга кўнмайди, Искандар Мирзо Исфахоннинг бир тарафида турган эди, Халил Султон шаҳарнинг иккинчи тарафидан кириб келади. Мирзоларнинг моддий аҳволи илгаргидек эмасди, улар кўп тангликлар тортадилар. Рустам Мирзо шу сабабли, Қора Юсуфни қора қилиб, унинг олдига кетишга мажбур бўлади. Халил Султон билан Искандар Мирзолар эса Исфахонда бир-бирига душманлик мақомида турардилар. Шаҳарда танқислик кучайиб борарди. Рустам Мирзонинг курдлардан бўлган аскарлари чидай олмай, унинг ижозатисиз Исфахондан қочиб кетади. Мирзонинг қуввати пасайгач, бу жойда қололмай, Шерозга йўл олади. Муаррих, шу пайтда Исфахонда қаҳатчилик ҳаддан ошганлигини ҳикоя қилар экан, Халил Султоннинг ҳам моддий жиҳатдан хорлик тортганини тилга олади. «Очарчилик олови аланга олиб, қаҳатчилик ташвиши ҳаддан ошди, – деб ёзади Абдураззоқ Самарқандий, – жониворлардан қайси бирининг бўлмасин пешонасида ҳалоллик доғи бўлса, ҳар ким уни мумкин бўлган нарса эвазига сотиб олар, лекин

бу билан у ҳеч бир ерга етиб бора олмас эди. Иморатларнинг барча ёғочлари ва айвонларнинг устунлари ўтин ўрнида ёқилди... У вақтда Исфахонда қамалда бўлган кишилар замони ҳақида ҳозирги кунларда (1468–1470 йиллар – П.Р.) айтадиларки, Мирзо Халил Султон бир дарвешнинг полизи тепасига борган; дарвеш қудуқдан сув тортиб, шаҳарда экин эккан эди, у қовун келтириб, хизматкорлик шартини адога етказди. Мирзо дарвешга бирор иноят кўрсатишни истаган бўлса ҳам, бироқ бунга муяссар бўлолмай, дарвешдан узр сўраган». Эсиз, эсиз, Мовароуннаҳрда тўрт йил подшоҳлик қилган, бобоси Амир Темур ҳазратларининг улкан хазинасини аявсиз совурган, санаб эмас, буғдой солиб тортиладиган идишларда олтин-қумушларни сипоҳийларга, бекларга, навкарларга тарқатиб юборган Мирзонинг деҳқонга миннатдорлик учун берадиган бир чақаси бўлмаса-я, аттанг, аттанг. Нимани хор қилсанг, шунга зор бўласан, деб бежиз айтилмаган экан.

Халил Султон, шу тариқа, Исфахондан яна Рай шаҳрига қайтади ва Шоҳруҳ Мирзога, «қаҳатчилик туфайли Исфахонда туриш мумкин бўлмаганлигидан Рай тарафга қайтиб келдик, энди ҳар нимаики буюрсалар, шунга амал қилинажак», деган мазмунда нома юборади.

Халил Султон Самарқанд ҳокимиятида турганида, 1406 йида унинг онаси Хонзода Бегим ҳаж сафарига жўнайди. Афтидан, унинг кўнгли хотиржам бўлган, ўғли орзу қилгани тахтга эришди, энди бемалол оёқни узатиб яшаса арзирди. Бу мақсадга эришиш учун у забардаст эрини қурбон қилди, оила тармоғининг кучли шохини синдирди. Қанча одамлар унинг учун қатл этилди, Амироншоҳ Мирзо унинг макрини тушуниб етганида кеч бўлганди... Бу гуноҳларни ювишнинг бирдан бир йўли ҳаж қилиб келиш эди. Хонзода Бегим катта қуршовда Байтуллоҳ сари йўл олган. Бироқ, тарихларда унинг қачон ҳаждан қайтганлиги зикр этил-

майди. Ҳарҳолда, Хонзода Бегим ҳаждан қайтиб келганида, ҳали Халил Султон Самарқанд тахтида эди. Ўғлининг тубан кетиши унинг кўз ўнгида содир бўла бошлайди. Ҳазрат Соҳибқироннинг ранжиган руҳи Шаҳзоданинг омади юришишига тўсиқлик қилади, чоғи.

Шоҳруҳ Мирзо инон-ихтиёрида бўлган Хуросон ва Мовароуннаҳр тахти учун асосий хавф Шайх Нуриддин бўлиб қолаётган эди. Қўшиннинг катта бир қисми ундан юз ўгиргач, анча заифлашиб қолган Шайх Нуриддин Мўғулистонга, подшоҳ Муҳаммадхон олдига бош эгиб бориб, ундан ҳарбий мадад сўрайди. Мўғулистон подшоҳи Муҳаммадхон Хизр Ҳожанинг ўғли эди. Соҳибқирон Амир Темурнинг аёлларидан бири – кичик малика Тўкал Хоним Хизр Ҳожанинг қизи эди. Мовароуннаҳрда, Темурийларда тиши бўлган Муҳаммадхон, ўртадаги қариндошлик ришталарини кесиб, ўз укаси Шамъи Жаҳонга ўн беш минг киши бериб, Шайх Нуриддинга ёрдамлашишга юборади. Амир Шоҳ Маликнинг ўз вақтида кўрган тадбири, мўғулларни доғда қолдиради. Улар ҳужумга ўтмасдан бурун, Шоҳ Маликнинг Шоястам баҳодир бошчилигидаги икки минг суворийси уларни гафлатда босиб, бутунлай тор-мор этади, олти минг отни ўлжа қилиб олиб келади. Шоҳ Малик бу ҳақда Шоҳруҳ Мирзони хабардор қилади. Шайх Нуриддин эса мўғуллар билан бир иш чиқара олмай ўз газандалигини давом эттиради. Охир, иложсиз қолиб, Шоҳ Малик билан ярашиш шевасини ўртага солади. Амир Шоҳ Малик душманлик йўлига кирган собиқ сафдошининг орага одам солишларига жавобан, «Агар, Шайх Нуриддин чиндан ҳам сулҳ тузмоқчи бўлса, сўзи ишончга сазовор бўлсин учун, Туман Оғони, ўзининг биродари Шайх Ҳасанни, навқари Шангунни ва ўғли Маҳмудшоҳни бизнинг ҳузуримизга жўнатсин. Шайх Нуриддин бизга кўп фириб берган», дейди. Шайх Нуриддиннинг бу ҳийласи ҳам иш бермайди. Хуллас, у Амир Шоҳ Маликнинг ишонч-

ли одами ҳурқадок қўлида ўлдирилади. Бу борада аввалроқда айтиб ўтгандим.

Салтанатни хомталаш қилмоқчи бўлган собиқ вазир, Амир Темур ҳазратлари даврида ҳокимиятнинг юқори поғонасида бўлган, Соҳибқирон васиятига «токи тирикман, содиқман» деб онт ичган яна бир қасамни бузувчининг қисмати шундай ҳал бўлади. Соҳибқиронга иккилик қилганлар унинг руҳи «зарбасига»га тоб бера олмаганлар. Ҳаммаси ер тишлаган. Халил Султон ва Шайх Нуриддин иттифоқи асосида Туман Оғони ўз никоҳига киритиш ҳам хайрли барҳам топади. Туман Оғо Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига, Ҳиротга қайтади ва ҳурматга ноил этилади.

Халил Султон ҳаётининг ниҳоясига етиши ҳам кишини ўйлантирмай қолмайди. Йигирма етти ёш устида ўлим шарбатини ичиш жуда ачинтирарли ҳол. Халил Султон Рай шаҳрида икки-уч кунлик бетобликдан кейин, ҳижрий саккиз юз ўн тўртинчи йилнинг ўн олтинчи ражаб ойида (3 ноябрь, 1411) оламдан кўз юмади. «Матла» муаллифи бу ўлим ҳақида, «жон куйдирувчи ва жигар ўртовчи воқеа», деган хулосани айтади. Халил Султон маракалари ўтиб-ўтмай, унинг онаси Хонзода Бегим ҳам Машҳад шаҳрида вафот этади. Хонзода Бегим Машҳадда Имом Ризовий мазори ёнига дафн этилади.

Салтанатни ларзага солган аёл борган жой шу бўлди. Унинг давомчиси мамлакатни иқтисодий жиҳатдан ўтирғизиб қўйган, маликаларга кушанда бўлган иккинчи аёлнинг қисмати қандай кечган? Гап Шоди Мулк тўғрисида бораётир. «Матла»да 1409 йил апрелида Шоди Мулкнинг Шоҳруҳ Мирзо ўрдусига олиб борилгани ҳақида олдинда айтиб ўтдим. Лекин, унинг Ҳиротда қандай мақомда бўлганлиги хусусда маълумот йўқ. Шоди Мулк ҳам эри Халил Султон билан Ироқ ва Озарбайжонга юборилган бўлса керак. Улар Райда истиқомат қилиб турганлар. Хазина олтин-кумушларини сув қилган бу аёлнинг сўнгги ҳаёти ҳашаматда

кечмаганлигини эрининг чўнтагида бир мири ҳам бўлмаганлиги мнсолида тасаввур қилиш мумкин. Ибн Арабшоҳ Шоди Мулк қўлга олингандан кейинги ҳолатни шундай баён этади: *«Улар Шоди Мулкни қўлга олиб хўрладилар, уни ҳимоя қилган кишиларни таҳқирлаб, шаънини настга урдилар, уни гўё тиконли дарахт билан боғлагандек азоб билан ўрадилар, ҳамда ундаги мол дунёни олишга зolim амалдорлар қўллайдиган қийноқларни қўлладилар. Шу зайлда хўрлаб, турли туман бойликларни ундан олгач, уни маҳкамлаб арқон билан қаттиқ боғладилар ва бозорларда жарчи чақиртириб, уни халойиққа сазойи қилдилар».*

Салтанат бойликларини талон-торож қилган, совурган кишиларнинг жазоси ҳамиша оғир бўлган, лекин Шоди Муллка шундай жазо берилганмикан? Бойликлари олинган бўлса, эҳтимол. Ибн Арабшоҳ жазо бобида ошириб юборган кўринади.

Шоди Мулк ҳокимиятга тортган, илму урфондан, маданият ва савиядан жуда узоқ бўлган Бобо Тармиш каби кишилар ҳам жазога тортилган. Ибн Арабшоҳ бу ҳақда, *«Бобо Тармишдан бошқасини шафқатсиз итоблар билан ўлдириб, уларни бу дунёдан охирагга кўчиради. Аммо Бобо Тармишни эса азоб-уқубатга солиб, хилма-хил жазога тортдилар. Кунлардан бирида бу вақт азоб аламлари Бобо Тармишни тинкасини қурутган эди – унга мутасадди бўлган кишилар унинг ўзларига бир масалани воқиф қилиши ёки уларни сирли бир нарсага олиб бориши учун уни олиб, у мустаҳкам кишанда эди, кенг ва чуқур бир ҳовуз ёнидан ўтдилар. Шунда Бобо Тармиш улар қўллари гилофидан ўзининг сирганоқ қиличдек қўлини чиқариб олди ва гафлат топиб, ўзини ушбу сувга ташлаб, гарқ бўлиб кетди».* деб ёзади.

Халил Султонни бобоси тахтини олишга тезламаганларида эди, ундан улут бир саркарда, ёйинки, оташин бир шоир етишиб чиққан бўларди. У ўн тўрт ёшида Ҳиндистонга қилинган юришда Соҳибқирон Амир

Темур армияси биринчи бор учратиб, дуч келиб турган жанговар филларга қарши кураш усулини ўйлаб топган, ихтиро қилган эди. Туялар устига сават борлаб, уларни пахта ва эски-тускилар билан тўлдириб, мой қўйиб, ёқиб, филларга қарши қўйиб юбориш жуда катта самара беради. Устида вулқон янглиғ аланга олган уч юз туя ҳиндларнинг ишончи бўлган, енгилмас деб ҳисобланган 120 филнинг жанг майдонидан ўра солиб қочишига олиб келади. Халил Султон Худойдод томонидан асирга олинганда, айнаи вақтда, севгилиси Шоди Мулкдан жудо бўлган пайтида, Ибн Арабшоҳ айтганидек, Ибн Зайдун сингари ҳижрон ва висол ҳақида қасидалар ижод этган. Ибн Зайдун Кордовада (Испания) туғилиб, шу ерда ижод қилган араб шоири бўлган. У 1003–1071 йилларда яшаган. У Кордова қироли ал-Мустакфининг соҳибжамол қизи Валлодани қаттиқ севган, шунинг оқибатида зиндонбанд қилинган эди. Ибн Зайдун зиндонда ўз севгиси ва севгилиси тўғрисида кўпдан-кўп қасидалар, номалар битган. Ибн Арабшоҳ, Халил Султоннинг қасидалари Зайдун шеърларини унуттириб юборар эди, дейди. Бир вақтлар йирик бир Навоийшунос олимдан, Алишер Навоий ҳазратлари «Лайли ва Мажнун» достонида Қайсининг Лайлига битган шеърини номаларини Халил Султон ва Шоди Мулк ишқ-муҳаббатидан илҳомланиб ёзган, деган фикрни эшитгандим.

Алишер Навоий ҳазратлари «Мажолис ун-нафоис» деган китобларида, еттинчи мажлисда Абу Бакр Мирзо, Искандар Мирзо қаторида Халил Султоннинг исм-шарифини шоир сифатида қайд этиб ўтади. *«Халил Султон – ҳазрат султонус салотиннинг воқеасидан (Амир Темур вафотидан кейин) сўнгра Самарқанд тахтида салтанат қилди. Зурафо ва шуаро мажлисида жам бўлурулар эрди. Маишқурдирким, ўзи шеър айтур эрди. Андоқким, девони таърифиди Хожа Исматуллоҳ қасида айтибдур, аммо тилаб топилмади, ушбу матлаидан ўзгаким:*

*Эй тўрки пари пайкаримиз, тарки жафо қил,
Ками дилимиз, лаъли равон бахш раво қил», –*

деган маъдумотни берадилар. Аниқ бўладики, Халил Султон девон тузган, бу ҳақда Хожии Исматуллох Бухорийи қасида ҳам битган. Алишер Навоий ҳазратлари Халил Султон девонини излаб, суриштириб топа олмаган.

Ибн Арабшоҳнинг Шоди Мулк борасида олдинда келтирилган сўзларини танқидий қабул қилиш ўринли бўлади. Чунки, муаррихнинг ўзи китобининг яна бир жойида Халил Султон борасида гапирар экан, «Амакиси Шохруҳ уни шоди хуррамлик билан қарши олиб, у қилган ишлар тафсилоти хусусида бир сўз ҳам демади ва уни маҳбубаси Шоди Мулкка қўшиб, Халилга ўз халиласини (севгилисини) бириктирди. Шу орада у ўша иқлим ишларини барқарор қилиб, мустаҳкамлаб, ўгли Улуғбекни унда ҳоким қилиб тайинлади. Кейин Халил Султонни ўз суҳбатига олиб, Хуросонга қараб қайтди. Сўнгра у Халил Султонни Рай ерларига ҳоким қилди. Бироқ Халил Султон Райда озгина муддат туриб, Худонинг раҳматига кўчди. Гўёки амакиси Шохруҳ унга сездирмасдан бир нарса берганки, у уни ичган. У Рай шаҳрида дафн қилинди. У, Шохруҳ, бу иш оқибати тарқалишини жон жаҳддан сир сақлади. Қачонки, Шоди Мулк бу чексиз мусибатга тушиб, ичаклари Халил Султон муҳаббатини билан алангаланиб ўртангач... кейин у бир ханжар олиб кўкрагида қўйди ва бор кучи билан унга таяндики, ханжар унинг орқасидан тешиб чиқди. Бу ҳолатни кўрган ҳар бир киши унинг оловидан ўтиб олиб, кўйиб ёнди. Икковлари бир қабрга дафн қилинди», деган сўзларни битади.

Шарафиддин Али Яздий, Халил Султондан бир қиз қолди, дейди. Фасиҳ Хавофийнинг «Мужмали Фасиҳий» асарида Халил Султоннинг Муҳаммад Бақр деган ўгли бўлганлиги ва унинг 1434 йилнинг 10 ноябрида вафот

этганлиги айтилади. Муҳаммад Бакрнинг салтанат ишларига аралашганлиги маълум эмас. Турғун Файзиев Шоди Мулкнинг ўлими ҳақида гапирганида «эридан кейин яшашни истамаган Шоди Мулк Бегим заҳар ичиб ўлади», деган фикрни айтади. Ибн Арабшоҳ маълумоти тўғрими, ёйинки, кейингиси, аниқ эмас. Ўлим – ҳақ, лекин, унинг сабаблари кўп ҳолларда турлича талқинларга сабаб бўлади.

Шоди Мулкка қўйилган айблар ичида, Ибн Арабшоҳ зикр этганидан оғирроғи бўлмаса керак. Муаррих шундай дейди: *«Ўз севгилисидан Халил Султон учун хавфсираб, Шоди Мулк зикр қилинган икки маликани (Сарой Мулк Хоним ва Тўкал Хоним – П.Р.) заҳарлади»*. Бу қанчалик ҳақиқатга тўғри келади, бир нарса дейиш мушкул. Ҳарҳолда Шоди Мулк Халил Султон ҳокимият тепасига келганидан кейин, Соҳибқирон ҳарамига зуғум ўтказган. Бунинг асосий сабаблардан бири, Сарой Мулк Хоним ва Тўкал Хонимларнинг Соҳибқирон тахтини зўрлик билан олишни маъқулламаганлиги бўлган. Иккала маликанинг ҳам салтанатда ўрни бўлиб, кўпгина амирлар, беклар улар билан кенгашиб иш кўрган. Бундан хавфсираш, эҳтимол, Шоди Мулкка шундай қабиҳ йўлни тутишга боис бўлгандир. Туман Оғони хўрлаш эса расмий тарихларда очиқ-ойдин ёзилади. Туман Оғонинг Шайх Нуриддинга эрга берилиши, ўқувчининг ёдида бўлса, Соҳибқирон Шоди Мулкни бола туғилганча Туман Оғо назоратига топшириши билан борлиқ эди. Шоди Мулк Туман Оғо бошчилигида «уй қамоғи»да ушлаб турилганида, маликага нисбатан қаттиқ адоват пайдо қилганлиги аниқ. Туман Оғо уни қанчалик аямасин, муҳофазасига олмасин, ичда тутаб ётган ўч олиш кинаси, имкон туғилган заҳотиёқ ҳамла қилишга киришади. Туман Оғо қарийб беш йил Шайх Нуриддин исканжасида бўлади.

Бир ўринда, салтанат қўнидаги илонлар ҳақида гапирган эдим. Бу илонлар, жинсидан қатъи назар, бир кун келиб аждаҳога айланади, ҳам дегандим.

Уларнинг аксар кўпи ҳали илонлигида босиб-янчиб ўлдирилиши кўпроқ кузатилади. Аждаҳога айланадиган айримлари эса, қўйиндан чиқиб, салтанатни домига торта бошлайди. Келинлар хонзодаси ва канизакдан чиққан малика эса, фикримча, Темурийлар салтанати қўйнида етилган икки аждаҳо эди. Бири салтанатнинг устунларини синдириб, уни сиёсий жиҳатдан заифлантирган бўлса, иккинчиси унинг ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан таназзули ва парокандалигига сабаб бўлди. Элу улусга зиён етказувчилар, давлат арконларига болта урувчилар узоққа бормаган. Хонзода Бегим ва Шоди Мулк қиссаларининг оқибати ҳам юқорида талқин этилганидан ўзгача хотима топиши мумкин эмасди.

ХАЛОСКОР

Соҳибқирон Амир Темурнинг тахтга чиққанидан кейинги 6-7 йил ниҳоятда мураккаб, қийин, йўқотишлар ва муваффақиятлар билан кечган эди. Дастлабки вақтларда Мовароуннаҳр ҳукмдори олдида Жета – Мўғулистон масаласи кўндаланг турарди. Мамлакатда 125 йилдан ортиқ мустабидлик зулмини ўтказган Чингизхон авлодининг қолган-қутганлари ҳали ҳам имкон бўлди дегунча, «қароуннаслардан» – юртнинг ўз эгаларидан тожу тахтни қайтариб олишга жон-жаҳдлари билан пайт пойлаб ётардилар. 1376 йилга қадар Жета улусларига, душманликни ҳаддан оширган дўғлот Қамариддин устига етти марта юриш қилиш, Соҳибқироннинг юрт мустақиллигини қарор топдиришда мўғулларни тамомила кучдан қолдиришни, итоатга олишни муҳимларнинг муҳими деб ҳисоблаганини ошкор этади. Ўша йиллардаги иккинчи хавф шимолдан – Олтин Ўрда ва унинг итоатида бўлган Хоразм Сўфийлар салтанатидан эди. Чингизхон тириклигида вужудга келган улуслар бир-бирларининг ички ишларига аралашмасалар-да, шарқий ва шимолий

худудларда қарор топган мазкур улуслар алоҳида олинганда ҳам, эндигина озодликни қўлга олган Амир Темур давлати учун муайян ва муқаррар хавф турдирувчи катта кучлар эди. Қамариддин иши бир ёқли қилингандан кейин, Хоразм Сўфийлари салтанатига барҳам берилиши Соҳибқирон сиёсатининг тантанаси бўлган эди. Сабабсиз оқибат бўлмайди, дейдилар. Хоразм Сўфийлари орадан кўтарилгач, мақсаднинг мантиқий давоми сифатида Олтин Ўрда билан ҳам қиличларни қайраб кўришга тўғри келади. Бу тўқнашув Соҳибқирон ўзининг суюкли фарзанди Муҳаммад Жаҳонгирдан айрилиб қолган пайтга тўғри келади.

Давлат барқарорлигига таҳдид соладиган ташқи кучлар маҳв этилиши мислсиз музаффарият бўлгани каби истиқболга катта умидлар боғланган фарзанддан – валиаҳддан жудо бўлиш ўрнини қоплаб бўлмайдиган оғир йўқотиш эди. Шундай бир вақтда Соҳибқирон чодирини пойида Тўхтамиш пайдо бўлади. Олтин Ўрда, Боту авлодлари ўртасида ҳокимият талашлари авжига чиққан эди. Ўрусхон билан ихтилофи кучайиб кетган Тўхтамиш Самарқандга, Амир Темур ҳузурига паноҳ истаб келади. Тўхтамиш Жаҳонгир Мирзо билан тенгқур эди. Соҳибқирон уни ўғил ўрнида қабул қилади. Муҳаммад Жаҳонгирдан ажралган Соҳибқирон, чамаси, Олтин Ўрда, Дашти Қипчоқ билан боғлиқ истиқбол режасининг ижобатида Тўхтамиш бир восита бўлишини чама қилган бўлса, ажаб эмас. Унга шоҳона илтифот кўрсатилади, подшоҳлик чодирини, ноғора, сурув-сурув отлар, туялар, хуллас, бир ҳукмдорга нима зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё этилади, чунки, муаррих таъкидлаганидек, Соҳибқирон уни сидқидилдан ўғлидек қабул қилган эди. Фасиҳ Хавофий, Амир Темур Тўхтамишга Ўтрор ва Собранни тухфа қилганини ёзади. Бу унчалик тўғри бўлмаса керак. Ўтрор Соҳибқирон давлатида ўта муҳим чегара шарҳари ҳисобланиб, унинг тақдим этилиши бобида гап

ҳам бўлиши мумкин эмасди. Шунга кўра, Шарафиддин Али Яздийнинг Тўхтамишга Собран ва Сигноқ берилди, деган далили ҳақиқатга мувофиқ келади.

Тўхтамиш, Соҳибқирон давлати ва қудратидан кучга иниб, ўзига тақдим этилган мулкларга бориб, ҳукм сура бошлайди. Ўрусхоннинг ўғли Қутлуғ Буғо унинг устига қўшин тортиб келади. Қутлуғ Буғо шу жангда ўлдирилган бўлса-да, Тўхтамиш умумий ҳисобда енгилб, яна Амир Темур олдига бош эгиб келади. Соҳибқирон уни бу сафар олдингисидан ҳам кучлироқ қуролаштириб, айтилган мулкларига жўнатади. Тўхтамиш Собранга етиб келганида Ўрусхоннинг катта ўғли Тўхта Қиё, «чигиртка ва қурт-қумурсқадек» ер юзини тутиб кетган қўшин билан унга қарши келади. Тўхтамиш ўрдалиқларга бас кела олмайди. Сайхун томон қочади, унинг ортидан Қозончи Баҳодур дегани таъқиб қилиб келади. Жонни қутқариш учун Тўхтамиш кийимларини ечиб, ўзини сувга отади. Қозончи Баҳодур уни сувда, қўлидан оғир ярадор қилади. Бир амаллаб дарёдан чиқиб олган Тўхтамиш, ҳушдан кетиб тўқайзорда чўзилиб қолади. Яздий талқинида, бу жойдан тасодифан ўтаётган Идику Барлос (Соҳибқиронга амакизода) алаҳсираб ётган Тўхтамишни таниб қолади ва ҳушига келтириб, Соҳибқирон олдига олиб боради.

Фасиҳ Хавофийда сал бошқачароқ баёнга дуч келамиз. Фасиҳ Хавофий Ўрусхоннинг ўғлини Урду Буғо деб кўрсатади ва у билан бўлган жангда Тўхтамишни ўлди, деб кураш майдонида қолдириб кетганларини айтади. Бироқ, навқарлар уни жанг майдонидан олиб чиққанларини ва Амир Темур олдига олиб келганларини ёзади. Тўхтамишни даволаб, тузатганларидан кейин, Соҳибқироннинг ўзи у билан бирга Жетага қарши еттинчи маротаба қўшин тартади. Бунгача, Ўрусхоннинг одамлари келиб, ундан шундай мактуб келтирадилар: «Ишимиз шундай: Тўхтамиш ўғлимни ўлдириб, сенга қочди. Уни менинг олдимга юбор, агар

уни бермайдиган бўлсанг, курашадиган майдонинг-ни айт ва жангга тайёр бўл». Соҳибқирон ўз жавобида, «У мендан ҳимоя сўраб келди. Мен уни ҳеч кимга бериб қўймайман. Урушни хоҳлаётган бўлсаларинг, биз унга тайёрмиз», дейди. Шу тариқа, Соҳибқирон Амир Темур 1377 илон йили бошида ўз улуси қўшини билан Ўрусхонга қарши отланади.

Омадни қаранг. Ўрусхон жанг майдонига тушишга улгурмай, оламдан кўз юмади. Отаси ўрнига унинг маснадини эгаллаган Тўхта Қиё ҳам кўп ўтмай, Ўрусхон ортидан у дунёга равона бўлади. Дашти Қипчоқ тахтига Соҳибқирон Тўхтамишни қўйиб, хон қўтаради. Тўхтамишхонга Ханг Ўғлоқ деган тенгсиз бир отни совға қилиб «бу отни яхши сақла», деб айтади. Олтин Ўрдада Ўрусхон тахтига унинг кичик ўғли Темур Малик Ўғлон ўтиради. У, тез орада Тўхтамишхон устига бостириб келади ва жангда уни мағлуб этади. Тўхтамишхон Амир Темур тақдим этган от билан зўрра қочиб қутулиб, яна шумшайиб Самарқандга етиб келади. Соҳибқирон Туман Темур Ўзбек, Бахти Ҳожа, Фиёсиддин Тархон ва Янги Қовчин сингари улуғ бекларини катта қўшин билан Сигноққа юбориб, яна Тўхтамишни хон қилиб, жойига ўтқазиб қўяди. Қабул қилинган бу «ўғил» 1377 йилда Соҳибқиронга шу даражада машаққатлар келтирган ва қимматга тушган эди.

Шу йили Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг ўз пушти камаридан бўлган тўртинчи фарзанд – Шоҳруҳ Мирзо туғилади. Яздий «Зафарнома»сида Шоҳруҳ Мирзонинг туғилиши ҳижрий етти юз етмиш тўққизинчи йил рабиъ ал-охирининг ўн тўртинчи кунида – 1377 йил 20 августда воқе бўлганлигини қайд этади. «Зафарномада»да Шоҳруҳ Мирзо Самарқандда таваллуд топганлиги ҳам айтилади. Фасих Хавофий йилномасида ҳам айнан шу сана ва кун берилади ва Шоҳруҳ Мирзонинг рабиъ ас-сонийнинг ўн тўртинчисида, пайшанба куни оламга келганлиги зикр этилади. Кўра-

мизки, таваллуд билан боғлиқ жиҳатларда ойда тафовут бор дейилмаса, қолган унсурлар ҳаммаси мувофиқ. Яздийда, ҳатто, 779 йилнинг илон йили эканлиги ҳам эътибордан четдан қолмаган. Фасиҳ Хавофий, Шоҳруҳ Мирзонинг қаерда турилганлигини, афсуски, кўрсатмайди. Шомий «Зафарнома»сида эса Шоҳруҳ Мирзонинг туғилиши борасида бирор сўз айтилмаган. Муиниддин Натанзий ҳам бу хусусда тўхталмаган.

Ибн Арабшоҳ «Амир Темур тарихи»да мавзуга доир бир маълумотни бериб ўтади. Унинг талқинига кўра, «Темур нариги қирғоқдан Сайхун тарафига қаратиб бир шаҳар бунёд қилишларини буюрди ва дарё устига қайиқ ва кемалардан кўприк ясашиб, шаҳар билан боғлади. Бу шаҳарни у Шоҳруҳия деб атади, у шаҳар кенг бир жойга жойлашгандир. Темурнинг ўз ўғли Шоҳруҳни ва ушбу шаҳарни ҳам шу ном билан аташининг сабаби шуки, у ўша қирғоқда ушбу шаҳарни қуришни амр қилган бўлиб, Темур ўз одатига кўра, ўз хошияларидан бири билан шатранж ўйнаш билан машғул эди. Шу пайт Темурга ҳамроҳ бўлган севимли маъшуқаларидан бири ҳомиладор эди. Темур ўз рақиби «шоҳ»ига қарши «руҳни» ташлади, бундан рақиби ўзини йўқотиб қўйиб, аҳволи оғирлашди. Темурнинг рақиби танг ҳолга тушиб турган шу пайтда, бирдан икки чопар иккита қувончли хабар келтирди: бири ўғил бола туғилганини, иккинчиси – шаҳар қурилиб битганлини башорат қилди. Темур уларнинг иккаласини (чақалоқ ва шаҳарни) бу исм билан (Шоҳруҳ) атаб, улар шу белги билан нишонланди», деган фикр айтилади.

Келтирилган бу иқтибосда Шоҳруҳ Мирзо туғилган жой ҳақида гапирилмаган. «Темурга ҳамроҳ бўлган», деган сўзлардан чақалоқнинг сафарда туғилганлигини пайқаш қийин эмас. Шоҳруҳ Мирзо дунёга келган вақтда Амир Темур ҳазратлари қаерда сафарда бўлиши мумкин эди? Бу саволга жавобни Яздий тарихидан ахтариб кўраман. Аён бўладикки, Соҳибқирон 1377

йил мартада Тўхтамишни тахтга қўйиб, Самарқандга қайтиб келади. Мартдан августгача бўлган 4-5 ойлик муддатда у ўз пойтахтидан бошқа бирор жойга чиқмаган. Шу орада Тўхтамишга қарши Темур Малик Ўғлон қўшин тортиб келганда ҳам, ўзи бормасдан улуғ амирларини Тўхтамиш ҳимоясига жўнатган. Шундай экан, Шоҳруҳ Мирзонинг Самарқандда тугилиши тўғрисидаги «Зафарнома» далолати эътиборга моликдир. 1377 йил августидан то 1379 йилнинг февралига қадар Соҳибқирон, 1378 йил қишини Занжирсаройда ўтказганини ҳисобга олмасак, Самарқанддан чиқмай, давлат ишлари билан банд бўлган. 1379 йилнинг охирларида Хоразмга, Юсуф Сўфи устига тўртинчи марта юриш қилишга мажбур бўлади.

Муаррихлар Шоҳруҳ Мирзонинг онаси кимлиги, исми шарифаси қандай бўлганлиги бобида тўхталмаганлар. Бу ҳақда китобнинг аввалги қисмида ўз фикрларимни келтирдим. Яна такрор айтаман, Шоҳруҳ Мирзонинг онаси Хоразм ҳукмдори Ҳусайн Сўфининг қизи Тоғай Туркон Хотун бўлиб, вақтида у ҳам Амир Ҳусайн ҳарами таркибида бўлган ва 1370 йилда Соҳибқирон Амир Темур никоҳига олинган. 1377 йилга келиб, бу аёлнинг фарзанд кўриши, мутлақо табиий бир ҳол эди. Чақалоққа исмнинг танланиши шатранж ўйинидаги шоҳ билан руҳнинг ҳолатига кўра бўлганми, ёйинки, чақалоқнинг онаси шоҳлар авлодидан эканлиги кўзда тутилганми, бу тўғрида, турли фикрлар, талқинлар бўлиши истисно этилмайди. Муҳими, Шоҳруҳ Мирзо Соҳибқирон давлат бошлиғи бўлгандан кейин туғилган фарзанд эди. Номланишда бу жиҳат (Шоҳлик) ҳам эътиборга олинган бўлса, ажаб эмас. Хондамирнинг «Насабнома»сида Тағой Туркон Оғо хос канизак сифатида кўрсатилиб, қорахитой қавмидан дейилади. «Муъиз ал-ансоб» номли муаллифи номаълум яна бир манбада Шоҳруҳ Мирзонинг онаси мўғул Амир Шамсиддиннинг қизи Дилшод Оғо деб кўрсатилади. Хорижий муаллифлардан бири Бретшнейдер

Шоҳруҳ Мирзо Сарой Мулк Хонимдан таваллуд топган. деган фикрни билдиради.

1370 йилдан, яъни ҳокимият тепасига келган даврдан то 1375 йилга қадар Соҳибқирон биргина Дилшод Оғога уйланган эди. Бевосита тарихларда Дилшод Оғонинг 2 қиз туққанлиги, бирининг исми Саодат Султон бўлганлиги. ҳар иккаласи ҳам болаликда вафот топганлиги айтилади. Тоғай Туркон Оғонинг (Тоғай Туркон Хотун) Амир Темур ҳарамига киритилган Улус Оғо, Ислоом Оғо каби Амир Ҳусайннинг собиқ хотинлари қаторида кўзга ташланмаганлиги сабаблари қаронғу. Улар орасида биргина Сарой Мулк Хонимга – Биби Хонимга асосий эътибор қаратилган, Тоғай Туркон Хотундан ташқари Улус Оғо ва Ислоом Оғоларнинг тақдири нима бўлганлиги ҳам маълум эмас. Аввалроқда айтганимдек, 70-йиллар ўрталарида Хоразмга, Сўфийларга аҳамият қаратила бошлангач, Тоғай Туркон Хотун ҳам Соҳибқирон назарига тушган бўлса, ажаб эмас. Шоҳруҳ Мирзо исми тарихини шатранждан эмас, отасининг шоҳ бўлиши ва онасининг хонлар насабидан эканлигидан излаш тўғри бўлади, деб ўйлайман. Шу қутлуғ қадамли, шоҳона насабли фарзанд шарафиги шаҳар номининг қўйилиши ҳам фикрга асос беради.

1376 йилда Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг 20 ёшида бу ёруғ оламни тарк этиши, худди шу йили Дашти Қипчоқдан Тўхтамишнинг келиши, орадан бир йил ўтиб, 1377 йилда Шоҳруҳ Мирзонинг туғилиши 40 ёшли Соҳибқирон ҳаётининг қирраларини тасаввур қилишда қўмакка келади. Ғалабалар офир йўқотишлар ҳисобига юз бераётгандек эди. Тўхтамишнинг Соҳибқирон ҳаётида пайдо бўлиши қувончлар эмас, ташвишларни бошлаб келиши ҳали тушга ҳам кириб чиқмаганди. Шоҳруҳ Мирзонинг вақти соати етиб, нафақат сулоланинг, шу билан бирга, улуғ салтанатнинг халоскори бўлиб майдонга чиқиши тасаввурларга сирмас нуқтада эди.

Шоҳруҳ Мирзо туғилгач, унинг парвариши ва тарбияси билан катта малика – Сарой Мулк Хоним шуғуллана бошлайди. Сарой Мулк Хоним Шоҳруҳ Мирзодан 7 ёш кичик Халил Султонни ҳам ўз раҳнамолигига олади. Улуғ Биби Хонимга нуфузи катта келинлар туққан болалар ишонилган. Маликаларнинг ҳаммаси ҳам шаҳзодалар тарбияси учун масъул бўлганлар, лекин Сарой Мулк Хонимнинг шаҳзодалар тарбияси мактаби ниҳоятда нуфузли, олиймақом ҳисобланган.

Орадан ўн йил кечади. 1387 йилда Амир Темур Озарбайжон, Гуржистон юришларида бўлган пайтида Дашти Қипчоқдан Тўхтамиш тузкўрлик йўлига кириб, Соҳибқирон мулкларига бостириб келади. Шоҳруҳ Мирзо эса 10 ёшга тўлади. Тўхтамиш шармандаларча мағлуб бўлиб, қочиш йўлига киради. Шоҳруҳ улуғ энагаси Сарой Мулк Хоним ва акаси Амироншоҳ Мирзонинг уч ёшли ўғли Халил Султон билан биргаликда Кўкча Тенгиз атрофида турган отаси ҳузурига келади. Ўғил сифатида қабул қилинган Тўхтамишнинг босқини, Шоҳруҳ Мирзонинг ташрифи қарама-қарши қутблар бўлиб, қисмат дояси уларнинг ҳар бирига ўзига хос мазмун-моҳият бағишлагандек туюлади менга. Муаррихлар Шоҳруҳ Мирзонинг ўн ёшга қадар бўлган ҳаёти хусусида тўхталмаганлар. Биз у билан 1387 йилда, Кўкча Тенгиз сарҳадларидаги Моранд Шемахи деган манзилда, Соҳибқирон билан учрашув насиб этган пайтда танишамиз. Соҳибқирон маликалар ва шаҳзодалар келиши шарафига тантанали маросимлар уюштиради, назр-ниёзлар тарқатади, хурсандчиликларга изн беради.

1388 йилда, орадан бир йил ўтиб, Соҳибқирон Самарқанддаги Беҳишт боғида улуғвор тўй беради. Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг икки ўғли – Муҳаммад Султон билан Пир Муҳаммад Мирзолар, қаторида, ўз ўғли Шоҳруҳ Мирзо ҳам уйлантирилади. Муаррих ўн бир ёшли Шоҳруҳ Мирзонинг ҳам, ака-ука шаҳзода

набираларнинг ҳам кимларга уйланганликларини ёзмайди, аксинча, уларнинг ҳар бирини гурийлардан бўлган соҳибжамол қизларга уйлантирилганлиги қайд этилади, холос.

Шоҳруҳ Мирзо 12–13 ёшларидан давлат бошқаруви ва ҳарб ишларида кўзга ташлана бошлайди. Ҳижрий 792 йилнинг кузида (1390 йил охири) Соҳибқирон Тўхтамишга қарши отланади. Қиш эрта тушгани сабаб, Тошкентда тўхташ маслаҳат кўрилади. Амир Темур ҳазратлари шу сафарда қаттиқ беморликни бошдан кечиради, қирқ кун оғир ётиб қолади. Амирлар, саркардалар бундан қаттиқ қайғурадилар, *«Бироқ бутун ҳалқ унинг учун дуойи фотиҳалар қилиб, – деб ёзади Яздий, – Аллоҳ Таолодан унинг тезда соғайишини тилади. Халқнинг ибодати Хақ томонидан қабул бўлди ва у тузалишга юз тутди»*. Муаррих Соҳибқироннинг соғайганидан жамики эл, аҳли улус севинганлигини, Амир Темур ҳазратларининг ўзи ҳам катта назр-ниёзлар улашганлигини зикр этиб ўтади. Бу Соҳибқирон ҳаётидаги ташвишли ва қийин кечган хасталик бўлиб, 54 ёш устидаги ҳукмдорни жуда беҳол қилиб қўйган эди. Муаррих, тўғридан тўғри, Амир Темурнинг элнинг дуоси билан соғайганлигини, аввалги куч-қудрат қайтганлигини қониқиш билан ҳикоя қилади. 793 йилнинг сафар ойи 12 пайшанба кунинда (19.01.1391) Дашти Қипчоққа, Тўхтамишни маҳв этиш ниятида ногоралар қудратли сас бериб, туғлар баланд кўтарилади. Интиқом юриши бошланади.

Амир Темур ҳазратлари Мовароуннаҳрни ўзи йўқлигида бошқариб туриш ишларини шаҳзода Пир Муҳаммад Жаҳонгир билан Ўғли Шоҳруҳ Мирзолар зиммасига юклайди. Шоҳруҳ Мирзо бу пайтда ўн тўрт ёшга тўлиб, ақлий ва жисмоний жиҳатдан анчайин етилган, ота назарига тушган эди.

90-йиллар бошларида Соҳибқирон тез-тез касалликка чалинар, беморлик унда оғир кечар эди. Дашти Қипчоққа қилинган юриш муваффақиятли якун топ-

ганидан сўнг, Эрондаги ўзбошимча кучларни жиловлаш учун беш йиллик ҳарбий сафар мақсад қилинади. 1392 йилнинг 7 июли кунини Амир Темур ҳазратлари Бухоро мулкларига йўл олади. Жўйизар деган манзилда тўхтаб турганларида Соҳибқирон хасталаниб, ётиб қолади. Касаллик шунчалик қаттиқ бўладики, хавотирга тушган ҳукмдор тезлик билан Самарқандга чопар йўлатиб, хотинлари ва фарзандларини етказиб келишни буюради.

Самарқанддан Сарой Мулк Хоним, Туман Оғо, қизин Султон Бахт Бегим ва ўғли Шоҳруҳ Мирзолар тезлик билан етиб келадилар. Валиаҳд Муҳаммад Султонга киши жўнатилиб, Шаҳзода Жайхундан ўтган бўлса ва қаерга етганидан қатъи назар, тўрт-беш киши билан ҳузуримга етиб келсин, деган фармони олий берилди. Бу ҳол Соҳибқироннинг ўша пайтлардаги руҳий ҳолатини тушунишга имкон беради. У ҳам, қанчалик чиниққан, қанчалик абжир ва чайир бўлмасин, одам эди, ёш ҳам 56 бўлаётган, қарув уни изма-из таъқиб қилиб бораётганди. Амир Хожи Саифиддин назорати остида ўша даврнинг энг яхши табиблари муолажа билан банд бўладилар. Муаррих бу ўринда ҳам, Соҳибқироннинг хотинлари, болалари, улуг амирлар ҳукмдорнинг Аллоҳ Таолога, пайгамбарларга, азиз-авлиёларга эътимод қилишини яхши билардилар, шу сабаб, муқаддас зиёратгоҳларга, улуг пирлар, авлиёлар марқадларига туҳфалар, назр-ниёзлар юбордилар, дарвешларга, қаландарларга, муҳтожларга кўпдан-кўп садақалар ҳадя этдилар, камбағалларга отлар ва қўйлар тарқатиб бердилар, энг яхши отларни қурбонлик қилдилар, деб ёзади. Шу тариқа, 1392 йилнинг 23 июнида ётиб қолган Соҳибқирон орадан 14-15 кун ўтиб, 7 июлда бошини кўтаради. Маликалар, фарзандлар, набиралар шу кунлар мишжа қоқмайдилар, унинг тўшаги ёнида бўладилар. Соҳибқироннинг тузалгани хабаридан эл-улус қатта байрам қилиб юборади. Орадан ўн кун ўтиб, аввалги ҳолига қайтган.

вужудидан қуч-қудрат ёғилиб турган ҳукмдор ўйлаган юришини давом эттиришга фармон беради. Қўшинни Муҳаммад Султон бошқаришни амр этилади.

1392 йилнинг 27 июли куни саф тортган лашкарлар Эрон сарига йўл олади. Амир Ҳожин Сайфиддин Самарқандга жўнатилади. Маликалар, Сарой Мулк Хоним, Туман Оғолар қолган хотин-халажлар билан Самарқандга қайтариб юборилади. Шоҳруҳ Мирзонинг ҳам пойтахт Самарқандда бўлиши мақбул топилади ва у ҳам Аму бўйидан ортга қайтади. Амир Темур ҳазратлари, назаримда, Шоҳруҳ Мирзони ҳарбий ишлардан кўра, давлатни идора қилиш, илмдан кўпроқ баҳраманд бўлиш учун аяган кўринади. Шоҳруҳ Мирзога доим ҳам биринчилик мақоми берилавермаган. Кўрдикки, Самарқандни идора этишда ҳам Шоҳруҳдан бир ёш катта бўлган набира Пир Муҳаммадга ишопилади. ўғил эса унга бу ишда ноиб – ёрдамчи мақомида қолдирилади. Бунда, Шоҳруҳ Мирзонинг юриш ва жангу жадалларга маъили у қадар бўлмаганлиги, мулозим табиати, илмга берилаганлиги каби хусусиятлари ҳисобга олинганлиги манбаларда айтилмайди.

Шоҳруҳ Мирзо етарли даражада ҳарб малакасига эга бўлган, жангу жадалларда иштирок этган, ўзини кўрсатган. Бироқ отаси уни, ниҳоят сабабдандир, айрим ҳолларда, жанг ўчоқларига йўлланишдан тийилган, «тишининг ковагида» асраган. Мен, ўзимча, Амир Темур ҳазратлари Шоҳруҳ Мирзони ўзидан кейин содир бўладиган воқеалар учун асраган, деган хулосага келаман. Шундай бўлса, ҳукмдор тожу тахт тақдирини, унинг талашлар манбаи бўлишини аввалдан ҳис қилган. Давлат ва унинг истиқболи, охири-оқибати ҳар қандай узоқни кўзловчи, донишманд ҳукмдорни ўйлаши табиий. Соҳибқирон фикр-ўйида ягона туркий давлат – қудратли салтанат тузиш гоёси аввал бошдан қарор топган, дейишга асослар бор. Олтин Ўрда билан боғлиқ муносабатлар Муҳаммад Жаҳонгир ва унинг

фарзандларининг валиаҳдлигига туртки берган эди. Хонзода Бегимдан туғилган Халил Султон ҳам валиаҳдликка муносиб номзодлардан бири бўлиши мумкин эди. Лекин унинг оила шаънига доғ туширганлиги – бева канизакка уйланиши Соҳибқиронни бу аҳддан воз кечишга мажбур этган важ бўлиб туюлади менга. Маккора Хонзода Бегим снѐсат арконларига дахл қилмаганда, хонадон ришталарини чувалаштирмаганда борми, Халил Султон валиаҳд бўлиши муқаррар эди. Шундай оғир гуноҳга йўл қўйган набира, барибир Хитой юришида қўшиннинг ўнг қанотини бошқаришга қўйилади. Бу жуда катта ишонч эди. Шоҳруҳ Мирзо Ҳиндистон юришига жалб этилмаганидек, Хитой сарфарига ҳам чорланмайди. Лекин Шоҳруҳ Мирзо қўшинларининг катта бир қисми юришда қатнашади. Хуросонни маҳкам ушлаш унинг чекига тушади, ҳатто Самарқандда бўладиган тўйларга ҳам, шу сабаб таклиф этилмайди. Шоҳруҳ Мирзо бу йилларда бирор мартаба бўлсин, норозилик ёки аразгина ошкор этмаган. Отаси вафотидан кейин, Шоҳруҳ Мирзонинг акаси, амакилари – хуллас, тахтга талаб солган уруғ-аймоқларига нисбатан тутган йўлида унинг вазминлик билан, шошмасдан иш кўриши ўзига ишониши каби аломатлар юқорида айтганим фикрнинг фойдаси учун ишлайди.

1392 йил охирларида Соҳибқирон томонидан Мозандарон ўлкаси фатҳ этилади. Амир Темур ҳазратлари нусратли ғалаба шарафига шу ҳудуднинг Шасман деган мавзеида улугвор қаср бунёд эттиради. Шасманда бемисл қурилиш ишлари давом этилаётган бир пайтда, Самарқандга ғалаба муждаси билан бир қаторда, ўғли Шоҳруҳ Мирзони набиралари Халил Султон, Рустам Мирзо ва Султон Ҳусайнлар билан бирга олиб келиш учун садоқатли навкарларини юборади. Мозандаронга, музаффарият пашидасини баҳам кўришга Сарой Мулк Хошим, туман Оғо ва бошқа аёллари, набираси Бекисин Султон ҳам таклиф этилган эди.

Бекиси Султон ғоят чиройли қизалоқ набира бўлиб, Амироншоҳ Мирзо ва Хонзода Бегим фарзандлари эди. Бу қизалоқни Соҳибқирон ниҳоятда яхши қурган. Самарқандда ўғилларидан Шоҳруҳ Мирзога атаб боғ барпо қилдирган бўлса, қиз набираларидан Бекиси Султонга атаб шундай боғ бунёд эттирган эди. Шасман мавзеида қурилган улкан қасрда оилавий учрашув бўлиб ўтади. Бу воқеа ҳижрий 795 йилнинг муҳаррам ойида (ноябр-декабр. 1392 йил) воқеа бўлади. Журжон ўлкасининг Шасман мавзеида қуриб битказилган улғувор бинода Соҳибқирон бир қанча вақт яшаб туради. Самарқанддан 1392 йилнинг 5 ноябрида йўлга чиққан маликалар ва шаҳзодалар қарийб бир ярим ой деганда (бу сафар чоғида Шоҳруҳ Мирзонинг кўзи оғриб қолиши тўғрисида олдинда сўзладим) Жилловун деган манзилга етиб келадилар. Соҳибқирон оталик, боболик ва суюкли аёлларига соғинч ҳисси билан, муаррих таъкидлаганидек, уларга бўлган улкан муҳаббати тусфайли, кутиб олиш учун самарқандликлар истиқболга пешвоз чиқади: ҳаммаси билан бир-бир қучоқлашиб кўришади, оғушда севинч ёшлари тийилмайди. Болаларнинг Соҳибқиронни кўриб, кўзлари қувончдан порлайди, аёллар Соҳибқирон боши устидан олтин сочқилар сочадилар. Воқеа устида ҳозир бўлганлар ва шу теварак-атрофда яшаган камбағал ва муҳтожларга пойтахтдан олиб келинган тухфалар, назр-ниёзлар, пуллар ҳадя этилади. Учрашув байрам тусини олади.

Шоҳруҳ Мирзо бу пайтда 15 ёшда эди. Унинг Самарқанддан махсус чақиртириб олинishi бежиз бўлмаган. Амир Темур ҳазратлари вақтни жуда қадрлаган. У, роҳат-фароғатнинг меъеридан ортиқ бўлишни ёқтирмаган, истиқболни доимо режалаштириб борган, қўйилган мақсади йўлида тиним билмаган. Шоҳруҳ Мирзонинг ҳам синовдан ўтиши, жанг майдонларида ўзини кўрсатиши фурсати етилган эди. Шасман қасрида бир муддат галабани нишонлаган

Соҳибқирон, қиш тушмай, Ироқ ва Форсга юришни мўлжал қилиб турган эди. 1393 йилнинг 9 январига келиб, мақсад амалга оширилади. Шаҳзодалар, қўшин бошлиқлари Мозандарондан йўлга чиқадилар. Шасманга, голиблик тантанасига борган ҳарам аҳлидан Сарой Мулк Хоним ва Туман Оғо шаҳзодалар билан қўшин орти карвонида (Ўғруқда) қолдирилади. Соҳибқирон ўзи билан хотинларидан Чўлпон Мулк Оғо, Дур Султон ва Нигор Оғони ҳамсафар қилиб олади. Шоҳруҳ Мирзо қўшиннинг илғор қисмига бириктирилади.

Шоҳруҳ Мирзо Сафид қалъасини қамал этиш ва олишда иштирок этади. Қалъа тоғда бўлганлиги боис, уни забт этиш қийин кўчади. Амир Темур ҳазратларининг ўзи бир неча киши қуршовида дарвоза олдига етиб келади. Қўшин ҳамма томондан шовқин-сурон солиб, тоғ тепасига кўтарилади ва Соҳибқирон чодирини ўрнатади. Қалъага ҳужум бошланади. Муаррих, навкарлар фармони олий бўлгандан сўнг, мисоли мур-малаҳдек, ким отда, ким пиёда баландликка тирмашиб чиқа бошлади, дейди. Шаҳзода Муҳаммад Султон қўшинлари унғ қанотдан, Пир Муҳаммад Мирзо ва Шоҳруҳ навкарлари ҳам қалъани сўл тарафдан ўраб олиб, жангни бошлайдилар. Отлиқ аскарлар эгардан тушиб, шиддатли ҳужумни амалга оширадилар. Қалъа тез орада қўлга олинади. Маълум бўладики, қалъа эгалари бу жойда кўп хотин-қизларни асирда сақлаган экан. Соҳибқирон амри билан уларнинг ҳаммасига озодлик бахшида этилади.

Сафид қалъасини буйсундиришда саркардалардан Оқ Буғо қалъа деворига биринчи бўлиб чиққанлиги сабабли, катта шон-шарафга ноил этилади. Шу куни Оқ Буғо олган мукофотларнинг сон-саноғи бўлмайди. Муаррих дейдики, ўша куни унинг бори-йўғи битта оти бор эди, эртасига эса унинг бойлиги сон-саноқсиз кўпаяди, баҳодирнинг ўзи, «бунчалик бойлик тушимга ҳам кирмаган эди», деган экан.

Шоҳруҳ Мирзо қатнашган жанглардан бири Соҳибқироннинг Шоҳ Мансур билан қилган кураши бўлган эди. Соҳибқирон Амир Темур Шерозга қўшин тортганида, бу жойда Зайнулобиддин подшоҳ бўлган. Ўзига қарши 100 минг кишилик лашкар келаётгани хабаридан қўрқиб қолган шоҳ тахтини амакисининг ўғли, Тустар ҳокими Шоҳ Мансурга топшириб, қочади. Шоҳ Мансур беибо, оқибатсиз киши бўлганидан, Зайнулобиддинни қўлга олиб, Салосил қалъасида занжирбанд қилиб, банди этади. Кўзларига мил тортади, беаёв таҳқирлайди. Амир Темур ҳазратлари Сафид қалъасини қўлга киритганида, Зайнулобиддинни асирликдан халос этади ва унга ҳурмат кўрсатиб, «Тортган азобларинг учун, Аллоҳ мадади билан Шоҳ Мансурни жазолайман», дейди. Шоҳ Мансур Амир Темурга қарши қаттиқ тайёргарлик кўради. У, Турон лашкари ўтадиган йўл бўйидаги боғларга пистирмалар қўяди. Соҳибқирон амирларидан Усмонбек шундай боғлардан бирида душманнинг қоровулини пайқаб қолади ва яширин равишда уларни кузата бошлайди. Сайин Темур, Томуқа, Мавло, Қора Муҳаммад ва Баҳром Ясурийлар яширин жойдан чиқиб, душман қоровули ортидан боради. Баҳром Ясурий уларга етиб олиб бирини қилич солиб, ағдаради. «Тил», шу тариқа, Соҳибқирон ҳузурига келтирилади. Ҳукмдор уни сўроқ қилади ва Шоҳ Мансур ҳақида маълумотлар олиб, олға қараб юрадилар. Бир ёғоч йўл (6 км) босиб ўтилганда, боғлар ичидан душманнинг уч-тўрт минг отлиқлари, зирҳ билан қопланган қўшини отилиб чиқади. Шоҳ Мансур улар ўртасида бўлиб, шамширнини ҳавола қилиб, олда келарди. Шерозга яқин бўлган Патила деган манзилда у жума намози пайтида Соҳибқироннинг 30 минг кишилик лашкарига ҳарба қилади. У шундай жадал ҳаракат қиладики, қўшинни оралаб ўтишга, унинг орқа томонига, эгарланмаган отлар турган жойга қадар боришга муваффақ бўлади. У тезда изига қайтиб, от жиловини Амир Темур турган тепалик тараф-

га қаратиб буради. Шоҳ Мансур ва унинг навкарлари Соҳибқирон ёнидагиларни тарқатиб юборишга эришадилар. Шу вақтда Амир Темур Шоҳ Мансурни даф этиш учун найзасини беришни сўрайди. Найзабон, бахтга қарши, Шоҳ Мансур ҳужумидан қўрқиб қочиб қолган бўлади. Нима қилиш керак? Соҳибқирон ёнида ҳаммаси бўлиб ўн беш киши бор эди. Муаррих, Амир Темур Аллоҳдан мадад тилаб, оёғини ерга қаттиқ тираб, бир қарич ҳам жойидан жилмай, қаттиқ тураверди, дейди. Шоҳ Мансур Соҳибқиронга яқинлашиб, унинг боши устида икки бор қилич тўлгайди, аммо бирор заҳм етказишга муваффақ бўла олмайди. Шу ҳамла пайти ҳозир бўлган Одил Ахтачи ўз қалқонини Соҳибқирон боши узра тутиб туради, Қимарий Ясовул муҳофазага ташланади, унинг қўлига қилич тегаети. Маҳмудшоҳ, Тўкал Бовурчи, Омоншоҳ ва Муҳаммад Озодлар Амир Темурни ўраб олмоқчи бўлган душманга қарши мардондор курашадилар. Шоҳ Мансур бир иш қилолмай, ортга қочади. Шаҳзода Муҳаммад Султон ёв лашкарининг ўнг қанотини қувишга эришади, шаҳзода Пир Муҳаммад Мирзо Шоҳ Мансур қўшинининг чап қанотини мағлуб этиб, қувишга тушади. Шоҳруҳ Мирзо бу оғир кечган, отаси ҳаёти учун фавқулодда, хавфли бўлган жангда, муаррих қайд этганидек, «тик туриб курашади». Шоҳ Мансур билан бўлган жангда, шаҳзодаларнинг ботирлиги сабаб, шон ҳам, жон ҳам сақлаб қолинади. Қочган навкарлар қайтиб келади. Муаррих, Шоҳ Мансурга қарши қилич кўтарганда, Шоҳруҳ Мирзонинг ёши бори-йўғи ўн еттида эди, шундай ёш бўлишига қарамай, у Шоҳ Мансур ва унинг одамлари билан қиличлашади. У, ёвни танг аҳволга солиб қўяди ва, ниҳоят, Шоҳ Мансурнинг бошини кесиб, ҳукмдор Соҳибқирон олдига олиб келади ва бошни унинг оёқлари остига ташлаб, отасини ғалаба билан қутлади, деб ёзади. Баъзи манбаларда бу жасоратнинг Шоҳруҳга дахлдорлиги инкор этилади. Нима

бўлганда ҳам, Шоҳруҳ Мирзо ва унинг навкарлари шу жангда ўзларини кўрсатганлар, Шоҳ Мансур мағлубиятининг унга боғланиши бежиз бўлмаган.

Шу қаҳрамонликдан сўнг, Шаҳруҳ Мирзо отаси ёнида бўлади ва дафъатан пайдо бўлган яна катта бир гуруҳга – тиш-тирноғигача қуролланган ёғийларга ёнма-ён туриб жанг қиладилар. Қолат Сурх тоғларига қочиб жон сақлаган ёғийлар шундан кейин бош кўтара олмаган.

Форс мулклари учун бўлган курашлар 1393 йилнинг ёзига қадар жадал давом этади. Шоҳруҳ Мирзо Исфахон, Деҳи Улви каби манзилларда ҳам фаол ҳаракатда бўлади.

Бағдод фатҳ этилгандан кейин, Соҳибқирон ҳузурига савдогарлар ва зиёратчилар келиб, унга арз қиладилар. Дейдиларки, «бу жойдан унча олис бўлмаган ерда Тикрит деган мустаҳкам қалъа бор. Унда ўғри ва қароқчилар тўда бўлганлар, уларнинг талончилиги сабаб, бирор мусулмон йўлдан омон-эсон ўта олмай қолди. Улар ҳамиша Миср ва Сурияга борадиган ва у ёқлардан келадиган савдогарларга ҳужумлар уюштиradi, одамларни ўлдиradi, талайди. Мана, неча йилдирки, улар бу қалъани ўзларининг турар жойлари қилиб олганлар, ҳозиргача бирор подшоҳ уларга бас кела олмади, мусулмонлар бу ҳолдан жуда хавфу хатарга тушиб қолдилар».

Соҳибқирон уларни тинглар экан, жавобига, «Аллоҳ инояти билан бу сафардан мақсад, мусулмонларни шу хилдаги ташвишлардан қутқазмоқ эди, биз бу ҳақда ўйлаб кўрамиз», дейди. Кўп ўтмай, Бурҳон Ўғлон, Ёйиқ Сўфи, амир Жалол Ҳамид, Шоҳ Малик, Саййид Ҳожа ва Шайх Али баҳодурларга Тикрит қалъасини қамал қилиш ҳақида фармони олий берилади. Жанг олди-дан беклар, навкарлар рағбатлантирилади. Жароҳат олган амир Усмон Аббосга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади. У Карбалода ярадор бўлган ва Бағдодга олиб келинган эди. Амир Темур ҳазратлари унинг муола-

жаси учун ҳар кунни минг динар кепакий олтин пул ажратади. 1393 йилнинг 1 ноябрида Шайх Бахлулнинг муқаддас марқадини зиёрат қилиб, садақа ва назр-ниёзлар таркатади. Шундан сўнг, ўғли Шоҳруҳ Мир-зони илғор қисм билан олдинда жўнатиб, эртасига, якшанба кунин (2. XI. 1393) Тигр дарёси томонга отла-нади. Соҳибқирон ва унинг қўшинлари 8 ноябр кунин Банди Асар деган манзилдан ўтиб, чангалзор-бутазор бир жойда тўхтайдилар. Кишилардан бири бу жойда шерларни кўрганлигини айтади. Соҳибқирон шерлар билан жанг қилишга тайёргарлик кўради. Бу ерда, оз эмас, кўп эмас бешта шер пайдо бўлиб, одамларга хавф сола бошлайди. Амир Темур одамларни уларнинг бешаласини ҳам камон ўқи билан ўқлаб ўлдиришга муваффақ бўладилар. 9 ноябр кунин, шерлар билан бўлган жангдан кейин, қўшин Тикрит қалъасига етиб келади.

Тикрит қалъаси вақтида Сосонийлар томонидан баланд тоғ тепасида ниҳоятда мустаҳкам қилиб қурил-ган қалъа эди. Қалъанинг бир томонидан Тигр дарёси оқиб ўтади. Қалъа пишиқ гишт ва ганчдан тикланган бўлган. Бу пайтда қалъада Ҳасан деган киши ҳукм юритган. Сосонийлар давридан буён Тикритни бирор-та подшоҳ забт этишга муюссар бўлмаган экан. Ҳасан бошлиқ қароқчилар йўлтўсарлик қилиш, карвонлар-ни талаш билан машғул бўлган, қўлга тушган киши-ларни қалъага олиб келиб, ўлдириб юборганлар. Ҳасан бирор ҳукмдорга бўйсунмаган, бирор шоҳга хирож ёки тўхфа бермаган, ўзини тўплаган, ўзини сарфлаган. Соҳиб-қирон Амир Темур лашкари қамални бошлаб, ного-раларни, карнайларни чалиб, шовқин-суронни авжга миндирган. Ҳасан жам бўлган қўшинни кўриб қаттиқ хавотирга тушади. У, укасини тўхфа ва тортиқлар би-лан Амир Темур ҳузурига юбориб, шафқат қилишни сўрайди. Соҳибқирон элчига от ва тўн бериб, «Ҳасанга бориб айт, кўрқмасин ва хавотирга тушмасин, фақат олдимизга тезроқ келсин», дейди. Ҳасан, азбаройи

кўрқувдан, қалъадан ташқари чиқа олмайди, чорасиз қолганидан, урушга ҳозирлик кўради.

Қалъадорлик ишида тажрибаси катта бўлган Турон лашқари қалъа атрофига оғир қурооларни тизиб чиқади. Тошотар мосламалар – манжаниқлар қалъа ичидаги уйларни вайрон қила бошлайди. 11 ноябр, қамалнинг учинчи кунин, Ҳасан ўз онасини Соҳибқирон олдига отлар ва бошқа совғалар билан юборишга мажбур бўлади. Амир Темур унинг онасини яхши қабул қилади ва, «ўғлинг ҳузуримга келмайдиган бўлса, бегуноҳ мусулмонларнинг қони тўкилади», дейди. Шундан кейин ҳам Ҳасан келмайди, вақтдан ютиш илнжида бўлади, қаршилиқ кўрсатишда давом этади. Соҳибқирон лашқари қалъа минорлари тағларидан чоҳлар ковлашга киришадилар. Тун давомида минорларнинг бири ағдариб олинади, шу тариқа қалъанинг ташқи қисми қўлга киритилади. Ҳасан ички қалъанинг мустаҳкамлигига ишониб, унга бекиниб олади. Амир Темур қалъани бутун айланасига чоҳлар қазиб, қўлга олиш фармониини беради. Кўпин ёпирилиб бу ишни ухдалашга киришади. Шоҳруҳ Мирзо минглигидан Ит Ҳожа Мусо, Камолбек, Давлатшоҳ ҳисобчи, Фарах Лозаний Қушчи, Черкас Сувчи, Боязид, Жалол Бовурчи, Боён Қушчи, хуллас, уларнинг сони кўп, тоғу тошни ковлаб, 35 қари (17.5 м) узунликда чоҳ – кириш йўлагини тайёр қилдилар. Кўпшакхон, Алп Дарвеш Барлос, Амироншоҳ Мирзо, Шайх Муҳаммад Ийгу Темур мингликлари ҳам белгиланган ерларда чоҳлар қазиб бўладилар. Ҳасан бу ҳолни кўриб, яна одам юборади. Амир Темур ҳазратлари, «У келмас экан, шафқат бўлмайди», деган қатъий ҳукмни айтади.

Ноилож қолган Ҳасан шунда, Шоҳруҳ Мирзога ўз укасини йўллаб, «Шаҳзодам, мен сизга ишонаман, Соҳибқирондан мен учун шафқат тиланг», деб ёлворади. Шоҳруҳ Мирзо гапни отасига маълум қилади. Ҳукмдор бу сафар ҳам, «Қачонки, у келмас экан ва ўзининг

ўғрилиқ, талончилик қилмишларидан пушаймонлик билдирмас экан, унинг узри қабул қилинмайди. Агар у олдимизга келса ва ўз хоҳишларини билдирса, ундан шафқатни дариг тутмаймиз», деган фикрини айтади. Ҳасан, Шоҳруҳ Мирзони восита қилмоқчи бўлиб, унинг олдига укасини юборганди. Шоҳруҳ Мирзо Ҳасаннинг элчи бўлиб келган укасига тун кийдириб. «Энди бориб айт, агар унинг ўзи келмайдиган бўлса, сен ҳам у билан бирга ўтиравер», дейди. Укаси Соҳибқирон фикрини етказди. Шунда Ҳасан, «Бизнинг оталаримиз бу ерда ҳукм сурган, биз ҳам кўпдан бери шу мақомдамиз. Оталаримиз ҳеч кимга бўйсунмаган, нимани хоҳлаган бўлса, шуни қилганлар. Борди-ю биз қалъадан чиқадиган бўлсак, биз мол-ҳолларини тортиб олган одамлар даъво қилиб, бойликларининг қайтариб берилишини талаб қиладилар. Соҳибқирон бизга ниманики олган бўлсак, қайтаришимизни амр қилди, биз эса бундай қилолмаймиз. Оқибатда, бизни қийнайдилар. Биз учун охириги томчи қон қолгунча урушмоқдан бўлак чора йўқ», деган қарорга келади. Шу гапдан сўнг қароқчилар жанг ноғорасини чалишга киришадилар.

Жанг бошланади. Қазилган чоҳлар ўтинлар билан тўлдирилган эди. Ўтинларга мойлар қўйилади ва олов ёқилади. Тагидан ўт кетган минорлар бирин-кетин қулаёт бошлайди. Қалъа ичидагилар ёппасига шафқат қилишни сўраб ёлворадилар. Ҳасанбек ва унинг тўдаси асирга олинади ва бўйинларига арқон солиниб, Соҳибқирон олдига олиб келинади. Қалъа ичидаги фуқароларга омонлик берилади, ўғри ва қароқчиман деганига раҳм-шафқат қилинмайди. Шу тариқа савдогар ва зиёратчилар илтимоси бажо келтирилади, узоқ замонлардан бери талончиликни, ўлдиришни восита қилиб, бойиб келган газандалар уяси тугатилади.

Мордин шаҳрини забт этишда ҳам Шоҳруҳ Мирзо ўзини кўрсатади. Тоғли жойлардаги жанглар жуда

огир кечади. Шунга қарамай, Соҳибқирон лашкарларини мустаҳкам қалъаларини бирин-кетини ўз тасарруфларига оладилар. Морддин ва қалъа учун жанглар ҳал бўлиш вақтида Султониядан Шоҳруҳ Мирзонинг ўғилли бўлганлиги хушхабарини келади. Гавҳаршодбегим фарзандли бўлган эди. Бу воқеа ҳижрий 796, ит йилида, якшанба кунини юз беради. Чақалоққа Муҳаммад Тарағай – Улуғбек Мирзо исми шарифини берилади. Улуғбек Мирзо, шу тариқа, сафарда, Султония шаҳрида 1394 йилнинг 22 мартда таваллуд топади.

Хушхабардан Соҳибқирон бениҳоя даражада хурсанд бўлади. Морддин аҳолисига омонлик бахшида этилади, жазо чораларини, жарималар бекор қилинади.

1394 йил бошларини, авж баҳор давомида Амир Темур ҳазратларини ғолибона юришларини давом эттиради. Олатоғ томон қилинган юришларда Шоҳруҳ Мирзо доимо отаси ёнида бўлади. Озарбайжондаги Муш саҳроси йўлидан ота-ўғил биргаликда ўтадилар. Йўл улуғ тоғлар, баланд доvonлар орқали ўтган. 1394 йилнинг баҳори бўлишига қарамасдан, тоғларда қор ниҳоятда кўп эди. Айтилганидек, Султонияда воқеа бўлган қувончли кўпайиши – Улуғбек Мирзонинг туғилиши муносабати билан Сарой Мулк Хоним, Туман Ого ва бошқа маликалар шу ерда кинлаб қолган эдилар. Маликалар ўғруқи баҳор бошлангани билан Соҳибқирон ўрдасига етишади. Хонимларини кутиб олишга Шоҳруҳ Мирзо пешвоз чиқарилади. Шоҳруҳ Мирзо тўрт кеча-кундуз йўл босиб, улуғ маликаларини кутиб олади. Муаррихнинг шаҳодатига кўра, маликалар ва шаҳзодалар Султонияда ўн бир ой тўхтаб, бу орада Соҳибқирон билан кўриша олмаган эдилар. Опага бўлган соғинч ҳисси Амир Темур ҳазратларининг бир қисм одамлар билан келаётганлар истиқболга чиқишига шошилтиради. Бир кунлик йўлдан кейин Соҳибқирон ва унинг хонадонини аъзолари учрашадилар. Хурсандчилигининг чеки бўлмайди. Маликалар Соҳибқирон бошидан олтин сочқилар сочадилар. Сухбат бош-

ланади, гап айланиб, марҳум Умаршайх Мирзога келади. Унинг яхши сифатларини эслаб, аёллар кўзёши қиладилар, эски жароҳат очилади. Шаҳзодалар, саркардалар худойи қилишиб, халойиққа садақалар, назр-ниёзлар улашади. Соҳибқирон оғир-босиқлик билан ҳаммаларига насиҳат қилади, чиройли йўл-йўриқлар кўрсатади.

1394 йилнинг 25 августида Шоҳруҳ Мирзонинг яна ўғил фарзанд кўрганлиги хабари етиб келади. Сарой Мулк Хоним хушxabарни чопар орқали юборар экан, Соҳибқиронни қутлаш билан бирга, суюнчи ҳам сўрашни унутмайди. Соҳибқирон ва унинг ҳузурида бўлган маликалар, шаҳзодалар, беклар, саркардалар суюнчини бисёр қилишади. Хушxabарни эшитган Амир Темур ҳазратлари азбаройи қувониб кетганидан, бошдаги қалпоғини осмонга отиб, хазина эшикларини очади ва аҳолининг каттадан-кичигига қадар инъом, эҳсонлар тарқатади. Набира таваллуди сабаб, дейди муаррих, Соҳибқирон адолат ва олижанобликни бардавом этди. Набира шарафига (Иброҳим Султон Мирзо – П.Р.) шундай улуғвор тўй берилдики, бунақасини олам кўрмаган эди, деб ёзади Яздий. Тўй кунларида тобе этилган вилоятларнинг аҳолисига туҳфалар берилгани каби улар бир йиллик олиқ-солиқлардан ҳам озод этилгани эълон қилинади.

Набира улуғ малика Туман Оғо тарбиясига топширилади. Бундан севинган Туман Оғо ҳам, ўз навбатида, чақалоқ шаҳзода шарафига тўй беради. Амир Усмон Аббос шаҳзодага отабек қилиб тайинланади. Унинг хотини Сотқин Оғо Соҳибқироннинг яқин қариндоши эди. Хуллас, бу учлик янги туғилган набира парвариши ва тарбияси билан машғул бўлади.

Тўй тантаналаридан кейин, 1394 йилнинг 17 августида Соҳибқирон Шоҳруҳ Мирзони Самарқандни идора этиш учун жўнатади. Унга адолатли бошқарувни, аҳоли ҳолидан хабардорликни, айниқса, камбағал ва муҳтожларга ғамхўрлик кўрсатишни алоҳида тайин

қилади. Шоҳруҳ Мирзога кўпгина маслаҳат ва кўрсатмалар беради. Улардан энг аввалгиси тубандагича бўлган:

1. Самарқандга етиб борганингда, ўзингнинг кимлигингни унутма ва аҳолининг аҳволидан хабардор бўл.

2. Аллоҳга бандаликда ва Аллоҳ ибодатида мукамал бўл. Барча вилоятларда, доруғалар ва маҳкама бошлиқларини тайинлашда Худодан кўрқадиган, чин мусулмонларни танлагил, мусулмонларга зулм ўтказадиган одамларни ёнингга олмагил. Борди-ю, зулм қилаётган золимни кўрсанг, уни асло тирик қолдирма».

Шоҳруҳ Мирзо ҳукмдор кўрсатмаларини қабул қилади. Сарой Мулк Хоним, Туман Оғо ва бошқа хотин-халажлар Шоҳруҳ Мирзо карвони билан Самарқанд томон йўл оладилар. Маликалар Султонияга етиб, шу ерда тўхтайдилар. Шоҳруҳ Мирзо эса Самарқанд сари бетиним йўл босади. Жайхун дарёси кечиб ўтилади. Шаҳзодани кутиб олишга Мовароуннаҳрнинг улуғ саййидлари, қозилар, доруғалари чиқадилар. Тўхфалар, сочқилар мўл-кўл бўлади. Шундан сўнг, Шоҳруҳ Мирзо ота юрти Кешда тўхтайди. У, Соҳибқироннинг Мовароуннаҳр мамлакати ҳукмдори бўлган даврида, Самарқандда туғилган шаҳзода эди. Ака-опаларининг таваллуд жойи эса Кеш-Шаҳрисабз бўлган эди. Ота шаҳрини зиёрат қилиб, азиз-авлиёлар ва бобоси қабрларини кўздан кечиради, дуойи фотиҳалар бағишлайди. Сулаймоншоҳбек – поччаси, опаси Султон Бахт Бегимнинг эри, аммаси Қутлуғ Туркон Оғонинг ўғли – Самарқанддан чиқиб, Шоҳруҳ Мирзо истиқболига пешвоз чиқади. Шоҳруҳ Мирзо шарафига Самарқанд шаҳри жуда чиройли қилиб безатилади, ҳунармандлар ақлни ҳайратга соладиган мўъжизавор шакллар ясайдилар. Шоҳруҳ Мирзо шаҳарга кириб, подшоҳлик тахтига ўтиради ва отаси кўрсатмаларига амал қилиб, адолат ва ободонликка катта эътиборни қаратади. Унинг биринчи қилган иши, жарчиларга бу-

юрадики, ким адолат талаб бўлса, унинг эшикларига келишини, ким зулм кўрган бўлса, ҳузурига келиб, арзини айтсин ва ҳақиқатга эришсин, шу ҳақда бозор жойларда тинимсиз жар солсинлар. Бу унинг кутганидан ҳам ортиқ натижа беради. Ишнинг бу тартибда олиб борилишидан халқ жуда севилади, элнинг бахтиёрлигини ёзишга қалам ожиз, дейди муаррих.

Соҳибқирон Амир Темур 1396 йилнинг 18 июлида Хамадондан Самарқандга қараб қайта бошлайди. Шоҳруҳ Мирзо қарийб икки йилдан буён пойтахтини идора қилиб турган эди. Бу даврда, шубҳасиз, ичкиташқи алоқалар Соҳибқирон назоратида бўлиб, Самарқандга алоҳида эътибор қаратилган. Фармони олийлар, кўрсатмалар юбориб турилган. Соҳибқирон ҳали Дашти Қипчоқда эканида, Сакизака Тавочини Самарқандга юбориб, Шоҳруҳ Мирзога, Самарқандда турган Абу Бакр Мирзони Рустам Тоғай Буғо Барлос, Пир Али ва бошқа беклар билан беш минг отлиқ аскар қўшиб ўз ҳузурига жўнатиш топширигини беради. Шоҳруҳ Мирзо бу вазифани адо этади ва Абу Бакр Мирзо айтилган беклар ва қўшин билан Соҳибқирон Бистомга келганда етиб, у билан кўришишга ноил бўлади. Амироншоҳ Мирзо олдига жўнатилаётган Абу Бакр Мирзога юз минг динор олтин кепакни пул, жаҳонда тенгсиз, қумайт зотидан бўлган, подшоҳ Тоҳуртан туҳфа қилган отни ҳадя этади. Абу Бакр Мирзо шу кетишида тўғри Табризга, отаси Амироншоҳ Мирзо хизматида боради. Бу воқеаларнинг даромади олдинги бобда ҳикоя қилинган эди.

Муаррих Шарафиддин Али Яздий, Амир Темур ҳазратларининг ҳарбий сафардан қайтишда амалга оширган ишлари тўғрисида, у зотнинг ҳукмдор сифатидаги қиёфасини, фаолиятини очиб берадиган маълумотларни келтириб ўтади. Бу, шунчаки, ғолиблик қайтишигина бўлиб қолмай, айна вақтда, мамлакатни идора қилишнинг амалий бир кўриниши, деб баҳолашга лойиқ жиҳатлар эди.

Хукмдор, йўл-йўлакай, Хуросонда тўхтаб ўтади. Хирот шаҳридан дарҳол доруға амир Оқ Буғо унинг ҳузурига етиб келади. Кўрманга ўша вақтда расм бўлганидек, туҳфалар олиб келади ва вилоятидаги аҳвол ҳақида ҳисоб беради. «Соҳибқирон қайси вилоятга қадам қўйса, – деб ёзади муаррих, – ўзи маҳкамада ўтириб олиб, халқнинг аҳволини сўраб-суриштирарди, камбағаллар, муҳтожлар ҳоли билан қизиқарди. Мазлумларни зolimлардан ҳимоя қиларди, бошқаларга ибрат бўлсин учун, зулм қилганларнинг баъзиларини қатлга буюрарди. Бу ишни зўравон ожизни эзмаслиги, бой камбағалга зуғум қилмаслиги учун атай амалга оширарди».

Амир Оллоҳдодбекни Хуросонни идора қилиш учун қолдиради. Ўзи эса Мовароуннаҳр сари қайтишни давом эттиради. Амударёдан кемада ўтиб, Хузорга келиб тин олади. Хузорда Соҳибқирон истиқболига унинг оиласи аъзолари – қизи Султон Бахт Бегим, маликалар, Сарой Мулк Хоним, Туман Оғолар шаҳзода Шохруҳ Мирзо бошчилигида етиб келадилар. Совғасаломлар мўл-кўл бўлади. Шохруҳ Мирзо отасига тилло юганли, тилло эгарли, тамғали (зотдорлиги нишониси) бедовни пешкаш этади. Одатдагидай, Амир Темур ва хонадон аъзолари дийдорлашуви байрамга айланиб кетади. Барчалари хурсанд бир ҳолда Кеш шаҳрига етишадилар. Соҳибқирон бу манзилда ўзи қурдирган Оқ Сарой қасрида тўхтайтиди. Эртасига отланиб, муқаддас марқадлар зиёратига боради. Аввал Шайх Шамсиддин Кулол қабрини зиёрат қилади. ҳамма зиёрат жойларига кириб чиқади. Шу атрофда жам бўлган аҳолига, дарвешларга, камбағалларга инъом-эҳсонлар ҳадя қилади. Сўнг, отаси Муҳаммад Тарағай қабрига боради, ўгли Муҳаммад Жаҳонгир марқадини зиёрат қилади, қариндош-уруғлар кўмилган жойларга ҳам бориб, меҳр-оқибат кўрсатади. Ҳофизлар ҳам Соҳибқироннинг саховатли назаридан четда қолмайди, уларга ҳам хайр-эҳсонлар қилинади.

Ҳофизлар, уламоларнинг кимлигини, қаердан келганлигини аниқлайди. Узоқ йқимлардан келган уламо-ларга, айниқса, катта раббат кўрсатади. Шу кун Оқ Саройда катта тўй берилади, ҳамма амирлар, беклар, элу халқ Соҳибқирондан мамнун бўлиб, хурсандчиликлар қиладилар.

Соҳибқирон Тахти Қорача тоғидан ўтиб, эсон-омон Самарқандга келиб келади. Шаҳар аҳолиси унинг ташрифни шарафига кўчаларни, биноларни чиройли қилиб безайдилар, муғанишчилар, қўшиқчилар шаҳарнинг кўзга ташланадиган ерларида гуруҳ-гуруҳ бўлиб, тик турган ҳолда Соҳибқирон қайтишини олқишловчи куй ва ашуаларни ижро этиб турадилар. Амир Темур ҳазратлари Самарқандга қадам қўяр экан, энг аввало, авлиёлар, муқаддас марқадаларни зиёрат қилишдан иш бошлайди. Зиёратгоҳларда жам бўлган дарвешу зоҳиду камбағалларга катта хайр-оҳсонлар тарқатади. Соҳибқирон Самарқанд тахтига кўрк бағишлаб, ўтиради.

Соҳибқирон шу йил қишнинг Кўк Саройда ўтказади. Шаҳарнинг шимолий қисмида тенгиз бир боғ яратилиб рояси шунда турилади. Боғ ўрни Самарқанд шимолда бўлгани бонс. «Шимолнинг боғ» деб аталади. Унинг ичида ниҳоятда гўзал бир қаср ҳам барпо этадилар. Қасрнинг Ироқ, Форс, Бағдод ва Шероздан олиб келинган қўлингил хунармандлар ораста қиладилар. Амир Темур ҳазратлари Шимолнинг боғда турар экан, тўйлар беради. Шу орада (Соҳибқирон Самарқандда бўлгани бонс, «иниш» қолган), ўғли Шохруҳ Мирзога Хуросон, Сеистон, Мозандарон ва Раини Ферузкуҳга қадар идора этиш учун беради. Улуғ беклардан Сулаймоншоҳбек, амир Мирзоб Жоку, Саййид Ҳожа Шаайх Али Баҳодур, Абдусамал Ҳожин Саййиддин, Ҳасан Жондор Маликат ва унинг ўғли Жаҳон Малик, Пир Муҳаммад Фўлод, Ғиёсиддин Тархоннинг ўғилларидан Али Тархон, Ҳасан Сўфи ва бошқа бекларнинг уй ичлари ва молу мулклари билан Шохруҳ Мирзога қўшиб жўнатади.

Қолган бек ва амирларнинг ё ўғли, ёки ака-укаларидан ҳам Шоҳруҳ Мирзога ҳамроҳлар берилади. Шу тариқа, Шоҳруҳ Мирзо Хуросон мулклари ҳукмдорига айланади.

Шоҳруҳ Мирзо ўз аркони давлати билан Хуросон йўлига чиқади, Аму бўйига етиб келади. Ҳижрий 799 йилнинг шаъбон ойида (1397. май) дарёдан ўтиб, Андхудга келиб тушади. Кеча-ю кундуз йўлни тай қилиб, Чечакту манзилида тўхтайдилар. Ҳирот шаҳридан Шоҳруҳ Мирзо истиқболга доруға Оқ Буго сайийдилар, уламолар дошшмандлар қуршовида чиқиб, катта ҳурмат-эҳтиром, тўхфалар билан кутиб олади. Қўхдистонда Рамазон ойини ўтказган Шоҳруҳ Мирзо Ҳиротга етиб, Боғи Зоронда ўрнашади. Хуросон, Мозандарон ва Сеистон вилоятлари доруғалари жамлашиб келиб, унга ҳисоб берадилар. Шоҳруҳ Мирзонинг Хуросонга ҳукмдор этиб тайинланиши хосиятга кечади, орадан уч ой ўтиб, 1397 йилнинг 15 сентябрида у ўғил фарзанд кўради. Бу ҳақда Соҳибқирон бобосига хушxabар етказилади. Соҳибқирон бу набирасига Бойсунгур Мирзо деган исми беради.

Шоҳруҳ Мирзо Хуросонга ҳукмдор бўлганида 20 ёшга тўлган эди. Бу вақтда унинг Улуғбек, Иброҳим Султон ва Бойсунгур Мирзо исми уч ўғил бор эди. Хуросонда бошқарувни йўлга қўйиб, анча тажриба орттирган Шоҳруҳ Мирзо Соҳибқироннинг Ҳиндистон юришига ўз лашкари билан жалб этилади. Ҳиндистон сафари ҳижрий 800 йилнинг ражаб ойида (март – апрель, 1398) бошланади. Амир Темур ҳазратлари Андарабга келиб тушганида шу юртнинг каттадан – кичиги унинг олдига келиб, жангари ва ярим ёввойи Қатур ва Сиёҳпўшлардан ҳимоя қилишни арзга етказдилар. Арз қилувчилар, «Биз мусулмонлар жамоасимиз, бу ерларни ватан тутганмиз. Ҳар йили Қатурнинг динсизлари биздан жуда катта солиқлар олади. Солиқни бермасак, эркакларимизни ўлдирадилар, хотин ва болаларимизни асир қилиб олиб кетадилар», дей-

дилар. Соҳибқирон, уларга, «Энди бизнинг зиммамизда динсиз талончиларни йўқ қилиш масъулияти бўлади, сўнг бошқа ерга борамиз» деб жавоб қилади. Соҳибқирон, шундай деб, ҳар бир қўшинидан 10 та навкарни танлаб, улар орасидан учта забардаст йигитни сайлаб, Қатур устига юради. Шоҳруҳ Мирзони қолган қўшин билан Ғунан ва Йақтур ўтлоғида қолдиради. Шаҳзода Рустам ва Бурҳон ўғлонни ўн минг лашкар билан чап қанотдан Катта Қатур ва сиеҳлўшларга қарши жўнатади. Бу юриш, шубҳасиз, Амир Темурнинг Ҳиндистон сафаридаги асосий режасига кирмаган. Оламда адолатни қарор топдириш шиори бўлган Соҳибқирон учун муқаддас иш – золимларни, зўравонларни тийиш, мазлумларни, кучсизларни муҳофаза этиш бўлган. Бунга Андараб фуқаролари қилган арз ва унинг ижобати яна бир мисол бўла олади.

Қатурга бораверишда Амир Темур Ҳавоқ деган манзилга етади. Ҳавоқ Кобулдан 500 чақирим шимол шарқда бўлиб, денгиз сатҳидан 3848 метр баландликда жойлашган эди. Бу ерда қачонлардир бузилган бир қалъа бўлиб, Соҳибқирон уни тиклашни амр қилади. Қалъани таъмирлаб бўлиб, беклар ва қўшиннинг катта қисми отларни шу ерда қолдириб, тоғ тепасига кўтарила бошлайдилар. Тоғнинг баланд қисмида Кабутархона деган чўққи бор эди. Арпа, буғдой пишадиган вақт бўлишига қарамай, қор қалин тушганлигидан отлар юра олмасди, ўмганига қадар ботиб кетарди. Навкарлар тунда, қор усти музлаганда йўл босадилар. Кундузи эса, қор юзаси эрий бошлаганда, унинг устига наMAT кигизлар тўшаб, гиламлар солиб улар устидан отларни етаклаб олиб ўтадилар. Шу тарзда, қийинчиликлар билан тоғнинг юқори нуқтасига кўтарилиб борадилар. Отлиқ келганлар бундан буёғига юра олмай қолади, йўл ниҳоятда торайиб боргани сари, бутунлай қор билан кўмиллиб қолганди. Шу сабабли улар отларини пастга қайтаришга мажбур бўладилар. Ўйлаб-ўйлаб ўтин чорасини топадилар, қордан

йўлак ковлаб, унинг ичидан юрадилар. Динсизлар тоғ нарисидаги қўйи дараларда яшаганлар. Қўшиннинг ўнг ва сўл қанот беклари ва баҳодирлари дараларга арқонлардан осилиб туша бошлайдилар. Айрим довураклар пастга, шунчаки қор устидан сирғаниб тушадилар.

Соҳибқирон ўчун махсус тахтиравонга ўхшаш мослама ясайдилар ва тўрт буржидан ҳар бири 75 метр келадиган арқон боғлаб, у киши ўтиргач, пастга аста-секин туширадилар. Бу жасоратни қўринг! Амир Темур хазратлари бу пайтда 62 ёшда эди. Соҳибқирон 375 метрлик пастликка, шу тариқа, беш мартада навбат билан тўхтаб, арқон боғланган мослама орқали тушишга муваффақ бўлади. Тушганидан сўнг, отлар қолдирилганлиги сабабли, бир ёғочлик йўлни (6 км) пиёда босиб ўтади. Соҳибқирон отларидан бир қанчасини оёқ ва бўйинларидан арқон боғлаб пастга туширишга уринадилар. Отларнинг айримлари бу усул тақомилга етмаганидан, тушиш вақтида қулаб нобуд бўлади. Фақатгина иккита отни эсон-омон тушириб олишга эришадилар. Амир Темур шундан кейинги йўлни отларга миниб давом эттиради. Беклар, қўшин бошлиқлари эса унинг жиловида бўлади.

Муаррих, мусулмонларни қийнаб келган динсизларни кичик ва катта санамларга ўхшатади, уларнинг қўпчилиги ғалати ясан-тусанда эканлиги шу қиёсга сабаб бўлган. Улар бошлиқларини «ғуда», «ғудашув» деб атаганлар. Тиллари турк, форси ва ҳиндларникидан мутлақо бошқа бўлган. Уларнинг ўзлари ҳам ўз тилларидан бошқасини билмагани каби, бошқалар ҳам уларнинг тилларини тушунмаган. Шу ҳудудда бир қалъа бўлиб, унинг пастидан дарё оқиб ўтган. Дарёнинг нариги қирғоғи жуда баланд тоғликка туташиб кетган. Динсизлар Соҳибқирон қўшини келаётганидан хабардор бўлиб, бир кун олдин нариги қирғоққа, баланд тоққа қочиб чиқиб кетганлар. Чىққанда ҳам бор-йўғини, мол-ҳолларини ҳам бирга олиб кетганлар. Со-

ҳибқирон баҳодирлари улар изидан тоққа кўтариладилар, динсизлар билан уч кун жанг қиладилар. 1398 йилнинг май – июн ойларида ғалаба ёр бўлади. Бу ҳақда қоя тошга хотира ёзуви битилади. Сабаби, бир замонлар Искандар Моқидуний ҳам бу қавмни енга олмаган.

Шоҳруҳ Мирзо, ортда, захира куч сифатида қолдирилиб келинган эди. Амир Темур ҳазратлари Ҳиндистон йўлидаги кучли душманга барҳам берганидан кейин, Шоҳруҳ Мирзога ўз мулкига – Хуросонга қайтиб кетишига ижозат беради. Шоҳруҳ Мирзо кетганидан сўнг, Соҳибқирон Ҳиндикуш тоғига йўл олади, Баран деган мавзеда тўхтади. Бу ердан Кобулга қадар 5 ёғочлик (30 км) йўл бўлган. Кобулга етганидан сўнг, Соҳибқирон кўнглига бир фикр келади. Бу жойдан ўтувчи дарёдан анҳор чиқариш ва ерларни суғориш, боғ-роғлар яратиш фармони олийси бўлади. Бутун лашкар анҳор қазишга киришади, қисқа фурсатда беш ёғоч узунликдаги катта анҳор тайёр бўлади. Соҳибқирон анҳор номини Жўйи моҳигир – балиқ тутадиган анҳор деб атади. Ҳозирги давр муаррихларимиздан бири, «Соҳибқирон фавқулудда туркийчиликка риоя қиладиган киши бўлса-да, бунёдгорлик ишларига форсийча ном беришга майл қилган», деган фикрни билдиради. Шоҳруҳ Мирзодан кейин Дурин яйлоқидан Сарой Мулк Хоним ва Улуғбек Мирзога ҳам Самарқандга қайтиш ижозати берилади. Амир Темур 1398 йилнинг 20 августида Кобулдан чиқиб, Эрёб деган манзилга келади. Қўшин аҳли бу жойда ҳам қалъани таъмирлаш, жума масжидини тиклаш, хуллас, қурилиш ишларига жалб этилади. Шаҳарни қайта қуриш, таъмирлаш ўн тўрт кунда ниҳоясига етказилади. Соҳибқирон 31 август куни отланиб, таъмирланган қалъани кўздан кечиришга чиқади. Беклар, амирлар унга жиловбардорлик қилиб, пиёдалаб борадилар. Мусо деган кишининг одамларидан етти киши дарвоза устида чала қолган таъмир

ишларини бажараётган бўлади. Дарвоза устида болохона – айвон бўлган. Амир Темур бу ерга етиб келганида, айвондан унга камондан ўқ узилади. Ўқнинг учи келаётгани – шувиллаган овоздан от тисарилиб, сесканиб кетади. Шу Соҳибқиронни муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолади.

1398 йилнинг 20 сентябрида Амир Темур ҳазратлари Синд дарёсига етиб келади. Соҳибқироннинг чодирини бир вақтлар Жалолиддин Мангуберди Чингизхон таъқибидан қутулиш учун ўзини дарёга ташлаган жойда қурадилар. Чингизхонда унинг ортидан дарёга киришга юрак бўлмаган ва ортига қайтиб кетган. Синд дарёси устида икки кунда кўприк қуриб битказилади. Чингизхоннинг хаёлига бундай муҳандислик ечимлари келмаган. Бунинг учун қудратли кучдан ташқари билим ва ҳарбий маҳорат ҳам керак бўлган, албатта. Амир Темур қаерда бўлмасин, ҳамиша унинг изидан турли мамлакатлар подшоҳларидан элчилар изма-из юрганлар. Синд бўйида Амир Темур ҳазратлари бошқа элчилар қаторида Макка ва Мадина – икки муқаддас шаҳар номидан элчи бўлиб келган Саййид Муҳаммад Маданийга ўз юртига қайтиш рухсатини беради. Саййид Муҳаммад Маданий ўз юртидаги саййидлар номидан Соҳибқироннинг табаррук Байтуллоҳга таклиф этилганлиги муждасини олиб келган эди. Элчиларга катта эҳтиром кўрсатилади, тухфалар, тортиқлар берилади.

Шоҳруҳ Мирзо Ҳиротда, ўз мулкларини бошқариш учун қайтариб жўнатилагани билан, унинг лашкаридан керакли қисми Ҳиндистон фатҳи учун қолдирилган. Батнир қалъасини забт этишда Шоҳруҳ Мирзонинг Сулаймоншоҳбек, Саййид Ҳожа ва Жаҳон Малик сингари амирлари фаол қатнашганлар.

Ҳиндистонга қилинган юриш муваффақиятли яқун топади. Ғалаба ёр бўлгач, Соҳибқирон Мовароуннаҳрга қайта бошлайди. Ҳиндистон юриши зафарли бўлаётган эди. Нима сабабдан бу иш охирига етказилма-

ганлиги сабаблари номаълумлигича қолиб келмоқда. Ибн Арабшоҳ, ўзича бу қайтишни Амироншоҳ Мирзонинг «Хатига» боғлайди. Ибн Арабшоҳ тўқимасининг пуч ва асоссиз эканлигини 1399 йилнинг 3 мартада Табриздан Амир Темур ҳузурига Амироншоҳ Мирзонинг одамлари келганлиги, шаҳзоданинг соғлиғи ва ишлари яхши эканлиги хабарини етказиши далили очиқ-ойдин кўрсатади. Ашраф Аҳмедов, шу ҳақда мулоҳаза қилар экан, Амироншоҳ одамлари, «агар Ибн Арабшоҳ айтган хатни келтирганларида эди Амир Темур Ҳиндистондан қайтишни беш кунга ҳам кечиктирмас эди», деган ҳулоса келади. Муаррих Яздийнинг гувоҳлик беришича, Соҳибқирон Амир Темур 1399 йилнинг 8 мартада (Мироншоҳ ҳузуридан одамлар келганидан беш кун кейин) Самарқандга томон отланади. Ашраф Аҳмедов тўғри уқдирганидек, амалда шундай хат бўлганида эди, Амир Темур қайтишни бир лаҳза бўлсин пайсалга солмаган бўларди. Соҳибқироннинг шошилмасдан қайтиши, ҳатто йўл бўйи қурилиш, бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлиши унинг кўнгли хотиржамлигидан, ҳеч бир нарса безовта қилмаётганидан дарак беради. 12 март куни Соҳибқирон Нагар қалъасини кўришга боради. Эртасига, 13 мартда Амироншоҳ Мирзо олдидан келган одамларга Табризга, ўғли ёнига қайтишга ижозат беради.

Соҳибқирон Ҳиндистонга юриш бошлаганида Сулаймоншоҳбекка Нагар қалъасини қайта бошдан қуриш топшириғини берган эди. Қалъа қурилиши давомида унинг деворлари ташқарисида зилол сувли булоқ борлиги аниқланади. Амир Темур қалъани кўздан кечираётганида, шу булоқнинг қалъа ичида бўлишини жуда хоҳлайди. Муаррих, «Соҳибқирон бола-чақаларини соринган бўлса-да, шу фикрини амалга ошириш учун отдан тушиб, шу ерда қолади», дейди. Қалъа деворлари кенгайтирилади, бу шунчалик жадал олиб бориладики, ҳатто беқларнинг ўзлари ҳам гишт ташишга киришиб кетадилар. Уч кун ичида девор қайта тикла-

ниб, зилол сувли булоқ қалъанинг ичкарасига олинади. Соҳибқирон бу хайрли ишни амалга оширганидан кейин, йўлни давом эттиради. 18 март куни Арамак Дахана деган мавзегга келиб тушганида, Мавлоно Неъматни Ҳиротга, Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига жўнатади. Кобулга етиб келиб, ўзи барпо қилдирган Жўйи Нав анҳори теграсида тўхтади. Жўйи моҳигир анҳори Ҳиндистон юриши бошланишида қазилган ва эндиликда Жўйи Нав деб атала бошланганди.

Орадан икки кун ўтиб, Наҳушак манзалга етишилганида, Амир Темур ҳазратларининг қўл ва оёқларида чидаб бўлмас огриқ бошланади. Бу, 1362 йилда олган жароҳатлар асоратидан эди. Ҳиндистонга боришда тўрт минг метрлик тоғлардан ошиб ўтиш, совуқ ва қорда юриш энди ўз таъсирини кўрсатаётган эди. Шу куни, 20 мартда Ҳиротдан, Шоҳруҳ Мирзо олди-дан хос кишилар келишади ва шаҳзоданинг соғлиғи, ишлари тўғрисида маълумот берадилар. Қўл ва оёқ огриғи шу қадар зўраядики, отланиш, йўлни давом эттириш имкони бўлмайди. Яхшиямки, 23 мартда Соҳибқирон олди-га Сарой Мулк Хоним, Туман Оғо ва бошқа маликалар, набира шаҳзодалар етиб келишади. Амир Темурнинг хасталиғи ҳамманинг кўнглини чўктириб юборган, ҳеч кимнинг чиройи очилмасди. Оилавий муҳит, яқинлар дийдори тафти сабаб, 25 мартда огриқ чекинади, Соҳибқирон қуршовида шодмонлик қарор топади.

Соҳибқироннинг Ҳиндистондан музаффар қайтиши жуда катта хушнудликларга сабаб бўлади. Жайхундан ўтишда Соҳибқирон шаҳзодалар, маликалар, улуғ зотлар томонидан шоду хуррамлик билан қарши олинади. Шунчалик кўп сочқилар сочиладики, Аму қирғоқлари олтин ва кумуш билан қопланди, деб ёзади муаррих. Бу сўзларда муболаға бўлмаса керак, деб ўйлайман. Соҳибқирон, одати бўйича, Термиз ва Кешда зиёратгоҳларга боради, улуғ авлиёлар, отаси ва авлодлари марқадларида бўлиб, элу халққа кўпдан-кўп

инъом-эҳсонлар тарқатади. 1399 йилнинг 27 апрел куни Самарқандга етиб келади ва Дилкушо боғига тушади. Эртасига Қусам ибн Аббос марқадини зиёрат қилади, йиғилган халойиққа эҳсонлар улашади. Шунда Самарқанд аҳолиси Ҳиндистондан олиб келинган филларни биринчи бор кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайди. Қайтиш тантаналари ниҳоясига етгач, Жайхундан пойтахтга қадар отасига ҳамроҳлик қилиб келган Шоҳруҳ Мирзо Хиротга жўнашга изн сўрайди.

Ҳиндистон сафаридан кейин, етарли ҳаловат олмадан бурун, юз берган нохуш воқеаларни ўқувчи олдинги қисм ҳикояларидан яхши билади. Эронга қилинадиган етти йиллик юриш муддатидан анча олдин – Хонзода Бегим арзи-шикояти сабаб, бошланиб кетади. Соҳибқирон бу юришга киришиш аввалида Хиротга Шоҳруҳ Мирзонинг Саййид Ҳожа, Шайх Али Баҳодур, Жаҳон Малик Мулкат ва Пир Муҳаммад Пўлод деган бекларини (улар Ҳиндистон юришида Соҳибқирон ихтиёрида бўлган эдилар) юбориб, Шоҳруҳ Мирзони Озарбайжонга жўнатиш фармони улар орқали маълум қилади. Шоҳруҳ Мирзо отаси амрини бажо келтириб, лашкарини шай қилиб, йўлга отланади. Соҳибқирон Балхга етиб, Ҳиндувон Ҳисорида тўхтайтиди. Бу ерга Хиротдан Шоҳруҳ Мирзонинг ҳарами – Гавҳаршод Бегим ва Маликат (Милкат) Оғолар ўз фарзандлари билан етиб келадилар. Марҳум шаҳзода Умаршайх Мирзонинг беваси Маликат Оғо Шоҳруҳ Мирзога никоҳ қилинган эди. Соҳибқирон билан бўлган учрашув 1399 йилнинг 14 майи куни юз беради. Маликат Оғо бу ерга ўзининг тўрт ойлик ўғилчасини – шаҳзода Суюрготмишни бобоси юз кўримига олиб келади. Амир Темур набирасини кўриб, қаттиқ севинади.

Амир Темур ҳазратлари Рай шаҳрига келиб, Айвонак деган қишлоқда манзил қилиб туради. Амру фармон бўйича Мозандарон тарафдан келаётган Шоҳруҳ Мирзо шу ерда отаси ўғруқига қўшилади.

Шоҳруҳ Мирзо Гуржистон, Миср, Шом мамлакатларини фатҳ этишда доимо илғор қисмни бошқаради. Беҳиштий қалъасини олишда шаҳзода катта шижоат кўрсатади. Қалъани Муқбил деган киши мудофаа қилган. Амир Тсмур ҳазратлари қалъа ёнида чодир қуриб, унинг ичиди турганида Муқбил манжаниқдан тўғри чодирни кўзлаб отади ва тош чодирга келиб тегеди. Бундан Соҳибқирон қаттиқ аччиқланиб, манжаниқларни ишга солишни буюради. Манжаниқдан отилган тош Муқбилнинг тошотарига тегиб, уни мажақлаб ташлайди. Муқбил таслим бўлади, шу ернинг саййидлари, қози ва уламолари Шоҳруҳ Мирзога мурожаат қилиб, унга раҳм қилишни сўрайдилар. Соҳибқирон Муқбил тақдирини ҳал этишни Шоҳруҳ Мирзога бағишлайди. Бу, унга шафқат қилинди, деган гап эди.

Шоҳруҳ Мирзонинг бу йилларда обрў ва салтанатдаги мавқеи борган сари ортиб бормоқда эди. 1401 йилнинг 5 январ кунини набира Султон Ҳусайн Сурия томонига қочиб ўтади. Енгилтак Султон Ҳусайн шомликлар томонидан туриб, ўз тоғалари Амироншоҳ ва Шоҳруҳ Мирзоларга қарши урушади. Жанг чоғи Тўплоқ Қовчин уни қўлга олиб, отининг юганидан тутиб, Шоҳруҳ Мирзо олдига етаклаб келади. Бу ҳақда Соҳибқиронга дарак берадилар. Уни банди қилиш ҳақида фармон бўлади. Неча кун қамоқда ётган Султон Ҳусайн орасига Шоҳруҳ Мирзо тушади. Хоинлик йўлини тутган шаҳзода бу сафар, Шоҳруҳ Мирзо шарофати билан фақат калтак ейиш билан қутулиб қолади. Соҳибқирон унинг юзини кўришни ҳам истамайди.

Фатҳ этиш нусратли тарзда давом этмоқда эди. Мордин қалъаси илғор этилиши арафасида Соҳибқирон амир Оллоҳоддин Самарқандга жўнатади ва унга Ашпарага бориш, қалъани мустаҳкамлаш вазифаси юклатилади. Ашпара қалъасининг мустаҳкамлашнинг сабаблари тўғрисида олдинги бобда муфассал гапир-

дим. Бу юмушлар Хитойга қилинадиган юриш тарадуду билан узвий боғлиқ эди.

Етти йиллик сафарнинг энг мураккаб йўлларида бири Йилдирим Боязидга бориб тақалладиган қисми ҳисобланади. Йилдирим Боязид, Амир Темур фатҳ этаётган минтақалардан сал наридаги ҳудудларда ягона ҳукмдорлик даъвосини қилаётган, қўшниларини бирин-кетин ўзига тобе этаётган, бу билан Соҳибқиронга киши билмас рақобатни кучайтираётган эди. Амир Темур Ужан томонга (Табриз билан Туркманчой оралигида) юзланиб, Хаштруд деган жойда тўхтаганида Йилдирим Боязид шу тарафга қараб келаётгани хабари олинади. Соҳибқирон ўғли Шоҳруҳ Мирзога унинг йўлига кўндаланг бўлишни топширади. Шоҳруҳ Мирзо Сулаймоншоҳбек, Шоҳ Малликбек ва бошқа амирлар билан бирга вазифани адо этишга киришади. Гуржистонга кетган шаҳзодаларга Мизроббек жўнатилиб, уларнинг ҳам Шоҳруҳ Мирзога бориб қўшилишини, унинг режаси бўйича иш кўришларини тайин қилади. Йилдирим Боязид, Арзинжон мулки подшоҳи Тоҳуртанни мағлуб этиб, унинг болаларини итоб қилган эди. Соҳибқироннинг Шоҳруҳ Мирзони ўзига қарши юборганини билган Йилдирим, Тоҳуртанининг опаси ўғлини Шоҳруҳ Мирзо олдига жўнатиб, ярашув шевасини ўртага солади. Тоҳуртанининг ўзини ҳам бу ишга қўшади. Амир Темур, Боязид сўровини тинглаб, ғазабдан тушади.

Дунё ишлари, айниқса, салтанат ташвишлари ўзинга боғлиқ бўлмаган ҳолда ё яхшиликка, ёйинки ёмонликка эврилиши ҳеч гап эмас. Шундай ҳоллар бўладикки, ўртада ўйнайдиган одамлар тўғрени нотўғри йўлга солиб юборадилар, ўз мақсадлари учун хизмат қиладиган муҳит яратишга жон-жаҳди билан уринадилар. Қора Юсуф Туркман ўша даврнинг ана шундай олчогли эди. Муаррих айтилади. Қора Юсуф Туркман кўп вақт мусулмонларга зулм ва шафқатсизлик ўтказиб келди. Йўлларни эгаллаб олиб, келувчи ва қетувчиларни та-

лади, у Хиждоздан келадиган карвонларга кун бермади. Бу золимнинг қўлини қирқмоқчи бўлган Соҳибқирондан қўркиб, Румга, Йилдирим Боязид паноҳига қочиб боради. Уни топшириш ҳақидаги талаблар масхара қилинади. Шунда Амир Темур Румга юришни муқаррар қилади. Соҳибқироннинг мақсадидан огоҳ бўлган уламолар, таниқан кишилар Йилдиримга, «Биз томон келаётган подшоҳнинг кучли ҳокимияти бор, ҳозирга қадар унга қаршилиқ кўрсатганларнинг ҳаммаси мағлуб бўлиб, тубан кетдилар. У қайси бир машаққатли ишга қўл урмасин, қудратли боисдан, ҳаммасини осонликча ҳал этган... Бундай шоҳ билан душманланиш яхшиликка олиб келмайди. У билан ёвлашма, мамлакат талафот кўрмасин десанг, у билан яраш», деган насиҳатни қиладилар.

Бу гап-сўзлар Йилдиримга таъсир қилади. У, қозиси билан бир бегини, нома ёзиб, Амир Темур ўрдасига юборади. Қорабоғ Арронда элчилар минг бор узрлар билан номани топширадилар. Йилдирим Боязид мактубининг мазмунини, «агар, олдин бизнинг томонимиздан баъзи бир итоатсизликлар юз берган бўлса, энди эса бу ёғига афсус чекиб, итоат ва бўйсунушдан ўзга иш бўлмайди»дан иборат эди. Бунни эшитиб, Соҳибқирон элчиларга, «подшоҳларингиз ҳаминша динсиз франкларга ғазоват қилиб келган. Биз ҳам у билан дўстмиз, унга қарши қўшин юбориш фикримиз ҳам йўқ, ислом мамлакатини ваёрон этиш душманларни қувонтирган бўларди. Бироқ Қаро Юсуф Туркман мусулмонлар орасига кириб олган ёвуз фитнагар хисобланади. Бахти қоралиги боис, йўлтўсарлик қилади, мусулмонларни талаб, уларга оғир кулфатлар солади. Ҳозирги вақтда у биздан қочиб, унинг (Йилдирим Боязид – П.Р.) олдига паноҳ топган. Шундай қилсинки, ё уни ўлдирсин, шу билан мусулмонларни ундан хотиржам этсин, ёйинки қўлларини боғлаб бизга топширсин. Агар подшоҳингиз шу икки ишнинг бирини қилган тақдирда, бизларнинг ўртамизда дўстлик

қарор топади», деган жавобни беради. Муаррих, «Элчилар бу сўзларни эшитиб, шармисор бўлдилар ва жавобига бир калима айтишга қодир бўлмадилар», дейди.

Соҳибқирон Амир Темур Рум билан муносабатларни кескинлаштириш тарафдори эмасди. У элчиларни овга олиб чиқади. Аракс ва Ақтам дарёларини кесиб ўтиб, чўл ва тоғларда шикор уюштиради. Ов жуда барорли бўлади, элчилар ҳам, Муҳаммад Озод, Тўкал Бовурчилар ҳам мерганликларини кўрсатадилар. Овдан кейин Амир Темур ҳазратлари Тохуртан ва Рум элчиларига қайтишга ижозат беради. Элчиларга катта ҳурмат кўрсатилади, қимматбаҳо тўнлар кийдирилади, олтин камарлар тақилади. Элчиларга, «бу киш биз шу ерда бўламиз. Баҳор бошланиши билан Румга яқинроқ борамиз, қараймиз, Қайсардан қандай жавоб келади. Яхши жавоб келса, айти муддао, агар акси бўлса, ўйлаб кўрамиз», деган фикрни билдиради. Элчиларга қўшиб Боязид Чимбой Элчигидайни бир гуруҳ кишилар билан нома бериб жўнатади. Мактубда, «саломдан сўнг, маълум бўлсинким, юборган элчиларингиз келдилар ва яхши сўзларингиздан бизни хабардор қилдилар. Мабодо, бу сўзлар тўғри бўлса, бизга Қаро Юсуфни юборишингиз ёки уни орадан кўтаришингиз керак бўлади, шу билан мусулмонлар бошини хавфдан қутқарган бўласиз. Тагин, улуғ бекларингиздан бирини икки тарафлама алоқа ўрнатиш мақсадида юборсангиз, бундан мусулмонлар хотиржам бўлар эдилар. Ушбу сўзларимизга қулоқ солинмаса, нима юз берадиган бўлса, бу сизнинг виждонингизга ҳавола этилади», дейилади.

Шу ўринда муаррихнинг бир мулоҳазасига изоҳ беришга тўғри келди. Яздий, Аллоҳ Таоло ҳокимият бергани айрим ҳукмдорларга олижаноблик, бунёдкорлик, фаровонлик хислатларини ато этади, дейди. Бундай ҳукмдорлар ерларни, юртларни, элларни обод қилади, ривожлантиради, улуғвор бинолар, улкан

наҳрлар қурадилар, сув чиқазадилар, хуллас, мамлакат ободонлиги йўлида фидоийлик қилиб, мангуга ном қолдирадилар. дейди яна сўзининг давомида. Қайси бир замонларда Аракс дарёсидан подшоҳ ўтганлардан бири ариқ чиқазган, саҳроларга сув олиб борган экан. Асрлар ўтиши билан ариқ кўмилиб, у ер-бу ерда ўзан излари сақланиб қолган эди.

Соҳибқирон бундай разм солса, ариқ кўмилиб кетган, уни қайта очиш, анҳорни тиклаш бу ернинг маҳаллий халқига тўкин-сочинлик бахш этиши мумкинлигини ўйлайди. Қаранг-да, иш Султон Боязид билан нимага тортади, ўртадаги муносабатлар бир қароқчи Қаро Юсуф Туркманни деб урушга айланиб кетиши мумкин бўлган шароитда, Амир Темур ҳазратлари Жанубий Қорабоғдан Жанубий Озарбайжон ерларига сув чиқариш, улкан анҳор қаздириш режасини амалга оширишга киришади. Қадимий анҳор ўзани тавочилар томонидан бекларга бўлиб берилади. Соҳибқирон феълдаги бир улуғ жиҳатни шу муносабат билан алоҳида қайд этгим келди. Амир Темур ҳазратлари ўз қўл остидаги қудратли куч – армиядан нафақат жангу жадалларда, шу билан бир қаторда, тинч қурилиш ишларида ҳам унумли фойдаланган. Олдинги саҳифаларда бу хусусда, камроқ бўлса-да, тўхталиб ўтдим. Кобул теграсидан Жўйи моҳигир анҳорининг қаздирилиши, қалъалар, қасрлар барпо этилиши Эронда ҳам, Озарбайжон ва араб мамлакатларида ҳам кузатилади. Лозим бўлса, маҳаллий аҳоли йўлларни қароқчилардан, йўлтўсарлардан, каллакесарлардан тозалаш сўровини қилганда, асосий мақсад фатҳ этиш ишларини кейинга қўйиб, айнан шу – халоскорлик ишлари билан шугулланганлигини кейинги давр тарихчилари негадир хаспўшлаб келдилар. Бу асарда менинг вазифам бу мавзуда ортиқча тўхталишни тақозо этмагани боис, оила вужудининг муайян бир узви тўғрисида гап кетаётган ҳолларда, унга бевосита дахли бўлган жиҳатларниги-

на тилга олиб ўтишни бурчим деб билдим. Тарихларни варақлаб, аниқ ҳис қилдимки, Соҳибқироннинг фатҳ этилган мамлакатларда амалга оширган бунёдкорлик, яратувчилик фаолияти бобида ҳам улкан асар яратиш мумкин экан.

Араксдан олиб чиқиладиган анҳор мўр-малахдай лашкар томонидан бир ой давомида қазиб, ишга туширилади. Анҳорнинг узунлиги ўн ёғоч – 60 чақирим бўлиб, жуда чуқур ковланган бўлади. Анҳордан кичик кемалар бемалол қатнашиши мумкин бўлган. Аракс дарёсидан бошланган анҳор Сурхопул (Қизил кўприк) деган жойда охирига етган. Мазкур анҳор – Барлос анҳори деб номланган. Анҳордан сув оқиши муносабати билан қанчадан-қанча қишлоқлар обод бўлади, янгилари вужудга келади, ерлар очилади, боғлар барпо этилади.

Йилдирим Боязиднинг сўзида турмаслиги, Соҳибқиронга нисбатан бачкана муносабатда бўлиши Рум юришини тобора муқаррар қилиб қўя бошлаганди. Турон лашкари уч йилдан бери юртидан олисда, доимий сафарда эди. Амир Темур яхши билардики, Рум – буюк давлат, қўшини ҳам кўп. оврўпаликлардан бўлган, зирҳли кийимни такомилга етказган, тиш – тирноғига қадар қуроланган аскарлар Йилдирим хизматида эди. Румга юриш бобида Амир Темур қаттиқ ўйлаётган ва бир қарорда келишга шошилмаётганди. Шамсиддин Муҳаммад Олмалиғий суҳбатда Соҳибқирон билан эркин эди. Беклар жам бўлиб унга, «Соҳибқиронга: «Беклар, Румга юришни яхши ўйлаб кўрсинлар, бу юриш бошқа юришларга ўхшамайди, демоқдалар фикрини биргаликда айтмоқдалар. десаңг», дейдилар. Мавлоно Олмалиғий беклар илтимосини Соҳибқиронга етказди. Бекларда туғилган безовталикка барҳам бериш учун Амир Темур мунажжим Мавлоно Абдуллоҳ Лисонни ўз ҳузурига чақириб, «Юлдузлар ҳолати қандай, нимани кўрсатаётган бўлса, яширмай, менга тўғрисини айт», деб буюради.

Мунажжим юлдузлар жадвалини варақлаб, устур-лоб воситасида ҳисоб-китоб қилиб, «бу йил тақвимида Сизнинг қўшинингиз баҳодирлари толе анча баланд, душман тарафники эса сезиларли даражада паст», дейди. Юлдузларнинг жойлашиш ҳолатига қараб – башорат қилиш қанчалик ҳақиқатга тўғри келган, рости, инкор ҳам, маъқул ҳам қилолмайман, лекин бу сафар Мавлоно Абдуллоҳ Лисоннинг каромати тўғри бўлиб чиқади. Шу йили зуҳал юлдузлар туркумида думли юлдуз пайдо бўлади. У қуёш ботиши олдидан Ғарбда намоён бўлиб, то шафақлар йўқолгунча кўри-ниб турган. Бир неча кун ўтгандан кейин эса думли юлдуз наҳор пайтида Шарқ осмонида пайдо бўлади. Мавлоно Абдуллоҳ Лисон Соҳибқирон ҳузуринда бўлган мажлисда Муҳиддин Мағрибийнинг (Муҳиддин Яҳё ибн Муҳаммад ибн Абу Шукр ал – Мағрибий – 1290 йилда вафот этган, Носириддин Тусий расадхонасида ишлаган математик ва мунажжим, унинг «Ёритқичлар ҳаракатига оид кириш» деган асари мавжуд) жадвалига асосланиб, «қачонки думли юлдуз Зуҳал юлдузлар туркумида пайдо бўлар экан, Шарқдан қўшин келади ва Румни эгаллайди, Рум подшоҳи асирга тушади» деган сўзларини келтиради. Муҳиддин Мағрибийнинг Амир Темурнинг Рум юришидан қарийб 110 йил муқаддам қилган башоратининг эълон этилиши Румга қилинадиган юриш бобидаги шубҳаларни тарқатиб юборади.

1402 йилнинг 12 мартинида Соҳибқирон йўлга чиқиб, Табдур дарёси бўйига келиб тушади. 7 апрелда урдуга хушxabар етади – Шоҳруҳ Мирзонинг Муҳаммад Жўгий деган ўғли туғилади. Муҳаммад Жўгий Мирзо тарбияси Хонзода Бегимга топширилади. Соҳибқирон Мингколда тўхтаб турганида, яна Йилдирим Боязидга элчилар жўнатади. Унга, «менинг сен билан битимим ва келишувим ҳақида аввал айтганман. Агар бизнинг шартимиз бўйича ҳаракат қилмайдиган бўлсанг, доим бу мамлакатга тобин бўлиб кел-

ган Комах (Шарқий Анатолияда, Евфрат дарёсининг юқори оқимида, чап қирғоқда жойлашган) қалъасини бизнинг одамимизга топширасан. Шунда биз Рум мамлакатига дахл қилмаймиз. Шу сарҳадда хотиржам бўлиб, дин душманларига қарши жиҳодларни давом эттираверсин. Мабодо, маслаҳат ва ёрдам зарурати бўлиб қолса, қанча бўлишидан қатъи назар, қўшин билан ёрдам берамиз», деган номани юборди. Элчилар кетганига икки ой бўлади ҳамки, Йилдиримдан садо чиқмайди. «Ҳайратланарли бир ҳол, – дейди Соҳибқирон, – биз Йилдирим Боязидга ҳурмат кўрсатаёرمىз, ундан ҳам шу муносабат қутилаётир. Унинг мамлакати қўшинимиз отлари оёқлари остида топталаётгани йўқ. Лекин у шундай қилмоқдаки, унинг ҳукмидаги мулкларга бизнинг бирор эътирозимиз бўлмаса ҳам, юриш бошлашга мажбур этмоқда». Амир Темур Рум сарига отланади ва Арзирумга келиб тушади.

Расмий тарихларда Йилдирим Боязиднинг ўзини тутиши, енгилтаклиги, давлат бошлиғи сифатида узоқни кўра билмаслиги, кўча одамидек тубан муомала «маданияти» тўғрисида деярли фикр юритилмаган. Аслида у қандай одам ва подшоҳ бўлган? Йилдирим Боязид Румда (Туркия) 1360 – 1389 йилларда ҳукм сурган Муроднинг ўғли. Отасига қарши қандай фитна қилганлиги ва кўзларига мил тортилганлиги ҳақида аввалроқ сўзладим. У Рум тахтига 1489 йилда чиқди. Кучли ҳокимиятни вужудга келтиради, қудратли қўшинга эга бўлади. Ўзини Соҳибқирон Амир Темурдан кам чоғламаган, балким, бир қадар устун қўйган. Кибр-ҳавога, майда ғалабалар нашидасига кўмилиб, воқеликка ҳаққоний баҳо бера олмайдиган даражага келган калтабин ҳукмдор эди.

Ҳеч кимни юзхотир қилмайдиган, гапнинг пўст калласини айтадиган Ибн Арабшоҳ унинг ҳақида нима-лар деган? Ибн Арабшоҳ Амир Темурни ёқтирмаган, бас, Соҳибқирон душмани бўлган Йилдирим Боязид-

ни у ҳимоя қилгандир? Келинг, саволлар қўйиб ўтирмайликда, Ибн Арабшоҳга қулоқ тутаёлик:

«Темур мужоҳид, газогир Рум султони Боязидга мактуб юбориб, унга ҳеч бир киноясиз ва илмоқсиз ўзининг Рум ерларидан нималар хоҳлашини очиқ-ойдин баён қилди. У Султон Аҳмад ва Қора Юсуфни бунга сабаб қилиб, уларнинг ўз қиличи зарбидан қўрқиб қочганлигини, уларнинг фисқу фасод моддаси, мамлакатлар учун ҳалокат ва бандалар бошидаги кулфат, уларнинг ичи қора одамлар бўлиб, инқирозга туширишда асос баландпарвозлик ва киборликда эканликларини зикр қилди. У иккисига ўхшаш касофатларнинг Рум соҳиби қаноти остида бўлишидан Худо сақласин. Шу сабабли сиз уларга паноҳ – жой беришдан сақланинг, аксинча, уларни чиқариб юборинг, уларни қўлга олиб ўраб олинг, қаерда топсангиз ўша жойда ўлдиринг. Сиз бизнинг амримизга муҳолиф бўлишдан ўзингизни тийинг. Акс ҳолда, устингизга қаҳримиз доираси ёпирилади. Дарҳақиқат, сиз бизнинг душманларимиз ва уларга ўхшашларнинг ҳолини ҳамда улар бошига уруш ва зарбадан тушган калтакларни эшитгандирсиз. Улар билан нима ишлар қилганимиз сизга аёндыр. Баҳслашишу уришиш у ёқда турсин, ҳатто биз билан сиз ўртамызда ади-бади гапларни ҳам кўпайтирманг. Мана биз сизга ўз далилларимизни баён қилиб, мисоллар келтирдик». Шу сўзлар асносида турли-туман таҳдиду пўписалар, хилма-хил дўқ ва уйдирмалар бор эди. Ибн Усмон Боязид шошқалоқ ва шижоатли киши бўлиб, унда заррача ҳам сабр-тоқат йўқ эди... Боязид Темур мактубидан воқиф бўлиб, унинг хитоби мазмунини фаҳмлагач, у ўрнидан сапчиб туриб кетди, унинг газаби қайнаб қуйиб, ёнди. Гўё наша ивитмаси ичган кишидек гоҳ товушини кўтариб, гоҳ пасайтириб, деди: «Бу уйдирмалар билан у мени қўрқитмоқчими? Мени Ажам подшоҳлари мисоли ҳисобладими?... Ёки ўзининг қуриган тўдасини менинг аскарларимдек билдими? Ўз ишининг аввалида

у ҳароми, қон тўқувчи ва зиногир бузуқи, аҳду паймонларни бузувчи, савобдан хатога тойган бир қингир эди. Сўнгра у савлат тўкиб, жавлон урди, човут солди ва ғавғо кўтариб, ноҳақликка юз қўйди... Мен биламанки, бу сўзлар сени ҳеч тўхтатмасдан бизнинг мамлакатимизга томон келтиради. Агар сен биз томонга келмасанг, сенинг хотинларинг уч талоқ бўлсин. Агар сен менинг юртимга келсангу, мен сенга қарши қатъий уруш қилмай қочсам, у вақтда менинг хотинларим уч талоқ бўлсин».

Мана, шунақа сўзлар. Ўқувчи бу сўзларни ким айтганлигини билмаса эди, Амироншоҳ Мирзонинг Ҳиндистонга юборган «хати»нинг давомими, деган фикрга бориши ҳам мумкин эди. Юқорида келтирилган сўзларнинг асосий қисми айнан Йилдиirim Боязид томонидан, Амир Темурга юборилган номада акс этмаган. Унинг «эркин ижодкори» Ибн Арабшоҳ бўлади. Боязиднинг ўзини кўрқмасликка олиши, Амир Темурга қарши урушган шохлардан, Тўхтамишдан устун қилиб кўрсатиши ва ниҳоят, хотинларни ўртага қўйиб қасам ичиши талқини, ҳақиқат ифодаси эди. Олдинда Яздий тарихидан келтирилган, Боязид ва Соҳибқирон мактублари мазмуни билан танишдик. Ибн Арабшоҳнинг бир хулосасига қўшилиш мумкин. «Темур унинг жавобидан, – дейди, – хотинлар зикр қилинган жойини ўқиб, хотима қилди. Чунки хотинларга тил тегизиш уларда катта айб бўлиб, гоят гуноҳ ҳисобланарди. Ҳатто, улар хотин ва қизларнинг исмини талаффуз қилмай, уларнинг ҳар бирини бошқа бир ибора билан атайдилар, ҳамда бу нарсадан сақланинлар, деб доимо уқтирадилар. Агар улардан биронтасининг хотини қиз туғса, унда уни «пардалик бола» ёки «зийнат соҳиби» ёки «мастура» ёки шунга ўхшаш сифатлар билан атайдилар».

Мурса йўли бекилиб, Амир Темур қўйган талаблар инкор этилгач, қўшинлар жанговар тайёргарликка келтирилади. Қўшиннинг ўнг қанотида Шохруҳ Мир-

зо ва Халил Султонлар саф бошида турадилар. Биргина Соҳибқирон туғи олдида қирқта қўшин жам бўлади. Ўз навбатида, Йилдирим Боязид ҳам армиясини тайёр ҳолга келтиради. Жанг бошланади. Жаҳоншоҳбек ва Қора Усмонбек Рум лашкарининг чап қаноти бўйлаб ҳужумга ташланади. Бу қанотга Рум қайсарининг таниқли найзабардори Курашчи бошлиқ булган. У жуда ботир, кучли, моҳир жангчи бўлган. Ҳар қанча қилса ҳам, аскарларини ушлаб туrolмайди, ҳужумга дош беролмай чекинишга мажбур бўлади. Пир Муҳаммад Умаршайх, Искандар Мирзо, амир Шоҳ Малик, Шайх Нуриддин ва Бурундуқбеклар ҳам ҳарб майдонида қўли устунлардан буладилар. Амир Темур ҳазратлари душманнинг заифлаша бошлаётганини куриб, «Ҳамма бир йула от қўйсин», деган амрни беради. Амироншоҳ Мирзо бир томондан, Шоҳруҳ Мирзо иккинчи тарафдан, бир вақтда от жilовини бўшатадилар. Муаррих, саваш майдонида шундай даҳшатли ўқирик пайдо бўлдики, олам мавжуд бўлгандан буён бундай даҳшатли овозни ҳеч ким эшитмаган, дейди. Йилдирим Боязид шаҳзода Муҳаммад Султон устига бостириб боради, уларни бир қатор тислантириб, баланд тепалик устига кўтарилади. Кўрадики, унинг армияси тарқалиб, чекинишга тушган, бу ҳолдан ўзини йўқотиб, пастга тушади. Унинг ортидан бир қанча отлиқ ва пиёда эргашади. Соҳибқирон шаҳзода Шоҳруҳ Мирзо билан биргаликда Рум қайсарига қарши ҳужум бошлайди. Амироншоҳ Мирзо ва Султон Ҳусайнлар ҳам Йилдирим Боязидга қарши борадилар. Қайсар кечга қадар қаттиқ жанг қилади. Йилдирим Боязид бир амаллаб, жанг майдонидан чиқади, бу унга жуда қимматга тушади. Бу ғалабанинг ёр бўлиши 1402 йилнинг 20 июл кунига тўғри келади. Боязид билан қочганларнинг кўпи иссиқ ва чанқовдан қирилади. Боязидни таъқиб қилаётган Султон Маҳмудхон унга етади ва қўлга тушириб, банди қилиб, Соҳибқирон олдига олиб келади. Амир Темур кечагина мағрурлигидан

оламга сифмаган мағлуб Йилдиримнинг қўларини ечдиради, уни ўз олдига ўтирғизиб, шундай дейди: «Биз сенга кўп насиҳатлар қилдик, сен уларга қулоқ солмадинг. Нимаики юз берган бўлса, уларни ўзингдан кўр. Сен менинг шаънимга шундай сўзлар айтдингки, оқибатда, бу ерга келишга мажбур бўлдим. Бундан бошқача бўлганда эди, ўртамизда яхши муносабат ва хизматлар қарор топарди. Шунда бу кунлар бошингга тушмаган бўларди. Тушунишингни кўп кутдим, вақтни чўздим, ўйладимки, сен охир-оқибатда пушаймон бўласан ва натижада, бундан мусулмонлар азият чекмайдилар деб, сендан соф рамзий маънода Комах қалъасини сўрадим ва ўз ишончли одамнинг битим ва келишув учун юбор, дедим. Йўқ, сен бу таклифларимнинг биронтасини қабул қилмадинг ва сендан душманликдан бошқа нарса чиқмади. Айнан шу сабабли мағлубият сенга юзланди. Ҳаммага яхши маълум, бугун сенинг бошингга тушган иш менинг бошимга тушганда, сен нималар қилмасдинг. Шу туфайлидан ҳам Аллоҳ Таоло ғалаба нусратини менга ёр қилди. Сенга ва одамларингга мен яхшиликдан ўзгасини қилмайман». Олдинги қисмда Йилдирим Боязиднинг асирликда айтган сўзлари ва ҳолати тўғрисида гапиргандим, уларни яна такрорланишни ҳожат кўрмадим.

Ғалаба муждаси Эрон ва Туронга етказилади. Ҳамма томонга Рум фатҳи юз берганлиги тантанавор эълон қилинади, элчилар, чопарлар жўнатилади. Жумладан, Язд шаҳрига ҳам. Соҳибқирон Язд шаҳрига Ҳожа Фиёсиддин Солор Симнонийни девон бошлиғи лавозимига қўйиб келган эди. Симноний ҳукмдор топширигини – бозор устига тим ўрнатиш ишлари билан банд бўлган. Унга ғалаба хабари айтилганда, баланд айвонли бозорни «Ғалаба уйи» деган ном билан атайди.

Соҳибқирон Сури қалъасига келиб тушади ва тева-рак-атрофни кўздан кечиради. Шу ердан Шоҳруҳ Мирзо ўн минглик қўшин билан Колхисор, Останус ва

Кабтар деган манзеларга жўнатилади. Бу вақтда Йилдирим Боязид ва унинг ўғиллари Соҳибқирон турган жойда яшаб, «хузур-ҳаловатда ҳордиқ чиқараётган» эдилар. Мен бу ўринда муаррих сўзларини келтирдим. Уларга «дам олишдан» ўзга қандай ташвиш ва юмуш қолган эди ўзи? «Ўйламай сўзлаган – оғримай ўлар», деб бежиз айтилмаган-да. Ортиқча кеккайиш, ўзига бино қўйиш кўп улуғларни тубан қилган, тахтдан тушириб, унинг пойида эмаклатган. Бу сафар ҳам шундай бўлади.

Шоҳруҳ Мирзо ўз олдига қўйилган вазифаларни тўлиқ адо этади. Унга, чап қанот қўшинлари билан Қирмиён (Кичик Осиё жанубидаги вилоят, бу ном ҳозирда сақланиб қолмаган – П.Р.) вилоятида қишлаш буюрилади. Боязид мағлуб бўлгандан кейин ҳам Измир, Эгриндир, Насибин сингари бир қанча қалъаларни забт этишга тўғри келади. Қишни қишлаб чиққан Шоҳруҳ Мирзо Улуғ Бурлағ деган жойда отаси Соҳибқирон Амир Темурга қўшилади. Насибин қалъаси эгаллангач, шаҳзода Муҳаммад Султон томонидан чопар келади ва Шаҳзоданинг бир оз касалланганлиги хабарини беради. Амир Темур бундан қаттиқ изтиробга тушади ва Омон Тавочини чопарга қўшиб жўнатиб, аҳволни чуқурроқ билиб келишни топширади. Соҳибқирон Оқшаҳр томон йўл олади. Бу манзилга ўтишда унинг йўли Шоҳруҳ Мирзо турган манзилдан ўтади. Шоҳруҳ Мирзо отасини илтифот билан кутиб олиб, ўзи турган уйга таклиф этади. Ўғил масканида ота шарафига катта зиёфат берилади, тухфалар тақдим этилади.

Етти йиллик сафар муваффақиятли якун топади. Бироқ, катта йўқотишлар ҳам издан соядек эргашиб юради. Валнаҳд шаҳзода Муҳаммад Султоннинг оғир хасталикдан ҳаётдан кўз юмиши, Қорабоғда улуғ пир – Саййид Бараканинг оламдан ўтиши Амир Темур ҳазратлари дилида асоратлар қолдириб кетади, қаттиқ изтиробларга сабаб бўлади. Набира ва Пир

учун у кўп кўзёшлари тўкади. Саййид Барака хоки Андуҳга жўнатилиб, у ерда вақтинча дафн этилиши буюрилади.

Шоҳруҳ Мирзо ҳам Каспий жанубидаги Мозандарон сарҳадида жойлашган Жилов қалъасига юриш бошланган пайтларда касалланади. Юртдан олисда, ҳарбий ҳолатда, дала шароитида жанг билан кечган йилларни тасаввур қилишга уринаман. Қўшин ҳам чиниққан, шаҳзодалар ҳам жисмонан кучли шахслар бўлган. Буни тушунаман. Лекин етти йиллик суронли йиллар, ўлим хавфи ҳар куни муқаррар бўлиб турган айёмлар иродаси темирдан бўлган кишиларга ҳам таъсир кўрсатмай қолмасди. Муҳаммад Султоннинг шамоллашдан оқибати фожеий тугаган касалга чалиниши, Шоҳруҳ Мирзонинг ҳам 26–27 ёшларида, айна кучга тўлган, навқирон чогида хасталаниши юқоридаги мулоҳазаларга туртки берди. Амир Темур ҳазратлари валиаҳд ўлиmidан кейин, юрак олдириб қўйган эмасми, Шоҳруҳ Мирзога ўз яқинларини олиб Ҳиротга қайтишни амр қилади. Шоҳруҳ Мирзонинг қўшинлари асосий қисми Соҳибқирон лашкарлари сафига бириктирилади.

Вақт ўтиши билан Шоҳруҳ Мирзо соғайиб кетади ва Самарқандга қайтишни бошлаган отасига қайноғоси Ҳасан Сўфи Тархонни жўнатади. Соҳибқирон Бистомдан чиқиб, Жагар деган мавзегга қўнганида, шаҳзоданинг одами Ҳасан Сўфи Тархон етиб келиб, «Шаҳзода Сиз билан кўришмоқчи хоҳлайдилар, лекин қайси йўлдан келишни билмаётир», деган гапни етказди. Ҳасан Сўфи Тархонга илдам от берилади ва, «Шаҳзодага бориб айт, Нишопур йўлидан келсин, у ерда Жакжарон дарёси бўйида учрашамиз», дейилади. Амир Темур ҳазратларининг ўзи ҳам жадал йўл босади. Ҳижрий 807 (10.07.1404) йилнинг муҳаррам ойи бошларида Нишопурга етиб келган ҳукмдор, ордан икки кун ўтиб. Жомда тўхтайтиди. Жом – Эроннинг шимоли шарқида, ҳозирги вақтда Машҳад – Ҳирот

йўли бўйида, Хиротдан 200 чақирим шимоли ғарбда жойлашган манзил эди. Жомга келган Соҳибқирон бу ернинг қадамжоларидан бири Зиндафил Аҳмади Жом мақбарасини зиёрат қилади ва Хируруд дарёсининг ирмоқларидан бўлган Жакжарон дарёси бўйида тўхтайтиди. Хиротдан чиққан Шоҳруҳ Мирзо шу ерда отаси билан учрашади. Совға-саломлар олиб келади. Шаҳзода туҳфалари бекларга инъом этилади. Шаҳзодага Хуросонни идора қилиш бобида маслаҳатлар берилади ва унинг Хиротга қайтишига ижозат этилади. Қурланга етишганда Самарқанддан Темур Ҳожа Оқ Буғо Соҳибқиронга 9 та тез юрар отлар олиб келади. Мурғоб дарёси бўйида тўхтаб турганида, Чечакту аҳолиси ўз доруғалари Абоқа Телба устидан арз қилдилар. Доруға қуюшқондан чиққан, элга нотўғри сиёсат ўтказган, нафсга берилган эди. Уни шу заҳотиёқ тутиб, арқон билан боғлайдилар-да оёғини осмондан қилиб, осиб қўядилар.

Амир Темур ҳазратлари Шом, Миср ва Рум фатҳ этилган етти йиллик юришдан музаффар бўлиб, ҳижрий 807 йилнинг муҳаррам ойида (июл – август, 1404) Самарқандга етиб келади. Қарийб бир ой давомида бетиним йўл босиш 68 ёшли ҳукмдор соғлиғига маълум таъсир кўрсатмай қолмайди. Бир ҳафталик муолажадан сўнг, соғайган ҳукмдор Шимолий боғда қўним топади. Амироншоҳ Мирзо ва Хонзода Бегим қизлари Бекиси Султон (Искандар Мирзонинг хотини) ўғил кўриши муносабати билан тўй берилади. Пойтахт ва аҳоли аҳволи билан танишиш, қурилишларни бориб кўриш, марқадларни зиёрат қилиш, Самарқандда барпо этилган боғларда бир неча кундан бўлиш давомида адолат ойинига кўра ҳукм юритади. Руи Гонсалес де Клавихо шу пайтда Самарқандда эди. У Соҳибқироннинг касалланиши ҳақида ёзганида, ҳафта давом этган хасталикни муболага қилган кўринади. Етти йиллик юришдан кейин ўтказилган набиралар тўйи шу йилнинг улуғ воқеаси бўлиб қолади. Олти шаҳ-

зоданинг¹ уйланиш тўйига, аввал айтиб ўтганимдек, Шоҳруҳ Мирзо маълум давлат хавфсизлиги сабабларига кўра, таклиф этилмайди. Амир Темури ҳазратлари, «Майли, Пир Муҳаммад келсин, аммо Шоҳруҳнинг бу ерга келишини маслаҳат кўрмайман. Чунки Ироқ ва Озарбайжон ҳукмдорлари ортида турганлар улардан кучлироқдир», дейди. Сарҳадлар мудофааси, юрт тинчлиги ҳамиша оилавий муносабатлардан устун қўйилган.

Хитой юриши бошланади. Соҳибқирон Оқсулот деган манзилда элик кун туриб қолади. Шу ерга Ҳиротдан, Шоҳруҳ Мирзодан Саййид Ҳожаи Шайх Али Баҳодур деган киши хабар олиб келади. Шаҳзоданинг соғлиги ва ишларидан хабардор бўлган ҳукмдор, юриш билан боғлиқ ишларни назоратда тутати. Таҳмин қилиш мумкинки, бу юришга Шоҳруҳ Мирзодан ортиқ куч ва зарур ёрдамлар жалб этиш кўзда тутилмаган. Шоҳруҳ Мирзо идора қилаётган мулклар, тўй муносабати билан аниқ бўлгани каби, қаттиқ қўриқлашга, катта кучни ушлаб туришга эҳтиёжманд эди.

Соҳибқирон ҳазратларининг сўнгги сафари тўғрисида олдинги қисмда кенгроқ тўхталганим боис, фақат бир чизгини эслатиб ўтишни маъқул билдим. Бу – Амир Темури ҳазратларининг, дунё билан видолашаётган Отанинг сўнгги тилаги – кенжа ўғли Шоҳруҳ Мирзони охири марта кўриш матлаби эди. Бунга муяссар бўлинмайди. Ўтрор билан Ҳирот ораси қиш мавсумида янада оғир ва узундан-узун йўл эди. Соҳибқирон ва Шоҳруҳ Мирзонинг энг охири учрашуви ҳижрий 807 йилнинг муҳаррам ойи шанба-якшанба кунларига (13–14. 07. 1404) тўғри келади. Бу дийдорлашув Жакжарон дарёси бўйида бўлиб ўтган эди.

¹ Уйланган шаҳзодалар: Улуғбек, Иброҳим (Шоҳруҳ Мирзо ўғиллари), Ийжал (Мироншоҳ Мирзо ўғли), Аҳмад, Сайди Аҳмад ва Бойқаро (Умаршайх Мирзо ўғиллари) мирзолар эди.

1404 йилнинг июль ойи ичида юз берган Ота-Ўғил мулоқоти улар ҳаётидаги охирги сўзлашув бўлган эди. Кониғилдаги тўйга ҳам давлат хавфсизлиги деб тақлиф этилмаган Шоҳруҳ Мирзо, отаси Соҳибқирон Амир Темурнинг Хитойга юриш бошлаб, Оқсулот манзилида бир ярим ой давомида турганида Шайх Али Баҳодурни махсус топшириқ билан жўнатади. Бу ҳам ота – бола сиёсий фаолиятидаги энг охирги – билвосита мулоқот бўлиб қолади. Жакжарон дарёси бўйидаги юзмаюз кўришувдан етти ой кечиб, Соҳибқирон Амир Темур ҳаёт билан видолашади. «Соҳибқирондан сўнг» деган қисмда бу ҳақда – хонадон силсиласида юз берган сиёсий бۇҳронлар хусусида гапни бошлаб қўйган эдим. 1405 – 1410 йиллар оралиғида кечган тожу тахт курашларида шаҳзодалар, набиралардан кимлар қандай ўрин тутганлиги, кимлар қиличга, кимлар ақлга зўр берганлиги бобида дебоча сўзи айтилган эди.

Соҳибқирон Амир Темурдан кейин салтанатнинг асосий қисми – Турон ва Эрон мулкларининг сулола қўлида сақланиб қолиши Шоҳруҳ Мирзо номи билан боғлиқ бўлди. У, ўша оғир, ўта мураккаб сиёсий пўртаналардан улуғ давлатнинг икки улуғ сарҳадини қўл остида сақлаб қола олди. Шу билан қаторда, 1370 йилдан шакланган, такомиллашган ва юксак тамаддун даражасига кўтарилган онлавий муносабатларни ҳам оёқ ости бўлишдан, тубанликка кетишдан муҳофаза қила олди. Бу унга осонликча даст бермади, буни алоҳида қайд этиш жоиз бўлади. Шоҳруҳ Мирзо билан отаси ўртасида Жакжарон учрашувида ошкор этилмаган, давлат арқонига, хонадон асосига тааллуқли бўлган гап-сўзлар бўлганлигига қаттиқ ишонаман. Соҳибқирон етти йиллик сафардан қайтаётганда, Жакжарон дарёси бўйидаги учрашув нега керак бўлган? Оқсулотга келган Шайх Али Баҳодур қандай топшириқни бажарган? Муаррихлар бу тўғрида индамай ўтганлар. Ҳукмдор ва унинг салтанатида энг катта ҳудуд – Хуросонни идора қилаётган ўғил Шоҳруҳ Мир-

зо орасида қандай гап бўлиши мумкин эди? Бу ёлғиз Аллоҳ Таолога маълум бўлган синоат, албатта. Шундай бўлса-да, Шоҳруҳ Мирзога Хитой юриши ва у билан боғлиқ жиҳатлар, унинг бу вақтда Хуросонни қандай идора этиши бобида кўрсатмалар берилган, деган тахминни қилиш мумкин бўлади. Шу сабабдан ҳам Амир Темур ҳазратлари Оқсулотда туриб турганида хос кишининг юборилиши, фақатгина Шоҳруҳ Мирзонинг соғлиғи хабари билан чекланиб қолмай, Жакжарон дарёси бўйида берилган топшириқларнинг ижроси ҳисоботи билан ҳам боғлиқ эди, дейишни лозим биламан. Амир Темур ҳазратлари ёши бир жойга етганлигини, кейинги йилларда тез-тез касалланиб қолаётганини, оқибат қандай бўлишини ўйламаган, деб бўлмайди. Қорабоғда вафот этган пири Саййид Бараканинг Андхудда вақтинча дафн этилиши, хос суҳбатларда ўз хокини пирнинг оёқ томонида бўлишини айтиб юрадиган Соҳибқирон ажални бўйинга олмаган десак, унчалик тўғри бўлмас. Хитой юриши кўпдан, зимдан қилинган тайёргарликлар натижаси эди. Фикримча, Соҳибқирон ғалабага қаттиқ ишонган, Ашпарадан олинган маълумотлар унга бундай хулосага асос берган. Айни вақтда, «борди-ю...» деган шубҳа ҳам кўнгилининг тубида бўлмаган деб ким айта олади? Менинг назаримда, шу андиша Шоҳруҳ Мирзонинг Хуросонда қолдирилишига сабаб бўлган. Ироқ, Миср ва Румни тобе этишда барча кучни, шу жумладан Шоҳруҳ Мирзо кўшинларини ҳам сафарбар этган Соҳибқирон бу гап бундай йўл тутмайди. Бунда, такрор айтаман, икки қутб бор эди: ишонч ва шубҳа. Ғалабага ишонч нақд эди, ўлимга эса... бу шубҳанинг асоси эди, дегим келади. Шоҳруҳ Мирзонинг захирада қолдирилиши, истаймизми-йўқми, кўп нарсаларни ўйлаш, фавқулодда юз бериши мумкин воқеалар билан боғлиқ эҳтиёткорлик натижаси эди. Ва, шу эҳтиёткорлик, охир-оқибатда Соҳибқирон 36 йил отдан тушмай барпо этган улуғ салтанатни сақлаб қолишда замин вази-

фасини ўтади. Шоҳруҳ Мирзо шахсида иккинчи халоскорлик намойиши кўзга ташланади. Амир Темур юртининг, ватанининг даҳо халоскори бўлиб майдонга чиққан, Мўгул босқинчилари қадами етган ерларни истибдод зулмидан озод этган бўлса, Шоҳруҳ Мирзо шу буюк салтанатни парокандаликдан, майда бекликларга бўлиниб кетишдан, ички ва ташқи ҳужумлардан омон сақлаб қола олган. Оила шаъни ва номусини муҳофаза эта олган халоскор сифатида майдонга чиққан. Бу халоскорлик Соҳибқиронга хос бўлган улуғвор халоскорликнинг мантиқий давоми эди. Шусиз Турон ва Эрон заминида тараққиёт бўлмас, иқтисод, илм фан ривожланмас, Темурийлар салтанати бу қадар узоқ чўзилмас эди. Ҳукмдорларни ҳукмдорлардан фарқлаш ҳам санъат. Соҳибқирон Амир Темурдан кейин кимлар тахт талабида майдонга от солмади, кимлар ўзини ҳаммадан кучлироқ, улуғроқ, тожу тахтга муносиброқ билмади? Улар ёмғирдан сўнгги камалакдай етти рангда, қизил, яшил бўлиб товланди-ю, зум ўтмасдан ғойиб бўлдилар. Шоҳруҳ Мирзо қирпичоқ давом этаётган йилларда ўзининг ақли дониши, босиқлиги, бағрикенглиги, давлат манфаатини ўйлаши, мурасасозлиги, кечиримлилиги, мўмин-муsulмонлиги, узоқни кўра билиш қобилияти билан ажралиб турар эди. Унга қанчалик қийин бўлганлигини англаш учун яна ўша йиллар тарихини саҳифалашга эҳтиёж сезилади. Энди, шу ҳақда.

ТУРОН, ЭРОН ВА ХУРОСОН ЧОРРАҲАЛАРИДА

Ҳижрий 799 йилнинг (1397) кузи Шоҳруҳ Мирзо учун омадли келган эди. Шу йили зулҳижжанинг 21-жума куни (15.IX.1397) Бойсунғур Мирзо – учинчи ўғил дунёга келади. Бу хурсандчиликдан кўп ўтмай, Хуросон мулклари Шоҳруҳ Мирзога топширилади. Дунёнинг ишлари ҳайрат ва зиддиятлар қучоғида етилар экан. Шоҳруҳ Мирзонинг иқболи порлаган сари,

акаси Амироншоҳ Мирзонинг толеи забунга томон ина бошлайди. 1398 йилда Хонзода Бегим арз билан Соҳибқирон ҳузурига йўл олади... Бўлмасам, иккаласи ҳам кимсан жаҳон фотиҳи Амир Темур ҳазратларининг фарзандлари, уларнинг бахти тўкис бўлиши ҳар томонлама имкондан эди. Бу ҳоляна бир бор ҳар кимнинг ҳаётда ўз ўрни мавжудлигини, ўз йўли, ўз қисмати барқарорлиги собит этади. Қисмат битикларини шоҳми ул ёхуд гадо, ўзгартиролмайдди, тақдир ўйинларига тadbир билан даф айта олмайди. Муҳаммад Жаҳонгир, Умаршайх Мирзолар навқирон, қирчиллама ёшида улуғ салтанатни қарор топдириш йўлида жонларини қурбон қилдилар. Валиаҳд Муҳаммад Султон умрининг хазон бўлиши ҳам бобоси давлатини, унинг ор-номусини, шону шавкатини мустаҳкамлаш билан бевосита боғлиқ эди. Соҳибқирон ҳазратлари то умрининг охирига қадар, сунгги нафасгача мамлакат қудрати ва шаъни учун курашдан асло толиқмади. Бу бобда Искандар Моқидуний ва Чингизхон эришган муваффақиятлар даражасидан ошса ошдики, бу унинг тузган салтанати ва сулоласи бардавомлигидан яққол сезилиб туради.

Чингизхон ўзи тириклигида Шимолий Хитойдан Ўрта Осиёга қадар бўлган ерларни забт эта олган эди. 1227 йилнинг август ойида ўлган Чингизхондан кейин унинг ворислари жаҳонгирлик юришларини давом эттирадилар. 1260 йилга келиб, Шарқда Сарикденгиздан – Фарбда Дунай ва Евфратга қадар чўзилган салтанатни барпо этадилар. Чингизхон ўлиmidан кейин ваҳшиёна тарзда вужудга келтирилган «Еке Монгол улус» – Улуғ Мўғул давлати XIII асрнинг 60-йилларига келиб, парчаланиб кетади. Тўрт улусга бўлиниб қолган собиқ салтанат аввалги куч-қудратга эга бўлмай, ички низолар гирдобига чўкиб боради. Куч билан бегуноҳ кишилар қонини дарё-дарё қилиб оқизишлар билан қурилган давлат таг-томиридан чирий бошлайди, маҳаллий халқлар, мазлум этилган эл-

лар мустақиллик яловларини кўтара бошлайдилар. Турон мулкларида – Чигатой улусида Чингизийлар ҳукмронлигига 1346–1347 йилларда Амир Қазоғон томонидан чек қўйилади. Озарбайжонда мўғул мустабидалари 1368 йилга қадар ҳокимият тепасида бўладилар. Мовароуннаҳр – Турон Чингизхоннинг ўғилларидан бири Чигатойга суюрғол қилиб берилганлиги сабабли, бу ҳудудлар «Чигатой улуси» деб аталади. Ҳатто, XX аср бошларида она тилимизни ҳам «Чигатой тили» деб юритиш ҳоллари амалда кўринган эди. Чигатой улусининг умри 125 йилга етди. Эронда Чингизхон сулоласи – Ҳулагулар давлати эса 135 йилга яқин давом этди. Халоскор Амир Қазоғондан кейин оралиқда кечган 12 йиллик муддат Турон учун ҳалокатли ва ҳаёт-мамонт даражасида бўлган эди. 1370 йилда мамлакат жиловини олган Соҳибқирон Амир Темур яна «Турон» деган давлат атамаси истилоҳини муқаррам тарзда зикр эта бошлайди. Фармони олийларда азалий ва қадимий ном ифтихор билан қайд этилади.

Соҳибқирон асослаган салтанат давомчилари XIX асрнинг иккинчи ярми бошларига қадар ҳокимият билан бевосита боғлиқ ҳолда яшаб келдилар. Турон, Эрон ва Хуросонда 240 йилдан (айрим вилоятларда янада узоқроқ) ортиқ давом этган, умумий ҳисобда, қарийб беш аср давом этган Соҳибқирон Амир Темур сулоласининг 1405 йил 18 февралдан кейин 453 йил пойдор туриши (бунга Соҳибқироннинг 36 йил давлат тепасида турганлигини ҳам қўшсак, 489 ҳисоби келиб чиқадди) Шоҳруҳ Мирзо ва Умаршайх, Амироншоҳ, Жаҳонгир мирзолар авлодлари исми шарифлари билан узвий боғлиқ эди. Айниқса, XV аср бошларида вужудга келган тахт талашларида – ўта мураккаб сиёсий бўлинишлар даврида Шоҳруҳ Мирзо улур салтанатнинг қўлдан чиқиб кетай деб турган жиловини ўз сиёсатдонлиги ва уддабуронлиги, ақл ва фаросати, босиқ ва олижаноблиги билан маҳкам сақлаб қола олди.

Олдинги қисмларда ўрни билан, жоиз бўлган ва тақозо этилган саҳифаларда Шоҳруҳ Мирзо ва унинг воқеалардаги иштироки борасида маълумотлар берила келинмоқда. Шу ўринда, Соҳибқирон Амир Темур ва Шоҳруҳ Мирзо муносабати юзасидан айтилган баъзи қарашларга тўхталиб ўтиш мақбул кўринди. Чунки, бу муносабатлар қанчалик тўғри ва ҳақиқатга мувофиқ келиши масаласида то ҳанузга қадар фикрлар билдирилмади. Гўё аввалги фикрлар тўғри айтилгану, улар ҳеч бир таҳрирга ёки танқидга муҳтож эмасдек. Аслида, шундайми? Соҳибқирон ва Шоҳруҳ Мирзо муносабатларига дахли бўлган, эски китоблар қатида мудраб ётган мулоҳазаларни ҳам муомалага ҳам олиб кириш, замондошларимизни улардан воқиф этиш жуда муҳим туюлади менга. Чунки бундай мулоҳазалар қачон, ким томонидан, қандай мақсадда айтилган – тарихий-илмий аҳамияти шу саволларга берилган жавобларда очиқ-ойдин гавдаланади.

Рус муаррихи В.В. Бартольд 1915–1918 йилларда «Улуғбек ва унинг даври» деган асарини ёзиб, эълон қилган эди. Асарда, илк маротаба Шоҳруҳ Мирзога нисбатан Соҳибқироннинг камситиш назари билан қараганлиги «кашф» этилган эди. У, *«Темурнинг ҳаракатлари шунини кўрсатадики, – деб ёзади, – у гуноҳга йўл қўйган катта ўғлинигина (Мироншоҳ Мирзо – П.Р.) эмас, ҳеч қачон кўнгиш қолдирмаган кичик ўғли Шоҳруҳга ҳам, набираларига нисбатан кам умид боғлаган эди. Шоҳруҳ Фарбга, Фаластинга қадар қилинган юришларда иштирок этган бўлса-да, Амир Темур ҳаёти охирига қадар, бир вақтлар Амироншоҳ фаолиятини бошлаган – Хуросон ҳукмдори даражасида қолиб келди. Бу вилоят (ҳукмдорнинг қароргоҳи, Амироншоҳ даврида бўлганидек, Ҳирот эди) унга 1397 йилда Сеистон ва Мозандарон билан бирга топширилганди. 1404 йилда Темур ўғлини (Шоҳруҳни – П.Р.) Самарқандга чорлаш таклифини рад этади. Темурнинг Хитой юриши билан боғлиқ, унинг ўлими*

билан тўхтаб қолган сўнги сиёсий тўлғамаларида, кўрамизки, Шоҳруҳнинг ёши кичик фарзандларига биринчи даражали жой ажратилгани ҳолда, унинг ўзи тамомила четлатилиб қўйилади. Темурнинг Шоҳруҳга нисбатан бўлган бундай муносабати ҳақида манбаларда ҳеч нима дейилмайди. Шоҳруҳнинг Темур даврида шариатга муқкадан кетганлиги ва Чингизхон ясоқига беҳурматлиги – у подшоҳлиги даврида шундай йўл тутган эди – маълум эмас.

Дабдурустан В.В. Бартольднинг ушбу сўзларини ўқиган киши, ота-боланинг муносабати кескинлашган, Соҳибқирон ўз ўғлини Хуросонга ҳукмдор қилиб жўнатиб, уни мисоли бадарға этиб, яккалаб қўйган эканда, деган ҳаёлга бормаи иложи йўқ. Менинг ўқувчиларим бундай ҳаёлга бормаиди. Чунки, олдинги варақларда Амир Темур ва Шоҳруҳ Мирзо муносабатлари тўғрисида имкон даражасида ҳақ гапни ёзишга, манбалар асосида фикр юритишга уриндим. Самарқандга таклиф этилиш масаласидаги рад жавобини олайлик. Кониғилда олти набиранинг тўйига Шоҳруҳ Мирзонинг чақирмаслиги давлат хавфсизлиги, Соҳибқирон ҳазратлари айтганидек, Хуросон теграсидаги ҳокимият талаб ёғийларнинг кучли эканлиги, бир зум назоратни бўшаштирмаслик билан боғлиқ эди. Ғазнин мулклари нисбатан осойишта бўлганлиги боис, Пир Муҳаммад Мирзо тўйга айтилади. Хўш, бунинг нима си муносабатлар терслигини билдиради? Бундай аччиқ тажрибалар Соҳибқирон ҳаётида кўп бор кузатилган эди. Ироқ, Миср ва Рум сафари даврида, Амир Темур ҳазратлари йўқлигидан фойдаланган Тўхтамиш Бухоро, Самарқанд ва Термизга қадар босиб келган, мулкларни талаб кетган эди. Ёхуд қизи Тоғай Шоҳ Оғо беги вафот этган кунларда азалий душман Алибек Жониқурбоний Сабазаворни тортиб олиш учун ҳужум бошлаганини қайд этмаслик мумкинми?! Буларни ҳам қўя турайлик. 1370 йилда ноил бўлган Амир Темур ҳазратлари давлатига хавф солиб турган мўғуллар ва

Олтин ўрда таъсиридаги сўфийларни тинчитмагунга қадар, Соҳибқироннинг Мовароуннаҳр сарҳадларидан олислаб кетолмаганлигини қандай изоҳлаш керак бўлади? Қамариддин ва Сўфийлар йўлдан олиб ташланмагунга қадар Соҳибқироннинг бундан улутроқ, бундан муҳимроқ мақсади бўлмаган. Хуросон мулкларининг нотинчлиги, истаган вақтда душманнинг бош кўтариши 1404 йилда ҳам кун тартибида турган. Масалага тор, ота-бола муносабатлари доирасида қаралмаслиги, давлат ва унинг тинчлиги, бир бутунлиги нуқтаи назаридан ёндашиш ўринли бўлур эди. Энди, Хитой сафари ҳақида гап борадиган бўлса, бу юришга Шоҳруҳ Мирзонинг ўн бир ёшли Улуғбек ва Иброҳим Султон мирзо исми ўғиллари бирга олиб кетилган. Уларга Сарой Мулк Хоним, Туман Ого сингари маликалар ўғруқидан жой берилган. Шаҳзодалар шу маликалар тарбиясида бўлишган. Оддий кузатувчи даражасида бўлган шаҳзодаларнинг «биринчи даражали жойи» – ўғруқ эди. Шаҳзодалардан Халил Султон ва Султон Ҳусайн қўшин бошлиқлари этиб тайинланган. Булар тўғрисида олдинги қисмда етарлича маълумот берилади. Хўш, Шоҳруҳнинг кичик ёшли ўғилларига биринчи даражали мақом берилади, деганда нимани кўзда тутган муаррих? Шаҳзодалар, Амир Темур ҳазратлари одатига кўра, жангу жадалларга бирга олиб борилган, уларнинг чиниқиши, амалий малака ҳосил қилиши, курашлар ҳақида эшитиб эмас, кўриб хулосага келиши, шу орқали улғайиши муҳим деб ҳисобланган.

Бу муносабат XX аср бошларида, Туркистонни ис-тило исканжасида тутиб турган Чор Россияси манфаатларини ҳимоя қиладиган муаррих томонидан билдирилган эди. Шу хилдаги қарашларнинг акс-садолари, афсуски, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ҳам унда-бунда кўриниб қолди. *«Шоҳруҳ Мирзо ёшлигиданоқ аҳкоми шариятга қаттиқ риоя қилар ва диний китобларга қизиқарди. Шу сабабдан-*

ми ёки бошқа сабаблар бормиди, ҳарҳолда Амир Темур бу кенжа ўгли Шоҳруҳ Мирзога эътимоди камроқ эди. Бинобарин, ўз ўрнига валиаҳд тайинлашда ҳам Шоҳруҳ Мирзони четлаб ўтган эди». Бу сўзлар Турғун Файзиеннинг «Темурийлар шажараси» (1995) деган китобидан келтирилди. Бу сўзларнинг давомида В.В. Бартольд юқорида айтган гапларнинг айнан ўзи такрорланади. Турғун Файзиев, Шоҳруҳ Мирзонинг дин ва шариатга бўлган муносабатини «мутаассиблик» – кўр-кўрона, фанат даражасида деб таърифлайди: *«Шоҳруҳ Мирзо табиатан мутаассиб диндор шахс бўлиб, кўп вақтини тоат-ибодат ва китоб мутолаасига сарфларди»*. Жуда ҳайратлантирадиган, асослаб айтилмаган юзаки гаплар. Вақтида, В.В. Бартольд ҳам бу ҳақда сўз юритганида, Амир Темур ҳаётлиги даврида Шоҳруҳ Мирзонинг шариатга меъеридан ортиқ даражада берилганлигини «номаълум», деб ёзган эди. Фикримча, Шоҳруҳ Мирзонинг «тоат-ибодатга» кўп вақт сарфлаши унинг умри охирларида кузатилиши мумкин дир, уни бутунлай «мутаассибга» чиқариб қўйиш ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки бундай даъволарни асословчи далиллар тарихларда учрамайди.

Темурбек хонадони унинг отаси давридан бошлаб, ислом аҳкомларини қаттиқ ушлаган мусулмонлар бўлган. В.В. Бартольд ҳам буни тан олишга мажбур бўлган эди. *«Тарагай ҳаёти тўғрисида, – деб ёзган эди олим, – унинг фақат покдомон мусулмон бўлганлиги, олимлар ва дарвешлар, айниқса, Шайх Шамсиддин Кулор (ёки Кулол) билан дўст бўлганлиги маълум. Темурбек ҳам отаси пирларини раҳнамо деб билган, ёшликдан улар таълимини олган»*. Буни Ибн Арабшоҳ ҳам тан олади: *«Темур ушбу фойдали шайхнинг ҳузурига кирганида, у ўзининг муриди мухлислари билан чуқур фикрга толган ҳолда Аллоҳнинг зикри билан банд эди. Улар ўзларига келиб зикр-самоларидан тўхтагунларича Темур тик тураверди. Шайх-*

нинг назари ўзига тушиши билан Темур унинг қўллари-
рини ўпишга шошилди ва оёғига бош урди. Шайх бир
дам ўйлаб тургач, бошини кўтариб ўз жамоасига
қараб... «Эй жамоат! Сиз унинг ҳақиқага дуо қилиб, ис-
таган муродига етиши учун мадад берингиз», деди».

Амир Темурга ён босишни асло эп кўрмаган, унинг
сиёсий фаолиятига доимо танқидий баҳо беришга
шошиладиган, фақат далиллар олдида ноилож қолган-
да, ҳақ гапни айтадиган В.В. Бартольд, «Шубҳасиз, Те-
мур уламолар ҳомийси бўлган, улар билан тенглар-
нинг тенгги бўлиб суҳбатлар қурган ва, айниқса, пай-
гамбар авлодларига эҳтиром билан муносабатда
бўлган. Унинг давлатида саййидлар, ҳарҳолда, ҳаёт-
лари дахлсиз бўлган бирдан-бир кишилар эди», деб
ёзади. Таассуфки, шу гапларни айтган, ёзган муаррих
яна бир ўринда, «Табиийки, Темур энг аввал ҳарбий
ва мўғул хилидаги қирол, ундан сўнг эса мусулмон
эди», деган даъвои ёқлайди.

Совет ҳокимияти давом этган йилларда, «буюк оғо-
лар» ҳукмрон тарихининг намояндаси бўлган В.В. Бар-
тольд ва у каби муаррихларнинг шу зайддаги қараш-
лари фанда, дарсликларда, мафкурада, қатъий ўрна-
шиб келди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари-
да «авторитетлар» томонидан айтиб ва ўрнатиб кетил-
ган «фикрий ҳайкаллар»га сажда қилиш давом этган-
лиги ачинарли ҳолдир. Ҳукмдор муаррихлар тарихи-
мизни сохталаштиришга жуда устамон бўлганлар, бун-
да манбаларни ўзлари ўқимаганлиги, гумашталар тай-
ёрлаб берган таржималарни наридан-бери назардан
ўтказиб, хулосаларини маълум қолип асосида айтиш
билан чекланганлар. Ҳолбуки, баҳс этилаётган мавзу
бўйича чуқур ва ҳаққоний илмий хулосаларга келиш,
холис фикр юритиш имконияти ҳадсиз-ҳисобсиз эди.
Мен марҳум Турғун Файзиёвни айблаш фикридан
жуда йироқман. Ҳамма гап, 74 йил давомида «юқори-
нинг фикрига таяниб» иш кўришга ўрганиб қолгани-
мизда эди. Йўқса, манбаларни теран ўрганиши, таҳ-

лил этиши ва ҳаққоний ҳулосаларга келиши мумкин бўлган олим, олдин айтилган фикрларни аслига монанд қайта кўриб чиқиши, мафкуравий тақозолар асосида чиқарилган ҳулосаларга муносабат билдириши, тўғрини тўғри дейиши мумкин эмасми? Шомий, Яздий, Натанзий, Хондамир, Мирхонд, Абдураззоқ Самарқандий, Фасиҳ Хавофий ва бошқа муаррихлар асарларида Шоҳруҳ Мирзонинг ёшлигида диний таълим олганлиги, шариатга берилиб кетганлиги тўғрисида бир гап тугул, бирор ишора борми ўзи? Йўқ бўлса, Шоҳруҳ Мирзони диний мутассиб сифатида таърифлашдан қутилган мақсад нима? Отасининг камситиши сабабларини излашми? Шундай камситиш бўлмаганлигини зикр этилган тарихларнинг муаллифлари айтиб кетган эканларку?!

Шарафиддин Али Яздий асаридан бир иқтибос келтирмоқчиман. Муаррихнинг сўзлари бевосита Турон ва Рум қўшинлари жанги олдидаги вазиятни ифодалашга қаратилган, унда шундай дейилади: *«Иккала томон қўшинлари жанговар тартибда тизилдилар. Шу онда Соҳибқирон отдан тушди-да, матлуб юзини Яратган Зотга қаратди (яъни, қиблага бурди – П.Р.) ва галаба ёр бўлиши учун икки ракаат намоз ўқиди. Ҳар сафар жанг олдидан Соҳибқирон шундай намозни адо этарди. Шу сабабли бутун олам ҳукмдори, у одил ва шарафлидир, доимо унга галабани ёр этар эди»*. Муаррихнинг гувоҳлиги шундай, ана энди, ҳулосани ўзингиз мушоҳада қилинг, Соҳибқирон Амир Темур, энг аввало, ҳарбийми ёхуд мусулмонми?! Мусулмонликдан ҳарбийликни устун қўйиш сабаблари чуқур кетган бўлиб, бундай айлантириб ҳам, ундай товлантириб ҳам, Амир Темур ҳазратларини Чингиз қаторига қўйишга интилган эдилар. Шоҳруҳ Мирзони динга берилишда, мутассибликда айблаш эса, фикримча, В.В.Бартольд ғоясини қувватлаш истағи билан бевосита боғлиқ эди. Гарчи, у Шоҳруҳни мутаассибфанат деган бўлмаса-да, камситилиш даъвосини бошлаб берган эди. Сурат чизилгандан кейин унга, кўзу

қош ўрнаштириш ҳам керак бўлади-да. Бу воқеада эса, қош қўяман деб, кўз чиқарилган.

Соҳибқирон Амир Темур вафотидан кейин вужудга келган ҳолат ва унинг оқибатлари, шубҳасиз, ажнабий муаррихлар эътиборни қаратган бирламчи мавзулардан бўлган. Кимдир Халил Султоннинг Самарқанд тахтини эгаллашини маъқуллаган, унинг Амир Қазағон ва Амир Темурлар «ботина олмаган» ишни қилганликларини – сохта, номига қўйиладиган хонни Чингизхон авлодидан эмас, Темурийлардан қўйганлигини таъкидлаган. Халил Султон 1405 йилнинг 18 мартада Самарқанд тахтига ўтирганида, марҳум валиаҳд Муҳаммад Султоннинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзони номига хон деб эълон қилган ва ўзидан юқори-роққа ўтқазган эди. Халил Султон тахтга давогарлик қилган пайтда, сохта, номига қўйиладиган хонга эҳтиёж бормиди ўзи? Соҳибқирон Амир Темур томонидан қўйилган сохта, амалий ҳокимиятга эга бўлмаган сўнгги хон Султон Маҳмудхон эди. Султон Маҳмудхон Рум қайсари Йилдириш Боязидга қарши олиб берилган жангларда ўзини кўрсатади, уни бандга олишга муваффақ бўлади. Шундан кўп ўтмай, 1403 йилда вафот этади. Шундан кейин, Амир Қазағон асос солган «сохта хон институти» ҳам, чамамда, барҳам топади. Султон Маҳмудхон ўлимидан кейин унинг ўрнига Чингизхон авлодидан кимдир номига хон қилинганлиги манбаларда қайд этилмаган. Халил Султоннинг номига ўз авлодидан – валиаҳд уруғидан бўлган 9 ёшли Муҳаммад Жаҳонгирни хон кўтаришдаги мақсад нимада бўлган? Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо валиаҳд Муҳаммад Султоннинг ўғли, отасига она бир, ота бир ука – Пир Муҳаммад Мирзонинг, Соҳибқирон Амир Темур ўлими олдида валиаҳд этиб тайинлаган шаҳзоданинг амакиси бўлар эди. Бундай олганда, Халил Султон ўзбошимчалик ва куч билан олган ҳокимиятини шу йўл билан бир оз бўлса-да, «қонунийлаштирмоқчи» эди. Вақтида, Амир Қазағон Чигатой уруғидан

ҳокимиятнинг тортиб олиб, мустақиллик яловини ўрнатганида, бутун теваарак-атроф – Дашти Қипчоқ, Эрон, Хуросон, Араб, ҳуллас, мўғуллар биру чорак асрдан буён ҳукмронлик қилиб келаётган мамлакатларда ҳокимият истилочилар измида эди. Шу бонсдан, ҳали кучли ва қудратли бўлган мўғул босқинчиларига ён бериш, улар қўнғидан чиқиш учун сохта хонга эҳтиёж катта эди. Мамлакатни идора этишда у қўғирчоқ аҳамиятига эга бўлиб, амалий ҳокимият маҳаллий ҳукмдор қўлида эди. Амир Темур ҳазратлари ҳам ҳокимиятга келганининг дастлабки йилларида шундай сиёсий муроса оёинига амал қилишни мақбул билади, Чингизхон авлодидан номига хонлар қўяди. Мўғулистон, Дашти Қипчоқ, Эрон – Чингизхон ҳокимияти ўрнатилган юртлардан истилочилар йўқ қилинганда ҳам, барибир, сохта хон амалда бўлиб келади. Султон Маҳмудхон уларнинг охиргиси эди. Кўрамизки, Султон Маҳмудхон, жуда нари борса, бир қўшин бошлиғи даражасидаги мақомда бўлган. Соҳибқирон ҳукмдорлигининг кейинги йигирма олти йили давомида номига хон қўйиш удуми шунчаки, анъана таъсирида сақланиб келинган. Султон Маҳмудхон вафотигача қарийб 57 йил номига амалда бўлиб келган сохта хон маснади барҳам топади.

Соҳибқирон Амир Темур вафотидан кейин, у асос солган давлат ҳукм суриши амалда мумкин эмасдек бир ҳолга келиб қолганди. Муаррихлар орасида биринчилардан бўлиб, В.В. Бартольд Шоҳруҳ Мирзонинг бунга қодир бўлганлигини фаҳмлаган эди. «Темур салтанатида, унинг асосчиси ўлимидан кейин, ягона давлат бўлиши мумкин эмасдек туюлган ҳолат юз берган бўлса-да, у аста-секин Шоҳруҳ Мирзо томонидан, унинг ўз фойдасига қарор топди», деб ёзган эди муаррих. Бунда, В.В. Бартольд Шоҳруҳ Мирзонинг салтанат халоскори сифатидаги фаоллигини назарда тутди. Бу, тўғри баҳо, ҳақиқатни тан олиш эди.

Шоҳруҳ Мирзо шаҳсига етарли баҳо бермаслик, уни динга муккадан кетганликда айблаш бир сира-ю. бутун бошли салтанатни қутқозиш йўлидаги хизматларига тўғри ёндашиш бир сира. Бирида юзакилик, бирида теранлик акс этади.

Шоҳруҳ Мирзо даври тарихининг улкан билимдонни, «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» (Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қушилиш жойи) асарининг муаллифи Абдураззоқ Самарқандий зикр этилган тарихий асарини 1467 – 1470 йиллар давомида ёзиб тугаллаган. Муаллифнинг отаси Жалололдин Исҳоқ бир умр Шоҳруҳ Мирзо саройида давлат ишларида бўлиб келган. Абдураззоқ Самарқандий ҳам 24 ёшига қадар таҳсил олган. 1437 йилда Шоҳруҳ саройига хизматга киради. Қизиги шундаки, Шоҳруҳ Мирзо Абдураззоқ Самарқандийни ўзи суҳбатлашиб, имтиҳон қилиб, билимига ишонч ҳосил қилгандан кейин ишга олади. Саройда икки йил ишлаганидан кейин, баъзи ҳосидлар, «У сарой мулозимлигига лойиқ эмас, бу даражада билимига эга эмас», деган шубҳали гап тарқатадилар. Буни эшитган Шоҳруҳ Мирзо Абдураззоқ Самарқандийнинг нечоғлик билимга эга эканлигини фосиқларга яна бир марта далолат этиш учун Ҳиротнинг кўзга кўринган уламолари ва амалдорларини тўплаб, мажлис тузади. Нуфузли йиғинда кенг қамровли имтиҳон амалга оширилган, шарият, фикҳ, тарих ва бошқа соҳаларга доир кўпдан-кўп саволлар берилган. «Матла» муаллифи бу ҳақда жуда таъсирли ҳикоя қилган. Шарҳдан кўра, унинг ўз сўзларини тақдим этишни муҳим, деб ҳисобладим. Чунки, қарийб, олти аср муқаддам айтилган бу гапларнинг жозибаси, виқори бошқача бўлади. Абдураззоқ Самарқандий шундай ҳикоя қилади: *«Шу йили (841 ҳижрий – 1437 милодий) бу варақларни тўпловчи (ёзувчи – П.Р.) Абдураззоқ ибн Исҳоқ ҳазрат хоқони саъидга (Шоҳруҳ Мирзога) мулозаматда бўлиш шарафига этиш билан саодатга эришдим. У*

ҳазратнинг иқболи офтоби бу ҳақир зарра ҳолига жило берди. Собиқан менинг марҳум отам олий мажлис ва ҳумоюн ўрдуда имомлик қилиш шарафига ва қозилик мансабига етишган бўлиб, мўътабар китобларни ўқиб бериш ҳам муқаррар масалаларни ривоят қилиш билан машғул бўлиб юрар эди... Бу фақири ҳақир дўстлар сўзини самимий дилу жондан қабул қилдим ва одил султон Шоҳруҳ мақом тутган мажлисда ислом раҳнаمولари ва даврон улуглари ҳузурида «Шарҳи рисола»ни кўздан ўтказдирдим. Баъзи муҳамликларни сўраб билгандан кейин аъло ҳазрат Шоҳруҳ уламолар таҳсинида кўп мақтовлар сўзлади ва шу Ҳумоюн мажлисдаёқ: «Абдураззоқнинг отаси мавлоно Исҳоқ мулозим бўлганидек, ўзи ҳам бизга мулозиматда бўлсин ва маволий ҳам аҳолиси билан олий даргоҳга кирсин, илмларнинг нозиклик томонлари ва мавҳум ҳақиқатлардан нимаики лозим бўлса ва ўзи яхши билса, арзга етказиб турсин», деган фармон содир бўлди. Ўша вақтларда менинг ёшим йиғирма бешга етган эди. Мен тўққиз йил давомида камолот аҳли билан биргаликда онҳазратнинг хизматида бўлдим».

Англашиладики, яхши илм олган, рисола ҳам битишга улгурган Абдураззоқ Самарқандий сарой хизматида шахсан подшоҳнинг – Шоҳруҳ Мирзонинг имтиҳонидан сўнг қабул қилинган. Истеъдодларга ҳамиша ҳасад кўндаланг келади. Орадан икки йилдан кўпроқ ўтиб, Абдураззоқ Самарқандий яна Шоҳруҳ Мирзо имтиҳонидан ўтишига тўғри келади. Бунинг сабабларини муаррихнинг ўзи шундай кўрсатади: «Шу йили ҳазрат хоқони саъид (Шоҳруҳ Мирзо – П. Р.) бу варақларни битиб тўпловчи Абдураззоқ ибн Исҳоқни имтиҳон қилди. Бунинг сабаби қуйидагича эди: бир гуруҳ гаразгўй ва ҳасадчи кишилар ўзларининг ифлос нафслари тақозоси ва нопок таъблари иғвоси буйича бу фақир ҳақида иғво тарқатдилар. Мавлоно Жалолиддин мавлоно Муҳаммад садр билан биргаликда; «у ўзи толиби илм бўлиб билимини мукаммаллаш-

тирмагану ота-боболарининг ишини қўйиб, подшоҳга мулозамат (хизмат) қилиб юрипти», дедилар. Инсофлилик сифати билан афзаликка эга бўлган диний арбоблардан бири бу варақларни битувчи Абдураззоқнинг бир гуруҳ мударрислардан устун эканлигини арзга етказган. Мавлоно Шаҳобуддин Лассон ва ҳазрат хоқони саъид (Шоҳруҳ Мирзо) у гуруҳнинг исмларини сўради. У тўғри сўзли жаноб мавлавий бир неча кишини санаб, аниқ номларини атади, жумладан, улардан бири улуғ мавлоно Ҳожи Муҳаммад Фароҳий эди. Ислом уламолари ва оддий кишилар фузалолари фазилат паноҳи бўлмиш даргоҳга йиғилиб, бу варақларни битувчи Абдураззоқ билан мавлоно Ҳожи Муҳаммадни имтиҳон қилсинлар, – деган ҳумоюн фармон содир бўлди. Бу сўзлар бутунлай бу фақир у мажлисда йўқлигида воқе бўлган эди.

Фақир мулозамат учун келганимда ҳазрат хоқони саъид (Шоҳруҳ Мирзо), «Бирор киши билан баҳсу талашинг борми?» – деб сўради. Фақир эса: «Бирор яратилган банда билан баҳсу низойим йўқ, бирор кишидан илмда афзал ҳам эмасман, аммо одатдаги китоблардан бир нечасини ўқиганман ва уларни билсам керак, деб уилайман, агар онҳазрат бу қулнинг у китоблар бўйича тушунчасини имтиҳон қилишга буюрсалар, ҳар қалай синов вақтида киши ё ҳурматга сазовор ёки таҳқирланишга, деган мақол аён бўлади», деб жавоб бердим. Айниқса, улуғ уламолар бир китобни танлашлари ва фақир билан мавлоно Ҳожи Муҳаммадни имтиҳон қилишлари борасида олий фармон содир бўлди. Уламолар «Кашшоф» ёки «Ҳидоя»нинг бошланиш қисми бўлган «Китоби таҳорат» бобини ихтиёр қилдилар. Сўнгра шаҳзодалар, амирлар ва сарой хос кишиларидан ташкил топган махсус мажлисда шарҳ тариқида бир неча қатор ёзилди. Уламолар фақирнинг ёзганларини маъқул топдилар ва «бу энг нозик ва энг яхшидир», деб ёздилар-да, хоқони саъидга (Шоҳруҳ Мирзога) арзга етказдилар... Бу банда эса

худди соф олтиндек, синов идишидан аъло сифат бўлиб чиқдим. Ҳасадчиларнинг қалбаки нақшлари ривож топмади, ҳаммаларининг хижолат пешоналарига надомат гарди ўтирди, уятдан терга чўмиб, ерга киргудек бўлдилар. Ҳаммалари худди жонсиз суратдек бўлиб қолдилар ва кўриниши хиёнат, маъноси жиноят ва ҳосили надомат бўлган ўз ёмонликларидан пуншаймон бўлдилар. Фазл ва хунар нурли қуёш ёруғлигидек олам аҳлига равшан ҳам аён бўлди».

Бу воқеа Шоҳруҳ Мирзо салтанатининг 30-32 йилларида содир бўлган. Адолат ойинидан оғишмай мамлакатни идора қилиш, илм аҳлига ғамхўрлик кўрсатиш, уламолар, руҳонийлар билан яқин бўлиш, аниқроқ айтганда, ҳукумат юритишда илм-фанга суяниш Шоҳруҳ Мирзонинг XV аср бошида вужудга келган сиёсий бўҳрондан, ҳокимият талашларидан тўғри йўлни топиб олишида асосий восита бўлган. Шоҳруҳ Мирзо чинакамига мутаассиб бўлганида эди, тақдирга тан бериб, тоат-ибодат билан машғул бўлар, парчаланиб, бўлиниб қолаётган отаси салтанати вайроналарига термулиб, «Худонинг иши», деб қаноат қилган бўларди. Амир Темуравлодлари ва улуг салтанат учун синов йиллари бўлган қалтис даврда ақл-фаросат, донишмандлик ва ҳарбий саркардалик закоси билан иш кўрган Шоҳруҳ Мирзо, ўша пайтда амалда мумкин бўлиб кўринмаган ишни – давлат яхлитлигини, бир бутунлигини сақлаб қолишга муяссар бўлади. Бу йўлда ёш шаҳзодалар қатори, кўпни кўрган, Соҳибқирон тажрибаларини ўзлаштирган, анчайин билимли Шайх Нуриддин каби вазирлар ҳам тўғридан тойиб, адашишга мажбур бўлдилар. Халил Султон билан Шоҳруҳ Мирзо қарама-қаршилиги боши берк кўчага кириб қолади, деган хаёлга борган Шайх Нуриддин ҳам раҳнамози, уни шу даражага келтирган, вазири аъзам вазифасига қўйган Соҳибқиронга иккилик қилиб, ўз ҳокимиятини ўрнатмоқчи бўлади, бу хонадонга тузатиб бўлмас иснод келтиради, туман Оғони хотинлик-

ка олади. Ўзингдан чиққанлар ўзинг билан ёвлашиб, ўтирган гиламнинг тўрт томонидан тортсалар, бундан яна ёмони бўладими? Шоҳруҳ Мирзо бўлинишни жиловлай олган, ўзандан чиқа бошлаган буюк оқимни аввалги йўлига сола олган давлат арбоби бўлган эди. Унинг падари бузруквори, авлоди, эли улуси олдидаги тарихий хизмати ҳам ана шунда.

ҚўШАЛОҚ ТҶЙЛАР, ҚУДАЛАР

Ҳижрий 788 (1386) йилда Амир Темур ҳазратлари Эронни фатҳ этиш учун уч йиллик юришга отланади. Озарбайжон, Гуржистон, Қорабоғ юришларида ғалаба ёр бўлади. Сафарнинг иккинчи йилида Дашти Қипчоқдан Тўхтамишнинг Соҳибқирон мулкларига босқини юз беради. Унга қарши жўнатилган Амироншоҳ Мирзо ёвни қувиб, кўп асирлар билан Соҳибқирон ҳузурига юлиб бўлиб қайтиб келади. Кайфияти ўнганган Амир Темур ҳазратлари Кўкча Тенгизга (Урмия ёки Севан кўли) етиб келади. Шу жойда Самарқанддан Сарой Мулк Хоним 10 ёшли шаҳзода Шоҳруҳ Мирзонни отаси ҳузурига олиб келаётгани дараги бўлади. Самарқанддан келаётган оила аъзолари орасида 3 ёшга тўлган Халил Султон ҳам бўлади. Бу кенжа ўғил ва набира билан ватандан олисдаги биринчи учрашув эди. Ҳукмдор ота маликаларни, шаҳзода ва набирасини катта хурсандчилик билан қарши олади, кўпдан-кўп хайр эҳсонлар тарқатилади, назр-ниёзлар улашилади. Бундайин саховат ҳайратомуз бўлганлигини муаррих алоҳида қайд этади. Ироқ ва Форс мулклари итоатга олингандан сўнг, Соҳибқирон Самарқандга қайтади. Бу орада Хоразмда Элиғмиш Ўғлон билан Сулаймон Сўфи ёғийлик йўлига кириб, Соҳибқироннинг ашаддий душманига айланган Тўхтамиш томонига ўтиб кетадилар. Бу ҳол Амир ҳазратларини Хоразмга, Сўфийлар устига бешинчи маротаба қўшин тортишга мажбур этади. Сўфийлар иши узил-кесил ниҳоясига

етказилгач, Соҳибқирон Самарқандга қайтади. Уч йил давомида бир зум тиним бўлмаган, салтанат жипслигига раҳна солувчи ёвуз кучларга қарши узлуксиз кураш олиб борилган эди. 790 йилнинг (1388) кузида пойтахтнинг Беҳишт боғида табиат ўз синоатини кўз-кўз қилган маҳалда Соҳибқирон тўй бериш қарорига келади. Ўғил ва набираларни уйлантириш Самарқанд аҳли учун катта байрамга айланади. Шаҳарликлар, турли томонларга таклиф этилган эл пойтахтни безашга киришиб кетади. Беҳишт боғида чодирлар, ўтовлар тикадилар. Баланд оғочлар қадаб, уларга ранго-ранг матолар иладилар, гиламлар осадилар ва тўшайдилар. Ходалар, чодир эшиклари қимматбаҳо тошлар билан безатилади. Беҳишт боғида Жаҳонгир Мирзонинг 12 ёшга тўлган ўғиллари Муҳаммад Султон ва Пир Муҳаммад мирзолар, 11 ёшдаги ўғил Шоҳруҳ Мирзонинг қимларга уйланаётганлигини номма-ном айтилмаган. Уларнинг учаласи ҳам, муаррих гувоҳлик бергани каби, «ҳар бири шарият қонунларига биноан ғурийлар авлодидан бўлган соҳибжамол қизларга» уйланганлар.

Соҳибқирон шу йилларда Хуросон, Эрон мулкларидан фотиҳлик юришларини амалга оширар экан, бу жойлардаги маҳаллий қавмларнинг бошлиқлари билан қудалашиш сиёсий аҳамиятига эътиборни қаратган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Нима бўлганда ҳам, 1388 йилда Соҳибқирон Амир Темур таниқли амирлар ва катта мавқега эга бўлган Фиёсиддин Тархон билан ҳали қуда-анда киришмаган, унинг қизи Гавҳаршод Бегимни келин қилиб, Шоҳруҳ Мирзога олиб бермаган эди. Турғун Файзиев, чамаси, «Зафарнома»да ғурийлар қавмидан бўлган келин тўғрисидаги маълумотни эътибордан соқит қилган бўлса керак. *«Гавҳаршод Бегим Шоҳруҳ Мирзонинг биринчи хотини бўлиб, – деб ёзади у, – Чигатой зодагонларидан Фиёсиддин Тархоннинг қизи эди... Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Шоҳруҳ Мирзо Гавҳаршод Бегимга 1388 йилда уйланган»*. Афсуски, шундай эмас-да.

Яздий, 1388 йилда Беҳишт боғида бўлиб ўтган тўйда учала шаҳзода ҳам ғурийлар қизларига уйланганлигини айтади, Гавҳаршод Бегимга уйланиш 90-йилдан кейин воқе бўлган бўлса керак. Шоҳруҳ Мирзо ва Гавҳаршод Бегимнинг тўнғич фарзанди Муҳаммад Тарағай – Улуғбек Мирзо бўлиб, унинг таваллуди 1394 йилнинг 22 март куни бўлган. 1388 йилдаги никоҳ тўйи билан Улуғбек Мирзонинг туғилиши орасидаги муддат олти йил эканлиги ҳам Гавҳаршод Бегимнинг Шоҳруҳ Мирзонинг кўз очиб кўрган хотини эмаслигини эҳтимол тутишга асос беради. Гавҳаршод Бегимга уйланиш 1392–93 йиллар оралиғида содир бўлган десак, ҳақиқатга мос тушади.

Шоҳруҳ Мирзонинг ғурий қавмидан бўлган, кўз очиб кўрган аёли ҳақида ортиқ маълумотлар учрамайди. Шоҳруҳ Мирзо оилавий ҳаётида Гавҳаршод Бегимнинг мақоми худди Сарой Мулк Хоним – Биби Хоним даражасида бўлган. Бу унинг отаси Фиёсиддин Тархоннинг Чингизхон давридан эътиборан нуфузли бўлиб келган хонадон қизи эканлигини биланми ёхуд ўзининг оқиллиги, ўқтамлиги биланми, боғлиқ бўлганлигини собит қилиш мураккаб. Ҳарҳолда, иккинчи тахминнинг ўрни бўлса керак. Фиёсиддин Тархон ким эди, унинг Соҳибқирон давлат тутумида ўрни қандай бўлган – бу саволлар, ўйлайманки, жавобсиз қолмаслиги лозим.

Фиёсиддин Тархоннинг бобокалонлари вақтида Чингизхон даврида катта иззат-ҳурматга ноил этилган. Жанглاردан бирида Чингизхонни ўлимдан қутқаргани учун уларнинг насабига тархонлик – жуда катта имтиёз берилган.

Туркийларнинг қишлоқ уруғидан бўлган Фиёсиддин Тархон авлоди Амир Темур ҳазратларининг улуғ боболаридан бўлган Қорачар нўён замонларидан эътиборан ҳарбу зарбларда ўзларини кўрсатиб келганлар. Фиёсиддин Тархоннинг ўзи Соҳибқирон тожу тахтга эга бўлгандан кейин бир умр унинг ёнида бўлиб, саф-

дошлик камарини белга маҳкам боғлаган киши эди. Амир Темур ҳазратлари Олтин Ўрда ҳокимият талашларида Тўхтамишнинг енгилиб, шармисор бўлиб келганида, Ғиёсиддин Тархонга катта ишонч билдириб, Дашти Қипчоққа қўшин билан юборган ва унга Тўхтамишни қайта хон кутариб келиш топширигини берган эди.

Соҳибқирон, фарзандлари, набиралари балоғатга ета боргани сари келинларни ўзининг сафдошлари – қарийб 20-30 йилдан буён оғирни ҳам, енгилни ҳам бирга тортган қуролдошлари қизларидан танлашга эътиборни қаратади. 1392 йилда Дашти Қипчоқда ғалаба ёр бўлгандан кейин Самарқандга қайтган Амир Темур ҳазратлари бир йўла учта набирасининг никоҳ тўйини ўтказади. Никоҳ тўйлари тарихида иккита, учта, бешта келин-куёв тўйини бир йўла, гуруҳлаб ўтказиш урфини таомилга Соҳибқирон Амир Темур киритган, деб ўйлайман. Никоҳ тўйларини бу хилда катталаштириш бошқа жиҳатларидан ҳам кўра, улуғ мақсадларни шиор қилган ҳукмдор учун вақтдан ютишга қаратилган бўлса керак, деган фикрдаман. Тўйларни алоҳида-алоҳида қилиш кўп вақтни ва кўп кутишни тақозо этар эди. Қолаверса, Соҳибқирон вужудга келтирган шоҳона тарбия мактаби – улуғ маликалар энағалигига берилган шахзодалар ака-укаларнинг ўғли бўлишларига қарамай, Соҳибқироннинг – бобонинг қарамоғида ҳисобланардилар. Шу ва бошқа сабаблар уйғунлашиб, хуллас, шароит тақозоси тўйларни қўшиб, кенгайтириб ўтказишга эҳтиёж туғилган. Кўп келин-куёвли никоҳ тўйлари кашфиётчиси Соҳибқирон Амир Темур бўлади. Юқорида айтганим никоҳ тўйи маросимида Умаршайх Мирзонинг Пир Муҳаммад ва Рустам Мирзо деган ўғиллари Ғиёсиддин Тархоннинг икки қизига; Амироншоҳ Мирзонинг ўғли Абу Бакр Мирзо эса амир Ҳожин Сайфиддиннинг қизига ақд қилинади. Амир Сайфиддин ҳам Ғиёсиддин Тархон сингари Соҳибқироннинг болалик дўстларидан, энг ишончли ки-

шиларидан эди. Шундай қилиб, Амир Темур ҳазратлари Ғиёсиддин Тархон билан икки тарафлама – ҳам ўғли Шоҳруҳ ва набиралари Пир Муҳаммад, Рустам Мирзолар воситасида қуда-анда бўлади. Бундай тугал никоҳларни бугунги кунда ҳам топса ва кузатса бўлади. Бу удумлар элимизда ўша даврлардан қанот қоқди бўлган ва ҳозирга қадар яшаб келмоқда.

Ғиёсиддин Тархон ва унинг фарзандлари ҳам салтанат равнақи учун ўзларини аямаганлар. Али Тархон, Сўфи Тархон, жумладан, Шоҳруҳ Мирзо қўшигида Шоҳ Мансурга қарши олиб борилган жангу жадалларда иштирок этганлар. 1397 йилда Соҳибқирон Хуросон мулклари идорасини Шоҳруҳ Мирзога топширганида Мовароуннаҳрнинг куп улуг амир ва бекларини, жумладан, Ғиёсиддин Тархоннинг (унинг юрти Китоб тоғларида, Қишлиқ деган жойда бўлган) Али ва Ҳасан Сўфи Тархон деган ўғилларини – қайноғаларини ҳам қўшиб, бирга жўнатади. Бошқа амир ва таниқли кишиларнинг ҳам ё ўғиллари, ёки ака-укалари, хуллас, кимдир бири Шоҳруҳ Мирзога ҳамроҳ қилиб, эл қилиб жўнатилади. Бу кўчунинг асосий кўпчилигини Қашқа воҳасидан чиққан, хонадонга яқин қариндош, қуда-қудағай, ички бўлган, аввал-азалдан хизматда бўлиб, синалган оилалар вакиллари ташкил этади. Сулаймоншоҳбек, масалан, Соҳибқироннинг опасининг ўғли, Султон Бахт Бегимнинг эри, Амир Мизроб Жоку – амакизода, Абдусаммад Ҳожи Сайфиддин, кешлик, Соҳибқироннинг дўстининг фарзанди... Бу мундарижани яна давом эттириш мумкин. Ўйлашимча, Кешдан хонадон хизматида бўлиб келган Алишер Навоийнинг боболари ҳам 1397 йилги Ҳирот кўчувида Шоҳруҳ Мирзога қўшилиб борган эл сафида бўлган. Эҳтимол, шоирнинг улуг бобокалони кўчучиларнинг бири, сипоҳийлардан ёки хос хизмат аҳлидан бўлгандир. Шоҳруҳ Мирзо ўз атрофига шунчалик кўп ва ишончли кишиларни жамлаб, Ҳиротга келган-

ки, кейинчалик Мовароуннаҳр тахтини қўлга киритганида ҳам, бу жамоадан айрилгиси келмаганми, отасининг тахтгоҳи Самарқандга қайтишни хаёлига ҳам келтирмаган. Бу, наздимда, Шоҳруҳ Мирзо йўл қўйган асосий хато эди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг сирдошлари битта бўлса, у Фиёсиддин Тархон, иккита бўлса, иккинчиси Ҳожи Сайфиддин эди. 1397 йилда Амир Темур ҳазратлари Фиёсиддин Тархонни Мўғулистонга, Хизр Ҳожахон ўрдасига совчи тариқасида юборади. Фиёсиддин тархоннинг обрў-эътибори мўғул юртларида ҳам жуда катта эди. Шу воситачилик орқали, Хизр Ҳожахоннинг қизи Тўкал Хоним Соҳибқирон никоҳига киритилади. Бу буюк ҳукмдор ҳаётидаги энг охирги уйланиш бўлган эди.

Фиёсиддин Тархон хонадони Шоҳруҳ Мирзо салтанатида ҳукумат ва сиёсат соҳасидаги биринчи мақомни эгаллаб, катта мавқега эга бўлган. Мен бу ўринда Гавҳаршод Бегимни кўзда тутиб, бу хулосани айтмаётирман. Фиёсиддин Тархоннинг ўғилларидан бири Алоиддин Али Тархон Шоҳруҳ Мирзо девонида амир бўлиб ишлаган. 1417 йилнинг 4 сентябрида у вафот этгандан кейин, амир ул-умаролик мансаби унинг укаси Ҳасан Сўфи Тархонга топширилади. Бу энди салтанатнинг ҳарбий кучлари унинг қўл остида эканлигини, Тархон авлодига ўта муҳим масъулият ишонилганлигини кўрсатади. Фиёсиддин Тархоннинг ўғилларидан бири, амир Сайди Аҳмад Тархон ҳам девон вазирларидан бири бўлган ва 1422 йил баҳорида оламдан ўтган. Кўрамызки, Фиёсиддин Тархон авлоди Амир Темур ва Шоҳруҳ Мирзо салтанатида давлатнинг асосий арбобларидан ҳисобланганлар. Фиёсиддин Тархоннинг қизи, Шоҳруҳ Мирзонинг хотини Гавҳаршод Бегим Улуғбек Мирзони дунёга келтирган малика сифатида тарихда ўчмас ном қолдирди. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари келин танлашда асло адашмаганлар. Насл-насабли, хизматда ўзини оқлаган, эл-

улус орасида обрусси ва ҳурмати бўлган хонадонлар қизлари ҳеч қачон панд бермаганлар. Бундан битта насаби паст, келиб чиққиши номаълум Шоди Мулк мустасно. Амир Темур ҳазратлари уни бежизга ёқтирмаган.

Шоҳруҳ Мирзонинг учинчи хотини Маликат Огодир. Манбаларда бу аёлнинг исми шарифаси Маликат, Мулкат тарзида кўп турланиб келади. Баъзи тарихий асарларда Маликат Оғонинг отаси ҳизр Ўғлон деб кўрсатилади. Уни Мўғулистон хони Хизр Ҳожа Ўғлондан фарқлаш керак. Хизр Ҳожа Ўғлоннинг қизи Тўкал Хонимга Амир Темур ҳазратларининг ўзи уйланган. Хизр Ўғлон эса, назаримда, Хоразм – Олтин Ўрдага дахлдор амирлардан бўлса керак. Хизр Ҳожа Ўғлон анча олдин вафот этган бўлса, Хизр Ўғлон 1410–1411 йилларда ҳам ҳаёт бўлган. Абдураззоқ Самарқандий 1411 йилда Хоразмни муҳосара қилиб турган амирлар ичида «уруг жиҳатидан энг улуғи Хизр Ўғлон бўлганлигини» уқтириб ўтади. Хоразм тўла тасарруфга олинган йилларда Соҳибқироннинг ўғли Умаршайх Мирзо ана шу Хизр Ўғлоннинг қизи Маликат Огога уйланган. Умаршайх Мирзо ва Маликат Оғонинг биринчи фарзандлари Искандар Мирзо бўлиб, у 1384 йилда туғилган. Бундан, Маликат Огога уйланиш 1382–1383 йилларга тўғри келишини тахминлаш мумкин. Маликат Ого Умаршайх Мирзога иккинчи ўғил – Бойқаро Мирзони 1393 йилда туҳфа этади. Бойқаро Мирзо отаси Умаршайх вафотидан бир йил олдин дунёга келган эди.

Маликат Ого Умаршайх Мирзо ҳалокатидан кейин, Соҳибқирон Амир Темурнинг хоҳиши билан Шоҳруҳ Мирзога никоҳланади. Бу хусусда Абдураззоқ Самарқандий, «Маликат (Маликат) Ого собиқан Мирзо Умаршайх ибн Амир Темурнинг никоҳида бўлиб, Мирзо Искандар ва Мирзо Бойқароларни Умаршайхдан туққан эди. Сўнг уни ҳазрат хоқони саъид (Шоҳруҳ Мирзо – П, Р.) янга хотин қилиб, ўз никоҳига олган ва Мир-

зо Суюрғатмиш ибн Шоҳруҳ шу Маликат Оғодан туғилган эди», деган маълумотни келтиради. Шоҳруҳ Мирзо билан Маликат Оғо ёшида катта тафовут бўлган, «янга хотин» эридан камида 8-10 ёш катта бўлган. 1405 йил воқеалари силсиласида Умаршайх Мирзонинг ўғилларидан бири Пир Муҳаммад Мирзо, Соҳибқирон вафот этган талотўпли кунларда Шоҳруҳ Мирзога тарафдор бўлишликни ёқлаб, бунинг сабабларини тубандагича изоҳлаган: «Ҳазрат Соҳибқирон ҳаётлик вақтида бизнинг волидамиз Маликат Оғони ҳазрат хоқони саъидга (Шоҳруҳ Мирзога – П.Р.) топшириб, бизни унга боғлаб қўйган. Демак, катта юрт унга тегишлидир ва уни оға ва улуг деб билиб, номини ёд қилмоқлик муносибдир». Пир Муҳаммад Мирзо Хонзода Бегимдан туғилган бўлишига қарамай, Маликат Оғони ўз онасидай қўради, унинг ҳурмати учун Шоҳруҳ Мирзони қўллаб-қувватлашга укаларини даъват этади. Бу оилавий тарбиянинг яхши самараларидан бўлибгина қолмай, Маликат Оғонинг оқила, ҳурматли маликалардан бўлганлигини кўрсатади. Маликат Оғо ўзидаги яхши сифатлар учун Соҳибқироннинг эътиборига тушган ва у кенжа ўғилга узатилган. Бундай келиннинг ўрни алоҳида белгили бўлган. Буни қуйидаги далилдан ҳам билиш мумкин бўлади. 1397 йилда Соҳибқирон Конигилда Тўкал Хоним тўйи учун тайёргарлик кўраётган чоғида, махсус чорланган Маликат Оғо Ҳиротдан Самарқандга етиб келади. Афғидан, Маликат Оғо тўй тараддуллари бошида турган бўлса керак. Муаррих келиннинг Ҳиротдан тўлиб-тошиб келганлигини, кўп тухфалар нисор қилганлигини айтади.

Маликат Оғо ва Шоҳруҳ Мирзо никоҳидан 1397 йилда Суюрғатмиш Мирзо туғилади. Амир Темур ҳазратлари вафот этганда шаҳзода 8 ёшга тўлган эди. Суюрғатмиш Мирзо 19 ёшидан бошлаб сиёсий воқеа-ҳодисаларга фаол аралаша бошлайди. Орадан икки йил ўтиб, ҳижрий 821 йилда (1418) Шоҳруҳ Мирзо

ўғлига Кобул, Ғазни, Ҳинд ва Синдни идора қилишни топширади. Суюрғатмиш Мирзо отаси давлатида саккиз йилга яқин ҳокимият ишларида бўлади. 1427 йилда тўсатдан касалланиб, вафот этади.

Шоҳруҳ Мирзо оилавий ҳаётда ўта тамкин, айшу ишратни хоҳламайдиган подшоҳ бўлган. Биз унинг ўн бир ёшида уйланган, ғурийлардан бўлган хотинининг исми шарифасини, кейинги тақдири нима кечганлигини билмаймиз. Агар у аёлнинг ҳаёт йўли Шоҳруҳ Мирзо билан бир неча йил давом этганда ҳам тарихларда бу ҳақда битилган бўлар эди. Шоҳруҳ Мирзо Гавҳаршод Бегим ва Маликат Оғолар билан умргузаронлик қилган. Гавҳаршод Бегим тўғрисида ўз ўрнида муфассал гапирилади. Маликат Оғо Шоҳруҳ Мирзо билан 45 йил умр кечирган. Улуғ малика ўз умрида дин ва хайр-эҳсон ишларига катта аҳамият қаратган, масжидлар, мадрасалар барпо эттирган. Нима сабабдандир, умрининг охириги йилларида Ҳиротда, Шоҳруҳ Мирзо ёнида эмас, Кобулда яшаб турган. Фикримча, Суюрғатмиш Мирзонинг ўғли Қорачар Мирзо улғайгандан кейин, ҳижрий 843 (1440) йилда Шоҳруҳ Мирзо уни Кобулга ҳоким қилиб тайинлайди. Маликат Оғо Кобулга набираси билан бирга келган ва шу ерда, 1440 йилнинг 26 ноябрида бандаликни бажо келтирган. Маликат Оғонинг хоки Балх шаҳрига олиб келинади ва ўзи томонидан қурдирилган мадраса ёнига дафн этилади. Маликат Оғо улуғ ёш ёшаган эди, унинг умрини 75 нари-берисида деб тахмин қилса бўлади.

ЎТЛАР ОРАСИДАН ЙЎЛ ТОПИВ

Муаррих Абдураззоқ Самарқандий Шоҳруҳ Мирзонинг тахтга чиқиш санасини 1405 йилнинг (ҳижрий 807 йил) рамазон ойида, 3 март кунини, деб кўрсатади. *«Шарофатли даргоҳ тупроғи, – деб ёзади муаррих, – Эрону Турон улугларининг бўйса жойи бўлди,*

Ҳумоюн боргоҳ палоси Ироқу Хуросон ҳокимларининг саждагоҳига айланди. Ҳазрат Соҳибқирон замонидаги дастур бўйича Сеистон ва Мозандаронга қадар ёстанган Хуросон ерлари Омуя сувигача саодатли наввобнинг қудрат қўлида қарор топди ва хутба ва пул зарби Ҳумоюн ном ва лақаблар билан зеб-зийнат касб этди».

Шоҳруҳ Мирзо Ҳиротда мустақил давлатга асос солиб, унинг тахтига ўтирганидан кўп ўтмай, Самарқандда ҳам ўз тоғу тахтига эга бўлган яна бир салтанат қарор топади – Халил Султон ўзини подшоҳ деб эълон қилади. Буюк салтанат шу тариқа, икки асосий сарҳадга, бир-бирига бўйсунмайдиган, бир-бирини тан олмайдиган икки давлатга ажралади. Шоҳруҳ Мирзо бунга йўл қўймаслик учун амир Мизроб, амир Ҳасан Сўфи тархон, амир Алико кўкалдош ва амир Ҳожа Ростийларни Хуросон ерларини бошқариб туришга қўйиб, Ҳиротдан Мовароуннаҳр томон йўл олади. Қўшин Мовароуннаҳрға йўл олганидан кейин, эҳтиёткор Шоҳруҳ Мирзо Ҳиротни – ўз пойтахтини мустақамлаш керак, деган фикрга келади. Муаррихнинг қавлича, Ҳирот вақтида Амир Темур ҳазратлари томонидан фатҳ этилиш пайтида шикаст топганича ётган, дарвозалари қўпорилган, деворлари нураган, шаҳар ичларида харобаликлар барҳам топмаган ҳолда эди. Шаҳарни тиклаш ва обод қилиш иши амир Жалолиддин Ферузшоҳға топширилади.

Шу орада амманинг ўғли, Соҳибқирон вафотидан кейин Самарқандга биринчи бўлиб кўз олайтирган, Мовароуннаҳрда қўллаб-қувватланмаган Султон Ҳусайн Шоҳруҳ Мирзодан паноҳ истаб келади. Шоҳруҳ Мирзо Халил Султон устига боришдан аввал Отасининг собиқ пойтахтидаги аҳвол ва вазиятни атрофлича ўрганади. Халил Султонга мактуб битади, бирликда, бамаслаҳат иш қилишга чорлайди. Ўртада мурося қарор топади. Шоҳруҳ Мирзо Хитой юришидан

буён кўрмаган ўғиллари Улуғбек ва Иброҳим Султон мирзоларни Ҳиротга олиб келиш талаби билан амир Шоҳ Маликни Бухорога жўнатади.

Шайх Нуриддиннинг орага тушиши сабаб, бир муддат келишув амалга ошади. Жайхундан бу тарафдаги мулклар Халил Султонга қарайдиган бўлади, у ўз навбатида, Улуғбек ва Иброҳим Султон мирзоларнинг Самарқандда қолган хазиналарини тўлиқ жўнатишни бўйинга олади.

Соҳибқирон вафотидан кейин айрим вилоятларда ўз бошига ҳукм суриш истагида ёнган ҳокимлар жонланиб, бош кўтаришга тушадилар. Сабзаворда Ҳожа Али, муаррих айтганидек, *«Соҳибқиронга нисбатан ўз гарданидаги туз ҳақини унутиб, бир ҳовуч паст кишилар билан зўравонлик қўлини вилоят атрофига чўзганлиги ва Темурийларнинг ворислик мамлакатини ўз мулки деб ҳисоблаётгани»* аён бўлади. Хурсонда юз бераётган бу хилдаги «майда» алангаларни ўчириш Шоҳруҳ Мирзонинг ҳарбий кучини бўлиб қўйишга сабаб бўлмай қолмасди. Исён жуда машаққат билан бир ёқли қилинади.

Шоҳруҳ Мирзо Ҳиротда мустаҳкамланиш чораларини кўраётган, айна вақтда Халил Султон билан муро са қилишга эҳтиёж сезаётган бир пайтда акаси Амироншоҳ Мирзо ва унинг ўғиллари Абу Бакр ва Умар мирзолар ғарб саридан хавф туғдириш йўлига кирадилар. Бу хавфнинг қандай бартараф этилганлигини олдинги саҳифаларда баён этилди ва уларга қайта тўхталишга ҳожат йўқ. Айтганимдек, 1405 йил алғовдалғовларида Умаршайх Мирзонинг ўғиллари – Пир Муҳаммад Мирзо Шерозда, Рустам Мирзо Исфахонда, Искандар Мирзо эса Ҳамадонда ҳукмронлик қилиб турардилар. Бобоси вафотидан кейин улар кенгашиб, Умар Мирзогами ёки Шоҳруҳ Мирзогами бўйсуниш муаммосини муҳокама қиладилар. Пир Муҳаммад Мирзо, оналари Маликат Оғонинг Шоҳруҳ Мирзога Соҳибқирон томонидан олиб берилгани боис, унинг

ҳурматига Шоҳруҳ Мирзони ёқлашларини маслаҳат кўради. Бу ҳақда Шоҳруҳ Мирзога нома ёзиб, мақсадларини билдирадилар. Шоҳруҳ Мирзо ҳам, ўз навбатида, уларга жавоб йўллаб «бу дунёда фарзанддан кўра ким азизроқ бўлиши мумкин? Худога шукрки, у тарафнинг муҳим ишларидан хотиримиз буткул жам бўлди», деган муннатдорчиликни билдиради. «У тарафдан хотирнинг жам бўлиши» – Умаршайх Мирзо ўғилларининг тожу тахт даъвогарлиги борасида келишувга эришиди, улар Шоҳруҳни кўллаб-қувватлайдилар, деган гап эди. Кермон мулкларида амир Идику Барлос ҳам Шоҳруҳ Мирзо ҳокимиятини тан олишни маълум қилиб, элчилар юборади.

Соҳибқирон Амир Темурнинг марҳум фарзанди Жаҳонгир Мирзонинг валмаҳд мақомида бўлган фарзанди вафот этиб кетган, кичик ўғли Пир Муҳаммад Балх, Тўхористон, Қийлоқ, Қандаҳор, Кобул ва Ғазнин, Синд соҳили ва Ҳиндистоннинг подшоҳи эди. У, бобоси ўлими хабарини эшитиб, Балхга қараб юзланади. Кўрамизки, Темурийзодалар тарафларга бўлинаётган, ким-кимни ёқлаши масаласи тезкор ҳал бўлаётганди. Амир Мусо ва Амир Темурнинг набираси Султон Ҳусайн бу пайтда аросатда қолган, бир қарасанг Самарқандда, Халил Султон тахти пойида, бир қарасанг, Хиротга, Шоҳруҳ Мирзо остонасида пайдо бўлиб, ҳокимият талашларида ўзига йўл тополмай, гангиб қолган эди, талончиликка, сотқинчиликка муккадан кетганди. Оқибат, амирлар талаби билан Шоҳруҳ Мирзо фармонида кўра, қатл этилади. Бу ўша мураккаб ва қалтис бир вазиятда Шоҳруҳ Мирзо қабул қилган қатъиятли қарор бўлган, Султон Ҳусайн мисол чет-четдан пайт пойлаб, тахтга човут соламан деб юрган шаҳзодаларга, талабгорларга бу қаттиқ сабоқ бўлган эди. Шулардан бири амир Сулаймоншоҳбек эди. Соҳибқироннинг опасининг ўғли, қизи Султон Бахт Бегимнинг эри бўлган Сулаймоншоҳбек жуда кучли, обрўли амирлардан бири эди. Сулаймоншоҳбек бир муддат

Султон Ҳусайнга қўшилган, ундан нималарнидир, салбий маънода, қабул қилган эди. У Шоҳруҳ Мирзо олдига амир Шоҳ Малик ва Нўширвон барлосдан воз кечишни талабини қўяди. Бу амирларнинг Шоҳруҳ Мирзонинг лопиллаб турган ҳокимиятида ўрни ва хизмати алоҳида эди. Шу сабабли ҳам, Шоҳруҳ Мирзо Сулаймоншоҳбекка, «...машҳур маракалар ва йиғилишларда сенинг тарафингдан мақтовли хизматлар зоҳир бўлган, шу туфайли бу забт этувчи давлат гарданида сенинг ҳуқуқинг собит эканлиги шарҳу баёнга муҳтож эмас. Ҳар хил ҳунарларни такомилга етказиш, тийрак ақлнинг баркамоллиги, ўринли фазилатларга эғалик, садоқат қоидаларига содиқлик, эътиқодлилиқ, яхши хуақлилиқ, гўзал нутқлилиқ, покдомонлиқ, серфазилатлилиқ, серфаҳмлиқ, соф нафслилиқ ва олижаноб қадр-қийматлилиқда замона амирларидан мумтоз ва ягона бўлгансан. Ҳазрат Соҳибқирон сени ўз фарзанди ва биродари қаторида ҳисоблаган, оғир кунда эътиборли кишилар қаторида туриб, мушкул иш тушганида обдор шамшир бўлгансан. Бизнинг ҳам сенга нисбатан эътиқод ва эътимодимиз мақбул ва марғуб тарзда ошиб ва чуқурлашиб бормоқда. Сен энди ҳеч андишага борма, биз тарафга юзлангин. Агар бирор кишидан шикоятнинг бўлса, ўз иштирокида чуқур текширилади», деган мактубни юборади.

Сулаймоншоҳбек бу гапларга унамайди, Калот қалъасига бориб, ёнига бир тудга исёнкорларни тўплайди. Шоҳруҳ Мирзо душманлик йўлига кирган Сулаймоншоҳбекни орадан кўтариш учун Саййид Ҳожани Калот қалъасига жўнатади. Бу воқеа ниҳоясига етиб – етмай, Фароҳ вилоятидан Шоҳ Али ва Шоҳ Фиёсиддинларнинг исён кўтарганлиги хабари олинади. Исён Ҳасан Жондор томонидан бостирилади ва ака-ука фитнагарлар қатл этилади.

Балхга келган валиаҳд Пир Муҳаммад Мирзо Соҳибқирон васиятини бузган ота бошқа, она бир укаси Халил Султонга қарши Шоҳруҳ билан жипслиқда ку-

рашиш ҳаракатида бўлади. Амир Шоҳ Малик қувватловида Насаф шаҳри атрофида бўлган жангда Пир Муҳаммад Мирзо мағлуб бўлади. Бу мағлубият Шоҳруҳ ҳокимиятига жуда катта дарз солган эди. Шу сабабли у Халил Султон устига ўзи отланишга мажбур бўлади.

Шоҳруҳ Мирзо атрофидаги амирлар орасида низо ғазаклаши яхшилик нишонаси бўлмайди. Саййид Ҳожанинг амир ул-умаролик масабига қўйилиши амир Шоҳ Маликда норозилик уйғотади ва у лашкардан кетади. Муаррихнинг айтишига кўра, «Саййид Ҳожа ўзини бойиб кетган кўрди» ва тўғри йўлдан четга оғади. У 1406 йилнинг майида бир тўда одами алдаб, ўзи билан олиб, Шоҳруҳ Мирзодан юз ўтириб кетади. Шоҳруҳ Мирзо улар ортидан бориб, шахсан ўзи Саййид Ҳожа тўдасига от қўйиб, сафни ёриб кириб боради. Саййид Ҳожа авф этилади. Шундай лаҳзаларда мен Шоҳруҳ Мирзо табиатида отаси феъли аломатларини таниб ола бошлайман. Лашкарнинг бир қисмини бўлиб олиб, душманлик йўлига кирган Саййид Ҳожани авф этиш бунинг одатдаги бир мисоли. Шоҳруҳ Мирзо ортга қайтгач, Саййид Ҳожа, иккиланиб турган эмасми, дарҳол сўздан қайтиб, душманлик отининг узангисига оёқ қўяди. Шундай қалтис бир пайтда, Шоҳруҳ Мирзо бир неча ўт орасида қолганди. Бу ёқдан Халил Султон лафзни бузади, сўзида турмай, душманлик изҳор қилади. Ғур чегарасида Мавдуд Гармсериё исён кўтаради, бу тарафда эса, Саййид Ҳожа... Шоҳруҳ Мирзо охиригача иноят кўрсатишга, Саййид Ҳожани қайтаришга ҳаракат қилади. Унинг олдига одам юбориб, «Сен ўзинг кимсан-у яна ким бўлгинг келяпти. Менинг ҳузуримдагидан яхшироқ мавқени қаердан топасан. Нимаики бўлиб ўтган бўлса, биз сенинг гуноҳингни авф қилдик ва ўша амал ва ўрнингда қолдирдик», дейди. Шу орада хос кишилардан бири амир Юсуф Жалил бир мактубни қўлга туширади. Мактубни амир Саййид Ҳожа ўз акасининг навқари Юсуф-

хожа қўли билан ёздирган бўлади. Хатда Искандар Мирзога (Умаршайх Мирзонинг ўғли, 22 ёшда), «Хуросонни сизлар учун халос қилиб бераман», деб ёзилган бўлади. Бу сотқинликнинг сабабларини тушуниш қийин.

1406 йилнинг 12 июнида (умуман, май-июнь ойларида) тор ҳалқада ўзига яраша «муҳит» яратмоқчи бўлган Саййид Ҳожа, Шоҳруҳ Мирзо айтганидек, ким эди ўзи? Соҳибқирон Амир Темур Ироқ, Миср, Румга қилинган етти йиллик юришида Шайх Али Баҳодурнинг ўғли Саййид Ҳожа ҳам қатнашган эди. Бағдоддан 75 чақирим жанубда бўлган Карбало даштида Соҳибқироннинг 45 навқари Султон Аҳмаднинг 2 минг кишилиқ қўшини билан тўқнаш келади. Бу воқеа 1393 йилнинг 31 августига тўғри келади. Тўқнашув беомон қаттиқ кечади, уч марта жанг янгиланади. Шу курашда Соҳибқироннинг қариндоши Сотқин Оғонинг эри Усмон Аббос, айниқса, ўзини кўрсатади, қўлидан оғир қилич жароҳатини олади. Унинг даволаниши Амир Темур ҳазратларининг ўз назоратида бўлади, бу ҳақда олдинда айтилди. Саййид Ҳожа ва қолган 43 навқар ҳам баҳодирларча қиличбозлик қиладилар, ғолиб бўладилар. Бу воқеа ўша пайтда овоза бўлиб кетган ва Саййид Ҳожа ҳам танилиб қолган эди. Тикрит қалъасини олишда у Шоҳруҳ Мирзо билан ёнма-ён туриб курашади. Тунда қалъа минораси остидан чоҳ қазишда Саййид Ҳожа абжирлик кўрсатади. Унинг томонидан минор қулатилади ва қалъага йўл очилади. Бу жасорат Саййид Ҳожа обрўсини янада ошириб юборади. 1397 йилда, Соҳибқирон Шоҳруҳ Мирзога Хуросонни бағишлаганда Сулаймоншоҳбек ва бошқа улуг амирлар қаторида Саййид Ҳожани ҳам унинг беклари сафига қўшиб, Ҳиротга жўнатган эди. Амир Шоҳ Малик Ўтрордан келиб, Самарқандда ёш шаҳзодалар Улугбек ва Иброҳим Султон мирзолар билан қабул қилинмагандан кейин Бухорода турган эди. У, Шоҳруҳ Мирзо томонидан Халил Султонга қарши кўнда-

ланг қўйилган эди. Шоҳ Малик билан Саййид Ҳожанинг ихтилофи, фикримча, мавқе таллашишда бўлса керак. Саййид Ҳожанинг амир ул-умаро мансабига қўйилиши Шоҳ Маликка маъқул келмаган. Афтидан, Шоҳ Малик уни яхши билган ва унинг тобелиги остида бўлишни хоҳламаган. Шоҳруҳ Мирзо ҳам қўнғилчанликда отасига тортган бўлган, одамларга ҳаддан ташқари ишонган, бу ишончини охирига қадар ушлаган.

Саййид Ҳожа изидан қўшин тортган Шоҳруҳ Мирзо, унга яна бир бор «лутф соясини» ташлайди, «қўйган талабларингни қабул қиламан», дейди. Муаррих ўринли киноя қилганидек, «яхши қулоқ бўлмагач, яхши сўздан не фойда?» – Саййид Ҳожага ваъда, панд-насиҳатлар кор қилмайди. Шоҳруҳ Мирзонинг кучли лашкар билан таъқиб қилиб келаётгани боис у Мозандаронга, Пирак подшоҳ олдига қочади. Бу орада амир Шоҳ Малик ҳам Шоҳруҳ Мирзога келиб қўшилади. Шоҳруҳ Мирзо Мозандаронга, Пирак подшоҳга қўйидаги мазмунда нома юборади: «Саййид Ҳожани қўлик мартабаси пастигидан сарварлик ва амирлик осмонни чўққисига етказган эдик, ҳукуматни мустақил идора қилишнинг бузуқ савдоси унинг димоғини истило қилди. шу даражага етдики, бу дард иложни қабул қилиш даражасидан ўтиб кетди ва ўжарликнинг эътирозчилик моддалари унинг миждози билан қўшилиб, насиҳат ва ваъдаларнинг мувофиқ шарбатлари унга фойда бермай қўйди. У шаҳарларни вайрон қилиш ва ҳудожўй кишиларга азоб беришга қўл югуртирди. Сўнг, биз унга қарши йўл олганимиздан огоҳ бўлгач, эшитдикки, у энди сиз тарафга йўл олган эмиш. Умид шуки, Пирак подшоҳ итоат ҳалқасидан бош тортиб, хизмат доирасидан ташқари оёқ қўйган у бузуқи тўдани ўз мамлакати яқинига келтирмасин. Яна Пирак подшоҳ аниқ билсинки, Оллоҳдонинг инояти ва осмоний кўмак туфайли биз дўстларга эътибор бериш қудрати-ю, душманларни жазолаш қувватига эгамиз».

Шоҳруҳ Мирзонинг бу мурасасозлик, муаммони мулоқот ва ўзаро келишув йўли билан ҳал этиш ҳаракатидан Амир Темур ҳазратларининг амалий сиёсий дастхати яққол билиниб туради. Пирак подшоҳ ҳам ўзига ишонган кишилардан бўлиб, мулоқотни менсимайди. Саййид Ҳожа тарафини олиб, уруш асбобини тузади. 1406 йилнинг сентябр ойи охирларида Астро-боднинг Сиёҳбулов мавзеида жанг бошланади. Шоҳруҳ Мирзо ғолиб бўлади, Пирак подшоҳ Хоразм томонга қочади, Саййид Ҳожа эса Шероздан паноҳ топишдан бошқа чора тополмайди. Унинг кўпгина одамлари Шоҳруҳ Мирзо лашкарига келиб қўшилади. Ҳатто, унинг жияни Саййид Ҳисом ҳам Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига тиз букиб, авф сўрайди.

Саййид Ҳожа фитнаси туфайли Мозандарон қайта бошдан фатҳ этилади ва бу пайтда Шоҳруҳ Мирзодан мадад истаб келган Амироншоҳ Мирзонинг ўғли Умар Мирзо ихтиёрига топширилади. Гургон, Деҳистон, Астро-бод ва Димғон вилоятларининг барчаси унинг бошқаруви остида бўлади.

1406 йилнинг кузида Хуросонда қурғоқчилик туфайли ғалла ва озиқ-овқат маҳсулотлари манбалари деярли қолмайди. Ҳирот шаҳрида ҳам, муаррихнинг шаҳодатига кўра, *«Шундай қаҳатчилик юз бердики, бирон тарихда бунга ўхшаш идан нишон келтирилган эмас; чунончи, шаръий ўлчовда икки юз эллик мисқол оғирлигига баробар бўлган бир ман бугдойнинг баҳоси икки мисқол зарб қилинган аъло сифат кумушга тўғри келадиган уч кепакий динорга етди. Ҳазрат хоқони саид (Шоҳруҳ Мирзо-П.Р.) буйруқ берди ва омборларни очиб, кишиларга бир ман ғаллани бир кепакий динордан сотдилар»*. Манбалардан маълум бўлишича, қаҳатчилик кезларида Шоҳруҳ Мирзо фармони билан 30 минг харвор ғалла подшоҳликка тегишли бўлган омборлардан халққа етказиб берилган. Бу ғалланинг нархи бозордагидан 2 баробар кам даражада бўлган.

Соҳибқирон Амир Темур вафот этганидан кейин ўтган икки йил, айниқса, Шоҳруҳ Мирзо учун жуда ташвишли ва огир кечади. Айниқса, 1407 йилнинг 22 февралда валиаҳд Пир Муҳаммад Мирзонинг Пир Али Тоз томонидан ўлдирилиши Шоҳруҳ Мирзонинг бир иттифоқчисидан ва жон жигаридан айрилиб қолишига сабаб бўлади. Шоҳруҳ Мирзо ғам-андухда Пир Али Тоз устига юриш қилаётган чоғида амакизода Умар Мирзо «тўйдирганнинг қорнига», деб Хуросонга юриш бошлагани хабари олинади. Фурда ҳам, Сеистонда ҳам бўйсунмаслик исёнлари аланганланади. Ҳирот лашкари хонадоннинг чирогини ўчирмоқчи бўлган ёғий Пир Али Тоз қолди. Шоҳруҳ Мирзонинг ўзи мулк берган қардошига қарши боришга мажбур бўлади. 1407 йилнинг 17 апрелида Умар Мирзо шармисорларча енгилиб, қочиб қолади. Шоҳруҳ Мирзо бу ғалабадан кейин, яхшиликни билмаган Умар Мирзо ўрнига угли Улуғбек Мирзони Мозандарон ҳукмдорлигига тайин қилади. Умар Мирзо ўзини таъқиб этаётган амир Мизроб навкарлари томонидан ярадор қилиниб, оёқ-қўли кишинланган ҳолда Амрудак манзилида турган Шоҳруҳ Мирзо олдига келтирилади. Муаррих айтади, *«ҳазрат хоқони саид (Шоҳруҳ Мирзо – П.Р.) унга марҳамат назари билан қараб подшоҳона тиктиравон июнат қилди ва ёнига табиб ва жарроҳ қўшиб, доруссалтана Ҳиротга жўнатди, аммо шаҳзода (Умар Мирзо) Тўқузработда минг ҳасратлар билан ширин жонини топширди»*. У бу вақтда 24 ёшга тўлган навқирон йиғит эди. Спёсатда ҳам бир марта адашилади. Бу адашув фақат жонни топшириш билан хотималанади. Агар эътибор қилинаётган бўлса, шундай қалтис вазиятларда ҳам Шоҳруҳ Мирзо вазминлик билан иш куради, тўласинча Соҳибқирон йўлини давом эттиради. Бағрикенглик, кечиримлик, мурувват у билган, амал қилган асосий фазилатлар бўлади. Муаммо боши берк йўлга кириб, охириги чора ҳам иш бермагач, соҳибқирон янглиғ, отга минади, қўшинни ҳужумга бошлайди.

Хаёлга толасан, киши. Умар Мирзо бош эгиб келганда, унга мурувват кўрсатилиб, мулклар ихтиёри берилади. Нега? Талотўп даврда, эҳтимол, бундан ортиқ ечим бўлмагандир, ишончли одамлар, бошқариш қобилиятига эга бўлган кишилар топилмагандир. Муҳими, Мозандарондек аввал бошдан итоати суст бўлган ўлкада Амироншоҳ Мирзо ва унинг ўғилларининг ҳукмронлик тажрибаси етарли эди. Шу мулкларни тинчитиб, эгалик қилиб туриш муҳимларнинг муҳими эди. Чамамда, Шоҳруҳ Мирзо шу ақидадан келиб чиқиб, Умар Мирзони танлаган. Лекин қандай вазиятда бўлмасин, ўз отаси ва туғишган акасига иккилик қилган Умар Мирзога ишониш, барибир, чакки бўлган эди. Чунки, бу ҳақда таниқли кишилар Шоҳруҳ Мирзони огоҳлантирган эдилар. Охиргача ишониш Шоҳруҳ Мирзога отасидан юққан эди. Олдинги воқеалар силсиласида кўрдикки, бу одати сабаб, Соҳибқироннинг ўзи ҳам қанчалар панд еган. Шоҳруҳ Мирзо, ҳарҳолда, хатодан тез сабоқ чиқара олган – Мозандарондек овриқ нуқтага ўғли Улуғбек Мирзони юборган. Ўша пайтда Мозандарон қайноқ бир минтақа бўлиб қолганди. Улуғбек Мирзо ҳокимиятни бошлагач, эски ёғийлар – Пирак подшоҳ (Пир подшоҳ) Жоний Қурбоний ва Тўкалий кишиларини тўплаб, Мозандарон тахти умидида бостириб келди. Шоҳруҳ Мирзо 1407 йил 20 октябрда Мозандаронга қўшин тортади. Шу йили Шоҳруҳ Мирзо Мозандаронда қишлаб қолади.

Ўша давр одамларининг феъл-атвори мени бениҳоя даражада қизиқтириб ва ўйлантириб қўйган муаммолардан бўлди. Нега дейсизми? Шоҳруҳ Мирзо Саййид Ҳожага амир ул-умароликни берди, у бундан бойлик орттирди, талтайиб кетди, охири ўз раҳнамосига қарши қилич кўтарди. У дафъ этилгандан сўнг, ўрнига амир Жаҳонмулк тайинланди. Салтанатда Шоҳруҳ Мирзодан кейинги иккинчи мақомда бўлган бу шахс ҳам тез орада бойиб, Саййид Ҳожа қилиғини такрор-

лайди. Муаррих шу ҳақда мушоҳада юритар экан, «Унинг амр қилиш ва ман этишлари аҳволни қовуштиришу ажратишда, мал-мулкни орттиришу асослашда барчани бўйсундирадиган ва шак-шубҳа тудирмайдиган даражага етгач, давлат қувватининг шароби ва ҳукумат қудратининг кайфидан унинг димоғи ишииб, итоат бўйинбогидан бош тортади. Бунинг сабаби қисман шундай Онҳазрат (Шохруҳ Мирзо – П.Р.) Мозандарондан бир лашкарни Сеистон тарафига ўтказишга тайин қилган вақтда, лашкарларни тўплашга бўйруқ берган эди. Давлат мулклари соҳиб девони бўлган Ҳожа Фиёсиддин ясама бир модда-ю сохта бир рўйхатни кўрсатди. Унда амирлар ва давлат арбоблари номига қайта-қайта жамлаш билан ҳар бир тухум ўрнига бир товуқ, ҳар бир ман гўшт ўрнига бир қўй, ҳар бир ман арпа ўрнига ўн ман арпа ва ҳар бир тўрва сомон ўрнига бир харвор сомонни ҳисобот нусхасига ёзган эди. Ўша йили бир хил нарсалар жуда қиммат эди. Ҳожа Фиёсиддин бу уйдирмаларни ўз дафтариде акс эттирди, туркларнинг тилларининг бирини тўрт қилиб ҳисобга киритди ва, натижада, ҳаммани ўзидан ранжитди, балки уларни лашкар бошлиқлари алдида гуноҳкор қилди. Шундай қилиб, бу ҳисобот шунга олиб келдики, борди-ю рўйхат Ҳумоюн арзга (Шохруҳ Мирзога) етказилса ва у ҳазрат тўлашга ҳавола қилса-да, мал бўлмайд қолса, илтифотсизликка учрайдиган бўлди. Бир тўда нодонлар исён кўтаришга иттифоқ туздилар ва зулқаъданинг охирида (27 апрел, 1408) амир Жаҳонмулк ўз кеш-ақроблари билан, амир Ҳасан ўз ўғли Юсуф Жалил билан, Саодат ибн Темуртош биродари билан ҳамда Баҳлул ибн Бобойтемур, Султон Боязид Усмон ва намадаклар ҳазрат хоқони саидга (Шохруҳ Мирзога) суиқасд қилишга ўзаро аҳд қилдилар...»

Шохруҳ Мирзо ҳокимиятига фақатгина қуроли ҳужумлар, таҳдидлар бўлиб қолмай, шу тариқа, иқтисодий ғоратлар орқали зарба бериш ҳам юз беради.

Бахтга, фитнанинг бир учи сезилиб қолади ва Шоҳруҳ Мирзо суиқасдни бартараф этиш учун амир Мизробни чорлайди. Фитна фош бўлишидан кўрққан тўда Сеистон томонга қочмоқчи бўлиб, йўлга тушади. Шоҳруҳ Мирзо, амир Мизроб улар ортидан тушадилар. Қаттиқ жанг бўлади, амир Мизроб юзидан жароҳат олади. Суиқасдчилар тугилади ва жазоланади.

Хонадоннинг ашаддий қотили Пир Али Тоз ҳамон даврини сурмоқда эди. У, ўзини беклик даражасига кўтарган валиаҳд Пир Муҳаммад Мирзони ўлдирган, Соҳибқирон авлодига суякка етадиган чуқур заҳм солган эди. Пир Али Тоз яна Бадахшондан мадад олиб, Балхга талаб солиб келган эди. Шоҳруҳ Мирзо уни биринчи ҳамладаёқ мағлуб этади. Бадахшонлик навкарлар жуфтакни ростлаб, қочиб кетадилар. Пир Али Тознинг Ҳазора қавмидан бўлган сардорлари вазият ўзгара бошлаганини сезиб, маслаҳат қиладилар ва, «бу фасод хамиртуруши токи бизнинг орамизда экан, фитначилик камаймайди», деб гапни бир қиладиларда, Пир Али Тознинг бошини кесиб, ичига сомон тикиб, Ҳиротга юборадилар. Хонадон қотилининг машъум тақдири шундай яқун топади. Уни Шоҳруҳ Мирзо қиличи эмас, тинчликни, тотувликни истаётган кишилар интиқоми шу кўйга солади.

Соҳибқирон душманларининг айримлари ҳали тирик эди. Улар Темурийзодаларнинг ўзаро ҳокимият талашаётганидан фойдаланмаслиги мумкин эмасди. Ёмон хавфлардан бири шу эди. Амир Темур ҳазратларининг Қаро Юсуф туркманга қарши, унинг йўлтўсарлигига, талончилигига барҳам бериш мақсадида кураш олиб борганлиги яхши маълум. Араб мамлакатларида қочиб жон сақлаган Қаро Юсуф имкониятни қўлдан бермай, Султониятни ғорат қилади, аҳолини тум-тарақай қилиб, Табриз, Мароға ва Ардабилга кўчиради. Бир вақтлар Соҳибқирон қаҳрига учраган, қочиб кун кўрган Султон Муътасим ҳам қайтиб келиб, Қаро Юсуф билан бирлашди. Амир Темур

зарбидан қочиб қутулган қаланғи-қасанғилар ҳаммаси Қаро Юсуф олдида жам бўладилар ва уларнинг сони 20 мингга етади. Абу Бакр Мирзо уларга қарши жанглар қилса-да, кучи камлиги сабаб, мағлубият аламини тортади. Шу жангларнингда бири отаси Амироншоҳ Мирзо ўлдирилади. Пир Муҳаммад Мирзодан кейин бу Темурийлар хонадони учун энг оғир йўқотиш бўлган эди. Ажам Ироқи, шу тариқа, қўлдан чиқарилади. Қаро Юсуф бу мулкни амир Бистомга топширади. Қаро Юсуф катта луқмани қўлга киритган, тобора кучайиб бораётган эди.

Бир вақтлар қўлга тушмай қутулган, аммо ўғли асир олиниб Самарқандга олиб кетилган Бағдод ҳукмдори Султон Аҳмад ҳам жонланиб қолган эди. 1408 йил охирларида унинг ўғли Алоуддавла Самарқандда ҳибсдан озод бўлиб, Бағдодга етиб келади. Хуллас, Хуросон ва Эрон мулкларида вазият кундан-кунга мураккаблашиб бораётган эди. Ўлганнинг устига тепган қилиб, Абу Бакр Мирзо ҳам сўнгги имкониятларни ишга солишга, ўз насибасини олишга зўр беради. Буларнинг ҳаммаси Шоҳруҳ Мирзонинг жавоб қайтаришини, хазинани қоқлаб бўлса-да, ҳокимиятни сақлаб қолиш учун тинимсиз ҳаракат устида бўлишини тақозо этади. Абу Бакр Мирзо ҳам жангда ўлдирилади. Султон Ҳусайн, Амироншоҳ Мирзо, Умар Мирзо, Пир Муҳаммад Мирзо, Абу Бакр Мирзо – булар Соҳибқирон давлатининг мустаҳкам устунларидан эди. Соҳибқирон вафотидан кейин ўтган икки-уч йилда бу қадар катта йўқотишлар бўлиши сулоланинг метин қўрғонида ўпирилишлар бўлаётганидан, энди улар ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмаслигидан аниқ далиллар эди. Шундай бўладики, бу йилларда тўйлар ҳам кўнгилга сифмай қолади. Эҳтимол, тўйларга ҳам фурсат ва шароит бўлмайди. Бу жиҳатдан Абдураззоқ Самарқандий «Матла»сида эътиборга молик бир воқеа мавжуд. 1408 йилнинг 21 сентябрида Шоҳруҳ Мирзо ўғилларига суннат тўйи беради. Муаррихнинг ёзиши-

ча, Шоҳруҳ Мирзо ўғилларидан Бойсунғур Мирзо ва Муҳаммад Жўгий Мирзоларни хатна қилдиради. Бўлажабки, Бойсунғур Мирзонинг ёши бу пайтда ун бирда, Муҳаммад Жўгий Мирзо эса олтида эди. Муаррих шу ўринда янглишмаганмикни? Одатда, суннат тўйлари 3-6 ёшларда (жуда кечикса) амалга оширилади. Чамамда, бу тўй Шоҳруҳ Мирзонинг Муҳаммад Жўгий, Жон Ўғлон, Муҳаммад Ярдий (ҳар иккаласи ҳам 5 ёшлик болалар) исми ўғилларига қилинган бўлиши мумкин. Биламизки, Темурийзодалар 9-11 ёшларида уйлантирилган. Бойсунғур Мирзо исми шарифи бу мундарижага чалкаш кириб қолган. Муҳаммад Жўгий Мирзонинг 6 ёшида хатна қилдирилиши замон воқеаларининг осойишда эмаслиги билан боғлиқ десак, жоиз бўлади. Шоҳруҳ Мирзо ўғилларининг хатна тўйини ўтказганидан 9-10 кун ўтиб, итоатдан чиққан Сеистонга лашкар тортади. Бу юриш қарийб 4 ой давом этади. Шоҳруҳ Мирзо 1409 йилнинг 17 январида Ҳиротга қайтади. Шу пайтда Хитойдан Ҳиротга элчилар келади. Хитой подшоҳи орадан шунча йил ўтиб, Соҳибқирон Амир Темур вафоти туфайли таъзия билдириш учун элчиларни совға-саломлар билан жўнатган эди. Элчилар подшоҳлари сўзларини ҳам арзга етказадилар. Шоҳруҳ Мирзо уларга марҳаматлар кўрсатади ва қайтиб кетишларига ижозат беради. Менга, шахсан, бу элчиларнинг келиши совуққонлик руҳида бўлгандай туюлади. Муаррих, кутиб олиш ва қузатишнинг ими-жимиди бўлганлигини айтмаса-да, шу ҳолни сезиш қийин эмас. Ҳарҳолда, Хитой элчилари бемаврид келгандек, уларга ҳеч кимнинг кўзи учиб турмагандек тасаввур ҳосил бўлади. Муаррих ҳам бу воқеани мисол учунгина келтириб ўтган. Хитой томони Соҳибқироннинг юриш бошлаганини, унинг амалга ошмай қолиш воқеаларини жуда яхши билган. Орада уч йил ўтиб, таъзия билдириш тағида нима турар эди? Бу хатти-ҳаракатлар, элчилар бориши ва келиши Шоҳруҳ Мирзо тахтда турган йилларда яна давом этади

ва Хитойнинг борди-келдида ташаббус кўрсатиши сабаблари ойдинлаша бошлайди.

ОФИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Мовароуннаҳрда ишлар ёмонга эврилмоқда эди. Шоҳруҳ Мирзо Хуросонда бир қадар мустақамлангач, Бодғисда катта қўшин жамлашга эришади. Бундан Самарқандда хабардор бўлган Халил Султон ҳам кўп сонли лашкар билан Кеш атрофига келиб қўнади. Лекин Халил Султоннинг кушандаси Хуросондан эмас, Мовароуннаҳрнинг ўзидан чиқади. Амир Худойдод Хусайний қасдланиб, 1409 йилнинг 30 мартида уни мағлуб этади ва асирга олади. Ҳокимият тўлиқ Худойдод Хусайний қўлига ўтади. Бу воқеаларнинг кейинги тадрижи олдинда муфассал сўзланди. Мовароуннаҳр воқеаларига Шоҳруҳ Мирзонинг аралашуви, мамлакатни ўз тасарруфига олиши, катта-кичик тахтгалабларнинг орадан қўтарилиши, пировард натижада, Халил Султоннинг ўлими билан хотима топади.

Мовароуннаҳр мамлакати Шоҳруҳ Мирзонинг 15 ёшли ўғли, бунгача Мозандарон идорасида тажриба орттирган Улуғбек Мирзога берилади. Шоҳруҳ Мирзо, бобоси тахтига чиқишга муяссар бўлган фарзандига юртни ва раиятни бошқариш бобида кўп насиҳатлар қилади, йўл-йўриқлар беради. Энди ишлар юришаётган, Соҳибқирон вафотидан тўрт йил ўтиб, тинимсиз курашлар, фитналар, исёнларни даф этиш орқали ҳаловатсиз кечган йиллар, ниҳоят, самара бера бошлаганди. Асосий сиёсий ғовлар, тўсиқлар йўлдан олиб ташланганди. Вилоятларни, ўлкаларни идора қиладиган садоқатли қариндош-уруғлар жуда зарур эди бу вақтда. Ҳисори Шодмон вилоятига марҳум амакизода Муҳаммад Султоннинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгир ҳоким этиб тайинланади. Шоҳруҳ Мирзо, ёш шаҳзодага, «барча ҳолларда яхшиликка таянишни, раиятлар орасида тенгликка риоя қилишни, мавжуд қонун-

лардан четга чиқиб, янги қонунлар пайдо қилишликларга йўл қўймасликни, сиёсати ва фаросати билан зулм қилувчини жазодан четда қолдирмасликни қаттиқ тайин қилади. Марҳум амакизода, валиаҳд Пир Муҳаммад Мирзонинг ўғли Қайду баҳодирга бир вақтлар отаси бошқарган Қандаҳор, Кобул, Ғазниндан Синд дарёсигача бўлган мулклар идораси топширилади. Қайду баҳодирга «эҳсон ва адолат ёрдамида мамлакатга равнақ ва ободонлик баришлаш, оқибати хавfli ва бахтсизликдан иборат бўлган зулмга йўл қўймаслик» вазифалари кўндаланг қилиб қўйилади.

Балх ва Тоҳаристон вилоятини Кобул ва Бадахшон сарҳадларигача ўз ўғли Иброҳим Султон бошқарувига бириктиради. Иброҳим Султон шу пайтгача Ҳиротда Шоҳруҳ Мирзонинг қойим мақоми бўлиб турган эди.

1410 йил Шоҳруҳ Мирзонинг беш йиллик курашларига зафарли яқун ясаган йил бўлган эди. Шу йилдан эътиборан қўл остидаги мулкларни обод қилиш ишларига киришилади. Унинг бу соҳада биринчи қилган иши бир юз тўқсон тўрт йилдан буён хароба бўлиб ётган Марв шаҳрини қайта тиклаш бўлади. Чингизхоннинг ўғли Тўлихон Марвни ҳижрий 618 (1221–1222) йилда вайрон қилишни буюрган эди. Шаҳар тамомила яксон этилган ва шундан буён хароба бўлиб ётганди. Шоҳруҳ Мирзо уни қайта тиклашга фармон берган 812 ҳижрийда (1409–1410) оралиқда ўтган муддат 194 йилни ташкил этарди. Марв шаҳрига сув Мурғоб дарёсидан келган. Дарё тўғонини сув олиб кетган ва ариқ кўмилиб қолган эди. Мурғоб дарёсида тўғон тикланади, Марвгача ариқ ҳам қазиб борилади. Тиклаш ишларига улуғ амир Алоуддин Алика кўкалош бошчи қилиб қўйилади. Сув чиқарилгач, биринчи йили Марв далаларида беш жуфт хўкиз ер ҳайдаб, дон экилади. Одамлар ҳар тарафдан кўчиб кела бошлайдилар. Мурғобдан чиқарилган ариқнинг узунлиги ўн икки фарсанг (72 км), кенглиги ўн беш-йигирма

газ (20-24 м), чуқурлиги 5 газ (6,5-7 м) даражасида бўлган.

Шоҳруҳ Мирзо ўз пойтахти Ҳиротни обод қилиш учун қаттиқ киришган эди. Шаҳарни кенгайтириш, боғ-роғлар барпо этиш, мадраса ва хонақоҳ қуриш вазифалари тошширилган эди. 1410 йилда бу иккала иморат ҳам битказилади ва шаҳарга кўрк бағишлайди. Шоҳруҳ Мирзо отаси анъаналарини давом эттириб, Ҳиротда Сафид боғини (Оқ боғ) барпо этади. Шаҳарнинг шимоли шарқида, тепалик жойда 1411 йилнинг 20 мартада чиройли қасрга асос қўйилади.

1412 йилнинг май ойида Хитойдан яна элчилар келади. Подшоҳ Дой Минг уч тилда – туркий, форсий ва хитой тилида мактуб йўллайди. «Дой Минг, подшоҳи муаззам, – дейилади хатда, – Самарқанд диёрига Шоҳруҳ баҳодир учун нома юбормоқда». Мактубда бир оз бўлса-да, ўзни сипо кўрсатиш руҳи бўртиб туради. Хотима қисмида, «Халил Султон сенинг биродарзоданг, ўз туғишганлик ҳақингни бажо келтирмоқ учун сен уни яхши тарбият қилишинг керак. Сен бизнинг садоқату райимизга ҳамкорлик қилишинг лозим. Билдириб қўймоқчи бўлганимиз ана шу», дейилади. Тижорат ҳам эслатилади. Кейинги сўзларда мамлакат ички ишларига аралашши, ҳамкорлик қилишни пеш этиб, таъкидлаш оҳангини қайд этмай бўлмайди. Элчилик расмига мувофиқ, Шоҳруҳ Мирзо ҳам хитойликларга қўшиб Шайх Муҳаммад Бахшийни Хитойга нома билан юборади. Арабий ва форсий тилда битилган номаларда ислом динига даъват билан бир қаторда, тижорат ишларига ҳеч бир монелик йўқлиги айтилади.

Шоҳруҳ Мирзонинг салтанати тараққийда эди. Қаро Юсуф авлодлари бу пайтда Бағдоду Ироқ деб бир-бири билан қирпичоқ бўлаётганди. Шоҳруҳ Мирзо эса айтилганидек, ўз атрофига биродарзодаларини тўплаб, уларга вилоятлар суюрғол қилиб, асосий диққатни мамлакат равнақи ва ободонлигига қараётган эди. Бадахшон подшоҳлари ҳам ихтиёрий тобелик

изҳор этадилар. Вилоят ҳокимлигини бу жойни бошқариб келган Шоҳ Баҳоуддиннинг укаси Шоҳ Маҳмудга топширади, у Шоҳруҳ Мирзо ҳузурида бўлган, муносабатлар яхшиликка тадриж қилган эди. Шоҳ Маҳмуд Ийжал Мирзо (Мироншоҳ Мирзо ўғли) «байроғи остида» – назоратида бўлиши белгиланади.

Шоҳруҳ Мирзонинг ўз оиласига, фарзандларига, келинларига бўлган муносабатларида кўп яхши, ибратли жиҳатларни Соҳибқирон отасидан мерос қилиб олганлигига, ёйинки, бу сифатлар бу оила аъзоларида туғма хусусиятлар бўлганлигига ишонч ҳосил қиламан. Самарқандда 18 ёшар Улуғбек Мирзонинг аёли офир оёқли бўлганлиги хабари етишгач, Шоҳруҳ Мирзони самимий безовталиқ чўлғайди. Муаррих Абдураззоқ Самарқандий, «Ҳазрат хоқони саид ўз авлодига нисбатан бўлган меҳр-муҳаббатининг ошиб-тошганлиги туфайли «У ша-рафли садафни (шу ўринда Ибн Арабшоҳнинг Темурийларнинг хотин-қизларни ўз номлари билан эмас, пардалаб, зийнатлаб, мастура ва ҳ., деб атаганлигини бир эсга олайлик) муҳлати етиб, тугилмасидан илгари Хуросонга келтирсинлар» – деб фармон берди. Улар Фармонга мувофиқ подшоҳона тахтиравон безатишиб, оғолар ва ҳожасаролар билан биргаликда Хуросонга юзландилар. Доруссалтана Ҳиротга яқин жойда уларни оғолар ва хотинлар қарши олишиб, Боғи Зогонга туширдилар. Жумод ул-аввал ойининг ўнinchисида (18 август, 1412) ҳумоюн хонзода Бегиқо йўқлик қоронғулигидан борлиқ рўшнолигига қадам қўйди ва чаҳоршанба кuni мазкур ойнинг ўн бешинчисида (23 август, 1412) улуғ бир тўй берилди».

Фасиҳ Хавофий ҳам шу воқеани ўз йилномасига киритган. Хавофий қизалоқ набиранинг туғилиши шарафига Ҳирот шаҳрининг безатилиши, хурсандчиликлар қилиниши ҳақида сўзлайди. Шоҳруҳ Мирзо 35 ёшида бобо бўлаётган эди-да, бундай қувончли ҳолни нишонламай, шаҳарни байрамона безатмай бўларми-ди?! «Мужмали Фасиҳий»да 1412 йилнинг 18 августи-

да дунёга келган малика қизалоқнинг исми Хасиба деб кўрсатилади. Чамамда, «Матла»нинг муаллифи қизчанинг онаси исми-шарифасини янглиштириб айтган кўринади.

1405 йилдан кейин кечган суронли ва оғир йиллар Темурийларнинг оилавий удумларига ҳам баъзи таҳрирларни киритган эди. Соҳибқирон давлатининг авжида, кўрдикки, ўғиллар, набиралар 9–11 ёшларида уйлантирилди, хатна тўйлари ҳам хаялламай, болалар 3–5 ёшга етар-етмас, ўтказилиб, катта тантаналарга сабаб бўлган. Валиаҳд Муҳаммад Султон вафот этганда, унинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгир 7 ёшда эди. Шаҳзода 17 ёшга тўлганида, 1413 йилнинг сентябри охирида Шоҳруҳ Мирзо уни ўзига куёв қилади. Боғи Зоғон Ҳиротнинг Кониғили эди, десак янглишмаймиз. Боғи Зоғонда улутвор тўй ташкил этилади. Бу никоҳ ҳақида Фасиҳ Хавофий ишончли маълумот беради, Абдураззоқ Самарқандий эса келин тўғрисида «салтанат садафида парвариш топган бир дурни Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир никоҳига киритди», дейиш билан кифояланади. Бу никоҳнинг амалга ошиши Шоҳруҳ Мирзонинг оилавий ришталарни қайта бошдан маҳкам боғлашга интилаётганини англатарди. Отадан ёш қолган шаҳзодани шундай мақомга етказиш учун шоҳликнинг ўзи кифоя қилмасди, бунда буюк одамгарчилик рутбаси ҳал қилувчи аҳамият касб этарди. Кўрамизки, бундай хислат Шоҳруҳ Мирзода жамулжам экан.

Ҳирот пойтахт сифатида обод қилиниши билан бир қаторда, мустаҳкам қалъа қурилиши ҳам бошлаб юборилади. «Матла» асарининг муаллифи гувоҳлик беришча, Ҳирот қалъаси қурилишида етти юз минг киши ишлаган. Илгари тупроқ устига қурилган хом ғиштли қадимий Ҳисор ўрнига пишиқ ғишдан девор ва бино тиклаш амр қилинади.

Шоҳруҳ Мирзо Ироқ ва Форсни Фатҳ этганидан кейин, Рай мамлакатини идора қилиш ишларини Ами-

роншоҳ Мирзонинг ўғли Ийжалга топширган эди. Бироқ, орадан кўп ўтмай, Ийжал Мирзо оламдан ўтади. Бу воқеа 1415 йилнинг 11 апрелида юз беради. Шоҳруҳ Мирзо унинг вафотига қаттиқ қайғуради ва ўрнига Илангар Мирзони тайин қилади. Азалий душман Қора Юсуф ҳамон қора ниятларидан қайтмаган, Шоҳруҳ Мирзодан Султонияни талаб қилиб турган эди. Қум шаҳрини идора қилиб турган марҳум валиаҳд Муҳаммад Султоннинг ўғли Саъд Ваққос йўлдан оздирувчи одамлар гапига кириб, Қора Юсуф томонга ён босади ва унинг хузуридан паноҳ излаб кетади. Бу тўғрида аввалги қисмда гапирилди. Саъд Ваққоснинг хотини, Амироншоҳ Мирзонинг қизи Оғо Беги кўрсатган жасоратни шу ўринда яна бир эслаб қўяйлик. Шоҳруҳ Мирзо ҳам муаррих айтганидек, «бу шер хотиннинг мардлигига кўп таҳсинлар билдирган эди».

Хонадоннинг тўрт тарафга тармоқлаб кетган шажарасидан гоҳида мева бермайдиган, ёввойилашишга мойил шохлар ҳам кўзга ташланиб қолар эди. Умаршайх Мирзонинг Амирак Аҳмад Мирзо деган ўғли Андижонда Улуғбек Мирзога бўйсунмай, исён кўтарган, кўп амирларни қатл қилиб, Кошғарга қочиб кетган эди. Шоҳруҳ Мирзо унинг қилмишларини ака хотири учун кечириб, ортидан юпончнома жўнатиб, Ҳиротга келишга ижозат беради. Ҳиротга келганидан, авф этилганидан хулоса чиқармай, Абу Бакр Мирзонинг ўғли Илангар Мирзога қўшилиб, эрта-ю кеч иккаласи шаробхўрлик қила бошлайдилар. Бунинг устига, айрим нобакорлар уларни салтанатни эгаллаш васвасасига йўлиқтирадилар. Бу гап-сўзлар Шоҳруҳ Мирзо ўрдасига етмай қолмайди. Иккала шаҳзоданинг қилмиши тафтиш этилаётганда, Қайду Мирзо томонидан киши юборилиб, Бойқаро Мирзонинг бир тўда қонхўрлар иттифоқида Қайду Мирзога қасд қилганлиги айтилади. Маълум бўлишича, суиқасддан хабар топган Қайду Мирзо Бойқаро Мирзони ҳибсга олиб, занжирбанд қилиб ташлайди. Қайду – Пир Муҳаммад

Жаҳонгир Мирзонинг ўғли эди. Бойқаро Мирзо эса Умаршайх Мирзонинг ўғли эди. Бу амакизодалар ҳам-тенг, 19-20 ёшли йигитлар эди.

Шоҳруҳ Мирзо салтанатга ва жонга қасд қилган, гуноҳи азимга йўл қўйган шаҳзодаларга, барибир, раҳм-шафқат қилади, аъёнлар талаб қилганидек, уларни қатлга буюрмайди. Амирак Аҳмад Мирзога Каъбатуллоҳга кетишга, Бойқаро Мирзога Ҳинд мамлакатининг исталган ерида яшаш, Илангир Мирзони эса кемага ўтқазиб, боши оққан томон кетиш амри фармони бўлади. Аниқроқ айтсам, учала фитнагар, исёнкор, давлат хавфсизлигига, тинчлигига раҳна солган жинояткорлар мамлакатдан чиқариб юборишга амр қилинади. Бу, ҳарҳолда, ўлим жазосидан авлоқроқ эди-да.

Йиллар ўтаётган, Шоҳруҳ Мирзонинг ҳам ўз фарзандлари улғайиб, қўлатиққа кирадиган бўлиб қолган эдилар. Улуғбек Мирзо Мовароуннаҳрда ўрнашиб, ишончни оқлаётган эди. Унинг мулкларида ҳам аҳён-аҳёнда нотинчликлар бўлиб турар, ён-атрофларга, жумладан, Мўғулистонга ҳам қўшин тортишлар, галабалар, аҳёнда эса мағлубиятлар ҳам содир бўлиб турарди. Нима бўлганда ҳам, Улуғбек Мирзо «ўз арава-сини ўзи тортиб кетган» эди. 1397 йилда туғилган Бойсунғур Мирзо теран билим эгаси бўлиб етишади. Шу сабабли ҳам Шоҳруҳ Мирзо уни девон ишларини бошқаришга жалб этади. Абдураззоқ Самарқандий каби илмда пешқадам, рисола ёзган олим ишга қабул қилинишда Шоҳруҳ Мирзо бошчилигида имтиҳон қилинганлигини эсга олсак, девонни бошқаришнинг 19 ёшли Бойсунғур Мирзога топширилиши шунчаки ота-болалик ҳиссиётидан эмас, шаҳзоданинг илм-фанда, давлат ишларида етуклик даражасига кўтарилганлиги билан узвий боғлиқ бўлган. Муаррих таъкидлаганидек, *«Қудратли хоқоннинг девонида қабул маросими кунини ўнгу сўл тарафда номдор маликалар ва замона донолари итоат камарини белга боғлаб турар»* эди.

Номдор амирлар ва замона донолари иштирокидаги мажлисларда салтанат муаммоларини ҳал қилишга доир чиқишлар, ўз фикрини айтишлар девонбегидан катта илм ва салоҳиятни талаб қиларди. Бойсунғур Мирзо бунинг уҳдасидан чиқади.

ОТАДАН ЎТГАН БАҒРИКЕНГЛИК

Шоҳруҳ Мирзо Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлганидан буён анча йиллар ўтаётган эди. Ҳижрий 819 (1416) йилга келиб ҳамки, у ёки бу вилоятларда итоатдан чиқадиган, мулкни ажратиб олишга интиладиган кимсалар топилиб турарди. Шулардан бири Султон Увайс ибн амир Идику эди. Шоҳруҳ Мирзо уни тинчитиш бобида отаси Соҳибқирон тутган йўлни танлайди – таниқли кишиларни орага солади, муаммони тинч йўл билан, мулоқот ва келишув асосида ҳал қилишга интилади. Султон Увайсни тинчитиш ишини Саййид Шамсиддин Бумий бўйнига олади. У Кермонга бориб, Султон Увайсга кўп ваъзу насиҳатлар қилади. Бироқ, иш қуюшқондан чиққан, ваъз-насиҳатлар кор қилмайдиган даражага келган эди. Жаноб Саййид амир Шамсиддин Ҳиротга қайтиб, Султон Увайснинг гапига кирмаганлигини арзга етказди.

Шоҳруҳ Мирзо қирқ минг отлиқ кўшин билан 1416 йилнинг 29 майида Кермон сарҳадига етади. Султон Увайс жангга ҳозирлик кўрган, уруш асбобини тахт қилиб, урушмоқ учун шаҳар ташқарисига чиқади. Ҳирот лашкари ҳайбатидан кўрқиб, рўбарў туришга ўзида куч тополмайди ва элчилар юборишга шошилади. Муаррих айтади, *«Ҳазрат хоқоннинг табиати аслида тугма марҳаматга эга бўлганидан илтимосни қабул қилиб, «Султон Увайс бир неча бор ваъда қилдию, лекин ваъдасига вафо қилмади, энди агар шу сўзига содиқ бўлса, бирор ишончли кишини юборсин, аммо, лашкар бўйсунмагунича, амирлар ўринлари»*

дан жилмасинлар», дейди. Энди, қаранг-да, бир тажриба қилиб кўрайлик. Султон Увайс ўрнига Хоразм подшоҳи Хусайн Сўфини, Шамсиддин Бумий ўрнига Ҳожа Афзалиддин Кешийни, Шоҳруҳ Мирзо ўрнига Соҳибқирон Амир Темур исми-шарифларини қўяйлик. Бу ҳолда ўтган XIV асрнинг 70-йилларидаги, Амир Темур ҳазратлари амалга оширган сиёсат ва ҳаракат айнан такрорланган бўлиб чиқади. Ҳа, бунинг сира ажабланидиган ери йўқ, Соҳибқирон давлат бошқарувида ўзининг бағрикенглик, иттифоқлашиш, муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишдек улуғ йўлни асослаб кетган эди. Шоҳруҳ Мирзо шу йўлни оғишмай амалга ошира бораётган эди.

Султон Увайс таниқли кишилардан бири амир Шайх Ҳасанни Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига юборади. Пихини ёрган Султон Увайс, Шайх Ҳасанга Шоҳруҳ Мирзодан, унинг кечирими ҳақида ёзма равишдаги ёрлиқни олиб келасан, деган топшириқни беради. Унинг бундай талаб қўйишга ҳақи бўлмаса-да (у мағлубиятга тақаб қўйилган эди), Шоҳруҳ Мирзо ранжимайди. Амир Шайх Ҳасан, «Онҳазратнинг (Шоҳруҳ Мирзонинг – П.Р.) бебаҳо илтифоти ва асл хушфёълиги, гарчи унинг ҳар бир фармони учун бирор васиқа бўлиши ёки бирор аҳднома лозимлигидан юқори турса ҳам, аммо олам ва одамзод табақалари орасида муваффақият ва яхши аломат тилаш мақсадида Тангри номини ўртага қўйиб аҳдлашиб олиш оддий бир суннат ва машҳур бир одатдир ва қуллар билан эгалари орасида шу хилдаги муносабатлар воқе бўлиб келган. Шу туфайли, Султон Увайс ҳам ўзида ишонч ҳосил қилиб, ҳеч тараддудсиз ер ўпишга отланмоғи учун хоқони саид ҳазратларидан аҳднома олиб келишга бу қулни юборди, деб арз қилди». Шоҳруҳ Мирзо илтифот жилдига ўраб айтилган бу сурбетликка жавобан, шундай дейди: «Тангрига ҳамд бўлсинки, агар истасак яхшилик билан ҳам, куч қўлаб ҳам унга ўз ҳукмимизни эшиттиришга етарли куч-қудратга эгамиз, аммо Сул-

тон Увайсининг илтимосига асосан яхши ният ва софътиқод билан Аллоҳи Таолони ёд қиламизки, орамизда бу аҳднома бунёдга келган ушбу соатдан бошлаб, дилу тилда ва ботину зоҳирда ушбу сўзларни бирдек эътироф этаман, яъни Султон Увайсга қарши дилимда ҳеч бир ёмонлигим йўқ ва унга қасд ҳам қилмайман, имкон борича унга қасд қилувчиларни дафъ этишга ҳаракат қиламан. Агар илгарилари мен мамлакат ишларини яхшилаш юзасидан ҳукм қилган ё баҳслашган, буйруқ берган ё бирор нома ёзган бўлсам, энди унинг хилофини қиламан. Токи у ўз ваъдасига вафо қилиб борар экан, биз ҳам ушбу битилган сўзларда қатъий турамиз ва бу аҳдга, токи унинг тарафидан бирор нуқсон етмагунча, вафо қиламиз. Энди у бизнинг паноҳимизга сифиниб, бу томонга юзланмоғи лозимдир. Мухолифатчилик гап-сўзлари орага тушганлиги сабабли агар у келишдан бош тортса, унда лашкар юбориш салтанат ҳиммати зиммасидаги вазифадир, балки ўзимиз шахсан отланишимиз ҳам лозим бўлар. Агар келса, биродару фарзандлардан ҳам азизроқ бўлади».

Бу сўзларни «Матлаи саъдайн» саҳифаларидан ўқиб, аввалига, Шоҳруҳ Мирзо таслим бўлишга тақаб қўйилган бир вилоят ҳокими олдида жуда паст кетмадимикин, деган хаёлга бордим. Айниқса, исёнкор, бўйсунмишдан бош тортган ҳокимнинг пойтахтга бош эгиб келишининг баҳосини ниҳоятда ошириб юбориш, «биродару фарзандлардан» – укалар, амакизодалар, ўғилларидан ҳам азизроқ кўриш ваъдаси эриш туюлган эди. Бундай ўйлаб кўрсам, Султон Увайс гапида турмай, келишдан бўйин товласа, яна қирқ минг отлиқ аскар Кермон шахрини ўраб олса ва қонга ботирса, қанча бегуноҳ кишилар қирилса, подшоҳнинг ён бериши билан бу қирғиннинг баҳосини тенглаштириб бўладими? Шоҳруҳ Мирзо битта ёвни эл қилиш учун шундай йўлни тутган. Вақтида Соҳибқирон разил Тўхтамишни ўрлим деб қабул қилганлигини бир ёдга

олиб кўрайлик-а?! Бундай жўмардлик мамлакат, давлат тақдирини ўз тақдиридан устун қўйиш билан баробар эди.

ҲИРОТ ТАШРИФИ

Улуғбек Мирзо Самарқанд тахтига жулус қилгандан буён (1409), мамлакатнинг асосий пойтахти Ҳиротга биринчи марта, орадан беш йил утиб, 1414 йилнинг 25 ноябрида келган эди. Шундан кейин, ҳаш-папш дегунча яна уч йил кечади. 1417 йилнинг баҳорида Улуғбек Мирзо Ҳиротга томон отланади. Мовароуннаҳр ҳукмдорининг Жайхундан ўтиши хабари Шоҳруҳ Мирзога етказилади. Унинг олдинги ташрифи маҳобатсиз қаршиланган бўлса, бу сафар кутиб олишга онаси Гавҳаршод Ого, укаси Бойсунғур Мирзо, Муҳаммад Жўгий Мирзо, амакизодаси Муҳаммад Жаҳонгир ва бошқа шаҳзолалар, улуғ амирлар бир неча тош масофага пешвоз чиқиб, кутиб оладилар. Кутиб олиш жуда тантанавор, бажо келтирилиши лозим бўлган ҳамма удумларни амалга ошириш даражасида, шохона тарзда амалга оширилади. 1417 йилнинг 6 майи кунда ота-бола қучоқ очиб кўришадилар. Шоҳруҳ Мирзо бу ташрифдан жуда шодмон бўлиб, ўгли шарафига тўйлар ва хусравона базмлар уюштиради.

Улуғбек Мирзо Ҳиротда турган пайтда Хитой элчилари ҳам шу ерда эдилар. Хоразмдан амир Шоҳ Малик билан Жаҳонгир Мирзолар келишган эди. Улуғбек Мирзо Мовароуннаҳр ҳукмдори сифатида 1405 йилда ёнида бирга бўлган, оталиқ бек, устоз мақомидаги Шоҳ Малик ва амакизодаси Муҳаммад Жаҳонгир шарафига катта тўй беради, улар билан бирга келган кишиларга туҳфалар улашади. Ҳиротда бир ойча турган Улуғбек Мирзо 1417 йилнинг 16 июнида Мовароуннаҳрга отланади. У билан бирга укаси Муҳаммад Жўгий ҳам Самарқандга бирга кетади. Биз олдинда Султон Увайс тўғрисида тўхталиб ўтган эдик. Унинг

қилган гуноҳлари кечирилади ва Самарқандга кетишига ижозат берилади.

Хитой элчилари ташриф буюрган вақтда Улуғбек Мирзонинг Ҳиротда бўлиши тасодифий бўлмаса керак, деб уйлайман. Хитой подшоҳи Дой Мингнинг олдинги мактуби Самарқандга, Шоҳруҳга деб атаб юборилган эди. Энди, асосий пойтахт Ҳирот эканлигини муқаррар бўлгандан сўнг, элчилар тўғридан-тўғри Шоҳруҳ Мирзо пойтахтига келадилар. Мовароуннаҳр ҳукмдори расман Шоҳруҳ Мирзога итоатда бўлса-да, музокараларда унинг ҳам шахсан иштирок этиши Хитой томонининг шартларидан бўлган, деб ўйлашга асослар бор. Муаррих, афсуски, Улуғбек Мирзонинг иккинчи бор Ҳиротга келиши сабаблари ҳақида сўз айтмаган. Хитой томони алоқаларни кучайтириш, очиқ борди-келдини йўлга қўйиш, савдогарларга эркинлик бериш масалаларини ўртага қўйган. Хитой Хуросон ва Мовароуннаҳр билан тенглик асосида ҳамкорлик таклифини ўртага қўяди. Бу сафарги Хитой элчилари уч юз отлик кишилар бўлиб, уларга Би Бочин, Ту Бочин, Жот Бочин ва Татқ Бочинлар бошлиқ бўлиб келадилар. Элчилар Шоҳруҳ Мирзо саройига совға-саломлар, шунқорлар, атлас ва кимхоблар, чинни идишлар, хуллас, жуда кўп тухфалар, тортиқлар келтиришади. Подшоҳ Дой Минг мактубида, «Ҳар икки томондан ҳам ғайрлик ва бегоналик пардаси кўтарилмоғи, мувофиқатчилик, бирдамлик эшиги очилмоғи лозимдир, токи раиятлар ва савдогарлар ўз истак-ихтиёрлари билан бориб келсинлар, йўллар бежавотир бўлсин», дейилади. Музокараларда Улуғбек Мирзонинг иштирок этиши Хитой томонидан қўйилган шартларининг тўлиқ қабул этилиши деб тушунилган.

ЧАККИ БОСИЛГАН ҚАДАМЛАР

Олдинги саҳифаларда гуноҳи азимга йўл қўйган учта Темурийзода шаҳзоданинг жазоланиши – мамлакатдан чиқариб юборилиши ҳукми бўлганлиги хусусида сўзладим. Жазога тортилганлардан бири Бойқаро Мирзо эди. У, марҳум шаҳзода Умаршайх Мирзонинг ўғли бўлиб, бу пайтда 24 ёшга тўлаётган эди. Шоҳруҳ Мирзо Форс мамлакатларини иккинчи марта фатҳ этган вақтда, унинг қабих қилмишларидан қатъи назар, шафқат ва марҳамат кўрсатган, қариндошлигини ҳисобга олиб, Қандаҳорга, Қайду Мирзо ҳузурига юборган эди. Қайду Мирзо Пир Муҳаммад Мирзонинг ўғли бўлиб, Бойқаро Мирзодан уч ёш кичик эди. Қайду Мирзо амакизодаси Бойқарога катта лутфу иноятлар кўрсатади, яхши кутиб олади, яшаши учун барча шароитларни муҳайё қилиб беради. Қорни тўйиб, ўзини кучли ва катта ҳис қила бошлаган Бойқаро Қайду Мирзога қасд қилиш, унинг ўрнини эгаллашдек қора ниятни кўнглига тугади. Бундан хабар топган Қайду Мирзо уни ҳибсга олади ва воқеа тафсилотини Ҳиротга, Шоҳруҳ Мирзога етказдиради. Шоҳруҳ Мирзонинг бу бобдаги ҳукмидан хабаримиз бор, Бойқаро Мирзони Ҳиндистоннинг қаерини хоҳласа, ўша ерда макон қилсин, деган амри фармон бўлган эди.

Қайду Мирзо мазкур ҳукми бажаришга шошилмай. Бойқаро Мирзони Ҳинд сарига жўнатмай турган эди. Тез орада бунинг хабари Шоҳруҳ Мирзо қулоғига етади. У тезлик билан Қайду Мирзо ҳузурига чопар жўнатиб. «Бойқаро Мирзо Ҳинд тарафга кетмаган экан, энди уни бу томонга жўнатсин», деган амр берилади. 1417 йилнинг 28 август куни Бойқаро Мирзонинг Қандаҳордан Ҳирот томон келаётгани дараги етади. Бойқаро Мирзо етиб келгандан сўнг, Шоҳруҳ Мирзо унга Хизр Ҳожани мулозим қилиб, Самарқандга жўнатиб юборади. Шоҳона топшириқни бажаришни

пайсалга солган Қайду Мирзо эса қилмиши эвазига Қандаҳордан қочишга мажбурият сезади. Қайду Мирзонинг укаси Санжар Мирзо Шоҳруҳ Мирзо олдига келиб, акаси учун узрхоҳлик қилади ва подшоҳона иноятга мушарраф этилади. Ҳарҳолда, Шоҳруҳ Мирзо ўзиникига ҳам, ўзгаларга ҳам кечиримли подшоҳ эди. Бойқаро Мирзо Ҳиндга кетганда ўз юртига абадий қайтиб келолмасди. Буни Қайду Мирзо ҳам, гарчанд, Бойқаро Мирзо унга очиқдан-очиқ душманлик қилиб турган бўлса-да, унинг муқаррар ҳалокат томон боришига ичи ачиган, Шоҳруҳ Мирзо ҳукмини бажаришни пайсалга солиб, кечиктириб турган. Бунинг учун жазоланишини билса ҳам, билиб туриб, шу ишни қилган. Буни, энди, салтанат фидойилигидан кўра, қавми қариндошлик туйғусининг устун келиши деб қабул қилиш ўринли туюлади.

Қочувда бўлган Қайду Мирзо ҳам авф этилади, 1418 йилнинг 9 мартада Ҳиротда бўлган учрашув орага тушган низонинг барҳам топишига йўл очади. Шоҳруҳ Мирзодан юз ўгириб, Қаро Юсуфни паноҳ тутиб кетган Саъд Ваққос Мирзо шу воқеадан бир ой кейин, 1418 йилнинг 8 апрелида оламдан ўтади. Шоҳруҳ Мирзо бу хабардан қайгуриб, таъзия маросимини бажо келтиради. Йигирмадан сал ошган шаҳзоданинг ўлими чакки босилган қадам, енгилтақлик билан қабул этилган қарорнинг оқибати эди. Таассуфки, бундай адашишлар давомий эди. Юқорида гапириб ўтганимиз Қайду Мирзонинг кейинги хатти-ҳаракатларини мисолга олайлик. Отаси валиаҳд Пир Муҳаммад Мирзо Пир Али Тоз томонидан ўлдирилгандан кейин, Шоҳруҳ Мирзо бу суиқасдга алоқадор бўлган кишиларни қатлга етказган ва Балх ҳукуматини унинг ўғли Қайду Мирзога берган эди. Қайду Мирзо яхши ишларни амалга ошира бошлагач, унга Гармсер ва Қандаҳор мулкларини, Синд диёрини Ҳинд чегараларига қадар унинг ихтиёрига топширганди. Қайду Мирзо кучайиб бориб, ўз номидан пул зарб қилиш даража-

сига етади. Шоҳруҳ Мирзо ҳаётлигида бундай ўзбошимчалikka қўл уриш сиёсий савиянинг пастлиги, бойишдан, кучайишдан кўзни шира тутиши аломати эди. Ўзини шу қадар катта чоғлаш Бойқаро Мирзо билан боғлиқ Шоҳруҳ Мирзо фармонининг бажарилмаглигида ҳам намоён бўлади. Шоҳруҳ Мирзонинг ҳужумидан қўрққан Қайду Мирзо, мулкларини ташлаб кетишга ва, охир-оқибатда, Ҳиротга авф сўраб боришга мажбур бўлади.

Қайду Мирзо пойтахтда бир қанча вақтни, муаррих айтгани каби, «тўла эҳтиром» билан ўтказди. Ҳиротда бир тўда улфатлар ёмон ниятда мақтов ва қитмирикни ҳаддан ошириб, шаҳзодани салтанат қутқусига гирифтор этадилар. «Салтанат хаёли ва шайтон васвасасига йўлиққан Қайду Мирзо, яхшиликларни унутиб, ҳеч бир сабабсиз 1418 йилнинг 22 августи (821 ҳижрий. ражаб ойининг ўн тўққизинчи куни) кечаси рухсатсиз Ҳиротдан чиқиб, Қандаҳор томон кетади. У, бундай йўл тутишда Қандаҳорда уни қўллаб-қувватлавчилар кўп эканлигига умид боғлаган эди. Қайду Мирзонинг Ҳиротни тарк этиши хабари шу соатдаёқ Шоҳруҳ Мирзога маълум қилинади. Бойсунғур Мирзога тезда унинг ортидан Ҳиротруд вилоятига жўнаш буюрилади. Қайду Мирзо Увбах қарясига етганида Бойсунғур Мирзо унга етиб боради. Йўл-йўлаккай жанглар қилиб келган Қайду Мирзо уни кўриб, отдан тушади ва қўлларни кишанга, бўйнини камондга тутди. Амир Фармоншайх одамлари, уни боғлаб, Бойсунғур Мирзо қошига келтирадилар. Бойсунғур Мирзо шаҳзодани йўлдан оздирган, унга пишонглари бериб, қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирган раҳнагар Садр Жаҳонни қатл эттиради, бошқа ҳамроҳларига жазо берилмайди. Қайдунинг ўзини эса банди этилган ҳолда Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига олиб келадилар. Қайду Мирзони Ихтиёриддин қалъасига қамаб, маҳбусликка маҳкум этадилар.

ЭЪТИҚОД ВА ҚАДР

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари қаерга бормасин, ўша жойнинг бузругворлари қабрларини зиёрат қилар. барҳаёт уламоларга, улуғ зотларга улуғ эҳтиром кўрсатар эди. Ўтган азиз-авлиёлар. эл эътиқод қўйган пирлар манзилларини обод қилдиран эди. Шоҳруҳ Мирзо ҳам бу бобда отасидан кўп яхши жиҳатларни ўзлаштирган эди. Ҳижрий 809 йили (1406) Шоҳруҳ Мирзо Жом сарига лашкар тортганида бу жойдаги Аҳмади Жомнинг муборак мозорини зиёрат қилади. Зиндафил авлиёнинг авлодларига марҳаматлар кўрсатади. муҳтожларга ҳадя ва садақалар улашади. Шу зиёратнинг эртасига, мисли Соҳибқирон каби. қўшинлар кўригини ўтказди. Машҳадга юзланган Шоҳруҳ Мирзо Али ибн Мусо Ризо зиёратини бажо келтиради, саййидларга инъому эҳсонлар тарқатади. Бу зиёратларнинг натижаси чакки бўлмаган, улуғ авлиёларнинг руҳи ёр бўлиб, Саййид Ҳожа каби ғанимлар мағлубият аламини чеккан эди. Орадан 6-7 йил ўтиб, Шоҳруҳ Мирзо тагин Машҳадга, Имом Ризо зиёратига отланади. Бу зиёрат 1412 йилнинг феврал ойига тўғри келади. Одатдагидай, назр-ниёзлар, садақалар тарқатилади. «Матла»да, гарчи, зикр этилмаган бўлса-да, Шоҳруҳ Мирзо Мовароуннаҳрда бўлган пайтларида ҳам Кеш ва Самарқанддаги муқаддас қадамжоларни бориб кўрган, отаси ва қариндош-уруғлари қабрларини тавоф қилган.

1414 йилда Исфохон фатҳ этилганда, Шоҳруҳ Мирзо, муаррих гувоҳлик берганидек, «амну омонлик соясини Исфохоннинг хосу омлари устига туширди, ҳаммага адлнинг дахлсиз ери-ю эҳсоннинг ҳузур-ҳаловат жойидан бошпана қурди: мозорларга назр атагани юз минг кепакий динорни фақирлар ва муҳтожларга етказди ҳамда девонга йиғилиши тегиш бўлган молнинг учдан бирини раиятга баришлади». Шоҳруҳ Мирзо Шерозга қилган юриши чоғида ҳам бу мулклардаги

қадамжоларни, ўтган улуғларни ёдлаш йўлини тутати. Жумладан, Абу Исҳоқ Иброҳим қабрини зиёрат қилади.

Эронда аҳолининг маълум қисми азалдан шийлик мазҳабига мансуб эди. Шоҳруҳ Мирзо қўл остидаги раиятнинг эътиқодига ҳурмат кўзи билан қараган. Шийларнинг асосий қадамжо зиёратгоҳи Али ибн Мусо Ризо марқади бўлиб, у Машҳадда жойлашган эди. 1418 йилнинг 3 сентябрида Шоҳруҳ Мирзо ўз яқинлари билан Имом Ризо қабри зиёратига отланади. Хукмдор хонадонининг Машҳадга, Имом Ризо марқадига ҳурмати жуда катта бўлган. Гавҳаршод Бегим Имом Ризо мақбараси устига қурилган гумбазли бино ёнида улкан масжид қурилишини бошлаган ва Шоҳруҳ Мирзо ташрифи кунларида у битиш арафасида эди. Масжид подшоҳ иштирокида тантанавор очилади. Имом Ризо қабри устидаги гумбазли мақбара ҳам таъмирдан чиқарилган бўлади ва Шоҳруҳ Мирзо яхши ният билан ясаёттирган уч минг мисқол олтиндан ишлатилган қандил мақбара гумбази ичига осилади.

Зиёрат кунларида Шоҳруҳ Мирзо шаҳар билан танишади, шаҳарнинг шарқий томонида чоҳарбоғ ва қаср барпо этишни тайин қилади. Боғ ва қасрнинг тархини унинг ўзи белгилаб беради. Қаср Шоҳруҳ Мирзо қачон бу шаҳарга зиёратга келса, унга кўниш учун мўлжалланган бўлади. Зиёрат кунларида эли халққа берилган тортиқлар, назр-ниёз ва садақалар ҳамманинг кўнглини кўтаради. Шоҳруҳ Мирзо ташрифидан шаҳар ҳам, машҳур имом Али ибн Мусо Ризо қадамжоси ҳам обод бўлади.

МЕҲР-ОҚИБАТ РИШТАЛАРИ

Ака-ука шаҳзодаларнинг ўзаро борди-келдиларини, ҳурматли ўқувчим, эътибор берган бўлсангиз, жуда кам кузатамиз. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари

ҳаёт вақтларида фарзандлари ва набираларини фақат тўй ва тантаналардагина бир жойга йиғар, уларга катта зиёфатлар қилиб берарди. Бунинг аҳамияти жуда катта эди. Аввало, набиралар – ака-укалар, аммакизодалар ўз оналари қучоғида ўсмаганлиги, улуғ энагалар тарбиясини олганлиги боис, бир-бирини яқиндан билмас, ана шундай учрашувларда танишув, қариндошликнинг моҳиятини англаш намоён бўларди. Шоҳруҳ Мирзонинг фарзандлари ҳам доимо бирга бўлмаганлар. Ўғилларининг деярли ҳаммаси Самарқандда, Сарой Мулк Хоним ва бошқа маликалар қўлида тарбия топганлар. Шоҳруҳ Мирзо Хитой юришига бирга олиб кетилган Улуғбек ва Иброҳим Султон мирзоларни Соҳибқирон вафотидан кейин эсон-омон Ҳиротга олиб келгунча кўп азиятлар чеккан эди. Улуғбек Мирзо улғайиб, Самарқанд тахтида бир неча йил салтанат юритганидан кейин, укаси Муҳаммад Жўгий Мирзо акаси олдига, Самарқандга йўлга чиқади. 1418 йилнинг ражаб ойида (август-сентябр) Жайхундан ўтган Муҳаммад Жўгий Мирзони кутиб олиш учун Улуғбек Мирзонинг ўзи бир гуруҳ амирлар қуршовида унинг истиқболига чиқади. Бу яхшилик аломати эди. Муаррих ҳам, чамаси, бу учрашувдан қониқиш туйган, шу боисдан, *«Оға-инилар худди икки бахт юлдузидек жаҳондорлик буржида бир-бирлари билан яқинлашдилар, оламни ёритувчи гавҳардек бахтиёрлик қутисида бир-бирларига яқин тушдилар»*, деб ёзади.

Муҳаммад Жўгий Мирзога Дилкушо боғи ичида қурилган муҳташам қасрдан жой ажратилади. Қасрда юқори мартабали меҳмонлар қабул қилинган. Улуғбек Мирзонинг укаси келишидан қувончи ортиб, бир неча кун унга катта зўр илтифотлар кўрсатади. Муҳаммад Жўгий меҳмондорчиликлардан сўнг, катта инъомлар ва тухфаларга бурканиб, Ҳуросон азимати-га киришади. Улуғбек Мирзо ҳам укаси билан бирга Ҳиротга кетади. Ака-ука 1418 йилнинг 26 ноябрида

Ҳиротга етиб келдилар. Мўғулистондан кўнгли тинчиган Улуғбек Мирзо отаси ҳузурда йилнинг охиригача қолади. Самарқандга 1419 йилнинг 3 январида қайтиб келади. Муаррих бу борди-келдиларнинг сабабларини, афсуски, ёзмаган. Муҳаммад Жўғийнинг Самарқандга бориши, тушунамизки, шунчаки бўлмаган. Бу ўзига хос назорат ташрифи бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Улуғбек Мирзонинг у билан бирга бориши, «шахсан ҳисобот» топшириш билан боғлиқ эмасмикан? Давлат арбоблари Самарқанд ва Ҳирот ташрифлари билан кўнгли очишни мақсад қилмаганларини, ҳарҳолда, эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Муҳаммад Жўғий Мирзонинг Самарқандга бориши Мўғулистон билан муносабат масалаларига бориб тақалганлигини воқеаларнинг кейинги ривожидан фаҳмлаш мумкин бўлади. Улуғбек Мирзо Мўғулистонга юришлар қилган, охир-оқибатда, Хизр Хожанинг ўғли, Мўғулистон подшоҳи Шамъи Жаҳон (Соҳибқироннинг қайноғаси, Тўқал Хонимнинг акаси) Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига элчилар юбориб, унга итоатда эканлигини изҳор қилади. Бу табиийки, Улуғбек Мирзонинг сиёсатда эришган мислсиз ютуқларидан бўлган эди. Муҳаммад Жўғийнинг Самарқандга таклиф этилиши, уни Улуғбек Мирзонинг кутиб олиши, катта бир мақсад билан бевосита боғлиқ эди. Муҳаммад Жўғий бу вақтда 22 ёшли навқирон йигит эди. Шоҳруҳ Мирзо ака-ука ташаббусини қўллаб-қувватлаб, Шамъи Жаҳоннинг қизини Муҳаммад Жўғий Мирзога сўратади. Шамъи Жаҳоннинг укаси, салтанат идорасини қўлга олган Муҳаммадхон бу таклифни маъқуллайди ва қариндошлик ришталарини янада маҳкамроқ боғлашга, (афсуски, Тўқал Хоним Шоди Мулк томонидан заҳарланиб ўлдирилган эди) рози бўлиб, акасининг қизи Меҳр Нигор Оғони иззат-ҳурматда, яқинлар қуршовида Мўғулистондан жунатади. Келин билан узоқ йўл босган қарвон 1419 йилнинг 15 октябрида Ҳиротга

яқинлаб келади. Келин шоҳона илтифот билан, барча расм-русумларга амал қилинган ҳолда кутиб олинади. Маҳди улё Гавҳаршод Бегим тўй бошида туради. Муаррих тўйни таърифлаб, «Чодирлар ва соябонлар кўкларга бош чўзиб, майсазорлар ўртасида фалаксифат, гардун кўринишли улкан бир чодир ва Кайвон юлдузи ўрнидек улуг шоҳ чодирини хусравона палослар ва идиш – асбоблар билан безатдилар; хотинлар ва келин, ўғиллардан ҳар бирининг ўрни муайян бўлди; шаҳзодалар, амирлар, давлат арконлари ва мамлакат атрофидан келган элчиларга совғалар муқаррар қилиниб, ясовуллар хос отларга миндилар ва ўқ-ёй билан сафларни ростладилар... Ҳумоюн базм кунлари охирига етгандан кейин ҳазрат хоқони саид (Шоҳруҳ Мирзо – П.Р.) мадҳи олиянинг (келиннинг) тахтиравонига мулозимлик қилиб келган бир гуруҳга кўп инъомлар улашди; шаҳзодалар, оғолар ва давлат аркони бир неча кун тўйлар бердилар. Сўнг Муҳаммадхоннинг юборган кишилари шаввол ойининг охирида (18 ноябр, 1419) қайтишга ижозат олиб, Мўғулистонга жўнадилар», дейди. Шу тариқа, келинни уза-тиб олиб келган қуда-андалар Ҳиротда бир ойдан кўпроқ вақт турганлар, муаррих таъкидлаганидек, улар шарафига шаҳзодалар, маликалар ва таниқли давлат арбоблари базмлар уюштириб, ҳурматлаганлар. Давлатлар муносабатини мустаҳкамлашда бу тадбирларнинг аҳамияти бошқача бўлган.

Бу воқеалардан 8 ой бурун Мовароуннаҳрда нохуш воқеа содир бўлган, Улуғбек Мирзонинг суюкли рафиқаси, марҳум валиаҳд Султон Муҳаммаднинг қизи Ўғо (Оғо) Бегим вафот этган эди. Бу воқеа 1419 йилнинг 3 февралда юз беради. Улуғбек Мирзо билан Оғо Бегимнинг тўйи 1404 йилда, улар 10, 8 ёшларда эканлигида Соҳибқирон раҳнамолигида Кониғилда ўтказилганди. Орадан 9 йил ўтиб, Улуғбек Мирзо 19, Оғо Бегим 17 ёшга тўлганида машъум фожиа рўи беради. Оғо Бегим отаси Муҳаммад Султон мадрасаси гумба-

зи остида дафн этилади. Абдураззоқ Самарқандий, «Улуғбек Мирзо каломли виқор эканлигига қарамай, бесабру қарор бўлиб, рухсори саҳифасига булутлар қатрларини тўкар ва ҳар нафас оху фиғондан оташ ицўлаларини алангалантирарди... Марҳуманинг руҳини тинчитиш учун муҳтожларга садақалар улашди, ошу таом тортиш, энг билимдон подшоҳ Тангри-нинг каломини хатм қилиш расм-русумларини бажо келтирди», деган сўзларни битади.

Бу катта хонадон эди. Одатда, тўй ва таъзия измаиз юради, дейдилар. Оғо Бегимнинг ўн гулидан бир гули очилмай ҳаётни тарк этиши, олис Мўғулистондан Меҳр Нигор Оғонинг келин қилиб олиб келиниши тақдирнинг катта оилаларни, подшоҳлар рўзгорларини ҳам ўз измида туттишидан бир далил эди. Оғо Бегимнинг таъзия маросимлари, йиллиги ўтказилгандан сўнг, Муҳаммад Жўгий Мирзо тўйининг бўлишига Улуғбек Мирзо катта ҳисса қўшади. Улуғбек Мирзо 1419 йилнинг 23 августида, Оғо Бегим вафотидан олти ой ўтиб, Дилқушо боғидан Қорабулоққа боради. Бу жойда аввал юборилган одамлар Мўғулистондан қайтиб, келин билан боғлиқ хабарни етказадилар. Улуғбек Мирзо Хўжанд сувидан ўтганда (Чиноз), хос мулозим Ҳасанко Меҳр Нигор Оғо хизматига етиб келади. Мирзо Улуғбек хонлик дарахтининг мевасига (келинга) ҳурмат билдириш учун отга миниб, уни расм-русумлару тартиб билан Хуросонга узатганлигини муаррих ўрни билан айтиб ўтади.

Вақт бунчалик югурик бўлмаса. Шу воқеадан 22 йил муқаддам Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари Чиноз ёнида дарёдан ўтиб, Тўкал Хоним истиқболига чиққан, вақтдан фойдаланиб, бир қанча хайрли ишларни амалга оширган эди. Улуғбек Мирзо ҳам бобоси йўлидан бориб, укаси Муҳаммад Жўгийга узатиб олиб келинаётган Тўкал Хонимнинг жияни (у аммаси эди) Меҳр Нигор Оғони кутиб олишга пешвоз чиқади. Хирот сари бораётган қуда-қудағайларни тухфалар билан,

яхши сўзлар айтиб кузатади. От ўрнини той босар, деб бежиз мақол тўқилмаган. Оила шаънига бориб тақаладиган яхши фазилатларнинг ўзлаштирилиши ва бардавомлиги бу хонадоннинг улуғ сиймолари шахсида ўз тажассумини топган эди. Бунинг ёрқин намуналаридан бирини юқорида сўзлаб ўтдим.

СОҲИБҚИРОН ҚЎЛИ, ДЕБ

Шоҳруҳ Мирзо, муаррих Абдураззоқ Самарқандий тўғри айтганидек, *«Ўз ҳукмдорлик фаолиятининг бошланишларидан салтанату шаън-шавкатининг ниҳоятигача ҳақ йўлдан юрганлиги ва ўз равшан замирини умр бўйи ана шу йўлга бағишлаганлиги туфайли... давлат қонун-қоидалари кундан-кунга мустаҳкамланиб борди ва салтанат иттифоқлиги вақти-вақти билан янги бир қарор асосида тасдиқланиб турди»*.

Чок-чокидан сўкилиб борган салтанатни мустаҳкамлаш, уни Соҳибқирон давридаги сарҳадлар даражасида яхлит ҳолга келтириш ва марказлаштириш Ҳирот ҳукуматида жуда қийинчилик билан даст беради. Ҳокимиятни қўлга олганидан 15 йил ўтиб, Ироқ ва Озарбайжон қайта бошдан фатҳ этилади. Қаро Юсуф туркман Амир Темур ҳазратлари вафотидан кейин жуда кучайган, ўғиллари ўртасидаги манфаат талашларига чек қўйиб, ҳар бирини бир вилоятга қўйган эди. Озарбайжон, Ироқ улар тасарруфида бўлиб келаётган эди. Вақтида Амир Темур ҳазратлари ҳам бу қароқчи, талончини қўлга тушира олмаган, у Араб ярим оролининг олис чеккаларида қочиб жон сақлаган эди. Энг ёмони, бу ёвуз ва маккор Соҳибқирон фарзанди Амироншоҳ мирзони ўлдирган, унинг бошини кесиб, таҳқирлаган эди. Марҳум шаҳзоданинг ўчи олинмасдан келинаётган, бу иснод оила шаънига доғ бўлиб тушган эди.

Муаррих «Матла»да бу ҳақда, *«Шаҳид бўлиб йўлган бахтли султон Муиззудин Мирзо Амироншоҳ кўрагон»*

га нисбатан Озарбайжон мамлакатларида содир бўлган мазкур мудҳиш воқеа замонидан (1407–1408) бери ҳазрат хоқони саъиднинг (Шоҳруҳ Мирзонинг – П. Р.) олий истаги ҳиммати муҳолифлардан ўч олиш ва у мамлакатларни зўравонларнинг тасарруф панжасидан чиқаришга сарфланар, аммо ўз қўлидаги мамлакатлар атрофида воқе бўлиб турган монеликлар сабабли, у тарафга юриш иши куттиш туғунида қолиб келар эди. Энди эса, илоҳий иноят ва осмоний қўллаб-қувватлаш кўмагида Хитой чегараларидан Араб Ироқи ва Озарбайжонгача ҳамда Туркистоннинг узоқ ерларидан Ҳиндистоннинг поёнигача бўлган ерлар қудратли қўл остида (Шоҳруҳ Мирзонинг – П.Р.) қарор топганидан кейин... подшоҳона ниятларнинг нурлари Араб Ироқи ва Озарбайжон мамлакатини бўйсундиришга йўналди», деган сўзларни ёзади. Шоҳруҳ Мирзо, Соҳибқирон отаси кўли, деб бу ишга қатъий киришади.

Қаро Юсуф туркман човутини ёзган ҳудудларни итоатга олиш мақсадида Шоҳруҳ Мирзо қўшинларни жамлайди, сипоҳлар учун «жуда кўп мол ва беҳисоб нақд пулни укалко расми бўйича» уларга тортиқ қиладди. Жанг аслаҳалари тайёрланади. 30 минг мукамал жибо тахт қилиниб, 10 минг захираси ҳам тайёрланади. Ўқ ва камон, тиғу санон, ханжару сипар, қиличу шамшир, найза-ю гурзи, дубулға Кошғардан тортиб, Туркистон, Мовароуннаҳр, Зобул ва Кобул, Сеистон, Кермон, Форс, Хузистон, Исфахон, Рай, Мозандарон каби қайси бир юртда, вилоятда бўлса, қиймати бўйича давлат моли ҳисобидан сотиб олинди, улар билан лашкарларнинг қуроолантирилиши кўзда тутилади.

Жанг ҳаракатларига киришилаётган пайтда Улуғбек Мирзо Мовароуннаҳр, Туркистон ва Мўғулистонни идора қилиб туришга тайинланади. Улуғбек Мирзо Ироқ ва Озарбайжонга, Қаро Юсуф Туркманга қарши қилинадиган юришга 10 минг отлик қўшин бериши тайин қилинади.

Ироқ ва Озабайжон фатҳи 1420 йил 12 сентябрда бошланади. Шоҳруҳ Мирзо ўрдусига Хуросон акобиру апрофларидан, сипоҳларидан танлаб олинган 15 минг суворий муҳофаза ишларига жалб этилади. Шоҳруҳ Мирзо ҳам Соҳибқирон отаси янглиғ йўл-йўлакай улуг марқадаларни зиёрат қилароқ, олға боради. Жомда Зиндафил Аҳмади Жом қабрини тавоф қилади, Шайх Саъдуддин ал-Хуммунӣ, Шайх Абул Ҳасан Харақоний руҳларига ҳам ҳурмат бажо келтирилади. Бу орада Шоҳруҳ Мирзо лашкарига Сеистон, Фароҳ, Қўхистон, Гармсёр ҳудудлари, Қандаҳор, Ғазнин ва Кобул мулклари сипоҳийлари ҳам келиб қўшиладилар.

«У тарафдан, – деб шоҳидлик беради муаррих, – амир Қаро Юсуф довураклик кўрсатар ва мағрурликка берилиб, шижоат кўчасида муборизат йўлини босар эди; туркманлар қаришлик кўрсатиш даъвоси ва жангу жадал оҳангига киришиб, муҳораба ва уруш нақшини хаёл лавҳаларига чизар эдилар». Қаро Юсуф туркман олдинроқ огоҳлантирилган, унга элчилар юборилиб, аввалги гуноҳлар учун авф сўраб келиш таклиф этилган, Озарбайжон ва Бағдод мамлакатлари эвазига Султония ва Қазвин вилоятини бериш талаб этилган эди. Қаро Юсуф туркман бу борада элчи бўлиб борган Поянда Султонни қамаб ташлайди ва мудофаага қаттиқ тайёргарлик кўради, хазинасидан беҳисоб бойликни бу ишга, сипоҳийларга сарф этади.

Қазвин қўлга олингач, Султониянинг тортиб олиншидан чўчиган Қаро Юсуф туркманнинг ўғли, Султонияда ҳоким бўлиб турган Жаҳоншоҳ шаҳар аҳолисининг бор-будини мудофаани баҳона қилиб тортиб олади, шу тариқа, Султония талон-торож этилади, уйларнинг эшиклари, дўконларнинг пештахталарига қадар ҳаммаси олиб кетилади.

Туркманлар урушга тайёр бўлиб, Султония қалъасини Жаҳоншоҳ истеҳком қилиб турган бир пайтда, Табриздан чопар келиб Қаро Юсуф туркманнинг ўлгани хабарини айтади.

Шоҳруҳ Мирзо вақтида Соҳибқироннинг жанг санъатини чуқур ўрганган, қўшиннинг илғор қисмини бошқарганида, мустаҳкам қалъалар учун кураш олиб борганида, уларни амалда қўллай билганди. Қаро Юсуф туркман ва унинг ўғли Жаҳоншоҳ мулкларига даракчи – қулоқлар юборилиши, у жойлардаги вазият ва кучларни ўрганиш ҳарбий аҳамияти катта эди. Бу усулдан Шоҳруҳ Мирзо ҳам тезкор фойдаланади. Абдураззоқ Самарқандий бу ҳақда, «*Бу тарафдан Қазвин томонга бир қулоқ – даракчи (жосус – П.Р.) кетган эди. Ўн биринчи зулқаъдада (17 ноябрь, 1420) Оқхожа манзилида ҳумоюн ўрдуга етиб келди ва у ҳам амир Қаро Юсуфнинг вафоти хабарини келтирди... Ҳа, шундай! Ҳақ Таоло жаноб Шоҳруҳни музаффар ва мансур қилиб яратганлиги учун **уруш азобисиз ва кулфат тортиб, зарб емай шундай яхши бир тарзда **фатҳ юз кўрсатди*****», дейди. Мен бу хулосага фақат бир нарсани қўшган бўлардим, у ҳам бўлса, бундай ғалабанинг қўлга киритилиши заминини Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари яратиб кетганлигини эслатиб ўтиш эди.

Амир Қаро Юсуф, муаррих тўғри қайд этганидек, бир неча йил давомида Озарбайжон мамлакатада «Қудратли ҳокими мутлақ бўлиб, Диёрбакр, Араб Ироқи вилоятларини ва Ажам Ироқининг баъзи ерларини ўзига бўйсундирган ва у ерларда ҳукмини юргизиб келган эди». Қаруви етган Қаро Юсуф Ҳиротдан Шоҳруҳ Мирзонинг катта қўшин билан келаётган хабарини олгач, «унинг раъйи нури ҳайрат зулматига чўкади ва тўғри йўлдан адашади». Машварат тузган Қаро Юсуф лашкар жамлашга, урушга шай бўлишга қарор қилади. Ҳақиқатда у, қисқа фурсатда Озарбайжон, Аррон, Мугон, Диёрбакр ва Араб Ироқидан кўп сонли лашкар тўплайди. Манбада зикр этилишича, Қаро Юсуф қанчалик сон-саноксиз қўшин йиғмасин, тиш-тирноғигача қуролланган сипоҳларга эга бўлмасин, уни қаттиқ ваҳм босган, вужудидан қўрқинч жой олган бўлади. Ички титроқ уни касалга чалади ва 1420

йилнинг 13 ноябрида вафот этади. Оила шаъни ҳақида гапирар эканмиз, Соҳибқирон муҳолифи бўлган Қаро Юсуф оиласининг, яқинларининг унга бўлган «меҳроқибатларига» бирров назар ташлаб ўтганимиз ҳам маъқул тушар.

Бу хусусда муаррих деганларини келтирай. «Шундай қилиб, Қаро Юсуф илоҳий тақдир ҳукми ва осмоний қазо имзоси бўйича бу фоний дунё билан видолашиб... орам уйига жўнади. Туркманлар жамоати тарқалиб кетиб, уни кафанлаб кўмишига эътибор бермадилар ва уни ўша вафот топган чодирда қолдириб, ҳар бирлари бир тарафга жўнадилар ва ўз ғамларини ейиш билан машғул бўлдилар. Амирларнинг пешқадами бўлган Амир Қаро марҳумнинг хотинларидан энг севимли бўлмиш Қадам пошо билан биргаликда амир Юсуфнинг фарзандларидан бирини подшоҳликка кўтариб, қолганларини унинг атрофига тўпламоқчи бўлдилар-у, ammo фарзандларидан бирортаси ҳам ҳозир эмасди: амир Шоҳ Муҳаммад Бағдодда, амир Искандар Қарқукда, амир Испанд Абдулжузда, амир Жаҳоншоҳ Султонияда, амир Абу Саид Озарбайжонда эдилар. Шунинг учун у фикр бир ерга қовушмади ва ҳар ким ҳар томонга жўнаб кетди. Қаро Юсуфнинг биродарзодаси бўлмиш амир Мисрнинг ўғли Ғазон подшоҳ хазиналарнинг сараларини қўлга киритиб, Авник қалъасига кетдилар. Амир Қаро Юсуфнинг бошқа биродарозаси бўлмиш Ёр Алининг ўғли Зайналбек Ардабилга юзланди... Шу тарзда уларнинг бирдамлик шодаси сочилиб кетди. Сейди Муҳаммад Кажужоний ва Табризнинг бошқа ақобирлари амир Шоҳ Маликнинг навқари Поянда Султонни ҳибсдан озод қилиб, узрхоҳлик билдирдилар ва Қаро Юсуфнинг жасадини Табриз йўли билан Иржис тарафга олиб кетиб, унинг оналари қабрига дафн қилдилар. Ҳумоюн байроқлар Иржисга етганида, Мирзо Бойсунгурнинг навқарлари унинг қабрини очиб, жасадини кўрдилар, бағоят ҳайбатли экан...

Ўзимча мушоҳада қиламан. Қаро Юсуф ҳам қочиб-пўсиб ўттиз йил ҳукм сурган эди. У йиққан хазинани укасининг ўғли Ғазон ўмариб кетади. Хотини Қадам пошо эса эрини кўмишни кутишни ҳам хаёлига келтирмай, Амир Қаро билан Оланжиқ қалъасига қочиб қолади. ўлик ёнида бирорга яқин қариндош, сафдош қолмайди. Ҳали ҳам Табризнинг гапига етарманлари Сейди Муҳаммад Кажужонийлар бор экан. Қаро Юсуф жасади дафн этилади. Қаро Юсуф шу оқибат учун яшаганмиди? Ёнида бирор содиқ кишиси қолмаса, зўрликдан йиққан бойлиги фарзандларига на-сиб этмаса, стти ёт одамлар қабрга қўйса-бу, умр бўйи экканини ўргани эмасми?

ОНА ДИЙДОРИ

Ироқ ва Озарбайжон юриши 3 ой давом этган эди. Бу муддатда Гавҳаршод Бегим Ҳиротда бўлиб, ўғли Муҳаммад Жўғий Мирзо волидаий мухтарамаси хизматида қолган (айни вақтда, пойтахтни идора қилиш) эди. Қаро Юсуфнинг вафоти ва унга қарашли бўлган мулкларнинг фатҳ этилиши хабари бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрга тарқалади. Ғалаба муждаси Улуғбек Мирзога ҳам етади. Шу йилнинг ёзида Мовароуннаҳр ҳукмдори ишлари ривожда эди. Соҳибқирон даврида тутқич бермаган Қамаруддиннинг ўғли Жаҳоншоҳ Самарқандга, Улуғбек Мирзо остонасига илтижо билан келади. Мўғулстондан амир Худойдоднинг ўғли Қул Муҳаммад ҳам Улуғбек Мирзодан мадад ва паноҳ истаб келади. Бу каби ташрифлар яхшилик аломати бўлиб, Улуғбек Мирзо ҳукуматининг нуфузини оширишга хизмат қиларди. Бундан ташқари, салтанатда осойишталик ҳукм суриши қўшнилари, итоатга олинган ҳудудлардаги ҳокимларнинг садоқати билан чамбарс боғлиқ эди. Улуғбек Мирзонинг бу жиҳатдан кўнгли тўқ эди.

Табризда отаси қучган зафар, Самарқандда ҳукм сураётган равнақ, Улуғбек Мирзони онасини кўришга, соғинчини ифода этишга даъват этади. Муаррих айтади: «Улуғбек Мирзо, «Жаннат оналар қадамлари остидадир», деган ҳадис буйруғига амал қилиб, бир неча кунни замона балқиси бўлмиш шуҳратли волидаси Гавҳаршод Оғо хизматида ўтказишни устади. Аммо Шаҳзода ўзи Мовароуннаҳрдан Ҳиротга келиши мушкул эканлиги туфайли, мадҳи улё Самарқандга келсин, деб илтимос қилди. Поклик паноҳидаги тахтиравон рабиъ ал-аввалнинг бошларида (16 март, 1420) йўлга тушди, Мирзо Муҳаммад Жўгий унга мулозим эди. Мирзо Улуғбек ул ҳазратнинг йўлга чиққанлигини эшитгач, унинг истиқболига юзланди ва Бухоро яқинида мулоқот саодати муяссар бўлиб, оёқ ўпиш шарафига етишди ва биргаликда доруссалтанна Самарқанд томон йўл олиб, рабиъ алохирнинг ўрталарида (28-29 апрел, 1420) жаннатмонанд Самарқандга келиб тушдилар. Ойнинг ўртасида Боғи Чинорда подшоҳона тўй ва хусравона зиёрат тўзилди ҳамда, бир неча кунни шод-хуррамлик билан ўтказилгач, Мирзо Улуғбек сақарлотлар (жундан тўқилган), қирмизий қатифалар ва бошқа нафис тўққиз-тўққизлар ортилган саф-саф хачир ва туялару тилла эгарли отларни соғга қилиб тортди. Сўнг мадҳи улё Хиросонга отланди ва Мирзо Улуғбек уни таъмизу эҳтиромлар билан Работи Ёмгача кузатиб боргач, ҳазрат волидасининг қистовига биноан орқага қайтди, Мирзо Муҳаммад Жўгий билан ҳам хайрлашиб, унга ҳам лутф-марҳаматлар кўрсатди ва волидаси билан ҳамроҳ қилиб жўнатди», деб ёзади.

Гавҳаршод Бегим бу вақтда 40-41, Мирзо Улуғбек эса 25-26 ёшларда эдилар. Мирзо Улуғбек отаси Шоҳруҳ Мирзо ўн етти ёшда эканлигида туғилган эди. Мовароуннаҳр расман Шоҳруҳ Мирзо номидан бошқарилар, пул зарби унинг номидан бўлар эди. Гавҳаршод Оғо қатъиятли малика ҳисобланарди. Шоҳруҳ

Мирзо, Соҳибқирон Биби Хонимни қандай иззатлаган бўлса, Гавҳаршод Оғони ҳам шу мақомга кўтарган эди. Маликанинг саройда обрўси катта, унинг номи билан кўп хайрли ишлар амалга оширилди. Кези келганда авф ҳам, амалларга сипориш ҳам Гавҳаршод Оғо иштирокисиз бўлмасди. Муаррих, Гавҳаршод Оғонинг ўғли Улутбек Мирзо Мовароуннаҳрни идора қила бошлаганининг ўн биринчи йилида Самарқандга келишини ўғилнинг соғинчи билан боғлайди. Биламизки, шу йилларда Улутбек Мирзо Ҳиротга икки бор сафар қилган. Орадаги борди-келдилар фақат йўл узоқлигига боғлиқ бўлиб қолмай, давлат хавфсизлиги тақозосига ҳам таалуқли эди. Бу сафар ҳам шундай ҳолат юз беради, онасини Самарқанд Жомига қадар кузатиб қайтган Улутбек Мирзо орадан 2 ой ўтказиб, Мўғулистонга юриш қарорини амалга оширади. Ришталар озгина салқин тортса, итоатдан чиқини, хирожни тўламаслик тайсаллашлари содир бўла бошларди. 1420 йилнинг июнь ойи охирларида Қаробулоққа етиб, амир Искандар, амир Ҳарий Малик ва амир Боязидлар илғор тариқида жўнатилади. Мўғул тараф қўшин келишидан дарак топади ва июл ойи бошларида Малик Ислонни юбориб, итоат издор қилади. Улутбек Мирзо қаноат билан Самарқандга қайтади.

Гавҳаршод Оғонинг Самарқанд сафари, фикримча, набираларнинг Ҳиротдами, Самарқанддами бўлиши муаммоларига ҳам тақалган бўлса керак. Мадҳи улёнинг ташрифидан кейин Улутбек Мирзонинг 7 ёшли қизалоғи Ҳасиба Султон Самарқанддан Ҳиротга олиб келинади. Ҳасиба Султон 1412 йилнинг 18 августида Ҳиротда, Боғи Зоғон қасрида туғилган эди. Ҳасиба Султоннинг келиши шарафига Ҳирот кўчалари безатилади, томошалар уюштирилади.

Шоҳруҳ Мирзо ўз уруғи – аймоғига, айниқса, хотин-қиз қариндошларига жуда эътиборли эди. Вақтида акаси Амироншоҳ Мирзо ва унинг ўғли Абу Бакр Мирзолар Қаро Юсуф туркман билан муҳолифатчи-

лик қилиб, жанг қилган пайтларида, Абу Бакр Мирзонинг бир қизи канизаклар билан амир Қаро Юсуфнинг қўлига тушган эди. Амир Қаро Юсуф бу қизалоқ катта бўлгунча тутиб туради ва ўз никоҳига олади. Қаро Юсуф ўлимидан кейин, Шоҳруҳ Мирзо Қорабоғда қишлоқ қилиб турганида, Абу Бакр Мирзонинг қизи амакиси олдига паноҳ истаб келади. Ширвон амирзодаси шаҳзода Халилulloҳ Шоҳруҳ Мирзога садоқат билан хизмат қилиб, назарга тушган эди. Маслаҳат шунга қарор топади, чоғи, Абу Бакр Мирзонинг қизи амир Халилulloҳга ақд қилиниб, узатилади

Амир Халилulloҳ тўй тайёргарлигига киришади, унинг онаси шу пайтда Ширвондан Шоҳруҳ Мирзо ўрдусига етиб келиб, расм-русумлар адосига киришади. Қароқўмак деган манзилда 1421 йилнинг 4 апрелида тўй бўлиб ўтади. Амир Халилulloҳга катта иноят кўрсатилади, у иккинчи Ширвоншоҳ даражасига кўтарилади.

Шоҳруҳ Мирзо шу сафариди Қаро Юсуф туркманнинг ўч олишга қасд қилиб, сон-саноқсиз лашкарни ҳужумга бошлаган ўғилларини ҳам мағлуб этиб, Мовароуннаҳр, Туркистон, Хуросон, Зобул ва Кобул, Сеистон, Ҳиндистон, Мозандарон, Форс, Ироқ мулклариди ҳукмронлигини мустаҳкамлаган эди. Ғалаба нусрати ёр бўлганлиги хушхабари Мовароуннаҳрда ҳам акс-садо бериб, шодмонликка сабаб бўлади. Отасини музаффарият билан қутлаш учун Улуғбек Мирзо Ҳиротга йўл олади. Унга Самарқанднинг улуғларидан шайхулислом Ҳожа Исомиддин ва Ҳожа Низомиддин, Ҳожа Абул Фазл ва Ҳожа Абул Лайслар ҳамроҳ бўлдилар. 1422 йилнинг 3 мартда Мовароуннаҳрлик олиймақом меҳмонлар Ҳиротга етиб келади. Акаси ташрифидан хабар топган Бойсунғур Мирзо ҳам тезликда Тус ва Машҳад вилояти томонидан қайтиб келади ва укалар дийдорлашиб, хурсандликда суҳбат қурадилар. Улуғбек Мирзо отаси ғалабаси шарафига катта тўй беради, саркардалар, амирлар ва сипоҳларга мўл-кўл инъомлар туҳфа қилади.

Улуғбек Мирзо шу келишида 2 ой Ҳиротда муқим туради. олимлар, алломалар ва шоирлар билан учрашади, Самарқанддан бу ерга келиб ўтроқлашган дусту ёронларини кўради. Ижозати олий бўлгач, Самарқандга қайтади. Давлат аркони қудрат касб эта боргани сари, Ҳирот-Самарқанд алоқалари ҳам кучая боради, олий мақомдаги ташрифлар тез-тез амалга оша бошлайди. Ёғийлар салтанатнинг гоҳ у четидан, гоҳ бу четидан бош кўратиб, мулкларни бўлиб олиш пайида бўлган йилларда борди-келдилар деярли тўхтаб қолган, ташрифлар кўшин тортиш кўринишида бўлар эди. Дориломон йилларда Ҳиротда ҳам, Самарқандда ҳам улуғ хонадонда кўпайишлар кузатилади. 1421 йил 13 январда Улуғбек Мирзонинг Абдурахмон деган ўғли дунёга келади. Ҳиротга Бойсунғур Мирзонинг Мирзо Муҳаммад Қосим (19 август, 1422) исми фарзанди туғилади.

Бошқа давлатлар билан муносабатлар ҳам яхшилана боради. Хитойдан кўп бора элчилар келгани каби, Шоҳруҳ Мирзо ҳам Чин мамлакатига ўз элчиларини юбора бошлаган эди. 1419 йилда Шоди Ҳожа бошчилигида Хитойга элчилар жўнатиладиган, улар орадан 3 йил ўтиб, 1422 йилнинг 29 августида Ҳиротга қайтиб келадилар. Шоҳруҳ Мирзо элчилари Хитойга кўп софга-саломлар олиб боришган. Шу тухфалар орасида Соҳибқирон Амир Темурнинг оти ҳам бўлган. Хитой подшоҳи отни овга миниб борганида, у тўлаб подшоҳни устидан улоқтириб ташлайди. Подшоҳ элчилар бошлиғи Шоди Ҳожага «сен келтирган от, мен уни ов вақтида минган эдим, гоҳта қарилигидан мени улоқтириб ташлади. Менинг қўлим огрияпти, кўкариб кетди, дори суртган эдим, алами бир оз таскин топди», деб таъна қилади. Шоди Ҳожа узр айтгандек бўлиб, «*Бу от улуғ амир ҳазратлари Темур кўрагондан ёдгор қолган, Шоҳруҳ жаноблари гоҳтада ҳурмат кўрсатиб, бу от сизнинг улусингизда отларнинг саромади бўлар, деган умид билан юбордилар*», деб арзга ет-

казди. Бу гап подшоҳга ёқиб тушди ва таҳсин айтди». Муаррих Абдураззоқ Самарқандий «Матла»сидан келтирилган бу сўзларнинг тарихий қиммати беқиёс. Соҳибқирон вафотидан кейин ўтган 14 йил давомида у зотнинг ашёлари кўз қорачиғидай авайлаб-асралганлигини шу далил орқали тасаввур қилиш мумкин. Халил Султон, Соҳибқиронга тегишли булган норорани парчалаб ташламаганда, ким билсин, у бугун биздами ё бошқа давлатдами, ишқилиб, бирор музейда турган бўлур эди. Хитой подшоҳининг отининг Амир Темур ҳазратларига тегишли эканини билганидан сўнг, элчиларни жазолаш ўрнига, мурувват кўрсатганлиги ҳам Соҳибқироннинг ҳамон сўнмаган қудратидан, ҳурматидан зўр далолат дегуликдир.

ХОНАДОНГА САДОҚАТ

Соҳибқирон Амир Темур тарихларида унинг сафдошлари номма-ном келтирилади. Уларнинг кўпчилиги Темурбек билан ёнма-ён туриб, Мовароуннаҳрни мўғуллар зулмидан халос қилишда фидоийлик кўрсатганлар, жон бериб-жон олганлар. Энг содиқлари оғир дамларда ҳам у билан бирга бўлган, вақтинча тоғу тошларда, горларда, ўзга юртларда яшаб, ёвга қарши куч тўплаганлар. Ватанни мўғул босқинчиларидан озод қилиш истаги уларни Соҳибқирон атрофида бирлаштирган. Ҳокимият талашувлари, ўзимбўлайчилик баъзида бир маррада туриб курашган ватанпарварлар сафларини сийраклаштирган, худбинлик, нафс балоси бир тарафга, эл-улус манфаати иккинчи томонга ажралиб қолган ҳоллар кўп бўлган. Амир Ҳусайн ҳам дастлаб қўлда қилич билан мўғулларга қарши жанг қилган, бироқ ҳокимият ҳавоси уни ўзгартириб, оёғи тагини кўролмайдиган ҳукмдорга айлантиради, икки дўст, қайноға ва куёв қарашлари икки қутбга ажралиб, бири айшу ишрат, бойликка ружу қўяди, Ватан тақдирини учун ҳаёт-мамот кураши уни қизиқтирмай

қўяди. Иккинчиси эса энг оғир, машаққатли вақтларда ҳам, неча ўлимдан омон қолиб, юртнинг даҳо халоскорига айланади. Темурбек тарафида доим уни қувватловчилар бўлган. Мовароуннаҳрнинг таниқли амирлари, беклари, руҳонийлари, саркардалари, энг муҳими, оддий халқ – райят вакиллари бўлган сипоҳийлар, навкарлар Соҳибқирон раҳбарлиги остида, ўлимни бўйнига олиб, кураш майдонига кирганлар, унга қаттиқ ишонганлар, қаттиқ борланиб қўлга қилич олганлар.

ТоМУҚА ҚОВЧИН оддий ва танги йигитлардан бўлган, 1360–61 йилларда Темурбек мўғуллар таъқибидан Моҳон томон кетганида ва назиятни билиш учун қайтганида (Ўлжой Туркон Оғони Бухорзиндон қишлоғида қолдириб), унинг келганидан хабар топган ТоМУҚА ҚОВЧИН ўн беш йигитни бошлаб Темурбек ҳузурига, хизматга келади. Темурбек шу йигитлар билан Ҳузорга қадар етиб боради. Улар ҳамкорлигида Самарқандга борган Темурбек опаси Қутлуғ Туркон Оғо уйида мўғул исковичларидан 48 кун яшириниб туради. Ордан бир қанча вақт ўтгандан кейин, анча куч тўпланган Темурбек ТоМУҚА ҚОВЧИННИ 300 кишига бош қилиб, Қаҳлак қишлоғига, маълумотлар йиғиб келиш учун юборади. Жайхундан Термиз кечуvidан ўтган ТоМУҚА Қаҳлакка етиб келади. Бу вақтда мўғул қўшини юртни талаб, харобага айлантириб қайтаётган бўлади. ТоМУКАНИНГ ИЎЛИ, иттифоқо, ўз қишлоғи устидан тушади. Қишлоқдошларини кўради, улар билан саломлашади, болалари ҳақида сўрайди. Улар, «болаларинг ва оиланг ҳаммаси яхши юришибди, соғ-саломат, улар ҳозир Ушмун (балким, Уйшундир – П.Р.) қишлоғида, бу ердан унча узоқ бўлмаган жойда яшаб турибдилар, уларни бориб кўрсанг бўларди», дейишади. ТоМУҚА, бош чайқагач, улар яна «ҳеч бўлмаса, бир соатга уйингга кир, ўғилларингни кўр», деб қистайдилар. У Темурбекни садоқат билан яхши кўрарди, шу сабабли, улар таклифини қабул қилолмай, «То Султонни Ҳазрий

(Темурбек – П.Р.) ўз аёли ва болаларини кўрмагунча, менинг ўз фарзандларим юзини кўришим инсофдан эмас», деб жавоб беради. У қўйилган топшириқни муваффақиятли адо этиб, қайтади.

Соҳибқироннинг мўғулларга қарши кураш тарихи аввалига таалуқди ана шу далилни Муиниддин Натанзий, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий ўз асарларида талқин этилганлар. Форс мамлакати фатҳ этилганда, 1396 йилда Томуқа Қовчин Язд шаҳрининг доруғаси бўлиб турган эди. Бундай мисоллар зикр этилган манбаларда исталганча топилади. Соҳибқирон садоқатли хизматни жуда қадрлаган. Фикримни яна бир салмоқди далил билан тўлдиришни жоиз деб билдим. Амир Фиёсиддин Шоҳ Малик Тархон исми шарифи сўз юритилаётган давр тарихларида Соҳибқироннинг етти йиллик юришлари талқинида кўп учрайди. Унинг исмига, айрим манбаларда, «тархон», «барлос» деган нисбалар ҳам қўшилганлигини учратдим. Тархонлик алоҳида хизмат кўрсатган шахсларга бутун авлодига таалуқ қилиб бериладиган юксак унвон бўлган, қишлоқлар, мулклар суюрғол этилган, олиқсолиқлар тўланмаган ва ҳоказо. Ўша даврнинг қаҳрамонларигина тархонлик унвони билан сийланган, барлос нисбаси, уруғ, қавмга тегишлиликни ифода этади. Амир Шоҳ Малик ҳам келиб чиқиши, авлоди жиҳатидан Кеш барлосларидан бўлган, деб тахмин қилиш мумкин.

«Матла» асарининг муаллифи Абдураззоқ Самарқандий амир Шоҳ Малик ҳақида шундай деб ёзади: *«У тадбиркор улуг амир эди ва ҳазрат Соҳибқироннинг замонида яхши хизматлар кўрсатиб, олий даража ва мансабга эришган эди. Онҳазрат Темур унинг пешонасида бахту омад асарлари ва саодату бахтиёрлик нурларини мушоҳада этгач, уни тарбиялашга майл кўрсатган эди. У, ҳануз ёш йигит эканлигига қарамай, унга нисбатан кўрсатилган иноят асоси шундай эдики, бир кунди Онҳазрат Темур уни*

хос хилватга чақириб буюрди: «Амирлар фалон подшоҳнинг қонидан ўтишимни сўрадилар, мен уларнинг сўзларига қулоқ солмадим, улар бунга яна арзга етказдилар, мен эса ман қиламан. Сен шундай қилишинг керак: мен уларнинг сўзига қулоқ солмай турган вақтимда сен далирона тиз чўкиб илтимос қиласан, мен сенга ўшқираман, сен ўрнингдан туриб орқага чекинасану, аммо яни шу ҳақда сўз очилганда қўрқмасдан олдинга чиқиб тиз чўкасан». Шундай қилиб амир Шоҳ Малик бир неча бор тиз чўкиб, илтижо қилгач. Онҳазрат», «Амирлар менга айтган бу сўзларга мен илтифот кўргазмаган эдим, энди. агар бу гўдакнинг сўзини тингламасам, дили оғрийди ва ўз тенгқурлари орасида шарманда бўлади», – деди ва унинг талаб-илтимосини қабул қилди. Шу тарзда Онҳазрат Темур уни кундан-кунга тарбият қилиб борди ва у охири амирликнинг олий даражасига кўтарилди. Онҳазрат Темурнинг унга нисбатан инояти шу даражада эдики, у: «Қайси бир мамлакат фатҳ қилинса ва у мамлакатдаги қайси бир қишлоқни Шоҳ Малик ихтиёр қилса, у қишлоқ унинг суюрголи бўлади», – деб буюрган эди. Ҳаёти муддатида унинг суюрголи узлуксиз кўпайиб борди. Шоҳ Малик ўзига тегишли мулкларда мадрасалар, хонақоҳлар, масжидлар, рабоблар ва ҳовузлардан иборат кўп хайрли иморат қурилишларини ёдгор қолдирди».

Ғиёсиддин Шоҳ Малик, фикримча, жангу жадалларда Соҳибқирон назарига тушган. Етти йиллик юриш йилномаларида Шоҳ Маликнинг фаол иштироки мунтазам тарзда зикр этилади. Низомиддин Шомий «Зафарнома»сини варақлаб кўрайлик. Авник, Арзирум ва Кўхистоннинг бўйсундирилиши ва итоатга олинишида Шоҳ Малик ўзини кўрсатади. Мулғуту мавзесидан ўтиб, Хизр Ҳожа ўғлон билан қилинган жангда ғолиблик муяссар бўлади. Шоҳ Малик Тархон (Шомий 1390–1391 йил воқеаларига тўхтаётганида

уни «тархон» деб тилга олади) Никоту мавзесида Амир Темур ҳазратларига галаба муждасини етказди. 1391 йилда Соҳибқирон Дашти Қипчоққа, Тўхтамишхон устига юриш қилади. Тўхтамишхонга қарши курашда Шоҳ Малик мардларча жанг қилади, Шомий айтади: *«Кимда-ким у кунни бирор жанговорлик ҳунарини кўрсатган ёки мардлик йўлига қадам қўйган бўлса, Амир Соҳибқирон уни тарбият қилиб, кўнглини кўтарди, унга тархонлик нишонини берди ҳамда уларни ўз ҳузурига киришда ҳеч ким ман қилмасин, уларни ва фарзандларини тўққиз гуноҳ содир бўлмагунича сўроқ қилинмасин ва отларидан улов учун олинмасин, барча фавқулодда йигин-таклифлардан мутлақо озод қилинсин, деб буюрди. Шоҳ Маликнинг мартабасини кўтариб, унга парвоначи мансабининг хос муҳрини топширди. Унинг яқинлари ва қариндошларини ҳам тарбият қилиб, ўз иноят ва марҳаматига мушарраф этди ва унга вазирлик тўнини кийгизди».*

Шу жангга қадар озчилик билиб, кўпчилик танимаган сипоҳий йигит хизмати юксак қадрланади. Парвоначилик, тархонлик, вазирлик, бунинг устига қариндош уруғларига кўрсатилган иноят – булар Соҳибқироннинг адолатидан, буюк давлат арбоблигидан навбатдаги мисоллар эди. Хизмат ва унинг рағбати мунтазам ва муттасил тарзда олиб борилган. Соҳибқирон армиясидаги қаттиқ интизом, юксак жанговорлик моддий ва маънавий рағбатга жуда-жуда боғлиқ эди. Тикрит қалъасининг олиниши, Қатур учун бўлган жанглар қанчалик оғир ва тоғли жойларда кечмасин, Шоҳ Малик сипоҳлари ҳамиша ўзларини кўрсатадилар. Қатурнинг талончи, ярим ёввойи жангарилари тунда Шоҳ Малик қўналғасига ҳужум қиладилар. Амир Темур ҳазратларининг «ғайрати тутиб, – дейди Шомий, – улар томонга йўналди ва бир ҳамладаёқ ролиб келди». Бу мисол Соҳибқироннинг Шоҳ Маликни қанчалик яхши кўришидан бир далил, десам бўлади. Ҳиндистоннинг фатҳ этилишида ҳам амир Шоҳ Малик-

нинг мардлиги ва жасурлиги кўп бора намоён бўлади. Кўхна Деҳли Шоҳ Малик бошчилигидаги беш юз сипоҳий томонидан қўлга киритилади.

Миср, Дамашқ ва Рум фатҳида ҳам амир Шоҳ Маликка лашкарнинг сара қисмлари ишониб топширилади. Шундай кунлар бўладикки, Соҳибқирон лашкарлари бир йўла учта қалъани қўлга киритадилар. Тартум, Биртис қалъалари ниҳоятда мустаҳкам, баланд тоғда қурилган истехкомлар бўлган. Шу жангларнинг бевосита иштирокчиси Низомиддин Шомийнинг шоходатига кўра, Биртис қалъасини фатҳ этишда катта масъулият амир Шоҳ Маликнинг зиммасига тушади. Шомий бу тўғрида, «Амир Соҳибқирон амирларга қалъа айланасининг ҳар тарафидан ўраб олишни буюрди. Қалъанинг бир дарвозаси бор эдики, у ўз ҳолига яна иккинчи қалъа эди. Чунончи, донишманд кишилар ақли уни олишни тасаввур қилишдан ҳам ожиз, донолар фикри уни эгаллашга қисқалик қилар эди. Амир Соҳибқирон у дарвозани амирзода Шоҳ Малик баҳодирнинг уҳдасига топширди ва у қалъа рўбарўсида ғоятда мустаҳкам бир қалъа қуришни буюрди. Бошқа амирларга эса икки ёнда яна икки қалъа кўтаришни топширди, токи агар қалъани олиш узоққа чўзилса, баҳодирлар вақт ўтиши билан ганимларни тангликка туширгунларича шу қалъада турадилар, деди. Амир Шоҳ Малик давлат қувватининг қўллови ва Амир Соҳибқирон иноятининг баракоти билан уч кун муддатда шундай бир қалъа қурдики, унда уч минг одам туриши мумкин эди», деган сўзларни қониқиш ва ифтихор билан ёзади.

Амир Шоҳ Маликнинг Рум юришидаги жасорати ҳақида Шарафиддин Али Яздий ҳам қизиқарли далиллар келтирган. Йилдирим Боязидга қарши бошланган юришда Соҳибқирон қўшинлари Қиршаҳрга яқинлашиб келадилар. Даракчилар шу яқин орада Йилдирим Боязид лашкарлари қораси кўринаётганлиги хабари олиб келадилар. Қўшинларга ҳамма томон бўйлаб

ёвга қарши бориш амри фармони бўлади. Ҳар тўхталган жойда чоҳлар қазилади. Амир Темур ҳазратлари амир Шоҳ Маликни минг киши билан «тил» олиб келишга жўнатади. Шоҳ Малик отлиқлари тунда йўлга чиқиб, Йилдирим Боязид армияси қўнган ҳудудга яқинлашиб келади. Душман лашкарида қоровул алмашадиган пайт булар яширинган жойларидан чиқиб, уларга ташланадилар, ўртада қаттиқ олишув юз беради. Йилдирим Амир Темурнинг бир гуруҳ ботир сипоҳийлари илғор қилиб келганлигини эшитиб, қаттиқ таъсирланади. Бу ҳол унинг шаънига соя ташланганидан хафа бўлади. Йилдирим жойидан қўзғалиб, Қиршаҳр тарафга тонг пайти йўл олади. Амир Шоҳ Малик Рум Қайсарига қарши олиб борилган жангларда доим Султон Маҳмудхон билан бир сафда бўлган. Султон Маҳмудхон Соҳибқирон томонидан номига қўйилган Чигатой хонлари авлодидан бўлган киши эди. Шу орада у Йилдирим Боязидни қўлга олади. Орадан қўп вақт ўтмай ўзи ҳам бандаликни бажо келтиради. Йилдирим Боязидни таъқиб қилган Султон Маҳмуд гуруҳи сафида амир Шоҳ Малик ҳам бор эди.

Олдинги қисмда Соҳибқирон Амир Темурнинг Хитойга қилган юриши ва вафоти ҳақида фикр юритилганда, амир Шоҳ Маликнинг Соҳибқирон васиятини бажариш учун қилган саъй-ҳаракатлари ҳақида батафсил гапирилди. Икки атоқли вазир амир Шоҳ Малик ва Шайх Нуриддиннинг ҳукмдор ўлиmidан кейинги хатти-ҳаракатлари, бирининг хонадонга метин садоқати, иккинчисининг ҳокимият илинжида хоинлик йўлини танлаши манбалар асосида кўрсатилди. Айниқса, Шайх Нуриддиннинг ўлдирилиши, Туман Оғонинг Ҳиротга, Шоҳруҳ Мирзо хузурига қайтарилиши, Самарқандда Улуғбек Мирзонинг Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлиши ва амир Шоҳ Маликнинг унга Оталиқ бек этиб тайинланиши Яздий «Зафарнома»си асосида ҳикоя қилинди ва уларни ортиқ такрорлашга ҳожат йўқ. Бу ўринда фақат Фасиҳ Хавофийнинг

«Мужмал»идан айрим чизгиларни қўшимча қилишни мақбул кўрдим. Асарда, Соҳибқирон Ўтрорда қишлаб турганида унинг ёнида амир Шоҳ Малик, Шайх Нуриддин ва амир Ҳожа Юсуфдан бошқа хос кишилар бўлмаганлиги айтилади. Саркардалар, қўшин билан бўлган улуғ кишилар ҳаммаси – бир қисми Дашти Қипчоқда, яна бир бўлаги Тошкентда қиш чиқишини кутиб турганлар. Бу ҳам Соҳибқироннинг амир Шоҳ Маликни ниҳоят даражада ўзига яқин олганлигини тасдиқ этади. Шундай мурувват Шайх Нуриддинга ҳам раво қўрилган. Соҳибқироннинг ўнг ва сўл томонида тиз букиб ўтирадиган бу икки вазири аъзам, орадан ҳеч вақт ўтмай, бири хонадоннинг ҳақиқий ҳимоячисига, униси эса ашаддий душманига айланади, ҳатто Соҳибқироннинг ҳарамига кўз ола қилади, деб ким уйлаган эди? Одамни англаш, барибир, қийин иш экан. Шайх Нуриддин имкон келиши билан ўзини ҳокимиятга урди, ўйловсизлик ва бесабрлик қилди – ўзини муқаррар тифга урди, ажалидан бурун ўлдирилди. Амир Шоҳ Малик эса эътиқоидида содиқ қолди, хонадонга бўлган меҳр-муҳаббатини на хазинага, на юксак амалларга алмаштирмади, аксинча, қўлига шамшир олиб, Соҳибқирон васиятини ҳимоя қилишга, тожу тахтнинг қонуний эгаларига тегишли йўл очиш учун курашди. У тўғри йўл тутган эди. Садоқат, метин ирода уни юксакликка кўтарди. Шоҳруҳ Мирзо даврида Хоразмни бошқарди. Хоразмшоҳ деб улуғланди. Ҳатто, Ҳусайн ва Юсуф Сўфилар ҳам Хоразмни идора қилиб турганларида Хоразмшоҳ деб аталмаган эди.

Амир Шоҳ Малик жуда тўғри сўз бўлган. «Матла»да келтирилишича, Улуғбек Мирзо ўзининг оталиқ беги дан – амир Шоҳ Маликдан аразлаган, ундан хафа бўлган. Орага тушган бу совуқлик 1411–1412 йиллар теграсида юз беради. Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига «Мирзо Улуғбекнинг навқари Малик ясовул келиб, Мирзо Улуғбек билан амир Шоҳ Малик орасида бир қудурат мавжуд эканлигини арзга етказди, – дейилади. «Матлаи

саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида, – амир Саййид Али тархонни хабарни текшириб аниқлаш учун Самарқандга жўнатдилар. Амир Саййид Али аҳволни суриштириб кўриб билдики, Онҳазрат (Шоҳруҳ Мирзо - П.Р.) амир Шоҳ Маликка иноят кўрсатиб, Мовароуннаҳр мулкларига соҳиб ихтиёр қилиб тайинлаганидан буён амир Шоҳ Малик барча ишларни кўпчилик раъйига мувофиқ, тўғри фикр ва ўткир назар билан тартибга солган, Мирзо Улуғбекка нисбатан эса панд-насиҳат қилиш ва давлатхоҳлик кўрсатиш мақомида экан. Аммо кўпчилик табиатига, хусусан подшоҳларга, насиҳат аччиқ туюлади, чунки улар ҳамма вақт тириклик таъмини ўзлари учун ширин ва мазали бўлишини истайдилар ва бутун оламни ўзларидан паст деб биладилар. Агар амир Шоҳ Малик бирор маслаҳатга биноан Шаҳзоданинг раъйига хилоф иш қилгудек бўлса, ғаразли кишилар уни бетартиблик ва бемулоҳазаликка йўйиб, бошқа бир суратда кўрсатадилар. Насиҳат адоватга сабаб бўлиб чиқишини олдиндан қандай гумон қилиш мумкин?!»

Бу низонинг оқибати амир Шоҳ Маликнинг Хоразмга кетиши билан якун топади. Хоразмда бу пайтларда яна ғулу қўпган. вилоят қўлдан чиқиш ҳолига келиб қолганди. Амир Шоҳ Малик Хоразмда ишларни қўлга олади, адолатни қарор топдиради ва 1413 йилнинг апрелида Ҳиротга қайтиб келади. Шундан кейин кўп ўтмай, Шоҳруҳ Мирзо Хоразм ҳукуматини бошқаришни амир Шоҳ Малик зиммасига юклайди. Улуғбек Мирзо ва Шоҳ Малик ўртасидаги ихтилоф, муаррих айтгани каби, ўртадаги ғаразли кишиларнинг иши, тезлашлари оқибати эди. Қачонки, амир Шоҳ Малик Хоразмни идора қила бошлаганидан кейин, бу низо ўз-ўзидан барҳам топиб кетган. Шу воқеадан кейин орадан тўрт йил ўтиб, Улуғбек Мирзо Ҳиротга келганида, Хоразмдан ташриф буюрган Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо ва амир Шоҳ Малик шарафига катта тўй беради. Бу, энди, устозга, Оталиқ бекка ҳурмат ва,

айни вақтда, хатони тан олиш, дегани ҳам эди. Шоҳруҳ Мирзо 1420 йилда Ироқ ва Озарбайжонга юриш қилганида Улуғбек Мирзо Мовароуннаҳрдан ўн минг отлиқ қўшин билан кўмакка келади, амир Шоҳ Малик ҳам Хоразмдан катта лашкарни бошлаб Хиротга қадам қўяди. Бу юришнинг қандай яқун топганлиги, Қаро Юсуфнинг фоний дунёдан адам бўлганлиги тўғрисида аввалроқда сўзлаб ўтдим. Қаро Юсуф билан тўқнашувдан олдин амир Шоҳ Малик ўз номидан унга Поянда исми бир навкарини Қаро Юсуф олдига юбориб, оқилона насиҳат қилади. Унга, жумладан, Ироқ ва Озарбайжонда ҳукумат қилиш учун Шоҳруҳ Мирзога Султония ва Қазвинни тинч йўл билан топшириш шарти қўйилган эди. Қаро Юсуф бу шуҳратли амир гапини олмайди ва юборган элчисини Табризда ҳибсга олади. Қаро Юсуф билан уруш муқаррар бўлиб, Шоҳруҳ Мирзонинг ҳисобсиз лашкари Рай шаҳри яқинида турганида, Қаро Юсуф тўсатдан ҳаётдан кўз юмади. «Матла» муаллифи бу ҳақда, «Қаро Юсуфнинг вафоти воқеаси Ужон атрофида юз берганлигига қарамай, туркмонлар шунчалик саросимага тушдиларки, мурдани чодирда қолдириб, қочиш йўлини чангитдилар, кишилардан баъзилари чодирни горат қилиб, майитнинг кийимларини эғнидан ечдилар ва унинг қулоғини тилло ҳалқаси билан қўшиб кесиб олдилар. Бу воқеа пайшанба куни еттинчи зулқаъдада (13 ноябр, 1420) содир бўлган эди. Жума куни, ойнинг саккизинчисида (14 ноябр, 1420) Сейди Муҳаммад Кажужоний ва Табризнинг бошқа ақобирлари амир Шоҳ Маликнинг навқари Пояндани ҳибсдан озод қилиб, узрхоҳлик билдирдилар». Энди, муҳтарам ўқувчим, солиштиринг: Амир Темур ва Шоҳ Малик қаёқда-ю, Қаро Юсуф ва унинг ёнидаги кечаги «садоқатли» кимсалар қаёқда? Амир Шоҳ Малик ҳам Соҳибқирон Ўтторда вафот этганда унинг ҳузурида эди, ҳукмдор жон таслим қилганда маликалар, шаҳзодалар билан кенгаш қурган ҳам у эди. Соҳибқирон жасадини олис

йўлдан уринтирмай олиб келган кишилар гуруҳини ҳам доим назоратда тутган у эди. Булар-чи? Куни кеча Қаро Юсуф деса ерга пешонасини тирайдиганлар, унинг жасадини саришта қилиш у ёққа турсин, устидаги кийимлари ва қулоғини ҳалқасига қушиб кесиб олиб кетадилар. Ана ҳамият, ана қадрият.

Амир Шоҳ Малик донғи кетган амир эди. У 1426 йилнинг 21 январи куни вафот этади ва Машҳад шаҳрида дафн этилади. Машҳадда унинг мулклари, вақфлари, экинзорлари бўлган. Чамаси, ўзининг васиятига кўра, хоки шу жойга олиб борилган. «Матла» муаллифи ёзади: «*Ҳазрат хоқони саъид (Шоҳруҳ Мирзо – П.Р.) ҳам унга нисбатан шундай бир меҳрибонлик кўрсатар эдики, ҳатто, Хоразм вилоятини унга дарбаста (тамомила боғлиқ қилиш) суюрғол қилиб тайинлади ва у Хоразм мулкида осойишта ҳаётни шу даражага етказдики, дунё саркашлари ҳам Ўзбек вилоятларию Дашти Қипчоқ мутакаббирларини эл қилиб итоатга келтирди. Ҳазрат хоқони саъид Сарахс вилоятида эканлигида марҳум амирнинг ҳақ раҳматига етишганлигини хабарини эшитди. Онҳазрат унинг дунёдан ўтганлигига кўп қайғуриб, маъюсу маъзун бўлди. Шоҳ Маликнинг хотини ва ўғли Иброҳим Султонлар қора либослар кийиб, ҳазрат Имомнинг қабри ёнига, Шоҳ Маликнинг ўзи қурдирган мақбарага дафн қилдилар. Онҳазрат амир Шоҳ Маликнинг суюрғоли бўлган Хоразмни идора қилиши унинг фарзанди Иброҳим Султонга иноят қилди».*

Амир Шоҳ Малик, маълум бўладикки, Машҳадда, улур имом Али ибн Мусо Ризо даҳмаси ёнида ўзи қурдирган мақбарага дафн этилган. Амир Шоҳ Маликнинг хотини исми шарифаси Хонд Оғо бўлганлиги манбаларда зикр этилади. Ўғли исмини эса «Матла»дагидан фарқли ўлароқ, Фасиҳ Хавофий тўлиқ келтириб, Носириддин Султон Иброҳим деб кўрсатади.

Амир Шоҳ Малик Мовароуннаҳрда ҳам қурилишларга бош-қош бўлган. Бу ҳақда В. В. Бартольд «Ра-

шоҳот» асарига асосланиб, «Самарқанддаги мадраса қурилишида Улуғбекнинг васийи амир Шоҳ Малик бошчилик қилган», деб ёзади.

Хоразмда амир Шоҳ Малик асос солган сулола 1468 йилга қадар ҳукм суради. Носириддин Иброҳим Султондан Нур Саидбек дунёга келади. Нур Саидбек ҳам сиёсий ҳаётга эрта аралашади. Отаси ва бобоси сингари Шоҳруҳийлар саройида, шахзода Муҳаммад Жўғий хизматида бўлади. Самарқанд ҳукмдори Абу Саид Мирзо тарафида туриб, Хуросон ҳокимияти учун олиб борилган жангларда иштирок этади. Нур Саидбек Абу Саид Мирзо Ҳирот тахтини эгаллаганидан кейин, отаси Амир Шоҳ Малик мансабига – Хоразмни идора қилишга жўнатилади. У бу жойда бир неча йил давомида яхши ҳокимлик қилади. Нур Саидбекнинг ўғли Муҳаммад Солиҳ шоир бўлиб етишади. Унинг «Шайбонийнома» деган достони бор. Муҳаммад Солиҳ икки сулола – Темурийлар ва Шайбонийлар тожу тахт учун курашни авж олдирган маҳалда яшаб ижод қилади. Унинг отаси Нур Саидбек Хоразмда 1468 йилда Ҳусайн Бойқароннинг талон-торожига йўл қўйганлиги, уни вилоятга киритганлиги учун, ҳужумни қайтара олмаган ҳоким сифатида Абу Саид Мирзо томонидан Ҳиротга чақириб олинган ва гуноҳи бир сира кечирилган. Абу Саид Мирзо обрўдан тушган Нур Саидбекка Маряда яшашига ижозат беради. Бироқ, орадан кўп ўтмай у қатл этилади. Ёш Муҳаммад Солиҳнинг ана шу вазҳдан Темурийларда ўчи бўлган. Қачонки, Темурийларга қарши ганим сулола Шайбонийлар кураш майдонига чиққач, Муҳаммад Солиҳ улар томонига ўтади ва Муҳаммад Шайбонийнинг Мовароуннаҳр ва Хуросон учун олиб борган курашларида қатнашади. «Шайбонийнома» бошдан-оёқ Темурийларни танқид қилиш, Шайбонийларни эса улуғлашдан иборат мазмун-моҳиятга эга. Асарнинг қиммати – унда ҳокимият талашлари ва унинг жабрини эл кўриши акс этганлигида, дейиш ўринли бўлади. Темурийларнинг ўзаро

қирпичоқ бўлганлиги, аввалги жипслик, қудрат бой берилганлиги, оқибатда, иккинчи туркий сулола – Шайбонийлар юртни қонга ботириб, элни талаб, ҳокимиятга келганлиги ҳаққоний воқеалар талқини орқали очиб берилади. Бир сўз билан айтганда, Амир Шоҳ Маликдек умри бўйи Темурийларга садоқат билан хизмат қилган, бунинг орқасидан Хоразмшоҳ даражасига кўтарилган улуғ амир авлодидан унинг эътиқодларига қарама-қарши бўлган зурриёт етишганлиги жуда ажабланарлидир. Буни давр тақозоси, сулолалар алмашинуви билан изоҳлаб бўлмайди. Бунинг биргина шарҳи бор, у ҳам бўлса манфаат. Бу сўз биргина Муҳаммад Солиҳга тааллуқли бўлиб қолмай, Абу Саид Мирзога ҳам тўласинча тегишлидир. Абу Саид Шоҳруҳ Мирзо хонадонига нима кўргиликлар солмади, дейсиз. Ёши саксонни қоралаб қолган Гавҳаршод Бегимнинг бурдалаб ўлдирилиши олдида Нур Саидбекнинг қатли нима бўлибди. Амир Шоҳ Маликнинг Соҳибқирон давлати пойдорлиги учун курашлари Абу Саид Мирзо учун мутлақ аҳамиятсиз эди. Муҳаммад Солиҳдан ўпка-гина қилиш пировардида кечаги кунни унутишнинг оқибатлари бундан-да ёмонроқ бўлишини тасаввур этишга тўғри келади.

Муҳаммад Солиҳ, «Кўрмадим хайре Мирзолардин, тиладим ройи донолардин», дейди. Мирзолар – Темурийлар унинг боболарини унутиб бўлган эди. Шоҳруҳ Мирзо оламдан қайтгандан сўнг, Соҳибқирон сафдошларини эсга оладиган шахзодалар деярли йўқ эди. Шоҳруҳ Мирзо вафот этганда унинг бир ўғли – Улуғбек Мирзо ҳаёт эди, холос. Муҳаммад Солиҳ айтаётган, кўзда тутаётган «донолар» – Шайбонийлар ҳам у ўйлаган ҳукмдорлар бўлиб чиқмайди. «Хорлиқлар» билан ўсган, «зорлиқлар» билан озор кўриб, вояга етган Муҳаммад Солиҳ Шайбонийлар мисолида ўз элини, халқини талайдиган, қирадиган ҳукмдорларни кўради. Мақтовлар, мадҳлар замирида ҳақиқат манзаралари намоён этилади. Бу асар, яъни «Шайбоний»

нома» икки жондош-қондош сулоланинг Соҳибқирон Амир Темур жаҳоншумул қилган давлатни, улуғ салтанатни қандай барбод қилганлигини руин-рост гавдалантириши билан катта тарихий аҳамиятга эгадир.

Амир Шоҳ Малик қиссаси ана шундай. Биз унинг шахсида садоқатнинг мумтоз намоёнлигини кўрамиз. Ростини айтсам, ушбу асарни ёзиш жараёнида амир Шоҳ Маликка янада ҳурматим ошди. Унинг садоқатини олдиндан ҳам озми-кўпми билардим, бундан йигирма йилча бурун набираларимдан бирига Шоҳ Малик исмини қўйгандим. Садоқатга ҳайкал тикланадиган бўлса, Самарқанд майдонларидан бирининг саҳнида амир Шоҳ Маликка аталган шундай ёдгорлик қўйилиши аъло нур бўлур эди.

МАНГЛАЙДАГИ АЖИНЛАР

Ҳижрий 828 (1424) йилда Улуғбек Мирзо ўттиз ёшга тўлган, Мовароуннаҳр мулкларини идора қилаётганига ўн беш йил бўлаётганди. Бу пайтда давлатни бошқаришда етарли тажриба орттирган шаҳзода ўз мулклари муҳофазаси тақозосига кўра, қўшин тортиш, муҳораба қилиш бобида мустақил қарорлар қабул қила олади. Шундай юришлардан бири 1425 йилнинг 16 февралда Мўғулистонга нисбатан амалга оширилади. 1425 йилнинг 5 мартда Оқсув деган жойда бўлган тўқнашувда омад Улуғбек Мирзо лашкарига юз буради. Улар энди Қаромон улусларига томон лашкар тортадилар. Чу дарёсини кечиб ўтадилар. Юлдуз яйлоқидан ўтиб Қарши мавзеига келадилар. Бу жойда бир вақтлар Самарқандга олиб кетилмаган тош бор эди. Мирзо Улуғбек, муаррихнинг гувоҳлик беришича, «қош тошини арава ёрдамида доруссалтана Самарқандга етказиш учун икки минг чапдаст кишини шу мавзеда қолдирди. Бу тошни қадим подшоҳлар Хитой тарафдан бу ерда келтирган ва ҳазрат Соҳибқирон у тошни Мовароуннаҳрга кўчирмоқчи бўлиб, амир Жаҳонни

бир неча минг киши билан у ерга қолдирган, аммо улар тошни кўчириб келтиришдан ожиз қолиб, ҳазрат Соҳибқирон, «Нега у тошни келтирмадилар», деб таасуф билдирган эди. Сўнг, у жаноб Улуғбек Самарқанд томон қайтиб, яхшилиқ хабарини етказиш учун султонлар паноҳи бўлган даргоҳ Ҳиротга навкарлар жунатди».

Бу сўзлардан икки жиҳатга эътиборни қаратиш керак бўлади. Улуғбек Мирзо ўз юриши ва унинг натижалари тўғрисида Ҳиротни хабардор қилиши шарт бўлган. Бу – биринчиси, иккинчиси – Амир Темур ҳазратлари назари тушган, нима сабабдандир Мўғулистоннинг Қарши мавзесидан олиб келинмай қолган қош тошининг келтирилиши. Чамамда, Амир Темур ҳазратлари ворислари унинг ушалмай қолган армонларини бажо келтириш фикрида бўлганлар. Тошни олиб келиш ҳаракатидан, чамаси, Шоҳруҳ Мирзо ҳам хабардор бўлган. Гап Соҳибқирон марқадини бунёд қилиш билан боғлиқ бўлганлигини ҳис қилмаслик мумкин эмас. Олиб келинган нефрит тоши Соҳибқирон қабрига қўйилади.

Мўғулистон юришидан музаффар қайтган Улуғбек Мирзо шу йилнинг охирларида (октябр – ноябр, 1425) Ҳиротга, отаси Шоҳруҳ Мирзо мулозаматига келади. Мовароуннаҳр тахтининг соҳиби келиши шарафига бир неча кун тўйлар берилади. Шаҳзода ўз укаси Муҳаммад Жўғий ҳамроҳлигида 1425 йилнинг 9 ноябрида Ҳиротдан чиқиб, бир ҳафтада Самарқандга етиб келадилар.

Кобулни идора қилиб турган Шоҳруҳ Мирзонинг Маликат Огодан туғилган ўғли Суюрғотмиш Мирзо тўсатдан касалга чалинади ва жон таслим этади. Бу воқеа Газнин мулкида, Кобул шаҳрида 830 (1426) ҳижрийнинг 16 муҳаррамида воқе бўлади. Нохуш хабар Ҳиротга сафар ойининг бошида – 2 декабрда етиб келади. Ҳиротда улкан таъзия қарор топади, ҳамма қора либосга бурканади. Шоҳруҳ Мирзо ҳар қанча

қайғурмасин, одамларни қора киймасликка буюради. Фазнин мулклари Суюрғотмиш Мирзонинг ўғли Султон Масъуд ихтиёрига берилади.

Ғалати бир ҳол, кечаги тарих такрорланиб, тузқўр Тўхтамишлар бот-бот чиқиб турар экан. Улуғбек Мирзо билан ҳам шундай воқеа содир бўлган, десам, ажабланманг. «Матла»ни мутолаа қилиб, ўзим яна бунга ишонч ҳосил қилдим. 1420 йилда Олтин Ўрданинг собиқ ҳукмдори Ўрусхоннинг набираси Буроқхон Улуғбек Мирзо қошига паноҳ истаб келади. Улуғбек Мирзо унга ҳиммат кўрсатиб, бир вақтлар Соҳибқирон Тўхтамишни қандай тарбият қилган бўлса, бунга ҳам шундай имкониятлар яратиб, юртига жўнатади. Улус ҳукмдорлиги унинг қўлига ўтгач, ўзини кучли деб ҳис қила бошлаган Буроқхон 1424 йили Улуғбек мулкларига кўз олайтириб, сарҳадларига қадар босиб келади. Улуғбек Мирзога элчи юбориб, «Сизнинг тарбиятингиз шарофати билан ўз улусимни забт этдим ва энди сизнинг яқинингизга келиб, иноятингиздан умидворман», деган кинояли арзни айтдиради. Буроқхоннинг чегара ҳудудларига ижозатсиз келиши, «Сифноқ яйлоқи шарият ва урф бўйича менга тааллуқли, яъни менинг бобом Ўрусхон Сифноқда иморат қурган», деб юрганлиги жиҳатидан Улуғбек унга маъқул келадиган жавобни бермади», деб ёзади муаррих. Шу орада Сифноқдан, у жой ҳокими бўлган Арслонхожа тархондан, Буроқхоннинг навкарлари харобаликлар келтирмоқдалар, ўзларини ҳокими мутлақ ҳисоблаб, салтанат лофини урмоқдалар, деган хабар олинади.

Улуғбек Мирзо Буроқхонга қарши тадбир кўриш олдидан Ҳиротга режасини аён қилади. Гарчанд Шоҳруҳ Мирзо, «олам вайронагарчилигининг сабаби бўлмиш жанг ва хусуматдан Улуғбек Мирзони ман қилса ҳам, аммо бир лашкарни Мирзо Муҳаммад Жўгий байроғи остида Мовароуннаҳр томон боришга тайин қилди». Муҳаммад Жўгий Мирзо Самарқандга, акаси учун ёрдамга 1427 йилнинг 15 феввалида етиб

келади. У етиб келганда, Улуғбек Мирзо аллақачон Сирноқ томон жўнаб кетган бўлади. Ҳирот сипоҳи ҳам изидан бориб, тезда Самарқанд лашкарлари билан қўшилади. Таассуфки, бу мухорабада ака-укалар мағлубият аламини чекадилар. Улуғбек Мирзо қўшини сон жиҳатдан кўп бўлганига қарамай, Буроқхоннинг кутилмаганда бошлаган ҳужуми буларни шошириб қўяди. Лашкарда қочиш нишонлари содир бўла бошлайди. Буроқхон сипоҳийлари кўп ўлжалар оладилар. Бу ғалаба оқни оққа, қорани қорага ажратадиган айирғич вазифасини ўтайди. Мовароуннаҳр мамлакатада хавотир, тўс-тўполон кўтарилиб, ҳатто бир гуруҳ калтабин кишилар Самарқанднинг дарвозаларини беркитиб, Улуғбек ва Жўғий мирзоларни шаҳарга киритмасликни ўйлаб, қалъадорлик ҳам қилмоқни хаёл қиладилар. Лекин Самарқанднинг гапга етарманлари, кайвонилари у шум ниятларни бундай қабиҳликдан қайтариб қоладилар. Буроқ ўғлоннинг димоғи кўтарилиб, Мовароуннаҳр ва Туркистон шаҳар-қишлоқларини талон-торож қилишни, одамларни қийнашни ҳаддан оширади. Бу нохуш ишлар дарағи Ҳиротга, Шоҳруҳ Мирзо қулоғига ҳам етиб боради.

Энг ёмон воқеа шу йили Ҳиротда ҳам содир бўлади. Шоҳруҳ Мирзога суиқасд амалга оширилади. Муаррих Абдураззоқ Самарқандий бу ҳақда шундай ёзади: *«Онҳазрат ўз салтанат шавкатининг улуглиги ва хилофат мансабининг камолга етганлигига, яъни рубъи маскуннинг аксари ҳумоюн фармон остида эканлигига ва Чин чегараларидан Румнинг этакларигача, Туркистоннинг ниҳоятидан Ҳиндистоннинг поёнигача жаҳон бўйсунувчи фармонга итотда эканлигига қармай, ҳамиша ожизлик юзини ихлос ерига қўйиб, тилини зикру муножотга юритган эди. Онҳазрат тоат вазифалари ва ибодат шартларини бажаришига доимо бел боғлаган бўлиб, фарз ва суннатлар, вожибат ва мўстаҳабботларни яхши адо этиши унинг қўтли асар тириклигининг шиори*

эди... Жамоат (жума) кунларининг аксарида дорус-салтана Ҳиротдаги жоме масжидига таширф буюрар эди. Рабиъ ас-сонийнинг йигирма учинчисида (21 февраль, 1427) жума кунини, одат бўйича у ўз вужуди билан масжидни шарафли қилди ва, намозни тамомлаб, ташқарига чиқиш учун жойнамаздан турди. У ҳали масжид ичида юриб кетаётганида ногоҳ Мавлоно Фазлуллоҳ Астрободийнинг муридларидан Аҳмад Лур номли намадпўш бир шахс шикоятчи сифатида қўлига бир қогозни ушлаб яқин келди. Онҳазрат, «унинг сўзини маълум қилиб, арзга етказинглар», деган маънода мулозимлардан бирига ишорат қилди, бироқ беандиша Аҳмад Лур олдинга югурди ва сув қатрасидек ялтироқ пичоқни Онҳазратнинг қорнига урди... пичоқ кор қилмайди, заҳм кучли эмасди. У ярамас Лурни ҳам ўша жоме масжиди ичида ичкилар қатлга етказдилар. Жумладан, мўътабар кишилардан бўлган Манку қовчиннинг ўғли Али Султон, ўша ҳолатда, у шахсни қатлга етказаман, деб Онҳазратдан розилик сўради ва, рухсат олгач, аёвсиз тиз зарби билан уни ҳалок қилди. Бу воқеа юз бергандан кейин халойиқ дилидан фарёд кўтарилиб, фиғон осмонга туташиди. Шундай ҳолида бор эдики, Онҳазратнинг отга миниб вақтида ногорачилар ногорани уриб, секин-аста олдинга жилар эдилар. Бу гал ҳам ҳазрат хилофат жойнамаздан турганлиги хабари ногорачиларга етганида, улар одатда мувофиқ ногора чалишга бошланган эдилар, бироқ ногоҳ ногора садоси тўхтаб қолди. Нима ҳолат рўй берди, деб халойиқ орасига гулгула тушди. Халойиқ масжид томига югурди ва Онҳазрат отга минадиган айвон тепасида катта бир тўда йиғилди. Улуғ амирлар: амир Алоуддин Алика кўкалдош ва амир Жалолиддин Ферузшоҳлар масжиддан чиқиб отга миниб турганларида бу ҳол юз берган эди. Онҳазрат амир Жалолиддин Ферузшоҳни чақиртирди. Амир буткул изтиробга тушиб, отлиқ ҳолича масжидга кирди ва

у ҳолатни кўриб, димогидан ҳайрат дуди кўтарилди. Ҳазрат хоқони саъид тахтиравонга ўтирмоқчи бўлган эди, амир Ферузшоҳ, «агар Онҳазрат тахтиравонга ўтириб йўлга чиқсалар, катта бир фитна кўтарилади ва кишилар, Худо кўрсатмасин, Онҳазратнинг тирик-тирикмаслиги борасида тараддудга тушадилар», деди. Ҳазрат хоқони саъид бахту саодат билан отга минди ва ногораларни ҳайбат билан шавкат билан чалдириб, бозорнинг тўғри йўли билан Боги Зоғонга келиб тушди. Табиблар ва жарроҳлар тадбир қўллашу марҳам қўйиш билан машғул бўлдилар. Мирзо Бойсунгур ва амирлар ярамас Лурнинг ишини текшириб кўриб, унинг шошилини ўлдирилганлигидан пушаймон бўлдилар. Унинг нарсалари ичидан бир калитни топдилар, асаслар диққат билан қидиришган эди, бир тимча тагидаги бир уй у калит билан очилди. Тимча аҳли у шахснинг ташқи аломатларини баён қилиб, «шундай киши бу ерда яшар эди, тоқиядўзлик қилар эди, унинг олдига кўп кишилар келар эдилар. Шу жумладан, мавлоно Маъруф Хаттоти Бағдодий ҳам», дедилар... Ҳазрат хоқони саъид Форс ва Ироқ мамлакатларини фатҳ қилган вақтда мавлоно Маъруфни Ҳиротга келтириб, хослик рақамини чекди ва у хос котиб бўлиб қолди. Мирзо Бойсунгур мавлонодан ўзи учун «Хамсайи Низомий»ни битиб беришни истади ва унга яхши қогоз юборди. Мавлоно Маъруф қогозни бир йилдан ортиқ ушлаб туриб, сўнг ҳеч нарса ёзмай қайтариб берди. Бу иш жаноб Бойсунгурга ўта даражада ёқмади. Қисқаси, шу вақтда мавлоно Маъруфни айблаб ҳибсга олдилар».

Шоҳруҳ Мирзога қилинган суиқасд, маълум бўладики, узоқ вақт давомида пухта тайёрланган. Қасд қилишнинг асосий сабаблари «Матла»да айтилмаган. Ироқ ва Форс фатҳ этилиши давомида олиб келинган кишилар, шубҳасиз, Шоҳруҳ Мирзо ва унинг хонадонига кек сақлаган. Мавлоно Маъруф ва Бойсунгур Мирзо алоқаларининг бузилиши, Табриздан бўлган

шоир Қосим Анвар билан ҳам муносабатлар яхши эмаслиги Ҳиротга келтирилган ва мазҳаби шийи бўлган кишиларнинг аввал бошдан феъли бузуқлигини кўрсатади. Улар қулай пайтни кутганлар. Мавлоно Маъруфни осиб ўлдириш учун бир неча марта дор остига олиб келганлар, оқибат, Ихтиёрдин қалъаси зиндонига ташлаганлар. Ундан билим ва ҳунар ўрганмоқчи бўлиб олдига келиб-кетиб юрган истевдодли ёшлар ваҳимага тушиб қоладилар, муаррих қавлига кўра, бундан фойдаланган таъмагирлар улардан пора олиб, ишни чувалатганлар. Бойсунғур Мирзо амир Саид Қосим Анвар Табризийни ҳам Ҳиротдан бадарға қилишни буюради. Қосим Анвар Самарқандга кстади.

Бир неча кундан кейин ҳақимлар ва хозиқларнинг муолажаси сабаб, Шоҳруҳ Мирзо соғайиб кетади. Муаррих бир ҳақиқатни яширмай, тарих саҳифасига рақам этади. Шоҳруҳ Мирзога қилинган суиқасд ҳақидаги миш-мишлар оламга оёқлаб кетади, дейди у. Рост экан, шоҳ ҳақида ҳам, гадо тўғрисида ҳам гапирар эканлар, оғизларга элак тутиб бўлмаскан.

Шу йили Шоҳруҳ Мирзо хонадонига ёмон кўзлар текканмиди, ҳарҳолда, Мовароуннаҳрда ҳам ишлар чаппасига кетганди. Абдураззоқ Самарқандий айтдики, *«Мирзо Улугбек Буроқ ўғлон билан мухорабада шикаст егандан кейин, Мовароуннаҳр мамлакати буткул тартибсизликка учраган эди»*. Жароҳат битиб, тамомила тузалгандан сўнг, Шоҳруҳ Мирзо Самарқанд томонга отланади. 1427 йилнинг 28 майида Ҳиротдан йўлга чиқилади. Бойсунғур Мирзо ҳам отаси ортидан кетма-кет жўнайди. Шоҳруҳ Мирзо келишидан огоҳ бўлган Улугбек Мирзо отасидан Бойсунғур Мирзони Ҳиротга қайтаришни илтимос қилади, натижада у ортига қайтади.

Шоҳруҳ Мирзонинг ташрифи кутилмаган дейиш жоиз бўлмас, лекин у дилига туккан мақсад пинҳон ва мубҳамлиги билан хавотирли эди, дейиш тўғри бўла-

ди. Шоҳруҳ Мирзо Самарқандга шу боришида 5 ой бу жойларда қолиб, Буроқ ўғлон билан бўлган тўқнашувдан кейин вужудга келган тартибсизликларни тугатиш ишларини ниҳоясига етказди. Самарқандга келиб, баракотли мазорларни, масалан, Қусам ибн ал – Аббос, Шайх Абу Мансур Мотуриддий, Ҳожа Муҳаммад ибн Исмоил ал – Бухорий қабрларини зиёрат қилди. Муаррих негадир, Шоҳруҳ Мирзонинг отаси ва биродарлари марқадаларида бўлишини ёзмаган. Бундай бўлмаса керак, буни қайд этиш, шунчаки, хаёдан фаромуш бўлган, холос.

Ҳукмдор Буроқ ўғлон мухорабасини синчиклаб тафтиш қилади. Бўлиб ўтган воқеаларнинг тагига етади. Мағлубиятга бир нечта Мовароуннаҳр амирлари айбдор эканлиги аниқланади. Уларнинг ҳаммаси олий девонда қалтакланади. Шоҳруҳ Мирзо ўғли Улуғбек Мирзони ҳам аяб ўтирмайди, уни муаррих айтганидек, «хитобу итоб мақомига келтириб, жуда қаттиқ сўроқ қилди ва шаҳзода бир неча вақт безътибор қолди. Сунг Онҳазрат тараҳҳум қилиб, у вилоятни яна азиз фарзандига ато қилди ва у мамлакатни сақлаб идора қилишини унинг гўзал тадбирига топширади». Шу билан Буроқ ўғлон фитнаси барҳам топиб, ноумид бўлиб ортига қайтиб кетади. Баҳорда Самарқандга келган Шоҳруҳ Мирзо кузда, 1427 йилнинг 6 октябрида Ҳиротга қайтиб кетади.

Қаранг, икки-уч йил бурун Шоҳруҳ Мирзо салтанати Соҳибқирон даври даражасида кенгая бошлаган, ишлар жуда тараққийда кетаётган эди. Ўзингга боғлиқ бўлмаган вазиятлар, бир зум бўлса-да, ҳушёрликни йўқотиш оқибатлари, мана, нималарга олиб келаркан. Кўп сонли қўшин билан Буроқхонни писанд қилмай енгилиш 30 ёшли Улуғбек Мирзо манглайидаги ажинларни, билмадим, нечтага кўпайтирди экан?! Шоҳруҳ Мирзонинг-чи? Ҳиротнинг оддий одамлари қатори, жума намозини жоме масжидида халойиқ билан бирга адо этиш унга қимматга тушмаганмикан?

Ислом динидаги суннийлик, шийлик азалдан турна-нинг икки жўжасидек, бир-бирининг кўзини ўйиб олишга тайёр эканлигини бир зум унутиб булармиди? Ҳарҳолда, шу йилларда юз берган мағлубият суиқасд нафақат ота-боланинг, балки ичкиларнинг, қариндош-уруғларнинг, садоқатли бекларнинг ҳам пешона-ларига ажинлар туширмай қолмаган. Жангу жадал-лар, талашлар салтанат манглайидаги тиришларни ҳам кўпайтирмоқда эди.

Қаро Юсуф туркман ўлган билан унинг ўғиллари Озарбайжон таъмасини қилишда пайт пойлаб турар-дилар. Ҳирот ва Самарқандда кечган нохуш воқеа-лар уларни хуруж қилишга ундайди. Қаро Юсуф турк-маннинг ўғли амир Искандар катта лашкар тўплаб Ироққа юради ва Султонияни забт этади. Бу юртнинг ҳокими Ҳожа Юсуф амир Илёс Ҳожа ўғли эса асирга олинади. Шоҳруҳ Мирзо 1429 йилнинг 10 апрелида ёвга қарши кўшин билан йўлга чиқади. Бу юришда галаба Ҳирот лашкарига ёр бўлади. Туркманлар ен-гилиб, Шоҳруҳ Мирзо давлати аввалги сарҳадларида қайта тикланади.

Улуғбек Мирзодан қайтган омад яна унга юз бура-ди. Мўғулистонда Султон Маҳмуд ўғлон билан Буроқ ўғлон ўртасида катта тўқнашув содир бўлиб, Султон Маҳмуд ўғлон Буроқни ўлдиради. Бу хабар зудлик билан Ҳиротга, Шоҳруҳ Мирзога етказилади.

Бир томондан нур инса, иккинчиси томондан зул-мат ўз соясини ташламай қолмайди. Шу йили Тему-рийзодалардан Мирзо Музаффар ибн Мирзо Бойқа-ро, Мирзо Санжар ибн Мирзо Пир Муҳаммад Кобу-лий ва Мирзо Умаршайх ибн Мирзо Пир Муҳаммад Шерозийлар олам билан видолашадилар. Шаҳзодалар ўлими хабарини олган Шоҳруҳ Мирзо улар руҳини шод қилмоқ учун таомлар тортиб, Қуръон ўқитиб, хатм-лар қилишни буюради.

ГАВҲАРШОД ОҒО ВА БОШҚАЛАР

Шоҳруҳ Мирзо 72 йил умр кўрган бўлса, уч шаръий хотини билан ҳаёт кечириб, ҳарамни тўлдириш, канизақлар сақлаш каби кўнгил очарликларга деярли рағбат қилмаган. Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарининг иккинчи жилди 2 ва 3 қисмлари (1429–1470) 2008 йилда нашр этилгандан кейин Шоҳруҳ Мирзонинг учинчи аёли исми-шарифасини билиш мумкин бўлди. Муаррих Шоҳруҳ Мирзо вафоти муносабати билан учинчи аёл исми-шарифасини тилга олиб, уни Оқ Султон Оғо деб кўрасатади. Оқ Султон Оғо Шоҳруҳ Мирзо 11 ёшида уйланган ўша ғурийлар қизими, ёинки, бошқа, аниқ айтиш имкондан холи. Маликат Оғо эри вафотидан бир неча йил олдин оламдан ўтган, 1447 йилда Гавҳаршод Оғо ва Оқ Султон Оғо барҳаёт бўлганлар. Маликат Оғога Соҳибқирон Амир Темурнинг рағбати катта бўлган, уни Самарқандда ўтадиган тўйларга махсус чорлаган, тўйни ўтказишга мутасадди қилиб қўйган. Маликат Оғонинг Шоҳруҳ Мирзодан туғилган фарзанди Суюрғотмиш Мирзони чақалоқлигида кўриб, беҳад қувонган. Маликат Оғо Шоҳруҳ Мирзо билан узоқ йиллар умргузаронлик қилиб, мамлакатда жуда кўп хайрия ишларига бош-қош бўлган, масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар барпо этган. Оқ Султон Оғо тўғрисида, таассуфки, ҳеч нарса билмаймиз. Ундан фарзандлар туғилганми ёки йўқ, бу ҳам аниқ эмас. Нима бўлганда ҳам, Шоҳруҳ Мирзо ҳарамида бош малика Гавҳаршод Оғо бўлган. Бу мақом Гавҳаршод Оғога, фикримча, Соҳибқирон вафотидан кейин насиб этган бўлса керак. Амир Темур ҳазратлари ҳаётлигида унинг Гавҳаршод Оғони қабул қилганлиги, учрашганлиги бирор манбада тилга олинмайди. Маликат Оғони, олдинда айтганимдек, бир неча бор Самарқандга чорлаган, эҳтиром кўрсатган. Гавҳаршод Оғонинг биринчи малика бўлишига тааллуқли ишоратлар-

ни 1411 йилда Туман Оғо Ҳиротга қайтганда кутиб олиш маросимидан англаш мумкин бўлади. Гавҳаршод Оғо Шайх Нуриддин чангалидан қутқазилган қайнонаси Туман Оғонинг истиқболига чиқиб, уни катта ҳурмат-эҳтиром билан қарши олади, ҳатто, ўзига тегишли мулклардан ҳам иноят қилади. Кутиб олувчилар сафида Маликат Оғо ва Оқ Султон Оғо исми шарифаларини учратмаймиз.

Гавҳаршод Оғо Шоҳруҳ Мирзо салтанатининг аввалидан охирига қадар ўз ўрнига эга бўлган, давлатшумул муаммоларга аралашадиган, уларни ўз майлига мувофиқ ҳал этадиган малика эди. Унга, керак бўлса, вазирларнинг ҳам иши тушиб турарди. «Матла»да буни далолат этадиган мисоллар бор. Шоҳруҳ Мирзонинг салтанат девонини узоқ йиллар Саййид Фахруддин бошқаради. Ҳижрий 810 (1407) йилда унинг устидан Ҳожа Фиёсиддин Солор Симноний маълумот ёзиб, ишдан олдиради. Симноний унинг ўрнини – вазирликни эгаллайди. Бироқ, «Матла» муаллифи Абдураззоқ Самарқандий таъкидлаганидек, Саййид Фахруддин, *«ўзига кўп аъёнлар ва ҳадсиз буюмлар ҳосил қилиб, мол-мулкнинг кўплигидан ўз даври Қорунига ва шаън-шавкат гуруридан замон Фиръавнига (яъни, Худони ҳам танимайдиган) айланган эди»*. Орадан кўп ўтмай у Симнонийнинг устидан арз қилиб, хазина маблағини ўзлаштиришга айблайди. Бир йил ишлаган вазир уч юз туманни камомад қилишда айбланиб, мосуво этилади. Унинг ўрнини яна Саййид Фахруддин эгаллайди. Девонда ишлар чигаллаша бошлаганини билган Шоҳруҳ Мирзо ўз ўғли Бойсунғур Мирзони ҳам мири девон қилиб тайинлайди. Бойсунғур Мирзонинг саъй-ҳаракати ва сипориши билан Ҳожа Низомиддин Аҳмад ибн Ҳожа Довуд ҳам вазирлар сафига киритилади. Ҳожа Низомиддин «ўткир зеҳли, ҳозиржавоб киши» бўлган. У, хазинанинг киримчиқим ишларидан воқиф бўлгач, Саййид Фахруддиннинг нафси ҳакалак отганини, қинғир ишларга қўл

уришини ҳам аниқ билиб олади. Шу бонсдан, керакли давраларда гоҳ жиддий, гоҳида ҳазил тариқасида бунга шама қилади, муҳими, Саййиднинг бундан-буён бундай эгри йўл тутишига изн бермай бошлайди.

Саййид Фахруддин Девоннинг молиявий ишлар бўйича иккинчи бор вазири бўлиб олганида, «унинг ишлари равнақи шундай бир чегарага етдики, фармони жаҳон юзасида қазо-ю қадардек сўзсиз жорий бўлди, вазирликда унга муяссар бўлган нарса ҳеч бир вазир, балки амирга ҳам насиб бўлган эмас. Охири, барча ишга қодирлик қуввати ва манманлик гурури унинг устидан шундай ҳукмрон бўлиб олдики, у девон аҳллари ва жаҳон улуғлари гарданига оёқ қўйди. Замона маликлари ва одамларнинг улуғлари, атроф ерлар шарифлари ва шу даврнинг аъёнлари унинг даргоҳига борганда, у биринчи галда ҳеч бир кимсани қабул қилмас эди. Унинг ҳузурига бир неча восита орқалигина рухсат берилар, рухсат олган киши яна бир неча тўсиқлардан ўтишга мажбур эди. Саноқли кишилардан ташқари биронта одамда ҳам унинг олдига кириш учун имкон йўқ эди».

Бойсунғур Мирзо худди ана шундай вазиятда Девонга ишга ўтади. Саййид Фахруддин ишлари тафтиш қилинади, «Саййид Фахруддиннинг номақбул ҳаёт сурати ва нодуруст тирикчилиги сифати, мусулмонлар мол-мулкига таъмаси ва девон маблағларини ўзлаштираётганлиги ҳамда унинг барча хиёнат-жиноятлари намоён бўлади». Муаррих, Саййид Фахруддин қилмишларини кўпгина далиллар асосида талқин этади. Хулласи шуки, у хазинага 200 туман кепакий маблағни бир йил давомида тўлашга мажбур бўлади. Уни банди қилиб муҳассилга (ижрочи) топширадилар. Ноилож қолган Саййид Фахриддин шунда Бойсунғур Мирзога хат ёзиб, мадад тилайди. Шубҳасиз, шаҳзода унга ён босмайди. Саййид Фахриддин энди Гавҳаршод Оғога мурожаат қилиб, маликанинг кўмагидан паноҳ излайди. Маълум бўладикки, Гавҳаршод Оғо ўғли

Бойсунғур Мирзога насиҳат ва кўрсатма беради, оқибатда, Саййид Фахриддинни ҳибсдан озод этиш, аммо, хазинадан ўзлаштирилган маблағни кундалик тўлаб бориш шарт қўйилади.

Келтирилган мисол Гавҳаршод Оғонинг саройда нечоғлик аҳамият тутганидан очиқ-ойдин шоҳидлик беради. Лекин Гавҳаршод Оғони на Сарой Мулк Хонимга ва на Шоди Мулкка ўхшатиб бўлмайди. Сарой Мулк Хоним – Биби Хоним оқила аёл бўлиб, Соҳибқирон давлатида катта мавқе тутгани билан салтанат ишларига деярли аралашмаган. Ҳомийлик қилиш, хайрли ишларни амалга ошириш билан шуғулланиш юмушларидан ортиқ ҳаддан нарига ўтмаган. Шоди Мулк ошкора ҳукмрон бўлиб, уни на давлат, на раият – халқ қизиқтирмаган. У фақат ўзини, уруғ-аймоғини уйлаган, ҳашаматда, юксакликда ўтган бир кун Шоди Мулк учун давлатнинг тугаб кетишидан афзалроқ эди. Сарой Мулк Хоним авлоди Чингизхонга бориб тақаларди, у салтанат, уни бошқариш, тожу тахт бобида хотин-қизлар тутган ўрин хусусида ҳам кўрган, ҳам эшитган, ҳам жуда яхши биларди. Шоди Мулк бундай тушунчалардан, маликаларга хос тарбиядан мутлақо узоқ эди. У канизак сифатида доимо биринчи мақомда турувчи аёлларга ҳасад билан қараган, кўнглида улар даражасига эришиш армони газаклаган ва, оқибатда, шундай мақомга етишганида, денгизни бўлса-да, симириш даражасига етган эди. Гавҳаршод Оғо азалдан улуг имтиёзга эга бўлган хонадон вакиласи эди. Унда ҳам, чамамда, ёшлиқдан «менинг ота-боболарим салтанатга хизмат қилиб қўйган», деган тушунча бўлган. Тархонларнинг сўзи ҳаммага, ҳамма нарсага ўтган. Фиёсиддин Тархоннинг Амир Темур даврида ҳурмати зўр бўлган. Гавҳаршод Оғонинг салтанатнинг подшоҳдан кейинги иккинчи одам – вазирнинг жинойий ишига аралашуви, уни катта камомад учун ҳибс қилганларида, зиндондан чиқариши болаликда онгига сингиган тушунчалар «бизга ҳамма нар-

са мумкин» ақидаси билан боғлиқ эди, дегим келади. Сарой Мулк Хоним шаҳзодаларни тарбиялаб, давлат ривожига сезиларли ҳисса қўшди. Шоди Мулк тўрт йил мавқе тутиб, Мовароуннаҳрни иқтисодий жиҳатдан осмондан ерга олиб тушди, ўтқизиб кетди. Гавҳаршод Оғо-чи? Келинг, хулоса чиқаришга ошиқмайлик. Шоҳруҳ Мирзо вафотига қадар ҳали бир неча йиллар бор. Воқеаларнинг силсиласи ва тадрижини кузатишда давом этайлик.

Шоҳруҳ Мирзо салтанатининг барқарор турганига чорак аср тўлган йилда ҳам Озарбайжонни итоатда сақлаш учун қўшин тортади. Мулкларни тинчитиб, 1430 йилнинг 26 сентябрида Ҳиротга келиб тушади. 1429 йилнинг охирлари – 1430 йилнинг бошларида Шоҳруҳ Мирзонинг опаси, Соҳибқирон Амир Темурнинг Ўлжой Туркон Оғодан туғилган қизи Султон Бахт Бегим вафот этган эди. Рай, Симнон ва Домғон ерларидан ўтган Шоҳруҳ Мирзо опаси қазо қилган Нишопур шаҳрида тўхтайтиди. «Матла» муаллифи бу ҳақда, «Ҳазрат хоқони саъиднинг туғишган опаси яхши номли Бону Султон Бахт Бегим ўша кунларда дорулбақога кўчганлиги туфайли Онҳазрат унинг руҳини шод қилмоқ учун билимдон малик Аллоҳнинг каломини хатмлар қилдирди, ош-таом тарқатди, фақирлар ва дуоғўйларга ҳадя ва садақалар улашиб, унинг жаннат боғидаги руҳини шод қилди», деб ёзади. Опаси таъзиясида бир неча кун турган Шоҳруҳ Мирзо Нишопурдан чиқиб, айтилганидек, 26 сентябрда Ҳиротга келиб тушади.

Буроқ Ўғлон воқеасидан кейин орадан бир неча йил ўтгач, 1432 йилнинг қиши сўнгларида Улуғбек Мирзо отаси ўрдусига қадам қўяди. У бунгача Бухорода қишлоқ қилиб турган эди. Онҳазрат саодатманд фарзандига нисбатан подшоҳона совғалар ва хусравона туҳфалар тақдим этиб, қайтиб кетишига ижозат берди, деб ёзади муаррих. Ҳарҳолда ота-боболарнинг муносабатлари, келди-кетдилар яхшилик нишоналари эди.

Ҳирот тафтишидан қўп ўтмай, Самарқанддан нохуш хабар олинади. Улуғбек Мирзонинг ўғли шаҳзода Абдураҳмон оламдан ўтади. Шаҳзода Абдураҳмон Улуғбек Мирзонинг учинчи ўғли бўлиб, 1421 йилда туғилган эди, 12 ёшида ҳаёт билан видолашади. Ўғли Улуғбекнинг қаттиқ мотамда эканлигини эшитган ота мўътабар кишилардан бирини таъзия билдириш ва насиҳатлар учун Самарқандга жўнатади. Шу – 1432 йилда Шоҳруҳ Мирзо яна бир набирасидан, Иброҳим Султоннинг ўғли Исмоил Султондан ҳам ажралади. Иброҳим Султоннинг бошқа фарзанди бўлмаган, у ўғлининг вафотидан ниҳоятда қайғуриб, давлат ишларидан – Шероз ҳокимиятидан ҳам қўл тортишга майл қилади. Бунн эшитган Шоҳруҳ Мирзо ўзининг яқин кишисини Шерозга отлантириб, Шаҳзодага насиҳат қилишни, давлат ишлари билан қаттиқроқ шугулланишга ундашни тайин қилади. Шоҳруҳ Мирзога, 55 ёшга кираётган ҳукмдор бобога бу нохуш хабарларни тинглаш, набиралардан ажраш осон кечмаган.

Ҳирот шаҳри ўтган йиллар давомида энига ҳам, бўйига ҳам кенгайган, олий шаън иморатлар сон-саноксиз қурилган эди. 1432–1433 йилларда бир неча йил олдин бошлаган Гавҳаршод Оғо мадрасаси ва улкан иморати битказилади. Шаҳарнинг шимолий қутбдаги Сари Пули Инжил мавзеида қурилган Гавҳаршод Оғо мадрасаси ўзининг улуғворлиги, кўркем таровати билан бошқа бинолардан алоҳида ажралиб турар эди. Муаррих сўзларини келтирай: *«Бу олий мақом иморат у яхши номли Бонунинг жидду жаҳд кўрсатиши билан тамомланишга латофатлиликнинг энг юқори даражасида зебу бақо ва равнақу сафо касб этгач, ҳазрат хоқони саъид у ерга тадрис аҳллари йрнашмасидан ва истифодат ҳам таҳсил кишилари тайин қилинмасдан илгари жума кунлари у дилкушо ер ва жонфизо мақомда жума намозини адога етказсинлар ҳамда осмоннинг тўққиз пояли минбаридан олий ҳутбанӣ Он-*

ҳазратнинг (Шоҳруҳ Мирзонинг – П.Р.) муқаддас номи билан безатсинлар, деган маслаҳатни маъқул топди. У ерга хатиб қилиб Шайх Шаҳобиддин ибн шайхулислом Шайх Шаҳобиддин ал-Бистомий тайинланди. Хоқони саъид саккизинчи сафарда (4 октябрь, 1432) жума кунини у мунаввар мақомга ташириф буюрди, мазкур Шайх Шаҳобиддин ҳутбани адо этишига киришиб, ёқимли овоз ва ширин тил билан етук ҳутба ўқиди-ю, аммо ҳутба ўқиш асносида бир неча марта ўринсиз нола ва оҳ тортди. Ҳазрат хоқони саъидга (Шоҳруҳ Мирзога) бу ҳаракат ва ҳолат ниҳоятда номаъқул туйилди ва Шайх Шаҳобиддинни бўшатишга ҳукм қилди. Улуғ мавлоно Шамсуддин Муҳаммад ибн Авҳад хатибликка тайинланди».

Гавҳаршод Оғо мадрасаси қурилиши ва унга хатиблар тайинланиши Шоҳруҳ Мирзо назоратида бўлганлиги ҳам бу бинонинг бунёд этилишига қанчалик аҳамият берилганлигини далолат этади. 1432 йилнинг 4 октябрида ишга туширилган мадрасанинг довуғи кейинги даврларда ҳам сўнмаган. Орадан 40 йил ўтиб, худди шу Инжил мавзеида Алишер Навоий ҳам ўз иморатларини барпо эттиради. Гавҳаршод Оғо мадрасаси ҳақида ёза туриб, атоқли адибимиз Ойбекнинг «Навоий» романи ва унинг Гавҳаршод Оғо мадрасаси таърифи билан очиладиган илк варақлари ёдимга тушди. Шу баҳонада ўша сўзларга бирров кўз югуртирдим: «Баҳор қуёши кўкнинг тиниқ ферузасида Ҳиротнинг «Гавҳаршод» мадрасасининг ҳайбатли гумбази устида порлар, гумбазнинг азамат пештоқларининг нақшлари шуғлаларда жонли, ҳавоий бир чаманзор каби, турли-туман олов ранглар чақнатар, кабутарлар дам учиб, дам сирганиб қўниб, гумбаз теварагида қувонч билан иноқ ўйнашар эди. Бир томони хонақоҳ, уч томони катакча-ҳужралар билан ўралган мадрасанинг кенг, текис, чорбурчак саҳнидан кеча шовдираб ўтган ёмғир кўзга илинар-илинмас буғ бўлиб

ҳавога кўтарилмоқда эди. Толиби илмларнинг аксарии букун ҳавлига чиқишган. Улар ясси гишт ётқизилган йўлкаларга бўйралар солиб, дарс тайёрлашади.

Ойбекдек буюк адибнинг тасаввури қудратига қойил қоламан. Шу сўзлар мутолааси мени олис Ҳиротга етаклади. Гўё мадраса саҳнида тургандек, бўйра ёзиб дарс қилаётган талабаларни кўраётгандек бўлдим. Ойбек домла Ҳиротда бўлмаган, лекин биз билан сиз энди-энди кўраётган, ўқий бошлаётган китобларни у Зот назардан ўтказган, бутун бошли Ҳирот шаҳрини онг-шуурига муҳрлаб, чизиб олган.

Хонадон ришталарини қўлда маҳкам сақлаб келаятган Шоҳруҳ Мирзо Иброҳим Султоннинг якка-ю ягона ўғли Исмоил Султоннинг ўлими сабаб, дили вайрон бўлади. 1433 йилнинг 18 мартада, орадан бир йил ўтиб, Иброҳим Султон ўғилдик бўлади. Унга Султон Абдуллоҳ деб исм берадилар. Шоҳруҳ Мирзо ниҳоятда севинганидан катта тўй беради ва тўйга ўзи бошқош бўлиб туради. Бир оз олдинроққа кетиб, айтиб қўяйки, ана шу Мирзо Абдуллоҳ Султон бир неча вақт Форс мулкида подшоҳлик қилади ва бир муддат Самарқандда ҳам салтанат тепасида ҳукм суради.

Набиралар ҳам улғая бошлаган эди. Бойсунғур Мирзонинг тўнғич фарзанди Алоуддавла 16 ёшга тўлганди. Уни амир Ёдгоршоҳ арлотнинг Бегика деган қизига уйлантирадилар. Муаррих, Шоҳруҳ Мирзо билан Бойсунғур Мирзолар улуг тўйлар берганининг мамнуният билан ёзади. Олдинда айтилганидек, бу хонадон теграсида ҳам сафо ва қазо ёнма-ён юради. Шоҳруҳ Мирзонинг кўёви, қизи Марям Султоннинг эри Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо 1433 йилнинг 25 июнида оламдан кўз юмади. Шоҳруҳ Мирзо бу мусибатдан кўп қайғуриб, унинг хонадонига бир неча марта бориб, таскин беради, етим-есирларга хайру эҳсонлар улашади.

Шоҳруҳ Мирзо фарзандлари орасида Бойсунғур Мирзонинг ўрни бошқача бўлган. Юқорида зикр этилганидек, у салтанат девонида ишлаганида, давлат ха-

зинасининг дахлсизлигини таъминлаган. Муаррих гувоҳлик бериб, дейдики, «У жаноб Бойсунғур Мирзо барча фозиллар, ҳунармандлар ҳам санъаткорларни маош инъомлари билан шундай хушвақт қилиб турардики, ундан ортиқ бўлиши имконсиз эди». Лекин нима сабабдандир, Бойсунғур Мирзо ичкиликка қаттиқ ружу қўяди. «Матла» муаллифи бу ҳақда, «Доимий ичкилик ичишга ружъу қилган эди, тириклик бир дақиқадан иборат бўлганида ҳам, агар у лаъл рангли майсиз бўлса, уни ҳаром ҳисоблар... эрталабдан то кечгача май жомисиз, малоҳатли гўзалларсиз ва танноз санамларсиз турмас ва шомдан то тонггача доимо гуландом соқий ва ширин мақом мутрибсиз бўлмас эди. Охири шунга бориб етдики, қимматли шароблар унинг шариф мижоз ва латиф унсурини тўла бўйсундириб олди... табиблар қанчалик насиҳат қилмасинлар, шаҳзода айш жоми ва шират қадаҳидан бир қултумни ҳам камайтирмади, овқатни эса жуда кам тановул қиларди. Доимий ичкилик ичиш сабабли касаллик кўччайди. Хуллас, Мирзо Бойсунғур жумад ал увлонинг еттинчисида (20 декабрь, 1433) шанба куни эрталаб фоний дунёдан кўз юмиб, боқийлик саройига кўчиб ўтди. Унинг умри 37 йилу 4 ойга борган эди».

Бойсунғур Мирзонинг ичкиликка ружу қўйиши сарой аҳлининг, шу жумладан, Гавҳаршод Оғонинг кўз ўнгида содир бўлган. Балки, шаҳзодага танбеҳлар бўлгандир, лекин тарихларда бу ҳақда сўз йўқ. Ўттиз етти ёшда шамдек сўниш жуда ачинарли ҳол. Шоҳруҳ Мирзонинг кетма-кет ўлимлардан қандай ҳолга тушганлигини тасаввур қилишга уринаман. Бу вазмин ва донишманд подшоҳга қанчалик қийин бўлганлигини юракдан ҳис қиламан. Ўлим хабари етгандан сўнг, у ўзини қўлга олиб, шаҳзоданинг уйига боради. Муаррих бу ҳақда, «Ҳазрат хоқони саъид бу даҳшатли воқеа содир бўлган Боғи Сафидга келди ва шарият қоидаси бўйича майитни ювдириб, кафанлатишга киришди, либос ўзгартиришда ҳумоюн бошига қўйга-

ни туя жунидан тўқилган кийимдан бошқа бирор нарсани алмаштиришига рухсат бермади. Мағфиратга кўмилгур наъшни мукаммал тайёр қилинган, Боги Сафиднинг ўзида жаноза ўқилди-да, Онҳазрат богида қолиб, улуғ амирлар ва замона шарифлари тобутни кўтардилар. Ўша вақтларда Хуросон мамлакати, хусусан, доруссалтана Ҳирот шу қадар маъмур эдики, бундан зиёда бўлиши гумон ойнасида ҳам сурат кўрсатмас эди. Боги Сафиднинг ташқарисидан тортиб, то шаҳзодани дафн қилишга қарор берилган Гавҳаршод Ого мадрасасигача йиғилган одам шу даражада зич эдики, бундан илгари ҳеч бир замонда бундай йиғинни кўрсатиб бўлмаган. Барча хосу ом либосларини ўзгартириб, бошларига қора боғладилар ва бутун йўл оҳу фиғон дудидан ҳам қора либослар рангидан ҳижрон кечасидек қоронғу бўлди. Шаҳзоданинг тобутини тахтиравонга қўйиб, улуғворлик тўла ҳашамат билан Гавҳаршод мадрасаси ва у ердаги олий гўмбазга элтдилар ҳамда ганж янглиг қора тупроққа топширдилар. Эртаси кун ҳазрат хоқони саъид таъзият расми бўйича Боги Сафидда ўтирди, улуғ амирлар ош ташиқил қилишга киришдилар, иззатли саййидлар, буюк уламолар, олам улуглари ва одамзод ақобирлари ҳумоюн мажлисда ҳозир бўлдилар», дейди.

Абдураззоқ Самарқандий, «бу жон куйдирувчи воқеадан кейин қирқ кун давомида сарой амирлари таъзият маросими бўйича нимаинки давлатга муносиб бўлса, бажо келтирдилар, аммо ҳазрат хоқони саъид сабру қарор жilовини ихтиёр қўлидан чиқариб, ҳеч ором тополмас ва оташ сийнаси ўртанганлигидан кўзидан ёш тўкиб айтар эди: Байт:

*Менинг ихтиёрим қўлимдан кетди,
Умрим ҳосили барчаси кул бўлиб совилди.
Сел олиб зеру забар бўлган уй,
Эй дил, яна қачон қайтадан тикланади?*

*Бунинг барчасини менинг пешонамга
қазо ёзгану, тақдир истаган,
Қазо ва қадарга монёъ бўла оладиган
ким бор?!*

Муаррих, азбаройи, ҳиссиётларни жиловлай олмай, ёхуд ўша дамлардаги Шоҳруҳ Мирзо руҳиясини насрда ифодалаш заиф туюлганидан, ҳолатни шеърда ифода этишга интилган. Соҳибқирон ҳазратлари навжувон фарзанди Муҳаммад Жаҳонгир 20 ёшда вафот этганида қандай қайғурган бўлса, замона пешволари, улуғ саййидлар қандай далда, насихат берган бўлса, Шоҳруҳ ғам-аламига Хиротнинг таниқли уламолари шундай далда, насихат берадилар. Шоҳруҳ Мирзо қазога ризо бўлиб, мотам либосларини одатдаги кийимларга алмаштиришга рухсат беради. Бойсунғур Мирзодан уч фарзанд қолади, улар Алоуддавла. Султон Муҳаммад ва Абдулқосим Бобур мирзолар эди. Шоҳруҳ Мирзо Бойсунғур Мирзога тегишли мулкларни Алоуддавллага топширади ва девондаги мансабини ҳам унга беради.

Озарбайжон ўлкаси тинч эмасди. Амир Искандар туркман бу юртни зўрлик билан эгалашга киришган, Шервон мулкларига ҳам қасд қила бошлаган эди. Бу мулкларнинг тортиб олиниши айтилиши Бойсунғур Мирзо вафот этган кунларга тўғри келган, айрим калтабин сиёсатчилар, «Бойсунғур Мирзо вафотидан сўнг жанг қилишга мажол ва тоқат бўлмас», деган гапларни тарқатган эдилар. Улар, муаррих айтганидек, «Агар Ийрож ўлган бўлса, Фаридун омон бўлсин», деган ҳикматли шеърый сатрдан воқиф эмасдилар. Шоҳруҳ Мирзо Озарбайжонга қилинадиган учинчи юришга фармони олий беради. Давлат арконлари, сарой аъёнлари бу юришни кечиктиришга қанчалик ҳаракат қилмасинлар, фойда бермайди. Чунки амир Жалолиддин Ферузшоҳ Шоҳруҳ Мирзо билан бўлган суҳбатлардан бирида, «Бойсунғур Мирзо вафот этганлиги учун, ал-

батта бу юришни амалга оширмоқ керак», деган мас-лаҳатни берган ва Шоҳруҳ Мирзо у гапни қабул қилган эди. Шу сабаб, салтанатнинг бутун сарҳадларидан қўшинлар жамланади. 1434 йилнинг 5 ноябрида Шоҳруҳ Мирзо Ҳиротдан жўнаб, амир Искандар туркманга қарши қўшин тортади. Туркманлар доирасида жипслик бўлмагани боис, уларнинг сардорлари бирин-кетин Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига бош эгиб келиб, итоат изҳор қила бошлайдилар. Жумладан, Қаро Юсуфнинг ўғли амир Жаҳоншоҳ ҳам Шоҳруҳ Мирзо иноятига сазовор бўлади. 1435 йил Шоҳруҳ Мирзо ҳукмдорлиги даврида Озарбайжон мулкларининг учинчи марта тасарруфга олиниши юз берган сана бўлган эди.

1435 йилнинг 3 майида шаҳзода Иброҳим Султон оламдан ўтади. Бу шаҳзодани ўқувчилар яхши танийдилар. 1405 йилда Соҳибқирон Амир Темур Хитойга қўшин тортиб, Ўтрорда қишлаб турганида, унинг ёнида Шоҳруҳ Мирзонинг икки ўғли – Улуғбек ва Султон Иброҳим мирзолар бор эди. Ўша пайтда улар ўн бир ёшда эдилар. Амир Темур ҳазратлари вафоти воқеаси юз бергандан кейин, бу шаҳзолалар амир Шох Малик билан қанча уқубатларни бошдан кечирган, Самарқандга киритилмай, Бухорога кетишга мажбур бўлгандилар. Ёшлиқдан ҳокимият талашлари ғулувларини ўз бошидан ўткарган шаҳзолалар кейинчадик бири Самарқанд, иккинчиси эса Форс ва Шероз мулкларни соҳиб бўлганди. Уларнинг иккаласи ҳам тенг ёшли, 1435 йилда 41 га қираётган эдилар. Иброҳим Султон фозил ва олим кишиларга жуда эътиборли ва гамхўр ҳукмдор бўлган. Унинг бу борадаги хизматларини санаш бир тарафу, ҳомийлиги остида яратилган ва бобоси Амир Темур ҳазратларига бағишланган «Зафарнома» китобини хотирлашнинг ўзи бир сира. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»ни Султон Иброҳим Мирзонинг раҳнамолиги туйфайли яратган эди.

Султон Иброҳимдан айрилиш салтанатнинг оғир йўқотиши эди. У кўп йиллардан буён давлатнинг энг нозик нуқталаридан бири – Форс мулкларини тинч-тотув идора қилиб келаётган, юртда иқтисодий-маданий юксалиш, илм-фан равнақи ибрат даражасида йўлга қўйилганди. Шоҳруҳ Мирзо таъзия маросимларидан кейин Форс тахтини Султон Иброҳимнинг кичик ёшли ўғли Султон Абдуллоҳга беради (унинг ҳақида юқорида айтилди) ва Шайх Муҳибиддин Абдулхайрни унга оталиқ бек этиб тайинлайди.

Гавҳаршод Оғо бутун сарой аҳлини эзиб қўйган таъзияларнинг охири маъракалари ўтгач, икки ака-уканинг фарзандлари бошини қовуштириб қўйиш ҳаракатига тушади. Маликат Оғодан туғилган Суюрғотмиш Мирзо олдинроқ, ўз ўғли Бойсунғур Мирзо эса ундан кейинроқ вафот этган эди. Суюрғотмиш Мирзонинг ўғли Султон Масъуд Мирзога Бойсунғур Мирзонинг қизи Ойша Бекани узатиш тўйи бошида, шу тариқа, Гавҳаршод Оғо туради. Тўй тантаналаридан кейин келин-куёв Султон Масъуд Мирзонинг мулклари бўлган Кобул ва Ғазнин вилоятларига жўнаб кетдилар. Тўйнинг Ҳиротда ўтказилиши ҳам ота-она дилига тош бўлиб чўкиб қолган дардларни ҳайдаш, уларга юпанч бўлиш мақсадини кўзлаган, дейиш мақбул туюлади.

Шоҳруҳ Мирзо 1438 йил ёзи охирида Машҳадга, Имом Ризо зиёратига отланади. Мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик, вилоятлардаги хотиржамлик ўзаро алоқалар, борди-келдилар равнақига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. 1438 йилнинг 9 октябрида Муҳаммад Жўгий Самарқандга, акаси Улуғбек Мирзони кўриб келишга отланади. Кейинги йилларда ташрифлар сийраклашиб бораётган эди.

Шоҳруҳ Мирзо даврида ҳам шаҳзодаларнинг тарбияси, Соҳибқирон салтанатида жорийда бўлгани каби, марказлаштирилган ҳолда олиб борилишига алоҳида эътибор берилган. В.В. Бартольд бунга бир оз

шубҳа билдирган, шаҳзодаларнинг Ҳиротда тарбияланишига қатъий ёндашилмаган, ҳаммаси ҳам саройга олиб келинавермаган, деган фикрни айтади. Бунинг мисоли қилиб, Улуғбек Мирзонинг Абдурахмон ва Абдулазиз деган икки фарзандининг Самарқандда, отаси ҳузурда бўлганликларини далил қилади. Муаррихнинг бир фикрига қўшилиш мумкин, ҳақиқатда, Ҳиротда Шохруҳ Мирзо саройида шаҳзодалардан кимларни тарбиялаш масаласи билан Гавҳаршод Оғо шуғуланган. Улуғбек Мирзонинг 10 ёшида уйланган, кўз очиб кўрган хотини, марҳум валиаҳд Муҳаммад Султоннинг қизи Оғо Бегим оғир оёқли бўлганда Гавҳаршод Бегим томонидан Ҳиротга олиб келинади. 1412 йилнинг 18 августида қизалоқ туғилади ва унга Ҳасибба Султон деб исм қўядилар. Улуғбек Мирзо 18 ёшида, Оғо Бегим билан бўлган никоҳнинг саккизинчи йилида ота бўлиш шарафига эришади. Бу қизалоқнинг бувиси Хонзода Бегим бўлганлиги сабабли, унга ҳам Хонзода Бегим лақабини берадилар. Ҳасибба Султон 1419 йилда, 7 ёшга тўлганида Гавҳаршод Оғо томонидан Ҳиротга чақиртиб олинади. Ҳасибба – Хонзода Бегим улғая боради, бироқ буви бўлмиш Гавҳаршод Оғо уни узатишга шошилмаган кўринади. Шундай қилиб, Хонзода Бегимнинг Ҳиротга олиб келинганига ўн тўққиз йил бўлади ҳамки, тўй тўғрисида гап бўлмайди. Ниҳоят, 1438 йилда Улуғбек Мирзо ўзининг ишончли бир одамини Ҳиротга юбориб, Ҳасибба Султонни қайтариб олиб келишни буюради. Ҳасибба Султоннинг онаси Оғо Бегим узоқ яшамаган, 1419 йилда вафот этган эди. Ҳасибба Султоннинг Самарқандга қайтиши ҳақида муаррих сўзларини тинглаб кўрайлик:

«Шу йили (1438) Мирзо Улуғбек кўрагон жаҳонпаноҳ даргоҳга (Ҳиротга) ишончли ва сўзамол бир хабарчини юборди ва ўз фарзанди Ҳасибба Султон Хонзода Бегимни Самарқандга қайтариб юборишни илтимос қилди. Бу қизни ҳали болалик чоғларидаёқ мадҳи улё Гавҳаршод Оғо Мовароуннаҳрдан тўла

ҳашамат билан доруссалтанат Ҳиротга олиб кетган ва бир неча йил давомида давлату иқбол билан ўз поклик пинжида (яъни, эрга бермай – П. Р.) сақлаб келмоқда эди. Бу софлик қутисининг гавҳари ва иф-фат буржининг Зухра юлдузини ўз падари бузrugвори талаб қилгач, мадҳи улё Гавҳаршод Оғо Хонзода Бегимни подшоҳона бир йўсин ҳам шоҳона бир тартиб билан Самарқандга қайтариб юборди. Хонзода Бегим Самарқандга яқин етгач, мирзо Улуғбек хотинлар, шаҳзодалар, амирлар, давлат арконлари, сарой аъёнлари, шайхулислом ва қолган улуғ таниқли кишиларни кутиб олиш расми бўйича тезлик билан йўлга чиқарди. Хонзода Бегим Самарқанд атрофига етганда Мирзо Улуғбекнинг шафқат офтоби шаҳзода (қизи) бошига ўз марҳамат соясини ташлайди, у чопқир бир отга минди ва шаҳзодага етишгач, саодатманд фарзандни меҳрибонлик қучоғига тортиб, ҳол-аҳвол сўради ҳамда унинг яшаши учун хос бир ҳарамсарой тайинлаб, фаровон ҳаёт кечирishi, хушвақту фориғбол бўлиши учун зарурий нарсалар доимо муҳайё бўлиши борасида ғамхўрлик кўрсатиб турди».

Ҳасиба Султон бу вақтда 26 ёшда эди. Ўша замонлар одатига кўра, бу «ўтириб қолган», «қари қиз» деб талқин қилинадиган ҳол эди. Кейинчалик, Улуғбек Мирзо билан Гавҳаршод Оғо – ўғил ва она ўртасида рўй берган озгина араз-гиналар, катта ихтилофга айланган келишмовчиликлар замирида шу муаммонинг ҳам сояси бормикан, деган ҳаёлга бораман. Ким-ким, лекин Гавҳаршод Оғодек оқила маликанинг бу ҳақда тараддуд кўрмаганлиги жуда ажаблантирарли, ҳар қандай ота ҳам бундан ўпка қилса бўладиган сабаб. Гавҳаршод Оғо – айтгани айтган малика эди. У, барибир, бу ишни атай пайсалга солган бўлиши, ниманидир ўйлаганлигини тахминлаш мумкин, холос. Бунга жавобни, ҳатто, Улуғбек Мирзонинг ўзи ҳам топа олмаган ва тоқати тоқ бўлгандан кейин, андишани йиғиштириб қўйиб, қизини ҳузурига чақиртириб олган.

Мен бунда, бошқа изоҳлар бўлишини ҳам асло инкор этмайман.

ТУПРОҚҚА ТЎКИЛГАН МАЙЛАР

Дунёда ғалати одамлар доимо бўлган. Шарқда ҳаммом ихтиро қилинганлигини узоқ замонларга боғлайдилар. Хўш, ҳаммом бўлгандан кейин ювиниш учун совун керакми? Совун пиширишни номашруъ деб, совунхона қурилиши устидан подшоҳга шикоят қилиб келишни бугун, ҳатто, ақлга сиғдириб ҳам бўлмайди. Лекин Шоҳруҳ Мирзо подшоҳлиги авж устида шундай машмаша юз берган экан. «Матла» муаллифидан эшитайлик. Абдураззоқ Самарқандий шундай ҳикоя қилади: *«Зоҳид, обид, парҳезкор бўлган ва мусулмонлар зарурати учун ўзи шахсан жон куйдирган марҳум мавлоно Шамсуддин Муҳаммад ибн мавлоно Шайх Али бир куни ҳазрат хоқони саъид (Шоҳруҳ Мирзо –П. Р.) ҳузурига келиб: «Совунхона қуриш номашруъдир¹, совун пишириш ман этилганлиги туфайли мусулмонлар заҳмат чекмоқдалар», деган. Онҳазрат бунга қарши бирор сўз айтган бўлса керак, мавлавий жаноблари у ҳазратнинг ҳузурида юзини осмонга қаратиб: «Илоҳо! Кўриб турибсанки, мен сенинг ҳукмингни етказмоқдаман, бу мўғул бача эса эшитмаяпти!» деган. Онҳазрат шу заҳотиёқ, «совунхона қурилмасин, ҳеч ким раиятга заҳмат етказмасин!» – деб ҳукм қилган. Мавлавийнинг умри бир юз еттида эди, жума куни, 1438 йил 11 сентябрда жаннат бўстони томон сафарга отланди».*

Шоҳруҳ Мирзо ўз раиятини, оддий фуқароларни тинглай олган. «Мўғул бача» бу сўз ўз шаънига айтилганда олтмиш бир ёшда эди. 107 ёшга кирган мўйса-

¹ Шариат қоидасига хилоф.

фид назарида бу ёш жуда кичик бўлиб кўринган бўлса керак. Нима бўлганда ҳам, подшоҳ нуроний ва мўътабар қариянинг раъйини қайтармаган. Давлат корхонаси – совунхона қурилишини тўхтатиб, одамларнинг ўзлари совун тайёрлашларига ижозат берган.

Вилоятларда ҳукм сураётган шаҳзодалар умумий назоратда бўлишига қарамай, кўпинча, ўз билганларича ҳаёт кечирганлар. Соҳибқирон даврида вилоятлар ҳокимлари белгиланган вақтда ҳисобот беришар, бунда энг ишончли кишилар ҳисобот билан бирга шаҳзодаларнинг соғлиғи ва, турган гапки, ҳаёт тарзи хусусида ҳам ахборот етказганлар. Назаримда, Шоҳруҳ Мирзо даврида бу тизим ишламаган, кўринади. Биламизки, Шоҳруҳ Мирзо Маликат Оғодан туғилган ўғли Суюрғатмиш Мирзо вафотидан кейин унинг мулклари – Кобул ва Ғазнинни марҳум фарзандининг тўнғичи Масъуд Мирзога бағишлаган эди. Масъуд Мирзо ёнида укаси Қарочор Мирзо ҳам бирга эди. Масъуд Мирзо вилоят бошқарувини ўз ҳолига ташлаб қўйган, айрим хилоф ишларни қилишдан ҳам қайтмаган. Раият унинг ҳокимиятидан кўпам рози бўлмаган. Укаси Қарочор Мирзо ҳар қанча огоҳлантирса-да, унинг сазасини синдирган. Иш шу даражага бориб етадики, Қарочор Мирзони йўқ қилиш фикри ҳам ғимирлаб қолади. Бундан кўрққан Қарочор Мирзо Ҳиротга, бобоси ҳузурига қочиб боради.

Қарочор Мирзо подшоҳ бобоси ҳузурига келади. Муаррих бу учрашувни шундай жонлантирган: *«Шаҳзода бир неча бор тиз чўкиб яқин келди. Онҳазрат фарзандни меҳрибонлик қучоғига тортмоқ учун қўлларини ёйганда, ногоҳ чодирнинг ипи шаҳзоданинг салласига тегиб, бошидан салласи тушиб кетди, йиғилган халойиқ фарёд кўтарди. Шаҳзода саллани яна бошига қўйди ва ўз улугвор буваси ҳам замона хоқонининг оғушига кириш ва оёғини ўпиш шарафига муяссар бўлди»*. Подшоҳ бобоси олдинда набирасини бағримга босай деб қучоқ очиб турган бўлса-ю,

набиранинг бошидан салла тушиб кетса?! Бундай но-
зик ва қалтис пайтда ўзини йўқотиб қўйилса борми?
Яхшиямки, Қарочор Мирзо зудлик билан ўзини ўнглаб,
саллани бошга қўндирган ва бобоси оғушига отилган.
Йиғилган кишилар бекорга фарёд кутармаганлар, ахир.
Сарой тартиботи жуда назокатли ва қаттиқ бўлган. Шу
учрашувдан қўп ўтмай, Кобул ва Ғазнин вилоятлари
Қарочор Мирзога олиб берилади. 1440 йилнинг 16 фев-
ралида Султон Масъуд Мирзо ҳам Ҳиротга етиб кела-
ди. Шоҳруҳ Мирзо унинг тўғрисида нохуш гапларни
эшитганлиги боис, шаҳзодани бир неча кунлар даво-
мида қабул қилмайди. Кунлардан бирида Султон Масъ-
уд бобоси билан кўришишга муяссар бўлади, муаррих,
«турли-туман шафқат – марҳаматлару хилма-хил меҳ-
рибонликларга мушарраф бўлди», деган бўлса-да, у «иш-
сиз» қолган эди. Қилмишлари эвазига у бирор вилоятга
сипориш этилмайди. Саалтанат ойини шуни талаб қилар-
ди. Улуғ лавозимда бўлганлар ҳаминша меҳр ва қаҳр
оралигида фаолият кўрсатадилар. Оёқ жойида мустақ-
кам бўлса – меҳр шайини босади, оёқ тояр бўлса – қаҳр
ўз домига тортади.

Шоҳруҳ Мирзо кексайгани сари ўз фарзандларига
ҳамда набираларига нисбатан қаттиққўл бўла бора-
ётган эди. Буни шароб, май билан боғлиқ тадбирлар
мисолида фаҳмлаш мумкин бўлади. 1440–1441 йил-
лар воқеалари нақл этилган қисмда Абдураззоқ Са-
марқандий Шоҳруҳ Мирзо пойтахтида унинг «барча
яқинлари ва хос кишилари» шароб ичишдан буткул
воз кечадилар. Хос ва авом кишилар ҳам майхўрлик-
дан бир умрга «сидқидилдан тавба қиладилар». Ша-
робхўрлик таъқиқланган бўлишига қарамай, шаҳзо-
даларнинг айримлари қазноқларида шароб тўла хум-
ларни сақлаганлар. Муҳтасиб Саййид Муртазо ва во-
излар раҳбари Абдулжалил ал – Қоинийлар шаҳзода-
лардан Муҳаммад Жўгий ва Мирзо Алоуддавла қаз-
ноқларида хумлар шароб билан тўла эканлиги арзини
Шоҳруҳ Мирзога етказадилар. Шоҳруҳ Мирзо дарҳол

отланиб, Ҳиротнинг Дарвозайи Хушидан чиқиб, шаҳзодаларнинг хумхоналари жойлашган Сепалак деган манзилга қараб отнинг жоловини буради. «Бадахшон лаълидек» шаробларнинг ҳаммасини тупроққа тўкадилар.

Шоҳруҳ Мирзо томонидан авфи қабул этилмаган Султон Масъуд Мирзо бобоси олдидан чиққанида ва уйига борганида ўзини қандай ҳис қилган экан? Ўйлаб кўраман. Куни кеча Кобул ва Ғазнин мулкларини ўзи хоҳлаганча идора қилган, айшу ишратга муккадан кетган, ҳатто туғишган укасига қасд қилган шаҳзода ғам-андуҳларининг чеки бўлмагандир. Нима бўлганда ҳам, эрнинг юз тубан кетиши хотин зотига ёмон таъсир қилмай қолмайди. Шоҳруҳ Мирзо бир неча йил бурун уни Бойсунғур Мирзонинг қизи Ойша Бекага уйлантириб қўйганди. Эрининг вилоятдан мосуво этилиши жабрини Ойша Бека тортади, муаррих деганидек, *«хусн-жамоли яшнаб турган бир вақтда минг-минг ҳасрату андуҳлар билан бу фоний олам билан видолашади»*. Ойша Бека 1440 йил қишида оламдан ўтади. Уни Гавҳаршод Оғо мадрасасига дафн этадилар. Шу воқеадан кўп ўтмай, Кобул ва Ғазнинг томондан Маликат Оғонинг ҳам ўлганлиги дарағи етади. Маликат Оғо Кобул ва Ғазнин тарафларга набираси Султон Масъуд билан бирга кетганди. Султон Масъуд вазифадан бекор қилинган, иккинчи набираси Қарочор Мирзо билан турган эди. Афтидан, анча қаруви етган (Маликат Оғо Шоҳруҳ Мирзодан камида ўн ёш катта бўлган) малика Султон Масъуд ташвишларини кўтара олмаган бўлса керак.

Кейинги йилларда Маликат Оғо билан бирга яшамётган бўлса-да, Шоҳруҳ Мирзо, тарихчи тўғри айтганидек, «қадим ҳамсуҳбатдан ажаралиш Онҳазратнинг тоғдек виқорли хотирига оғир келиб, унинг юз саҳифаси ва рухсори атрофига булут қатраларидан гавҳарлар ёғиб, дурлар сочилди (яъни, йиғлади). Онҳазрат таъзия мароеими тўзиб, мотам тутди».

Ҳирот ва аркони давлат жойлашган Боғи Зоғон сиртдан қаралганда жуда тинч кўринар, девонда иш қайнар, муставфийлар вилоятлардан келадиган мол-амвол, хирож маблағлари ҳисоб-китоби билан банд бўлишар, ҳатто ярим тунга қадар қолиб, ниҳоятга етолмасдилар. Шаҳзодалар бўй етиб улғайиб қолишган, сарой йўлакларида пичир-пичир суҳбатлар борган сари кўлайиб, қандайдир, ички безовталиқ бўй кўрсатиб турарди. Айниқса, мадҳи улё Гавҳаршод Оғода ўзгаришлар сезиларли, тез аччиқланадиган, шаҳзодаларга ҳам юзинг-кўзинг демай дўқ-пўписа қиладиган бўлиб қолганди. Улуғбек Мирзонинг Самарқанддан қарийб мажбурлаб олиб келинган, саройда мисли тутқиндек зўрбазўр яшаб турган ўғли Абдуллатиф кейинги вақтларда момосининг кўзига балодай кўрина бошлайди. Бунинг сабабини қисман бўлса-да, Абдураззоқ Самарқандий «Матла»да келтириб ўтади: *«Буйилнинг бошида Абдуллатиф ижозат сўраб, хафалангандек Самарқандга кетиб қолган, унинг ранжиганлиги кўпроқ мадҳи улё Гавҳаршод Оғодан эди, чунки мадҳи улё амирзода Алоуддавлага нисбатан ортиқ муҳаббати борлиги сабабли, бошқа фарзандларга кўнда илтифот кўргазмас эди. Абдуллатиф кетиб қолгач, Онҳазрат (Шохруҳ Мирзо – П.Р.) у жигаргўшанинг фироқида кеча-кундуз бетоқат бўлиб, ўз муҳтарам ҳарами Гавҳаршод Оғодан ранжиб юрар ва «фарзандимдан мени жудо қилдилар», дер эди. Иффат шиорли мадҳи улё мажбурият юзасидан Самарқанд сафарини ихтиёр қилди».*

Шу сўзларга бир зум диққат қилайлик, айниқса, сўнги жумлаларга. Аксар тадқиқотчилар, «давлатнинг амалдаги бошқаруви Гавҳаршод Оғо қўлида бўлган», деган қарашга мойилдирлар. Ростдан ҳам шундай бўлганда эди, ёши 63 ни қоралаб қолган малика 1422 йилнинг 3 январиди, қирчиллама қишда Самарқандга Абдуллатиф Мирзони олиб келиш учун жўнамаган бўларди, «яна мажбурият юзасидан». Қиш чиқсин, ке-

йин бир гап бўлар, дейиш ҳақиқатда тахт жilовини тутиб турган малика учун ҳеч гап эмасди. Малика Самарқандда катта иззат-ҳурматга ноил этилади, ўгли Улуғбек Мирзо турфа тухфалар, йўрға отлар билан набираси Абдуллатиф Мирзони ҳам қўшиб жўнатади. 1442 йилнинг 25 феввалида Гавҳаршод Оғо Ҳиротга етиб келади. Ташрифлар орасида бу қадар тезкори бўлмаган. Бу далилнинг ўзи ҳам Шоҳруҳ Мирзонинг отаси Соҳибқирон сингари бир ишга киришса, охиригача етмай қўйиш одатини қўлдан бермаганлигини собит этади. «Ҳазрат хоқони саъид, – дейди муаррих, – Абдуллатиф келганлигидан кўп шод-хуррам бўлди».

Шоҳруҳ Мирзо набираси Абдуллатиф қайтишидан кўп севинган. Унинг бу набирага эътимод боғлаганлиги бежиз бўлмаса керак. Абдуллатиф набиралар орасида билими, истеъдоди билан ажралиб турарди. Қаруви етаётган Шоҳруҳ Мирзо гарчи валиаҳд қўйиш тўғрисида ўйлаб кўрмаган бўлса-да, кўнглининг бир буржида шаҳзодалардан кимнидир танлаш ўйи бўлган. Гавҳаршод Оғо Алоуддавлани бунга муносиб кўрган ва ишни шу ўзанга буриб, олиб борган. Шоҳруҳ Мирзо бир қарорга келмаган бўлса-да, унинг кўнгли Абдуллатиф Мирзода эди, дейишга ботинаман. Абдуллатифнинг ўз кўз ўнгидан узоқлаштирилишини Шоҳруҳ Мирзо оғир қабул қилган ва, охир-оқибатда, Гавҳаршод Бегим қиш бўлишига қарамай, Самарқандга шахсан ўзи бориб, шаҳзодани олиб келган.

Саройда ҳаёт Абдуллатиф қайтиши билан яна аввалги изига тушиб кетади. Мамлакатнинг олис бурчакларида ҳам айтарлик бирор низо содир бўлмайди. Қаро Юсуф туркманнинг ўғиллари билан ҳам муносабат йўлга қўйилади, улар Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига итоат билдириб келиб-кетадилар. Лекин шу орада яна бир мусибат юз бериб, Шоҳруҳ Мирзонинг белини букиб кетади. Шоҳруҳ Мирзонинг севиқли қизи Марям Султон оламдан ўтади. Марям Султон 1413 йилда марҳум валиаҳд Муҳаммад Султоннинг ўғли Муҳаммад

Жаҳонгирга эрга берилган эди. Бу воқеа 1441 йилнинг 14 июнида воқе бўлади. Марям Султон билан Муҳаммад Жаҳонгир 18 йил турмуш қурганлар. Абдураззоқ Самарқандий «Матла»сида Марям Султоннинг эри (2 жилд, 2 қисм) Муҳаммад Султоннинг яна бир ўғли Яҳё деб қўрсатилади. Фасиҳ Хавофийда изчил равишда Муҳаммад Жаҳонгир эканлиги айтилади. Гап шундаки, Шоҳрух Мирзонинг иккита қизи бўлиб, яна бири Муҳаммад Жаҳонгирнинг укаси Яҳё никоҳида эди. Буни муаррихнинг ўзи 1447 йил воқеалари тўғрисида гапирганида, «Унинг (яъни, Шоҳрух Мирзонинг – П.Р.) иккита қизи эса Мирзо Муҳаммад Султоннинг ўғиллари Мирзо Яҳё ва Мирзо Муҳаммад Жаҳонгирлар никоҳида эдилар», деган тасдиқни келтиради. Марям Султондан фарзандлар туғилганми-йўқми, бу хусусда ишоратлар учрамайди. Малика ўз онаси Гавҳаршод Оғо мадрасасига дафн этилган.

АНИҚ ҚИЛИНМАГАН ВАЛИАҲДЛИК

Шоҳрух Мирзо ислом дини равнақиға сезиларли ҳисса қўшган мусулмон подшоҳи бўлган. Кези келганда, тағин бир маротаба, унинг дин бобида мутаассиб бўлмаганлигини алоҳида таъкидлайман. У чинакамига художўй, беш вақт намозни канда қилмайдиган, ислом дини воситасида мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга, ҳар бир мўминнинг эътиқодини, дейлик у сунний ёки шийи мазҳабидами, бундан қатъи назар, уларни тенг қўришга, Қуръони Карим асослаган шарият аҳкомларига риоя қилишга ўзини бурчдор деб ҳисоблаган. Тўғри, инкор қилиб бўлмайди, унга замондош бўлган, ўзини мусулмон деб ҳисоблайдиган кўпгина ҳукмдорлар намозни ҳам ёлчитмаганларидек, айшу ишратдан, ичкиликдан тийилмаганлар, адолат мезонини унутганлар, оқибатда, тахтлари заволга юз тутган, ҳукм суриши узоққа бормаган, ёйинки, фожеийи яқун топган. Шоҳрух Мирзо

сўзнинг тула маъносида мусулмон бўлганлиги сабабидан кам адашган, нотўғри ишларга деярли қўл урмаган, 1397 йилдан эътиборан Хуросон тахтида, 1405 йил 3 мартдан Соҳибқирон отаси салтанатида муқим ҳукм суриб келган. Ҳали бу ҳақда Абдураззоқ Самарқандий фикрларини эътиборга ҳавола этиб, суҳбатни яна давом эттираман.

«Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида Шоҳруҳ Мирзонинг «салтанатга тегишли улўф ишлар қанчалик кўплигига қарамай, илоҳий ҳукмларга риоя қилишдан ҳеч маҳал ғофил ва бепарво бўлмас, диний ишларни дунёвий машғулотлардан ҳамма вақт илгарти қўяр эди... Шу туфайли олий даргоҳнинг майдони ер юзи султонларининг саждагоҳига, шоҳона боргоҳ палоси Рум ва Фаранг қайсарлари ҳам Миср ва Занг мамлакати жабборларининг бўса жойига айланди. Хоқони саъиднинг баландпарвоз ҳимматининг ҳумоқуши ҳаминша ҳожатмандлик юзасидан Байтуллоҳни (Қаъбани – П.Р.) ёпмоқ учун ҳижоз томонга жома (кисват) юбориш истагида парвоз қилар, аммо бу иш Миср султонининг руҳсатисиз амалга ошмай келар эди. Саккиз юз қирқ учинчи (1439- 1440) йили эса Миср султони бир элчи юборган ва ўз ихлосини тегишлича изҳор қилган эди. Энди эса ҳумоюн хотир Шоҳруҳ Мирзо унинг (Миср султонининг) ҳузурига бир элчи юбориб, уни ўз нурли замиридаги истакдан хабардор қилишни лозим деб топди. Мулк ишлари бўйича соҳиб ихтиёр бўлган амир Жалолиддин Ферузшоҳ муртазойи аъзам Сайид Шамсуддин Муҳаммад Замзамийни элчиликка тайин қилди.

Сайид Шамсуддин Муҳаммад Замзамий, ўша давр манбаларидаги таърифга қўра, «жуссаси кичигу ақли катта, иш оқибатини қўра билувчи, кўпчилик манфатини кўзловчи, ширин тил ва нозик баён киши эди». Замзамий тез фурсатда ҳалаб сарҳадларига етиб боради. Миср султони элчини кутиб олиш учун ўз яқинларидан бир тўдасини унга пешвоз чиқаради. Султон

элчини хуш чехра билан қаршилаб, яхши суҳбатлар қуради. Шоҳруҳ Мирзонинг ахволи ҳақида сўраб-суриштиради ва дўстлик, эътиқод изҳор этади. Замзамий олиб келган номани илтифот билан олиб, моҳиятини англаганидан кейин, «У ҳазрат ҳар қачонки, Байтуллоҳ жомасини юборса, жомани тегишли ўринга етказмоқ учун Султон тўла саъй-ҳаракат кўрсатгусидир», деб ваъда қилади. Элчига иноятлар кўрсатиб, қайтишига ижозат беради, мактуб ҳам йўллайди. Замзамий Мисрдан қайтиб, бўлган воқеаларни Шоҳруҳ Мирзо арзига етказди.

Жалолуддин Ферузшоҳ саройда кўпдан буён улут мартабани эгаллаб келар, у «кишиларга мадад беришу қўллаб-қўлтиқлаш, бировни пастга уришу фисқ-фасодга ундаш, ишларни тўхтатишу ривожга миндириш, маблағни йиғиб олишу тарқатиш масалаларида жаҳон иш юритувчиси ва олам аҳлининг фармон берувчиси эди. Гарчи бу маъни тоғдек виқорли хотир Шоҳруҳ Мирзо учун оғир ва қийин тўюлса-да, аммо амирлардан мамлакат манфаати ишларига кириша оладиган биронта бошқаси бўлмагани учун, у ҳазрат бунга улугворона қараб, ўзини билмасликка солар эди».

Жалолуддин Ферузшоҳ XV асрнинг 40-йиллари бошларида, шу тариқа, мавқеи зўр вазирга, айтгани айтган, дегани деган арбобга айланган эди. У, одамларни ишга тайинлар, ишдан бўшатар, хуллас, давлат хизматида кўпроқ ўзига яқин бўлган кимсаларни тикиштира бошлаганди. Шоҳруҳ Мирзо, муаррих уқтиргани каби унинг бу қилмишларини, нияти бузила бошлаганини пайқаб юрган бўлса-да, унинг ўрнини босадиган ходим бўлмагани сабабли, вазминлик билан чидаб келади. Бунинг устига, шаҳзода Муҳаммад Жўгий Мирзонинг ҳам кўнглида Жалолуддин Ферузшоҳга кўпдан буён адоват тўпланиб келар эди. Жалолуддин Ферузшоҳ Балх вилоятини идора этишга Саййид Имоуддин Маҳмудни тайинлайди. У бу мансабни рад этса ҳам, фойда бермайди. Шоҳруҳ Мирзо аслида Саййид

Имодуддин Маҳмудни Балх ишларидан кура «дуруст-роқ» жойга мўлжал қилган. Буни англаган Ферузшоҳ, сув келмасдан олдин банд солиб, уни Балхга ҳоким этиб тайинлайди.

Эътибор қилинса, 1440 йилдан бошлаб, Шоҳруҳ Мирзо саройида ҳокимият учун зимдан кураш кучая бошлайди. Аввало, Шоҳруҳ Мирзонинг ўзи ҳам валиаҳд бобида аниқ бир тухматга келмаган бўлса-да, Улуғбек Мирзонинг ўгли Абдуллатифга бир қадар майли бўлган. Курашнинг бошида, ҳеч бир шубҳасиз, Гавҳаршод Оғо турган эди. У, Бойсунғур Мирзонинг ўгли Алоуддаврани бобоси ўрнида тахтда кўрмоқчи эди. Кўрамизки, ички интилишлардан ташқари, ташқи уринишлар ҳам мавжуд бўлган. Бу хатти-ҳаракатлар Жалоуддин Ферузшоҳ шахсида намоён эди.

Гавҳаршод Оғо ва бошқалар Шоҳруҳ Мирзо ҳаёти-нинг охириги йилларида ҳокимият талашни пойгаси маррасига чиққан эдилар.

ОХИРЛАЁТГАН ВА БОШЛАНАЁТГАН ЙЎЛ

Абдураззоқ Самарқандий Шоҳруҳ Мирзо ҳукмдор бўлган мамлакат сарҳадларини «Чин чегараларидан Миср ва Рум ноҳияларигача ҳамда Туркистоннинг узоқ ерларидан Ҳиндистоннинг поёнигача ҳазрат хоқони саъиднинг фармонига тобе бўлиб, у вилоятларни қўлда тутиб, идора қилиб келар эди», деб таърифлайди. Муаррих тагин, юртнинг ободлиги ва фаровонлиги, Мисрдан то Чинга қадар йўлларнинг хатардан холи эканлиги, савдо-сотиқнинг ривожда бўлганлиги ҳақида ҳам қониқиш билан сўзлайди. Шундай салтанатни қарор топдириш учун Шоҳруҳ Мирзо 20 ёшида сиёсат майдонига белни маҳкам боғлаб тушган эди. Шоҳруҳ Мирзо отаси Соҳибқирон Амир Темур янглиғ улкан урушлар қилмади, 200-800 минглик қўшинлар тортиб, фатҳ ишларига киришмади. Аксинча, Соҳибқирон қўлга киритган мулкларни сақлаш ва муҳофа-

за этиш, идора қилиш билан шуғулланди. Унинг ҳукмдорлиги узоқ ва барқарор давом этди. Мамлакатнинг иқтисодий-маданий қудрати ошиб борди. Соҳибқирон замонига нисбатан тинчлик, офият қарор топганлиги, адолат ва эътибор сабаб, илм-фан, бадиий адабиёт бениҳоя даражада юксалди. Бу хулоса ҳам туркий, ҳам форсий маданиятларга, тамаддунларга бил хилда тааллуқлидир. Мен ҳамиша бир саволимга ўзимни қониқтирадиган жавоб топа олмаганман. Улкан муаррихлар ҳам бу муаммога яқин йўламаганлар, улардан ҳам бу борада жўяли фикрлар чиқмаган. Бу – Соҳибқирон Амир Темур пойтахтининг иккинчи даражали мақомга туширилиши, Жайхундан нарига, Ҳиротда салтанат марказининг вужудга келтирилиши муаммосидир. Шоҳруҳ Мирзо ҳаёт йўлини тадқиқ этароқ, нималарнидир англагандай бўлдим. Аввалига, Шоҳруҳ Мирзо 1397 йилда Ҳиротда ҳукмдорлик қилган, 1405 йилдан кейин, эҳтимол, иссиқ жойини совутгиси келмаган, Ажам ва Ироқни қўлдан чиқазмаслик лозим, деган ўй Шоҳруҳ Мирзога Самарқандга кўчиб ўтмасликда асосий дастак бўлганмикан, деган хулосага келдим. Хуросонда давлат пойтахтини қарор топдириш унга осон бўлмаган. Бунинг учун жонини беришга ҳам бир баҳя қолган. Суннийлик, шийлик интиқомлари қанчалик кучли бўлганлигини тасаввур қилса бўлади. Шийларнинг муқаддас зиёратгоҳи – Машҳад шаҳридаги Имом Али ибн Мусо Ризо мақбарасини обод этиш, олтин қандиллар билан безаш, Гавҳаршод Оғонинг мадрасалар қурдириши, амир Шоҳ Малик каби амирларнинг ҳам Машҳад шаҳрида кўркам бинолар, ҳатто ўзига мақбаралар барпо этиши Темурий ҳукмдорларнинг маҳаллий аҳоли қадриятларига зўр ҳурмат билан қараганлиги далолатидир. Шоҳруҳ Мирзо ҳар йили бўлмаса-да, йил оша Машҳадга ва Эрондаги бошқа қадамжолар зиёратига бориб турган, элу халққа кўпдан-кўп назр-ниёзлар, хайриялар улашган, Мамлакат

бош-қарувида элатлар, қавмлар, эътиқодлар, урф-одатлар, турмуш тарзи сингари ўта муҳим, ҳаётий аҳамиятга молик томонлар мувозанати бузилгудек бўлса, уни ўнглаш мутлақо мумкин эмас эди. Шу ойнларга қатъият билан амал қилинганлиги, бунга ҳилоф иш қиладиган (мисоли Султон Масъуд) шаҳзодаларнинг ҳам таноби тортиб қўйилиши, ўрнатилган қаттиқ назоратнинг амалда бўлиши Шоҳруҳ Мирзо ҳукмдорлигининг бардавомлиги омиллари бўлган эди. Шу боисдан, салтанат бошқарувида, девон бош вазири ва аксар соҳа вазирлари маҳаллий кишилардан, Эрон, Табриз, Хавоф, Форс туғди-битдиларидан бўлиши таъсирга киритилган. Шулардан энг машҳури Жалолиддин Ферузшоҳ бўлган эди.

Халоскори соний – Шоҳруҳ Мирзо кексайиб, кучдан қолаётган, турфа касалликлар уни қуршовига ола бошлаганди. 1444 йилда Шоҳруҳ Мирзо кутилмаганда бир оғир касалга чалинади. Хасталик кундан-кунга кучая боради, «ичдаги иситма ҳарорати олов шуъласидек ташқарига уради». Бундан Хуросон аҳли гамгин бўлади, шаҳару қишлоқларда подшоҳнинг тириклиги ёхуд ўлганлиги ҳақида шубҳали гаплар тарқалиб кетади. Муолажа ишлари тепасида Жалолиддин Ферузшоҳ туради. Хозиқлар Шоҳруҳ Мирзонинг жони учун кураш олиб борадилар, иштаҳадан қолган бемор ҳукмдорга унинг мижозига мос келадиган бир шарбатни тайин қиладилар. Ҳиротнинг кўзга кўринган руҳонийларидан бўлган Шайх Умар жума кuni наомзини адо этиб, подшоҳдан ҳол-аҳвол сўраш учун Боғи Зоғонга келади. Шоҳруҳ Мирзо учинчи кун тилдан қолган, кўзини очмай қўйганди. Шайх Умар ундан ҳол-аҳвол сўраганда, иттифоқо, Шоҳруҳ Мирзо кўзини очиб, саволларга жавоб қилади. Муаррих айтадики, *«Шоҳруҳ Мирзо Шайх жанобларидан бир нима сўрадики, жаноб Шайх Умар муборак бошларидаги дасторни олиб, Шоҳруҳ Мирзонинг олдига қўйдилар ва ташқари чиқдилар»*.

Шаїхнинг дуоларими ёки муолажа натижаларими, ҳарҳолда оғир бетоблик ортга чекинади. Лекин бу касаллик ортга чекинган бўлса-да, сарой ичидаги тахт жазманлари яна бир қадам олдинга босадилар. Чунки, бир йўл охирлаётган, улар учун эса иккинчи – янги йўл бошланай-бошланай деб турарди. Қўйилган бир қадамни ким каттароқ, ким кичикроқ ташлаган, воқеалар давомида билиб оламиз.

Саййид Имомуддин Маҳмуд Балхга Жалолиддин Ферузшоҳ томонидан ҳоким қилиб жўнатилгандан кейин, Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Муҳаммад Жўгий Мирзо ҳам унга қўмаклашиш, молиявий ишларни тафтиш эттириш учун Балхга кетган эди. Шоҳруҳ Мирзонинг хасталаниши ва бу ҳақда турли-туман хабарларнинг тарқалиши Балхда турган Муҳаммад Жўгий Мирзонинг қўлоғига ҳам етади. У шошилиш равишда Ҳиротга от қўяди. Шаҳарга яқинлашиб қолганида шаҳзода отаси оғирлашиб қолган пайтда Гавҳаршод Огонинг зўрлаши билан ваъзири аъзам Жалолиддин Ферузшоҳ Алоуддавла Мирзога байъат қилганлиги дарагини эшитади. Ишнинг бундай эврилиши Муҳаммад Жўгий Мирзога жуда малол келади. Чунки, у Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли бўлса, Алоуддавла набира эди. Онаси Гавҳаршод Оғо уни нима сабабдандир ёқтирмас, ҳатто девонда ишлашига, кўзига кўриниб туришига ҳам йўл бермасди. Отаси эса уни яхши кўрарди. Доимо ёнида бўлишини хоҳларди. Вақтида унинг валиаҳдлиги ҳақида маслаҳат бўлганда, она буни қатъиян рад этган ва бу борада бир қарорга келинмай қолиб кетган эди.

Муҳаммад Жўгий Мирзо Ҳиротда турган вақтда Балхдан Саййид Имомуддин Маҳмуд ҳам келиб қолади. У Балх вилоятида Султон Масъуд даврида йўл қўйилган молиявий камомадлар ҳисоботини ҳам олиб келганди. Муҳаммад Жўгий Мирзо бу камомадларда Жалолиддин Ферузшоҳ одамларининг қўли борлигини яхши билганидан Саййид Имомуддинни отаси ол-

дига бошлаб киради. Балх вилоятида йиллар давомида амалга оширилган талон-торож, хазина маблағларини, тушумларини ўзлаштириш тамомила Жалолиддин Ферузшоҳ одамлари томонидан қилинганлиги исбот этилади. Ажабланган Шоҳруҳ Мирзо, йиғинда қатнашаётган Жалолиддин Ферузшоҳдан қўйилган даъволарга жавоб беришни сўраганида, у этагини қоқиб, мажлисни ташлаб чиқиб кетади. Манманлик, бойлик, муҳими ортида Гавҳаршод Оғо турганлиги сабаб, димоғи кўтарилган вазир подшоҳнинг сазасини ўлдириб, «сен кимсан» қабилида, йиғиндан намоёнишкорона чиқиб кетади. Ҳамиша оғир ва вазмин, ғазабини идора қила оладиган Шоҳруҳ Мирзо унинг ортидан парвоначи мавлоно Яъқубни жўнатиб, «Биз тарафдан амирнинг (яъни, Жалолуддин Ферузшоҳнинг – П. Р.) кўнгли қолишига сабаб бўладиган бирор иш воқе бўлгани йўқ, энди, агар қоида подшоҳнинг сўзини оғзида қолдириб, мажлисдан қаҳр билан чиқиб кетиш бўлса, бундан кейин подшоҳона ғазаб ва султонларга хос ёсоқдан эҳтиёт бўлгил», деган гапини етказишни буюради.

Амир Жалолиддин Ферузшоҳ мавлоно Яъқуб парвоначи борганидан, Шоҳруҳ Мирзо тайинлаган гапни эшитганидан сўнг, нима қилиб қўйганлигини фаҳмлайди, муаррих айтганидек, ғафлат уйқусидан уйғонади. Ўз қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлади-ю, аммо энди бунинг тадориги йўқ эди. Жалолиддин Ферузшоҳ қаттиқ ўйловда қолиб, оғир касалга чалинади. Мулоҳаза қиламан, уч киши ишлайдиган ташкилотда ходимлардан бири бошлиққа истихзо қилиб, эшикни қаттиқ ёпиб кетгудай бўлса, қандай ҳолга тушади-ю, подшоҳга нисбатан калондимоғлик қилиш, ўйлашимча, тасодифий ҳам, нодонлик портлаши ҳам эмас. Бу узоқ вақтдан буён Гавҳаршод Оғо билан қилинган машваратлар, маликага бўлган ўта ишонч, унинг айтгани бўлиши муқаррар деб калтабинларча ўйлашлар оқибати эди.

Шоҳруҳ Мирзо оғир ётиб қолган Жалолиддин Ферузшоҳнинг уйига бир неча бор бориб, ундан ҳолаҳвол сўрайди. кўнглини кўтаради. Касаллик кундан-кунга хуруж қилади ва вазири аъзам минг бир андуҳда ҳаётдан кўз юмади. Шундай пайтларда мен Соҳибқирон Амир Темур тирилиб келган, фақат ўгли Шоҳруҳ Мирзо қиёфасида ҳаракат қилган, деб ўйлагим келади. Муртад Тўхтамишни кечира олган Амир Темур ҳазратлари Шоҳруҳ Мирзо қонига ҳам эзгуликларни бус-бутунича жойлаб кетган экан. Бошқа, ҳар қандай ҳукмдор бўлганда ҳам. Жалолиддин Ферузшоҳнинг сарой дарвозасидан бир қадам хатлашига йўл қўймас, кам деганда, зиндонбанд қилдирган бўларди. Давлатни, салтанатни ана шундай бағри кенг, кечиримли, узоқни ўйлаб иш тутадиган оқил, донишманд кишилар бошқарса, тожу тахт шарафи унинг бошида қирқ йилдан ошиб сарафроз бўлганидек, авлодининг ҳам ҳокимиятда бўлиш муддатини асрлардан-асрларга ўтказади. Соҳибқирон ва Темурийлардан бўлак сулоалаларда бундай жўмардликни кам учратамиз.

1445 йилдан Шоҳруҳ Мирзо набираси, Бойсунғур Мирзонинг фарзанди Султон Муҳаммад Мирзони Ироқ мулкларига жўнатади. Бу ҳудуддаги жамики ҳокимлар уни тан олиб, тўхталар ва ҳадялар жўнатадилар, ҳузурига келиб таъзим адо этадилар. Фақат амирлардан Ҳожи Ҳусайн шаҳзоданиннг олдига келишдан бош тортади. Хуллас, муомала-ю мурса чувалашиб, иш жангга тортади. Ҳожи Ҳусайннинг ҳамадон лашкари енгилб, қочиб кетади. Ҳожининг ўзи йигирма киши билан Ҳамадон қалъасига келади, лекин унга дарвозалар очилмайди. У, омади юришмай, тоғу биёбонларга бош олиб кетади. Уни, барибир, тутиб келтирадилар. Ҳожи Ҳусайн Султон Муҳаммад Мирзонинг хизматида бўлган амакиваччаси қўлига топширилади. Бу амакивачча ундан хун қасосини олади – қатл этади.

Шоҳруҳ Мирзо бу воқеани эшитгач, амир Ҳожи Ҳусайн ва унинг оталарининг аввалги хизматларини эслайди ва набирасининг унга нисбатан қилган қилмишларини маъқул топмайди, «агар Ҳожи Ҳусайндан гуноҳ ўтган бўлса, буни аъло тахт поясига арзга етказмоқ лозим эди», дея қаттиқ танбеҳ беради.

Султон Муҳаммад олиқ-солиқларни ҳар хил йўллар билан олиб турган бўлса-да, муаррих таъкидлаганидек, «вилоятлардан келадиган кирим харажатга етишмас эди. Раият ғоятда заҳмат тортмоқда эди». Султон Муҳаммад Мирзонинг одамлари Шоҳруҳ Мирзонинг касалланиши ҳақидаги гап-сўзлардан кейин, уни кучдан қолган, заиф ҳисоблаб, Султон Муҳаммадни вазиятдан фойдаланиб қолишга, тахти бўш турган Исфохонни эгаллашга тезлайдилар. Лақма, гапга учадиган, мулкгирлик қутқусига тушган шаҳзода Исфохонга лашкар билан босиб боради. Шаҳар доруғаси амир Саодатни қўлга олиб, шаҳар ва вилоятни забт этади, жуда кўп мол-дунёни ўлжа қилиб олади. Ғалабадан мағрур бўлган шаҳзода Шерозни ҳам қўлга киритиш ҳавасига тушади. Шерозда амакизодаси Султон Абдуллоҳ Мирзо ҳоким бўлиб, унинг ҳарбий қуввати Султон Муҳаммадники даражасида бўлмаганлиги учун, мудофаа ишларини йўлга қўйиб, воқеани Ҳиротга етказиш учун одам юборади.

Бу хабарлар Шоҳруҳ Мирзога етиб борганда, у «бағоят заиф ва ҳолсиз эди, қарилик ва нотавонлик нури ҳумоюн чехрадан очиқ-ойдин кўриниб турарди. Гарчи у ҳазратнинг ёши у кишининг Ироқ йўлига отланишига, Шероз томон йўл босишига муносиб бўлмаса ҳам салтанат номуси у ҳазратни шунга мажбур этдики, заифлик мавжудлиги ва қувватини йўқотганлигига қарамай, юриш байроғини Ироқ томон ёйди». Бир неча йиллар давомида Султон Муҳаммад Мирзонинг «ёпиқ турган фитна-ю фасод йўлини очганлиги ва мусулмонларнинг молу жони хатар маракаси-ю, талон-торож майдонида қолганлиги Шоҳруҳ Мирзога аён

бўлади». Хулоса қилиш мумкинки, Соҳибқирон давридагига нисбатан Шохруҳ Мирзо салтанатида хабар етказиш (жосуслик, қулоқлар) тизими суест ишлаган. Йўқса, Бойсунғур Мирзонинг ўғли Султон Муҳаммад Мирзо нотўғри йўлга кириб кетмасдан, кексайган бобоси унга қарши лашкар тортиб бормасдан бир қанча вақт аввал бу фитнанинг олди олинган бўларди.

Соҳибқирон салтанатида вилоятлар Ироқдами, ёинки, Мовароуннаҳрдами, бундан қатъи назар, юз бериши мумкин бўлган ёмонликлар тўғрисида тезкор маълумотлар олинар, шунга қараб дарҳол чора ҳам кўриларди. Амир Темур ҳазратлари ҳаётлигида фарзандлар у ёқда турсин, набиралар ҳам ўзига берилган вилоятдан ташқари, бошқа бирига кўз ола қилолган эмасди. Бу, табиийки, хавфсизлик хизматининг аниқ шакллантирилиши билан бевосита боғлиқ эди.

Султон Муҳаммад Мирзо бобосининг Шерознинг яқинигача, яъни Гандумон мавзеига етиб келганлигини эшитиб, ҳамма мулки молини, кўч-кўронини қолдириб, Луристон томонга жон халпида қочиб қолади. Шу ўринда Абдураззоқ Самарқандий тилга олган бир воқеани назарга етказай. Муаррих шундай нақл қилади:

«Ҳазрат хоқони саръид музаффар ва голиб ҳалда орқага қайтиб, Исфахонга келди ва зимдан шаҳзодага (Султон Муҳаммадга) тарафдор бўлган сайидлар ва раислар жамоатини бандга алдирди. Рамазон ойининг ўрталарида (4 декабр, 1446) уларнинг аксари қатлга етказилади. Донишмандлик рамзлари хазинасининг тўпловчиси бўлмиш улуғ мавлоно Шарафуддин Али ал-Яздийни Мирзо Султон Муҳаммад иззат-эҳтиром билан ҳар ерда ўзи билан бирга олиб юрар эди. Жаноб мавлавий (Али Яздий)нинг шаҳзодага ўқиган:

*Чарх ҳам, юлдузлар ҳам қариб қолганлару
Сенинг бахтинг вояга етган,
Қари киши ўз навбатини ёшига топширса-
Дуруст бўлади, –*

деган байти ва «У ҳазрат (Шоҳруҳ Мирзо) Ироққа келмайди», деган сўзларини хоқони саъиднинг – Шоҳруҳнинг қулоқларига етган эди. Аъло ҳазрат – Шоҳруҳ мавлавийни (Яздийни) чақиртириб, ундан сўради: «Сен нимага асосланиб, мени бу тарафга келмайди, деб айтдинг?» Мавлоно жавоб бериб: «Шаҳзода салтанат чаманида вояга етган бир ниҳол ва давлат матлаъидан тулу қилиб, шон-шавкат авжига етишиган бир юлдуздир, ана шундай бир сарвни оёқдан қулатмасиз, ана шундай бир ойни куйиб, йўқ бўлишига мубтало қилмасиз, у шўхлик ва итотасизликка йўл қўйган тақдирда ҳам, сиз бунга эътибор бермасиз, деб ўйлаган эдим, юлдузлар башорати ва бошқа илмларга асосан айтилган мазкур сўзларга келганда, Худо сақласин, мен ундай деган эмасман, агар бирор киши бу сўзимга хилоф гапни Хумоюн қулоқларга етказган бўлса, у бир туҳматдирки, бу дуоғўйингиз бўйнига тақибдилар, деб айтди. Мирзо Абдуллатиф ўша олий мажлисда мавлоно Али Яздий ҳақида муносиб сўзлар билан хитоб қилган эди, у ҳазрат Шоҳруҳ Мирзо мавлонони Мирзо Абдуллатиф ихтиёрига топширди. Шаҳзода эса яхши тадбир ўйлаб, балки қудратли малик – Тангри белгилаган тақдир сабаби билан, номи зикр этилган мавлонони – Шарафиддин Али Яздийни у гирдоб қаъридан нажот соҳилига етказди ва уни кўчийларга ҳамроҳ қилиб, Ҳирот томон жўнатди».

Сова қишлоғида амалга оширилган қатл ҳақида ҳали сўзлайман. Бу ерда гап Соҳибқирон тарихининг муаллифи, «Зафарнома»ни яратган Шарафиддин Али Яздий тўғрисида бораётир. Яздийни қатл қилиш учун далиллар юқорида тилга олинганидай жуда аниқ ва даҳшатли эди. Шоҳруҳ Мирзо гуноҳи азимга йўл қўйган набирага пишонг берган бошқа сайидлар, раислар қатори, улуғ муаррихни ҳам фитна ташаббускори сифатида айблаб, ўлдириб юбориши мутлақо мумкин эди. Лекин у алломани аяган ва унга майли бўлган Абдуллатиф Мирзо ихтиёрига, қандай қарорга келиши-

дан қатъи назар, топширган. Абдуллатиф Мирзо эса, Яздийни қатл «гирдоби»дан қутқариб, кўчманчиларга қўшиб, Ҳиротга жўнатиб юборган. У, аслида Шоҳруҳ Мирзо қилган яхшиликни – авфни ижро этувчи бўлган.

Яздий «Зафарнома»да қайд этганидек, Соҳибқирон Амир Темур бир ишга киришгудек бўлса, уни ниҳоясига етказмасдан тинчимасди. Отадаги бу феъл Шоҳруҳ Мирзода ҳам тўла шаклланган эди. Жумладан, у Луристонга қочиб кетган набираси, исёнкор Султон Муҳаммадни шундай қолдириб қўймайди. Шоҳруҳ Мирзо Райда турган кунларида улуғ амирларидан Музаффариддин Султоншоҳ барлос, Фиёсиддин Амир Шайх Абул Фазл кўкалдош ва амир Низомиддин Аҳмадларни Луристон томон йўллаб, исёнчи набирани ўз ҳузурига келтиришни, гапига ҳам, баҳонасига ҳам қарамасдан, отининг жиловидан маҳкам тутиб, олиб келишни амр қилади. Ҳаммадан олдин отланган Шайх Абул Фазл Лурситонга етиб боради ва Муҳаммад Султонни ўз гуноҳи учун кечирим сўрашга унатилади. Шоҳруҳ Мирзо 1447 йилнинг 18 мартига қадар Райнинг Пашов деган қишлоғида туради. У, бу жойда меъда оғриғидан шикоят қилади, аммо ўзида заифлик, беморлик нишонларини сездирмайди.

Шоҳруҳ Мирзо Табарик қалъаси томон кўзғалади, мақсади қадамжоларни зиёрат қилиш бўлади. Кексайган, хасталик туфайли заифлик тортган ҳукмдор йўрға хачирга минади. Хачир осовроқ бўлган, чоғи, Шоҳруҳ Мирзо унинг жиловини тутишга ночорлик сезади. Подшоҳга тахтиравонни келтирадилар, андак йўл юрилгач, Шоҳруҳ Мирзода одатий бўлган меъда оғриғи зўрайиб кетади. Тезкор кўрилган чоралар таъсир қилмайди. Шу тариқа, Шоҳруҳ Мирзо йўлда ҳаёт билан видолашади. Абдураззоқ Самарқандийнинг шаҳодатига кўра, бу воқеа зулҳижжа ойининг бешинчи кунини (ҳижрий 850) – 1447 йилнинг 14 мартини юз беради. Шоҳруҳ Мирзо ҳарбий сафарда, набираси Султон Муҳаммад Мирзога қарши кўшин бошлаб борган

вақтда, Рай шахрининг Пашов қишлоғида жон таслим этади.

Энди, олдинда берилган ваъдага мувофиқ, Шоҳруҳ Мирзонинг салтанат ҳукмдори ва мусулмон сифатидаги фаолияти бобида фикр юритайлик. «Матла» асарининг муаллифи Абдураззоқ Самарқандий баҳоси бегаразлиги, холислиги билан орадан шунча асрлар ўтган бўлишига қарамай, эътиборга лойиқдир. Мавлоно муаррих шундай хулосаларга келади:

*«У эллик йил давомида салтанат тахти ва халифалик маснадида ўтириб, жаҳонкушолик қоидалари-ю, фармонраволик қонунларини олам аҳлига кўргазиб келди. Адолат ва шафқат, шаҳарларни тузатиш ва **аҳолини кўпайтириш** билан жаҳонни маъмур ва ободон қилди, Чин чегарасидан Миср ва Рум ниҳоятигача, Туркистоннинг йироқ ерларидан Ҳиндистоннинг поёнигача унинг фармонига тобе бўлиб, шоҳона кўргазма ва ҳукмларга бўйсуниб итоат кўрсатар эдилар. Вилоят чеккаларида бир неча марталаб қўзгалган ва вужудга келган марака ва жангу жадалларда у ҳазрат ҳамиша фатҳу нусрат билан қўлланиб, тақдирланди ва ҳеч бир тўқнашувда енгилишу маглубиятга учрамади, ҳеч бир маъжада синиб, эгилмади. Хоқони саъиднинг шоҳона вақти ва бахтли соати муҳим ишларни саранжом қилишига сарфланар эди. Олий мажлис даврасида доимо маволийлар, фозиллару **аҳолидан етишган** уларга тенглашувчи кишилар ҳозир бўлиб, иш вақти орасида ва севимли соатларида диний илмлар бўйича баҳслашиш ва яқиния фанлари бўйича музокара қилиш, тавсия, ҳадис, фикр ва тарих китобларини қироат қилиш билан машғул эдилар. У ҳазрат сафарда ҳам, муқим турган вақтларда ҳам ойнинг байз кунларида ва ой бошларида рўза тутар эди... Қимор ўйинлар, бачкана овунишлар, хотинбозлик ва ғайри шаърий машғулотлардан эҳтиёт бўлиб, ўзини тутар эди. Шундай қилиб у ҳазрат меҳнат ва гурур*

маконидан айш-ишират, жаннат саройига кўчгач (яъни, вафот этгач), у кунни то кеч тушгунча бу воқеа кўпчиликлар учун махфий қолди. Ҳазрат Шоҳруҳнинг еттигача ўғли бор эди: Мирзо Улуғбек кўрагон, Мирзо Иброҳим Султон, Мирзо Бойсунгур, Мирзо Суюргатмиш, Мирзо Муҳаммад Жўгий, Жон Ўғлон ва Борди, охиригача икки ўғли гўдаклик чоғида нобуд бўлган. қолган азиз фарзандлар эса, даргоҳу боргоҳ, лашиқару сипоҳ, ўз амир ва девонлари ҳам ҳукм-фармон эгаси бўлдилар. Аммо булардан ҳам тўрт давлатманд фарзанд у ҳазратнинг замонидаёқ охирач саройига кўчиб ўтдилар ва улардан фарзандлар қолди. Мирзо Иброҳим Султондан Мирзо Султон Абдуллоҳ (у Форс тахтада эди) Мирзо Бойсунгурдан: Мирзо Алоуддава, Мирзо Султон Муҳаммад ва Мирзо Абдул Қосим Бобур; Мирзо Суюргатмишдан: Мирзо Султон Масъуд ва Мирзо Қарочор; Мирзо Муҳаммад Жўгийдан: Мирзо Муҳаммад Қосим ва Мирзо Або Бакр. У ҳазрат марҳум шахзодаларнинг суюрголи бўлган вилоятларнинг ҳаммасини уларнинг фарзандларига иноят қилди.

Шундай қилиб, у ҳазратнинг вафоти рўй берган замонда, унинг пушти камаридан бўлган фарзандлардан Мирзо Улуғбек кўрагондан бошқа бирортаси ҳам ҳаёт эмас эди, унинг иккита қизи эса Мирзо Муҳаммад Султоннинг ўғиллари Мирзо Яҳё ва Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир никоҳида эдилар. Булардан ташқари, у ҳазратдан иккита муҳтарам аёл қолди – Гавҳаршод Ого ва Оқ Султон Ого. У ҳазратдан жавоҳирлару инжулар, зарб қилинмагану қилинган олтин ва кумуш сақланувчи хазина ва дафиналар, **китоблар хазинаси**, жама – кийим-бош хазинаси, фаррошхона ҳамда яроғ-аслаҳа, совут, зирх, жез қалпоқлар ва бошқа мухораба ҳам жанг аслаҳалари сақланувчи жийбахона, отхона ва туяхоналар, қўй қўралари, беадад лашиқару беҳад сипоҳ, кўп гулом ва канизаклар қолди.

Шоҳруҳ мирзо вафот этган кунни Ҳиротда, олий ўрдуда шахзодалардан Абул Қосим Бобур, Мирзо Аб-

дуллатиф. Шоҳруҳ Мирзонинг қизи Марям Султон ва Муҳаммад Жаҳонгирдан туғилган набира Мирзо Халл Султонлар бўлган. Улуғ амирлар биргина амир Пир Луқмон барлос ўрдуда ҳозир эди. Бошқа амирлар Луристонга, Мирзо Султон Муҳаммадни олиб келишга кетгандилар.

Подшоҳнинг ўлими ҳамиша саросималиклар, қутилмаган хавфу хатарлар туғдиради. Айниқса, ўлим пойтахтдан узоқда, сафар чоғида юз берса, ҳадиклар ўн чандон ортади. Шоҳруҳ Мирзо ҳам Ҳиротдан олисда, Эроннинг Рай шаҳри теграсидаги Пашов деган қишлоқда ҳаёт билан видолашади. Отага ҳам, ўғилга ҳам ўз пойтахтларида, хонадонларида, фарзандлари, маликалар, набиралар, қариндош-уруғлар қуршовида жон бериш насиб этмаган. Амир Темур ҳазратлари Хитой юришига отланганда, Шоҳруҳ Мирзо эса бўйсунмай, ўзбошимчалик йўлига кирган Султон Муҳаммадни тийиб қўйиш учун лашкар тортганида мусибат юз беради. Кексайган, сурункали меъда¹ оғригига йўлиқиб, заифлашган Шоҳруҳ Мирзонинг ўлимини тезлаштирган омиллардан бири, шубҳасиз, Шерозга, Султон Муҳаммад устига юриш машаққатлари бўлган. Хачирга миниб, уни бошқаришга ҳам қурби келмаган бобони шунга мажбур этган набиранинг тарих олдидаги гуноҳлари унинг итоатдан чиқиши айбидан оғирроқдир.

Шоҳруҳ Мирзо вафотини ўша куни кечга қадар эълон қилмай турадилар. Ҳиротга зудлик билан чопар жўнатилади. Гавҳаршод Оғо дарҳол чоралар кўришга киришади. Айтганимдек, Шоҳруҳ Мирзо валиаҳд тайин қилишда бир қарорга келолмаганди. Унинг кўнглида Улуғбек Мирзонинг ўғли Абдуллатиф бўлса, Гавҳаршод Оғо эса Бойсунғур Мирзонинг фарзанди Ало-

¹ Отаси, Соҳибқироқ Амир Темур ҳам ошқозон-ичак яллиғланишидан қазо қилган эди.

уддавлани Ҳирот тахтида кўришни, тож кийишга фақат уни муносиб ҳисобларди. Лекин, Самарқандда кейинги йилларда деярли мустақил ҳукм суришга майл кўргиза бошлаган тўнғич ўғил Улуғбек Мирзо ҳокимиятга биринчи даъвогар, тожу тахт унинг ҳақи эди. Бу масалада подшоҳ билан малика ўртасида гап-сўзлар бўлмаган, дейиш ножоиз. Абдуллатифнинг Самарқанддан қиш чилласида олиб келиниши маликага қаттиқ тазаррулар остида бўлганлигини фаҳмлаш қийин эмас. Шундай экан, Гавҳаршод Оғо эрининг истагига биринчи галда ошкора қарши бора олмайди. Ҳиротдаги амирлар, аъёнлар Улуғбек Мирзони яхши билмас эдилар. Орадан қирқ йил ўтиб кетган эди. Улар кўпроқ Абдуллатиф ва Алоуддавлани ҳурмат қилишарди. Шунга қарамай, давлат ойнасининг битилмаган қонунларига кўра, ота ўрнини катта ўғил эгаллаши вожиб ҳисобланарди. Гавҳаршод Оғо, шуларни мулоҳаза қилароқ, Улуғбекни рози қилишни назарда тутиб, нохуш воқеа юз берган кунда, Абдуллатифга, «Ҳазрат хоқони саъид орадан кетди, эл ва улус бошчисиз ва сарварсиз қолди, сен энди мардоналик кўрсатиб, одамларни қўлда тутишинг керак», дейди. Абдуллатиф Мирзо бунга розилик билдиради. Одамларни тутиб туриш, гавго ва галаёнлар чиқмаслигини назарда ушлаш – Шоҳруҳ Мирзо ўрнига тахтга чиқиш дегани эмасди. Бу шум маликанинг сиёсатда кўп ўйинлари, найранглари ҳали юзаган чиққан эмасди. Музтоғнинг учи сув юзасида ялтираб кўрингани билан, унинг зил-замбил асоси сув остида бўлиб, не сири синоати борлиги номаълум эди. Бу ҳол айнан шунга ўхшарди.

Мирзо Абдуллатиф воқеа содир бўлган вақтда кўшиннинг ўнг қанотини бошқариб турган эди. Бувиси гапидан кейин буронғордан туғ тагига келади. Туғ Шоҳруҳ Мирзо туғи эди. Лашкарнинг аксар қисми унинг ҳузурида жам бўлиб садоқат изҳор этади. Лекин шаҳзодалар бунга рози бўлмайдилар. Абул Қосим Мирзо ўз мулозимларини олиб, Хуросон томонга жўнаб

кетади. Шоҳруҳ Мирзонинг қизи Марям Султондан ту-
тилган шаҳзода Халил Султон ҳам унга қўшилади.
Уларнинг одамлари йўл-йўлакай қишлоқларни, бозор-
ларни талашдан ҳам қайтмайдилар. Ўрдубозор йўл
устида бўлганлиги учун, улар босқинчилик йўли билан
одамларни талаб кетадилар. Лашкар бўйсунуш чега-
расидан чиқади, муаррих айтганидек, халойиқ «чапу
ўнгдан» нола қила бошлайди. Абдуллатиф Мирзо Ўрду
атрофига чиқиб, бир неча кишига сиёсат қилади ва
«аланга олган фитна оташига таскин беради». У шу куни
то кечга қадар бўшалган сипоҳни қўлга олиб, итоатга
келтириш билан машғул бўлади. Абдуллатиф шу иш-
ларни қилар экан, «нега тахтни олмаслигим керак?»,
деган қарорга келади.

Шоҳруҳ Мирзо вафотининг учинчи куни унинг жа-
садини тахтиравонга солиб, Хуросонга – Ҳиротга йўл
оладилар. Абдуллатиф Мирзо бобоси ўлгани куниек,
Пашовдан Самарқандга, отаси Улуғбек Мирзога чо-
пар жўнатган эди. Шоҳ жасади олиб келинаётганда,
лашкарлар тартиби бузилган бир ҳолда, икки манзил
йўл юрилгач, «бир гуруҳ фитна кўзгатувчи ёвуз ният-
ли кишилар» Абдуллатиф Мирзога «махди улё Гавҳар-
шод Оғо тархонлар жамоаси билан иттифоқликда хо-
инлик қилиш ниятидадир», деган гапни айтадилар.
Абдураззоқ Самарқандий, *«Мирзо Абдуллатиф асли-
да ўзгарувчан табиатга эга бўлиб, бунинг устига
махди улё Гавҳаршод Огонинг Мирзо Алоуддавлаги
бўлган муҳаббати унга маълум эди. Мирзо Абдулла-
тиф бағоят ваҳимага тушиб, фикрга толди ва бир
гуруҳ муфсидлар ёвузликка фурсат топиб, уни шу
даражага етказдилар. У маҳди улё (Гавҳаршод Оғо
– П.Р.) ва амир Низомиддин Аҳмаднинг тархонлар
жамоатини талон-торожга топшириб, қайси киши-
данки ҳадиксираб юрган бўлса, бандга олдирди. Бу
ҳол зул-ҳижжа ойининг охирида (18 март, 1447) Рай-
нинг Хор деган мавзеи билан Симноннинг Сурха де-
ган мавзеи орасида рўй берди»*, деб ёзади.

Шу воқеаларни баён этар экан, муаррих дилидаги ачиниш аломатларини ҳам саҳифаларга, сўзлар қати-га жо этади. Унинг сўзларини, шу нуқтаи назардан, мушоҳада этиш мақбул бўлар эди. *«Жаҳон мамлакат-ларидан, – деб фикр юритади «Матла» муаллифи, – бир қанчаси ҳазрат хоқони саъиднинг фармони остида бўлганлиги учун унинг азиз фарзандларидан ҳар бири мамлакатлар чеккасидаги бир ерда фармон юритар эди. Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлақати тахтида камали мустаҳкамлик билан ўти-рар эди. Доруссалтана Ҳиротда бўлган Мирзо Алоуд-давла у ердаги жаҳон бойликларини эгаллаб мен, мен-дан бошқа ҳеч ким, деган даъвони ўзига ҳамфикр қилиб олган эди. Мирзо Султон Абдуллоҳ Форс мулкида сал-танат асосини бунёдга келтириб, адолат ва шафқат эшикларини очди. Мирзо Султон Муҳаммад гарчи яроқ-аслаҳасиз ва беистеъдод қолган бўлса ҳам, аммо унинг хотирида ўзидан бошқа ҳеч кимга ўрин йўқ эди. Мирзо Абул Қосим Бобур ўзини олам салтанатига шаксиз лойиқ деб ҳисоблар ва бу бобда нимагаки қодир бўлса, шунга саъй-ҳаракат кўрсатар эди. Мирзо Абдуллатиф олий ўрдунни бошиқариб, бирор кишини ҳам парвойига келтирмас ва ўз фикри лавҳасига мустақиллик хаё-лини чизар эди. Мирзо Сўроғатмишининг авлодларидан бир гуруҳи Кобул ва Ҳазнин вилояти ва у сарзаминда бўлиб, ҳиммат чавғони билан салтанат тўпини бар-чанинг майдонидан олиб қочар эдилар».*

Султон Муҳаммад Мирзони Лурситондан олиб ке-лишга юборилган амирлардан Султоншоҳ барлос ва Султон Боязидлар Абдуллатиф Мирзо ҳузурига қай-таётганлиги, Шайх Абдул Фазлнинг эса Султон Муҳам-мад ёнида қолганлиги, амир Аҳмаднинг Ҳиротга кет-ганлиги хабари олинади. Амирлар етиб келадилар ва Абдуллатиф Мирзо Сабзавордан Нишонпурга томон жўнайди. Пашовдан чиқиб, икки манзил йўл юрил-гач, иғво оқибатида бандга олинган Гавҳаршод Оғо (малика Шоҳруҳ Мирзо юришида бирга эди) ва Тар-

хон амирлари ҳамон ҳибсда сақлаб турилади. Нишон-пурга етиб келинганда, Алоуддавла Мирзонинг хазинадан катта маблағни ўмариб, Машҳадга йўл олгани дарағи келади.

Алоуддавла Мирзо Султон Муҳаммад Мирзога қарши қўшин тортиш маҳалида Ҳиротни идора этишга қолдирилган эди. Бобоси вафотини эшитгач, Улуғбек Мирзо розилигини олиш учун Самарқандга катта маблағ ва тўғфалар юбориш ниятида бўлган. Аммо Абдуллатиф Мирзонинг Гавҳаршод Оғони ҳибсга олганлиги дарагини билиб, қарорини ўзгартиради. Худди Халил Султон Самарқандни эгаллаганида бўлгани каби, Шоҳруҳ Мирзо хазинаси жойлашган мустаҳкам Ихтиёриддин қалъасига бориб, хазиналарни очиб, лашкарига олтину жавоҳирларни шунчалик кўп тарқатиб юборадикки, муаррих айтганидек, «Ундан ортиғи хаёлу гумон хазинасига сиғмайди». Алоуддавла Мирзо қўшинга беадад маблағни ҳадя қилиб берганидан кейин, амакизодаларидан Мирзо Солиҳ (Пир Муҳаммад Шерозийнинг ўғли), амир Увайс тархон, амир Аҳмад тархонларни Нишопур томонга юбориб, Абдуллатиф билан жанг қилишга ва Гавҳаршод Оғо ҳамда тархонларни банддан халос этиб, қутқозишга юборди.

Алоуддавла Мирзо қўшини дабдурустдан Абдуллатиф ўрдусига бостириб кирадилар ва Гавҳаршод Оғо ва тархон амирларини озод қилади. Бу воқеа сафар оғининг ўн учинчи куни, шанбада (30 апрел, 1447) юз беради. Жанг чоғи рафлат босган Абдуллатиф Мирзонинг саман оти тойиб йиқилади ва энди унинг ўзи бандга тушади. Шаҳзоданинг ўрдуси талон-торож этилади, кўп амирлари ўлдирилади. Ҳокимият учун қутилган-кутилмаган, ошкора ва пинҳона кураш кетаётган мавсумда об-ҳаво тез-тез ўзгариб туради, тўкин-сочин кузга етдим деганда, кўз очиб юмгунча қиш аёзини муяссар қилади. Абдуллатиф Мирзо ҳам шунга дуч бўлган эди.

Тахтга ўтирган Алоуддавла ўз анжуманига Абдулатифни чап тарафдаги эшикдан олиб кирдиради. Абдулатифнинг белидан заррин камари ечиб олинган, афтода бир ҳолда кириб келади. Алоуддавла ундан, «нега ўз онангга ёмонлик қилдинг?», деб сўрайди. Абдулатиф, «мен ёмонлик қилдим, сен яхшилик қилгинки, вафо кўрасан», дейди. Алоуддавла айбдор шахзодани авф этади ва унга хиргоҳ тайинлаб, соқчилар қўйиб, қўриқлатади. Кейин уни Ихтиёриддин қалъасига маҳбус қилиб, қамаб ташлайди.

Шоҳруҳ Мирзонинг жасади шоҳона шавкату шохоншоҳларга муносиб йўсинда Гавҳаршод Оғо мадрасасига, ўғли Бойсунғур Мирзо қабри ёнига, улутвор гумбаз остига дафн этилади.

ХАЛҚЧИЛЛИК СИЁСАТИ

Соҳибқирон Амир Темур салтанати асослангандан буён Шоҳруҳ Мирзо вафотига қадар 77 йил ўтаётган эди. Амир Темур ҳазратлари тахтда 36 йил ҳукм сурган бўлса, Шоҳруҳ Мирзо умумий ҳисобда ярим аср, шундан 42 йилини Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг подшоҳи сифатида тахт соҳиби бўлди. Отасининг ҳукмдорлик умри от устида, фатҳга кечган бўлса, Шоҳруҳ Мирзонинг ҳокимияти йилларида жиддий жангу жадаллар бўлмаган ҳисоб. Мовароуннаҳрда, Улуғбек Мирзонинг Буроқхон билан қилган мухорабасидаги мағлубият дейилмаса, мамлакатда осойишталик ҳукм сурганлигини эътироф этиш жоиз бўлади.

Шоҳруҳ Мирзо отаси Соҳибқирон Амир Темурдан мерос қолган мулкларни сақлаш, жипсликни қарор топдириш учун ўн йилга яқин ўзиники ва ўзгалар билан ҳам тинч йўл билан, ҳам кураш йўли билан қаттиқ саъй-ҳаракатлар олиб борди. Муҳолифларининг ҳаммасини орадан кутаришга, Хуросон ва Турон мулкларини, асосан, ўз фарзандлари ва содиқ амакизодалари идорасига беришга эришди. У олиб борган муло-

йим сиёсат, баррикенглик, кечиримлилик, эътиқодларга дахлсизлик, маҳаллий аҳоли ва унинг қадриятларига, урф-одатларига ҳурмат, олимларни, фозил кишиларни тинглаш, уларга рағбат, оддий аҳоли орасидан, Абдураззоқ Самарқандий таъкидлагани каби, олий табақа вакилларига монанд кишиларни саройга тортиш ва тарбиялаш, камтарона, зоҳидона ҳаёт кечирish, айшу ишратни ёқтирмаслик, мамлакатда, шу жумладан, ўз набиралари ва оиласи учун ҳам май ичишни таъқиқлаш, энг муҳими, аҳоли сонини кўпайтиришга бўлган ҳаракат Шоҳруҳ Мирзо салтанатининг қирқ йилдан ошиб муқим туришига замин яратди. Мен уни чинакамига х а л қ ч и л подшоҳ бўлган деб ҳисоблайман. Оврўпода у тенгги қироллар ўтганда борми, муаррихлари, сиёсатчилари жаҳонга бонг уриб, «ўрта асрлардаги демократ ҳукмдор» деб айюҳаннос солган бўлардилар.

Шоҳруҳ Мирзонинг оилавий ҳаёти ҳам ўта камтарона тарзда кечганди. Учта аёл билан умргузаронлик қилиш, фарзандлар тарбиялаш, улар воситасида давлатни узоқ йиллар бошқариш ҳар қандай шаҳаншоҳга ҳам насиб қиладиган бахт эмасди.

Фарзанд доғини кўриш ота-она учун энг оғир мусибат ҳисобланади, Шоҳруҳ Мирзо ўз умрида ўғиллари ва қизларининг ўлимларини кўрди, отаси Амир Темур ҳазратлари Жаҳонгир ва Умаршайх, Тоғай Оғо фарзандлари учун қандай қайғурган бўлса, унинг дарди аламлари ҳам ундан кам бўлмаган, Шоҳруҳ Мирзо ҳаётдан кўз юмганида унинг 9 боласидан биргина Улуғбек Мирзо тирик эди. Рус муаррихи В.В. Бартольд, Давлатшоҳ Самарқандийга асосланиб, Шоҳруҳ Мирзо хонадонининг патрат топиши, ўғил-қизлари, набираларининг ўлиб кетиши сабабларини Сова қишлоғида саййидларни қатл этиши воқеаси билан боғлайди, аниқроғи, шу хулосани Давлатшоҳ Самарқандий айтиб кетган. Султон Муҳаммад Мирзони бобосига қарши қайраган, ундан ҳокимиятни тортиб олишга

ундаган шайхлар қатли Гавҳаршод Оғо талаби билан амалга оширилган. Гуноҳкорлар орасидан биргина Шарафиддин Али Яздий Абдуллатиф Мирзо кумагида ўлимдан қутулиб қолган. «Пайгамбар авлодлари – саййидларни қатл этишга, – дейди В.В. Бартольд, – на Темур ва на Улуғбек журъат қила олмаган бўларди». ҳақиқатда, Сова воқеасидан – фожиасидан кейин бу хонадонга Азроил човут солган эди.

Шоҳруҳ Мирзо хоки 1448 йил қишида Ҳиротдан Самарқандга кўчирилади. Бу ҳақда «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» китоби муаллифи Абдураззоқ Самарқандий шундай деб ёзади:

«Мирзо Улуғбек Ҳирот салтанатини Мирзо Абдуллатифга иноят қилиб, тез суръат билан Мовароуннаҳр томон жўнади. Ҳазрат хоқони саъид (Шоҳруҳ Мирзо – П.Р.)нинг мағфиратга чўмилгур жасадини тахтиравонга солиб, тўла эҳтиром билан Самарқандга жўнатди, кўп ҳунар аҳллари ҳамда ажойибгаройиб нарсаларни, жумладан, ҳазрат хоқони саъид Табриздан келтирган ва маҳди улё Гавҳаршод Оғо мадрасасига мансуб бўлган бир нечта нўлат эшикларни Ҳиротдан Самарқандга кўчиртиради, жаҳон-жаҳон молларни мўл-кўл хазиналарни Самарқандга жўнатади».

Бу мол-ҳоллар Улуғбек Мирзога ҳам вафо қилдими? Ҳиротда, Шоҳруҳ Мирзодан кейин (Темурийлар) ҳукмдорлиги 65 йил бардавом бўлди. Бу олтамиш беш йиллик тарих ундан олдин кечган 77 йиллик тарихдан-да мураккаб, фожеий воқаларга тўла, ўзаро курашлар гирдобига чўлганган, мулкларнинг сарҳадлари тобора қисқариб боргани ҳолатлар ўқувчини ачинтиради, ҳам ўйга солади. Соҳибқирон Амир Темурдан кейин унинг кенжа ўғли Шоҳруҳ Мирзо салтанати сўнггига қадар 77 йил ҳукмронлик даври кечган эди. Шоҳруҳ Мирзо хонадон, сулола ва давлат байроғини 42 йил баланд тутган эди. Ундан кейин ҳам бу байроқ узоқ вақт қўлдан тушмади. Лекин бу ёруғ оламда абадий

бўлган нима бор? Хусайн Бойқаро ва унинг ўғиллари 1512 йилга қадар ҳокимият тепасида турдилар. Шоҳруҳ Мирзо пойтахт қилган Ҳиротда Темурийлар 142 йил салтанат қурдилар. Мовароуннаҳрда бу салтанат шу рақамдан ўн йилга кам бўлди. Шайбонийлар Самарқандни 1500–1502 йиллар давомида тўлиқ эгаллаган эди.

Шоҳруҳ Мирзонинг улуғ хонадондаги ўрни тенглаштириб бўлмайдиган даражада улкандир. Тарихимизда-чи? Чамамда, жуда оқил, билимдон, эътиқодли, давлат арбобларига хос юксак салоҳиятга эга бўлган Шоҳруҳ Мирзо сиёсий ва инсоний фаолиятига ҳали етарли баҳо берилган эмасдек. Уйлайманки, ўқувчининг мазкур тадқиқот туфайли бу ҳақда билими бир қадар бойиди. Муаллифнинг бундан ўзга муддаоси йўқ эди. Улуғ боболарни яқиндан билиш, яхши билиш авлодлар учун фарз ва қарздир.

МАНГУЛИК ВА МАНФУРЛИК ҚИССАСИ

Шоҳруҳ Мирзо сулоласи улуғ хонадоннинг Соҳибқирон вафотидан кейинги тақдирида катта аҳамият тутади. Қудратли ўқтомирдан қувват олган бу улуғвор шоҳ жаҳоншумул самара берган эди – унда Муҳаммад Тарағай – Улуғбек Мирзо деб шуҳрат тутган давлат арбоби ва буюк олим етишган эди. Улуғбек Мирзо ҳақида кўплаб тарихий, илмий, бадий асарлар яратилган. Айрим муаррихлар Улуғбек Мирзонинг илмий истеъдодига тан берганлари ҳолда, давлат арбобилик фаолиятини ўрта даражада дейишга мойилдирлар. Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин мазкур кучли сулоланинг равнақи ва тарих саҳнасидан тушиб кетишига нималар сабаб бўлганлиги, бунда Улуғбек Мирзонинг ўрни қандай эканлиги кўпинча эътибордан четда қолиб келади. Олим ва подшоҳ Улуғбек Мирзо – Муҳаммад Тарағайга бир хилда ёндашиб ва бир хилда баҳо бериб бўлмайдди. Отаси Шоҳруҳ Мирзо вафо-

тига қадар Мовароуннаҳр – Туркистон мулкларини унинг номидан идора этиб келган Улуғбек Мирзо қарийб қирқ йил давомида марказий ҳукуматга бўйсунмаслик, итотдан чиқиш каби ҳаракатдан йироқ бўлган. Отаси ҳам унинг идора усулидан, фақат бир воқеани истисно қилганда, доимо ризоликда келганлигини айтиш лозим. Бу, Буроқ Ўғлон билан бўлган жангдаги мағлубият билан боғлиқ кўнгилсизлик эди. Шоҳруҳ Мирзо шу мағлубият асоратларини тугатиш учун, Самарқандга ўғли Бойсунғур Мирзони олиб Жайхунга қадар у бирга келган эди. Улуғбек Мирзонинг қаттиқ талаби асосида Бойсунғур Мирзо ярим йўлдан, Хиротга қайтарилиб юборилади. Бундан кўзланган мақсадни фахмлаш унчалик қийин иш эмас – Шоҳруҳ Мирзода Улуғбек Мирзони Самарқанд тахтидан мосуво этиш ва Бойсунғур Мирзони унинг ўрнига тайинлаш фикри бўлган. Бойсунғур Мирзода ҳам шунга хоҳиш катта бўлган чоғи, бу ният амалга ошмагач, кейинчалик у ичкиликка ружу қилади.

Отаси ўлиmidан Бойсунғур Мирзонинг угиллари ҳамда ўз фарзанди Абдуллатиф билан тожу тахт талашган, бунда омад юз ўгирган Улуғбек Мирзонинг шу ҳолга тушиши сабаблари ўқиганим мавжуд тарихлардан, ростини айтай, мени қониқтирган эмас. Сизни ҳам бу бобдаги қандайдир мубҳамликлар, синоатлар, саволлар қийнаб келаётганлигига шубҳа қилмайман, қадрли ўқувчим. Келинг, яна бир бошдан тарихларни варақлайлик, оқни ҳам, қорани ҳам кафтга олиб, яхшилаб нигоҳ ташлайлик. Улуғбекдай донишманд подшоҳ адашиши мумкинми? Давлат, ҳокимият, хазина, мол-дунё, наҳотки, яқин қариндошларни, отабоболарни ҳалокат ёқасига элиб қўйса... Афсуски, мангулик ва манфурлик ораси, биз кўзда тутаётган XV асрнинг 40 йиллари охирларида қилнинг қалинлигича ҳам бўлмай қолган эди.

Улуғбек Мирзо отаси Шоҳруҳ Мирзо салтанатининг анж йилларидаёқ (XV асрнинг 20-30 йиллари) илм-

фанда ўз ўринини топган, шухрат чўққиси сари кўтарила бораётган эди. Академик В.В. Бартольд бир ўринда, «Улуғбек Мирзо ўз ҳукмронлигининг биринчи йилидаёқ сиёсатдан юз ўгириб, бутун вақтини математика ва астрономияга совурган хаёлпараст олим» эканлигини қайд этганди. Мен бундай деб ўйламайман. Улуғбек Мирзо Мовароуннаҳр тахтига чиққанида ҳам илм ўрганишни канда қилмаганидек, сиёсатдан ҳам юз ўгирмаган эди. Шу фикримдан келиб чиқиб, айнан Улуғбек Мирзонинг инсон ва ҳукмдор сифатидаги фаолиятига яқинроқ ёндашмоқчиман. Зеро, у Зотнинг улуғ аллома эканлиги кўп талқин этилган, «Зижи Кўрагоний» ва бўлак асарлари билан Улуғбек Мирзо жаҳоншумуллик касб этган, ўзига мангуликка ҳайкал тиклаб кетган. Лекин, у одам ва шоҳ сифатида қандай эди, унинг табиати, феъл-атвори, мол мулкка бўлган муносабати, қариндош-уруғларига рағбати, давлатни бошқаришдаги салоҳияти қандай эди – бу саволларга жавоб излаш жоиз бўлади, деб ўйлайман. Келинг, Муҳаммад Тарағайнинг таржимаи ҳолига, инсон ва давлат арбоби бўлиб етишуви, катта сиёсатга аралашуви воқеаларига бир нигоҳ ташлайлик.

Муаррих Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дўғлотнинг «Тарихи Рашидий» (XVI аср) деган асрини кўздан кечири туриб, мени қаттиқ ажаблантирган тубандаги сўзларга эътиборни қаратдим. У шундай ёзади: «Мовароуннаҳрни Шохруҳ Мирзо номидан олим Улуғбек Мирзо идора қилган, у расадхонаси ва «Зижи Кўрагоний» билан танилган». Шу сўзларни битар экан, Мирзо Ҳайдар, Улуғбек Мирзонинг «туғилиши ва вафоти саналари маълум эмас. Лекин ўша даврдаги саналарни муқояса қилганимизда, унинг тахминан 860 (1455–1456) ҳижрийга қадар вафот этганлигини топамиз», деган бир гапни айтади. Бу сўзларни қайта-қайта ўқидим. Мирзо Ҳайдардек машҳур муаррих Улуғбек Мирзодек Мовароуннаҳр тахтида қирқ йил ҳукм сурган улуғ

алломанинг туғилган йили ва кунини, вафоти қачонлигини билмаса, ёқани ушлаб, ҳайрат қилмоқдан бошқа чора қолмайди.

Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сини қўлга оламан. 1394 йилнинг 15 мартда Соҳибқирон Амир Темур Жазира (Месопотамия) ҳудудида бўлиб. Дажла дарёсидан ўтган эди. У бундан сал олдинроқ бир кишини туҳфа ва ҳадялар билан Султонияда турган фарзандлари қошига юборган эди. Йўлда Шайх исми шу ернинг туда бошлиқларидан бири йўлда уни тушаб, ҳамма нарсани торттиб олади. Жазира султони Малик Изиддан уни ўз ҳимоясига олади. Соҳибқирон икки марта чопар жўнатиб, Шайхни талаб қилса ҳам, жавоб қайтармайди. Дажладан ўтилгач, шаҳар ўраб олинади. Жазира султони навкарларининг бири қўлига тушади ва катта мол эвазига қутулиб кетади. Бу ерда ғалаба ёр бўлгандан сўнг, Амир Темур ҳазратлари Мордин мавзеига қараб юради. Мордин қалъаси итоатга киради. Шу орада «Сарой Мулк Хоним томонидан чопар келиб, башорат берди: «Улуғ Тангри таоло Амир Соҳибқиронга жаҳон амирзодаси Шоҳруҳ баҳодир томонидан бир фарзанд каромат қилди, давлат ниҳолида бир гунча яшнаб очилди, каромат дарёсининг садафидан бир покиза гавҳар юз кўрсатди», яъни набира тугилиши хабари етиб келади. Набира Шоҳруҳ Мирзонинг тўнғич ўғли, Муҳаммад Тарағай исмини олган Улуғбек Мирзо эди. Шомий айтганидек, «Бу хабар Амир Соҳибқироннинг шарафли қулоқларига етгач, шодон бўлиб, шукронаси учун Мордин мамлакати ва унинг аҳолисини озод қилди». Муаррих Шомийда ҳам кўрамызки, Шоҳруҳ Мирзонинг туғилган фарзанди на исми ва, на таваллуд куни тилга олинмаган.

Фасиҳ Хавофий «Мужмали»дан ҳам шу санани излаб кўраман. Ҳижрий 796 йил (1394) воқеалари берилган саҳифада «Маҳдумзода Муҳаммад Тарағай Улуғбек Кўрагоннинг туғилиши» зикр этилган ва, та-

ассуфки, таваллуд вақти битилган рақамлар ўчиб кетган. Бироқ, ўн тўққизинчи жумод ал-аввалда – 1394 йилнинг 22 мартада Бағдод яқинидаги Хармату қалъасини олиш пайтида Умаршайх Мирзонинг ҳалок бўлганлиги хабари келганлиги аниқ кўрсатилади. Фикримча, муаррих саналарни адаштиб юборган кўрилади. Чунки, ҳофизини Абрӯ айнан шу вақти соатда – 1394 йилнинг 22 мартада Улуғбек Мирзо Султония шаҳрида туғилганлигини айтиб ўтади. Умаршайх Мирзонинг ўлими эса Яздий «Зафарнома»сида ҳижрий 796 йилнинг (1394) раби ал-аввалида, товуқ йилида, қиш ўртасида юз берганлиги қайд этилади. Бошқа манбаларда ҳам Умаршайх Мирзонинг 1394 йилнинг январь ойида ҳалок бўлганлиги кўрсатилади. Шунга кўра, Фасиҳ Хавофий Улуғбек Мирзо таваллуд топган кунни Умаршайх Мирзо ўлими дараги келган кун деб адаштирган бўлиши мумкин.

Улуғбек Мирзонинг туғилиши Шарафиддин Али Яздий тарихида ҳам худди Ҳофизини Абрӯда берилганидек, аниқ кўрсатилади. Яздий «Зафарнома»сининг Бухорода 1519 йилда Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али ал-Бухорий томонидан бажарилган ўзбекча таржимасидан Улуғбек Мирзо таваллудига оид маълумотни келтираман. «Улуғбек Мирзо мутаваллуд бўлгонининг зикри» сарлавҳаси остида берилган матнда, «Жумод ал-аввал ойи ўн тўққизиди, якшанба куниди тарих етти юз тўқсон олтида, ит йилида (22. 03. 1394), Султония қалъасида Шоҳруҳ Мирзонинг хотунидин кун киби бир ўғул туғилди», дейилади.

Амир Темур ҳазратларининг Эрон ва Озарбайжон мулкларини фатҳ этишга қаратилган беш йиллик сафари давом этаётган эди. Ўғли Умаршайхнинг ҳалокатидан кейин набиранинг туғилиши Соҳибқиронга ўзини ўнглашга маълум тасалли бахш этган эди. У қалъаларни бирин-кетин тобе этиб, Олатоғ сарига келади. Бу орада қишни Султонияда ўтказиб, наврўз айёмида дунё саҳнига қадам қўйган чақалоқ ҳақида

Соҳибқиронга чопар жўнатган Сарой Мулк Хоним май ойининг ўрталарида ҳукмдор билан кўришиш истагида барча ҳамроҳлари ва Туман Оғо билан йўлга чиқади. Улар Табриз орқали ўтиб келадилар. Сарой Мулк Хоним карвонини кутиб олишга Шоҳруҳ Мирзо 1394 йилнинг 26 май куни пешвоз чиқади. Соҳибқироннинг маликалар, набиралар билан кўришмаганига ўн бир ой бўлган эди. Амир Темур ҳазратлари Ахлотда турганида ҳузурига келадиган оила аъзоларига «муборак кўнглида муҳаббат пайдо бўлуб, черикни анда қўйуб, оз киши билан илғор қилиб, ўғлонларига ўтрув (юзмаюз) бордилар. Жума куни аввал сабоҳда бир-бирига етиб, барчанинг кўзлари муборак дийдоридан ёруғ бўлди». Мана, фарзандлар соғинчи, муҳтарам маликаларга бўлган эҳтиром. Кўп йўл босиб, истиқболга отланган Соҳибқирон Султониядан келган азиз ва азизалари билан 1394 йилнинг 8 июн куни дийдор кўришади. Бу учрашув байрам тусини олади, халойиққа кўп яхшиликлар қилинади, тўйлар берилади. Муҳими, Амир Темур ҳазратлари Сарой Мулк Хоним бош бўлиб олиб келган, Гавҳаршод Оғо қучоғидаги Шоҳруҳ Мирзонинг тўнғичи – икки ойу саккиз кунлик чақалоқ набирасини кўришга муяссар бўлади. Умаршайх Мирзо азаси шу учрашувда яна янгиланганда, Соҳибқирон ўз яқинларига насиҳатлар беради. Чақалоққа Ахлот мавзесида турганларида Муҳаммад Тарағай исми берилади. Муҳаммад Тарағай – Соҳибқироннинг падари бузруквори исми шарифи эди. Бунгача туғилган набираларнинг бирига ҳам бу табаррук ном муносиб кўрилмаганди. Шу исм шарофати ва ҳурмати тақозоси билан болакай Муҳаммад Тарағай «Улуғбек Мирзо» деб аталиб кетади. Бунда, чамамда, қайнота исми шарифини ҳаё сабаб, тилга олишга одатланмаган келинлар – маликаларнинг, биринчи навбатда, Сарой Мулк Хонимнинг ташаббуси ўрин тутган.

Сарой Мулк Хоним бош бўлган ҳарам Соҳибқирон ҳузуринида бир неча ой бўлган. Бу орада Авник қалъаси

қамалига киришилади. Қалъада мубошир бўлган Миср кўп саркашликлар кўрсатади, унинг онаси Соҳибқирон ҳузурига келиб раҳм-шафқат тилайди. Мисрнинг онасига Сарой Мулк Хоним илтифотлар кўргузиб, жомалар, тўнлар, ҳадялар тортиқ қилади. Бу воқеа 1394 йилнинг июль ойи ўрталарида содир бўлади. Шундан маълум бўладигани, Султониядан Соҳибқирон ёнига келган аёллари ва набиралари, жумладан, 3 ойлик чақалоқ Улуғбек Мирзо ҳам у Зотнинг ёнида бўладилар. Шундан кўп ўтмай улар яна Султонияга қайтадилар. Бу пайтда Амир Темур ҳазратлари Манқул саҳросида турган эдилар. 1394 йилнинг 26 августида (Яздийда 25 август) Шоҳруҳ Мирзонинг яна бир ўғли – Иброҳим Султоннинг туғилиши воқеа бўлади. Бу ҳақда Сарой Мулк Хоним суюнчи удуми билан Соҳибқиронга хушxabар етказди. Икки ўғилли бўлган Шоҳруҳ Мирзо 1394 йилнинг 14 сентябрида Самарқандга, пойтахт шаҳарни идора қилишга жўнатилади. Амир Темур ҳазратларининг хоҳишига кўра, Сарой Мулк Хоним ва набиралар Султонияда туришлари буюрилади.

Тўхтамиш қўшинлари ҳам Дарбандга етиб, бу ҳудудлардан ўтадилар. Амир Темур ҳазратлари дарҳол отланиб, унга қарши боради. Ёв тоб беролмай, орқага қайтади. Соҳибқирон Кура дарёси бўйидан Маҳмудобод деган жой яқинига етиб, қишлоқ учун тўхтайди. Султонияда турган ҳарам ва набираларини яна олдига чорлаб, қиш бўйи улар қуршовида бўлади. 797 ҳижрий йил (1395, март-апрел) баҳори келгандан сўнг, уларни Султонияга қайтариб юборади. Соҳибқирон имкон бўлди дегунча, яқинлари даврасида бўлишни, набираларни эркалатишни жуда хуш кўрган. Маликалар ва набиралар анча муддатдан буён пойтахтдан узоқда, сафарда бўлган эдилар. Соҳибқирон, вазият тақозосига кўра, иккинчи марта Тўхтамиш устига лашкар тортиши зарур бўлиб қолгач, 1395 йил қиши охирларида Сарой Мулк Хоним ва Туман Оғоларни Улуғбек Мирзо ва Иброҳим Султон билан

Самарқандга жўнашларига изн беради. Иккала малика иккала шахзодага улуғ энагалар этиб тайинланган эди.

Бундан кейинги учрашув Амир Темур ҳазратларининг беш йиллик юришдан голиб бўлиб қайтиши кунларида юз беради. Соҳибқирон Ҳузорга келиб тушганида Самарқанддан унинг ҳарами, Сарой Мулк Хоним, Туман Оғо, қизи Султон Бахт Бегим ва кичик ёшдаги набиралари Шохрух Мирзо бошчилигида унинг истиқболига чиқадилар, ҳашамат билан кутиб оладилар. Бу ҳақда олдинги қисмларда тафсил келтирилади, уларни қайта баён этиш ҳожатдан эмас.

Шундан кейин, то Ҳиндистон юриши (1398) бошлангунга қадар малика-энагалар ҳам, шахзодалар ҳам Самарқандда яшаб турадилар. Ҳиндистон юришида Сарой Мулк Хоним ва Улуғбек Мирзо (бу вақтда 4 ёшга кираётган эди) ҳам бирга бўлганлар. Фотиҳлик ишлари муваффақиятли кечади. Дурин яйловида турганларида, Соҳибқирон Сарой Мулк Хоним ва Улуғбек Мирзонинг Самарқандга қайтиб кетишига ижозат беради. Бу воқеа 1398 йилнинг 20 августида бўлади. Бир йил давом этган голибона юриш ниҳоясига етади ва Амир Темур ҳазратлари Самарқандга қайта бошлайди. 1399 йилнинг 29 март куни Соҳибқирон Жайхун дарёсидан ўтади. Дарёдан ўтиш жойида бу ерга етиб келган Улуғбек, Иброҳим мирзолар, Бекиси Султон, Сарой Мулк Хоним, Тўқал Хоним, Туман Оғо ва бўлак маликалар, шахзодалар, улуғ кишилар ҳозир бўлиб, ҳукмдорни юксак шараф билан қарши оладилар, олтин ва қумуш сочқилар бошдан сочилади, учрашув байрамга айланиб кетади.

Йўл-йўлакай Кешда бўлган Соҳибқирон шахзодалар қуршовида муқаддас марқадларни зиёрат қилади. Пирларга, падари бузрукворига, яқин уруғ-аймоқларига, фарзандларига эҳтиром билдириб, элу халққа тухфалар улашади. Бу зиёрат, Соҳибқироннинг ўтганлар руҳини мусаллам ва табаррук тутиши ёш шахзо-

даларда катта таассурот қолдиради. Кейинчалик Улуғбек Мирзонинг Шаҳрисабзда боболари пирлари ва яқинлари хоклари устида маҳобатли бинолар барпо этиши тағ-томири шу зиёратга, бобоси кўнглига солиб кетган туйғуларга бориб тақалар эди, десам, янглишмаган бўламан.

Соҳибқирон ҳазратлари Эрон фатҳи учун етти йиллик юришни бошлаганида, одатига кўра, ҳарамини, келини Хонзода Бегимни, шаҳзодалардан Улуғбек, Умар ва бошқаларни ўзи билан бирга олиб кетади. Уларни Аллоҳдодбек ва Мавлоно Қутбиддин билан Султонияга жўнатади. Амир Темур ҳазратлари Жанубий Озарбайжонга, Жагату (Заринруд) дарёсига яқин бўлган Сино деган манзилга етганда Сарой Мулк Хоним, Хонзода Бегим ва бошқа маликалар, шаҳзодалар, улар қаторида Улуғбек Мирзо ҳукмдорни қаршилашга чиқадилар. Дийдор айёмида кўп сочқилар сочадилар, камбағалларга тортиқ ва ҳадялар пешкаш қиладилар. 1401 йилнинг саратонида бўлган бу учрашувда Улуғбек Мирзо етти ёшга кираётган эди. Оқ Яйлоқ деган мавзеда Соҳибқирон 20 кун тўхтади. Шу йигирма кун давомида сайидлар, уламолар, хуллас, Эрон ва Табризнинг улуғ ва таниқли кишилари билан суҳбатда бўлади. Олимлар билан қилинган суҳбатларда ёш шаҳзодалар қатори, Улуғбек Мирзо ҳам иштирок этади. Алломалар гурунглари набираларда катта қизиқиш уйғотади.

Йилдирим Боязидга қарши кураш олиб борилган вақтларда ҳам Соҳибқирон ҳарам доимо ўғруқда бўлган. Йилдиримнинг хотинларидан бири Сербия қиролининг қизи бўлиб, то эри мағлуб бўлгунга қадар ислом динини қабул қилмаган эди. Бурсада асира қилинган малика ва унинг қизлари Соҳибқирон ҳузурига келтирилади. Амир Темур ҳазратлари уларни Йилдирим Боязид билан бирга бўлишга розилик билдиради. Йилдиримнинг хотини Сарой Мулк Хоним ва бошқа маликалар билан яхши муносабат учун мин-

натдорчиликда бўлган ва улар таъсирида мусулмон динини қабул қилган.

Рум ишларидан фориг бўлган ҳукмдор, Сарой Мулк Хоним бошлиқ ҳарамни Султонияни тарк этиб, Авник қалъасига келишга буюради. Хуллас, етти йиллик юриш ниҳоясига етган эди. Соҳибқирон ҳам, унинг ўғруқи ҳам Самарқандга 1404 йилнинг июл-августинда қайтади. Амир Темур ҳазратлари Самарқандда барпо этилган Чинор боғига келиб тушади. Сарой Мулк Хоним ҳам шу ерда жойлашади. Туман Оғо эса Беҳишт боғида ўрнашади. Соҳибқирон бир оз хасталикни бошдан кечириб, сиҳат топгач, 1404 йилнинг 7 сентябрида Конигилга, тўй бўладиган манзилга ўтади. Бу тўй тўғрисида олдинда сўз юритилди. Конигилда олти набира уйланиш тўйининг ташкил этилиши тарихий манбаларда мутараннум этилган. Куёвларнинг бири 10 ёшга тўлаётган Улуғбек Мирзо эканлиги ҳам уларда қайд этилади. Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али ал-Бухорийининг туркийча таржимадаги Яздий «Зафарнома»сида ҳам бу ҳақда фикр юритилган. Аввалда айтганимдек, Шоҳруҳ Мирзонинг икки ўғли: Улуғбек ва Иброҳим мирзолар, Амироншоҳ Мирзонинг фарзанди Ийжал, Умаршайх Мирзонинг уч ўғли – Аҳмад, Сайди Аҳмад ва Боїқаро Мирзолар, жами олтишаҳзода шу тўйда уйлантирилади.

Шаҳзодалар кимларга уйланган, тарихларда аниқ маълумот учрамайди. Кейинчалик, муаррих Хондамир бу хусусда сўзлаб, Улуғбек Мирзонинг бешта хотини бўлганлигини кўрсатади. Унга кўра, Улуғбек Мирзонинг кўз очиб кўргани, 1404 йилнинг сентябрида уйлангани малика ўз амакиси, марҳум валиаҳд Муҳаммад Султоннинг қизи Оғо Бегим бўлган. Оғо Бегим тўй бўлганда неча ёшда эди, маълум эмас. Ҳарҳолда, бу қизалоқ 8-9 ёшларда бўлган. Оғо Бегим Муҳаммад Султоннинг қизи эди, Муҳаммад Султоннинг онаси Хонзода Бегим эди. Улуғбек Мирзонинг «кўрагон» нисбасини олиши Оғо Бегимнинг хон авлодига мансубли-

ги билан боғлиқ бўлган. Оғо Бегим узоқ яшамаган. У 822 ҳижрийнинг (1419, 3 феврал) 7 муҳаррамида Самарқандда вафот этади. У отаси ёнига, мадраса гумбази остига дафн этилади. В.В. Бартольднинг айтишича, Гўри Амирда Оғо Бегимнинг қabri сақланиб қолмаган. Оғо Бегим биринчи фарзандига ҳомиладор бўлганида, 1412 йилда Самарқанддан Ҳиротга олиб борилган ва Ҳасиба Султон, шу тариқа, Боғи Зоғонда дунёга келган. Бу қиз тақдири ҳақида ҳам олдинда сўзлаб ўтдим. У 1438 йилда отаси Улуғбек Мирзо томонидан Самарқандга чақиртириб олинган эди.

Туидан кейин кўп ўтмай, 1404 йилнинг 27 ноябрида Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари Хитой юришини бошлайди. Янги куёв бўлган шаҳзодалар қаторида Шоҳруҳ Мирзонинг иккала ўғли – Улуғбек ва Иброҳим Султон мирзолар ҳам Сарой Мулк Хоним раҳнамолигида Соҳибқирон ўғруқида бирга бўладилар. Воқеаларнинг кейинги ривожини – Ўттор, Соҳибқирон вафоти, шаҳзодаларнинг сарсон-саргардонлиги, Бухорода жон сақлашлари, булар ҳаммаси олдинроқда тафсилли билан келтирилди. Бу ўринда, юқорида зикр этилганлардан чиқарадиган асосий хулоса қандай бўлади? Бу, шубҳасиз, Улуғбек ва бошқа у тенгги мирзоларнинг тарбияси, парвариши улар дунёга келган кундан эътиборан, давлат аҳамиятига молик даражада бўлганлиги, ҳарбий сафарларга бирга олиб юрилганлиги қайд этилишини тақозо этади. Шунга кўра, биринчи маликалар, таниқли давлат арбоблари бевоСИТА у ёки бу шаҳзода тарбияси билан машғул бўлар экан, уларни ўқитиш, сабоқ бериш ишлари ҳам ҳарбий давр талабига кўра, вақтинча кўниб турилган шаҳарларда (Улуғбек Мирзо мисолида Султония), яйловларда, чодирларда амалга оширилган. Мураббийлар, таълим берувчилар ҳам ўғруқ таркибига кирилган. Соҳибқироннинг Ҳиндистон юришида Ҳожа Фазл, шайхулислом Саъд Жалолиддин Кеший, Мавлоно Абдужаббор ва Мавлоно Нуъмониддин Хоразмий

каби таниқли олимлар, уламолар ҳамроҳлик қилганлар. Бу олимларнинг иши сипоҳийлар қалбига Аллоҳ ишончини маҳкам ўрнаштириш билан бир қаторда, шаҳзодаларга таълим бериш билан ҳам боғлиқ бўлган, дейиш мутлақо ўринлидир.

Соҳибқирон Амир Темур набираси Улуғбек Мирзога алоҳида бир эътиمود қўйган. Тожиддин ал-Салмоний нақлига кўра, бобоси Дамашқ фатҳидан – етти йиллик голибона юришдан қайтганидан кейин, ўз қиличини Улуғбек Мирзога туҳфа қилган экан. Қиличга, «Ушбу қилич меники эди, энди шу дақиқада уни сеvimли Улуғбек Баҳодирга ҳадя қилдим. У менинг салтанатимнинг куч-қуввати бўлади. Умидим – у ҳам мен каби шу қиличдан фойдаланади. Мен бу фоний дунёда истаганимни ўринлатдим! У ҳам шунга етишсин», деган сўзлар ёзилган бўлади. Амир Темур ҳазратлари вафотидан кейин, Ибн Арабшоҳ айтгани каби, набираларнинг кўпчилиги инқирозга учрайди. Соҳибқиронга ўта адоватли Ибн Арабшоҳ Улуғбек Мирзони тан олади, у замондош тариқасида унинг тўғрисида ҳақ гапни айтишга мажбурият сезади ва *«Темур набираларининг энг кўзга кўрингани Самарқанд ҳокими Улуғбек»*, дея эътироф этади.

Улуғбек Мирзода ақл-заковат, хотира жуда кучли бўлган. Уни бу соҳада фавқулодда шахс. феномен дейиш тўғри бўлади. Давлатшоҳ Самарқандий бир нақл келтиради. Соҳибқирон Амир Темур етти йиллик юриши чоғларида Қорабўғда қишлоқ қилиб турганида, Улуғбек Мирзога таҳсил берадиган Шайхнинг синглиси ўғли Ориф деган бола билан бирга бўлган, бирга ўйнашган, бирга дарс қилишган. Орадан қирқ йил ўтиб, Улуғбек Мирзо Ҳиротга келганида, бу ерда болалик дўстини учратиб, унга «сен бизнинг қиссахонимиз синглисининг ўғли эмасмисан?», деб мурожаат қилади. Бу вақтда унинг болалик дўсти Ориф Озарий номи остида шуҳрат тутган эди. Улар қирқ йил олдин кечган воқеаларни эслаб, қизғин суҳбат қурадилар.

Академик В.В. Бартольднинг мушоҳада этадиган ва қабул қилиш қийин бўлган тағин бир хулосаси бор. У асарлар мажмуининг 2 жилди, 2 қисмида Улуғбек Мирзонинг таълим олишини анчайин «кечиктириб» юборади. Унинг айтишига кўра, Улуғбек Мирзо, «тўлиқ эҳтимолга кўра, илм-фан билан Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлганидан сўнг шуғуллана бошлаган». Бунинг устига, шаҳзоданинг илмга қизиқиши на Сарой Мулк Хонимга ва на бобосига алоқадор бўлмаган эмиш. Мен бундай деб ҳисобламайман. Ўша даврда одат бўлган расмга кўра, асилзодаларнинг фарзандлари жуда эрта – тўрт ёшу тўрт ойлик бўлганлари ҳамон савод чиқаришга жалб этилганлар. Улуғбек Мирзо ўзига ҳамтенг бўлган болалар билан бирга ўқиган, деган тасаввур менда Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» деган асари туфайли пайдо бўлди. Шу китобда Улуғбек Мирзога ҳамсабоқ бўлганларнинг кейинчалик хандаса, ҳисоб, тарих, диний илмлар соҳасида машҳур кишилар бўлиб етишишига, шоирлар сифатида танилишига қараганда, ибтидоий таълим дастури жуда кенг қамровли бўлган. Юқорида зикр этилган Шайх Озарий «Ажойиб уд-дунё», «Жавоҳир ул-асрор» деган асарлар ва девон яратган. Ёхуд, Мавлоно Муҳаммад Олим ҳақида тўхталиб ўтай. «Мажолис ун-нафоис»нинг «Аввалги мажлиси»да 16 ўринда талқин этилган Мавлоно Муҳаммад Олим ҳақида буюк шоиримиз шундай деган эканлар: *«Мавлоно Муҳаммад Олим – Самарқанд уламосидин. Улуғбек Мирзо била ҳамсабоқ ва мусоҳиб эрди. Аммо бағоят далер ва шўхтаъб ва хийра (шошқалоқ) киши эрди. Хирийга (Ҳирот) келди. Ва Мавлоно ҳам Хирийда мадфундир».*

Улуғбек Мирзо, биламизки, 43 ёшида илм-фанда Оврўпо ва Осиёда, қолаверса, бутун жаҳонда тенгсиз юксакликка кўтарилган, «Зижи Кўрагоний»ни ишлаб чиққан эди. Унинг бадий ижод ва тарих соҳасидаги мероси ҳам қомусий аллома бўлганлигини далолат этиб туради. Улуғбек Мирзонинг илмий-ижодий фаолиятига

бу тадқиқотда муфассал тўхталиш муддао қилиб қўйилмади. Китоб ва тадқиқот моҳиятидан келиб чиқиб, Улуғбек Мирзонинг **Инсон** ва **ҳукмдор** сифатидаги шаклу шамойилига чизгилар келтиришни мақсуд қилдим.

Ўрта Осиё қадим-қадимдан илм-фан ва тамаддун бешиги эди. Мўғуллар зулми сабаб, кесилиб, узилиб қолган бу жабҳаларга Соҳибқирон Амир Темур ва Шоҳруҳ Мирзо қайта жон бағишлаган эди. Узоққа бормасдан, Шоҳруҳ Мирзо даврида етишган олим ва ижодкорлардан бир нечасининг исми шарифларини келтириб ўтай. Қосим Анвар, Мир Маҳдум, Шайх Озарий, Ҳожа Исмағулло, Саккокий, Лутфий, Мавлоно Бисотий, Мавлоно Толеъий, Бобо Савдой, Мавлоно Бадахший, Мир Шоҳий ва бошқа ўнааб фозилу фузалоларнинг Шоҳруҳ Мирзо ва Улуғбек Мирзо саройига дахли бўлган. Илм-фан ва ижоднинг равнақи, ўз навбатида бу соҳанинг пешқадамларини, фавқулодда зеҳн, ақл-идрок ва хотира соҳибларини ҳам рўёбга чиқазади. Шулардан бири Улуғбек Мирзо мадрасасида ўн тўрт ёшида дарс берганлиги учун «Мулло Модарзод (туғма мулло) лақабини олган Мулло Усмон деган киши эди. Абдураззоқ Самарқандий унинг Самарқанддан Ҳиротга келганлигини айттар экан, *«Бисёр донишманд киши эди, – деб ёзади, – ул замонда онча донишманд киши йўқ эди. Дерларким, ижтиҳод (янгилик кашф этувчи) мартабасига еткандур. Андин манқулдир (нақш, айтгани): дер эмиш, киши бир ниманиким эшитти, яна нечук унутур. Қавий ҳофизаси бор экандур»*. Англадингизми, Мулло Модарзод, аввало, 14 ёшида олий мадрасада дарс беради, бунинг ўзи ноёб, деярли учрамайдиган ҳодиса; қолаверса, бир эшитган гапини мутлақо ёдидан чиқармайдиган, «унутибман» десалар, бундан ажабланадиган фавқулодда хотираси ўткир шахс, айтиш мумкин бўлса, ўз даврининг вундеркинди ва феномени, эди.

Улуғбек Мирзода ҳам худди шундай, ақл бовар қилмайдиган ўткир хотира мавжуд бўлган. Давлатшоҳ

Самарқандий нақлига кўра. Улуғбек Мирзо бобоси Темур сингари овга жуда қизиққан. Самарқанд тахтига ўтирганидан сўнг. Бухоро ва бошқа мавзеларда қилган овлари, қўлга туширган ўлжалари ҳақида алоҳида дафтарга ёзиб борган, рўйхат ҳам тузган. Иттифоқо, бир кун шу дафтар йўқолиб қолади. Қанча ахтаришмасин, уни топиб бўлмайди. Улуғбек Мирзо ўз хотираси асосида неча йиллик ов ва ўлжалар рўйхатини қайта ёзиб чиқишга – тиклашга муваффақ бўлади. Орадан бир неча вақт ўтиб, олдинги ов дафтари ҳам топилиб қолади. Иккала рўйхатни солиштириб кўрадилар, тафовут тўрт ёки бешта бўлади. Шубҳасиз, бундай хотира, туғма ақл-заковат унинг Самарқандда вужудга келтирган илмий муҳитида янада сайқал топади, олимлик рутбасини жаҳоншумулик даражасига етказди. Бизнинг гурунгимиз бу тадриж бобида эмас. Бу ҳақда ўқувчининг тасаввури кифоя қиларликдир. Мен бу суҳбатни Шоҳрух Мирзо вафот этган кунларга бурмоқчиман. Бу воқеа юз бергунига қадар Улуғбек Мирзо Самарқандда 38 йил ҳукмронлик жоловини қўлда тутган эди. Бундай ҳисоб қилганда, бу ҳазилакам муддат эмас. Бу ўтган йилларда у Мовароуннаҳрни қандай бошқаради, бу ҳақдаги ҳозиргача мавжуд қарашлардан, сирасини айтсам, бир толиб сифатида менинг кўнглим тўлмайди.

Аввалроқда В.В. Бартольд фикри билан танишдик. Муаррих, Улуғбек Мирзони ҳокимиятга келганининг биринчи йилиёқ сиёсатдан юз ўгириб, илм-фан билан машғул бўлганлигини таъкидлайди. Бўрибой Аҳмедов «Улуғбек» (1989) рисоласида бундан ҳам ўтиб тушадиган гапларни айтишгача боради:

«Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил (1409-1449) Мовароуннаҳрда подшоҳлик қилди, – деб ёзади у, – лекин, аслини олганда, у шунчаки ноиб эди, холос. Қарийб, тўрт йил ҳали балоғатга етмагани учун мамлакат жолови амир Шоҳ Маликнинг қўлида бўлди. 1412 йили ниҳоят Шоҳрух Шоҳ Маликни Мовароуннаҳр-

дан чақириб олди ва шу вақтдан бошлаб эл-юртнинг инон-ихтиёри Улуғбек Мирзо қўлига ўтди. Лекин, бари бир унинг ҳақ-ҳуқуқи кўп жиҳатдан чеклаб қўйилганди. Улуғбек Мовароуннаҳрнинг ички ва ташқи сиёсатига алоқадор ҳар қандай ишни отаси билан келишмай, унинг розилигисиз қилолмасди, акс ҳолда бунинг оқибати яхши бўлмасди. Шунинг учун самарқандликлар ҳам, Ҳиротликлар ҳам Улуғбекни, Шоҳруҳнинг Мовароуннаҳрдаги соясигина, холос деб аташарди. Ҳа, бу ҳақиқат, аччиқ ҳақиқат эди. Улуғбек том маъноси билан шунчаки соя эди, холос».

Эътибор берилгудек бўлса, келтирилган мазкур иқтибосда айтилаётган ғояни инкор этадиган фикр ҳам манаман деб турибди. Амир Шоҳ Малик – Оталиқ бек Ҳиротга чақириб олингандан кейин, эл-юртнинг инон-ихтиёри Улуғбек Мирзога ўтса-ю, яна у «шунчаки соя» эди, деб баҳоланса?! Иккала алломанинг ҳам Улуғбек Мирзо ҳақидаги юқорида тилга олганим фикрларига қўшилиб бўлмайди. Биргина мисол келтираман. 1427 йилда Улуғбек Мирзо Буроқ Ўғлон билан бўлган жангда енгилгач, Мовароуннаҳрда тартибсизликлар бошланган. 1427 йил май ойининг 28 кунда Ҳиротдан Самарқанд сари йўлга чиққан Шоҳруҳ Мирзо Самарқанд тахтига янги номзодни – ўғли Бойсунғур Мирзони ҳам олиб келаётган эди. Бундан хабар топган Улуғбек Мирзо отасидан укаси Бойсунғурни Ҳиротга қайтариб юборишни, Абдураззоқ Самарқандий айтганидек, илтимос қилади. Бойсунғур Мирзо изига қайтади. Муаррих қавлини тушунишимиз керак бўлади: илтимос, аслида, талаб эди. Талаб бажарилмаган тақдирда, ота-бола ўртасида низо пайдо бўлиши ва оқибатлари ёмонга эврилиши мумкин эди. Улуғбек Мирзо ҳам оз эмас, кўп эмас, Мовароуннаҳрни йигирма йил бошқараётган, кўп жанглар кўрган, тарафдорлари ҳам кам бўлмаган ҳукмдор эди. Ҳазабланган Шоҳруҳ ўз кучига тўла ишонганида эди, Улуғбекни амалдан мосуво этар, ўрнига Бойсунғур Мир-

зони қўйиб кетарди. Улуғбек Мирзо ҳам тожу тахтни қўшқўлаб топширишни хаёлга келтирмаган. Бу эса В. В. Бартольд айтганидек, сиёсатдан юз ўтirmaганлигини, аксинча, унга қаттиқ киришиб кетганлигини, Бўрибой Аҳмедов маҳобат этганидек, соя ҳам эмаслигини, ўз сўзи ва мавқеига эга ҳукмдор эканлигини далолат қилади. Бундай мисолларни яна ҳам санайвериш мумкин. Шоир Қосим Анвар Шоҳруҳ Мирзога суиқасд қилишда шубҳа остига олинади. У паноҳни қаердан топган, деб ўйларсиз. Албатта, Самарқанддан. Агар Улуғбек Мирзонинг изни бўлмаганда эди, отасини пичоқлашга алоқаси бор деб гумондор қилинган кишининг Самарқандга кириши мумкинмиди? Ёйинки, шоир, Мавлоно Муҳаммад Олимнинг «баҳсларда кўп густохона сўзлар ва жавоблар айтганлиги», Улуғбек Мирзо ҳокимияти билан мураса қила олмаганлиги сабабли бадарға бўлганлиги ва Ҳиротдан жой топганлиги, бу ерда «Мавлонанинг қадамини ғанимат тутганлигини» қандай изоҳлаш керак бўлади? Мен Ҳирот билан Самарқанд муносабатларидаги ўзгаришлар Улуғбек Мирзонинг ҳокимиятда бўлганлигининг йигирма йиллигидан сал олдинроқ бошланган, деган фикрдаман. Савдо-сотиқ, олиқ-солиқ, ташқи алоқалар бобида икки ўртада муаммолар бўлган.

Улуғбек Мирзо Мовароуннаҳр ҳукмдори сифатида ўз элу улусининг моддий ҳаётини яхшилашга, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаттиқ бел болаган. Кўрдикки, В.В. Бартольд сингари таниқли муаррихлар ҳам Улуғбек Мирзонинг давлат тутумига, ички сиёсатига теран кириб бора олмаган, бу жиҳатлар улар эътиборидан четда қолган. Улуғбек Мирзонинг ҳижрий 832 (1418–1419) йилда бошлаган пул ислоҳоти, тангалар зарб қилдириши Ҳиротга кўп жиҳатдан мақбул келмаган, икки ўртадаги муносабатларнинг совушига бош сабаб бўлган эди. «Темур ва Улуғбек даври тарихи» (1996) асариде айтилганидек, пул ислоҳоти моҳиятига кўра, Улуғбек *«Бозор учун ягона, марказлаш-*

ган (Бухорода зарб қилинган), ўзгармас ва сарҳад билмас, мустаҳкам танга бершига уринди, бу эса шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг манфаатларига мос келарди. Шунга мувофиқ тарзда эски тангани зарб қилиш таъқиқланди ва улар Ўрта Осиёнинг кўплаб шаҳарларида янгисига алмаштирилди, янги танганинг вазни анча ошди ва уни зарб қилиш Бухорода марказлаштирилди... Умуман олганда, Улуғбекнинг пул ислоҳоти ижобий ҳодиса бўлди, зотан, бир хил тангалар мамлакатнинг барча бурчакларига ҳеч қандай тўсиқсиз кириб борар ва барча бозорларга бир хилда хизмат кўрсатарди».

Улуғбек Мирзо марказий ҳукуматдан – Ҳиротдан фарқли ўлароқ, ер солиқларини камайтиргани ҳолда, руҳонийлар ва феодаллардан, ҳунармандлар ва тижорат аҳлидан келадиган тамға тушумларини орттира боради. Бу ички сиёсат қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилашга имкон яратгани ҳолда, асосан, шаҳар аҳолиси учун оғир бўлган тамға солиғи кўпайиши мазкур табақалар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмай қолмасди. Пойтахт Самарқанд руҳонийлар, бадавлат кишилар, савдогарлар ва ҳунармандлар кўпчиликини ташкил этадиган шаҳар эди. 1427 йилда мўғул Буруқ Ўғлондан мағлуб бўлиш юз берганда, Улуғбек Мирзонинг солиқ сиёсатидан норози бўлган шаҳар асилзодалари вакиллари уни Самарқандга киритмаслик ҳаракатини бошлаб юборгандилар. Бир оз олдинга кетиб айтадиган бўлсам, 1449 йил фожиаси илдизлари ҳам шу норозиликнинг лойқа босган ариғидан сув ичган, мағлуб бўлган ота – подшоҳ Самарқандга киритилмаган эди. Ўйлашимча, Улуғбек Мирзонинг пул ислоҳоти, олиқ-солиқлар бобида ўз билганича йўл тутиши Ҳиротда маъқулланмаган. Ўртада совуқчилик вужудга кела бошлаган, мустақилликнинг олдини олиш учун бир қадар чекловлар жорий этилган, улар орасида Улуғбек Мирзонинг фарзандларини Ҳиротда «тарбиялаш» чораси ҳам бўлган. Бу ўринда «тарбия»

сўзи ўрнига «гаровда ушлаб туриш», дейилса, моҳият аниқроқ бўлади. Ҳасиба Султоннинг Ҳиротда «қари қиз» бўлганича ушлаб турилишини яна қандай изоҳлаш керак?

Шоҳруҳ Мирзо 1427 йилдаги Самарқанд ташрифида, гарчанд, Улуғбек Мирзо ўрнига Бойсунғур Мирзони қўя олмаган бўлса-да, муаррих айтганидек, «*Мирзо Улуғбекни хитобу (қаттиқ овозда) итоб (қаҳр, газаб) мақомига келтириб, жуда қаттиқ сўроқ қилади ва Шаҳзода бир неча вақт безътибор қолади*». Фақат Шоҳруҳ Мирзо Ҳиротга қайтиши олдидан, яна Мовароуннаҳр идорасини Улуғбек Мирзога топширади.

Шундан сўнг ўтган тўрт-беш йил давомида икки пойтахт орасида олий даражадаги борди-келдилар деярли юз бермайди. 1432 йилнинг баҳорида Улуғбек Мирзонинг Абдурахмон деган фарзанди вафот этади. Абдурахмон Мирзо учинчи фарзанди бўлиб, 1421 йилда туғилган ва 12 ёшида вафот этган эди. Бу воқеа дараги Ҳиротга ҳам етиб келади. Шоҳруҳ Мирзо саройи бу мусибатни совуқ қарши олган кўринади. Яқинлардан бирортаси Самарқандга бормаган, фақат, «мўътабар кишилардан бирини аза билдириш учун Самарқанд томонга» жўнатадилар. 1433 йилнинг 22 декабрида Бойсунғур Мирзо оламдан ўтади. Бу хабар Улуғбек Мирзо Бухорода қишлоқ қилиб турган маҳалда этади. Улуғбек Мирзо таъзия маросимини адо этишга 1434 йилнинг 29 апрелида, қарийб тўрт ойдан кейин шайхулислом Ҳожа Исомиддин Ҳожа Фазлиддин Кеший ва Ҳожа Фазлуллоҳ Абуллайсийлар билан Ҳиротга келади. Улуғбек Мирзо укаси руҳига эҳтиром боғлаб, Ҳирот элига катта ош беради. Бу ташриф орада газаклай бошлаган совуқчиликни бир қадар илитгандай бўлади.

1435 йилнинг 3 майида, Улуғбек Мирзо Ҳиротдан Самарқандга қайтиб келганидан бир йил ўтиб, Шерозда Султон Иброҳим Мирзо ҳам оламдан ўтади. Гарчи Абдураззоқ Самарқандий, таъзиянинг қирқинчи куни

катта ош берилгандан сўнг, «*Мотам либосини кийган Эрон ва Турон ақобирларининг ҳаммасига аза либосини ечишга ҳуמוюн фармон содир бўлди*», деган бўлса-да, Улуғбек Мирзонинг Ҳиротга, таъзия маросимларига келганлигини айтмайди. Йиллар эса орадан бетўхтов, елдек ўтиб борарди. 1438 йилнинг 9 октябрида Муҳаммад Жўгий Мирзо Самарқандга, акаси Улуғбек Мирзо ҳузурига йўлга отланади. Бу ташриф акага жуда маъқул келади, йиллар соғинчи салтанат кирдикорларидан устунлик қилади. Укага нисбатан «кўп лутф-марҳаматлар кўрсатилади». Муҳаммад Жўгий Мирзонинг Самарқандга шунчаки бормагани, унинг ташрифидан орадан бир оз вақт ўтиб, Улуғбек Мирзонинг суюкли қизи Ҳасиба Султон Хонзода Бегимни Самарқандга қайтариш талабининг кўндаланг кўйилишидан аён бўлади. Афтидан, ака билан ука бу масалани Самарқандда муҳокама қилганлар. Муҳаммад Жўгий Мирзо Ҳиротда бу талабни, энг аввало, Гавҳаршод Огога билдирган. Лекин, рухсат чўзила бошлагач, Улуғбек Мирзо бетоқат бўлиб олий даргоҳга «ишончли ва сўзамол бир хабарчини» юришга мажбур бўлган. Нега энди, сўзамол кишини юборишга эҳтиёж бўлган ва бу сўзга муаррих ортиқча урғу қўйган? Бу, ҳойнаҳой, масаланинг чигаллиги, уни ётиғи билан тушунтириш зарурати билан боғлиқликни ишорат этарди, дегим келади.

Ҳиротда Шоҳруҳ Мирзо 40-йиллар бошларида ичкилик ичишни қатъиян таъқиқлайди. Ҳатто, унинг ўзи шахсан Муҳаммад Жўгий ва Алоуддавла мирзолар шаробхоналари сақланган Се палак мавзесига отлашиб бориб, қазноқдаги барча хумларни синдиртириб, шаробларини ариқ қилиб оқиздиради. Бу таъқиқнинг Мовароуннаҳрга, чамамда, таъсири бўлмаган кўрилади.

1440 йил киши охирларида Бойсунғур Мирзонинг қизи, Султон Масъуд Мирзонинг хотини Ойша Султон Бегим, ундан кейин кўп ўтмай, Шоҳруҳ Мирзонинг

хотини малика Маликат Оғо ҳаёт билан видолашади. Маликат Оғо Шоҳруҳ Мирзонинг Соҳибқирон Амир Темур назарига тушган, бевосита унинг раъйи билан уйланган аёли бўлиб, Улуғбек Мирзога ҳам она мақомидаги малика ҳисобланарди. Бу таъзияларга ҳам Мовароуннаҳрдан келиш, расм-русумларни бажо қилиш ҳаракатлари қузатилмайди. Бунинг устига, Гавҳаршод Оғонинг 1442 йилнинг қирчиллама қишида Шоҳруҳ Мирзо талаби билан Самарқандга келиши, Абдуллатиф Мирзони бир амаллаб Ҳиротга олиб қайтиши воқеасини олдинроқда сўзлаб ўтдим. Бу воқеани бу ерда эслашдан мақсад, қарийб ўн-ўн икки йилдан буён муттасил совуқчилик жарлигига шўнғиб бораётган муносабатларга эътиборни қаратмоқ эди. Аксига олгандек, ўлим шарпаси Шоҳруҳ Мирзо саройидан нари кетмасди. Шу ораликда Улуғбек Мирзонинг синглиси Марям Султон ҳам бандаликни бажо келтиради. Муаррих, шу йиллар воқеаларини талқин қилар экан, бу таъзияларга ақалли Мовароуннаҳрдан, ҳукмдор у ёқда турсин, унинг номидан ҳам одамлар келиб-кетганлигини эслатмайди.

Шоҳруҳ Мирзонинг соғлиғи ҳам яхши эмасди. Подшоҳда касаллик аломатлари зўрая боргач, Гавҳаршод Оғонинг босими билан вазири аъзам Жалолиддин Ферузшоҳнинг тахтни набира Алоуддавалага байъат қилганлиги хабари ёйилади. Бу хабарлар, шубҳасиз, Мовароуннаҳрга етиб бормаслиги, Улуғбек Мирзо ундан беҳабар қолиши мумкин эмасди. Булар бариси чоралар кўришга, шунда ҳам асабларни таранг ҳолда тутиб туришни тақозо этарди. Асаблари суст, гапга учарман айрим шаҳзодалар бундай вазиятда йўлни йўқотишлари ҳеч гап эмасди. Шуларнинг бири набира Муҳаммад Султон Мирзо бўлади. Унинг бир неча таниқли саййидлар, уламолар пишонгги билан Шоҳруҳ Мирзога қарши, аниқроғи, тожу тахтни олишга элдан бурун интилиши қандай оқибатларга олиб келганлигини кекса, касалликдан заиф ҳолга тушган Шоҳруҳ

Мирзонинг уни тинчитиш ниятида ҳарбий юриш бош-лаши ва, охир-оқибатда, вафот этиши воқеаларини аввалроқда сўзлаб ўтдим.

Ота-бола муносабатлари тўғрисида сўз борганда, шубҳасиз, учрашувлар, борди-келдиларга аҳамият бермаслик мумкин эмас. Шоҳруҳ Мирзо Самарқандга 1427 йилда борганидан кейин, қайтиб бу ўлкага қадам қўймаган. Улуғбек Мирзо ҳам 1434 йилнинг май ойида укаси Бойсунғур Мирзо вафот этганида Ҳиротга борганидан кейин то Шоҳруҳ Мирзо ўлимигача, яъни тожу тахт курашлари бошланмагунча, бормаган. Энг олий мартабадаги сўнгги ташриф 1442 йилда, қиш чилласида Гавҳаршод Оғо томонидан Самарқандга қилинган. Бу ҳам мажбурият орқасида, Абдуллатиф Мирзони Шоҳруҳ Мирзо талабига биноан олиб кетиш мақсадида амалга оширилган. Ташрифларнинг сийраклашганлиги, кейинги йилларда бир неча йиллаб тўхтаб қолганлиги, Ҳирот ва Самарқанд муносабатларидаги илиқликдан дарак бермасди. Исён кўтарган набира Султон Муҳаммадга қарши Мовароуннаҳр кўшинларини ёрдамга чақириш ҳам эътибордан соқит қилинади. Хуллас, Шоҳруҳ Мирзо бу оламни тарк этгунига қадар бўлган ота-болалик ва салтанат ҳолати ана шундай такомилда эди.

Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин Хуррамобод ва Жийжамол ноҳияларида турган Муҳаммад Султон Мирзо, бобоси ўлимини эшитиб, тезлик билан Рай томонга от суради. Энди унга қўшилувчи кучлар ҳам топила бошлайди. Ҳиротда, Шоҳруҳ Мирзо томонидан Ироқ юришидан кейин ҳибсда сақланган Шайх Муҳиббиддин Абул Хайр шаҳзода Алоуддавла томонидан озод этилгач, Султон Муҳаммадга келиб қўшилади. Кермон мулкларидан Ҳожи Муҳаммад Қаноширин ҳам кўп лашкар билан Султон Муҳаммадга кўмакка етиб келади. Форс ҳукмдори бўлиб турган Султон Абдуллоҳ Мирзо ҳам катта лашкар жам қилади. Икки шаҳзода тўқнашувда Султон Абдуллоҳ Мирзо енги-

лади. Султон Муҳаммад Мирзо, шу тариқа, Форс ва Ироқ мамлакатларини эгаллаб олади.

Мовароуннаҳр ва унинг пойтахти Самарқандда Шохруҳ Мирзо ўлими хабари нималарга сабаб бўлган эди? Яхши биламизки, Абдуллатиф Мирзо Райда шу нохуш воқеа содир бўлганда, отаси Улуғбек Мирзога чопар юборган ва қайғули хабарни айтдирган эди. Муаррихнинг қавлига кўра, *«Улуғбек Мирзо бу хабарни эшитишдан шунчалик куюниб қайғуради ва андуҳу изтиробга тушадики, ҳатто ҳаёт жомасидан ажралиб, фано чапонига ўралиш қўрқинчи бор эди».*

Абдураззоқ Самарқандий дейдики, *«Ҳазрат хоқони саъиднинг авлодидан энг каттаси Мирзо Улуғбек кўрагон бўлганлиги ва у ҳазратнинг ўз фарзандларидан жаноб Улуғбекдан бошқаси ҳаёт бўлмаганлиги туфайли Мирзо Улуғбек у ҳазрат Шохруҳга тегишли барча мамлакатларни ўз мулки ҳисоблаб, бошқа бирор кишининг дахл қилиши мумкин эмас, деб билар эди. Шунинг учун у ҳазрат Шохруҳнинг салтанат тахти аҳволига бирор тартибсизлик йўл топмасдан бурун юриш жиловини Хуросон мамлакатини томон суришни истади ҳамда галаба ёр байроқлар поёнсиз сипоҳлар билан жаннат монанд Самарқанд заминидан Хуросонни забт қилмоқ учун юриш бошлади».*

Тахт ва салтанат талабгорлари, юқорида кўрганимиздек, Улуғбек Мирзодан олдин отни қамчилаб қолган эдилар. Султон Муҳаммад Мирзодан кейин. Муҳаммад Жўгий Мирзонинг кичик ўғли Абобакр Балх, Шибирғон, Қундуз, Бақлондан то Бадахшон чегарасига қадар забт қилиб, мустақил бўлиш ҳаракатига тушган эди. Улуғбек Мирзо ёш шаҳзодани ўртага одамлар қўйиб, хатлар битиб, куёв қилиш ваъдасини бериб, ўз ҳузурига келтиртиради. Бу яхши ният эди. Бироқ, Абобакр Мирзони тезловчилар уни йўлдан урадилар, итоат қилмасликни маслаҳат кўрадилар. Шаҳзода хиёнат йўлидан қайтмасликка мойиллик кўрса-

тади. Бундан огоҳ бўлган Улуғбек Мирзо уни бандга солиб, Самарқандга жўнатиб юборади. Бу орада Улуғбек Мирзо Жайхундан ўтиб, Балхга қўнади. «Матла»да айтилганидек, *«Шу аснода Нишопурда бўлиб ўтган босқин қиссаси ва Мирзо Абдуллатифнинг қўлга тушганлиги кечмиши воқеъ бўлади».*

Бундан сал олдин Улуғбек Мирзо ўғли Абдуллатифнинг Шоҳруҳ Мирзо жон таслим қилган пайтда урду ва қўшинга бош бўлганлиги, бобоси жасадини Ҳиротга олиб келаётганлиги дарагини эшитган эди. Унинг қўлга тушиши хабаридан воқиф бўлганлигидан сўнг, «ҳаддан зиёд малул ва маҳзун бўлиб», уни озод қилиш тадбирини кўришга интилади. Амир Иброҳим Идику Темур, амир Абобакр Боён Темур, амир Боязид ва бошқа хос кишилар бамаслаҳат, Алоуддавла Мирзо билан сулҳга боришни мақбул топадилар. Алоуддавла Мирзо ҳам Улуғбек Мирзонинг Жайхундан ўтгани хабарини эшитгач, етарли тараддуд кўриб, катта қўшин билан унга қарши юриш бошлаб, Мурғоб сувидан ўтади. Улуғбек Мирзо мавлоно Низомиддин Мирак Маҳмуд садрни элчи қилиб, Алоуддавла Мирзога шундай нома йўллайди: «Мирзо Алоуддавла менинг фарзандимдир, Ҳирот эса бузургвор отамнинг уйи, менда у диёрни хароб қилиш даъвоси бўлишидан Аллоҳ сақласин! Энди, агар Мирзо Абдуллатифни юборсалар, орадаги низо бутунлай кўтарилгусидир». Нома билан Алоуддавла таниша турсин, Журжон ва Мозандарон вилоятлари ҳокими бўлган Мирзо Абулқосим Бобур ҳам Хуросонни ўзиники қилиш даъвосида қўшин тортиш ҳаракатига тушади. Мирзо Алоуддавла черигининг катта бир қисми Абулқосим Бобур лашкари билан ёвлашиб, маррани қўлдан беради. Мирзо Алоуддавла икки ўт орасида қолган эди. Рўпарасида Самарқанд лашкари, ортида ролибликка ишонч боғлаган Абулқосим Мирзо сипоҳийлари, шу сабабли, жуда ҳайронликда қолган Мирзо Алоуддавла Улуғбек Мирзо шартларини қабул қилишга мажбурият сезади.

Алоуддавла тезда Ҳиротга қайтади ва Абдуллатиф Мирзони ҳибсдан чиқариб, хос мажлис қуради. Унда Абдуллатиф Мирзо ҳам иштирок этади ва иккала шаҳзода ўзаро душманлик қилмасликка аҳду паймон қиладилар. Нишопур воқеасида қўлга тушган, кишанда ётган Абдуллатиф Мирзо навкарлари ҳам халос этилиши, хазинадан муносиб кўрилганича ҳадялар тортиқ қилиниши ҳам кўзда тутилади. Абдуллатиф мирзо ва одамлари Мовароуннаҳрга, Жалолиддин садр назорати остида жўнатилади.

Улуғбек Мирзо лафзида туриб, Балх идорасини Абдуллатиф Мирзога топшириб, ўзи Жайхундан ўтиб, Самарқандга қайтиб кетади.

Алоуддавла Мирзонинг кўнгли Абулқосим Мирзодан тинч эмасди. У, Улуғбек Мирзо билан битимга келгач, Машҳадга, Абулқосим устига лашкар тортиб боради. Икки томоннинг амирлари ва хайрихоҳлари мирзоларга, «сизлар бу ёқда ёқавайрон бўлиб турганларингда, Улуғбек Мирзо тахтига фақат ўзи муносиблигини ваҳж қилиб, бостириб келиши мумкин, сизларнинг ўрталарингизда сулҳ қарор топгани маъқул», деган маслаҳатни берадилар. Муқаррар бўлган жанг, шундай қилиб, Алоуддавла билан Абулқосимнинг ярашуви аҳду паймонига алмашади.

Амирлар ва таниқли кишилар маслаҳати билан икки шаҳзода ўртасида вужудга келган бирлик ҳақида мушоҳада қилинса, Хуросон асилзодалари Шоҳруҳ Мирзо вафот этмасдан бурунлар ҳам Улуғбек Мирзодан қаттиқ хавфсираганлар, тожнинг даъвогари у бўлади, деган фикрда турганлар, деган хулоса кўндаланг бўлади. Асда ҳам, Шоҳруҳ Мирзо салтанатидаги асосий мансаблар эронлик, хуросонлик кишилар қўлига ўтган, мулклардаги ноиблар – шаҳзодалар улар қўлида, таъсирида эдилар. Шоҳруҳ Мирзо тахти ва тожининг ундан кейин кимга ўтиши ана шулар учун муҳим ва ҳаётий аҳамиятга эга эди. Фикримча, Шоҳруҳ Мирзо ҳокимиятининг қоқ ўртасидан – XV аср-

нинг 20-йилларидан бошланган тож учун кураш ҳаракатлари замирида маҳаллий асилзодаларнинг қузга кўринмас режалари бўлганлигини унутиш ножоиз. Иккинчи томондан, Мовароуннаҳрда ҳам ҳокимиятни мустақил қилишдан манфаатдор кучлар йўқ эмас эди ва уларнинг Улуғбек мирзога кўрсатадиган таъсири Хиротда бўлганидан кам эмасди. Ота-боланинг сулола намояндаларининг қирқ йиллик ҳокимият давомидаги ўзаро борди-келдиларини жамлар эканман, кўнглимдан кечган айрим гапларни айтгим келди.

Шоҳруҳ Мирзо отаси Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари вафотидан кейин улкан салтанатнинг асосий сарҳадларини ўз қўлида сақлаб қола олди. Бу салтанат олманинг икки палласига ўхшарди. Бир палласи Эрон ва Хуросон, иккинчи палласи эса Мовароуннаҳр, Туркистон ҳудудлари эди. Эрон ва Хуросон замини Шоҳруҳ Мирзо, Бойсунғур Мирзо, Суюрғотмиш Мирзо, Муҳаммад Жўгий Мирзо ва набиралар идорасида бўлиб, Мовароуннаҳр мулклари Улуғбек Мирзо тасарруфида эди. 1427 йилда Хиротда Шоҳруҳ Мирзога суиқасд қилиниши, Мовароуннаҳрда Улуғбекнинг мўғул Буроқ Ўғлондан енгилиши салтанат бошқарувиغا жиддий таҳрирлар киритади. Бу таҳрир ошкора тарзда эмас, ич-ичдан, жуда секинлик билан амал қила бошлаган. Шоҳруҳ Мирзо Буроқ Ўғлон воқеаси муносабати билан Самарқандга бориб, тафтиш ва сўроқ ишлари билан ерда 4 ой қолиб, юз берган таҳликали вазиятни пизга туширади. Улуғбек Мирзо мағлубият алами бир сира, ҳукмдор отасининг уни мансабдан бекор қилиб, улусини тўрт ой давомида идора этиб туришидан, ўзича маълум хулосаларга келган. Бу ички тўғулларнинг мундарижасида мустақилликка олиш майли босим бўлган дейишга маълум асослар бор. Масала, Хирот асилзодалари Улуғбек Мирзони отасининг сояси деб билганларидан тамомила бошқача манзарага эга эканлигини кузатишга тўғри келади. Келинг, бу борада Хирот ва Самарқанднинг олий мартабали

борди-келдилари тарихига бирров назар солайлик. Олий мартабали давлат тафтишлари подшоҳ ва унинг оила аъзолари, мулклардаги ноибларининг ўзаро алоқалари, бориш-келишлари мажмуидан иборат бўлади. Муҳими, салтанат измида бўлган сулоланинг – ота-она, фарзандларининг давлатни бошқаришдаги ҳамжиҳатлиги, ўзаро яқинлик муносабатлари, расмий алоқаларни мустаҳкамлиги бориш-келишларнинг тифизлигига, фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқ, дейиш ўринлидир. Шоҳруҳ Мирзонинг Мовароуннаҳрга, Самарқандга келишлари асосан расмий давлат ишларига, аниқроқ айтганда, қалтис вазиятлар тақозосига бинонан амалга ошган. 1405 йилда Халил Султон Самарқанд тахтини эгаллаб олгани хабари етганда, Шоҳруҳ Мирзо қўшин билан Мовароуннаҳрга юзланади. Бу сафар сулҳга тортгани боис, Жайхун дарёси бўйида ниҳоясига етади ва Ҳиротга қайтиб келинади. 1409 йил 13 майда Шоҳруҳ Мирзо Халил Султон ва амир Худодод Ҳусайний тўқнашувидан кейин, Самарқанд таҳлика остида қолганида, отаси пойтахтига етиб келади ва салтанатни ўз қўлига олади. Азалий мулкларнинг идораси Улуғбек Мирзога топширилади. Шайх Нуриддин фитнаси сабаб, Шоҳруҳ Мирзо учинчи марта Мовароуннаҳрга қўшин билан келади. Бу воқеа 1410 йилнинг 5 майида воқеа бўлади. Бу сафар ҳам Шоҳруҳ Мирзога ғалаба нусрати ёр бўлади ва 3 августда, уч ойлик ҳарбий сафардан кейин, Ҳиротга қайтиб боради.

Шоҳруҳ Мирзонинг Самарқандга тўртинчи мартаба келиши сабаблари Улуғбек Мирзо билан унинг оталиқ беги амир Шоҳ Малик ўртасида содир бўлган низо билан боғлиқ эди. Муаррих Абдураззоқ Самарқандий, «Ҳосидлар найранги-ю душманлар макри туфайли бундай кечмишлар (сарой низолари)нинг содир бўлиб туриши, хусусан, султонлар даргоҳида кам учрайдиган ва фавқулудда бир ҳол эмас», деганда жуда тўғри хулоса қилган. Яна, муаррих таъкидлаганидек,

Шоҳруҳ Мирзо шу келишида, «мамлакатни салтанат номусига муносиб келадиган бир йўсинда идора қилишини истайди». Шу тариқа, Самарқандга юзланишнинг бири сулҳ билан йўлда хотима топиб, учаласи эса бу ерга келиш, бир неча муддат туриш билан яқунланади. Бешинчи ташриф оз эмас, кўп эмас, 17 йилдан кейин юз беради. Айтганимдек, 1428 йилда, 28 май кунда Самарқандга қилинган сафар 1427 йилда Улуғбек Мирзонинг Буроқ Ўғлондан мағлуб бўлиши, мулкларнинг талон-торож қилиниши, юқори доираларда Улуғбек Мирзодан норозиликнинг қарор топиши билан бевосита боғлиқ эди. Шоҳруҳ Мирзо, салтанатнинг олий ҳукмдори сифатида Мовароуннаҳрда юзага келган таранг ва қалтис вазиятни изга солгунича, бу ерда тўрт ой қолиб кетади. Шахсан ўзи мағлубият асоратларини тугатиш, издан чиққан бошқарувни эпақага келтириш, Улуғбек Мирзонинг йўл қўйган хатоларини тушуниб олишига имкон бериш ишлари билан машғул бўлади.

Шоҳруҳ Мирзо ўзининг қирқ йиллик подшоҳлиги давомида 1405 йилдан то 1428 йилга қадар Мовароуннаҳр мулкларига тўрт мартаба бўлади. Бу ташрифларнинг ҳаммаси соф давлат иши нуқтаи назаридан амалга оширилади. 1428 йилдан кейин, 19 йил давомида Шоҳруҳ Мирзо салтанатнинг биринчи ҳукмдори сифатида ва ота мақомида Улуғбек Мирзо қўл остидаги мулкларга, унинг хонадонига қадам қўймаган.

Олий салтанат марказидаги арбобларнинг, укаларнинг, онанинг ўзаро борди-келдилари ҳам, таажжуб уйғотадиган даражада сийрак бўлганлигини эътироф этишга тўғри келади. Болалик даври Самарқандда бирга ўтган, бобоси Амир Темур ҳазратлари билан Ўтрорга ҳамсафар бўлган, у Зотнинг вафотидан кейин иккаласи кўп камситиш ва азиятларни бирга чеккан ука Иброҳим Султон билан алоқа мутлақо узилиб кетган. Улуғбек Мирзо, ҳатто, Иброҳим Султон вафот этганда, унинг таъзиясига ҳам бора олмаган. Кичик

ука Муҳаммад Жўгий Мирзо қирқ йиллик тарихда Самарқандга уч-тўрт бор, жумладан, 1418 ва 1427 йилларда борган. Унинг иккинчи ташрифи Буроқ Ўғлонга қарши ўз сипоҳийлари билан ёрдам бериш билан боғлиқ бўлган эди.

Улуғбек Мирзонинг онаси Гавҳаршод Оғо 1420 йилда, баҳор кезларида Улуғбек Мирзонинг таклифи билан Самарқандга келади. Шу йили Шоҳруҳ Мирзо Ироқ ва Озарбайжонни фатҳ этган, салтанат ишлари ривожда эди. Бу азимат ҳақида муаррих шундай дейди: *«Мирзо Улуғбек бир неча кунни шуҳратли волидаси Гавҳаршод Оғо хизматида ўтказишни истади. Аммо шаҳзода ўзи Мовароуннаҳрдан Ҳиротга келиши мушкул эканлиги туфайли, мадҳи улё Самарқандга келсин, деб илтимос қилди»*. Мен бу сўзларни изоҳлашдан иймандим, чунки, Улуғбек Мирзонинг Ҳиротга боришида бирор мушкулликни аниқлай олмадим. Хуросон ҳам, Мовароуннаҳр ҳам тинч, Хитой элчилари келиб-кетган, Самарқандда ва Кешда олий иморатлар бино қилинмоқда, ҳеч бир тарафдан хавф йўқ эди. Нега мушкул бўлган, нега муаррих бундай ваз келтираётир, очиги, англаб етолмадим. Гавҳаршод Оғонинг шу ташрифида Муҳаммад Жўгий Мирзо ҳам ҳамроҳ бўлган. Онанинг Самарқандга иккинчи бориши 1441 йилда бўлган. Бу ҳақда олдинда айтилди. Шоҳруҳ Мирзо аразлаб кетган набираси Абдуллатифни Гавҳаршод Оғога, «қандай кеткизган бўлсанг, шундай қайтар», қабалида гап қилиб, қишнинг қаҳратонида маликани Самарқандга жўнатган. Биринчи ташриф кўнгилдан амалга оширилган бўлса, иккинчиси мажбурият орқасидан қилинган эди.

Мовароуннаҳрдан давлат марказига – Ҳиротга боришлар силсиласи қандай бўлган? Улуғбек Мирзо, шубҳасиз, ўта билимли, ўта маданиятли ҳукмдор сифатида марказий ҳукуматга бўйсунитишни, хирож солиқларнинг асосий қисмини Шоҳруҳ Мирзо хазинасига ўтказиб туришни, ҳарбий юришларга ўз сипоҳий-

ларидан талаб қилинган миқдорни жўнатишни бурчи деб билган. Шу сабабли ҳам тарихларда марказ ва Самарқанд ўртасида молиявий ва ҳарбий муаммоларда бирор ихтилоф юз берганлиги тилга олинмайди. Улуғбек Мирзо ўзининг қирқ йиллик идораси йилларида беш марта Ҳиротга келиб кетган. Унинг Мовароуннаҳр ҳукмдори – отасининг ноиб сифатида Ҳиротга келиши 1414 йилнинг 25 ноябрида кузатилади. Бу беш йиллик муддатда амалга ошган ташриф эди. Бу жуда кўп муддат эмасми? Кейинчалик, 1417, 1418 ва 1422 йилларда кетма-кет уч бор Ҳиротга келинади. Улуғбек Мирзонинг отаси пойтахтига унинг ҳаётлигида сўнгги марта келиши 1434 йилда, укаси Бойсунғур Мирзо ўлими муносабати билан таъзия русумида амалга ошади. Ана энди, умумий борди-келдиларни жамлайлик. Шоҳруҳ Мирзо тўрт, Улуғбек Мирзо беш, Гавҳаршод Оғо икки, Муҳаммад Жўгий Мирзо уч марта Ҳирот ва Самарқандга борди-келди қилганлар. Жами ўн тўрт ташриф. Қирқ йил учун тўрт давлат арбоби ва ота-болаларнинг алоқалари тарихи учун бу ниҳоятда кам рақамлар эмасми? Шоҳруҳ Мирзо 1428 йилдан кейин Самарқандга боришни буткул тўхтатиб қўйган бўлса, Улуғбек Мирзо отаси вафотидан 13 йил олдин Ҳирот сари қадам қўймаган. Ачинарли жойи, Улуғбек Мирзонинг 12 ёшли ўғли Абдураҳмон Мирзо вафот этганда Ҳиротдан олий мартабали қариндошларнинг келмаганлиги, Султон Иброҳим Мирзо, Суюрғатмиш Мирзо каби укалар ўлганда Улуғбек Мирзонинг таъзияга бормаганлиги, она ўрнидаги Маликат Оғо ва бошқа шаҳзодалар, сингил Марям Султон: Бека, амма Султон Бахт Бегим таъзияларининг бевосита бажо келтирилмаганлиги яқин қариндошлик туйғулари совуб борганлигидан дарак эмасмикан?

Тадқиқотларнинг айримларида, *«Улуғбек тўла мустақил бўлган ва ўз ҳаракатларида Ҳирот ҳукуматига қарам бўлмаган, деган фикр ҳақиқатдан йироқ»*

дир», деган даъво айтилади. Мен бу хулосани 1430 йилга қадар татбиқ этса бўлади, деган хулосага келдим. Шу жиҳатдан Улуғбекнинг 1434 йилда Бойсунғур Мирзо таъзиясига келиши салтанатнинг икки улкан ҳудудлари орасида. Жайхун дарёси қаторига яна мустақиллик чизигини ҳам тортган ташриф бўлган эди, дейиш асосли кўринади.

Кўпинча муаррихлар назардан четда қолдирадиган бир жиҳатни ҳам айтиб ўтиш керак. Улуғбек Мирзо Мовароуннаҳрни обод қилиш, илм-фанни юксалтириш мақсадида беназир улуғ ишларни амалга оширган. Самарқандда. Шаҳрисабзда, Ғиждувонда ва бошқа жойларда мадрасалар, масжидлар, хилхоналар, йўллар, кўприклар қурдиради. Самарқандда барпо этилган расадхона довруғи хорижий юртларга ҳам тарқалади. Улуғбек Мирзо шахси ҳукмдордан кўра, аллома сифатида катта ҳурматларга сазовор бўлади. Улуғбек Мирзо, аниқроқ айтганда, Шоҳруҳ Мирзо фарзандларидан Бойсунғур, Суюрғатмиш, Муҳаммад Жўгий Мирзо, ёйинки, Алоуддавла, Абулқосим Бобур, Султон Муҳаммад каби набиралар илмда, мулк идорасида, мавқеда, бойликда жуда катта устунликка эга эди. Уни фақат отаси Шоҳруҳ Мирзо билан қиёс қилса бўларди. Шунда ҳам илм-фанда эмас. 1438 йилда Ҳасиба Султон Хонзода Бегимнинг Ҳиротдан Самарқандга талаб қилиб олиб кетилиши марказдан қўлни ювиб. қўлтиққа уриш нишонаси бўлган эди. Абдуллатиф Мирзонинг Гавҳаршод Огодан аразлаши ва Самарқандга қайтиб келиши моддий ва ҳарбий жиҳатдан итоатга зиён етказмагани ҳолда, марказдан совушнинг юқори нуқтасига кўтарилиш асосларини таъминловчи омил бўлганди.

Улуғбек Мирзонинг оилавий ҳаётига Ҳиротнинг аралашуви 40-йилларга қадар давом этади. Аввало, Ҳасиба Султон, кейин эса, Абдуллатиф Мирзо Шоҳруҳ Мирзо саройида ушлаб турилади. Мен. «тарбияланади», дея олмадим. Тарбия узоғи билан 10 ёшга қадар саройида

амалга ошган. Улуғбек Мирзонинг ўзи бобоси ўрдусига 1405 йилга қадар бўлиб, Сарой Мулк Хоним тарбиясини олган. Ҳасиба Султон 26 ёшга етгунча, бувиси Гавҳаршод Оғо қўл остида бўлади. Туғилиш йили мавжуд тарихларда зикр этилмайдиган, аммо 1437 йилда хатна тўйи ўтказилган Абдуллатиф Мирзо ҳам кичиклигидан бошлаб Ҳиротда, Гавҳаршод Оғо тарбиясида узоқ қолиб кетган. Аразлаб кетганида, яна Ҳиротга қайтарилган. Бу тадбирлар Улуғбек Мирзо билан норасмий қўлланувда бўлган гаровни эслатади. Улуғбек Мирзо ҳарами ва фарзандлари ҳақида, афсуски, кам нарсалар биламиз. Муаррих Хондамирнинг кўрсатишича, Улуғбек Мирзонинг бешта хотини бўлган. Биринчи хотини амакиси, валиаҳд Муҳаммад Султоннинг қизи Оғо Бегим бўлиб, унга 1404 йилда уйлانган. Оғо Бегимдан 1412 йилда Ҳасиба Султон туғилган. Биринчи аёл узоқ яшамаган, 1419 йилда вафот этади.

Улуғбек Мирзонинг иккинчи хотини Султон Маҳмудхоннинг қизи Оқ Султон Хоника булган. Султон Маҳмудхон Амир Темур даврида номига хон қилиб қўйилган Чигатой авлоди вакили эди. У Йилдирим Боязидни асирга олган ва Соҳибқирон олдига келтирган эди. У, 1404 йилда Боязидни қўлга олиш воқеасидан кўп ўтмай, оламдан ўтган эди.

Шундай нақл етиб келган: Улуғбек Мирзо башоратчи Муҳаммад Ардистонийдан яқин орада юз берадиган воқеалар ҳақида сўрабди. Суҳбатда Али Қушчи ҳам бор экан. Гап оилавий масалага тааллуқли бўлганидан, Муҳаммад Ардистоний сўз айтишдан тарадудланибди. Улуғбек Мирзо, «Али Қушчи дўстим бўлади, унинг олдида бемалол сўзлайвер», дебди. Башоратчи шунда, яқин кунларда Улуғбек Мирзо хотинларидан бирини ўлдиришини, хоннинг қизи бўлган Оқ Султон Хоникадан ажралишини айтади. Улуғбек Мирзо башоратчи – фолбин сўзларига парво қилмайди. У Оқ Султон Хоникани ниҳоятда яхши кўрган, ундан ай-

рилишни, талоқ сўзларини айтишни хаёлига ҳам келтирмаган. Бироқ, бир неча кундан кейин биринчи айтилган башорат амалга ошгач, Оқ Султон Оғо ўзининг хурсандлигини чидаб бўлмас даражада шовқин солиб баён этади. Тарихларда бу ҳолат уч-тўрт шаклда келади. Айрим тарихчилар буни Улуғбек Мирзога қаттиқ гапириш, баъзилари ҳақорат қилиш тариқасида келтирадилар. Нима бўлганда ҳам, Улуғбек Мирзо ўзини тўхта олмай суюкли хотинига талоқ айтиб юборади. Ҳар ҳолда, бу ажралишнинг изоҳлари қандай бўлишидан қатъи назар, очиқ айтилмаган оилавий фожиа шу ечимга сабаб бўлган.

Манбаларда кўрсатилишича, Хусн Нигор Хоника Улуғбек Мирзонинг хотинларидан бўлган. У Халил Султоннинг қизи деб айтилади. Шундай бўлса, у аммазодалардан бўлади. Улуғбек Мирзонинг Руқия Султон, Меҳр Султон, Давлат Бахт Саодат, Давлат Султон, Бахти Бегим, Давлат Бахт исмли жориялари ҳам бўлган. Хондамир, Улуғбек Мирзонинг 7 та қизи бўлганлигини, улардан Оқ Бош ва Султон Бахтнинг онаси Руқия Султон эканлигини, шунингдек, Туғо Туркон ва Оғо Туғоншоҳ исмли аёлларидан ҳам қизлар дунёга келганлигини таъкидлайди. Тарихларда Улуғбек Мирзонинг ўғиллари қайси оналардан таваллуд топганлиги ҳам эслатилмайди. 1420 йил июлида туғилган Абдулла эрта вафот этиб кетади. 1421 йилда дунёга келган Абдурахмон Мирзо Бухорода туғилиб, 1432 йилда Самарқандда оламдан ўтади. Абдуллатиф Мирзонинг туғилган йили маълум эмас. У 1437 йилда хатна қилдирилган. Шунга қараб тақриб этилганда унинг 1431–1432 йиллар оралиғида туғилиши аён бўлади.

Улуғбек Мирзо ўғилларидан Абдулазиз Мирзо Самарқандда, отаси ҳузурида ўсиб-ўлғаяди. Унинг ҳам туғилган санаси аниқ эмас, у Абдуллатифдан кичик деб кўрсатилади. Абдулазиз Мирзо мўғул хони Вайсхоннинг қизига унаштирилади. Улуғбек Мирзонинг набиралари бўлган. Набиралар Абдуллатиф Мирзонинг

болалари эди. Бу набираларнинг тақдири ҳам, бир оз олдинроққа кетиб айтсам, отаси ва бобоси тақдири каби фожеий якун топади.

Яна Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейинги воқеа-ҳодисалар ўзанига қайтайлик. Билдикки, Улуғбек Мирзо ўгли Абдуллатифнинг Алоуддавла томонидан ҳибсга олинганлигини эшитиб, Балхга қадар келади. Ўртада судх қарор топади ва Улуғбек Мирзо Самарқандга қайтиб кетади. Менда бир савол пайдо бўлди: наҳот тўнғич ўғил – Улуғбек Мирзо Ота дафнига иштирок этишни хоҳламаган бўлса, ёйинки, бунга тахт даҳлсизлигини таъминлаш тадорики йўл қўймаганми? Мен тушунишни истасам ҳам, мубҳамликка ундавчи ички бир туйғу, Улуғбек Мирзо отаси таъзиясига бориши, дафн маросими бошида туриши керак эди, деб сира ором бермайди. Лашкарни Самарқандга қайтариб, ўз яқинлари билан Ҳиротга кириш мумкин эди-ку?! Бундай ташрифга Ҳиротни тиш-тирноғи билан муҳофаза қилаётган Алоуддавла ҳам, унинг насихатчилари ҳам кўнган бўларди. Булар табиийки, менинг 565 йилдан кейинги хоҳиш ва мулоҳазаларим. Давлат қутқуси, тожу тахт илинжи ота-болаликни, қон-қардошликни чилпарчин қилиб ташлашини, хойнаҳой, мен тушунмаётган бўлсам керак. Йўқса, менинг назаримда, худди мен ўйлагандай бўлиши керак эди. Чинимни айтсам, бу воқеаларда кимни айблашни ҳам билмайман. Улуғбек Мирзода, бизлар – ҳозирги авлодлар наздида жаҳоншумул, буюкларнинг буюги бўлиб ҳисобланадиган шоҳ ва алломани Алоуддавлага ўхшаш танилган-танилмаган шаҳзодаларнинг кўзга илмаганлиги, ҳурматини жойига қўймаганлиги мени қаттиқ изтиробга солади. Начора, бу тарих. Тарихни орқага қайтариб ёки хоҳишлар асосида ёзиб бўлмайди. Борини кўрамиз, мушоҳада этамиз. Чиқарадиган хулосаларимиз, сабоқларимиз бундан бу ёғига ҳам жуда керак бўлади. Гарчи энди сулоалар бўлмаса ҳам, тожу тахтга қизиқадиган, уни эгаллашга интиладиган гуруҳ-

лар бор. Бу гуруҳлар ўз ичидан, уз одамларидан юксак лавозимга кишилар танлайди, уни қўйдириш учун сайловлар қилади ва ҳ.к., ва ҳ.к. Демак, давлат бор экан, тахт муаммоси кундаланг тураверади. Ўша замонларда ҳам бундай гуруҳлар бўлмаган, дейиш ҳақиқатдан кўз юмиш бўларди. Турли мулкларда ҳокимлик қилаётган шаҳзодалар атрофида «яқинлар» жамланар, мисоли Муҳаммад Султонга маслаҳат берганларидек, «Шоҳруҳ Мирзо қариб қолди, энди унинг ўрнига ҳаракат қилиш керак» тезловига учганларда тахт ҳавоси баланд бўлганидек, «яқинлар» кўнглида улар номзоди тахтга чиққудек бўлса, юксак амаллар, бойликларга эга бўлиш қасди ғимирлаб туради. Бу ўйинлар ҳадсиз-худудсиз, гирдоби теран ва бепоён эди. Улуғбек Мирзо ҳам ана шундай нодон, бурнидан нарини кўра олмайдиган, ҳо-ю ҳавасга муккадан кетган, амалпараст шаҳзодалар ва улар орқали манфаатларини юзага чиқаришга қасд қилган разил ва манфур гуруҳлар қурбонига айланди. Мангулик ва манфурлик хислати ва иллатининг намоён бўлиши Шоҳруҳ Мирзо ўлимидан кўп ўтмай юз берган воқеаларда аксини топди.

Улуғбек Мирзо билан Алоуддавла ўртасида кечган сулҳ шартларидан бири Абдуллатиф Мирзонинг бандда тутиб турилган навкарларини озод этиш ва унинг ҳузурига юбориш бўлган эди. Алоуддавла Мирзо бу шартни бажаришни пайсалга солади. Абдуллатиф Мирзо бир неча бор, одамларини талаб қилса-да, уларни жўнатмайди. Аксинча, Балхга Солиҳ Мирзони юбориб, Абдуллатиф томонидан бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлардан эҳтиёт бўлишини тайинлайди.

Абдуллатифнинг Солиҳга нисбатан Нишопур воқеаси туфайли ўчи бор бўлиб, унинг келиши билан ҳужум уюштиради ва Солиҳ Мирзо бир амаллаб Ҳиротга, Алоуддавла олдига қочиб келади. Бундан ғазабланган Алоуддавла Ҳиротда ҳибсда ушлаб турилган Абдуллатиф навкарларининг ҳаммасини ўлдириб, Балхга, Абдул-

латиф устига босқин ясайди. Абдуллатиф эса Балхни мустақкамлаб, дарҳол отасига, Самарқандга чопар жунатади. Улуғбек Мирзо воқеанинг бундай тус олганидан хавотирланиб, Алоуддавлага мактуб йўллайди. Номада, «орамизда сулҳ асоси қурилган бўлгач, энди уни янада мустақкамлаб боришга ҳаракат қилиш керак. Агар Абдуллатиф тезлик қилган экан, сенинг вазифанг, аввало, биз тарафга маълум қилиш эди. Энди, дуруст иш шуки, орқангга қайтгин, райиятга даҳл қилиш ва вилоятга харобалик етказишдан сипоҳни ман қилгин», деган сўзларни битади. Афсуски, Алоуддавла улуғ ёшли амакисининг бу гапларига эътибор қилмайди, атай Балх вилоятига харобаликлар етказди, талайди. Хуллас, бир ёнда Абдулқосим Бобур, иккинчи тарафда Алоуддавла, тахт димоғларини шишириб, бир-бирига баҳсда тўйлар, айшу ишратларга зўр беради. Абулқосим Бобур Мирзо ўғли Шоҳ Маҳмуд туғилгани шарафига тўй берган бўлса, Алоуддавла ўғли Иброҳим Султон хатна тўйини ниҳоятда катталаштириб, ким ўзарига тўй ташкил этади.

Муаррих, Улуғбек Мирзо Шоҳруҳ Мирзонинг қолган авлоди орасида ёши каттаси ва тирик бўлган ягона ўғли эканлигини, унинг отаси тахтини эгаллашга кучи ҳам, қурби ҳам етишини, фақат ўйловли бўлганлиги сабабли, бу ишни кечиктириб келар эди, дейди. Абдураззоқ Самарқандий яна, *«Мирзо Алоуддавла Мирзо Абдуллатиф навкарларини турли-туман тухфа ва қимматбаҳо нарсалар билан Мирзо Улуғбекнинг ҳузурига юбориши ҳамда Мирзо Улуғбекни улуғлаш шартларини бажо келтириш лозим эди. Алоуддавла гарчи Мирзо Абдуллатифни юборган бўлса ҳам, бошқа шартларга риоя қилмади, Мирзо Абдуллатифнинг навкарларини қатл қилди, хазинадан ваъда қилинган нарсалар юборилмади. Мирзо Алоуддавла Балх томонга юриш қилган вақтида эса унинг лашкарлари томонидан у вилоятда турли харобалик ва горатчиликлар содир бўлди»*, дейди ачиниш билан.

Ниҳоят, иш чидаш буржидан чиққан, Улуғбек Мирзо Хуросонга қўшин тортади. Абдуллатиф Мирзо ҳам ашкар жам қилиб, отасига келиб қўшилади.

Алоуддавла Мирзо қўшинларини тайёр ҳолга келтириб, Ҳиротдан 14 фарсах масофадаги Тарноб деган манзилда Мовароуннаҳр кучларига рўпара бўлади. Мухорабада Улуғбек Мирзонинг қўли билан баланд келади. Алоуддавла қочиб, шу кетганича Машҳадга тўхтовсиз етиб боради. Имод деган қалъада укаси Абулқосим Мирзо билан учрашиб, унинг мададига умид боғлайди. Алоуддавла мағлубиятини эшитган Гавҳаршод Оғо, унинг укаси амир Сўфи Тархон, Ҳожа Фиёсиддин Пир Аҳмад ва амир Султон Абу Саъид доруғалар тезлик билан Ҳиротдан чекиниш, Ироққа қараб йўл тутиш пайида бўладилар. Улардан амир Султон Абу Саъид Улуғбек Мирзо чериги қўлига тушиб қолади. Гавҳаршод Оғо бошлиқ қочқинлар қутулиб кетадилар. Шу ерда яна ўйланишга, фикр юритишга тўғри келади-да. Гавҳаршод Оғо, охир у Улуғбек Мирзонинг тукқан онаси, волидаси эди-ку? Алоуддавла унга набира эди. Демак, Ҳиротда қилғиликни қилаётган, Алоуддавлани бошқараётган у экан-да?! Нега бўлмаса, она ўз ўғлидан, худди ёвдан қочгандек қочиб қолади?

Самарқанд сипоҳи Ҳиротга яқинлашиб, Чихил духтарон (Қирқ қиз) манзилига етганда, улуғ руҳонийлардан бўлган Баҳоуддин Умар сулҳ ҳаракатида бу ерга келган эди. У, ҳар ҳолда, Алоуддавла тарафидан совға-салом билан юборилган бўлган, лекин уни навкарлар бутунлай талаб олишади. Улуғбек Мирзо гарчи шайхга иззат-икром кўрсатган, мол-ҳоли ва тахтиравонини қайтариб беришга амр қилган бўлса-да, муаррих айтганидек, «у зотни улуғлашда қандайдир ҳурматсизликка йўл қўйди ва бу маъни кейинчалик Мирзо Улуғбек ва унинг аркони давлати учун муборак бўлиб чиқмади». «Матла»да бунинг шарҳи кейинроқ келиши шаъма қилинган. Гап шундаки, Шайх Баҳоуддин Умар Улуғбек Мирзо ўрдусида талон-торожга, ҳақоратга

учраганида, Улуғбек Мирзонинг табиби мавлоно Ҳасан ибн Абдулқодир ва мавлоно Юсуф Атторга, «яқин орада шундай бўладики, Мирзо Абдуллатиф қози ҳукмига ва муқаддас шариат талабига биноан Мирзо Улуғбекни қатлга етказади», деб айтган экан. Таассуфки, Шайхнинг айтгани келади. Лекин бунгача вақт бор, Улуғбек Мирзо Ҳирот шаҳрига яқинлашиб келмоқда эди.

Ҳирот акобирлари, саййидлар ва шаҳар аҳолиси Улуғбек Мирзони илиқ қарши олади. Улуғбек Мирзо ҳам уларга меҳрибонлик кўрсатади, ҳол-аҳвол сўрайди. Алоуддавла Шоҳруҳ Мирзодан қолган хазина ва ҳисобсиз нақд пулларни Ҳиротдан ўн фарсах шимол – шарқ томондаги, ичида бир неча чашмалари бўлган Нирату қалъасига яширинган эди. Улуғбек Мирзо Ҳисорни фатҳ этиб, навбатдаги юришни Ихтиёриддин қалъасига қаратади. Бу Ҳисорда ҳам «жаҳон ганжлари» жам қилинган бўлиб, уни Оқо Ҳожибек назоратда сақларди. Вақтида шу қалъада бандда сақланган Абдуллатиф Мирзо саъй-ҳаракати билан қалъа забт этилади. Улуғбек Мирзо Ихтиёриддин қалъасига бориб, отасидан қолган хазиналарга эгаллик қилади. Шоҳруҳ Мирзо Ироққа юриш қилган пайтида Абдуллатиф томонидан қалъага беркитиб қўйган бир неча минг мис-қол тилла ҳамда бошқа зар ва кумуш идишлар ва икки юз туман нақд пулни Улуғбек Мирзо Абдуллатиф Мирзодан олиб қўяди. Муаррих бу ҳақда, *«Мирзо Улуғбек Хуросон фатҳидан қўлга кирган бойликларидан ўзига бирор нарса иноят қилмаганлиги устига, унинг шахсан ўзига тегишли нарсалардан ҳам қисиб қўйди. Ана шу жиҳатдан ўшл отадан хафа бўлиб қолди»*, деб ёзади.

Бойсунғур Мирзодан уч ўғил қолган эди, улар Алоуддавла, Султон Муҳаммад ва Абулқосим Бобур мирзолар эди. Бойсунғур Мирзо фарзандларининг Соҳибқирон асос солган, боболари Шоҳруҳ Мирзо қийинчиликлар билан уддалаб келган салтанатнинг заволи топишига салбий маънода, улкан «ҳисса» қўшган эди.

лар. Аввало, Шоҳруҳ Мирзонинг ажалидан беш кун олдин ўлишига Султон Муҳаммаднинг бўйсунмаслиги, Шоҳруҳ тахтига даъвогар бўлиши сабаб бўлганди. Алоуддавланнинг Балхда эришилган сулҳ шартларини бузиши эса тамомила қуюшқондан чиқиш эди. Сулҳ шартлари бажарилганда эди, Мирзо Улуғбек Хуросонга юриш қилмаган бўлармиди? Бойсунғур Мирзо фарзандларининг саркашлиги ёхуд тахтга интилиши сабаблари мени ўйлантириб қўяди. 1427 йилни эслайман. Шоҳруҳ Мирзо шу йили Самарқандга, Буроқ ўғлондан енгилган Улуғбек Мирзонинг ўрнига қўйиш учун Бойсунғур Мирзони ўзи билан олиб бораётганида, Улуғбек Мирзонинг қатъий қаршилиги сабабли у умидвор бўлгани амалга – Мовароуннаҳр тахтига эриша олмай қолади. Ичкиликка берилади ва беш йил ўтар-ўтмас, шаробхўрликдан ўлиб кетади. Унинг аҳволини, бу қўйга тушиши сабабларини ўғиллари яхши билган, деб ўйлайман. Улар шу – Улуғбек Мирзодан ранжиш руҳида улғайганлар, тожу тахт, албатта, бизники бўлиши керак, деган тушунча болаликдан улар онгига сингиган. Шу боис, уларнинг Улуғбек Мирзода ўзига хос бир ўчи, кеки бўлган, дейишга мойиллигим бор. Майли, сиз ҳам буни мушоҳада қилиб кўринг. Йўқса, Балх сулҳи шартлари ҳеч бир оғир эмас, Абдуллатифни ва навкарларини озод қилиш, хазинадан шаҳзодага тегишли бўлган (бу Ихтиёрiddин қалъасида, Абдуллатиф томонидан сақлаб қўйилган ва юқорида Улуғбек Мирзо эгалик қилгани хазина эди) бойликларни қайтаришдан иборат эди, холос. Кейинги икки шарт бажарилмаганлиги оқибатида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган фожиялар содир бўлади. Воқеалар тадрижи йўлидан борайлик.

Алоуддавла марғуб бўлиб қочганидан кейин укаси Абулқосим Бобур Мирзо билан аҳдга эришганлиги ҳақида сўзладим. Улуғбек Мирзонинг кўп минг кишилик суворийлари қочқинларини таъқиб қилиб боришган, пировардида, улар икки ака-уканинг бирлашиб,

хужумга тайёргарлик кўраётгани хабарини Улуғбек Мирзога етказадилар. Улуғбек Мирзо Алоуддавла изидан дарҳол Машҳадга отланади. Алоуддавла эгаллаган Имод қалъасини забт этиш имкондан бўлмайди. Улуғбек Мирзо қалъани олишдан воз кечиб, Родиконга келиб тушади. Шу ерда турганларида Абулқосим Бобур Мирзо элчиси келиб, туҳфалар тортиқ этади. Мирзо Улуғбек, нима сабабдандир, ака-укалар таъқибини сусти олиб боради. Абдуллатиф, Абдуллоҳ мирзолар қадамни унга қараб ташлайдилар. Улуғбек Мирзонинг Бистом йўлидан орқага қайтиши руҳни тушуриб юборади. Муаррих қайд этадики, агар Улуғбек Мирзо Бистомга борганида эди, бу жойга яқин турган Абдуллатиф қўшинлари билан бирлашиб, Абулқосим Бобурни бутунлай мағлубиятга учратган бўларди. Отаси ортга қайтгач, Абдуллатиф ҳам шошининч равишда унинг йўлини туттади. Унинг юрагига қўрқувми, гулуми кириб, қаттиқ касалга чалинади.

Шаҳзода, чиндан ҳам, беморлик азобини тортаётган, алаҳсираш даражасига бориб қолган эди. Хозиқлар унинг дардини диқ (сил) хасталиги деб ташхислаганлар. Шаҳзода Нишопурга яқин Бор деган мавзеда ўзини билиб-билмай ётганида, муаррих шаҳодат этадики, «*Бир гуруҳ муфсидлар Мирзо Улуғбек ҳузурда: «Шаҳзоданинг ҳеч касали йўқ, ўзини касалга соляпти, мустақиллик хаёли бор», деб айтадилар*». Бу бўҳтонни тасодифий деб бўлмайди. Улуғбек Мирзо ўрдусида Алоуддавланинг одамлари бўлмаган, улар Улуғбек ва Абдуллатиф мирзолар орасига раҳна солишга интилмаган, деб ким кафолат беради?

Улуғбек Мирзо Нишопур вилоятига, ўғли оғир ётган ерга амирларини юборади. Улар Абдуллатифни тахтиравонга солиб Машҳадга, отаси олдига келтирадилар. Улуғбек ўғлини кўриб, «*ғаразғўйлар тўғри йўлдан четлашиб*» иш тутганларини англайди. Улуғбек Мирзо ўғлига мурувватлар кўрсатади, унинг соғайиши учун саъй-ҳаракатлар қилади. Шу орада, 1448 йилнинг 12

ноябрида Ёр Али туркман фитнаси қўзғалади ва Улуғбек Мирзо Машҳаднинг ўзи қўналға қилиб турган Чаҳорбоғидан Ҳиротга қараб жўнайди. Биламизки, Улуғбек Мирзо Алоуддавла одамларидан амир Ёр Али Султон ва Абу Саъид доруғани банди қилиб Нирату Ҳисорига қамаб қўйган эди. Қалъада доруғанинг мулозимларидан бири қўмач қилиб пиширилган нон ичига ўткир эгов жойлаб, унга киритган. Ёр Али ва Султон Абу Саъид доруға кишанларини эговлаб, узиб банддан холис бўладилар ва қўриқчиларни ўлдириб, қалъани эгаллаб оладилар. Амирзода Ёр Али Султон Абу Саъид доруғани қалъадан ташқари чиқазиб юборади. Қалъада катта хазина бор эди, Ёр Али уни сарфлаб, одамлар ёлмайди ва қалъа атрофидаги мавзеларни ўзига бўйсундиради. Бир қадар кучайиб, Ҳиротни босиб олиш мақсадида Карух вилоятига боради. Унга йўл-йўлакай амирларнинг эгасиз бўлиб қолган навкарлари ҳам қўшила боради. Ёр Али Ҳиротни муҳосара қилишни бошлаб юборади. Ҳирот шаҳри аҳолиси унинг қамални кучайтиришига, ўраб олишига имкон бермайди, усталар, ҳунармандлар, турли касб эгалари тўда-тўда бўлиб, навбат билан жанг қиладилар. Шаҳарнинг улуғларидан бири, «Бақийят ал аъён» асарининг муаллифи, аллома Имомуддин Мутаҳҳир Коризий ўз яқинлари билан шаҳарга ёриб киришга уринаётган Ёр Али қўшинига қарши бемисл мардлик билан зарба берадилар. Алломанинг ўзи майдонда жавлон ураётган Ёр Алини ҳам ортга қайтаришга муваффақ бўлади. Шу шижоат туфайли Ҳирот сақлаб қолинади ва Коризий Улуғбек Мирзо томонидан катта ҳурматга ноил этилади, инъом-эҳсонлар билан тақдирланади. Ҳирот 17 кун қамадда қолиб, душман бир иш чиқара олмайди. Улуғбек Мирзо Машҳаддан етиб келгач, Ёр Али ожиз қолиб, Нирату қалъасига бекинади. Улуғбек Мирзо, табиийки, Ёр Али фитнаси сабабларини тафтиш қилади. Доруға амир Боязид сўроқда, «шаҳар ташқарисидагилар Ёр Алига қўшилиб, ишни каттартир-

дилар», деб арз қилади. Улуғбек Ёр Алига ёрдам берган Ҳирот теграсини ғорат қилишга амр қилади. Бегуноҳлар қонини тўккан катта бир гуруҳ қатлга етказилади, уларнинг молу мулки уч кеча-кундуз талон-торож этилади. Бу иш шу қадар жазави билан олиб бориладики, муаррих шаҳодатига кўра, *«Навкарлар масжидлардаги қандилларни синдиради, имомларни осар ва азиз кишилар обрўсини хўрлик тупроғига қориштиради эдилар, мадрасалар лашкар тўпланадиган рабобларга айланиб, дарс ва тиловат ўрнини кеча суҳбатлари олди, дуо-ю сано ўрнига куйлар айтдилар. Илму ҳикмат мақомларида чолгулар чалдилар, барча кишиларни худди саримсоқ пўстини шилгандек шилиб олдилар, қат-қат кийимлардан худди пиёздек бениёз қилдилар»*.

Қизиғи шундаки, Улуғбек Мирзо ҳукми билан ёвга ёрдам берган Ҳирот ташқариси шундай хонавайрон этилган кунларда Самарқандга ҳам Даштдан, ўзбеклар лашкари босқин ясаб, шаҳар дарвозасига қадар ғорат қиладилар, Улуғбек Мирзонинг хос боғларини пайхон қиладилар, чинилари бир неча йил давомида Хитойдан келтирилган Чиннихонани босқинчилар гурзи ва чўқморлар билан уриб синдирадилар, девонлардаги нақшлар, тиллакорий безаклар тамом вайрона ҳолига келтирилади.

Абдураззоқ Самарқандий, хуллас, Ҳирот ташқарисида нима содир бўлган бўлса, Самарқандда ҳам айнан шу такрорланди, дейди. Муаррих шу муносабат билан, Қуръони Каримнинг Шўро сураси 40-оятидан иқтибос келтириб, «ёмонликнинг жазоси шу қабилдаги ёмонликдир», деган мазмунни эсга олади. Ҳирот шаҳрининг атроф қишлоқлари талон-торожи 1448 йилнинг 7 ноябрида воқе бўлади. Уч кундан кейин ғорат тўхтатилади. Муаррих ўша кунлар манзарасини шундай чизади: *«Ўша кунларда қаттиқ совуқ бўлиб, рамазон ҳайити яқин эди. Кишилар ҳайит кунни маҳшар кунни гуноҳкорларидек яланғоч эдилар*

(навкарлар тортиб олган эди – П.Р.), шаҳар ташқарисидагилар ихлос тили билан Мирзо Улуғбек номига дуо-ю сано ўқишар эди. Бутун кийимларини талон-торож қилиб олиб, бир бурда нонга муҳтож ҳолга келтирганлари бир киши ҳайит куни яланғоч, тол баргидек титраб Мирзо Улуғбекнинг оти олди-га чопиб борар ва зорланиш тили билан нола қилиб айтар эди: «Эй одил подшоҳ, дарвешлар учун ажаб бир ҳайит ато қилдинг, умр ва давлатинг афзун бўлсин!» Муаррихни тушуниш мумкин. Гуноҳқору гуноҳсиз бирдек жазога тортилган пайтда, жабрдийдалар ҳеч қачон «ихлос тили билан дуо-ю сано» айтмайдилар. Хулоса ҳақлигини Улуғбек Мирзо олди-га чопиб борган яланғоч кимсанинг кинояли сўзлари ҳам далолат этади. Бундай қаттиққўллик керак эдимиз? Ёр Алини аҳолининг ҳамма тоифаси қўлламагандир? Тафтиш орқали унга ёрдам берган «катта гуруҳ» қатл этилган, шунинг ўзи етарли эмасмиди? Бундай қаҳрни жисмига жо қилган подшоҳ Улуғбекни шу воқеалар рўй берган пайтда таниб олиш қийин эди.

Шу воқеадан кейин, Самарқандда бўлиб ўтган талотўп Улуғбек Мирзонинг Самарқандга қайтишини тақозо этади. Хуросон тахтини ўғли Абдуллатифга иноят қилиб, тез суръат билан Мовароуннаҳрга қайтади. Шу жўнашидан олдин отаси Шоҳруҳ Мирзонинг жасадини тахтиравонга солиб, эҳтиром билан Самарқандга юбортиради. Шоҳруҳ Мирзо табриздан олиб келган, онаси Гавҳаршод Оғо мадрасасини безаб турган бир нечта пўлат эшикларни ҳам, «жаҳон-жаҳон моллару мўл-кўл хазиналарни» ҳам Самарқандга кўчиртиради.

Улуғбек Мирзонинг Самарқандга жўнаш хабари Абулқосим Бобурни тезликда ҳаракат қилишга ундайди. У бир қисм одамларини Улуғбек Мирзо ўрдусига босқин учун юборади. Тўсатдан бўлган ҳужум Мовароуннаҳр лашкарини эсанкиратиб қўяди, улар қочишга тушади. Амир Ҳиндука кўпларни асир қилади,

кўплаб қииматбаҳо нарсаларни, нақд пулларни ўлжа қилиб олади.

Мирзо Улуғбек Омуя сувидан кўприк боғлаб ўтган пайтда, лашкарнинг бир қисми дарёнинг нариги қирғоғида эди. Кутилмаганда, ўзбеклар лашкари ҳужум қилиб, яна қанча асирлар ва молларни олиб кетадилар. Қолганлар қаттиқ заҳмат тортиб Бухорога етиб келадилар. Улуғбек Мирзо шу ерда қишлаб қолади ва отаси хокини Самарқандга юборади. Самарқандда Шоҳруҳ Мирзо жасадини эъзоз-икром, ҳурмат-эҳтиромлар билан ҳазрат Соҳибқирон гумбази остига (Гўри Амир – П.Р.) дафн этадилар.

Абдуллатиф Мирзо Хуросонда ўн беш кун подшоҳлик қилади. Улуғбек Мирзо Самарқандга қайтиб кетганидан кейин Абулқосим Бобур Мирзо ва амирзода Ёр Али Ҳиротга тажовуз бошлайдилар. Уларга бас келолмаслигини билган Абдуллатиф Мирзо Ҳиротдан чиқиб, жуфтакни ростлаб қолади. Абулқосим Бобур Мирзонинг амир Халил ва амир Бойқожа деган сардорлари Ҳиротни эгаллаб оладилар ва «зулму бедодлик асосини бунёд қиладилар». Уч кундан кейин амирзода Ёр Али ўз гуруҳи билан Ҳирот дарвозасига келиб тушади. Уч кеча-кундуз қамалда қолган шаҳар унга тобе бўлади. Абулқосим Бобур Мирзо одамлари Ихтиёриддин қалъасига беркиниб оладилар. Ёр Али ва Абулқосим ўртасида келишув бўлади, кейингилари шаҳар аҳолисидан йиққан катта маблағни олиб қалъадан чиқиб кетадилар. Абулқосим Бобурнинг ичкиларидан Абдулали рикобдор Ёр Али хизматида эди. У бир куни унинг шаробига ухлатувчи дори солиб бериб, беҳуш қилиб қўяди. Келишилганидек, Абулқосим Бобур Мирзо навкарлари уни шу ҳолда топиб, қатлга етказадилар. Ёр Али туркманнинг ўлдирилиши Абулқосим Бобурнинг Ҳирот тахтига ўтиришига йўл очади. Шундай, тахтга кўпинча ўзгалар жасадлари устидан ҳатлаб ўтилади. Бу сафар ҳам шу анъана такрор топади.

Тожу тахтга ноил бўлган Абулқосим Бобур Мирзо отаси сингари ичкиликка ружу қилади, «Эрта-ю кеч тинимсиз ичкилик ичиш билан машғул бўлиб, уд садоси-ю най навосидан ташқари дунё ишларини шамолдек ҳисоблаганлиги туфайли, қадим вақтлардан бери унинг хос кишилари бўлган бир гуруҳ амирлар фитна ва фасод бошлашиб, зулму бедодлик бунёд қилдилар».

«Матла»нинг шу сўзлар битилган саҳифаларига қадар, бошқа барча тарихларда мен Амир Темур ҳазратлари ва Темурийзодаларнинг зулм ва бедодлик қилганликлари тўғрисида бирор жумлага дуч келмаган эдим. Энди, бундан-да ўтадиган разиллик ва мунофиқлик, сотқинлик ва хиёнатнинг мислсиз намунасини кўринг. Абулқосим Бобур Мирзо ва унинг амирлари, саркардалари Ҳиротда зулм ва бедодлик қилиб турган бир пайтда, Улуғбек Мирзонинг ўғли кечагина Хуросонга отаси томонидан ҳукмдор қилиб қўйиб кетилган, тахтни бори-йўғи ўн беш кун идора қилган, уни сақлаб қолиш эпидан чиқолмаган Абдуллатиф Мирзо Балхдан Ҳиротга, Абулқосим Бобур Мирзога шундай хабар йўллайди: «Мирзо Улуғбек катта лашкар тўплаб, Хуросонни босиб олишга қасд қилган, биз унинг йўлини тўсиб турибмиз, илоҳий иноят кўмаги билан унинг Жайхундан утишига йўл қўймаймиз, сизга нисбатан эса муҳаббат ва дўстлик, бирлик ва эътиқод мақомидамиз». Абулқосим Бобур бу номани олиб келган элчига риоят кўрсатиб, жавоб номаси билан жўнатиб юборади. Бу даҳшат, буни ҳатто, қандай изоҳлашдан ҳам ожизман. Лекин бу воқеа тарихнинг муайян нуқтасида содир бўлган, ундан кўз юмиб бўлмайди. Ўн беш – йигирма кун бурун Улуғбек Мирзо Абдуллатифни Ҳирот тахтига ўтказганида, отага миннатдорчилик билдирган, садоқат изҳор қилган, пушти камардан бўлган фарзанд нечук манфурлик йўлига кирди, нега подшоҳ ва буюк аллома отасига хиёнат қилди? Менда, Абдуллатиф Мирзонинг хаёли жойида бўлган-

ми, юз берган касалликдан кейин, ақли ноқис бўлиб қолганми, деган бир фикр ҳам пайдо бўлди. Ақлу хуши жойида, озгина эси бор фарзанд ҳеч қачон бундай мудҳиш сотқинликни касб қилиб олмайди. Уни худбинлик, манфаат, ўзимбўлайчилик ва тубан феъл-атвор шу куйга солганмиди? Яхшиси, каромат қилмайинда, «Матла»да келтирилган сабабларга диққат билан разм солай. Менинг ҳиссиётга берилишим бундан қанча асрлар аввал, 1448 – 1449 йилларда содир бўлган фожиаларнинг асл моҳиятини англашда, ўша даврларда ёзилган тарихларда кўрсатилган важҳлар олдида ҳеч нарса эмас. Буни яхши биламан. Абдураззоқ Самарқандий «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида «Мирзо Абдуллатифнинг Мирзо Улуғбек кўрагонга қарши исёни ва бунинг сабаблари»ни батафсил кўрсатиб ўтади.

«Матла»даги шу қисмни мушоҳада этайлик. Абдуллатиф Хиротдан юқорида айтилган сабабларга кўра қочиб, Андхуд кечигидан ўтиб, Мовароуннаҳр тупроғига етиб, Самарқандга, отасига чопар юборади. Мирзо Улуғбек, Хиротни қўлда сақлай олмаган ўғлига, Балх вилоятини бериб, шу жойни бошқарсин, деган ёрлиқ юборади. Бу Абдуллатифга жуда маъқул келади, унинг кўнглида отасига нисбатан қўрқинч ва ваҳима бор эди, дейди муаррих. Балхда ўрнашгач, отасига нисбатан мухолифатчилик байроғини кўтаради ва Абулқосим Бобурга айтилган мактубни юборади. Унинг Балхда қилган биринчи иши, отаси раъйига қарама-қарши ўлароқ, тамға солиғини бекор қилади. Тамға солиғи тўғрисида аввалроқ гапириб ўтгандим. Улуғбек Мирзога тобе барча вилоятларда, шу жумладан, Балхда ҳам асилзодалардан, руҳонийлар, савдогарлар ва ҳунармандлардан олинадиган тамғо солиғи амал қиларди. Бу солиқ, асосан, шаҳар аҳолиси гарданига тушарди. Тамғанинг бекор қилиниш, «Мирзо Улуғбекдан бутунлай норози бўлиб юрган элу улус бирданига Мирзо Абдуллатиф даргоҳига отландилар, ваҳшат ва қуду-

рат сабаблари кундан-кунга бир-бирига қўл беришиб, иш шу даражага етдики, Мирзо Улуғбек лашкар тортиб, ўз ўгли жонига қасд қилувчига айланди».

Абдураззоқ Самарқандий бу мухолифатчилик манбаини қуйидагича талқин этади: «Юлдузлар ҳукми бўйича ота билан ўғил толеи бир-бирига нисбатан гоятда адоватли бўлиб кўринади. Наҳс тугуни бўлган *з а н а б* отанинг думи қайрилган, бахт тугуни бўлмиш *р а қ с* эса ўғил толедан бош чиқарган ҳолда эди. Ҳар икки подшоҳ ҳам илми нўжумни яхши билар эдилар. Мирзо Улуғбек гумон бўйича ўз мулки заволини ўғлидан кўриб, ўғлига насбатан фикри ўзгарган, Мирзо Абдуллатиф ҳам буни яхши тушунганлиги учун, у давлатни эгаллаш ишида тўла саъй-ҳаракат кўрсатарди. Бундан ташқари, Хуросон фатҳи вақтида бошқа бир неча жиҳатдан ўғилнинг кўнгли отадан қолган эди. Биринчиси: Мирзо Улуғбек Ихтиёридин қалъасида сақланган, ўғлига тегишли хазинани унга бермади, иккинчиси: бир неча йиллар улугворлик билан ўтказгани Ҳирот шаҳрида уни гоятда фалокатли вақтда қолдириб кетди, яна учинчиси: Бистом, Маишҳад ва Ҳирот чегараларида уни душман оғзига ташлаб қўйиб, унинг вужудини йўқдек ҳисоблади ва, тўртинчи, ҳаммадан ёмонроғи шуки, унинг укаси мирзо Абдуллазизни ҳамма жиҳатдан мирзо Абдуллатифдан юқори қўйди. Ана шу сабабларга биноан ота билан ўғил орасида келишмовчилик маддаси қуюқлашиб бориб, фасод асоси мустаҳкамлик касб этди ва шу даражага бориб етдики, ўғил отага қарши адоват камарини жон белига боғлади, ота эса ўғилни қатлга етказиш мақсадидда бетоқатликка учради, душманлик тигига бемехрлик заҳридан сув югуртирди, жафо ўқини бало камонидан бўшатди ҳамда гардун ҳадисалари-ю ҳомун (дашт) қулидек беҳисоб лашкар билан Жайхун соҳилига келди».

Бу жумлаларни титроқсиз ўқиб бўлмайди. Бу сабабларни рад қилишга ўзимда куч ва асос топа олма-

дим. Фақат, биргина Абдулазизни устун қўйишнинг ҳамма важлардан ёмони эканлигига шубҳа қилдим. Бу ҳар қандай оилада кузатилиши мумкин. Бир фарзандни иккинчисидан яхши кўриш, ўйлайманки, фожиага омил бўла олмайди. Олдинги уч сабаб, барибир, икки томоннинг ёвузлашувига олиб бормаслиги керак эди. Мен, балки, ўша давр руҳини унутаётиргандирман, ёйинки, яна ҳиссиётга берилаётиргандирман. Ҳазина, молу мулк ота-болаликдан, эҳтимол, устундир. Ҳозирда ҳам манфаат, молу дунё учун ота-болалар, ака-укалар қирпичоққа борадиларку, Улуғбек Мирзо ва Абдуллатиф ҳам, олдий одамларга хос заифликлардан холи бўлмагандир, қайдам? Менга, ҳаммасидан ҳам, иккинчи важҳ жуда таъсирли бўлди. Ҳақиқатда, Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин тожу тахт талаши ниҳоятда қизиган, жуда қалтис сиёсий вазият вужудга келган, ҳаёт билан мамот ораси бир қадам бўлиб қолган эди. Ота ўғилни шундай таранг муҳитда, тақдирга ҳавола этиб, кўмаксиз қолдириб кетганлиги жуда аламли эди. Бу сирасини айтганда, ундан воз кечишдай бир гап эди. Дашти Қипчоқдан ўзбек лашкари келиб, Самарқандни талаб кетган экан, шу баҳонада Ҳиротда зарур қўшинлар қолдирмай, бутунлай Мовароуннаҳрга кетиш моҳияти нима эканлигини Абдуллатиф тушунмаслиги мумкин эмасди. Шу боисдан ҳам, Абулқосим хуружи бошланар-бошланмас, жонини қутқаришга тушади. Жайҳундан ўтади, бироқ Самарқандга бормади, отасига учрамайди. Чопар юборади ва натижани кутади. Натижа қандай бўлишидан қатъи назар, Абдуллатиф бир қарорга келиб қўйган эди, деган фикр хаёлимга бот-бот келади. Ва, шундай ҳам бўлади. Улуғбек Мирзо Балхни бағишлаётган экан, шукронасига бу мулкни тинчгина идора қилаверса бўларди. Йўқ, у юрғида аланга олиб ётган зиддиятли, қарама-қарши фикрлардан энг ёмонини танлайди, отадан кўра, Абулқосимга байъат қилишни, шу билан отасидан ўчини олишни жуда-жуда истайди.

Воқеаларнинг тадрижи кўрсатадики, ишлар Абдуллатиф ўйлаганидай бўлиб чиқмайди. Абулқосим ва Алоуддавла ҳар қанча ҳаракат қилмасин, Хуросон тахти, барибир, Бойсунғур Мирзонинг биз яхши билганимиз, Шоҳруҳ Мирзо ўлимига сабабчи бўлган яна бир ўғли Султон Муҳаммад Мирзо қўлига ўтади.

Жарга юмалаётган одамни ҳеч нарса ушлаб қолишга қодир бўлмайди. Султон Муҳаммад Мирзо Ҳирот тахтини эгаллагандан кейин, Балхда турган Абдуллатиф Мирзо унга нома юбориб, шундай дейди:

«Сизга Хуросонни фатҳ қилиш, бизга эса Моваруннаҳрни фатҳ қилиш муборак бўлсин! Биз мирзо Абулқосим Бобур билан, у сизнинг биродарларингиз бўлганлиги жиҳатидан дўстона муносабатда бўлган эдик, бўлмаса, ҳазрат хоқони саъид (Шоҳруҳ Мирзо – П.Р.) замонида у ким эди-ю, биз ким эдик – ҳаммаси маълум». Хиёнатдан хиёнат, сотқинликдан сотқинлик, тубанликдан тубанлик туғилишини кузатинг. Куни кеча, Абулқосим Бобур тахтда турганида унга ўз отасидан юз ўтирганлигини, бирлашиб уни даф этишга, курашга тайёр эканлигини билдирган малъун, энди тожни бошга қўндиргин Султон Муҳаммад Мирзога ялтоқлик қилишни бошлайди. Бу номада айтилганлардан яна шу нарса маълум бўладики, Абдуллатиф Улуғбек Мирзони ота деб эмас, душман деб билган ва унинг улусини босиб олиш ниятида бўлган.

Абдураззоқ Самарқандий муболаға қилиб, айрим ўринларда сўз оҳангига ортиқча маҳзунлик сингдиргандир, деган хаёлга борманг. Муаррих, ота-ўғил ўртасида ғазаклаб бораётган ихтилофни жуда эҳтиёткорлик билан, аслига тўғри талқин қилишга ўзида улкан мажбурият сезиб, иш кўрган. Буни унинг мазкур эпитрофидан ҳам англаш қийин бўлмайди: *«Мирзо Абдуллатифнинг Балхда отасига қарши исён кўтарганлиги ва буни ошкора қилиб, душманлик тигини яланғочлаб, отасини Жайхундан ўтишга қўймаганлиги воқеаси сўз тузувчи қалам ҳаракатидан тушган қат-*

ралардан ва ҳикоялардан сўзловчи номанинг ёрқин калималаридан эшитувчилар ва қулоғига чалинган ва билимдонлар кўзидан ўтган эди». «Матла»даги шу воқеалар уни эшитганлардан ёзиб олинган ва биладиганлар назаридан ўтказилган экан. Икки қарра ишонч асосига қурилган воқеалар кейинчалик шубҳа уйғотмаслиги учун шу эътироф атайин битилган.

Жайхун бўйида булган жангларда Улуғбек лашкари мағлубият аламини чекади. Улуғбек Мирзо укаси, марҳум Иброҳим Султоннинг ўғли мирзо Абдуллоҳ Султон бошчилигида Абдуллатифга қарши бир гуруҳни дарёдан ўтказди. Султон Абдуллоҳ асирга олинади, Абдуллатиф уни ўлдирмайди. Шундай бир воқеа юз бериб, Самарқанддан нохуш хабар олинадики, энди Улуғбек Мирзонинг Абдуллатифга қарши туришга мажоли ҳам тоқати ҳам, кучи ҳам қолмайди. Бунинг сабаби, ўғли Абдулазиз фаҳши билан боғлиқ эди. Самарқандда отаси ўрнига қолган Абдулазиз Жайхун бўйидаги сафар узайиб кетганидан фойдаланиб, айшу ишратга берилиб кетади. Муаррих: «Бир фарзанд Балхда жанг навоси-ю муҳолифат оҳангини таранг қилиб созлаган пайтда, иккинчи фарзанд Самарқандда амирлар ва раийятларнинг аҳлу аёлига зўравонлик қўлини чўзди. Амирлар бетоқат бўлишиб, бу ҳолни Улуғбекка арзга етказишга жазм қилдилар, улар отани тутиб олиб, Балхда ўгилга топширишларидан хавф бор эди. Мирзо Улуғбек амирлар ва арқони давлатни турли-туман юпанчлар билан ушлаб турди. Мирзо Улуғбекнинг Самарқандга юборган пўписа ва ваъда-ваъизалардан иборат ҳукмларини саодатманд фарзанд йўқдек ҳисобларди», дейди.

Аён бўладики, Абдулазиз Мирзо ҳам ҳокимиятга чанқоқ бўлган. Жайхун бўйида отасининг омади чопмаётган пайтда, бир тадбир кўриш, ёрдам қўлини чўзиш ўрнига, зулмга, фаҳшга зўр беради, кўнгилсизлик устига кўнгилсизлик қўшади. Фазабланган амирлар, аҳоли шаҳзоданинг ўчи деб, Улуғбек Мирзони

Абдуллатифга тутиб бериш фикрига ҳам борганлар. Бу жуда мудҳиш ҳолат эди. Хаёлга толаман, Улуғбек Мирзо фожиасининг, умуман, Амир Темур ҳазратлари салтанатининг Шоҳруҳ Мирзодан кейинги заволида бош сабаб нима бўлган? Бойсунғур Мирзонинг ўғли Султон Муҳаммадми? Тўғри, у бобоси Шоҳруҳдан ҳокимиятни тортиб олишга ошкора от қўйди, унинг ўлимини тезлаштирди. Гавҳаршод Оғоми? Тўғри, у Абдуллатиф ва Алоуддавлани тахт учун ёвлаштириб қўйди, унисига ён босса ҳам, бунисини қўллаб-қувватласа ҳам, айтгани бўлмади. Алоуддавлани? Тўғри, у Улуғбек Мирзо билан тузилган сулҳ шартномаларини бажаришга ўта номардлик, нокаслик қилди. Унинг зиммасига муқаррар заволининг камида қирқ фоизи тўғри келади, деб биламан. Абдуллатиф-чи? Унинг отасига нисбатан хазинасидан айрилганидан сўнг, кўзи тўғри бўлмаганича ишона бошладим. Буни Алоуддавла Абулқосимдан енгилгач, қилинган сотқинлик мисолида англадим. Султон Муҳаммад, Алоуддавла, Абулқосим бу дунёда умуман бўлмаганларида ҳам, Абдуллатиф отаси Улуғбек Мирзога қарши борган бўларди. Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳокимияти унинг худбинлигидан, кўрнамаклигидан, туғма манфурлигидан кураш оловига чўлғанарди. Бундан бошқача бўлмасди. Абдулазиз-чи? Бу норасида шаҳзодага буюк олим, улуғ подшоҳ бекорга умид боғлаган экан, унинг енгилтаклиги, тарбиясининг бўшлиғи отанинг салтанатни барбод беришига, азиз жонидан айрилишига яқиндан кўмак берди. Салтанат заволи ва Улуғбек фожиаси ана шу кимсалар атрофида айланадиган қора доирадан чиқмайди. Мен шундай деб ўйлайман. Қолаверса, Улуғбек Мирзонинг ўзида ҳам, гарчанд у бир умр бобоси Амир Темур ҳазратлари тутумига риоя қилишга интилган бўлса-да, сиёсатда, узоқни кўра билишда, бағрикенгликда, сахийликда, кечиримликда унингчалик бўла олмагандек туюлади менга. Ҳиротда, Ихтиёридин қалъасида сақланган Абдуллатиф хазина-

сини ўзлаштириш у Зот учун нимага керак эди? Эҳтимол, у Зот Абдуллатиф Мирзонинг шу бойлик эвазига кучайиб кетишидан хавфсирагандир? Абдураззоқ Самарқандий айтганидек, Улуғбек Мирзо буюк мунажжим сифатида, юлдузлар ҳаракатидан воқиф ўлароқ, Абдуллатифнинг душманлик йўлига киришини олдиндан билгандир? Абдуллатиф ҳам кенг билимли, илми нужумдан яхшигина хабардор, шеърлар ҳам ёзиш қобилиятига эга бўлган. Шу ўринда, академик В.В. Бартольднинг мулоҳазаларини тинглаб боқайлик. У ёзади: *«Ота билан ўғил ўртасида аввал бошдан ўзаро ишончсизлик бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ҳар иккаласи ҳам илми нужум (астрология) билан шугулланганлар ва улар ўз устурлоблари воситасида биридан бирига хавф етажагини билиб, бунга ишонч ҳосил қилганлар»*. Муаррих хулоса қиладики, бу нақл, барча эҳтимолларга кўра, 1449 йилги воқеалардан кейин тўқилган бўлиши мумкин. Шундай бўладиган бўлса, Шохруҳ Мирзонинг Сова қишлоғида сайийдларни қатлга тортиши, Улуғбек Мирзонинг Ҳиротда Баҳоуддин Умарни ранжитиши ҳақида айтилган гаплар ҳам, аслида воқеа юз берганидан кейин тўқилган бўлиб чиқади. Бу гапларни мулоҳаза учун айтдим, миш-мишлар доим бўлган, элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди.

Самарқанддан, Абдулазиз қилмишлари дарағи келган пайтда Улуғбек Мирзо икки ловуллаб ёнаётган гулхан орасида қолган эди. Муаррих Абдураззоқ Самарқандий шаҳодатича, Амироншоҳ Мирзонинг ўғли Султон Муҳаммаднинг ўғли Султон Абу Саъид Мирзо кўпдан Улуғбек Мирзо хизматида бўлиб келган унинг ёши бу пайтда 25 га етиб, кўнглида тахтгирлик ҳаваси мудраб келарди. Икки тарафдан келган, қовургувчи гулхан тафти унинг мудроқ ўйларини уйғотиб юборади. У, вақтни ганимат билиб, Улуғбек Мирзодан олдинроқ аргун тўпидан бўлган навкарларни ўзига оғдириб олиб, Самарқандни эгаллаш учун от суради. Улуғбек

Мирзо бу хабарни эшитгандан кейин, «ҳайрат тутуни димоғидан чиқади» ва Самарқандга қайтишдан бошқа чораси қолмайди. Лашкари пароканда бўлган, чодир ва лаш-лушларга ҳам қарамаган эдилар. Улар бошлари оққан томонга қараб кетадилар. Улуғбек Мирзо пойтахтига келиб, ўрнашади. Буни билган Абу Саъид Мирзо пайт пойлаб, арғунлар орасида бўлиб туришни маъқул топади. Ундан кўп ўтмай, Балхдан Абдулатиф ҳам ясов қилиб чиқиб, Шаҳрисабзга келиб тушади. Қўшин ва қурол-яроғни уч-турт кун ичида тартибга келтириб, Самарқандга, отага қарши юришни бошлайди.

Улуғбек Мирзо ҳам имкон қадар кўп лашкар тўплаб, Самарқанддан ташқарига чиқади. Фалакнинг қорайган гардишини қаранг, ота-ўғил Самарқанддан узоқ бўлмаган Дамашқ қишлоғида бир-бирига рўбарў бўлади. Ота ва ўғил. Болани йўқдан пайдо қилган, пушти камарининг дури гавҳаридан дунёга келтирган, Аллоҳ иродаси билан ота бўлган Зот 18–19 ёшдаги ўғли билан ҳаёт-мамот маррасида, бир-бирини ўлдиришга тайёр турарди. Улар жоҳиллар тоифасидан эмасди. Ота жаҳоншумул олим, фарзанд ҳам маърифатли, қобилиятига кўпчилик муаррихлар тан берган йигит эди. Жаҳолат билан маърифат тўқнашуви одатдаги ҳол, буни жуда кўп салтанатлар, насронийлар тожу тахтлари теграсида бўлган курашлар мисолида яхши биламиз. Тожу тахтлар учун Оврўпо-ю Осиёда ота-болалар қирпичоқ бўлган, бир-бирининг кўзини ўйган, захарлаган, дорга осган... Наҳот, тахт шунчалик жилвагарки, отани билмаса, болани қадрсиз қилса... Воқеага ҳозирги тушунчалар билан ёндашиб кўрайлик. Наҳотки, отанинг ўғлига гапи, насиҳатлари ўтадиган ичкилари бўлмаса? Амир Темур ҳазратлари Тўхтамишдай тузкўрни неча бор насиҳатлар билан йўлидан қайтармоқчи бўлган, бошқа ёвларига нисбатан ҳам ўта даражада кечиримли бўлган. Бу ҳаракатни Улуғбек Мирзо тарафидан топа олмадим. Борингки, ўғли

душманлик йўлига кирган экан, у ҳам шу йўлни тутуши, давом эттириши лозимиди? Танг келганда, ён бериш жоиз бўлади. Абдуллатифнинг Ҳиротда тортиб олинган хазинасини қайтариб, яраш шеvasини орага солса бўлмасмиди? Ёхуд, Абдуллатиф атрофидаги яқинлар, «Шаҳзодам, отангиз сизга улкан яхшилиқни раво кўрди, Ҳиротни қўлда сақлай олмаганингизда, мана, ундан кам бўлмаган Балх вилоятини берди, шукрона деб, ҳукм юритаверинг», десалар бўлмасмиди? Борди-ю, шундай бўлганда-чи? Улуғбек Мирзо Самарқандда мустаҳкамланар, ўғли Абдуллатиф Балхда кучаяр эди ва Ҳирот, вақти соати етиб, Бойсунғур Мирзонинг ўзаро келиша олмайдиган ўғилларидан Улуғбек Мирзога ўтган бўларди, охир-оқибатда, Ҳирот тахтига Абдуллатиф қўйиларди... Мен армонларимни айтдим, холос. Армонлар, истаклар ўз йўлига. Воқеалар эса XV асрнинг 49 йилида даҳшатли ечимга томон шиддат билан бормоқда эди.

Дамашқ қишлоғи яқинида бўлган жангда ўғил ота устидан ғалаба қозонади. Улуғбек Мирзо от жиловини Самарқандга буради. Шаҳарга етиб, аркка кирмоқчи бўлганида, шаҳар доруғаси Амироншоҳ қовчин унга дарвозани очмайди. Ҳолбуки, Амироншоҳ қовчинни унинг ўзи «тупроқдан кўтарган» эди. Қаттиқ азият чеккан, хўрлик тортган Улуғбек Мирзо ўғли Абдулазиз билан бир неча навкарлар ҳамкорлигида Шоҳруҳия томонга минг ҳасратлар билан кетишдан бўлак чора топа олмайди.

Абдуллатиф Мирзо волибона юриш билан Самарқандга кириб келади. Ва отаси тахтига ўтиради. Улуғбек Мирзо Шоҳруҳияга етади. Бу қалъа узоқ вақтлардан бери замона офатларидан четда, хазина ва захиралар сақланадиган Ҳисор бўлиб келарди. Чамаси, Шоҳруҳияда бир неча кунни ўтказмоқчи бўлган собиқ ҳукмдор кутганидай бўлиб чиқмайди. Унга тобе бўлган қалъа доруғаси Пўлод ўғли Иброҳим ўз валинеъматини ёв сифатида қарши олиб, уни бандга солиб Самар-

қандга юбормоқчи бўлади. Буни фаҳмлаган Улуғбек тезда Абдулазиз билан бу жойдан қайтиб, от жиловини Самарқандга буради. Унинг ишончли ҳисори, борадиган бошқа жойи қолмаганди, чори. Тубан бир до­руға оёқ-қўлини боғлаб Абдуллатифга топширгандан кўра, ўз оёғим билан борганим бўлсин, деб ўйлаган­дир Улуғбек Мирзо.

Абдуллатиф Самарқандни эгаллагач, олдинги удум­ларга кўра, тахтга сохта хон тайинлайди. Сохта хон бўйруққа амал қилиб, бир неча кишини ўзига арз қилиш «саҳнасини» ташкил этади. Арз қилувчилар сох­та хон олдида тиз чўкиб, «Улуғбек Мирзо бизнинг одам­ларимизни ноҳақ ўлдирган, биз касос талаб қиламиз», дейдилар. Хон эса: «Ҳар нимаики шариятга мувофиқ бўлса, шунга биноан амал қилин­лар», деб жавоб бе­ради. Абдураззоқ Самарқандий, хуллас, «Мирзо Аб­дуллатиф ҳар турли ҳийлалар, балки абадий ўлмас Тан­грининг тақдири билан ўз отаси ва биродарини қатл­га етказди ва бу қабиҳ қилмиши туфайли ўз номини барча замондошлар тилида мазкур ва машҳур қилди», дейди ачиниш ва надомат билан. Муаррих Улуғбек Мирзонинг фазилатларини, олим ва подшоҳ сифати­даги хусусиятларини тавсиф этар экан, «*Мирзо Абдул­латиф ана шундай бир отани қатл қилишга қўл урди, бутун жаҳонда бадном бўлиб қалиши ҳақида ўйламади. Бу қатл воқеаси 853 рамазон ойида (18 октябрь 1449) содир бўлди*», деб ёзади. Ана шундай, нокас ва муртад, малъун ва қабиҳ ўғил отаси Улуғбек­ни ва укаси Абдулазизни ҳеч бир гуноҳсиз, ноҳақ хун баҳонаси билан ўлдириб юборди.

Низомий ҳазратлари «Хусрав ва Ширин» достони­да отасини ўлдирган падаркуш Шеруя ҳақида гапир­ганида, ота қотилининг тахти олти ойдан ошмайди, деган башоратни шу воқеалардан уч аср олдин башо­рат қилиб кетган эди. Абдуллатифнинг Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлиб олганига ҳам олти ой тўлаётган эди. Муаррих куюниб ёзганидек, «у қариларни ҳурмат қил-

мас, ёшларга марҳамат кўрсатишни гуноҳ деб биларди», Самарқанднинг барча амирлари ва акобирлари унинг сўзи ва қилмишидан мажруҳ ва афғор эдилар. Бу сўзлар ҳам муаррихга тегишли. Яна унинг талқинидан иқтибос келтирай:

«Мирзо Абдуллатиф бажоят мутакаббир ва жаббор, ёвуз ва қаҳрли эди, унинг миждози устидан галаба қилган ўта сиёсатчилик ва бераҳмлилик туфайли ҳар қанчалик оғир кечмиш воқе бўлмасин, уни арз қилишига ҳеч кимнинг ҳадди йўқ эди. Бу варақларни ёзиб тўпловчи Абдураззоқ, ўз сўзига тўла жавоб бера оладиган ишончли бир кишининг гапини келтиради: «У Абдуллатифни қатл қилиш тадбири борасида мажлислар тузилган кунларда мен унга шу қадар яқин маҳрам эдимки, бу сўзни унга айта олар эдим, аммо менга ҳам газаб қилиб ва ўлдириб қўйиши мумкинлигидан қўрққанлигим учун арз ерига етказмадим»... Шундай қилиб мазкур феъл-атвор ва қилмишлари туфайли катта-ю кичикнинг хотиру замирлари бир варакай Мирзо Абдуллатифдан тесқари ўғирилди ҳамда режалар туздилар ва охирги иқбол қуръаси ҳам у диёр салтанатини мирзо Султон Абдуллоҳ номига қарор қилдилар». Мирзо Абдуллоҳни танийсиз, унинг тўғрисида олдинроқда гапирилди, у Иброҳим Султоннинг ўғли эди. У Самарқандда, Улугбек Мирзо саройида хизмат қилган шаҳзода эди.

Абдуллатиф Мирзо 1450 йил 9 май куни Бобо Ҳусайн деган киши томонидан камондан отилган ўқ билан ўлдирилади. Шу куни кечаси Султон Абдуллоҳ Мирзо подшоҳликга қўтарилади, пул зарби ва хутба унинг номи билан янгиланади. Бироқ, тахтнинг яна бир даъвогари – Султон Абу Саъид ҳам тинч ётадиган шаҳзодалар хилидан эмасди. Эндиги тахт талаши бошида у туради. Мен бу тарихни шу ерга яқунламоқчиман. Султон Абдуллоҳ, Султон Абу Саъид, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бўлак катта-кичик шаҳзодалар, тож кийган, ҳокимиятдан узоқ

Темурийзодалар – сулоланинг учинчи, тўртинчи ва давомат бўғинлари ҳақида, Аллоҳ таоло насиб этса, иккинчи, учинчи китобларда ҳикоя қилишни кўнглимга тукканман.

Бу ўринда Улуғбек Мирзонинг ўлдирилиши билан боғлиқ айрим тафсилотларни келтириб ўтишни маъқул деб билдим. В.В.Бартолд Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқа манбаларга таяниб, «Матла»да аксини топмаган айрим аниқликларни тилга олади. Чунончи, Тарнобда бўлган жангда қўшиннинг чап қанотини Абдуллатифга, ўнг қаноти номига бўлса-да, Абдулазиз мирзоларга бириктирилади. Абдуллатиф бу жангда ўзининг ботирлиги ва шижоати билан ғалабага катта ҳисса қўшади. Улуғбек Мирзо қозонилган ғалабани иккинчи, суюкли ўғли Абдулазиз номи билан боғлайди. Муаррихнинг муҳим ҳулосаларидан бири, Ҳиротга Абдуллатифнинг қўйилиши, Шоҳруҳ Мирзо даврида бўлган асосий пойтахт шаҳарнинг бу мақомдан туширилиб, иккинчи даражали ўринга келтирилганлигини намоён этиш билан боғлиқ бўлган. Мирхонддан келтирилган бир далилга кўра, шахси аниқланмаган Темурийзодалардан бири Амироншоҳ 1449 йилда Абдуллатифга қарши исён кўтаради. У ўлдирилади ва унинг ёнидан Улуғбек Мирзонинг хати топилган. Хатда Амироншоҳнинг Абдуллатифга қарши исёнига фатво берилган. Бундан жунбишга келган Абдуллатиф Жайхундаги ҳамма кемаларни ўз ихтиёрига олган ва отаси зиддига Балхда тамға солиғини бекор қилган.

Улуғбек Мирзо Шоҳруҳия қалъасига кира олмагандан кейин ўғли Абдулазиз билан ихтиёрий равишда Самарқандга қайтиб келади. Абдуллатиф ночорликда қолган отани ҳажга юборишни, амир Муҳаммад Хусравни йўл бошловчи қилишни тайин қилган бўлса-да, зимдан уни йўқ қилиш режасини амалга оширади. Бу билан у сиртдан қаралганда, отаси тақдирига аралашмаётганлигини кўрсатмоқчи бўлади. Бунда жавобгарлик сохта хон зиммасига юкланади. Сохта хон

Чингизийлардан бўлган. тайини йўқ бир муфлик – камбағал эди. Абдуллатиф имоси билан Аббос деган кимса шу хоннинг ҳузурига келиб, бир вақтлар Улуғбек Мирзо унинг отасини ноҳақ ўлдириб юборганлигини арз қилади. Абдураззоқ Самарқандийда, Мирхонддан фарқли ўлароқ, арз қилувчилар бир неча киши бўлганлиги айтилади. Хон, арз ижобатини шариат талаби бўйича адо этишни буюради. Шариат талаби – хун ойинига мувофиқ, қонга қон билан жавоб бериш эди. Улуғбекни хун эвазига ўлдириш тўғрисида фатво ёзилади ва унга Самарқанд имомлари (Хондамирда – фақиҳлари) ўз муҳрларини босишлари керак бўлган. Фатвога биргина Самарқанд қозиси Шамсиддин Муҳаммад Мискин ўз муҳрини босмайди, у бу фатвони шариат қонунига тўғри келмайди, адолатдан эмас, деб ҳисоблайди. У ниҳоятда журъатли, одил шариат талаблари ҳимоячиларидан бири бўлган.

Шамсиддин Муҳаммад Мискин Улуғбек Мирзо даврида узоқ вақтлардан буён Самарқандда қозилик қилиб келган жуда ҳурматли, таниқли киши эди. Унинг ҳаммиса адолат ойинига риоя қилиши, журъати ва довюрраклиги ҳақида бир нақл Давлатшоҳ Самарқандийда учрайди. Ҳикоя қилинишича, Улуғбек Мирзо вақтида хазинадан савдогарларга маблағ бериб турган. Бу маблағлардан келадиган фойданинг бир қисми подшоҳ улуши сифатида тўлаб келинган. Савдогарлардан бири Улуғбек Мирзодан савдо харажатлари учун восита сифатида қимматбаҳо тош олади. Иттифоқо, бу тожир савдога киришмасдан ва фойдани тўламасдан бурун қазо қилади. Улуғбек Мирзонинг савдогар меросхўрларидан гаровга берилган қимматбаҳо тошнинг ёки унинг қимматини қайтариб олиши кўндаланг бўлиб қолади. Гувоҳлар, далиллар бунинг учун етарли эди. Бу ҳақда қози Шамсиддин Мискин билиб қолиб, саройнинг таниқли кишиларидан бири орқали Улуғбек Мирзога қўйидаги сўзларни айттиради: «Ишни кўтариш, гувоҳларни келтириш сизга ҳеч

бир фойда бермайди, чунки, ишнинг моҳияти менга аён. Борди-ю, сиз мендан ўз фойдангизга ишни ҳал этишни, марҳум савдогарнинг молу мулкани берган маблағингиз эвазига олишни хоҳласангиз, аввал менинг қўл-оёғимни боғлатиб, қишнинг совуғида устимдан совуқ сув қўйиб ҳушимдан кетказишингизга тўғри келади». Улуғбек Мирзо бу сўзлар туфайли, марҳум савдогарга нисбатан қўзғатиладиган ишни бекор қилади. Энди, Улуғбек Мирзонинг устидан ноҳақ, уюштирилган ҳукм чиқазилиб турилганда, мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Мискин унга розилик беришдан бош тортади.

Самарқанд қозисининг фатвога муҳр босмаганлиги таъсири жуда катта бўлади. Бу кекса, ҳақиқатта-лаб шариат ҳимоячисининг шаҳарда ва улусда обрўси жуда баланд бўлган. Абдуллатифга қарши режалар тузилишида шу воқеанинг ўрни катта бўлган, деб ўйлайман. Гоҳо, бир учқун қоронғуликни тилка-пора қилиб юборади. Улуғбек Мирзо қатлидан кейин бу қабиҳликка бефарқ одам қолмаган, ҳақиқатни билиш аҳамияти, қаранг, қанчалар катта бўларкан.

Мирхонд ўз тарихида Улуғбек Мирзони Ҳажга кўзатиб бориши буюрилган Ҳожи Муҳаммад Хусрав тилидан буюк алломанинг сўнгги кунлари тўғрисида батафсил ҳикоя қилган. Улуғбек Мирзо кун кечга тортганда Ҳожи Муҳаммад Хусрав билан Самарқанддан чиқади. Улар унчалик олислаб кетмай, бир манзилга етганларида, ортларидан чигатойларнинг сулдуз уруғидан бўлган бир киши етиб келиб, муфлик хон номидан қўшни қишлоқда, Улуғбек Мирзонинг ҳаж сафари тайёргарлиги ниҳоясига етгунча кутиб туришларини тайинлайди. Улуғбек Мирзонинг ҳажга бориши «катталар ҳам кичиклар, туркийлар ва тожиклар» томонидан қўллаб-қувватланадиган вазиятда бўлиши тақозо этилиши ҳам айтилади. Бундай кўрсатмадан Улуғбек Мирзо қаттиқ ранжийди ва яқин орадаги қалъада тўхтаб туришга мажбур бўлади. Ҳаво жуда

совийди. Улуғбек Мирзо олов ёқишни ва гушт пиширишни сўрайди.

Шу жойда бир мушоҳадага ўрин берсам. Бу – Улуғбек Мирзонинг қатл этилиши кунига оид бир гап. Абдураззоқ Самарқандий Улуғбек Мирзонинг қатл этилиши воқеасини ҳижрий 853 йил рамазонида 1449 йил 18 октябр – 16 ноябрда юз берган деб кўрсатади. Давлатшоҳ Самарқандий бу санани 853 ҳижрийнинг рамазон ойи 8 кунда – 1449 йилнинг 25 октябрида бўлган деб ҳисоблайди. Улуғбек Мирзо қабр тошида 10 рамазон вафот кунини деб битилган, бу 27 октябрга туғри келади.

Қадимшунос олим П.Г. Булгаков Самарқанд олимларидан бири Абу Ҳафс Умарнинг «Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум» (1364) асарининг бир варағида, анча кейин ёзилган (XV аср) арабча матнни топишга муваффақ бўлади. Бу ёзув, Улуғбек Мирзо ҳаётининг сўнгги кунларидаги воқеа-ҳодисаларнинг бевосита гувоҳи бўлган киши томонидан битилган. Унда айтилишича, Улуғбек Мирзонинг қўшини исёнчи ўғли Абдуллатифнинг лашкари билан жанг қилган кундан (бу аниқ сана эмас) Улуғбек Мирзо ўлдирилган кунгача қанча вақт ўтгани тарихий манбаларда зикр этилмаган ва ҳозирга қадар номаълумлигича қолиб келаётган эди. Юқорида айтилаётган ёзувда эса Абдуллатиф отаси Улуғбек Мирзони 1449 йилнинг 17 октябрида қўлга олганлиги кўрсатилган.

Улуғбек Мирзо қўлга олингандан кейин, кўп ўтмай 25 октябрда қатл этилди, деган маълумотлар юқорида тилга олинди. Шундай бўлса, Улуғбек Мирзо қўлга олинганидан сўнг, бори-йўғи саккиз кун яшаган, холос. Лекин, Абдурраззоқ Самарқандий айтган рақам ва Улуғбек Мирзо қабр тошидаги битиклар 25 октябр санасидан фарқ қилади. Улуғбек Мирзо қўлга олингунча Шоҳруҳияга бориб келган, Сирдарё бўйидаги бу шаҳарга бориб-келиш ҳам камида бир ҳафта вақтни олар эди. Ундан кейин ҳажга бориш тараддуди, бу ҳам

бир-икки кун ичида бўлиши мумкин эди. Менда, ма-
салан, қатл санаси ноябр ойига тўғри келса керак, де-
ган фикр бор. Таъриф этилаётган совуқ ҳам шу ойга
хосдир. Чунки, Давлатшоҳ Самарқандийнинг ҳаво-
нинг совуқ эканлигига эътибор қаратиши ҳам бежиз
бўлмаса керак. Олов ёқилади, гўшт қозонга солинади.
Малул бўлган собиқ ҳукмдор ўчоққа яқин келиб, қўла-
рини тоблаб, исинмоқчи бўлади. Шу пайт ёнаётган
ўтиндан қарсиллаб бир чўғ отилади-да, Улуғбек Мир-
зонинг оқ рангли пўстини этагига келиб тушади ва уни
куйдира бошлайди. Чўғни қоқиб ташлаган Улуғбек
Мирзо ички бир надомат билан, беихтиёр «сен ҳам
билдинг», деб юборади. Бу унинг кўп ўйловлари, ке-
йинги кунларда бошидан ўткарган изтироблари, тақ-
дири нима бўлишининг лўнда ифодаси, сўнги кало-
ми, охириги сўзи эди. Унинг ёнида бўлган Ҳожи Муҳам-
мад Хусрав ҳар қанча далда берса-да, кўнглини кўтар-
са-да, Улуғбек Мирзонинг дили вайрон, юзи маъюс ва
ғамгин тусга кирган эди.

Тўсатдан хона эшиги очилиб, Аббос яна бир киши
билан бирга бостириб киради. Улуғбек Мирзо Аббос-
ни кўриши билан, ўзи билмаган ҳолда, ўрнидан шахт
билан туриб, унинг кўкрагига мушт солади. Аббоснинг
ҳамроҳи дарҳол Улуғбек Мирзони ушлаб қўлини қа-
йиради ва устидан Олтой пўстинини ечиб олади. Аб-
бос арқонни олиб келиш учун чиқиб кетади. Ҳожи Му-
ҳаммад Хусрав эшикни тамбалаб, Улуғбек Мирзонинг
тахорат олишига имкон қилади. Аббос қайтиб келиб,
Улуғбек Мирзони арқон билан боғлаб, судраб ҳовлига
олиб чиқади. Улуғбекнинг йўлдошлари – Ҳожи ва бош-
қалар бу пайтда бурчак-бурчакда пўсиб турадилар.
Аббос ҳовлида ёниб турган машъала ёнига Улуғбекни
ўтқазиб, бир ҳамлада шамшир билан унинг бошини
узади. Бу воқеа Самарқанддан бир оз узоқликда
бўлган Сўх ариғи бўйидаги қўрғон ичида юз беради.
Ҳожи Муҳаммад Хусрав ва навкарлар Самарқандга
қайтиб кетадилар. Уларнинг Улуғбек Мирзо жасади-

ни бирга олиб кетган-кетмаганлиги айтилмаган. Шунингдек, Улуғбек Мирзонинг ким ва неча кундан кейин дафн этилганлиги ҳам аниқ эмас.

Улуғбек Мирзо қатлидан уч-тўрт кун ўтиб, Абдулазиз ҳам ўлдирилади. 1450 йил 8 май куни, тахтни эгаллаганидан олти ой ўтиб, Абдуллатиф Самарқанд ташқарисида, унинг жануб сарисида жойлашган Чинор бовидан эрталаб, намоз адо этиш учун шаҳарга қараб келаётганда, Бобо Ҳусайн баҳодир отган камон ўқидан ўлади. У, жон ваҳмида «Аллоҳ, ўқ тегди», дейишга улғуради, холос. Уни қузатиб келаётганлар шу заҳотиёқ тумтарақай қочадилар. «Тарихи Абдулхайрхоний» асарида Масъуд Кўҳистоний келтирган бир нақлни В.В. Бартольд тилга олади. Айтилишича, «Боғи майдон»да тунни ўтказган Абдуллатиф кечаси туш кўради. Тушида унга лаганда ўз бошини олиб келадилар. Бу тушдан ваҳимада қолган Абдуллатиф Низомий девонидан тушига жавоб топмоқчи бўлиб, фол кўради. Шоир девонини очса, қуйидаги байтга кўзи тушади:

*Падарқуш подшоҳиро нашояд,
Ва гар шояд ба шаш моҳи напояд.
(Ота қотили подшоҳ бўлолмайди,
Гар бўлса, олти ойдан ўтолмайди).*

Бобо Ҳусайн баҳодир Абдуллатифнинг жума намозига келишини пойлаб, шаҳарнинг истеҳком деворига яқин жойидаги чоҳ билан Боғи нав – Янги боғ оралигида, бўлган бир ўтар, тор жойда кутиб турган. Абдуллатиф ўлиmidан кейин Бобо Ҳусайннинг Туркистон тарафга қочганлиги айтилади. Камон ўқидан жон таслим қилган Абдуллатифнинг ҳамроҳлари уни ташлаб қочиб қолгач, сунқасдни уюштирганлар отдан йиқилиб қолган Абдуллатиф устига етиб боришиб, бошини танасидан жудо этадилар. Сўнгра, падарқушнинг калласи Улуғбек Мирзо мадрасаси пештоқиға бир неча кун давомида осиб қўйилади.

Самарқанд тахтига Мирзо Абдуллоҳ чиқади. Унинг ашаддий тарафдори шайхулислом Исомиддиннинг ўғли, шайхулислом маснадида ўтирган Бурҳониддин бўлган. В.В. Бартольд тахминича, Абдуллатифга қарши уюштирилган суиқасдни ташкиллаштириш ва амалга оширишда бош-қош шу киши бўлган. Вақтида шайхулислом Исомиддин Улуғбек Мирзо билан жуда яқин бўлган, у билан Ҳирот сафарларини бирга амалга оширган.

Жаҳоншумул олим, ҳаёти ва илми мангуликка даҳдор Улуғбек Мирзо ўлдирилади. Қотил ҳам жазосини топади. Манфурлик оила шаънини абад иснодга чўлғади. Отага қўл кўтариш, ҳибсга олиш воқеалари, минг афсуски, Амироншоҳ Мирзо ўғилларида ҳам кузатилган, иш фожиага қадар етиб бормаган эди. Шоҳруҳ Мирзо ва унинг сулоласи нима сабабдан бунчалик патрат топди, бунчалик ўлим кўп бўлди? Сова қишлоғида саййидларнинг қатл этилиши, Улуғбек Мирзонинг Ҳиротни олишда шайх Баҳоуддин Умарни ранжитиши – шуларми сабаб бўлди? Бу воқеа-ҳодисалар ҳақида, улар бўлиб ўтгандан кейин нималар айтилмади, нималар тўқилмади? Абдуллатиф Мирзо 1446 йилда Сова қишлоғида улуғ муаррих, бобоси Амир Темур тарихини битган Шарафиддин Али Яздийни муқаррар ўлимдан қутқариб қолган эди. Орадан икки ярим йил кечар-кечмас, нега у тенгги йўқ буюк аллома, ўз отасини ажал чангалига қўшша қўллаб топширди? Шарафиддин Али Яздий олим эди, аммо ҳокимият даъвоси йўқ эди. Улуғбек Мирзо аллома эди, бироқ салтанатни ҳам қўлдан беришни истамасди. Абдуллатиф, аввало, Хуросон, кейин эса Мовароуннаҳр тахтига даъвогарлик қилди. Фожианинг сабаблари ана шу нуқтада ойдинлаша бошлайди. Нақллар, тахминлар ўз йўлига. Манфаат – одамзотдан олдин туғилган, у на отани ва на онани, на ака ва на укани билади. Унинг йўлида тўсиқ бўлмаслиги керак. Тўсиқ бўлса, қилгич билан бар-тараф этилади. Неча минг йиллардан буён битилаёт-

ган Фарбу Шарқ тарихларидан бунга истакдан ортиқча мисоллар топиш мумкин.

Кўнгилда яна бир савол пинҳон қолмасин. Мабодо, Улуғбек Мирзо Абдуллатиф устидан ғалаба қозонганида, уни ўлдириши муқаррармиди, деган савол менда ҳам, сизда ҳам туғилса керак, қадрли ўқувчим. Отабола ёмон ёвлашган эди. Лекин нима бўлганда ҳам, Улуғбек Мирзо хоин ва бадният ўғли Абдуллатифни қатлга бермас эди. Унинг дилида шундай ният бўлганда эди, Шоҳруҳияга борганида. тагин ортига, Самарқандга, ўз жаллоди Абдуллатиф ҳузурига келмаган бўларди, Туркистонгами, Мугулистонгами паноҳ излаб кетарди. У, ўғлидан ҳам бундай тубанликни кутмаган... Улуғбек Мирзо, «Ҳар қандай подшоҳликлар, ҳар қандай динлар тумандай тарқаб кетади, лекин илм-фан абадий қолади», деган эди. Унинг подшоҳлиги охири хайрли кечмаган бўлса-да, илмий фаолияти, жаҳон фани ва маданияти тараққиётига қўшган буюк ҳиссаси, ўзи айтганидек, мангуликка дахлдордир. Манфурилик ҳам унутилмайди. Абдуллатиф, йигирмага кирмай, қон қусган, авлод ва ота қадрини билмаган падаркуш шунча асрлар ўтибдики, қарғиш остида ётибди. Бундан кейин ҳам, қанча замонлар кечса-да, унинг номи лаънат билан тилга олинади. Бу ўринда ҳазрат Алишер Навоийнинг сўзлари аини муддаодир:

*Темурхон наслидин Султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек.
Анинг абнои жинси бўлди барбод,
Ки давр аҳли биридин айламас ёд...
Қиёматга деганда аҳли айём,
Ёзарлар анинг аҳкомидин аҳком.*

Шоҳруҳ ва Улуғбек мирзолардан кейин бу сулола Хуросон ва Мовароуннаҳр тахтларидан тез орада мосуво бўлди. Алоуддавла, Абулқосим Бобур, Султон Муҳаммад, Мирзо Абдуллоҳлар ҳукмронлигига барҳам

берилди. Амироншоҳ Мирзо авлоди бўлмиш Султон Абу Саъид Мирзо мамлакат жиловини қўлга олади. Тарих саҳнасидан ички низолар, ҳамжиҳат бўлмаслик, манфаат ва тахтпарастлик, оилавий қадриятсизликлар туфайли тушиб кетган Шоҳруҳ Мирзо сулоласи қисмати ана шундай аянчли, фожеий яқун топди. Шоҳруҳ ва Улуғбек Мирзони тарих унутмади, шоир айтганидек, «давр аҳли» адам бўлган шаҳзодалардан бирортасини ёд этмайди, фақат Улуғбек Мирзо номи қиёматга қадар қолиши, илмий мероси мангулиги Алишер Навоий ҳазратлари томонидан жуда ўринли баҳоланган.

Мангулик ва манфурилик қиссаси ниҳоясига етди. Бироқ бу фожиадан кейин ҳам, Амир Темур ҳазратлари асос солган кўп тармоқли, улкан сулола ва салтанат яна узоқ вақтлар бардавом бўлди. Кейинги даврларда ҳам тожу тахт бобида ҳамжиҳатлик ва тараққиёт, равнақ ва таназзул ҳолатлари кузатилди. Салтанат талашлари гоҳ Мовароуннаҳрда, гоҳида Хуросонда, ҳатто Ҳиндистонда, ҳозирги Покистон тупроқларида ҳам бўлиб ўтди. Буларнинг ҳаммаси алоҳида, ўзига хос катта бир тарих. Бу тарихни ўрганишнинг ўз ўрни, ўз мавриди бор.

ЗАРУРИЙ ГАЛААР ЁХУД ХОТИМА

Соҳибқирон Амир Темурнинг ўз юртининг «даҳо халоскори» (А. Лянглэ) сифатида майдонга чиқиши тасодифий эмасди. Қадим Турон азал-азалдан ажнабий босқинчиларга қарши курашиб келган, асрлар давомида ўзлигини англаган, ўзини Шарқу Фарбга танитган эди. Жаҳон тамаддунининг ўзига хос тараққий қилган бешиклари бу мамлакатда кўп эди. Соҳибқирон таваллуд топган Кеш, унинг ота-боболари юрти бўлган қадим Қашқа воҳаси X–XII асрларда иқтисодий-маданий жиҳатдан равнақ топган, илм-фан марказига айланган эди.

Давлат мустақкам қарор топмаса, унда адолат ойини амал қилмаса, оила барори бўлмайди. Оила ҳар қандай жамиятга меҳнат аҳлини, ҳарбийларни, олимларни, хуллас, фуқароларни – аҳолини етказиб берадиган улуг ва туганмас бир манбадир. Подшоҳлар ҳам, даҳолар ҳам, оддий инсонлар ҳам оилада етишадилар. Темурбек мансуб бўлган хонадон ҳам XIV асрнинг 30-йилларида Кеш воҳасининг кўзга кўринган, таниқли оилаларидан бири ҳисобланган. У мансуб бўлган авлод ўзининг қадимий шажарасига эга, томири бутун Шарқу Фарбни зилзилага солган Чингизхонга, Ибн Арабшоҳ айтганидек, хотинлар воситасида туташиб кетарди. Темурбекнинг бобокалони Қарочор Чигатойнинг қизига уйланган бўлса, унинг укаси Тоғочар Чингизхоннинг куёви бўлган эди. Ўртада юз берган ана шу қуда-андачилик кейинчалик Амир Темур ва Темурийларнинг Чингизийлардан эканлигига, мўғуллар деб талқин этилишига сабаб бўлганлиги эҳтимол. Нима бўлишидан қатъи назар, Қарочор нўён ва унинг фарзандлари Мўғул ҳукмдорларига яқинликни фақат ва фақат ўз хизматлари, ботирликлари, истеъдод ва ҳарбий маҳоратлари туфайли қўлга киритганлар. Агар улар Чингизхон авлоди билан бир илдиздан (Аланкува хотун) тарқаганда эди, «кўрагон» – хоннинг куёви

деган атамага эҳтиёж сезмаган бўлардилар. Бобокалонларнинг фидоийлиги ўз йўлига. Темурбекнинг олий мақомга кўтарилиши меросий бўлмаганлиги ой ва кундай равшан-ку. Амакиси Ҳожи Барлос Тўғлуқ Темурдан қўрқиб, Кешни ташлаб Хуросонга қочиб қолганда, вилоятни мўғулардан асраб қолган Темурбекни Ҳожи Барлос Кеш тахтига муносиб кўрмай, ундан тортиб олишга интиланлигини яхши биламиз. Отасининг жондай укаси Ҳожи Барлос шунга борганда, бошқалар нималар қилмасди?

Темурбек ўзининг ақли, фаросати, кучи ва иродаси сабаб, ортидан одамларни эргаштира олган. Унинг болалиги ва йигитлиги йилларида Ватанни мўғул босқинчилари зулмидан қутқазиб ҳаракати ниҳоят даражада кучайган ва бу ишга Қашқа воҳасининг Шайх Шамсиддин Кулол сингари ватанпарвар руҳонийлари бошқош бўлган эдилар. Темурбекнинг отаси Шайхнинг муриди ва катта ихлосманди эди. Шайх Шамсиддин Кулолнинг Темурбек атрофида қасоскорлар жам бўлишида, улар қалбига озодлик ғоясини сингдиришида хизмати жуда катта бўлган. Темурбек Шайх вафотидан кейин ҳам унинг қабри бошида унга берган қасамёдини такрор қилган. Кейинги давр сиёсатдонларидан бири, Шарқдаги ҳар қандай инқилоб ислом дини байроғи остида бўлган, деганда, назаримда ҳақ гапни айтганди. Мўғулар бутун истибдоди давомида исломга чек қўя олмаган, аксинча, ўзлари бу динни қабул қилишга мажбур бўлган. Дин пешволари Темурбек вояга етаётган даврда чинакамига катта куч эди. Соҳибқирон Амир Темур кейинчалик ҳар қандай даҳшатли жангга киришишидан аввал икки ракаат намоз ўқиб, Аллоҳ Таолодан ғалаба натижа қилганлиги ҳам унинг эътиқоди нечорлик мустаҳкам бўлганлигидан, унинг эътиқоди тамал тоши ўсмирлик давридан қўйилганлиги билан боғлиқ бўлган, десам адашмайман.

Темурбек оила аъзолари сонига кўра ва иқтисодий жиҳатдан ҳам ўртача оилада тарбия топган эди. Унинг

хокимият ишларига аралашишига, ҳарҳолда, йўл бор эди: отаси амир Тарағай қўп йиллар ўз тўпининг саркори бўлган, ҳарб ишларида Қозонхон даврида эътиборда бўлган. Кеш мулклари амакиси Ҳожи Барлосда бўлгани каби, Насаф ва унинг теварак-атроф ҳудудлари яна бир амакиси амир Жокуга қарашли эди. Тақдирнинг ўзи Темурбекни танлаганди – ўша пайтда вужудга келган вазият – мўғул лашкарининг босиб келиши, туркий амирларнинг қовушмаслиги, Ҳожи Барлоснинг қочиши – буларнинг ҳаммаси Амир Темур шахсида ўзининг мантиқий ечимини топади. Жонини гаровга қўйиб, Тўғлуқ Темурни қон тўқдирмай, юртига қайтаришга муваффақ бўлади. Бу унинг биринчи ва, айтишим лозимки, истиқболига йўл очган порлоқ ғалабаси эди. Кўрамизки, ҳеч бир қимса Темурбекни сиёсат саҳнасига қўлидан етаклаб олиб чиқмаган. Тўғри, уни оила, биринчи галда отаси Муҳаммад Тарағай ҳарб ишларига тайёрлаган бўлса, Амир Қазағон сиёсат бобида устозлик қилганди. Ана шу, ўрта тоифадаги оиладан чиққан йигит кейинчалик қарийб 500 йилга яқин Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон, Ироқ, Ҳиндистон каби мамлакатларда ҳукм сурган сулола тамал тошини қўйган эди. Руи Гонсалес де Клавихонинг бир гапи бу жиҳатдан диққатга лойиқ, у, «Темурбекнинг отаси мазкур чигатойилар уруғига мансуб зодагонлардан бўлса-да, бироқ бадавлат эмас эди. Унинг уч ёки тўрт отлиқ хизматкори бўлган. Унинг ўғли Темурбекнинг ҳам аввал бошда фақат ўзи тўрт-бешта отлиқларни таъминлай оладиган даромади бор эди, холос. Мен бу гапларни шу шаҳарда ва бошқа ерларда элчиларга сўзлаб берилган маълумотлар асосида, ростлигига комил ишонч билан айтаяпман», дейди.

Темурбек, эҳтимол, шундай оилада тарбия топганлиги, оддий одамлар аҳволини яхши билганлиги учун ҳам, доимо адолатни шиор қилган, одамларни ҳурмат қилишга, кечирришга, ёрдам беришга, зулм ва золимни жазолашга одатланган, десам бўлади. Испан элчиси

Самарқандда бўлган пайтида унга Амир Ҳусайн тўғри-сида ҳам сўзлаб берганлар. Клавихо, Амир Ҳусайнни «Фуқаро, айниқса, оддий халқ, шаҳарликлар ва баъзи асилзодалар хуш кўрмасдилар. Улар подшоҳни (Амир Ҳусайнни – П.Р.) ўлдириб, ҳокимиятни қўлга олишга Темурбекни даъват этадилар», дейди. Ҳақиқатда, асилзодалар, шаҳарликлар, халқ Темурбекни қўлламаганда, у ҳеч қачон шуҳрат тутмас, Ватанини мўғул истибдодидан озод этишга муваффақ бўлолмасди. Темурбек тарихларида унинг огир ва машаққатли кунларида доимо бирга бўлган ўта садоқатли сафдошлари исми шарифлари такрор-такрор зикр этилади. Амир Сайфиддин, Жоку Барлос, Баҳром Жалойир, Аббос Баҳодир, Довудбек, Муайяд Арлот, Сори Буғо Жалойир, Ҳусайн Баҳодир, Усмон Аббос, Оқ Буғо, Элчи Буғо, амир Ўлжойту Апарди, Шоҳ Малик ва яна ўнлаб-юзлаб ҳамфикрлар, ҳамкорлар, умумий ишга – Ватан озодлигига ҳисса қўшган амирлар, саркардалар, оддий сипоҳлар исми шарифларини келтириш мумкин.

Таниқли туркийшунос олим Т.И. Султонов ўзининг «Чингизхон ва Чингизийлар. Такдир ва ҳокимият» (Москва, 2006) асарида Клавихонинг Амир Ҳусайн ҳақида мен юқорида келтирганим сўзларини алоҳида қайд этиб ўтади. Демак, хулоса қилиш мумкинки, Амир Темур ҳазратларини эли улуси ёқтирган ва қўллаб-қувватлаган. Бу жиҳатдан Соҳибқироннинг ашаддий душмани Ибн Арабшоҳнинг яшириш иложи бўлмаган ҳақиқатлардан кўз юма олмагани нишонаси бўлган баҳолари ҳам маълум аҳамият касб этади. Уларнинг айримларини келтириб ўтаман:

«Темур отларнинг ташқи хусусият ва белгиларига қараб, бир қарашданоқ уларнинг зотдор ёки зотсиз эканлигини аниқлаб оладиган кишилар жумласидан».

«Мўғул ва Хитой иқлимлари Темур алдида титрагандилар».

«Девонда ёзилган Темур аскарлари саккиз юз минг киши эди».

«Ибн Ҳалдун нидо қилиб, баланд овоз билан деди: «Э, Мавлоно (Амир Темур – П.Р.)! Буюк ва улуғ Тангрига ҳамдлар бўлсин! Мен ўз ҳузурим билан инсоният подшоҳларини мушарраф этдим ва ўз тарихларим билан уларнинг ўчиб кетган кунларини барҳаёт қилдим: мен араб подшоҳларидан фалон ва фулонни кўрдим, фалон ва фулон султонлар ҳузурда бўлдим, ернинг магриби-ю маширини мушоҳада этдим, ернинг ҳар бир бурчагида мен унинг амири-ю ноибни билан муносабатда бўлдим. Лекин Тангридан миннатдорманки, у менинг кунларимни узайтирди ва у мени қайтадан тирилтириб, мурувват кўрсатдики, **ниҳоят мен ҳақиқий подшоҳ ким эканини кўриб, салтанат шариатида тўғри сийратли маслакни руият этдим** (Гап Амир Темур тўғрисида бораётир – П.Р.)».

«Темур эса подшоҳлар ва халқлар сийратларида билимдон, Шарқу Фарб тарихининг отаси ва онаси эди».

«Агар биров бировга зулм қилса, ҳаттоки, у Темурга ота ёки бола ўрнида бўлса ҳам ёки заррача бўлса ҳам ноҳақлик кўрсатса ёки наҳбу горат тўғрисида сўз очса, зинҳор унинг молу мулки-ю қони оқизилар, унинг ҳурмати ва ҳарамни таҳқир қилинар эди. На надомат, на шафоат тилаш унга нажот келтирмас, аҳли ва хизматкорлари унга наф қилмасди ва бирон кимса томонидан « у билмасдан шундай иш қилиб қўйибди», дейилмасди. Бу, гўёки бузилмас қатъий бир қоида-ю, емирилмас мустаҳкам бир бино эди».

«Бу ишлар Темур муродига мувофиқ равишда қарор топиб... осойишталигу хотиржамлик, фароғату тўқинчилик, нархи наво арзонлиги, орзу-ҳавас ушалиши замон муътадиллиги, султон адллиги, тани бадан сиҳатлиги, вақти чоғлик, нафрат кўтарилиши, мағлубга етишиши, маҳбубга висоллик ҳосил бўлди. Темурга савлатлилик ва улуғворлик, ҳашамат ва дабдабаликдан шундай улуғ нарса муяссар бўлдики, ўйлайманки, бу қадарлик нарса қадим ўтган хали-

фалардан ҳеч бирига насиб бўлмаган ва бундан кейин келадиганлардан биронтасига насиб бўлмайди».

«Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўқис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддас кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, ўз икрому ҳурматини унга изҳор этарди. Уларга нисбатан ўз муруввати бисотини ёрдики, улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдики, бу баҳсда инсофу ҳишмат бўларди».

«Темур ҳар қандай ҳунар ва касб бўлмасин, агар унда бирон фазилат ва шарофат бўлса, шу касб эгаларига гоятда меҳр қўяр эди. У табиатан масхарабоз ва шоирларни ёқтирмас, мунажжиму табибларни ўзига яқин тутиб, улар гапларига эътибор қилар ва сўзларини тингларди. Ўз фикрини пешлаш мақсадида у муттасил шатранж ўйнарди».

«Темур тенгзи йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ».

«Темур қанчадан-қанча даҳо ва хуфёна фикру заковатга эга эди!» «Агар Темур бирор томонга отланиб, Самарқанд унинг қўшинлари-ю ёрдамчиларидан холи бўлиб, ўша бўстонлар (боғлар – П.Р.) бўш қолса, шаҳар аҳлидан бадавлату мискинлар уларга қараб йўл олардилар. Чунки бу боғлардан кўра яхши ва ажойиб дам оладиган, булардан кўра роҳатланишга мувофиқроқ ва осойиштароқ жой йўқ эди. Боғлардаги ширин, мазали мевалар эса барчага баб-баравар текин эди. Чунки мевалардан бир қантори ҳам арзимаган баҳога бўлса-да, сотилмасди».

Ибн Арабшоҳ ва Руи Гонсалес де Клавихо Соҳибқирон даврида хотин-қизларга бўлган ҳурмат-эҳтиром ва тўйлар ҳақида етарли тасаввур берадиган маълумотлар қолдирганлар. Тўй базмларида таклиф этилган подшоҳлар, улуғ мартабали кишилар, фарзандлар, шахзодалар, саркардалар, амирлар Амир Темур ҳазратларининг ўнг тарафидан жой олиб ўтирсалар, ма-

ликаларга, сарой аъёнларининг хотинларига сўл томондан ўринлар ажратилган. «Дарвоқе, аёллар эркаклардан бекинмасдилар, – деб ёзади, – Ибн Арабшоҳ, хусусан, оммавий йиғинлар ва хурсандчилик тантаналарида».

Испан элчиси Клавихо Самарқандда, Амир Темур ҳазратлари саройида бир қанча вақт бўлиб, базмларда, тўйларда, байрамларда иштирок этади ва ўзи гувоҳ бўлган, кўзи билан кўрган воқеаларни кундалигига битади. «Подшоҳ бугун катта тўй ташкил этиб (15 сентябр, 1404), унга элчилар, кўплаб эркак ва аёллар, қариндош-уруғлар ва бошқа меҳмонларни таклиф этишни амр этди», деб ёзади Клавихо.

15 сентябрда ташкил этилган тўй базмига, «хотинқизлардан тортиб, асилзодаларгача ва бошқа кўплаб кишилардан иборат катта халқ тўпланади».

1404 йилнинг 22 сентябрида ҳам Боғи Навда Соҳибқирон томонидан катта базм уюштирилади. Унга Испан элчилари ҳам таклиф этилади. Клавихонинг айтиши бўйича, базмга жуда кўп киши йиғилади. «Базмда подшоҳ шароб ичишга рухсат этди. Чунки уларнинг уйда ҳам, жамоат орасида ҳам подшоҳ ижозатисиз шароб ичишлари мумкин эмас. Шаробни овқат олди-дан берадилар. Шароблар ичилгандан сўнг, гўшти таомлар тортилади. Қовурилган от гўшти, қайнатилган ва қовурилган, тузланган қўй гўшти, гуручдан қилинган ҳар хил таомлар дастурхонни безаб туради. Дастурхон йиғиб олингандан кейин удумга кўра, амирлардан бири қўлидаги коса тўла кумуш тангаларни ўртага чиқиб, элчилар ва меҳмонлар устидан сочиб юборади. У яна бир қисм тангаларни элчиларнинг оёқлари остига сочади. Соҳибқирон шундан кейин элчиларга кимхоб тунлар кийдириб, сийлайди.

Давлатобод боғида эртасига яна базм ўтказилади. Чамаси, бу тўй сипоҳийлар шарафига уюштирилган бўлган ва унда саркардалар ва навкарларнинг катта қисми қатнашган. Элчилар ҳам унга таклиф этилган.

Амир Темур ҳазратлари яна элчиларни кимхоб тунлар билан сарафроз этади.

Амир Темур ҳазратларининг ўз хотинларига эҳтироми зўр бўлган. Клавихо, 29 сентябрда Соҳибқирон Дилкушо боғидан қайтиб, шаҳарга кираверишдаги бир саройга келиб тушганлигини айтади. Бу сарой Биби Хонимнинг онаси, қайнонаси шарафига қурдирилган эди. Қайнонаси шу сарой ичкарасида гумбаз остида дафн этилган бўлган. Клавихонинг қайд этишича, сарой қурилиши давом этаётган бўлишига қарамай, ниҳоятда чиройли ва безакли эди.

Хонзода Бегим ҳам элчилар Самарқандда турган кезларда, аниқроғи, 1404 йилнинг 9 октябрида тўй беради. Элчилар ҳам тўйнинг меҳмони бўладилар. Ҳаво совуб қолгани учун тўй чодирлар ичида ўтказилади. *«Хонзода Бегим ўтирган жойга яқинлашдик, – деб ҳикоя қилади Клавихо, – у элчиларни ўз қаршисида жойлашган соябон остидаги супага таклиф этди. Хонзода Бегим ва унинг ҳузуридаги аёллар катта чодир эшиклари олдидаги соябон остида ўтирадилар. Хонзода Бегим гоҳи-гоҳида ёнида қатма-қат қўйилган болшларга ёнбошларди. У бугун қариндошларидан бирининг никоҳ тўйини ўтказаётган эди. Бегим кўринишда қирқ ёшлар чамасидаги тўладан келган, оқ юзли аёл эди... Базмда машшоқлар тинмай куй чалар эдилар».*

Клавихо, шу тўйда «Темурбекнинг катта маликаси Сарой Мулк Хоним ҳам бу базмда иштирок этди. Гоҳ май, бўза ичилди. Сарой Мулк Хоним зиёфат анча узоқ давом этгандан кейин элчиларни ҳузурига чорлаб, уларга ўз қўли билан май тутди. Сарой Мулк Хоним Руи Гонсалеснинг ҳеч қачон май ичмаганлигига ишонмай, уни май ичишга кўндириш учун узоқ баҳслашди, – деб ёзади, – гўштлиқ овқатни тез-тез келтириб турдилар. Шундан кейин ҳар хил қилиб пиширилган гуруч таомлар тортилди. Дастурхонга ширинлик ва кўкат солиб пиширилган кулча нонлар қўйилди. Бун-

дан ташқари товоқларда, қўлда, чарм дастурхонларда гўшт келтириб, истаган кишилар олдига қўйдилар. Хонзода Бегим эри Амироншоҳ билан отаси Темурбек ораларида келиб чиққан ўша можарога сабаб бўлган аёлдир. Хонзода Бегим хонлар авлодидан бўлганлиги сабабли, Темурбек уни гоаят ҳурмат қиларди».

Руи Гонсалес де Клавихо, олдинда ҳам эслатганимдек, ўта синчков ва ҳассос киши бўлган. У Соҳибқирон саройидаги ҳар бир нарсага мислсиз мўъжизага дуч келгандек, ниҳоятда эътибор билан ёндашади, ҳеч нарсани назардан қочирмасликка ҳаракат қилади. Шу жумладан, шароб сузилиши, узатилиши, ичилиши каби майда-чуйдаларни ҳам ватандошларига янгилик сифатида тақдим этишга ҳаракат қилган. Айниқса, маликаларнинг кийинишлари, ўзларини тутишлари, мавқеи уни бениҳоя даражада қизиқтирган. Кониғилда ўтказилган катта тўй ҳақида батафсил сўзлар экан, Сарой Мулк Хонимнинг либосларини шундай таърифлайди: «Сарой Мулк Хоним Кўшк ёнидаги саропардалардан биридан чиқиб келди. Сарой Мулк Хоним бундай кийинган эди: эғнида зарҳал безакли, этаги ерда судралиб турган узун ва кенг, енгсиз ва ёқосиз қизил шойи кўйлак, кўйлак белидан ҳеч бир кесиб торайтирилмаган ҳолда этагигача кенгайиб борган. Маликага осон юриши учун кўйлаги этагини тахминан ўн беш нафарга яқин аёл кўтариб борарди. Маликанинг юзига офтобдан сақланиши учун оқ уна шу қадар қалин суртилган эдики, чеҳраси бамисоли оқ қозозга ўхшарди. Қишда ёки ёзда сафарга чиққан барча асилзода аёллар юзларига шунақа уна суртадилар. Маликанинг юзига оқ мато тutilган, бошида худди жангда кийиладиган дубулгага ўхшаш учли қизил бош кийим. Унинг попилдириқлари хонимнинг елкасига тушиб турибди, қуйи қисмига мато тикилган. Уларга кўплаб дурри ноёблар, ёқут, феруза ва бошқа хилма-хил қимматбаҳо тошлар жуда чиройли қадалган. Бош кийимнинг зарҳал билан тикилган ва хоним елкаси-

га тушиб турган қисмига ҳам қимматбаҳо тошлар ва дурри ноёб билан безатилган чиройли тилла баргак қадалган. Қалпоқ учи бамисоли жажжи айвонга ўхшайди, фавқулдда чиройли, икки бармоқ йўгонлигида ял-ял ёниб турган, тиниқ учта дона ёқут ўрнатилган. Шунингдек, унга қадалган, узунлиги икки қарич оқ жиганинг айрим парлари пастга эзилган, баъзилари юзу кўзга тушиб турарди. Зар иплар билан бойланган парлар ўрама охиридаги жигага қимматбаҳо тошлар, марваридлар қадалган бўлиб, юрганда пирпирайди. Хонимнинг тимқора сочлари елкасига тушиб турарди. Улар (яъни, бу ерликлар) қора сочни юксак қадрлайдилар, ҳатто сочни янада қорайтириш учун бўяйдилар. Хоним бошидаги қизил қалпоқ тушиб кетмаслиги учун бир неча аёл қўллари билан тутиб турадилар. Малика билан уч юзга яқин аёл бирга келди. Маликанинг юзига офтоб туширмаслик учун бир киши унинг бошига, найзасимон таёққа ўрнатилган соябонни тутиб келарди. Шундай қилиб, Хоним подшоҳ ўлтирган Кўшкка келиб, Темурбекдан бир оз орқароққа жойлашди. Сарой Мулк Хоним жойлашгандан кейин иккинчи саропардадан подшоҳнинг бошқа хотини чиқиб келди. У ҳам Хоним сингари кийинган, устида ўшандай қизил кўйлак, бошида қизил қалпоқ, ўша-ўша расму русум билан кўп аёллар қуршовида подшоҳ ўлтирган кўшкка келиб, Сарой Мулк Хонимдан бир оз пастроқдаги супага ўлтирди. Уни Кинчикано (кичик хоним – Тўкал Хоним) дейишади, у подшоҳнинг иккинчи хотини эди. Ичида чодирлари бўлган бошқа бир саропардадан подшоҳнинг яна бир хотини чиқди. У ҳам худди Сарой Мулк Хоним сингари кийинган бўлиб, худди шундай расму русумлар билан келиб, иккинчи маликадан бир оз пастроқдаги супага жойлашди. Шундай қилиб, ҳаммаси бир хилда ясан-тусанган ҳолда тўққиз аёл подшоҳ ҳузурига келишди. Улардан саккизтаси подшоҳнинг ўз хотини бўлиб, бири неварасининг заифаси эди.

Клавихо. мисли ҳозирги замон сурат оладиган сабаблар монанд, жуда тиниқ, жуда аниқ тасвирни ярата олган. Бу борада унга қўйил қолмаслик мумкин эмас. Тўйнинг ботартиб ўтиши, ҳар кимнинг ўрни аниқ бўлиши Соҳибқироннинг тантаналарга алоҳида эътибор бериши билан боғлиқ бўлган. Муҳими, хотин-қизларга бўлган иззат-ҳурматни айтмайсизми?! Клавихо, тасвирга берилиб кетиб, бир сўзни унутган, чамамда. Чунончи, у Темурбек салтанатида хотин-қизлар мақомига, уларга кўрсатиладиган эҳтиромга Оврўпо қироличалари ҳам ҳавас қилса арзийди, деб ёзганда эди, айни ҳақиқатни эътироф этган бўларди.

Самарқандда бир қанча вақт давом этган элчилик сафари кунларида Испан қироли одамлари никоҳ тўйида ҳам иштирок этадилар. Клавихони таомларнинг ҳаддан ташқари мўл-кўллиги жуда ажаблантиради. *«Дастурхонга от гўшти ҳамда кабоб қилиб яхлит пиширилган қўй гўштилари тортилди, – дейди у, – гўшtlарни доира шаклидаги зарҳал чарм суфраларда судраб олиб келдилар. Гўшт шу қадар кўп эдики, суфрани уч юзта одам чор атрофидан тутиб олиб келишди. Улар шовқин-сурон билан подшоҳ ўтирган жойга яқинлашдилар. Кейин гўшtlарни ўз одатларига кўра товоқларга солиб, дастурхонга нонсиз қўйдилар. Гўшт ортилган аравалар, гўшт тўла кажавалар юкланган туялар узлуксиз келиб турар, гўшtlар ерга туширилиб, одамларга тарқатиларди. Йиғилган гўшт уюми қанчалик катта бўлмасин, шу ондаёқ еб тўгалланарди. Гўштхўрлик тамом бўлган, хонтахталар келтирилди. Уларнинг устига тузланган гўшт, гуруч ва бошқа таомлар, ширинлик солиб пиширилган нон қўйилган. Бу вақтда қоронғу тушиб, подшоҳ олдига бир қанча чироқлар ёқиб қўйилди. Шундан кейин улар янада қувонч билан еб-ича бошладилар. Хотинлар ҳам базмда эркаклар сингари фаол ва хурсанд эдилар. Тўйга одамлар узлуксиз келиб турар, гўшт ҳам тўхтовсиз келти-*

риларди. Тўй эрталабгача давом этадигандай туюларди. Бу кеча подшоҳ ўз қариндоши бўлган бир қизни бир қариндошга узатмоқда эди. Элчилар тўй эрталабгача давом этишидан огоҳ бўлгач, хоҳлаган киши туриб кетаётганини кўриб, улар ҳам даврадан чиқиб, ўз қароргоҳларига қараб йўл олдилар. Подшоҳ ва хотинлари тўй базмини давом эттирар эдилар».

Клавихо, тўйга одамларнинг узлуксиз келиб-кетиши ҳақида гапирар экан, чамамда, бунда фақат эркакларни кўзда тутади. Аҳолининг хотин-қизлари эркаклар даврасида қатнашмаган бўлсалар керак. Базмларда асилзода аёллар иштирок этганлар. Никоҳ тўйлари одатга кўра, хотин-халажсиз ўтмаган. Шундай экан, аҳоли хотин-қизларига алоҳида дастурхон тузалган бўлса керак. Клавихо, шубҳасиз, ўзи иштирок этган даврани таъриф у тавсиф этган, холос.

Клавихо, Хонзода Бегимнинг – Соҳибқирон келинининг қариндошларидан бирини уйлантириш тўйи ҳақида гапиргани билдик. Маликаларнинг ҳар қайсисига катта мулклар суюрғол этилган, улар мамлакатнинг ободонлигига ҳисса қўшганлар, масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қурдирганлар, камбағалларга, муҳтожларга хайр-эҳсон, ёрдамлар уюштирганлар, зиёратгоҳларга, қадамжоларга назр-ниёз улашганлар, саховатпешалик расмига амал қилганлар. Масжидларга унумдор ерларни ва мулкларни вақф тариқасида фойдаланишга берганлар. Хонзода Бегимгина эмас, бошқа маликалар ҳам катта тўйлар, базмлар қилишга қодир бўлганлар. 1404 йилнинг 17 октябри куни Сарой Мулк Хоним ҳам саройда катта базм уюштиради. Клавихо, «Сарой Мулк Хоним ушбу базмни ўзига қарашли энг ҳашаматли саропарда чодирларда ташкил этиб, унга турли мамлакатлардан келган элчилардан тортиб ўз аъёнлари, амирлар, аёллар ва бошқа ҳар хил касбдаги кишилардан иборат жуда кўп меҳмонларни таклиф этди, – деб ёзади, – Сарой Мулк Хоним макон тутган ва базм уюштирган маз-

кур саропардани кўнлаб ички кўркам чодирлар безаб турарди. Саропарда оқ ҳамда ранг-баранг матолардан тикланган, уларга ҳар хил гуллар, кашталар ва тимсоллар тикилган эди... Овқатланиб бўлганимиздан кейин эса Сарой Мулк Хоним бизга саропардадаги чодирларни кўрсатишга буюрди. Саропардада чиройли чодирлар кўн эди. Уларнинг орасида ипсиз тикланган беҳад катта ва баланд чодир бор».

Испан элчисининг бу сўзларини ўқиб, мушоҳада этиб, бир хулосага келиш мумкин: Сарой Мулк Хоним ҳақиқатан ҳам бағрикенг малика бўлган экан. Қаранг, у элчилар шарафига уюштирган тўй – базмга аҳолининг деярли барча табақаси вакиллари (ҳар хил касбдаги кишилар) таклиф этилиши шундай хулосага олиб келади. Испан элчилари бошлиғи мамлакатдаги фаровонликни, тўкин сочинликни, табиийки, Амир Темурга – подшоҳга, унинг буюклигига боғлайди. «Темурбек нақадар буюк подшоҳ экани ҳақида ўзингиз ўйлаб кўринг... Бу юрт дон-дун, май, мева-чева, парранда гўшти, бошқа ҳар хил гўшт, қўйингки, ҳамма нарсага бой мамлакатдир. Қўйлари катта, сердумба, жуда йирик бўлади. Думбасини одам қўлда зўрға кўтарадиган қўйлар бор. Сердумбали қўйлар шу қадар кўн ва арзон эдики, подшоҳ лашкари Самарқандга йигилиб келган кезларда бундай қўйлардан бир жуфтининг нархи бир дукат турарди. Бошқа моллар ҳам шу қадар арзон ва бир ярим фанега арпанинг баҳоси ярим реал эди. Нонни сув текин деса бўлади, гуруч эса ҳаммаёқни босиб кетган эди».

Бу эътирофлар ўз-ўзидан вужудга келмаган. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари, энг аввало, Ватанини истибдоддан халос этиш, қўни-қўшниларга ҳам мўғуллар асоратидан омон беришни мақсад қилган ва бунга катта фидоийлик туфайли эришган. Клавихо, Амир Темур ҳазратларининг уч ҳалқали тамғасини дунёнинг уч қисми подшоҳи деган маънони англалади, деб шарҳлайди, Эҳтимол, шундайдир. Соҳибқирон улкан

салтанатни барпо этар экан, фатҳ этилган мамлакатларни фарзандлари, набиралари бошқарувига топширгани ҳолда, ота макони Туронни ўз қўлида қолдиради. Салтанатнинг бутун мулкларига адолат ва ҳимоя жорий этилди. Васиятида айтилганидек, чинакамига «зулмнинг қўли калта қилинади». Шу боис минтақалар, ҳудудлар ривожга юз бурди, Клавихо келиб – кетган йилларда Самарқанд сингари Кеш, Насаф, Андижон, Бухоро, Тошкент, Жиззах обод шаҳарларга айланган эди. Қишлоқларда деҳқончилик тараққий этган, ҳосил мўл-кўл эди. Шундай ривож топган мамлакатда, кучли ва қудратли салтанатда жамиятнинг асоси бўлган оила аҳамияти жуда катта, унинг қадр-қиммати юксак даражага кўтарилган эди. Хотин-қизларнинг чодир у чимматларга ўралмаганлиги, эркаклардан юзларини бекитмаганлиги, шунчаки расмиятчилик эмасди. Туркийлар ислом динини қабул қилган бўлсалар-да, ўзларининг қадимий эркини, Тумарислар давридаги тенглигини бир қадар сақлаб қола олган эдилар. Ибн Арабшоҳ айтади: *«Темур аскарлари ичида аёллар ҳам кўп бўлиб, улар жанг тўс-тўполонлари ва шиддатли тўқнашувларда матонат кўрсатардилар. Улар душман эркакларга қарши туриб, мардонавор уруш қилардилар, жангда найза санчишда, қилич билан зарба беришда ва камондан отишда моҳир эркаклардан кўра ҳам ортиқроқ иш қилардилар»*. Бу фикрга яқин бир гапни Руи Гонсалес де Клавихо ҳам сўзлаган. У, *«подшоҳ Самарқанддан Туркияга ҳарбий юриш қилиб, Дамашқни фатҳ этганда, қўшин билан бирга бориши лозим бўлган кишиларга ўз хотинларини бирга олиб боришлари мумкин, деб фармойиш берган эди. Хотинларини қолдириб кетувчиларга эса истаганча эркинлик берилишини маълум қилади. Подшоҳ ўз душманларига қарши етти йил кураш олиб бориш ниятида шундай қилган эди»*, деб ёзади.

Клавихо, табиийки, Темурбекнинг мўғулларга қарши кураш олиб борган дастлабки йилларда ҳам

хотинини бирга олиб юрганлигини эшитмаган, билмаган. Ўлжой Туркон Ого билан биргаликда курашиш, таъқиблар, қочишлар, жуда қийинчиликлар билан мақсадга етишлар тарихларда етарли даражада ёритилган. Хотин-қизлар шаъни ниҳоятда юксак тугилганлиги Йилдирим Боязиднинг аёлларни ўртага қўйиб, ор-номусга тегадиган хатти-ҳаракатларига берилган муносиб жавобларда, шунингдек, Дамашқни фатҳ этишда юз берган бир воқеа мисолида очиқ намоён бўлади. Ибн Арабшоҳ китобида Дамашқ қалъаларидан бирининг бошлиғи Шиҳобиддин Аҳмад аз-Зардкаш тўғрисида шундай маълумот берилади. Шаҳар истило этилгач, Шиҳобиддин қўлга олинади. «У Темур аскардан сонсиз-саноқсиз ва кўплигидан ҳисоб-ки-тобининг чегараси йўқ халқни қирган эди. Унинг ёши тўқсон атрофида бўлиб, қадди букилиб қолганди. Темур Шиҳобиддинни кўргач, қаҳру ғазаб билан қарши олиб, унга, «сен менинг тобеларимни ҳалок этиб, хизматкорларимни тошбўрон қилдинг ва ҳошияларимни ўлдирдинг. Агар мен сени бир зарба билан ўлдирсам, бу менинг қасосим ташналигини қондирмайди. Сўнгра у Шиҳобиддиннинг тиззасидан юқорисига Дамашқ мезони билан етти ярим ратл (10,5 кг) келади-ган вазнда занжир солиб, бу билан уни қаттиқ жазолашни кўзлади. Шиҳобиддин занжирига «умрбод, абадий» деб ёзилган бўлиб, у токи Темур ўлиб, ёмонликлар кўтарилмагунча шу кишанда давом этди. Кейин ушбу тутқун занжирбанддан халос бўлди, сўнгра у Тангри Таолонинг раҳмати томон вафот топди». Шиҳобиддин Соҳибқирон аскарлари қаторида лашкар таркибида бўлган, ўғруқдаги хотин-қизларни ҳам ўлдирган. Амир Темур улар ўчини олиш учун қаттиқ-қўллик қилишга мажбур бўлади. Мен бу воқеа тўғрисида бошқа тарихлардан бирор ишора, сўз ҳам топа олмадим. Дамашқ учун бўлган жангу жадалларда, хусусан, қалъаларни олишда Соҳибқирон одамларидан ҳам кўп сипоҳийлар, бинобарин, аёллар ҳам ҳалок

бўлган. Буни инкор этиб бўлмайди. Бироқ, Ибн Арабшоҳ буни жуда кўпиртириб, сон-саноқсиз даражага чиқариб қўядики, бунга ишонинч қийин.

Мақсуд Шайхзоданинг Улуғбек Мирзога бағишланган драмасида занжирбанд этилган чол талқини бор. Шоир асарни ёзгунича, Ибн Арабшоҳнинг Шайхобиддин ҳақида ёзганларини ўқиган ва шу асосда персонажни яратган экан.

Дамашқнинг фатҳ этилиши бобида сўз борганда, Соҳибқирон Амир Темурнинг Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) аёлларидан бўлган Умм Салима ва Умм Ҳабибанинг хароб бўлиб ётган қабрлари устига оқ мрамрдан мақбара қурдирганлигини айтиб ўтдим. Ибн Арабшоҳ ҳам буни тан олади ва далилга айрим аниқликлар ҳам киритади. У, «Боб ус-Сағир мақбараларида Темур Пайғамбар – Тангрининг унга раҳмати ва саломи бўлсин – хотинларининг сағанаси устига бирибирига ёндош иккита қубба қурдирди», дейди. Шомий ва Яздий тарихларида Дамашқда Пайғамбаримиз аёллари дафн этилган қабристон номи айтилмаган эди. Ибн Арабшоҳ бунга аниқлик киритиб, Умм Салима ва Умм Ҳабиба оналаримиз кўмилган мазорот Боб ус-Сағир деб аталиши кўрсатади.

Умм Салима ва Умм Ҳабиба руҳларига кўрсатилган иззат-эҳтиром Соҳибқирон Амир Темурнинг умуман хотин-қизларни ҳурматлаганлигини, уларнинг миллатидан, эътиқодидан қатъи назар, эътиборда тутганлигини далолат этади.

Темурий маликалардан Севин Бека – Хонзода Бегим ва Туман оғоларнинг Байтуллоҳга борганлиги, Ҳаж зиёратини адо этганлиги манбаларда эслатилади. Фасиҳ Ҳавофий ўзининг «Мужмали Фасиҳий» асарида 1406–1407 йил воқеалари ҳақида маълумот берар экан, 1406 йилнинг кузида Хонзода Бегимнинг Маккага жўнаганлигини айтади. «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» китоби муаллифи Абдураззоқ Самарқандий ҳам 1406–1407 йилда кечган воқеа-ҳодиса-

лар тўғрисида сўзлар экан, Хонзода Бегимнинг Ҳаж сафари ва шаҳзода Пир Муҳаммад Мирзонинг Исфохон яқинидан қайтиб, Шероз шаҳрига келганлиги ва онаси «Хонзода учун ҳаж йўли керак-яроқларини тайёрлагани» тўғрисида сўзлайди. «Матла»даги бу далил тагин бир маротаба Пир Муҳаммад Мирзонинг онаси Хонзода Бегим (Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг хотини, кейинчалик Амироншоҳ Мирзога никоҳланган) эканлигини тасдиқ этади.

Туман Оғонинг Ҳажга бориши ҳақидаги дарак Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» («Амир Темур тарихи») асарида учрайди. Ибн Арабшоҳ, «Эшитишимча, шу кунларда, яъни 840 (1436–1437) йилда Туман Оғо ҳаж қилишга азм этган», деб ёзади. Бошқа манбаларда бу тўғрида айтилган эмас. Туман Оғо улуг ёш яшаган маликадир.

Давлатчилик тарихи қанча қадимий бўлса, тамаддун тараққийси ҳам шу қадар узоқдан бошланади. Тамаддун равнақи мамлакатда хотин-қизларнинг тутган мавқеи, тенглик даражаси, умум ишларига иштироки, давлат бошқарувидаги ўрни ва ҳуқуқлари билан белгиланади. Мен, Амир Темур ҳазратлари ва Темурийлар ҳукм сурган даврда хотин-қизлар ундай эди, бундай эди, деб мақтовлар келтиришдан узоқман. Ушбу китобда имкон даражасида бу муаммога ечим бўлиши мумкин бўлган далиллар айтилди. Хотимада яна уларга қайтиш зарурати йўқ. Асарни ўқиган, мутолаа қилган киши бунга жавоб излаб қўради, маълум хулосаларга келади.

Ўттиз асрдан кўпроқ даврни қамраган тарихимизда Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари асос солган хонадон салтанатда қарийб беш асрга яқин бардавом бўлди. Бу жуда катта муддат. Бундай тақдир жаҳон давлатларида ҳукм сурган камдан-кам сулолаларга насиб этган бўлиши мумкин. Бир шахсдан ўргиган авлодларнинг шажараси, давомийлиги, айни вақтда, улар мансуб бўлган миллатнинг фаол ўтмиши бўлиб,

унда нафақат сиёсий, ижтимоий, маданий жабҳалар, шунингдек, оилавий муносабатлар, турмуш тарзи, феъл-атвор, менталитет, қариндош-уруғчилик, удумлар, қуда-андачилик, бир сўз билан айтганда, узоқ асрлар давомида шаклланган ва ҳаётга сингиб кетган қадриятлар ҳам ўз тажассумини топган бўлади. Амир Темур ҳазратлари ва Темурийлар тарихига доир XV асрдан ҳозирга қадар жуда кўпгина асарлар яратилди. Бироқ улар яшаган даврлардаги элимизнинг ҳаёт кечириш тарзи, оила ва оилавий муносабатлар тарихи яхлит ҳолда ўрганилмади. Ҳар қандай тузумни, жамиятни оилавий муносабатлар тутган ўринни белгиламай туриб, ижобий ёхуд салбий дея баҳолаш мушкул. Лекин расмий тарихларда асосий урғу сиёсий воқеа-ҳодисаларга қаратилади ва биз кўзда тутаётган мавзу деярли ёритилмайди. Бахтимизга XIV – XVI асрлар (аниқроғи, XIX аср охирларигача) оилавий муносабатлар кечмишини шу асрларнинг етакчи хонадони бўлган Амир Темур ва Темурийлар сулоласи мисолида тиклаш ва гавдалантириш имконияти етарли, дейишим жоиз бўлади. Камина муаллиф «Амир Темур сулоласи» китобимда бунга қанчалар муваффақ бўлдим, ҳакам, баҳо бергувчи қадрли ўқувчимдир.

Мавжуд манбаларга ҳолис ва ҳалол ёндашишни бурчим деб билдим. Кўпдан ўрнашиб қолган, асоси пуч бўлган қарашларга танқидий баҳо беришга интилдим. ҳеч кимдан махсус хато изламадим, ўзим эса камчиликларга йўл қўймадим, деган фикрдан жуда йироқман. Мақсадим, Соҳибқирон ҳам, унинг фарзандлари, набиралари, маликалар ҳам сиз билан бизга ўхшаган одамлар бўлганлигини, уларнинг ҳам қувони ва ташвишлари кам эмаслигини, ҳатто, ниҳоятда кўпчилигини, барча муаммоларни, аксар одамлардан фарқли ўлароқ, ҳамжиҳат, ақл-идрок, тантилиқ, баҳодирлик, қўрқмаслик фазилатлари билан ҳал қила олганликларини ҳаётий – воқеий мисоллар асосида тадқиқ этиш эди. Бир нарсага амин бўлдимки, кўпга бош бўлишни

Аллоҳ Таоло белгилар экан. Ҳокимиятни зўрлик билан олганлар ҳеч қачон узоққа бора олмаган. Аллоҳ танлаган Зот ўз халқининг донишмандлигини, куч-қудратини, бағрикенглигини ўзида мужассам қилар экан. Бу хусусиятларсиз, мамлакат тугул, оддий бир оилани уддалаш ҳам қийин бўларкан.

Соҳибқирон Амир Темур тақдир ва давр танлаган ҳукмдор эди. Унинг сиёсат юритиши бир сира, оила – хонадон фаолияти иккинчи сира. Мен шу ҳақда сўз юритдим, тадқиқим натижаларини сизга илиндим. Қусур ва нуқсонлар учун маъзур тутгайсиз. Китоб манзур ва мақбул тушса, унинг давомини ҳам Ҳақ насиб этади, деб умид қиламан, иншоаллоҳ!

Апрел – октябр, 2012 йил.

Қарши шаҳри.

ТАМОМ

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----|
| Оила тарихидан | 11 |
| Оиланинг тамал тоши | 14 |
| Оила: тўрт устунлик ва тўрт фазилат уйғунлиги | 18 |
| Муҳаммад Тарағай хонадони | 26 |
| Қутлуғ Туркон оғо оиласи | 33 |
| Ширинбека оғо оиласи | 45 |
| Амир Темурнинг оилавий ҳаёти | 50 |
| Соҳибқирон ҳарами | 63 |
| Катта малика | 73 |
| Маликалар | 84 |
| «Лой жанги» ғолибининг қизи | 94 |
| Малика Тумон оғо қиссаси | 99 |
| Сўнги малика | 112 |
| Умаршайх Мирзо авлоди | 126 |
| Кечиккан тўй ёхуд биринчи валиаҳд | 145 |
| Иккинчи валиаҳд | 171 |
| Учинчи валиаҳд | 188 |
| Шаҳзодалар ҳам йиғлайдилар | 208 |
| Келинлар Хонзодаси | 227 |
| Амироншоҳ Мирзони кўрган ажнабий | 249 |
| Ортдан отилган тухмат тоши | 266 |
| «Асл мақсад номусу номни сақлашдир» | 273 |
| Маликалар кушандаси | 301 |
| Соҳибқирондан сўнг | 329 |
| Муқаррар хорлик | 355 |
| Халоскор | 378 |
| Турон, Эрон ва Хуросон чорраҳаларида | 430 |
| Қўшалоқ тўйлар, қудалар | 445 |
| Ўтлар орасидан йўл топиб... .. | 453 |
| Офият ва тараққиёт | 468 |
| Отадан ўтган бағрикенглик | 475 |
| Ҳирот ташрифиди | 478 |
| Чакки босилган қадамлар | 480 |
| Эътиқод ва қадр | 483 |
| Меҳр-оқибат ришталари | 484 |

| | |
|---------------------------------------|-----|
| Соҳибқирон қўли, деб..... | 489 |
| Она дийдори | 494 |
| Хонадонга садоқат | 499 |
| Манглайдаги ажинлар | 512 |
| Гавҳаршод ого ва бошқалар | 521 |
| Тупрокқа тўкилган майлар | 536 |
| Аниқ қилинмаган валиаҳдлик | 542 |
| Охирлаётган ва бошланаётган йўл | 545 |
| Халқчиллик сиёсати | 562 |
| Мангулик ва манфурлик қиссаси | 565 |
| Зарурий гаплар ёхуд хотима | 630 |

Адабий-бадний нашр

ПОЁН РАВШАНОВ

**АМИР ТЕМУР
СУЛОЛАСИ**

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Бадний муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусаҳҳиҳ
Шоҳмалик ПОЁНОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 10.12.2013 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 20,375. Шартли босма тобоғи 34,23.

Гарнитура «Bookman Cyp+Uzb». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 268.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

Лицензия рақами: АІ № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru

Марсель Брион

МЕНКИМ, СОҲИБҚИРОН – ЖАҲОНГИР ТЕМУР

Бичими 84x108 1/32, 572 бет

Қаттиқ муқова.

Француз темуршунослари ёзган асарлар жавонида профессор Марсель Брионнинг китоблари алоҳида ўрин тутади. Жумладан, унинг сиз, азиз китобхонларга тақдим этилаётган китоби Амир Темур тўррисида ёзилган асарлар орасида мукамаллиги билан ажралиб туради. Мазкур китоб Соҳибқироннинг дунёга келишидан то вафотига қадар бўлган даврни қамраб олиб, воқеалар Амир Темур номидан ҳикоя қилинади.

Ушбу асарнинг довуғи, дунёга ёйилишининг боиси, Жаҳонгир бобомиз шахси, унинг ҳаёти, фаолияти, сиёсий ва ҳарбий соҳаларда тутган йўлига оид бой, хилма-хил маълумотларни ҳам ўз ичига олганидир. Зеро, бундай муфассал маълумотлар Амир Темур тарихидан сўзловчи бошқа насрий манбаларда кам учрайди. Муаллиф асарни ўзгача иштиёқ ва қунт билан содда услубда ёзганига амин бўласиз.

Юнус Ўғуз

АМИР ТЕМУР

Бичими 84x108 1/32 588 бет.

Қаттиқ муқова.

Таниқли Озарбайжон ёзувчиси, кўпгина тарихий асарлар муаллифи Юнус Ўғузнинг «Амир Темур» номли ушбу икки китобдан иборат диалогиясининг «Юксалиш сари» деб номланган биринчи китобида Соҳибқирон Амир Темур ҳаётидаги энг муҳим нуқталар – унинг Ҳиндистонга юриш қилиб, бу мамлакатни забт этиши, «Дунёнинг ҳокими» деб номланган иккинчи китобида эса Амир Темурнинг Кичик Осиёга юриш қилиб, бир қатор мамлакатларни ўз иттипатига киритиши, жумладан, бу ҳудуддаги энг қудратли ҳукмдор бўлган, Оврўпога катта хавф солиб турган турк султони Йилдирим Боязид устидан ғалаба қозониши ва дунёнинг ҳокимига айланиши юксак бадиий маҳорат билан тасвирланади.

Асар асл тарихий манбаларга асосланган бўлиб, унда Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган буюк ўрни, инсоният тамаддунидаги улкан хизматлари ҳаққоний ёритиб берилган.

Мушфиқ Козимий
“ҚЎРҚИНЧЛИ ТЕҲРОН”

Бичими 84X108 1/32

632 бет.

Қаттиқ муқова

Мазкур асар икки китобдан иборат бўлиб, унда ўтган аср бошларидаги воқеалар қаламга олинади. Орадан йиллар ўтган бўлса-да, ундаги ғоялар, ўлмас туйғулар, орзулар ва армонлар занжири ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мушфиқ Козимий қаламига мансуб асар оламига ошуфта бўлинг, азиз китобхон.

Умар Сайфиддин
“БАДАЛ”

Бичими 84X108 1/32

248 бет.

Қаттиқ муқова.

Она юрт меҳри, Ватан ишқи, ватанпарварлик туйғуси инсондаги энг гўзал, уни улурлайдиган фазилатлардандир. Ватанни севмоқ имондан бўлгани сингари, уни асрамоқ, ҳимоя қилмоқ ҳам имондандир. Умар Сайфиддиннинг қатор ҳикояларини ўқиган китобхон миллий бирлик, маънавий-руҳий бирдамлик ватан тақдирида нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини англаб етади.

Рабиндранат Тагор
“НУР ВА СОЯЛАР”

Бичими 84X108 1/32

256 бет.

Юмшоқ муқова.

Дунёда ҳар бир халқнинг адабиёт чўққисини забт этган, эл ардоқлаган улуг сиймолари бор. Ҳинд миллатининг шундай фарзандларидан бири Рабиндранат Тагордир. У ўзининг ўткир қалами билан миллатини уйғотиш, юртини хур ва озод кўриш учун курашди. Асар қаҳрамонлари юртдошлари – оддий, илмли, бой, амалдорлар, шунингдек, мустамлакачилар. Уларга ортиқча юк юкланмаган, барчаси ўз характери, ўз тили билан сўзлайди. Муталаани тугатгач, чуқур мушоҳадага толасиз, куласиз, йиғлайсиз.

Рашод Нури Гунтекин

“ЧОЛИҚУШИ”

Бичими 84X108 1/32

458 бет.

Қаттиқ муқова.

Муҳаббат мавзусига бағишланган асарларни миллати ва динидан, ёшидан қатъи назар, барча бирдек севиб, кўзига ёш олиб, қаҳрамони тақдирига ўзини ҳамдарад қилиб ўқийди. Рашод Нури Гунтекиннинг машҳур “Чолиқуши” асарини ҳам худди шундай ҳиссиёт билан қўлга оласиз. Унда бу туйғу ўзининг бутун қудратини биргина ожиза – Чолиқуши тимсолида яққол гавдалантириб беради.

А.Дюма

“ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО - 1, 2”

Бичими 84x108 1/32

696 бет

Қаттиқ муқова

Икки китобдан иборат асарнинг бош қаҳрамони Эдмон Дантес – Монте Кристо “Иф” қалъасидан халос бўлгач, разолат ботқоғига ботган инсонларни зўр матонат, ақл-идрок билан фош этади. Жазо ҳам, мукофот ҳам Аллоҳнинг иродаси билан инсон тириклигидаёқ уни бенасиб қолдирмаслиги асар ниҳоясида акс этади, фақат, Граф таъкидлаганидек, “кутмоқ ва умид қилмоқ керак”.

Жеймс Жойс

“УЛИСС САРГУЗАШТААРИ”

Бичими 84X108 1/32

380 бет.

Қаттиқ муқова

Тасаввур. Тафаккур. Инсоннинг фақатгина ўзига тегишли бўлган бу “манба” биттагина китоб мутолааси ва ундан кейин пайдо бўладиган мулоҳазалардан кейин ўзгариши мумкин. Эътиборингизга ҳавола этилаётган дунёнинг машҳур романи мутолаасидан сўнг ҳам шундай хулосага келишингизга амин-миз.

Пауло Козло
“АЛКИМЁГАР”
Бичими 84X108 1/32
184 бет.
Юмшоқ муқова.

Ўз тақдиримиз ўз қўлимиздами? Мисни олтинга айлантирадиган Алкимёгар, умумбашар тили, тақдир тошлари аслида мавжудми? Орзулар, муҳаббат бу йўлда бизга ёрдам берадими ёки аксинча... Асар мана шулар ҳақида рамзий бир шаклда ҳикоя қилади.

Пауло Козло
“ПОРТОБЕЛЛО ЖОДУГАРИ”
Бичими 84X108 1/32
232 бет.
Юмшоқ муқова

Кўп асрлардан бери инсонларни ўйлантириб келаётган мавзулар қарама-қаршилиги – севги ва нафрат, уруш ва тинчлик, тақдир ва башорат ушбу китобда ўзгача талқин этилган. Асар қутилмаган тасодифларга, ғайритабиий ҳодисаларга, сеҳр-жоду сирларига тўла.

Пауло Козло
“ИБЛИС ВА ПРИМ ХОНИМ”
Бичими 84X108 1/32
148 бет.
Юмшоқ муқова

Иблис келиб-кетиши мумкин, унинг ташрифидан кимнингдир азият чекиши шарт эмас. Улар тинимсиз дунё кезадилар: баъзида шунчаки нималар содир бўлаётганини билиш, гоҳида иймонли инсонларни имтиҳон қилиш учун. Лекин Иблислар жуда ўзгарувчан бўлишади, кучли рақиблар билан курашишдан иштиёқи ортиб, мантиқсиз қарорлар қабул қиладилар.

Агата Кристи
«ЎФИРЛАНГАН МИЛЛИОН ДОЛЛАР»
Бичим 84X108 1/32
112 бет.
Юмшоқ муқова

Қўлингиздаги китобда детектив жанрининг қироличаси номини олган ёзувчининг энг қизиқарли ҳикояларидан бештаси танлаб олинган. Ушбу ҳикоялар бир-биридан қизиқарли, сирлилиги билан китобхон эътиборини тортади.

Жеймс Хэдди Чейз
“СЕЙФДАГИ ПУЛЛАР”
Бичим 84X108 1/32
224 бет.
Юмшоқ муқова

Ҳаммаси сейфни очишдан бошланди. Пулга муҳтожлик, бойликка ўчлик, нафс балоси жиноятга йўл очиб берди. Жиноятга эса жазо тайин. Ҳа, биргина ножўя қадам ҳаётингни остин-устун қилиб ташлаши мумкин. Зотан, хатоларингни англаб, тўғри йўлдан юраман, десанг-да, ана шу илк қадам ҳаётингга соя солиб туради. Бу қилмишинг кейинги ноҳуш воқеа-ҳодисалар учун дебоча бўлади. Яна сейф, яна пуллар, яна жиноят. Не тонгки, ҳаётингга янги кириб келган инсонлар ҳам жиноятга ундайдилар. Орзу-хаёллар, яхшиликка интилиш, изтироблар, муҳаббат ва хиёнат, эски дўстликнинг битмас жароҳатлари...

Владимир Искун
Таржимон Тоҳир Малик
“НОМУС ВА АЖАЛ”
Бичим 84X108 1/32
152 бет.
Юмшоқ муқова

Муҳаббатнинг оғир синовлари ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу қисса ҳар қандай ёш йигит-қизнинг қалбини ларзага солиши шубҳасиз. Золийхон ва Урусхоннинг муҳаббати, тақдири китобхонни бир зум хаёллар гирдобига улоқтиради. Мутолаа давомида севишганлар тақдирини яна бир карра ўйлаб кўриш имконияти пайдо бўлади.